Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Дилнавоз Юсупова

АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИДА МАЗМУН ВА РИТМНИНГ БАДИИЙ УЙҒУНЛИГИ

***

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

***

ҒАЗАЛЛАР ШАРҲИ

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров, Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева, Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов, Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов, Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов, Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

ДИЛНАВОЗ ЮСУПОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИДА МАЗМУН ВА РИТМНИНГ БАДИИЙ УЙҒУНЛИГИ



Волидаи муҳтарамам ***Саидахон Орифжон***
қизларининг руҳи покларига бағишлайман

КИРИШ

Кейинги йилларда ўзбек шеършунослигида бадиий асар поэтикасини янгича тамойиллар асосида ўрганиш, адабиётнинг поэтик унсурларини тарихийлик, қиёсийлик, ўзаро таъсир ва акс таъсир, объективлик, синкретизм тамойиллари асосида ўрганиш ривожланаётган бўлиб, бадиий асарнинг бош ва бирламчи мезони – шакл ва мазмун уйғунлиги масаласини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шакл ва мазмун муносабати аслида "...минг йиллардан бери мусулмон Шарқида мавжуд бўлган, ўзининг ибтидосини барча мўъжизотларнинг шарҳи ҳисобланган Қуръони каримдан олган ва исломий-тасаввуфий фалсафа тараққиёти ҳамда бадиий тафаккур тадрижи билан бу муносабат тараққий этиб, жорий мушаккал бир илмий тизимга айланган"[1].

Шакл ва мазмун бирлиги масаласи ўрта асрлардаёқ Мусулмон Шарқи мумтоз поэтикасида муҳим аҳамиятга молик масалалардан бўлиб, араб олимларидан ал-Жахиз, ибн Қутайба, Салаб, Ибн ал-Мутазз, Қудама ибн Жаъфар, Ибн Таботаба, Ибн Рашиқ, ал-Журжоний, форс-тожик адабиётшунослари Умар Родуёний, Шамсиддин Қайс Розий, Носируддин Тусий, Рашидиддин Ватвот, Атоуллоҳ Ҳусайний, Воҳид Табризий, туркий адабиёт вакиллари Шайх Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг асарларида кенг ва атрофлича баён қилиб берилган[2].

Шеърий нутқнинг етакчи унсурларидан бири ритм ҳисобланиб, у шакл ва мазмунга бевосита дахлдордир. Чунки ритм шеърий асардаги мисраларнинг маълум бир оҳанг асосида такрорланиб келиши бўлиб, асар мазмуни билан муносабатга киришади. "Шеърий ритм шеър яратувчининг ҳис ва туйғуларини ўзига хос бир тарзда ифодалашга ёрдам берувчи нутқ ҳодисасидир... Айрим ҳолларда у ёки бу ритм асосида яратилган шеърий асарлар ўта даражада таъсирчан чиққанлиги учун шу ритм бошқа ижодкорлар учун мезон вазифасини ўташи мумкин. Натижада, мазкур ритм аста-секин анъанавийлик касб этади. Шарқ хамсачилиги, рус элегиячилиги, халқ достонларидаги шеърий парчаларнинг турлича тасвирий ҳолатлар билан боғлиқлиги юқоридаги фикрни тўла тасдиқлайди"[3].

Шеърий ритмни ҳосил қилувчи асосий унсурлардан бири вазн бўлиб, у "назмдаги сатрларга ягона усул (ритм) бағишлайди"[4].

Мумтоз адабиётимиз асарларининг ритм-маром хусусиятларини тадқиқ этиш шоирларимизнинг ҳар бир шеърда асардаги ғоя ва образга мувофиқ вазн танлаганларидан дало-

---

[1] Болтабоев Ҳ. Шакл ва маъни муносабати // Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 83.

[2] Бу ҳақда қаранг: Куделин А.Б. Проблемы формы и содержания в средневековой арабской литературной теории // Средневековая арабская поэтика. – М.: Наука, 1983. – С.124-165; Мусульманкулов Р. О форме и содержании // Персидско-таджикская классическая поэтика. – М.: Наука, 1989. – С. 140-157; Болтабоев Ҳ. Юқоридаги асар. – Б. 77-84.

[3] Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Ритм // Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 258.

[4] Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 3.

лат беради. “Чунончи, ҳаёт ва жамият, инсон ва муҳаббат, шоир тақдири, ҳижрон аламлари ҳақидаги теран фалсафий мушоҳадалар вазмин, салобатли вазнлар воситасида ифодаланса, маҳбуба тавсифи, ошиқнинг эҳтиросли кечинмалари енгилроқ, жозибадор оҳангдаги байтларда мужассамлантирилади, вафо ва садоқат тантанаси эса шўх ва ўйноқи ритмга асосланган мисраларда тараннум этилади”[1].

Ритм ва мазмун муносабати масаласи эпик поэзияни ўрганиш негизида ҳам аллақачонлар кун тартибига қўйилиши зарур бўлган масалалардан биридир. Шеърий ритмнинг асосини вазн ташкил қилишини ҳисобга олган ва классик адабиётда аруз вазни устувор эканлигини назарда тутган ҳолда, аруз тизимидаги вазнларнинг классик эпик поэзиядаги, хусусан, Навоий “Хамса”сидаги ўрни, уларнинг қўлланилиш даражаси, индивидуалликдан анъанавийликка ўтиши, ритмик вариациялар, уларнинг асар матни билан муносабати, қофия, радиф ва мазмун мутаносиблиги, вазн ва урғу муносабатлари, урғу ва мазмун муштараклиги каби қатор масалаларни монографик планда махсус тадқиқ этиш бугунги адабиётшунослик учун долзарб муаммолардандир.

Аслида ритмни шеърий нутқнинг асоси сифатида ўрганиш анча қадим даврларга бориб тақалади. Антик давр адабиётидаёқ ритмга поэтиканинг асосий бирлиги сифатида қаралган. Аристотелнинг “Поэтика” асарида поэзиянинг пайдо бўлишида гармония ва ритм асосий манба бўлганлигига доир фикрлар келтирилса, Марк Туллий Цицерон, Квинт Гораций Флакк каби олимларнинг асарларида шеърий ўлчовнинг асар мазмуни билан боғлиқлиги масаласига тўхталиб ўтилган. Горацийнинг фикрича, шоирнинг антик шеър ўлчовларидан қай бири ҳайрат ёки ширин орзулар ифодасига, қай бири эса шиддатли жанг-жадаллар тасвирига мос эканлигини фарқлай билиши талаб этилади, ҳамма нарса ўз ўрнида бўлиши керак: комедияга фожиавий оҳанг мос бўлмаганидек, улуғвор нарсаларни жўнгина, комедияга хос оҳанг ва шеър билан куйлаш ҳам маъқул эмас [2].

Мумтоз адабиётшунослигимизда гарчи ритм алоҳида ҳодиса сифатида қайд этилмаган бўлса-да, арузга оид манбаларда “мулойим ва хушоянда”, “равон”, “руҳпарвар”[3] оҳангга доир фикрларнинг берилиши арузшуносликда ритм ва вазнга яхлит ҳолат сифатида қаралганликни кўрсатади. Хусусан, Абу Наср Форобий, Носируддин Тусий, Шамсиддин Қайс Розий, Сайфий Бухорий, Шайх Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг аруз вазнига доир ишларида вазнни тадқиқ этиш баробарида шеърий асар ритми билан боғлиқ мулоҳазалар ҳам баён қилинган[4].

Ритм назариясини ўрганувчи фан – ритмиканинг вужудга келиши XX аср бошларига тўғри келади. Ушбу фаннинг шаклланиши шоир ва олим Андрей Белий номи билан боғлиқ. Белийнинг фикрича, “шеърият ва бадиий проза орасида чегара йўқ, вазнлилик яхши прозанинг характерли хусусиятидир ва ушбу вазнлилик охир-оқибат метрика – шеърий ўлчовга яқинлашади” [5]. Бунда Белий Пушкин ва Гоголнинг насрий асарларида шеърий нутқни ташкил қилувчи унсурлардан бири – туроқ (стопа)нинг муайян ўринларда такрор-

---

[1] Ҳожиаҳмедов А. Фурқат арузи // Фурқат ижодиёти. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 83.
[2] Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Т.: Фан, 2008. – Б.25.
[3] Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. – Тошкент: Фан, 2000. Т.15. – Б. 92-94.
[4] Форобий Абу Наср. Шеър санъати. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979; Насируддини Туси. Меъёр-ул-ашъор. – Душанбе: Ориёно, 1992; Шамси Қайс Розий. Ал-мўъжам. – Душанбе: Адиб, 1991; Сайфй. Арузи Сайфй. – Калькутта, 1872; Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. – Тошкент: Хазина, 1996; Навоий Алишер. Мезон ул-авзон. МАТ. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 15; Бобир. Мухтасар. – Тошкент: Фан, 1971.
5Томашевский Б.В. Стих и язык // Теория литературы. Поэтика. – М. – Л.: Художественная литература, 1959.

ланиш ҳолатини асос қилиб олади. Белийнинг ўзи кейинчалик яратган насрий асарларда ҳам 6 ва 7 рукнли дактилнинг маълум бир қонуният асосида қўлланилганлигини кўрамиз.

Б.В.Томашевский ўз тадқиқотида А.Белийнинг туроқ билан боғлиқ назариясини танқид қилиб, насрда баъзан туроқлар комбинациясининг мавжуд бўлиши табиий ҳолат, "дактилли хорей" ва "ямбли анапест" ўлчовларининг пайдо бўлиши рус тилидаги бир бўғинли ва икки бўғинли урғусиз туроқларнинг урғулар орасида устувор бўлиши билан боғлиқ деб ҳисоблайди. У насрий ритмнинг вужудга келиши муайян бўғинлар миқдорининг етакчилик қилиши билан белгиланади деган фикрни билдиради ва Пушкиннинг "Пиковая дама" асари мисолида ўз фикрини далиллашга уринади.

Ритм назарияси билан боғлиқ фикрлар В.М.Жирмунскийнинг "Теория стиха" тадқиқотида анча батафсил баён қилинган. В.Жирмунский юқорида санаб ўтилган олимларнинг бадиий асар ритми билан боғлиқ фикрларига ўз муносабатини билдирар экан, даставвал "насрнинг табиий ритми" ва "ритмик проза" тушунчаларини бир-биридан фарқлаш кераклигига эътиборни қаратади. В.Жирмунскийнинг фикрича, насрнинг "табиий ритми" кучли ва кучсиз (урғули ва урғусиз) нутқ товушларининг тартибсиз жойлашуви билан характерланади ва шуниси билан метрик ташкил қилинган, яъни кучли ва кучсиз бўғинларнинг муайян қонуниятига асосланган шеърий нутқдан фарқ қилади. Ритмик проза эса эркин шеър сингари бир қанча хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Шеърий ритмда метрик ташкил қилинганлик, яъни вазнлилик бирламчи ҳолат касб этади, ритмик-синтактик параллелизмлар, лексик такрорлар (масалан, анафора), товуш билан боғлиқ такрорлар (масалан, ассонанс, аллитерация) ва шу каби элементлар ёрдамчи воситалар ҳисобланади. Насрий ритмда эса метрик ташкил қилинганлик иштирок этмагани ҳолда ана шу ёрдамчи воситалар биринчи планга чиқади[1].

Шунингдек, яна рус олимларидан М. Гаспаров, Л. Тимофеев, Г.Шенгели, Б. Холшевников, М. Харлап, Ю. Лотман, С. Шервинский, М. Гиршман, Д.Фролов, қардош олимлардан Б.Сирус, С.Давронов, У.Тоиров, М.Хамраев, А.Джафар, Х.Усмонов, М.Бакиров, И.Стеблева, З.Ахметовнинг ишларида ҳам шеър ритми ва назариясига доир фикрлар келтирилади[2].

Ритм, унга боғлиқ ҳолда вазн назариясига доир фикрлар ўзбек шеършуносларининг тадқиқот ва илмий мақолаларида ҳам атрофлича баён қилиб берилган. Хусусан, Фитрат, А.Саъдий, С.Мирзаев, И. Султон, Ш.Шомуҳамедов, А.Қаюмов, У.Тўйчиев, А.Рустамов, А.Ҳо-

---

[1] Жирмунский В.М. Кўрсатилган асар. – Б. 575.

[2] Қаранг: Гаспаров М. Современный русский стих. Метрика и ритмика. – М.: Наука, 1974; Холшевников В. Основы стиховедения. Русское стихосложение. – Л., 1962; Холшевников В. Теория стиха (сборник статей). Л.: Наука, 1968; Холшевников В. Исследования по теории стиха (сборник статей). – Л.: Наука, 1978; Лотман Ю. Лекции по структуральной поэтике. – Tartu, 1964; Шенгели Г. Техника стиха. – М.: Гослитиздат, 1960; Харлап М. Ритм и метр в музыке устной традиции. – М: Музыка, 1986; Шервинский С.В. Ритм и смысл. – М.: Наука, 1961; Гиршман М. Ритм художественной прозы. – М.: Советский писатель, 1982; Фролов Д. Теория аруда: просодия и ритм // Проблемы арабской культуры (сборник статей). – М.: Наука, 1987; Фролов Д.В. Классический арабский стих : История и теория аруда. – М.: Наука, 1991; Сирус Б. Арўзи точикй. – Душанбе: Нашрдавточик, 1963; Давронов С. Омўзиши вазни шеъри точик. – Душанбе: Маориф, 1992; Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам. – Душанбе: Маориф, 1991; Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии: АДД. – Душанбе, 1997; Хамраев М. Основы тюркского стихосложения. – Алма-Ата: Издательство АН, 1963; Хамраев М. Очерки теории тюркского стиха. – Алма-Ата, 1969; Джафар А. Теоретические основы аруза и азербейджанский аруз. АДД. – Баку, 1968; Усманов Х. К характеристике ритмического строя тюркского стиха // Народы Азии и Африки, 1968; Бакиров М. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований. – Казань, 1972; Стеблева И.В. О проникновении арабо-персидских метров в тюрко-язычную поэзию. – М.: Наука, 1964; Стеблева И.В. Ритм и смысл в классической тюркоязычной поэзии. – М.: Наука, 1993; Ахметов З.А. Казахское стихосложение. – Алма-Ата: Наука, 1964.

жиаҳмедов, Т.Бобоев, С.Ҳасанов, Ҳ.Болтабоев, М.Олимов, Д.Ражабовнинг вазн назарияси ва мумтоз шеърият таҳлилига оид тадқиқот ва мақолаларида биз ўрганаётган мавзуга доир фикрлар келтирилган[1].

Юқоридаги ишларда Алишер Навоий "Хамса"си достонларининг ритм хусусиятлари ва уларнинг мазмун билан уйғунлиги масаласи яхлит тадқиқот сифатида таҳлил этилмаган эди. Шу маънода биз ушбу тадқиқотимизда қуйидаги масалаларни ҳал қилишни мақсад қилиб қўйдик:

- вазнни шеърий ритмни вужудга келтирувчи бош омил сифатида ўрганиш ва эпик поэзия, хусусан, "Хамса" достонлари мавзуларининг вазн билан мутаносиблиги масаласини тадқиқ қилиш;
- ритмик вариацияларга эга бўлган хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазнларининг Навоий "Хамса"си достонларидаги ўрнини кўрсатиш ва ритмик вариацияларнинг достонлар сюжети тизимидаги воқеалар ривожи, қаҳрамонлар руҳий ҳолатига мос тарзда ўзгариши сабабларини ўрганиш;
- Навоий "Хамса" си таркибига кирган достонлардаги радиф, қофия ва мазмун уйғунлигини ўрганиш;
- аруз вазнининг фақат квантитатив (чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг алмашиниб келишига асосланадиган) эмас, балки квалитативлик (урғуга асосланадиган) хусусиятларига ҳам эга система эканлигини рукнлардаги урғулар ўрнига кўра асослаш;
- урғунинг ритмни вужудга келтиришдаги аҳамиятини кўрсатиш ҳамда вазн ва урғу муносабатини достонлар матни билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш;
- Навоий "Хамса"сида ритмик урғу ва мазмун мутаносиблигини тадқиқ қилиш.

---

[1] Fitrat R.R. Aruz haqida. – Taskent: Fanlar komiteti nasriyati, 1936; Мирзаев С. Навоий арузи, Филол. фан.ном.дисс…автореф. – Тошкент, 1996; Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Шомуҳамедов Ш.М. Форс-тожик арузи. – Тошкент: ТошДУ, 1970; Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985; Тўйчиев У. Арузшуносликка доир. – Тошкент: Фан, 1978; Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Тошкент, 1972; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Тошкент: Шарқ, 1998; Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Тошкент: Фан, 2006; Ҳасанов С. Бобирнинг "Аруз рисоласи". – Тошкент: Фан, 1981; Хасанов С. Роман о Бахраме. – Ташкент: Литература и исскуство, 1988; Ҳасанов С. Навоийнинг 7 туҳфаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991; Болтабоев Ҳ. Мумтоз шеър тузилиши ва унинг метрик асослари // Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.159-171; Болтабоев Ҳ. Рисолаи аруз ва аруз ҳақида // Мумтоз сўз қадри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2004; Аъзамов А. Аруз: Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сабоқлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006; Олимов М. Рисолаи аруз. – Тошкент: Ёзувчи, 2002.

БИРИНЧИ БОБ
ВАЗН – ШЕЪРИЙ РИТМНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Шеърий ритм бу бадиий асардаги бир-бирига мутаносиб бўлакларнинг маълум бир вақт ичида муайян ўлчов асосида такрорланиб келиши бўлиб, “Адабиётшунослик терминлари луғати”да ритмга шундай таъриф берилади: “Ритм шеърий нутқдаги муайян, бир-бирига монанд кичик бўлакларнинг изчил ва бир ўлчовда такрорланиб келиши”дир[1].

Иззат Султонов “шеърий асарда мисраларнинг бир ўлчовли, бир ҳажмли бўлиб келишини ритм” деб атайди ва бунда вазнни ритмнинг конкрет шеърий асардаги кўриниши деб ҳисоблайди. У.Тўйчиев ритмни вужудга келтирувчи унсурлар сирасига бўғин, рукн, вазн, ритмик пауза ва туркумни киритади. Т.Бобоев эса ритмни вужудга келтирувчи асосий унсурни вазн деб ҳисоблаб, вазннинг ўзи бўғин (ҳижо), туроқ, туркум, пауза, урғу[2] каби унсурлардан пайдо бўлади, деб таъкидлайди[3]. А.Рустамовнинг фикрича, вазн назмдаги сатрларга ритм бағишлайдиган ҳодиса бўлиб, вазннинг ўзи бўғин, туроқ, урғу ва овоздан ҳосил бўлади[4].

И.Стеблева XV-XVI асрлардаги туркий шеърият, хусусан Лутфий, Навоий ва Бобур шеърларидаги ритмнинг мазмун билан муносабати масаласини ўрганар экан, ритмни ҳосил қилувчи унсурлар сифатида вазн, қофия ва радифни санаб ўтади ҳамда ҳар учала унсурнинг алоҳида ҳолатда мазмун билан муносабати масаласига эътибор қаратади. Унинг фикрича, “...поэтик системанинг компонентлари: вазн, қофия ва радиф ҳар бир шеърий асарда ягона мазмун тизимининг мавжуд бўлишини таъминлайдиган кўрсаткичлардир”[5].

Юқоридаги таснифларни инкор этмаган ҳолда арузий матнга асосланган шеърий ритм вазн, қофия, туркум ва урғу каби унсурлардан иборат, вазннинг ўзи эса бўғин, рукн ва ритмик пауза кабилардан ташкил топади деган фикрни айтиш мумкин[6].

Агар бевосита эпик поэзиядаги ритм масаласига тўхталадиган бўлсак, мазкур тасниф бир оз кенгаяди. Эпик поэзия намуналари ўзаро қофияланувчи иккилик банд – маснавийда яратилишини ва бу ҳолат мазкур асарлар учун муайян қонуният даражасига кўтарилганлигини ҳисобга олсак, ритмни ҳосил қилувчи унсурлар вазн, ритмик вариациялар, радиф, қофия, шеърий санъатлар ва урғу эканлиги маълум бўлади. Дастлаб ушбу унсурлардан вазнни кўриб чиқамиз.

Шеърий ритмни вужудга келтирувчи асосий омил бу вазндир. “Шеърий ритм, оҳангдорлик ва мусиқийлик вазн тури ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳосил бўлади [7]. Европа ва рус адабиётшунослигида ҳам, ўзбек адабиётшунослигида ҳам шеърий ритмнинг

---

[1] Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б. 181.

[2] Т.Бобоев урғуни ҳам вазн унсури сифатида жуда тўғри таъкидлагани ҳолда ўз тадқиқотида мазкур унсурга тўхталиб ўтмаган, бунга унинг ритмни бармоқ вазни мисолида тадқиқ қилганлиги сабаб бўлиши мумкин.

[3] Қаранг: Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 290-291; Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 214; Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 22-23.

[4] Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Тошкент: Фан, 1972. – Б.3.

[5] Стеблева И.В. Ритм и смысл в классической тюркоязычной поэзии. – М.: Наука, 1993. – С.130.

[6] Бизнинг бу таснифимиз аруз вазнида яратилган шеърий асарларга тегишлидир.

[7] Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи. – 1967. – Б.46.

асоси сифатида вазн кўрсатиб келинади. Хусусан, М.Харлап ўзининг “Ритм и метр в музыке устной традиции” китобида квантитатив ритмика истилоҳи остида аруз вазнини ритмнинг бош омили сифатида таҳлил қилса, Д.В.Фроловнинг “Теория ‘аруда: Просодия и ритм” номли мақоласида “метрик бўғинлар”: сабаб, ватад, фосила орқали араб арузидаги ритм масалаларига тўхталиб ўтилади. Шунингдек, Б.В.Томашевский, В.М.Жирмунский, С.В.Шервинскийларнинг шеър илмига доир ишларида ҳам бадиий асар ритмига оид фикрлар вазн билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинади[1]. Т.Т. Давидова ва В.А.Пронинларнинг “Теория литературы” китобида эса шеърий ритмга вазн билан тенг ҳодиса сифатида қаралган: “Шеърий нутқ ритми бир неча мисралардаги бўғинлар миқдорининг тенглиги асосида вужудга келади”[2]. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, вазн шеърий нутқни насрий нутқдан ажратувчи, уни ўлчовчи ва гуруҳловчи ҳодисадир. Туркий адабиётда қадимдан иккита вазн: бармоқ ва аруз вазни кенг қўлланилиб келинади. XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб уларнинг қаторига эркин вазн ҳам қўшилди.

Маълумки, мумтоз поэзиянинг асосий ўлчови аруз вазнидир. Аруз вазни VIII асрда араб адабиётида пайдо бўлган шеърий тизим бўлиб, IX асрдан форс–тожик шеъриятида, XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб туркий адабиётда кенг қўлланила бошланди. Адабиётшуносликда туркий адабиётдаги арузда яратилган биринчи йирик асар бу Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони эканлиги эътироф этилган. “Қутадғу билиг” аруз тизимининг мутақориб баҳрида яратилган бўлиб, муаллиф бу асарни ёзишда форс адабиётидаги “Шоҳнома” достони вазнидан фойдаланган. Асарнинг ўз даврида “Туркий Шоҳнома” деб аталишида шу ҳодисанинг ҳам ўрни бор.

Адабиётшуносликда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида бармоқ вазни билан биргаликда аруз вазнида ёзилган парчалар ҳам учрайди, деган мулоҳазалар билдирилган эди. Жумладан, татар олими Х.Усмонов “Девону луғотит турк”да аруз ва бармоқ қоришиқ тарзда қўлланилган деган фикрни билдирса, М. Ҳамроев асардаги барча шеърий парчалар бармоқ вазнида яратилган деб ҳисоблайди. М.Бакиров эса “Девон”даги шеърларни арузда ҳам, бармоқда ҳам эмас, балки алоҳида шеър системасида яратилган деб таъкидлаб, мазкур шеърларни «кучайтирилган босимли (урғули) шеърлар” деб атайди. И.В.Стеблева “Девон”даги шеърларда аруз бор деб ҳисоблайди ва шеърий парчаларнинг арузга мос келувчи тақтиъи (парадигмаси)ни келтиради[3]. Арузшунос олим У.Тўйчиев ҳам “Девон”да аруз мавжудлиги масаласига ижобий муносабат билдириб, шундай дейди:

“Биз “Девон”да аруз мавжуд деган аввал айтилган фикрларга қўшиламиз, чунки “Девон” XI аср обидаси ва аруз бу даврда ёзма адабиётда тўла ҳукм сурар эди. Қолаверса, арузга ҳамоҳанг бўлган шеърий байт ва тўртликлар халқ мақол ва топишмоқлари ичида ҳам кўп топилади”[4]. А. Ҳожиаҳмедов “Девон”даги 224 та шеърий парчанинг вазн хусусиятларини

---

[1] Харлап М. Ритм и метр в музыке устной традиции. – М.: Музыка, 1986; Фролов Д.В. Теория ‘аруда: просодия и ритм // Проблемы арабской культуры. – М.:Наука, 1987. – С.124-142 ; Томашеский Б.В. Стих и язык // Теория литературы. Поэтика. –М.–Л.: Художественная литература, 1959; Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: Наука, 1977; Шервинский С.В. Ритм и смысл. – М.: Наука, 1961.

[2] Давыдова Т.Т., Пронин В.А. Теория литературы. – М.: Логос, 2003. – С. 180

[3] Қаранг: Усманов Х. К характеристике ритмического строя тюркского стиха // Народы Азии и Африки – 1968. – № 6. – С. 90-96; Хамраев М. Основы тюркского стихосложения. – Алма-Ата: Издательство АН, 1963. – С.122-126; Бакиров М. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований. – Казань, 1972. – С. 30-31; Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – М.: Наука, 1971. – С. 21.

[4] Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 155.

тадқиқ қилиш жараёнида мазкур шеърий парчаларнинг аруздаги– *V – –, V – V –, – V V –, V V – –, V – – –,– V –, V – –* туроқларига мос келувчи ўлчовда яратилганлигини аниқлади. Олимнинг фикрича, "...қадимги туркий шеърий ўлчов тизими чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг муайян эркинлик билан такрорланишига асосланган"[1]. Бизнингча ҳам, "Девон"даги шеърий парчалар арузга мос келувчи шеърий системада ёзилган бўлиб, чўзиқ ва қисқа бўғинлар орасидаги мутаносиблик аруз вазни талабларига мос келади. "...Қадимги турк шеърларидаёқ вазнда бўғинларнинг очиқ-ёпиқлигини риоя қилиш ҳоллари учраб туради. Бу эса аруз вазни принципларидан биридир"[2]. Лекин бундан "Девону луғотит турк"даги тўртликлар аруз назарияси қонун-қоидаларига тўла мувофиқдир деган хулоса келиб чиқмайди, чунки туркий адабиётга кириб келган аруз системаси араб ва форс адабиётидан ўтган вазнлар билан боғлиқдир[3]. Шу маънода туркий тилда аруз вазнида яратилган том маънодаги биринчи асар Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" достонидир деб айтиш мумкин.

Энди вазнни вужудга келтирувчи унсурларни кўриб чиқсак. Дастлаб бўғин (ҳижо) ҳақида[4]. Маълумки, аруз вазнида бўғинларнинг сифати, яъни чўзиқ-қисқалиги асосий мезонлардан бири саналади. "... аруз шеърий системасида чўзиқ *(–)* ҳамда қисқа *(V)* ҳижоларнинг маълум тартибда бутун шеър ёки шеърий парча давомида такрорланиб келиши натижасида ўзига хос рукнлар, рукнлар йиғилиб каттароқ ритмик бирликлар ҳосил бўлади ва шу йўл билан шеърий вазн вужудга келади"[5]. Аруз вазнида уч хил бўғин бор: чўзиқ, қисқа ва ўта чўзиқ. Чўзиқ бўғин бу таркибида қисқа унли бўлган ёпиқ ёки чўзиқ унли билан тугаган очиқ бўғин бўлиб, арузшуносликда чўзиқ бўғинни *"–"* белгиси билан кўрсатиш қабул қилинган. Қисқа бўғин эса фақат очиқ бўғин кўринишида бўлиб, қисқа унли билан тугалланган ва урғу олмайдиган бўғиндир. Мазкур бўғин тақтиъда *"V"* шаклида берилади.

Адабиётшуносликда чўзиқ ва қисқа бўғинга берилган таърифларда деярли тафовутлар учрамайди. Фақат ўта чўзиқ бўғин билан боғлиқ масалада бироз баҳсли мулоҳазалар мавжуд. М.Олимов А.Ҳожиаҳмедовнинг "ёпиқ ҳижолар таркибидаги "а унлисининг чўзиқ ўқилишига асосланган ўта чўзиқ ҳижолар шоирларимиз ижодида деярли қўлланмаган"[6] деган ҳақли эътирофига қарши чиқиб, "а" унлиси иштирокида ҳам ўта чўзиқ ҳижо ҳосил бўлиши мумкин, фақат бундай ўта чўзиқ ҳижо мисра ичида бир чўзиқ ва бир қисқа ҳижога эмас, балки икки қисқа ҳижога тенг бўлади (яъни: Мажнун мисра ичида Ма-(жи)-нун)" деб ҳисоблайди ва мисол тариқасида Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонидан олинган қуйидаги байтни келтиради:

Яъ-ни Ма-/ж(и)-ну-ни дил/ ра-ми-да
Бо-рур э- / ди бўл-ма-й о / ра-ми-да
– – V / V –V – / V – – [7]

---

[1] Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 10.
[2] Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 4.
[3] Шуни эътироф этиш керакки, туркий мумтоз адабиётда қўлланилган аруз аслида туркий тилга мослашган форсий аруздир. Бобур томонидан туркий арузга олиб кирилган ариз ва амиқ баҳрлари фақат назариядагина мавжуд бўлиб, шеъриятда истифода этилмади.
[4] Бўғин, шунингдек вазннинг бошқа унсурлари билан боғлиқ умумий масалалар арузшуносликда етарлича ёритиб берилганлиги учун биз бу ўринда фақат баъзи муаммоли масалаларгагина тўхталиб ўтамиз.
[5] Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент, 1979. – Б. 258.
[6] Қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Тошкент, 1998. – Б.187.
[7] Қаранг: Олимов М. Рисолаи аруз. –Тошкент: Ёзувчи, 2002. –Б. 81.

Бунда олим “Лайли ва Мажнун” достонида қўлланилган ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазни (тақтиъи: – – V V – V – V – –) нинг ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф (тақтиъи : – – – – V – V – –) деб аталувчи ритмик вариацияга эга эканлигини ва бу икки вазн достонда ўзаро алмашиниб қўлланаверишини, Фитратнинг эътирофича, шоирлар бу ҳодисани “сакта малиҳ” (ёқимли нуқсон) деб аташларини ва ёқтиришларини эътиборга олмаган. Аслида юқорида келтирилган байтнинг биринчи мисраси қуйидагича тақтиъга эга бўлиши керак эди:

Яъ-ни Маж-/ ну-ни дил/ ра-ми-да
– –– – V –V – – [1]

Шеър мисраларидаги бўғинларнинг маълум бир қонуният асосида ритмик бўлакларга бирлашиши рукн дейилади. Рукн бир бўғиндан беш бўғингача бўлиши мумкин. Рукнлар аслий ва тармоқ рукнларга бўлинади[2]. Аслий рукнлар бу ўзгаришга учрамаган ва асл ҳолича сақланган рукнлардир. Арузга доир адабиётларда ўзбек арузида 8 та аслий рукн бор деб таъкидланади[3]. Бизнингча, ўзбек шеъриятида 8 та асл рукндан фақат 6 таси истифода этилган, қолган иккита асл рукн (мафоилатун ва мафъулоту) туркий шеъриятда қўлланилмаган[4]. Қуйида 6 та асл руклнни тақтиъи билан кўрсатамиз: [5]

№	Аслий рукн номи	Тақтиъи
1.	Фоилотун	– V – –
2.	Мафоийлун	V – – –
3.	Мустафъилун	– – V –
4.	Фаувлун	V – –
5.	Фоилун	– V –
6.	Мутафоилун	VV – V –

Аслий рукнларни турлича ўзгартириш йўли билан ҳосил қилинган ритмик бўлаклар тармоқ рукнлар деб аталиб, улар арузшуносликда фуруълар (шаҳобчалар, тармоқлар) деб ҳам юритилади. Навоийда 60 га яқин, Бобурда 44 та тармоқ рукн келтирилади, Фитрат уларнинг сонини 27 та деб кўрсатади, Т.Бобоевда Навоий ва Бобур келтирган миқдор такрорланади. А.Рустамовнинг китобида 44 та тармоқ рукнига таъриф берилган. А.Ҳожиаҳмедов “Ўзбек арузи луғати” китобида ўзбек шеъриятида истифода этиладиган тармоқ рукнлар сонини 22 та деб кўрсатади ва бизнингча, тўғри йўл тутади, чунки унгача келтирилган тармоқ рукнларнинг ҳаммаси ҳам туркий шеъриятда қўлланилмаган эди, А. Ҳожиаҳмедов фақат амалиётдан ўтган тармоқ рукнларнигина санаб ўтади [6].

[1] Мазкур вазннинг ушбу хусусиятлари ҳақидаги тўлароқ маълумот ишимизнинг кейинги фаслида берилади.
[2] У.Тўйчиев рукнларни асл ва тармоқ рукнларга бўлиш масаласига манфий муносабат билдиради, у Европа олимлари изидан бориб асл ва тармоқ рукнларни аралаш тарзида 43 та деб кўрсатади (Қаранг: Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 220).
[3] Қаранг: Навоий. Мезон ул-авзон; Бобур. Мухтасар; Бобоев Т. Шеър илми таълими; Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси ва б.
[4] Бобурнинг “Мухтасар”, Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Фитратнинг “Аруз ҳақида”, У.Тўйчиевнинг “Ўзбек поэзиясида аруз системаси” асарларида ушбу рукнлар билан боғлиқ ҳолда санаб ўтилган ва намуналар келтирилган кўпгина вазнлар аслида фақат назарияда мавжуд бўлиб, шеъриятимизда истифода этилмаган.
[5] Рукнлар тартиби уларнинг қўлланилиш даражасига кўра берилди.
[6] Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Тошкент, 1998. – Б.187.

Маълумки, рукн тушунчаси баҳр атамаси билан чамбарчас боғлиқ. Рукнларнинг турлича таркибда бирикиши ва такрорланишидан баҳрлар ҳосил бўлади. Арузга доир манбаларда баҳрлар сони турлича кўрсатилган[1]. Замонавий арузшуносликда туркий адабиётда 19 та, баъзан ҳатто 21 та баҳр қўлланилади деган янглиш фикр етакчи бўлиб келмоқда[2]. Аслида минг йиллик туркий шеъриятимизда 19 баҳрнинг фақат 11 таси қўлланилган бўлиб, қолган баҳрлар фақат назарияда мавжуд. Манбалар ва арузга доир тадқиқотларда мисол тариқасида келтирилган айрим мисра ёки байтлар ушбу баҳрларнинг амалиётдаги қўлланилиш даражасини белгиламайди[3].

Биз туркий адабиётда қўлланилган 11 баҳрни қандай рукнлардан таркиб топганига қараб 2 гуруҳга ажратамиз:

1) Бир хил аслий рукнлардан таркиб топган баҳрлар.

2) Турли аслий рукнлар ва уларнинг тармоқлари алмашинувидан таркиб топган баҳрлар.

Бир хил аслий рукнлардан таркиб топган баҳрлар 6 та бўлиб, улар бир хил аслий рукннинг байт таркибида 4, 6, 8 (баъзан ундан ҳам кўпроқ) марта такрорланишидан ҳосил бўлади. Уларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

№	Баҳр номи	Аслий рукн номи	Тақтиъи
1.	***Рамал***	Фоилотун	– V – –
2.	***Ҳазаж***	Мафоийлун	V – – –
3.	***Ражаз***	Мустафъилун	– – V–
4.	***Мутақориб***	Фаулун	V – –
5.	***Мутадорик***	Фоилун	– V –
6.	***Комил***	Мутафоилун	V V –V –

Юқоридагилардан рамал, ҳазаж ва мутақориб баҳрлари эпик поэзия учун хос бўлиб, рамалнинг икки вазни: рамали мусаддаси маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фоилотун фоилун –V – – –V – – – V –) ва рамали мусаддаси солими махбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи : фоилотун фаилотун фаилун –V – – VV – – VV –), ҳазаж баҳрининг ҳам икки вазни: ҳазажи мусаддаси маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафоийлун мафоийлун фаулун V – – – V – – – V – –) ва ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаулун – – V V –V – V– –) ҳамда мутақориб баҳрининг мутақориби мусаммани маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фаулун фаулун фаулун фаал V – – V – – V – – V –) вазнлари кенг қўлланилган.

Иккинчи гуруҳга кирувчи баҳрлар сони 5 та бўлиб, мазкур баҳрлар икки турли аслий рукнлар ва улар тармоқларининг ўзаро алмашинувидан ҳосил бўлади. Бу баҳрлар қуйидагилардир:

1. *Музореъ* мафоийлун ва фоилотун аслий рукнларининг тармоқларидан вужудга келиб, туркий шеъриятда фақат мусамман кўринишида мавжуд.

---

[1] Аҳмад Тарозийда 40 , Навоийда 19, Бобурда 21, Фитратда 19 та баҳр кўрсатилади.

[2] Қаранг: Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 74 ; Олимов М. Рисолаи аруз. – Тошкент: Ёзувчи, 2002. – Б. 38.

[3] Аруз вазнини уйғур шеърияти мисолида ўрганган олим М. Ҳамроев ҳам туркий адабиётда 19 баҳрнинг ҳаммаси ҳам қўлланилмаганлигини айтади (Қаранг: Хамраев М. Основы тюркского стихосложения. – Алма-Ата, 1963. – С. 99).

2. *Мужтасс* мустафъилун ва фоилотун аслий рукнларининг тармоқларидан вужудга келиб, туркий шеъриятда фақат мусамман шаклида учрайди.

3. *Мунсариҳ* мустафъилун ва мафъулоту аслий рукнлари тармоқларининг ўзаро алмашинувидан вужудга келиб, туркий шеъриятда фақат мусамман шаклида учрайди.

4. *Сариъ* икки марта мустафъилун ва бир марта мафъулоту аслий рукнларининг тармоқларидан вужудга келиб, туркий шеъриятда фақат мусаддас шаклида учрайди.

5. *Хафиф* фоилотун аслий рукни ва тармоқлари ҳамда мустафъилун аслий рукни тармоқларидан вужудга келиб, туркий шеъриятда фақат мусаддас шаклида учрайди.

Ушбу баҳрлардан фақат сариъ ва хафиф баҳрлари эпик поэзия учун хос бўлиб, сариънинг сариъи мусаддаси матвийи макшуф (рукнлари ва тақтиъи: муфтаилун муфтаилун фоилун – V V – – V V – – V –) ва хафиф баҳрининг хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун мафоилун фаилун –V – – V – V – V V –) вазнлари достонларда истифода этилади.

Вазнни вужудга келтирувчи яна бир унсур ритмик пауза бўлиб, шеършуносликда бу ҳодиса цезура деб ҳам юритилади. Арузда ритмик пауза масаласи дастлаб Фитрат томонидан тадқиқ қилинган. Фитрат аруз системасидаги баъзи вазнларнинг мисраларида бир ёки икки паузанинг мавжуд бўлишини таъкидлаб, бу ҳодисани “ист” деб номлайди ва уни тақтиъда (*) белгиси билан кўрсатади [1].

У.Тўйчиев ритмик пауза масаласини бармоқ ва аруз вазнлари учун фарқли ҳодисалар деб ҳисоблайди, унингча ритмик пауза бармоқ вазнида ёзилган барча асарларда мавжуд бўлади, лекин арузда ритмик паузанинг кўпинча мисралар ўртасида эмас, балки мисра сўнггида келиш ҳоллари кўпроқ учрайди: “...аруздаги шеъриятда, бармоқ системасида ёзилган шеърлардагидан фарқли равишда, ички ритмик паузали ва ички ритмик паузасиз яратиладиган шеърлар бор. Булар айни ҳолда, аруз ва бармоқ системалари вазнларида ёзилган шеърлар ритмикаси ўртасидаги тафовутни ҳам англатиб туради, чунки бу шакллардан биринчиси фақат бармоқ системасидаги поэзия учун хос, аммо бу шаклларнинг иккаласи ҳам арузда юзага келган поэзия учун бегона эмас”[2].

Дарҳақиқат, ритмик пауза масаласи арузий матнда бармоқ вазнидан ўзгачароқ ҳолат касб этади. Аруздаги шеъриятда мисралар сўнгида келадиган ритмик пауза доимий ва хос ҳолат, лекин ички, яъни мисралар ўртасида келадиган пауза ҳар доим ҳам мавжуд бўлавермайди[3]. Биз аруз системасидаги вазнларни ички ритмик пауза иштирокига кўра 2 гуруҳга ажратиш тарафдоримиз:

1) Ички ритмик паузали вазнлар.

2) Фақат мисралар сўнгида ритмик пауза келадиган вазнлар.

Арузда ички ритмик паузалар фақат баъзи вазнларгагина тегишлидир. Хусусан, музореъи мусаммани ахраб, мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф, ҳазажи мусаммани аштар, ҳазажи мусаммани ахраб, ражази мусаммани матвийи махбун каби вазнларда иккинчи рукндан сўнг ритмик пауза келади, бунда бармоқ вазнидаги туроқ сингари рукннинг тугалланиши сўзнинг тугалланиши билан мос келади. Бу ҳолатни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

---

[1] Қаранг: Фитрат А. Аруз ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 34.

[2] Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси, – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 240.

[3] Фитрат “ист”сиз вазнлар деганда айнан шу ҳолатни назарда тутган (Қаранг: Фитрат А. Кўрсатилган асар. – Б. 35–36)

№	Вазн номи	Рукнлари, тақтиъи ва ритмик пауза
1.	*Музореъи мусаммани ахраб*	Мафъулу фоилотун|| мафъулу фоилотун – – V–V – –– – V – – – Кулбамга баски гардун|| ғам тоши ёғдурубдур Сабрим уйидек ул ҳам || емрулғали турубдур (Навоий)
2.	*Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф*	Муфтаилун фоилун || муфтаилун фоилун – V V –– V – – V V – – V – Айлади то сайр учун || шоҳсуворим сафар Қилди онинг кейнидин || жони низорим сафар (Огаҳий)
3.	*Ҳазажи мусаммани аштар*	Фоилун мафоийлун|| фоилун мафоийлун – V – V – – –– V –V – – – Фасли навбаҳор ўлди || кетибон зимистонлар Дўстлар ғаниматдур|| сайр этинг гулистонлар (Фурқат)
4.	*Ҳазажи мусаммани ахраб*	Мафъулу мафоийлун || мафъулу мафоийлун – – V V – – –– – V V – – – То олғали кўнглумни || ул юз била ул гису Кундуз анга не ором, || кеча манга не уйқу (Бобур)
5.	*Ражази мусаммани матвийи махбун*	Муфтаилун мафоилун || муфтаилун мафоилун – V V – V – V –– V V – V – V – Гар аламимға чора йўқ || бўлмаса бўлмасун нетай Вар ғамима шумора йўқ|| бўлмаса бўлмасун нетай

Юқорида кўрсатилган вазнлардан ташқари аруз тизимидаги бошқа барча вазнлар иккинчи гуруҳга, яъни фақат мисралар сўнгида ритмик пауза келадиган вазнлар сирасига киради. Кўриняптики, ички ритмик пауза асосан мусамман - саккизлик рукнлари билан боғлиқ вазнларга хос экан. Эпик поэзия вазнлари асосан мусаддас – олтилик кўринишига эга бўлганлиги учун уларда ички ритмик пауза мавжуд эмас. Шу маънода эпик поэзия учун хос бўлган вазнлар ҳам ички ритмик паузага эга бўлмаган вазнлар ҳисобланадики, биз бу ҳақда ишимизнинг кейинги фаслида батафсилроқ фикр юритамиз.

Демак, юқоридагилардан маълум бўляптики, вазн шеърий ритмни вужудга келтирувчи бош омил бўлиб, у бўғин, рукн ва ритмик паузадан ташкил топар экан. Туркий адабиётда назарияда мавжуд 8 асл рукндан фақат 6 таси иштирок этиб, мафъулоту (– – – V) ва мафоилатун (V – V V –) асл рукнлари солим (тўлиқ) кўринишда қўлланилмайди, улар араб ва форс-тожик шеърияти учун хос рукнлардир. Тармоқ рукнларнинг ҳам фақат 20 га яқини ишлатилиб, қолганлари фақат назариядагина мавжуддир. Баҳрлардан ҳам фақат 11 таси туркий шеъриятимизда истифода этилиб, қолган тавил, басит, вофир, мадид, муқтазаб, қариб, жадид ва мушокил баҳрлари деярли қўлланилмаган. Мазкур 11 баҳр қандай баҳрлардан таркиб топганига қараб бир хил аслий рукнлардан таркиб топган баҳрлар (уларга рамал, ҳазаж, ражаз, мутақориб, мутадорик ва комил баҳрлари киради) ҳамда турли аслий рукнлар ва уларнинг тармоқлари алмашинувидан таркиб топган баҳрлар (уларга музореъ, мужтасс, мунсариҳ, сариъ ва хафиф баҳрлари киради)га ажратилади ва ушбулардан

рамал (2 та вазн), ҳазаж (2 та вазн), мутақориб, хафиф ва сариъ баҳрлари эпик поэзия учун хос баҳрлар ҳисобланади. Лирик шеърлар учун хос бўлган ички ритмик пауза эпик поэзия вазнлари учун хос эмас.

ЭПИК ПОЭЗИЯ ТАРИХИДА ВАЗН ВА МАЗМУН МУТАНОСИБЛИГИ

Юқорида айтганимиздек, мумтоз адабиётда яратилган шеърий асарларда вазн бадиий асардаги ғоя ва мавзудан келиб чиққан ҳолда қўлланилган. И.Стеблеванинг ёзишича, классик поэзияда "вазн конкрет шеърнинг асосий ғояси билан боғлиқ бўлган ва шунинг учун шоирлар томонидан махсус танлаб олинган"[1]. Мазкур фикр эпик поэзия вазнлари учун ҳам бирдай тааллуқлидир. Агар эпик поэзия тарихига назар ташланадиган бўлса, бу жанрнинг энг қадимги намуналари антик даврга бориб тақалишини кўриш мумкин. Антик давр адабиёти даставвал қаҳрамонлик ва жангнома йўналишида вужудга келган. Бу давр адабиётининг дастлабки намуналари бўлмиш "Иллиада" ва "Одиссея" достонлари ҳам йўналишига кўра жангнома достонлар ҳисобланади [2].

И.Тронскийнинг "История античной литературы" номли китобида ёзилишича, бу даврдаги эпик поэзияда қофия бўлмаган. Поэзиянинг оҳангдорлигини таъмин этувчи бирдан-бир восита вазн ҳисобланган[3]. Абу Наср Форобийнинг "Шеър санъати" китобида Гомер асарлари ҳақида айтган мулоҳазалари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди[4].

Антик давр эпик поэзиясидаги жангнома йўналишига мансуб достонлар, асосан, гекзаметр вазнида ёзилган. Гекзаметр вазни 6 туроқдан иборат бўлиб, бу туроқларнинг ҳар қайсиси дактиль деб аталган бир узун, икки қисқа *(– V V)* бўғиндан таркиб топади. Шеърнинг оҳангдор бўлиши учун охирги туроқ спондий деб аталувчи 2 узун ҳижо *(– –)* билан алмаштириб талаффуз қилинади ва натижада қуйидаги схема ҳосил қилинади:

– VV – VV – VV – VV – VV – – [5].

Даставвал антик давр эпик поэзиясида Гомер томонидан қўлланилган бу вазн кейинроқ шу йўналишдаги яна бир қанча цикл достонлар: "Киприя", "Эфиопида", "Телегония", "Фиваида", "Эпигонлар" ва қадимги Рим шоири Вергилийнинг "Энеида" достонларида қўлланилди.

Гекзаметр вазнининг эпик поэзия вазнига айланишига сабаб мазкур вазннинг имкониятлари ниҳоятда кенглигидадир. Бу имкониятлар гекзаметрнинг кўп сонли ритмик вариацияларга эга эканлиги билан белгиланади. Ритмик вариация бадиий асарнинг асосий ўлчовдан ташқари яна ўлчов ичидаги кичик ўзгаришлардан таркиб топган қўшимча вазнларда битилганлигини билдиради ва бу қўшимча вазнлар асар мазмуни билан муносабатга киришади.

---

[1] Стеблева И.В. Ритм и смысл в классической тюркоязычной поэзии. – М.: Наука, 1993. – С.131.

[2] Бу ҳақда қаранг: Корш В. Всеобщая история литературы. Т.1. С.–Пб.: Издание Карла Риккера, 1881. – С.640-653; Лосев А.Ф., Сонкина Г.А. и др. Античная литература. М.: Просвещение, 1986. – С.36; Тронский И.М. История античной литературы. – М.: Высшая школа, 1980. – С. 48.

[3] Тронский И. М. Кўрсатилган асар. – Б. 47.

[4] Форобий Абу Наср. Шеър санъати.– Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. –Б. 13-21.

[5] Гаспаров М.Л. Ритм // Литературный энциклопедический словарь. – М.: СЭ, 1987. – С. 326

“Шеърдаги ҳижоларнинг узун-қисқалигини, яъни дактиль ҳамда спондий туроқларини маълум тартибда алмаштириш йўллари билан қадимги достоннавислар гекзаметрнинг турли-туман оҳангларда жаранглашига эришганлар. Масалан, шеърда узун ҳижоларнинг кўпроқ бўлиши – воқеанинг улуғворлигини, ҳаракатнинг салмоқдорлигини таъминлайди; қисқа ҳижоларнинг кўплиги эса ҳаракатга тезлик, енгиллик, ўйноқилик бағишлайди. Шу йўсин гекзаметрни 16 вариантда қўллаш мумкин. Бундан ташқари, шеърнинг учинчи ёки тўртинчи туроқлари ўртасида келадиган цезура, яъни паузаларнинг ҳам гекзаметр мақоми учун ғоят катта аҳамияти бор”[1].

Кўринадики, гекзаметр вазнининг ушбу имкониятлари мазкур вазннинг антик достончиликда қаҳрамонлик йўналишидаги асосий вазн бўлиб қолишига олиб келди.

Ўрта асрларга келиб, эпик поэзиянинг мавзу доираси анча кенгайди, қаҳрамонлик йўналишидан аста-секин ҳаётий-маиший мавзуларга, ишқий-романтик, ишқий-саргузашт, фалсафий йўналишларга ўтила бошланди.

Шарқ халқлари эпик поэзияси ҳам жаҳон эпик поэзиясининг ажралмас қисми сифатида ана шундай тараққиёт йўлини босиб ўтди. Мусулмон Шарқи эпик поэзияси ўзаро қофияланувчи байтлардан ташкил топган маснавийда битилган. Гарчи бу жанр араб адабиётида вужудга келган бўлса-да, кенг шуҳратга эга бўлмади. Араблар, асосан, лирика ва фалсафий насрда каттароқ муваффақиятга эришдилар.

Бу борадаги салмоқли мерос форс-тожик эпик поэзиясига тегишли. Бу поэзиянинг дастлабки намунаси ҳам қаҳрамонлик йўналишида бўлиб, X аср ижодкори Масъуд Марвазий қаламига мансуб. Мазкур достондан бизгача жуда оз қисм етиб келган.

Том маънодаги қаҳрамонлик йўналишидаги достон Фирдавсий “Шоҳнома”си бўлиб, мутақориб баҳрида битилган. Навоий “ажам тили била асли маснавий мутақориб баҳридур” деб ёзган эди[2].

Мусулмон Шарқи эпик поэзиясидаги достонлар асосан 7 вазн доирасида ёзилган. Бу ҳақда ҳинд олими мавлавий Оға Аҳмад Алининг “Ҳафт осмон” номли тадқиқотида қуйидаги фикрлар келтирилади: “Маснавий вазни еттидадур. “Мезонул алвон”да айтилишича, маснавийнинг ушбу 7 вазнидан иккитаси ҳазажи мусаддасда, яна иккитаси рамали мусаддасда, биттаси сариъи мусаддасда ва биттаси хафифи мусаддасда ва ниҳоят яна биттаси мутақориби мусаммандадур”[3].

“Мухтасар”да ўқиймиз: “...Ул жумладин беш вазни машҳур ўқдурким, “Хамса”лар ул авзондадур. Яна бир вазн агарчи “Хамса”да йўқтур, фил жумла шуҳрати бор. “Мантиқ ут-тайр” ва “Маснавий” (Ж.Румийнинг “Маснавийи маънавий”си кўзда тутилмоқда – Д.Ю.) бу икки китобнинг қойили азизларнинг аксар маснавийлари бу вазнда воқеъ бўлубдурлар. Яна бир вазндурким, агарчи шуҳрати камдур, вале хейли латиф вазндур, мавлоно Абдураҳмон Жомий “Субҳа”си ул вазндадур. Хожа Хусрав Деҳлавий “Нўҳ спеҳр”ининг бир спеҳрини бу вазнда айтибтур, ушбу етти вазндурким, маснавийга махсустур...”[4]

Ушбу вазнларни тақтиъи ва рукнлари билан қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

---

[1] Алимуҳамедов А. Антик адабиёт тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 71.
[2] Навоий Алишер. Мезонул авзон. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 16. – Б.85.
[3] Оға Аҳмад Али. Ҳафт асман. – Калькутта, 1873.– С. 12.
[4] Бобир. Мухтасар. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.118.

№	Вазн номи	Рукнлари ва тақтиъи
1.	Сариъи мусаддаси матвийи макшуф	Муфтаилун муфтаилун фоилун – V V – – V V – – V–
2.	Ҳазажи мусаддаси маҳзуф	Мафоийлун мафоийлун фаувлун V – – – V – – – V – –
3.	Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф	Мафъулу мафоилун фаувлун – – VV – V –V – –
4.	Хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф	Фоилотун мафоилун фаилун – V – – V – V –V V –
5.	Мутақориби мусаммани маҳзуф	Фаувлун фаувлун фаувлун фаал V – – V – – V – – V –
6.	Рамали мусаддаси маҳзуф	Фоилотун фоилотун фоилун – V – – – V – – – V –
7.	Рамали мусаддаси солими махбуни маҳзуф	Фоилотун фаилотун фаилун – V – –V V – – V V –

XII асрга келиб, эпик поэзия ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Бу даврда Низомий Ганжавий (1141–1209) нинг “Панж ганж” асари яратилди. Мазкур асар кейинчалик хамса жанрининг вужудга келишида замин ҳозирлади.

Мусулмон Шарқи эпик поэзияси тарихи хамсачилик билан чамбарчас боғлиқ. Даставвал XIII асрда вужудга келган хамса саккиз асрга яқин вақт давомида юзлаб жавоб достонларга эга бўлди [1].

Турли давр ва адабий муҳитларда яратилган бу жавоб достонларни улар мансуб бўлган маданият вакиллари ўз халқлари бадиий тафаккурининг бир қисми сифатида ўрганадилар, тадқиқ этадилар.

Аслида бу асарларни адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ объектига тортишда биринчи эътиборни Низомий Ганжавий бешлигига қаратиш керак бўлади. Чунки достонлардаги асосий ғоя ва йўналиш, улардан келиб чиқадиган хулосаларнинг туб илдизлари Низомий бешлигига бориб тақалади. Айнан шу жиҳатни достонлар поэтикасига татбиқ этиш ҳам самарали натижа беради. Биз ҳам ушбу мезонга амал қилган ҳолда дастлабки ишни Низомий “Хамса”си достонларида қўлланилган вазнларнинг манбаларини аниқлашдан бошладик.

Низомий бешлигидаги биринчи достон “Махзан ул-асрор” (“Сирлар хазинаси”) деб аталиб, 1173-1179 йилларда яратилган. Низомий бу достонини ғазнавийлар ҳукмдори Баҳромшоҳ (XII аср)га бағишлайди.

“Махзан ул-асрор”нинг вужудга келишида XII аср классиги Ҳаким Саноий “Хадиқат ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар боғи”) достонининг сезиларли таъсири бор. Умуман, мусулмон Шарқида фалсафий-дидактик йўналишдаги достонларнинг ибтидоси ҳам бевосита шу достон билан боғланади.

Саноий достони бир-бирини тақозо этмайдиган турли ҳажмдаги 10 та бўлимдан иборат. Ҳар бир бўлимга бир неча ҳикоятлар илова қилинган. Гарчи Низомий йўналишига кўра

[1] Бу ҳақда қаранг: Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985.

Саноий достонига яқин асар яратган бўлса-да, лекин унинг шакли, хусусан, шеърий ўлчовини ўзгартирди. Агар "Хадиқат ул-ҳақойиқ" хафиф баҳрининг хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф вазнида яратилган бўлса, Низомий ўз достони учун шеърий ўлчов қилиб сариъ баҳрининг сариъи мусаддаси матвийи макшуф вазнини танлади.

Буни Низомийнинг достон яратишда ўзгачаликка, янгиликка интилиши билан изоҳлаш мумкин. Ушбу ҳолатни достондаги қуйидаги мисралар ҳам тасдиқлайди:

Он зари аз кони куҳан рехта,
В–ин дури аз баҳри нав ангехта.

(У олтин кўҳна кондан тўкилган эди,
Бу гавҳар эса янги баҳрдан олинди – таржима бизники)[1].

Байтни тақтиъ асосида кўриб чиқсак:

Он за–ри аз /ко–ни ку–ҳан/ рех–та,
– V V – /– V V – / – V –
Вин–ду–ри аз/баҳ–ри нав ан/ гех–та.
– V V – /– V V – / – V –

Дарҳақиқат, биз ўз манбаларимиз доирасида форс-тожик адабиётида Низомийгача бу вазнда маснавий-достон битган ижодкорни учратмадик. Аммо эрон олими Саид Нафисий "Армуғон" журналида нашр этилган "Ҳаким Низомий Ганжавий" номли мақоласида Низомийдан аввал бу вазн бухоролик шоир Абу Шукур Балхий достонида қўлланилган деган фикрни билдиради ва ўз фикри учун қуйидаги байтни асос қилиб олади:

Кори ба шўйи ки хирад кеш шуд,
Аз сари тадбиру хирад пеш шуд [2].

Биз Саид Нафисийнинг мазкур байтни қайси манбадан олганлиги ҳақида маълумотга эга эмасмиз, аммо "Луғати фурс" тазкирасининг муаллифи Асади Тусий келтирган, Абу Шукур Балхий "Офариннома"сидан олинган 60 дан ортиқ байт мазкур достоннинг сариъ баҳрида эмас, балки мутақориб баҳрида яратилганлигини кўрсатади[3].

Ҳар ҳолда Низомийнинг Абу Шукур Балхий достони билан таниш бўлмаганлиги аниқ, буни юқоридаги мисралар ҳам тасдиқлайди. У ҳолда Низомий ўз достони учун танлаган шеърий ўлчовни форс-тожик шеъриятидан олган дейишга асос туғилади[4].

---

[1] Низомии Ганчавй. Махзан -ул-асрор. Куллиёт. Чилди панжум. – Душанбе: Ирфон, 1984. – С. 281.

[2] Қаранг: Бертельс Е.Э. Низами и Физули. – М.: Наука, 1962. – С.400. Келтирилган бу байтдаги шеърий ўлчов, дарҳақиқат, Низомий достони вазни билан мос келади.

[3] Е.Бертельс бу масалага икки хил муносабат билдирган: 1935 йилда яратилган "Персидская поэзия в Бухаре X века" номли мақоласида Балхий достонини мутақориб баҳрида яратилган достонлар қаторига киритади (Бертельс Е.Э. История литературы и культуры Ирана. – М.: Наука, 1988. – С. 412). 1941 йилда эса ("Низами о художественном творчестве") С.Нафисий фикри таъсирида бўлса керак, сариъ баҳрининг Низомий достонидан олдин Балхий "Офариннома"сида қўлланилганлигини таъкидлайди (Бертельс Е.Э. Низами и Физули. – М.: Наука, 1962. – С. 400).

4 Низомийгача форс-тожик шеъриятида мазкур вазннинг Абу Абдулло Рўдакий (X аср) шеърларида қўлланилганлиги ҳақида баъзи маълумотлар бор. Хусусан, тожик арузшуноси Баҳром Сирус ўзининг "Вазни

А.Рустамов сариъ баҳри панд-насиҳат оҳангига эга бўлган баҳр бўлганлиги учун “Хамса”ларнинг биринчи достони шу шеърий ўлчовда яратилган деган фикрни билдиради[1].

Ҳақиқатан ҳам, сариъ баҳри эпик поэзия вазнлари орасида энг енгил ва ўйноқи оҳангга эга бўлган вазн ҳисобланади. Панд-насиҳат руҳидаги фикрларнинг китобхон томонидан малол келмайдиган даражада қабул қилинишига эришиш учун айнан шундай оҳангдаги шеърий ўлчов зарур эди. Шу маънода Низомий ўз ижодий мақсадига эришган деб айтиш мумкин.

Низомий бешлигидаги иккинчи достон “Хусрав ва Ширин” деб аталиб, тахминан 1181 йилда ёзиб тугалланган. Шоир бу достонини салжуқий ҳукмдор Тўғрул II (1174-1194) топшириғига кўра яратади. “Хусрав ва Ширин” ишқий достон бўлиб, уни ёзишда Низомий қадимги Эрон манбалари ва Озарбойжон фольклоридан фойдаланган деган қарашлар бор[2].

Низомийгача “Хусрав ва Ширин” мавзуси эпик поэзияда яхлит достон сифатида ишланмаган бўлса-да, лекин ишқий достонлар яратиш ва уларни маълум бир ҳукмдорларга бағишлаш тамойили шаклланиб бўлганди, ҳатто бундай достонлар учун алоҳида вазндан фойдаланиш анъанаси вужудга кела бошлаганди (1-иловага қаранг).

Низомий ўз достони учун шу йўналишдаги достонлардан бири бўлган Фахриддин Гургонийнинг “Вис ва Ромин” достони вазнини асос қилиб олди. Мазкур вазн ҳазажи мусаддаси маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафоийлун мафоийлун фаувлун *V – – – V – – – V – –*) деб аталиб, Низомийдан кейинги эпик поэзияда ҳам, асосан, ишқий мавзулардаги достонлар битиладиган вазн сифатида истифода этила бошлади.

Ширинниng васфи берилган байтнинг тақтиъини кўриб чиқсак:

Паридухте | парибугзо |р моҳе,
V – – – | V – – – | V – –

Ба зери миқ|наа соҳиб |кулоҳе.
V – – –| V – – –| V – –

Низомийнинг “Лайли ва Мажнун” достони 1188-89 йилларда Ширвоншоҳ Ахситан I топшириғига кўра яратилади. “Лайли ва Мажнун” қиссасининг Низомийгача ишланган вариантлари, бу қиссанинг тадрижий тараққиёти ҳақида адабиётларда кенг ва муфассал маълумотлар бор.

Бизни бу ўринда бошқа жиҳат қизиқтиради: Низомий “Лайли ва Мажнун” достони учун танлаган ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазни (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаувлун – – *V V – V– V – –*) нинг форс–тожик адабиётида истифода этилиш даражаси қай ҳолатда эди?

осори боқимондаи Рўдакий” номли мақоласида Рўдакийнинг сариъ баҳрида яратилган 6 та шеъри борлиги ҳақида фикр юритади (қ.: Сирус Б. Вазни осори боқимондаи Рўдакй // Рўдаки ва замони ў. – Сталинобод: Нашрдавточик, 1958. – С. 138).

1 Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.123.

2 Бертельс Е.Э. Низами. Творческий путь поэта. – М: Наука, 1956 ; Бертельс Е.Э. Низами и Физули. – М.: Наука, 1962; Афсахзод А. Достони “Лайли ва Мачнун”и Абдураҳмони Чомй. – Душанбе: Дониш, 1970; Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони. –Тошкент: Фан, 1970; Нарзуллаева С. Тема “Лейли и Меджнун” в истории литературы народов Советского Востока. АДД. – Баку, 1980; Асадуллаев С. “Лейли и Меджнун” в фарсиязычной литературе. – Душанбе, 1981.

Маълумки, бу даврда Озарбойжон адабий муҳитида Фалакий Шервоний, Мужириддин Байлақоний, Хоқоний Шервоний каби шоирлар фаолият юритганлар. “Биз тилга олган шоирлардан, Хоқонийни истисно қилганда, ҳеч бири эпик жанр билан шуғулланмаган”[1]. Хоқоний Шервонийнинг достони “Туҳфат ул-Ироқайн” деб номланиб, ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазнида яратилган эди.

Хоқонийнинг кичик замондоши бўлган Низомий унинг “Туҳфат ул-Ироқайн” манзумасида қўлланилган вазнни ўз достони учун шеърий ўлчов қилиб олади.

“Бу ўлчов жуда равон бўлиб, оҳанг имкониятлари ниҳоятда кенг. Уни воқеалар моҳияти ва характерига қараб тез суръатда ҳам, оҳиста, сустлашган ҳолатда ҳам ўқиш мумкин”[2].

Низомийнинг ўзи достон муқаддимасида шундай ёзади:

Баҳрест сабук, вале раванда
Моҳиш на мурда, балки зинда[3].

(Баҳри енгил ва равондир [4]
Балиқлари ўлик эмас, балки тирикдир).

Байтнинг тақтиъини кўриб чиқадиган бўлсак:

Баҳ–рест |са–бук ва–ле | ра–ван–да,
– – V|V – V –| V – –
Мо–ҳиш | на мур–да бал|ки зин–да.
– – V|V –V –| V – –

Низомий кейинги мисраларда бу ўлчов гарчи унгача истифода этилган бўлса-да, лекин унинг каби кенг имконият ва моҳирлик билан қўлланилмаганлигини ёзади:

З-ин баҳр замири ҳеч ғаввос,
Бар н-орад гавҳаре чунин хос[5].

(Ушбу баҳр замиридан ҳеч бир ғаввос
Бу каби гавҳар ололмаган эди).

Низомий бешлигидаги тўртинчи достон “Ҳафт пайкар” (“Етти гўзал”) 1196 йилда ёзиб тугалланади. Достон 4600 байтдан иборат бўлиб, ҳукмдор Алоуддин Кўрпа Арслон (1174-1207) топшириғига кўра яратилади. “Ҳафт пайкар” асосий воқеа ва унга илова қилинган 7 та қолипловчи ҳикоятлардан иборат. Достондаги баъзи сюжетларнинг Фирдавсий достонидан олинганлигини Низомийнинг ўзи таъкидлаб ўтади. Лекин композицион қурилишига кўра “Ҳафт пайкар” ўз даври учун янги достон эди. Достон хафиф баҳрининг хафифи

[1] Бертельс Е.Э. Низами. Творческий путь поэта. – М.: Наука, 1956. – С. 76.
[2] Алиев Р. Предисловие // Низами. Лейли и Меджнун. – М.: Наука, 1957. – С. 24.
[3] Низомии Ганчавӣ. Лайлӣ ва Мажнун. Куллиёт. Чилди дуввум. – Душанбе: Ирфон, 1982. – С. 52.
[4] Бунда баҳр сўзи икки маънода: ҳам денгиз, ҳам шеърий ўлчов маъноларида ишлатилган.
[5] Низомий. Юқоридаги асар. – Б. 52.

мусаддаси солими махбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун мафоилун фаилун – *V* – – *V* – *V* – *V V* –) вазнида яратилган:

Барнавишта |дабири пай| кари ў,
– *V* – –| *V* – *V* – | *V V* –

Номи Баҳро|ми Гўр бар| сари ў.
– *V* – – |*V* – *V* – | *V V* –

Е.Бертельс Низомийгача ишқий-саргузашт достон қайсидир кўринишда мавжуд эди, буни Унсурийнинг "Хингбуту Сурхбут" ва "Наҳр ул-айн" достонлари мисолида кўриш мумкин деб ҳисоблайди, ҳатто бу достонларнинг хафиф баҳрида яратилганлигини таъкидлаб ўтади[1].

Низомий "Ҳафт пайкар" учун шеърий ўлчов сифатида танлаган бу баҳр 8 та ритмик вариациядан иборат бўлиб, достоннинг композицион қурилишига, хусусан, 7 та ҳикоятни ифодалашга жуда мос эди.

Низомий бешлигидаги сўнгги – бешинчи достон "Искандарнома" деб аталиб, икки қисм: "Шарафнома" ва "Иқболнома"дан иборат. Достон ҳажми 10000 байтдан ортиқроқ. Достоннинг аниқ қайси йилда яратилганлиги маълум эмас, адабиётларда унинг 1197 йилдан кейин ёзилганлиги ҳақида баъзи қайдлар учрайди.

Низомий "Искандарнома"сининг яратилишида Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" достони манба бўлиб хизмат қилган. Гарчи Фирдавсий достонида Искандар мавзуси тўлалигича ёритилмаган бўлса-да, лекин форс-тожик адабиётида бу мавзу қаламга олинган биринчи эпик асар эди [2].

"Искандарнома" достони худди Фирдавсий достони сингари мутақориб баҳрининг мутақориби мусаммани маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фаувлун фаувлун фаувлун фаал *V* – – *V* – – *V* – – *V* –) вазнида яратилган [3]. Бу вазн жангнома ва қаҳрамонлик типидаги достонлар учун қулай бўлиб, "Искандарнома"дан олдинроқ яратилган Асади Тусийнинг "Гаршоспнома", Ҳаким Эроншоҳнинг "Баҳманнома" достонлари ҳам шу вазнда битилган эди (1-иловага қаранг). Достондан олинган байтни тақтиъи билан кўриб чиқсак:

---

[1] Бунда олим Асади Тусийнинг "Луғати фурс" тазкирасида берилган маълумотга суянган (Қ: Бертельс Е.Э. История литературы и культуры Ирана. – М.: Наука, 1988. – С. 403). Тазкирада келтирилган 42 байт юқорида тилга олганимиз икки достондан олинган бўлиб, дарҳақиқат хафиф баҳрида яратилган эди (қ.: Ўбаҳи Ҳофиз. Тўҳфат ул-аҳбоб (дар муқояса бо "Луғати фурс" ва фарҳангҳои дигар). – Душанбе: Ирфон, 1992).

[2] Бертельс Е.Э. Низами и Физули. – М.: Наука, 1962. – С. 346.

[3] Аслида бу вазн қаҳрамонлик йўналишидаги эпик поэзияга даставвал Дақиқий (X аср) томонидан киритилган бўлиб, Фирдавсий достонининг дастлабки 1000 байти мазкур ижодкор қаламига мансуб. Е.Бертельс Дақиқийнинг ўз достони учун мутақориб баҳрини танлаганлиги сабабини қуйидагиларда кўриш мумкин деб ҳисоблайди: Ўша даврда Бухорода Сиёвушнинг ўлимига бағишланган марсиялар халқ орасида кенг тарқалган ва улар ўзига хос оҳангга эга эди. Дақиқий достоннинг ғоявий йўналишига мос келувчи ушбу оҳангга яқин вазнни танлаш билан "... ҳам аристократик эстетика талабларини қондирди, ҳам ўз асарида соф эроний анъаналарни сақлаб қолди. Бу шаклда достон ўзининг асосий вазифасини юксак даражада бажарди–кўҳна Эроннинг рицарлик анъаналари араб шон-шавкатига қарши қўйилди, эроний легитимизм (қонуний меросхўрлик – Д.Ю.) ва фарр (миллий ифтихор – Д.Ю.)нинг давомийлиги таъкидланди" (Бертельс Е.Э. История литературы и культуры Ирана. – М.: Наука, 1988. – С. 413). Шу тариқа бу вазн эпик поэзияда, асосан, қаҳрамонлик йўналишидаги достонлар битиладиган анъанавий шеърий ўлчов сифатида истифода этила бошланди.

Баромад /зи қалби /ду лашкар /хурўш,
V – – / V – –/ V – – / V –

Расид о / смонро /қиёмат /ба гўш.
V – –/ V – – / V – –/ V –

Кўринадики, Низомий “Панж ганж”и таркибига кирувчи 5 та достон аруз тизимининг 5 хил шеърий ўлчовида яратилган экан. Бу ҳолат фақат шаклий хусусият касб этмай, достонларнинг ғоявий йўналиши ва композицион қурилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Хусусан, фалсафий-дидактик масалаларга бағишланган, янгича композицион қурилишдаги “Махзан ул-асрор” учун эпик поэзияда қўлланилмаган сариъ баҳрининг сариъи мусаддаси матвийи макшуф (рукнлари ва тақтиъи: муфтаилун муфтаилун фоилун *–VV– –VV– –VV–*) дан фойдаланиш; Фирдавсий достонидаги романтик йўналишнинг “Хусрав ва Ширин”да биринчи планга олиб чиқилиши – бу достоннинг “Шоҳнома” вазнига яқин ҳазажи мусаддаси маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафоийлун мафоийлун фаувлун *V– – – V– – – V– –*) вазнида яратилишига олиб келиши[1]; ишқий-тасаввуфий масалаларга бағишланган “Лайли ва Мажнун” достони учун иккита (баъзан ҳатто учта) чўзиқ бўғин билан бошланувчи ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаувлун *– –V V–V– V– –*) вазнининг истифода этилиши; “Ҳафт пайкар” етти ҳикоятининг ифодаси учун 8 ритмик вариациядан иборат хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун мафоилун фаилун *–V– – V–V– VV–*) вазнининг қўлланилиши ва ниҳоят, Искандарнинг қаҳрамонлик юришларига бағишланган “Искандарнома” достонининг мазкур йўналиш учун анъанага айланган мутақориб баҳрининг мутақориби мусаммани маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фаувлун фаувлун фаувлун фаал *V– – V– – V– – V–*)да битилиши Низомий достонлари учун танланган вазнларнинг тасодифий эмаслигини кўрсатади (2-иловага қаранг).

XV АСР ҲИРОТ АДАБИЙ МУҲИТИ ХАМСАНАВИСЛИГИНИНГ ВАЗН ХУСУСИЯТЛАРИ

Низомий бешлиги яратилгандан кейин орадан бир аср вақт ўтиб, Хусрав Деҳлавий (1253–1325) унга жавоб ёзди ва шу билан хамсанавислик анъанасини бошлаб берди. Деҳлавийдан кейин бу анъана бутун Шарқ дунёсига тарқалди ва жуда кўп халқларда Низомий достонлари мавзуси ва сюжети асосида асарлар пайдо бўлди. Озарбойжон олими Ғ. Алиев жаҳон кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма ва манбаларни ўрганиб чиқиш асосида Низомий бешлигига муайян тарзда жавоб ёзган 300 га яқин ижодкорни аниқлади ва улар ҳақидаги маълумотларни умумлаштириб, “Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока” номли монографиясини яратди[2].

---

[1] У.Тоировнинг фикрича, мутақориб баҳри аслида ҳазаждан олинган (қаранг: Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии. Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Душанбе, 1997. – С. 22). Дарҳақиқат, бу икки шеърий ўлчов рукнларнинг қисқа бўғин билан бошланиши жиҳатидан ўхшашликка эга. Қиёсланг : Ҳазажи мусаддаси маҳзуф : V – – – V – – – V – – –
Мутақориби мусаммани маҳзуф:V – – V – – V – – V –

[2] Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985.

Хамсанавислик тарихида XV аср Ҳирот адабий муҳити алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврда 4 та тўлиқ хамса яратилди. Булардан иккитаси Навоий ва Жомий қаламига мансуб бўлса, қолган иккитаси: Жамолий ва Ашраф Марофий хамсалари у қадар кенг шуҳратга эга бўлмади. Гарчи Навоий ва Жомий бир давр ва адабий муҳитда яшаган бўлсалар-да, уларнинг хамсачиликка муносабатлари турлича эканлигини кўриш мумкин, хусусан бу фарқланиш достонлар учун танланган шеърий ўлчовларда ҳам кўзга ташланади. Шу маънода бу икки ижодкорнинг хамсанависликка муносабатларини Ҳирот адабий муҳити фонида кузатиш қизиқарли натижалар беради. Биз ушбуни ҳисобга олиб, дастлаб Ҳирот адабий муҳитида хамсачиликнинг шеърий ўлчов билан боғлиқ шартларига қандай амал қилинганлигини ўрганмоқчимиз.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, айнан шу давр ва шу муҳитнинг ўзида 20 га яқин ижодкор хамсанависликда ўз кучларини синаб кўрганлар. Гарчи бу ижодкорларнинг барчаси тўлиқ хамса яратмаган бўлсалар-да, лекин бешликнинг у ёки бу достонига жавоб ёзиш билан мазкур анъанага ўз муносабатларини билдирганлар.

Бу даврдаги Низомий мавзуларига мурожаат қилган ижодкорлар ҳақида Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"(1498), Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" (1486), Ҳумомиддин Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ" асарларида маълумотлар учрайди.

Ишимизнинг ушбу фаслида XV аср Ҳирот адабий муҳитида хамсанавислик анъанасига муносабат билдирган ижодкорлар ҳақидаги барча маълумотлар умумлаштирилиб, асосий эътибор достонларнинг вазн хусусиятларини тадқиқ қилишга қаратилди.

Ижодкорлар гуруҳи хамсанависликка билдирган муносабатига кўра шартли равишда уч гуруҳга ажратилди:

1. Тўлиқ хамса муаллифлари.
2. "Хамса"нинг баъзи достонларига жавоб ёзган ижодкорлар.
3. Битта достонга жавоб ёзган ижодкорлар.

Даставвал биринчи гуруҳни кўриб чиқамиз.

Тўлиқ хамса муаллифлари

Жамолий[1]

Темур ва Шоҳруҳ замонида яшаган бу ижодкорнинг таваллуд ва вафот этган йиллари ҳақида аниқ маълумот йўқ. Фақат Ғ.Алиев унинг бешлиги 1402-1417 йй. оралиғида яратилган деган фикрни билдиради[2].

Жамолий "Хамса"си қуйидаги достонлардан иборат:

1. "Туҳфат ул-аброр". Низомий "Махзан ул-асрор"ига жавоб тарзида ёзилган. Вазни ҳам анъанавий бўлиб, "Махзан ул асрор" каби сариъ баҳрида[3].

2. "Меҳру Нигор". Номланишдан Низомий достонларига ўхшамаса-да, сюжети ва танланган вазнига кўра Низомий "Хусрав ва Ширин"ига яқин туради.

---

[1] Ижодкорлар рўйхати хронологик тартибда берилди.

[2] Алиев Г. Кўрсатилган асар. – Б. 99

[3] Биз шарқшунос олима Паола Орсаттининг Жамолий "Хамса"сига бағишланган мақоласида келтирилган байтлар орқали ушбу ижодкор достонида қўлланилган шеърий ўлчовларни аниқлашга муваффақ бўлдик (Қаранг: Paola Orsatti. The Hamsah "Quintet " by Jamali: reply to Nizami between the Timurids and the Qara-Qoyunlu // Oriente moderno, C.A.Nallino, 1996. – P. 385-411)

3. “Маҳзун ва Маҳбуб”. Мазкур достон Низомий “Лайли ва Мажнун”и каби ҳазажи ахраб вазнида ёзилган. Достон воқеалари ҳам айнан шу мавзуни эслатади [1].

1. “Ҳафт авранг”. Низомий “Ҳафт пайкар”ига татаббуъ тарзида ёзилган, вазнда ҳам шу достондан фарқланмайди.

2. Достон номланиши аниқ эмас. Лекин воқеалар мазмуни ва қўлланилган вазн Низомий “Искандарнома”сини эслатгани учун уни Низомий бешлигидаги сўнгги достонга жавоб тарзида ёзилган деб ҳисоблаш мумкин[2].

Ашраф Марофий

Шоҳруҳ замонида яшаганлиги ва 1450 йилда вафот этганлиги маълум. Унинг бешлиги 1428-1444 йй. оралиғида яратилган бўлиб, қуйидаги достонлардан иборат:

1. “Минҳож ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг йўли”), 1428 йилда яратилган. Низомий достонидан бир оз фарқланиб, 21 мақолатдан иборат ва уларнинг ҳар бир бирига иккитадан ҳикоят илова қилинади. Вазни ҳам анъанавий бўлиб, Низомий достони вазнида яратилган.

2. “Риёз ул-ошиқин” (“Севишганлар боғи”), 1432 йилда яратилган. Эрон шоҳи Хусравнинг Ширинга муҳаббати кўрсатилганлиги сабабли баъзи манбаларда достон номи “Хусрав ва Ширин” деб кўрсатилади. Низомийнинг шу номдаги достонида қўлланилган шеърий ўлчовдан фойдаланилган.

3. “Ишқнома”, 1438 йилда яратилган. “Лайли ва Мажнун” сюжетида ёзилган бу достон вазн нуқтаи назаридан Низомий “Лайли ва Мажнун”идан фарқланмайди.

4. “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”), 1440 йилда яратилган. Шеърий ўлчов сифатида “Ҳафт пайкар” вазни қўлланилган.

5. “Зафарнома”, 1444 йилда яратилган. Номланишдаги ўзгачаликка қарамай, воқеалар баёни ҳам, қўлланилган вазн ҳам “Искандарнома”ни эслатади.

Мазкур гуруҳдаги яна икки ижодкор Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий “Хамса”ларининг вазн хусусиятлари ҳақида ишимизнинг кейинги фаслида фикр юритганимиз сабабли бу ўринда уларга тўхталиб ўтирмаймиз.

“Хамса”нинг баъзи достонларига жавоб ёзган ижодкорлар

Котиби Туршизий

Бу ижодкорнинг Нишопурдан келганлиги ва 1434 / 36 йй.да Астрободда вафот этганлиги ҳақида маълумотлар бор[3].

Туршизий 10 га яқин маснавий-достонлар муаллифи, улардан фақат учтаси “Хамса” достонларига татаббуъ тарзида вужудга келди:[4]

---

[1] Паола Орсатти ушбу достоннинг баъзи ўринлари Хожу Кирмоний (1281-1352) бешлигидаги “Ҳумой ва Ҳумоюн” достонидаги воқеаларни эслатгани учун мазкур достоннинг яратилишида Кирмоний достонининг таъсири бўлган деб ҳисоблайди. Ҳақиқатдан ҳам, вазн ва мавзу иккала достонда ҳам умумий бўлганлиги учун ушбу фикрга қўшилиш мумкин (Қаранг: Orsatti P. Кўрсатилган асар. - Б. 399).

[2] Ғ. Алиев Жамолий бешлигидаги биринчи ва тўртинчи достонлар номланиши Жомий достонларини эслатгани учун бу шоирни Жомий таъсирида бўлган деб ҳисоблайди (Алиев Г. Кўрсатилган асар. – Б. 99). Лекин Жомий 1414 йилда туғилганлиги ва унинг “Хамса”си 1481-1485 йй. да яратилганлигини ҳисобга олсак, мазкур фикрнинг янглиш эканлиги маълум бўлади.

[3] Бертельс Е. Избранные труды. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – С. 33

[4] А. Кримский бу ўринда фақат 2 та: “Лайли ва Мажнун” ва “Гулшан ул-аброр” достонларини кўрсатади

1. “Гулшан ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг гулшани”). Низомий бешлигидаги биринчи достонга жавобан ёзилган бўлиб, вазни ҳам шу достон вазнида.

2. “Лайли ва Мажнун”. Котибийнинг бу номдаги достони ҳақида адабиётшуносликда баъзи маълумотлар бор[1], лекин достон матни ҳозирча маълум эмас.

3. “Баҳром ва Гуландом”. Низомий бешлигида бундай мавзудаги достон учрамайди, лекин Оға Бузург Теҳроний достонда қўлланилган вазнга қараб, уни “Хусрав ва Ширин”га жавобан ёзилган достонлар қаторига киритади [2].

Абдуллоҳ Ҳотифий

1445|50-1521 йй. оралиғида яшаган. Манбаларда Абдураҳмон Жомийнинг жияни сифатида тилга олинади. “Хамса”нинг қуйидаги достонларига жавоб ёзганлиги маълум:

1. “Лайли ва Мажнун”. Низомий “Лайли ва Мажнун”ига жавоб тарзида – ҳазажи ахраб вазнида ёзилган.

2. “Ширин ва Хусрав”. 1490 йилда ёзиб тугалланган бу достон хамсанависликнинг барча жиҳатлари каби вазнда ҳам Низомий достони билан мос келади.

3. “Ҳафт манзар” (“Етти манзара”), “Ҳафт пайкар” вазнида – хафифи махбунда яратилган.

4. “Темурнома”. “Искандарнома” вазнида битилган бу достон Амир Темурнинг зафарли юришларига бағишланган.

Кўринадики, Ҳотифий достонлари орасида фақат “Махзан ул-асрор”га жавоб тарзида ёзилган достон учрамайди.

Бадриддин Ҳилолий

Асли астрободлик бўлган бу ижодкор XV асрнинг 70-йилларида туғилган. 1529 йилда қатл этилган[3].

“Хамса” достонларига жавобан ёзилган 2 та достони бор:

1. “Сифат ул-ошиқин”. Низомий “Махзан ул-асрор”ига жавоб тарзида ёзилган бу достон анъанавий сариъ баҳрида бўлмасдан, негадир “Хусрав ва Ширин” мавзуси битиладиган ҳазажи маҳзуф вазнидадир[4].

2. “Лайли ва Мажнун”. Достон 2 минг байтдан иборат бўлиб, анъанавий ҳазажи ахраб вазнида яратилган.

А.Кримский Бадриддин Ҳилолийнинг “Шоҳу гадо” достонини бешликнинг учинчи қисмига жавоб тарзида ёзилган деб ҳисоблайди[5].

(Крымский А.Е. История Персии, ее литературы и дервишской философии. – М., 1912-13. – С. 120 -121.), Бертельсда ҳам шу фикр такрорланган (Бертельс Е. Кўрсатилган асар. – Б. 33). Ғ. Алиев эса бу таснифга “Баҳром ва Гуландом”ни ҳам киритади (Алиев Г. Ўша манба. – Б. 127).

[1] Бертельс Е. Кўрсатилган асар. – Б. 33; Асадуллаев С. “Лейли и Меджнун” в фарсиязычной литературе. – Душанбе, 1981. – С. 56.

[2] Алиев Г. Кўрсатилган асар. – Б. 127.

[3] Баъзи адабиётларда бу сана 1532 йил деб кўрсатилади (Кримский А.Е. Ўша асар. – Б.121).

[4] Биз кўриб чиққан Ҳирот адабий муҳити ижодкорлари орасида Б.Ҳилолий вазн бўйича анъанавийликдан чекинган (Жомийдан ташқари) ижодкор ҳисобланади. Ғ. Алиев мазкур ижодкор достонларининг вужудга келишида Низомий ва Деҳлавийдан кўра Жомийнинг таъсири кучлироқ сезилади деган фикрни билдиради (Алиев Г. Кўрсатилган асар. – Б. 257). Дарҳақиқат, Ҳилолийнинг вазн нуқтаи назаридан анъанавийликдан чекинганлиги Жомийни эслатади. Жомийнинг хамсанависликка бу жиҳатдан муносабати ҳақида ишимизнинг кейинги фаслида тўхталиб ўтамиз.

[5] Кримский А.Е. Ўша асар. – Б.120-121.

Шаҳобиддин Жомий

Бу ижодкорнинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳақида аниқ маълумот йўқ. Фақат Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ"да Шаҳобиддин Жомийнинг Навоий маслаҳатига кўра, "Лайли ва Мажнун" ва "Хусрав ва Ширин" достонларини ёзганлиги ҳақидаги маълумотига таянадиган бўлсак, муаллифнинг XV асрнинг иккинчи ярмида яшаганлиги маълум бўлади[1].

Шаҳобиддин Жомийнинг бу икки достони бизгача етиб келмаган ёки ҳалигача топилмаган.

Битта достонга жавоб ёзган муаллифлар[2]

Биз бу гуруҳни ғоявий йўналишига қараб иккига ажратдик:

А) "Лайли ва Мажнун" типида достон ёзган муаллифлар

В) "Махзан ул-асрор" типида достон ёзган муаллифлар.

"Лайли ва Мажнун" типида достон ёзган муаллифлар

Шайхим Суҳайлий

1502 йилда вафот этган бу ижодкорнинг "Лайли ва Мажнун" номли достон ёзгани ҳақида Алишер Навоий маълумот беради[3], мазкур достон анъанавий ҳазаж баҳрида бўлиб, 1484 йилда яратилган.

Али Оҳий

Навоий "Мажолис ун-нафоис"да мазкур ижодкорнинг "...Хамса" муқобаласида неча маснавий..." айтганлигини таъкидлайди[4]. Лекин бу маснавийлардан бизгача фақат "Хаёлу висол" етиб келганлиги учун мазкур ижодкорни шартли равишда ушбу гуруҳга киритишга мажбурмиз. "Хаёлу висол" гарчи номланишдан "Лайли ва Мажнун"га ўхшамаса-да, достондаги ғоявий йўналиш ва шеърий ўлчов уни Низомийнинг учинчи достонига жавоб тарзида вужудга келган дейишга асос бўлади.

Хожа Имод Лорий

Навоий бу ижодкорнинг "Лайли ва Мажнун" достони ҳақида маълумот бериб, унинг татаббуъ эканлигини таъкидлайди[5]. Бундан қўлланилган вазннинг ҳам анъанавий эканлиги маълум бўлади.

Хожа Ҳасан Хизршоҳ

Бу муаллифнинг "Лайли ва Мажнун" муқобаласида "Зайд ва Зайнаб" маснавийси борлиги ҳақида Навоий маълумот бериб ўтади[6] . Тазкирада келтирилган байт мазкур достоннинг ҳазажи ахраб вазнида яратилганлигидан далолат беради.

---

[1] Қ.: Хондамир. Макорим ул ахлоқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 56.

[2] Аслида бундай номланиш ҳам нисбий бўлиб, бу ўринда фақат бизгача етиб келган достонлар ва улар ҳақидаги адабиётшуносликда мавжуд маълумотларга таянилди.

[3] Навоий Алишер. Мажолис ун нафоис. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1997. Т. 13. – Б. 98.

[4] Навоий А. Кўрсатилган асар. – Б. 166

[5] Навоий А. Кўрсатилган асар –Б. 166.

[6] Навоий А. Кўрсатилган асар. – Б.46.

Заве Қозиси

Ҳиротда яшаган бу ижодкорнинг “Лайли ва Мажнун” достонини ёзганлиги ҳақида баъзи тахминлар бор[1]. Вазни анъанавий. Навоий унинг фақат Амир Хусравга ёзган татаббуъларинигина эслаб ўтади[2] .

“Махзан ул-асрор” типида достон ёзган муаллифлар

Осафий Ҳиравий

Абдураҳмон Жомийнинг шогирди бўлган бу ижодкор 1522 йилда Ҳиротда вафот этган. “Махзан ул-асрор”га жавоб тарзида ёзилган асари вазн жиҳатдан Низомий достонидан фарқланмайди.

Наргисий

Асли Ироқдан бўлган бу ижодкор 1472-1531 йй. оралиғида яшаб ижод қилган. Қандаҳорда вафот этган. Унинг “Махзан ул-асрор” типида достон яратганлиги ҳақида баъзи маълумотлар бор[3] .

Ғиёсиддин Сабзаворий

Бу муаллифнинг “Махзан ул-асрор”га ёзилган назираси борлиги ҳақида Навоий маълумот беради[4], аммо достоннинг номланиши аниқ эмас. Вазни анъанавий (сариъ баҳрида).

Фосиҳ Румий

Ушбу муаллиф шаҳзода Жўқи мирзо саройида хизмат қилган ва унинг шеърларини кўчириш билан машғул бўлган. Бу ҳақда Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида баъзи қайдлар учрайди.[5] Бу муаллифнинг ҳам Низомий достонига ёзган назираси сариъ баҳрида бўлиб, достоннинг номланиши ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

Бу гуруҳдаги яна бир ижодкор Саййид Қосимий достонлари ҳақида ишимизнинг хусусиятидан келиб чиқиб, кейинги фаслда сўз юритамиз.

Юқоридагилардан маълум бўляптики, Ҳирот адабий муҳитида Низомий бешлиги мавзуларига муносабатда ўзгачалик деярли кўзга ташланмас экан, бу жиҳат бевосита достонлар учун танланган шеърий ўлчовларга ҳам тегишли. Шунга асосланиб, айтиш мумкинки, Ҳирот адабий муҳити хамсанавислигида ритмнинг бош омили бўлган вазнга достонлар мавзуси ва мазмунидан келиб чиқиб, қатъий риоя қилинган. Гарчи Ҳирот адабий муҳити хамсанавислигида Низомий достонларига жавоб ёзишда ўрни билан достон номида ўзгачалик кўринса-да, вазн сақланиб қолганлигини кузатиш мумкин.

---

[1] Алиев Г. Юқоридаги асар. – Б.89

[2] Навоий А. Кўрсатилган асар. – Б.108.

[3] Крымский А.Е.. – С. История Персии, ее литературы и дервишской философии. – М., 1912-13. – С. 120-121.

[4] Навоий А. Мажолис ун нафоис. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1997. Т. 13. – Б. 137.

[5] Навоий А. Кўрсатилган асар. – Б. 98.

ТУРКИЙ ЭПИК ПОЭЗИЯ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИ: ВАЗН ВА МАВЗУ УЙҒУНЛИГИ

Ўзбек эпик поэзияси ривожини Алишер Навоий “Хамса”сисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шарқшунос олим Н.Конрад Навоий “Хамса”си ҳақида гапирар экан, ритмлардаги ҳар хиллик жиҳатдан бу беш достонни мусиқа илмидаги пентатоникага ўхшатади. “Бири – ҳақиқий мажор, иккинчиси – ҳақиқий минор; учинчиси – мажорга “яқинлашаётган”, тўртинчиси – “миноргa яқинлашаётган” ва ниҳоят бешинчи достон мажор ва минорнинг ажралмас бирлигидир”[1].

Алишер Навоий “Хамса”сидаги биринчи достон “Ҳайрат ул-аброр” 1483 йилда яратилган эди. Достон худди Низомий достони сингари 20 мақолатдан иборат. Юқорида айтилгани каби Навоий анъанага тўла риоя этиб, достоннинг композицион қурилишини тўла сақлаб қолди.

“Ҳайрат ул-аброр” ҳам салафлар достонлари сингари сариъ баҳрининг сариъи мусаддаси матвийи макшуф вазни (рукнлари ва тақтиъи: муфтаилун муфтаилун фоилун *–VV– –VV– –V–*) да яратилган.

Ўзбек адабиётида Навоийгача бу вазн Дурбекка нисбат бериладиган “Юсуф ва Зулайҳо”[2], Ҳайдар Хоразмийнинг “Махзан ул-асрор”и ва Саййид Қосимий достонларида қўлланилган эди (4-иловага қаранг).

Ҳайдар Хоразмий достони ўзбек адабиётидаги Низомий “Махзан ул-асрор”ига жавоб тарзида ёзилган биринчи достон бўлиб, ҳажман кичик – 615 байтдан иборат. Достон 1413 йилда Шерозда яратилган ва темурий шаҳзода Искандар (1409-1414)га бағишланган. Достон ўз даврида кенг шуҳратга эга бўлиб, унинг овозаси Қашқардан то Босфоргача тарқалган эди[3].

Достоннинг кириш қисмида муаллиф ушбу достонни ёзишга Низомийнинг ўзи уни илҳомлантирганини, гўёки давр анъанасига кўра Низомий турк тилида ёзолмаган достонни Ҳайдар Хоразмий яратиши зарурлигини таъкидлайди:

Турк зуҳуридур очунда бу кун,
Бошла улуқ йир била туркона ун...
Турк сурудини тузук бирла туз,
Яхши аёлғу била кўкла қўбуз.

Достон Низомий достони сингари сариъ баҳрида яратилган:

Мен–ки пи–шур|дум бу ла–зиз| ош–ни,
–V V –|– V V – |– V –

---

[1] Конрад Н.И. Запад и Восток. – М.: Главная редакция Восточной литературы, 1972. – С. 285.

[2] “Дарёйи латофа”нинг муаллифи Мирзо Қотил сариъ баҳри ишқий мавзулардан бошқа барча мавзулардаги маснавий-достонларда қўлланилиши мумкин деб ҳисоблайди. (Аҳмад Али Оға. Ҳафт асман. – Калькутта, 1873. – Б. 53). Дарҳақиқат, оҳанг жиҳатдан енгил ва ўйноқи бўлган бу вазнда ошиқ-маъшуқларнинг чуқур руҳий изтиробларини ифодалаш анчайин мушкул ва биз ўз манбаларимиз доирасида форс-тожик эпик шеъриятида бу вазнда битилган бирорта ишқий достонни учратмадик.

[3] Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985. – С. 236-237.

Шайх Ни–зо |мий–ди –но–либ |чош–ни.
– V V –| –V V – – V –

Гарчи Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да ўз достонининг Ҳайдар Хоразмий достони билан бевосита алоқадорлиги ҳақида ҳеч нарса демаса-да, лекин унинг мазкур муаллиф билан таниш бўлганлиги аниқ, бу ҳақда Навоийнинг насрий асарларида баъзи қайдлар учрайди[1].

Навоийгача мазкур вазнга мурожаат қилган шоирлардан яна бири Саййид Қосимий бўлиб, ундан бизгача 4 та маснавий достон етиб келган[2]. Қосимий достонларидан фақат биттаси Низомий бешлигидаги биринчи достонга жавобан ёзилган бўлиб, “Мажмаъ ул-ахбор” (“Хабарлар мажмуаси”) деб номланган. Достон шоир яшаган давр ҳукмдори, Амир Темурнинг набираси Абу Сайид Мирзога бағишланган бўлиб, ҳажман у қадар катта эмас – 1044 байт.

Е.Э.Бертельс ўзининг “Низами и Физули” номли тадқиқотида “Махзан ул-асрор”га жавобан ёзилган 40 дан ортиқ достонни келтиради, лекин Саййид Қосимийнинг “Мажмаъ ул-ахбор” достони ҳақида маълумот бермайди, бу ҳол Бертельснинг Рампур шаҳрида сақланаётган қўлёзма билан таниш эмаслигини кўрсатади.

Шунингдек, Г. Алиевнинг “Темы и сюжети Низами в литературах народов Востока” номли тадқиқотида ҳам биз тилга олаётган муаллиф ва унинг достони ҳақида маълумот учрамайди.

Достоннинг “Дар сабаби назми китоб ва шарҳи аҳволи худ” бобида “Махзан ул-асрор” номи тилга олинади ва “Мажмаъ ул-ахбор”нинг ушбу достонга жавоб тарзида ёзилганлиги таъкидланади:

Шайх Низомий дамини ёд этиб,
Хатми дуо бирла руҳин шод этиб.
Назм этай неча ҳикоётини,
Жамъ қилиб нақлу ривоётини.
“Мажмаъ ул-ахбор” қилай отини,
“Махзани асрор” дейин зотини.

Дарҳақикат, достон номланиши, композицион қурилиши ва ғоявий мундарижаси билан Низомий достонига яқин туради (фақат Низомийда ҳикоятлар сони 20 та). Достонда қўлланилган шеърий ўлчов ҳам “Махзан ул асрор” достони вазнига мос келади.

Саййид Қосимий ижоди бўйича номзодлик диссертациясини ёзган Б.Қосимхонов тадқиқотнинг достонлар бадииятига бағишланган учинчи бўлимида шеърий ўлчовларга ҳам тўхталиб ўтади. Хусусан, “Мажмаъ ул-ахбор” достонида қўлланилган шеърий ўлчов ҳақида фикр юритар экан, мазкур достоннинг ражази мусаддаси матвий ва ражази мусаддаси махбуни марбуъ вазнларида ёзилганлигини таъкидлайди ва сўзининг исботи сифатида достондан олинган байтларни тақтиъи билан бирга келтиради. Кўчирмани айнан келтирамиз:

---

[1] Навоий Алишер. Муҳокамат ул–луғатайн. – Тошкент: Фан, 2000; Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 128.

[2] Ушбу достонлар ҳижрий 1044, мелодий 1634 йилда Бухорода Муҳаммад Содиқ Мунший томонидан кўчирилган қўлёзмадан жой олган бўлиб, мазкур қўлёзма Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасида сақланмоқда. Саййид Қосимий достонлари 1992 йилда филология фанлари номзоди Бобохон Қосимхонов томонидан нашрга тайёрланган. Қаранг: Қосимий Саййид. Маснавийлар мажмуаси. – Тошкент: Фан, 1992.

1. Ражази мусаддаси матвий
Боғ–ла бу–зуқ дун–ё–ди–нэй дўст–рахт
Мус–таф–ъи–лун мус–таф–ъи–лун муфта–ъилун
Бўл–ма а–нинг кун–жи–да чун ганжи сахт
Мус–таф–ъи–лун мус–таф–ъи–лун муфта–ъилун

2.Ражази мусаддаси махбуни марбуъ
Оҳ – қани – ҳамна– фасу– ҳам –да –ме
Муфта–ъилун –муфта–ъилун–фо – ъи–лун.
Бўлса–маним дарду – дилим – мар – ҳа – ме
Муфта–ъилун – муфта–ъилунфо – ъи–лун [1].

Аслида юқорида келтирилган ҳар икки байт бир хил шеърий ўлчовда, яъни сариъ баҳрида яратилган. Фикримизни асослаш мақсадида байтларни тақтиъи билан келтирамиз:

1.Боғ–ла бу–зуқ| дун–ё–дин эй | дўст рахт
– V V – | – V V – | – V~
муф–та–и–лун | муф–та–илун | фо–и–лон

Бўл–ма а–нинг| кун–жи–да чун|ганжи сахт
–V V –| – VV – | – V ~
муф–та–и–лун муф–та–и–лун фо–и–лон.

2. Оҳ қа–ни | ҳам–на– фа–су| ҳам –да –ме
– V V – |– V V – | –V–
муф–та–и–лун муф–та–и–лун фо–и–лун

Бўл–са–ма–ним|дар–ду ди–лим| мар–ҳа–ме
– V V –– V V –– V –
муф–та–и–лун муф–та–и–лун фо–и–лун

Саййид Қосимий “Дар сабаби назми китоб” бобида “Махзан ул-асрор”га туркий тилда биринчи бўлиб жавоб ёзган Ҳайдар Хоразмийни ҳам эслаб ўтади:

Ҳайдар агар бердиса сўз додини
Жумла жаҳон айлар онинг ёдини.
“Махзани асрор”а айитди жавоб
Сочти маоний дурини чун саҳоб.

Юқоридагилардан маълум бўляптики, Саййид Қосимий Ҳайдар Хоразмийнинг достони билан яхши таниш бўлган. Ҳайдар Хоразмий достони 1409-1414 йиллар оралиғида ёзилганлигини ҳисобга олсак, “Мажмаъ ул-ахбор”нинг 1414 йилдан кейин яратилганлиги маълум бўлади.

[1] Б.Қосимхонов ушбу байтдаги рукнлар тартибини тўғри келтиради, лекин негадир вазн номини ражази мусаддаси махбуни марбуъ деб кўрсатади.

Саййид Қосимий маснавийлари орасида сариъ баҳрида яратилган яна бир достон мавжуд бўлиб, “Гулшани роз” деб аталади. Достон Абу Саййид Мирзо тасарруфидаги бир шаҳарнинг ҳокими Жамолиддин Саййид Мирзога бағишланган. “Гулшани роз” 4 бобни ўз ичига олган муқаддима, асосий қисм (10 боб ва ҳар бир бобга келтирилган биттадан ғазалдан ташкил топган) ҳамда хотимадан иборат. Достон ўз мазмунига кўра панднома характерига эга. Шунинг учун ҳам унда юқорида тилга олинган шеърий ўлчов – сариъ баҳри қўлланилган. Мазкур достон вазни ҳам Б.Қосимхонов тадқиқотида янглиш таҳлил қилинган. Тадқиқотда достоннинг асосий шеърий ўлчовлари сифатида рамали мусаддаси маҳзуф ва рамали мусаддаси махбун вазнлари келтирилади:

1.Рамали мусаддаси маҳзуф.
Ан–динэй–рур–ло–ла–ю–гул–сурх–рўй
Фо–ъило–тун–фо–ъи–ло–тун–фоъи–лун
Боғ–жамо–лин–дин–а–нинг–ол–ди–бўй
Фо–ъило–тун–фо–ъи–ло–тун–фоъи–лун
2.Рамали мусаддаси махбун
Биз–га–а–гар– бўл–са–а–нинг–дек–шафиъ
Фо–ъи–ло–тун фо–ъи–ло–тун фа–ъил
Фик–рэ–мас–кел –са–хи–со–ли– шаниъ
Фо–ъи–ло–тун фо–ъи–ло–тун фа–ъил.

Аслида ҳар иккала байт ҳам юқорида келтирилгани сингари сариъ баҳрида яратилган эди.

Юқоридагилардан маълум бўляптики, Навоийгача туркий эпик шеъриятда истифода этилган сариъ баҳрининг қўлланилиш даражасини икки жиҳатдан тасниф қилиш мумкин экан:

1.Ҳайдар Хоразмийнинг “Махзанул асрор” ва Саййид Қосимийинг “Мажмаъул ахбор” достонлари Низомий “Махзанул асрор”ига бевосита жавоб бўлганлиги учун ушбу достонларда мазкур шеърий ўлчов қўлланилган.

2.Саййид Қосимийнинг “Гулшани роз” достони мазмунига кўра панднома руҳидаги достон бўлганлиги учун унда айнан шу мавзудаги достонлар учун мўлжалланган сариъ баҳридан фойдаланилган.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам достонлар учун танланган шеърий ўлчов асар мавзусига мутаносиб эканлигини кўриш мумкин.

Алишер Навоий “Хамса”сидаги иккинчи достон “Фарҳод ва Ширин” 1484 йилда ёзиб тугалланади. Унда анъанавий ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазни (рукнлари ва тақтиъи: мафоийлун мафоийлун фаувлун *V– – – V– – – V– –*) қўлланилган. Ўзбек эпик поэзиясида мазкур вазннинг илк бор қўлланиши Хоразмий номи билан боғлиқ. Унинг 1353–1354 йилларда яратилган “Муҳаббатнома” достони шу вазнда яратилган. Алишер Навоий ўзининг “Мезон ул-авзон” асарида турк халқида “Муҳаббатнома” деб аталган қўшиқ борлигини ва мазкур қўшиқнинг ўлчови биз юқорида тилга олган вазн билан мутаносиб келишини таъкидлайди: “Ва яна турк улусида бир суруддурким, ани “муҳаббатнома” дерлар, ул ҳазажи мусаддаси мақсур баҳридадур ва холо матруқдур, будур (байт) :

Мени оғзинг учун шайдо қилибсен
Манга йўқ қайғуни пайдо қилибсен”[1].

Кўриняптики, халқ оғзаки ижодидаги “муҳаббатнома” қўшиғи оҳанги билан Хоразмий “Муҳаббатнома”си вазни орасида муайян даражада алоқадорлик мавжуд экан.

Хоразмийдан кейин бу вазн туркий адабиётда ишқий мавзудаги достонларнинг асосий шеърий ўлчови бўлиб қолди. Хусусан, Амирий “Даҳнома”си, Саид Аҳмад “Таашшуқнома”си, Хўжандий “Латофатнома”си, Сайфи Саройининг “Суҳайл ва Гулдурсун”и, Ҳайдар Хоразмий “Гул ва Наврўз”и, Саййид Қосимийнинг “Ҳақиқатнома”[2] ва “Илоҳийнома”[3] достонлари шу вазнда яратилган эди (4-иловага қаранг).

Ушбу достонлардан Низомий “Хисрав ва Ширин”ига жавоб тарзида яратилган туркий достон Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони ҳисобланади[4]. Навоий мазкур достонни яратишда Низомий достонидан таъсирланган ҳолда туркий адабиётда ўзигача яратилган ишқий достонлардан ҳам муайян даражада фойдаланган[5]. Шу маънода Навоийгача туркий эпик поэзияда ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнининг мавзулар билан боғлиқлик даражасини 3 манба орқали кўрсатиш мумкин. Булар қуйидагилар:

1. Амирий “Даҳнома”си, Саид Аҳмад “Таашшуқнома”си, Хўжандий “Латофатнома”си ва Саййид Қосимийнинг “Ҳақиқатнома” достонлари Хоразмий “Муҳаббатнома”сига жавоб тарзида ёзилганлиги учун уларда анъанавий ҳазаж баҳри қўлланилган.

2. Саййид Қосимийнинг “Илоҳийнома” достони Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома”си таъсирида вужудга келганлиги учун унда “Илоҳийнома” вазни – ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнидан фойдаланилган.

3. Сайфи Саройининг “Суҳайл ва Гулдурсун” ва Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврўз” достонлари ишқий мавзуда битилганлиги учун уларда айнан шундай мавзуга мўлжалланган ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазни қўлланилган.

---

[1] Навоий Алишер. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 16. – Б. 90.

[2] Саййид Қосимийнинг бошқа достонларидан фарқли ўлароқ “Ҳақиқатнома”нинг яратилган йили ҳақида маълумот бор, бу маълумотни достоннинг ўзидан олиш мумкин:

Муҳаббат кўйида қилдим иқомат
“Ҳақиқатнома”ни қилдим тамомат...
Секиз юз олтмиш учда бўлди тайёр,
Рабуъ ул-охир ойинда бу гуфтор.

Демак, юқоридаги мисралардан “Ҳақиқатнома”нинг ҳижрий 863, мелодий 1459 йилда яратилганлиги маълум бўляпти. Достоннинг “муножот” бобида “Ҳақиқатнома”нинг Хоразмий “Муҳаббатномаси” (1353–1354) баҳрида яратилганлиги таъкидланади:

Маъоний дуррини оламга ёйсам
“Муҳаббатнома”нинг баҳрида айсам.

[3] “Илоҳийнома” XII-XIII аср классиги Фаридиддин Аттор (1149-1229)нинг шу номдаги асарига жавоб ҳисобланади. Бу ҳақда Саййид Қосимийнинг ўзи шундай ёзади:

Илоҳийномаи Аттор будур,
Давойи сийнаи афгор будур.
Они туркий била Қосимий айди,
Маъоний гуқарини элга ёйди.

Ҳақиқатан ҳам, достон ғоявий мазмуни билан Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома”сига яқин туради. Достон Аттор достони сингари ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилган.

[4] Низомий ҳамда Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” достонларини қиёслаб ўрганган олим Ғанихонов М. Қутбнинг мазкур достонини назира эмас, балки таржима деб ҳисоблайди (қаранг: Ганихонов М.А. Сравнительный анализ поэм “Хусрав и Ширин” Низами и Кутба.: Автореф. дис… канд. филол. наук. – Ташкент, 1994. – С.19.)

[5] А.Ҳайитметов Юсуф Амирий “Даҳнома”сининг Навоий “Фарҳод ва Ширин”ига таъсири ҳақида ёзиб, кўп жиҳатлар қатори бу икки асарнинг шеърий ўлчовида ҳам ўзаро алоқадорлик бор деб ҳисоблайди (Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 88).

Юқоридаги барча ҳолатларда ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнининг достонлар мазмунига уйғун тарзда қўлланилганлигини кўриш мумкин.

Навоий “Хамса”сидаги “Лайли ва Мажнун” достони ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаувлун – – *VV* – *V* –*V* – –) вазнида яратилган. Ўзбек эпик поэзиясида Навоийгача Лайли ва Мажнун муҳаббати билан боғлиқ мавзу ишланмаган эди. Навоий бу мавзуни биринчилардан бўлиб қаламга олди ва ундаги шеърий ўлчов – ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазнини ҳам туркий эпик шеъриятда биринчи бўлиб қўллади. Унгача бирор туркий достон мазкур вазнда яратилмаган эди (Навоийнинг ушбу достони вазни ва унинг ритмик вариацияси билан боғлиқ масалаларга ишимизнинг кейинги бобида батафсилроқ тўхталганимиз боис бу ўринда фақат таъкидлаб ўтиш билан чекланамиз).

“Сабъаи сайёр” Навоий “Хамса”сидаги тўртинчи достон бўлиб, ғоявий йўналишига кўра ишқий-саргузашт достон ҳисобланади. Навоий бундай достонлар учун олдиндан белгилаб қўйилган хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун мафоилун фаилун *– V – –V – V – V V –*) вазнидан шеърий ўлчов сифатида фойдаланади. Мазкур вазн ҳам туркий эпик шеъриятда Навоийгача истифода этилмаган эди.

Алибек Рустамов “Сабъаи сайёр” достони қолган достонларга нисбатан енгил руҳдаги достон бўлганлиги учун унинг вазни ҳам асарга енгиллик оҳанги берувчи хафиф баҳридадир деб ҳисоблайди[1]. Дарҳақиқат, хафиф баҳри луғавий маъносига (арабча “енгил”) мос келувчи ритмга эга. Бунга сабаб сифатида бу шеърий ўлчов таркибида қисқа ва чўзиқ бўғинларнинг деярли тенг нисбатда эканлигини келтириш мумкин, яъни чўзиқ бўғинлар сони 6 та, қисқа бўғинлар эса 5 тани ташкил қилади. Баъзан эса бу нисбат (ритмик вариациялар қўлланилган пайтда) аксинча ҳам бўлиши мумкин (қисқа бўғинлар 6 та, чўзиқ бўғинлар 5 та). Қисқа бўғинларнинг вазн таркибида кўпроқ қўлланилиши оҳангнинг енгил ва ўйноқи бўлишига олиб келади, буни “Ҳайрат ул-аброр” достонида қўлланилган сариъ баҳрига нисбатан ҳам айтиш мумкин, бу шеърий ўлчовда ҳам қисқа ва чўзиқ бўғинлар сони орасида деярли фарқ йўқ, яъни қисқа бўғинлар сони 5 та, чўзиқ бўғинлар эса 6 тани ташкил қилади. Фикримизни янада асослаш учун “Фарҳод ва Ширин”да қўлланилган ҳазажи маҳзуф вазнидаги чўзиқ ва қисқа ҳижолар нисбатига эътибор қаратамиз:

V – – – V – – – V – –

Кўриняптики, мазкур тақтиъда қисқа бўғинлар сони 3 та, чўзиқ бўғинлар эса ундан анча кўп (8 та) экан. Айнан шу фикрни “Лайли ва Мажнун” достонида қўлланилган ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазни (рукнлари ва тақтиъи: – – V V – V – V – –)га нисбатан ҳам айтиш мумкин. Демак, шеърий ўлчов таркибида қисқа бўғинлар сонининг кўпроқ қўлланилиши оҳангга енгиллик ва ўйноқилик бағишласа, чўзиқ бўғинлар миқдорининг етакчилик қилиши натижасида эса сокин ва вазмин оҳанг вужудга келар экан.

Навоий бешлигидаги сўнгги достон “Садди Искандарий” деб аталиб, 1485 йилда ёзиб тугалланади. Достон Низомий “Искандарнома”си сингари мутақориб баҳрида яратилган. Алишер Навоийгача бу вазн Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”ида ва Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” достонларида қўлланилган эди.

[1] Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 123.

Демак, юқоридагиларга хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, Алишер Навоий “Хамса”си достонларида қўлланилган шеърий ўлчовлар учун Низомий “Хамса”си вазнлари асос бўлгани ҳолда туркий эпик шеъриятда Навоийгача қўлланилган вазнлар ҳам муайян даражада таъсир кўрсатган, шу жиҳатдан Навоийни ҳам хамсачилик анъанасига муносабат билдирган ижодкор сифатида, ҳам туркий эпик шеъриятнинг давомчиси сифатида ўрганиш мумкин.

АНЪАНАВИЙЛИКДАН ИНДИВИДУАЛЛИККА ЎТИШДА ВАЗН ВА МАЗМУН МУНОСАБАТИ

Форс адабиётида Низомий бешлигига биринчи жавоб битган ижодкор Хусрав Деҳлавий бўлса, Навоий бу вазифани туркий тилда адо этди. Гарчи туркий адабиётда Навоийгача “Хамса”нинг у ёки бу достонига жавоб ёзилган бўлса-да (Аҳмадий. “Искандарнома”(XIV аср), Қутб. “Хисрав ва Ширин” (XV аср), Ҳайдар Хоразмий. “Махзан ул-асрор” (XV аср), Саййид Қосимий. “Мажмаъ ул-ахбор” (XV аср), лекин тўлиқ бешлик яратилмаган эди.

Навоий бешлигида хамсанависликнинг барча шартларига қатъий амал қилинганликни кўрамиз, хусусан, достонларда қўлланилган вазнлар Низомий бешлиги ўлчовларига мос келади.

А. Эркиновнинг фикрича, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоийлар саройга яқин шоир бўлганликлари учун уларнинг хамсанавислик шартларидан чекиниш имкониятлари нисбатан камроқ бўлган[1]. Дарҳақиқат, бу фикрда жон бор. Чунки Деҳлавий ҳам, Навоий ҳам сарой талабига кўра шоҳлар билан боғлиқ достонларни ёзишлари қайсидир даражада шарт эди.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш керак бўлади. Деҳлавий ҳам, Навоий ҳам хамсанависликка муносабат билдираётган биринчи ижодкорлар эди. Шу жиҳатдан бу икки ижодкор “буюк Низомий билан адабий мубоҳасага киришиш жараёнидаги мураккаб вазифа”ни[2] амалга оширишда бир хил позицияда турганлар деб айтиш мумкин.

Деҳлавий анъананинг барча жиҳатлари қатори достонларда қўлланилган вазнларни ҳам тўла сақлаб қолди, яъни Низомий томонидан “Хамса”нинг 5 та достонида қўлланилган шеърий ўлчовлардан фойдаланди.

Деҳлавийдан кейинроқ анъананинг бузилиш ҳоллари учрай бошлади. Хусусан, XIV асрнинг форсигўй адиби Ҳожу Кирмоний (баъзи манбаларда Ҳожу Ҳимматий)нинг 1332-1345 йиллар оралиғида яратилган бешлиги кўп жиҳатлари билан Низомий бешлигидан фарқ қилади.

Кирмоний “Хамса”си “Ҳумой ва Ҳумоюн”, “Гул ва Наврўз”, “Равзат ул-анвор”, “Камолнома” ва “Гавҳарнома” каби достонлардан иборат бўлиб, достонларнинг номланишиёқ анъанага муносабатдаги ўзгачаликни кўрсатяпти.

Кирмоний бешлигидаги биринчи достон “Ҳумой ва Ҳумоюн” деб аталиб, унда шаҳзода Ҳумой билан хитой маликаси Ҳумоюн орасидаги ишқий саргузашт қаламга олинади. Достон Низомий “Искандарномаси” битилган мутақориб баҳрида яратилган[3]. Аслида ишқий

---

[1] Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари: Филол. фан. док. дисс... – Тошкент, 1998. – Б. 122.

[2] Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985. – Б. 57.

3 Қаранг:. Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985. – С.231.

достонларни мутақориб баҳрида битиш тамойили ғазнавийлар даври адабий муҳити (XI аср) учун хос хусусият бўлиб, бу давр ижодкорларидан Айюқийнинг “Варқаъ ва Гулшоҳ”, Унсурийнинг “Вомиқ ва Узро” достонлари шу шеърий ўлчовда яратилган эди. Бу ҳолат мазкур баҳрда биринчи бўлиб тўлиқ маснавий-достон яратган Фирдавсий анъанаси билан боғлиқ деб айтиш мумкин. Кирмонийнинг сўфиёна қарашларини ўз ичига олган “Камолнома” достони эса хафиф баҳрида яратилган.

Кирмоний достонларидаги шеърий ўлчов билан боғлиқ бу ўзгаришлар муаллифнинг хамсанавислик анъанасига муносабатда ўз позицияси бўлганлигини кўрсатади.

Хамсачилик тарихида форс-тожик адабиётининг йирик намояндаларидан бири Абдураҳмон Жомий (1414–1492) бешлиги алоҳида ўрин тутади[1]. Жомий ижодкор бўлиш билан бирга сўфий ҳам эди, бу ҳолат у яратган асарларда ҳам намоён бўлади. “У – шоир, у – файласуф, у – филолог, у – мусиқашунос. Лекин шу билан бир қаторда у кўпроқ сўфий. Унинг учун борлиқни англашнинг икки кўриниши мавжуд – борлиқ сирлари ва ижод сирлари”[2].

Абдураҳмон Жомий “Хамса”сининг биринчи достони “Туҳфат ул-аҳрор” (“Ҳур кишилар туҳфаси”) 1481 йилда яратилган эди. Фалсафий-ахлоқий масалаларга бағишланган бу достон Низомий “Махзан ул-асрор”ига жавоб тарзида вужудга келди. Достонлар номланишидаги оҳангдошлик, композицион қурилишдаги ўхшашлик ва қўлланилган шеърий ўлчов бу фикрни тасдиқлайди. Умуман, Жомийгача ҳам форс-тожик адабиётида Низомий бешлигидаги биринчи достонга муносабатда ўзгачалик сезилмайди. Бу жиҳат бевосита достонларда қўлланилган шеърий ўлчовга ҳам тегишли. Демак, Жомийнинг “Туҳфат ул-аҳрор” достони анъанага мувофиқ сариъ баҳрининг сариъи мусаддаси матвийи макшуф вазнида яратилган эди:

Гар–чи қа–лам| до–ди су–хан| до–да аст,
– V V –– V V –– V –
Бе–су–хан ў | ҳам зи су–хан| зо–да аст...
– V V –– V V – – V –

1482-83 йилларда “Хамса” нинг иккинчи достони “Субҳат ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг тасбеҳи”) майдонга келди. Анъанага мувофиқ, хамсанинг иккинчи достони ишқий мавзуга бағишланиши керак эди. Лекин Жомий бу ўринда анъанадан бутунлай чекиниб, фалсафий йўналишдаги яна бир достон яратади. Лекин у биринчи достон каби 20 та мақолатдан эмас, балки 40 та бўлим – “иқд” (тасбеҳ донаси)дан иборат бўлиб, ҳар бир назарий қисмдан кейин алоҳида ҳикоят ва муножот илова қилиб борилади.

---

[1] Адабиётшуносликда Жомийнинг “Хамса” ёзган-ёзмаганлиги билан боғлиқ баҳсли фикрлар мавжуд. Хусусан, М.Имомназаров ўзининг “Жомий “Хамса” ёзганми?” номли мақоласида Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Садди Искандарий” достонида келтирган фикрларига суяниб, Жомий достонларига “Хамса” тарзида эмас, балки еттилик –“Ҳафт авранг” шаклида қараш зарурлигини таъкидлайди (Қаранг: Имомназаров М. Жомий “Хамса” ёзганми? // ЎзАС. – 2005. – 16 дек. – Б. 4). Дарҳақиқат, Навоий “Лайли ва Мажнун”ни ёзаётган пайтида Жомий ҳақида сўзлар экан, уни “Гар “Хамса”ни этмайин мураттаб” деб эслаб ўтади ва Жомийнинг ҳали “Хамса” тартиб бермаганлигини айтади. Лекин Жомий вафот этгач, унга бағишлаган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари хотимасида Жомий ёзган ва Навоийнинг ўзи бевосита “алар хизматида таълим ва истифода юзидин ўқубмен” деб баҳо берган асарларни санаб ўтар экан, аввал “Хамса”, сўнгра “Ҳафт авранг” номларини келтиради ва уларни “муқобала” (жавоб) деб ҳисоблайди. Жомийнинг ўзи эса “Хирадномаи Искандарий” хотимасида ўз асарини “Панж ганж” деб атайди:

[2] Конрад Н.И. Запад и Восток. – М.: Главная редакция Восточной литературы, 1972. – С. 276.

Достон Жомийгача форс-тожик адабиётида деярли қўлланилмаган рамали мусаддаси солими махбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фаилотун фаилун *–V– – VV– – VV–*) вазнида яратилган эди. Навоий "Хамсат ул–мутаҳаййирин"да Жомийгача бу вазнда ҳеч ким маснавий-достон яратмаганлигини таъкидлайди[1]. Дарҳақиқат, форс-тожик эпик поэзиясида Жомийгача мазкур вазнда яратилган достонни учратиш қийин. Бобур "Мухтасар"да Амир Хусрав Деҳлавий "Нўҳ спеҳр"ининг бир спеҳрини ушбу вазнда битганлигини айтиб ўтади. Дарҳақиқат, "Нўҳ спеҳр"нинг 4-қисми рамали махбун вазнида яратилган. Навоий бу ўринда тўлиқ маснавий-достонни назарда тутганлиги учун Деҳлавий асарини эслаб ўтмаган

бўлиши мумкин. Кўринадики, Жомий форс-тожик адабиётида мазкур вазнда биринчи эпик достон яратган ижодкор экан[2].

Ҳақли савол туғилади: Нима учун Жомий "Субҳат ул-аброр" достонида анъанавий "Хамса" вазнларидан бирини қўлламади? Бу масалани икки жиҳатдан ўрганиш керак бўлади: биринчидан, "Субҳат ул-аброр" достони ғоявий мундарижаси ва тузилиши жиҳатидан "Хамса" достонларидан ҳеч бирига жавоб бўла олмасди, шу сабабли унинг шеърий ўлчовини "Хамса" таркибидан қидириш унчалик тўғри бўлмайди. Достон янги (ноанъанавий) бўлганлиги учун унинг вазни ҳам ўзгача (эпик поэзияда қўлланилмаган) бўлиши керак эди. Шу сабабдан Жомий мазкур достон учун Шарқ адабиётида ўзигача маснавий-достон битилмаган рамали махбун вазнини танлади.Иккинчидан, "Субҳат ул-аброр" фалсафий йўналишдаги достон эди ва бундай достонлар учун хафиф баҳридан фойдаланиш анъанаси Жомийгача мавжуд эди. Лекин Жомий мазкур достонда хафиф баҳрини қўллай олмасди, чунки унинг аввалроқ яратилган яна бир фалсафий йўналишдаги достони "Силсилат уз-заҳаб" (1472) да шу шеърий ўлчов қўлланилган эди[3]. Шу сабабли Жомий ўз фалсафий хулосалари жамланган "Субҳат ул-аброр" достонини ноанъанавий рамали махбун вазнида яратади[4].

Рамали махбун вазни оҳанг жиҳатидан ҳам, тузилиш жиҳатдан ҳам хафифи махбун вазнига ўхшаб кетади. У ҳам худди хафиф сингари 8 та ритмик вариациядан иборат. Қиёслаш учун қуйидаги жадвални келтирамиз:

---

[1] Навоий Алишер. Хамсат ул-мутаҳаййирин. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1999. Т. 15. – Б. 58.

[2] Али Асғар Ҳикмат Абдураҳмон Жомийдан кейин ҳам форс–тожик адабиётида мазкур вазнда маснавий -достон яратилмаганлигини таъкидлайди (қаранг: Афсахзод А. Лирика Абд ар-Рахмана Джами. – М.: Наука, 1988. – С. 62). Ўзбек адабиётида Жомий достонидан чорак аср вақт ўтиб яратилган Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома" достони биз юқорида тилга олган вазнда ёзилган бўлиб, Бобур уни "бисёр суст ва фуруд" деб атайди (Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1948. – Б. 210).

[3] Жомий ижоди бўйича мутахассис А.Афсаҳзод мазкур достонни негадир рамал баҳрида яратилган деб ҳисоблайди (қаранг: Аълохон Афсахзод. Лирика Абд Ар-Рахмана Джами.– М.:Наука, 1988. – С. 58).

[4] Бу жиҳат кейинчалик турк адабиётида анъана тусини олди. Тўлиқ бешлик муаллифи сифатида танилган Яҳёбей Тошлижолининг 1550 йилда яратилган "Ганжинаи роз" достони Жомий достони сингари 40 бўлимдан иборат бўлиб, унда айнан биз фикр юритаётган рамали махбун вазни қўлланилган (Қаранг: Арасли Н. Низами ва турк эдабяти. – Баку: Элм, 1980. – С. 206.). Худди шу ҳолат яна бир турк шоири Навизода Атоийнинг "Суҳбат ул-абкор" (1525) достонида ҳам кўзга ташланади (Бертельс Е.Э. Низами и Физули.– М.: Наука, 1962. – С. 214 ; Арасли Н. Низами ва турк эдабяти. – Баку: Элм, 1980. – С. 206.).

№	Рамали махбун			Хафифи махбун		
	I рукн	II рукн	III рукн	I рукн	II рукн	III рукн
1.	– V – –	V V – –	V V –	– V – –	V – V –	V V –
2.	– V – –	V V – –	V V ~	– V – –	V – V –	V V ~
3.	– V – –	V V – –	– –	– V – –	V – V –	– –
4.	– V – –	V V – –	– ~	– V – –	V – V –	– ~
5.	V V – –	V V – –	V V –	V V – –	V – V –	V V –
6.	V V – –	V V – –	V V ~	V V – –	V – V –	V V ~
7.	V V – –	V V – –	– –	V V – –	V – V –	– –
8.	V V – –	V V – –	– ~	V V – –	V – V –	– ~

Агар эътибор қаратиладиган бўлса, ҳар иккала вазн бўғин миқдори жиҳатидан ўзаро тенг эканлиги маълум бўлади. Биринчи ва учинчи рукнлардаги бўғинларнинг сифати ҳам бир хил. Фақат иккинчи рукнда: рамали махбун вазни иккита қисқа, иккита чўзиқ бўғиндан иборат, хафифда эса қисқа ва чўзиқ бўғинлар ўзаро алмашиниб қўлланилади. Буларнинг барчаси бу икки баҳр орасидаги ритмларнинг ҳамоҳанглигини таъминлаяпти.

Бундай ўхшашлик эса бевосита Абдураҳмон Жомийнинг фалсафий йўналишдаги "Субҳат ул-аброр" достони учун рамали махбун вазнини танлашига олиб келган деб айтиш мумкин.

Абдураҳмон Жомий бешлигидаги учинчи достон "Юсуф ва Зулайҳо" деб аталиб, 1483 йилда яратилган. Низомий бешлигида бундай мавзу ва сюжетдаги достон учрамайди. Жомий "Хусрав ва Ширин" мавзусидаги анъанавий достон яратишдан воз кечиб, Қуръонда "аҳсан ул- қисас" – "қиссаларнинг сараси" деб таърифланган Юсуф қиссаси баёнига бағишланган "Юсуф ва Зулайҳо" достонини яратади.

Шарқ адабиётида бу мавзу алоҳида йўналишни ташкил этади. Абдураҳмон Жомийгача форс-тожик адабиётида Абулқосим Фирдавсий[1], Амъақ Бухорий, Абулмуайяд Балхий каби ижодкорларнинг мазкур мавзуга мурожаат қилганлари ҳақида манбаларда маълумотлар учрайди[2].

Жомийшунос А. Афсаҳзод форс-тожик шоирларидан Масъуд Ҳиротий (1220 в.э.) ва Шоҳин Шерозий (XIV аср)ларнинг ҳам бу мавзуда маснавий-достон битганликларини таъкидлаб ўтади[3].

Жомий юқорида тилга олинган достонлардан қай даражада фойдаланганлиги ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Лекин Жомийнинг мазкур достони бу йўналишда яратилган достонлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Унгача бу мавзуда яратилган достонлар мутақориб баҳрида битиларди[4]. Жомий ўзигача мавжуд форс-тожик эпик поэзиясида ишқий достонларни ҳазажи маҳзуф вазнида битиш анъанасини ўз достонига олиб кирди. Достондан олинган бир байтни тақтиъи билан кўриб чиқсак:

---

[1] Адабиётшуносликда Фирдавсийга нисбат бериладиган "Юсуф ва Зулайҳо" достонининг муаллифи масаласида баҳсли фикрлар мавжуд. Яқин йилларгача бу достон Фирдавсий қаламига мансуб деб келинарди. Шарқшунос олим А.Тоҳиржоновнинг бу масалага бағишланган махсус мақоласи ҳам бор (қаранг: Тагирджанов А.Фирдавси. – М.: Наука, 1979. – С. 95-96). Лекин сўнгги изланишлар мазкур фикрнинг янглиш эканлигини кўрсатяпти. Тожик адабиётшунослигида Фирдавсийга нисбат бериладиган "Юсуф ва Зулайҳо" достонининг муаллифи XI аср шоири Омоний деган сўнгги тўхтамга келинди (Бу ҳақда қаранг: Афсахзод А. Лирика Абд ар-Рахмана Джами. – М.: Наука, 1988. – С. 63).

[2] Давлатшоҳи Самарқандй. Тазкират уш-шуаро. – Теҳрон, 1371. – С.112.

[3] Афсахзод А. Кўрсатилган асар. – С. 63.

[4] Юқорида саналганлардан фақат Амъақ Бухорийнинг достони рамал баҳрида яратилган бўлиб, уни сариъ баҳрига мослаб ўқиш ҳам мумкин бўлган.

Чи хуш вақ–те|ву хур–рам рӯ|з–го–ре
V – – – V – – –V – –
Ки ё–ре бар | ху–рад аз вас| ли ё–ре.
V – – – V – – – V – –

Абдураҳмон Жомийдан кейин форс-адабиётида бу мавзуда яратилган деярли барча достонларнинг ҳазаж баҳрида яратилганлигини кўрамиз.

Абдураҳмон Жомий “Хамса”сидаги тўртинчи достон “Лайли ва Мажнун” мавзусига бағишланган бўлиб, 1483 йилда яратилган. Достон барча жиҳатлари, жумладан қўлланилган вазни: ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаувлун – – *V V – V – V – –*) билан ҳам Низомий достонига жавобдир:

Ҳар–чан–д| ки иш–қ дар| д–нок аст
– –V V – V – V – –
О–со–йи | ши си–на–ҳо| и пок аст.
– – V V – V –V – –

“Хамса”даги сўнгги – бешинчи достон “Хирадномаи Искандарий” ҳам Жомийнинг анъанага риоя этиши билан характерланади, у шу типдаги достонлар яратиладиган мутақориби мусаммани маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фаувлун фаувлун фаувлун фаал *V – – V – – V – –V –*) вазнида яратилган:

Шиносо | йи таъри | хҳои|куҳан,
V – – |V – – | V – –| V –

Чунин рон| дааст аз |Сикандар| сухан.
V – – | V – –| V – – | V –

Кўринадики, Абдураҳмон Жомий яратган маснавий-достонлар орасида фалсафий йўналишдаги достонлар етакчи ўринда туриши билан характерланар экан. Мавзу ва ғоявий йўналиш ўзгариши билан боғлиқ бу ҳолат достонлардаги шеърий ўлчовларнинг ҳам ўзгаришига олиб келди. Жомий ҳатто Искандар воқеаси билан боғлиқ “Хирадномаи Искандарий” достонида ҳам асосий эътиборни Искандарнинг юришларига эмас, балки унинг донишмандлигига қаратади, буни асар номланиши ва қуйидаги мисралар ҳам тасдиқлаб турибди:

Хираднома з-он ихтиёри ман аст
Ки афсонахонӣ на кори ман аст.

Демак, юқоридагилардан маълум бўляптики, Жомийнинг анъанавийликдан вазн нуқтаи назаридан чекинганлигига Низомий бешлигидаги сюжет ва мавзуларни ўз шахсий позицияси (дунёқараш ва турмуш тарзи) билан боғлиқ ҳолда ўзгартирганлиги ва энг асосийси анъанадан узоқлашиш тамойилининг Жомийгача мавжудлиги сабаб бўлар экан.

Туркий адабиётдаги хамсанависликка муносабат ҳам кўп жиҳатлари билан форс адабиётини эслатади. Алишер Навоий бешлиги яратилгандан кейин орадан ярим аср вақт ўт-

май, хамсанавислик анъанасидан узоқлашиш ҳоллари учрай бошлади. Бу хусусият, айниқса, усмонли турклар адабий муҳити учун хос эканлиги билан характерланади. "Қайд этмоқ лозимдирки, турк адабиётида "Хамса" ёзмоқ анъанаси бирмунча фарқли инкишоф этди ва турк шоирлари ўз "Хамса"ларидаги достонлар мавзуларининг ўзгачалиги билан Низомийдан фарқландилар"[1]. Демак, айтиш мумкинки, Навоий форсийзабон шоирларга туркий тилда "Хамса" ёзиш мумкинлигини исботлаб берган ва мураккаб адабий вазифани адо этиб бўлгандан кейин, турк дунёси энди бемалол анънавийликдан чекиниб, ўзи истаган шаклда бешлик яратиш имконига эга бўлди. Шу маънода Онадўлида яратилган илк хамсалар мавзу ва сюжет йўналишига кўра, кўп ҳолларда Низомий бешлигидан фарқ қилади. Умуман, бу даврдаги хамсалар ва улар таркибидаги достонларни таъсирланиш даражасига кўра 4 гуруҳга бўлиш мумкин:

1)Низомий достонларига жавобан ёзилган достонлар

2)Абдураҳмон Жомий таъсирида яратилган достонлар

3)Алишер Навоий достонлари таъсирида вужудга келган маснавийлар

4)Абдуллоҳ Ҳотифий таъсирида ёзилган достонлар.

Қизиғи шундаки, айрим хамсалар бир неча ижодкор таъсирида яратилганлиги кузатилади. Масалан, Бурсалик Ломеъийнинг "Ҳафт пайкар" достони Ҳотифийнинг "Ҳафт манзари"га жавобан ёзилган бўлса, "Фарҳод ва Ширин" достони бевосита Алишер Навоий таъсирида ёзилган.

Адабиётшуносликда мавжуд маълумотларга кўра, Усмонли турклар адабиётида XVI-XVII асрларда "Хамса" номи остида маснавий ёзган шоирларнинг сони ўн олтитага етади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўз асарларини мукаммал бешлик ҳолига келтиришмаган ёки номи маълум бўлган асарларининг аксарияти бизгача етиб келмаган. Онадўлида маснавий ёзиш ва форс шоири Низомийдан илҳом олиш Навоийдан анча аввал бошланган бўлса-да, кўпгина шоирларга маснавий мажмуасини ёзишларига усмоний империясида кўп ўқилган Навоийнинг "Хамса"си туртки бўлган, деган эҳтимол кўпроқ. О.С.Левенд Туркия кутубхоналарида Навоий "Хамса"сининг ўн битта тўлиқ (иккитаси куллиётлар таркибида), ҳамда достонлардан бири ёки бирдан ортиғи бор бўлган яна еттита қўлёзма мавжудлигини қайд этган.

Хамсашуносликда Усмонли турклар адабиётида бешлик яратган шоирлар сифатида қуйидагилар эсланади:

Ҳамдуллоҳ Ҳамдий, Аҳмад Синон Беҳиштий, Яҳёбей Тошлижали, Навъизода Атойи, Файзий, Субҳизода Файзуллоҳ, Чокарий, Аҳмад Ризвон, Ҳожатий, Жалилий, Муидий, Фатҳуллоҳ Ориф Чалабий, Фазлий, Ломеъий ва бошқалар. Бу давр адабий муҳитида илк "Хамса"-ни ким яратгани маълум эмас. Огоҳ Сирри Левенднинг маълумот беришича, Аҳмад Синон Беҳиштий ва Ҳамдуллоҳ Ҳамдий бир-бирларидан хабарсиз биринчиликка даъво қилганлар. Хусусан, Беҳиштий ёзади:

Yazdım hele ben cevabı hemse
Dimedi dahi bu dilde kimse

Мазмуни: Мана мен Хамсага жавоб ёздим, бу тилда (яъни Онадўли туркчасида) мендан аввал ҳеч кимса ёзмаган эди.

[1] Араслы Н. Низами ва турк эдабяти. – Баку: Элм, 1980. – С. 80.

Манбаларда келтирилишича, Беҳиштий Султон Боязид II даврида маҳаллий амалдорлардан бири бўлган. Султон билан ихтилофга боргач, Усмонийлар салтанатидан қочиб, Ҳиротга кетади ва Алишер Навоий ҳомийлигида ижод билан машғул бўлади. Шу ерда у ўзининг "Хамса" асарини ёзганлиги ҳақида маълумотлар бор[1]. Беҳиштий "Хамса"си қуйидаги достонларни ўз ичига олади: "Юсуф ва Зулайҳо", "Вомиқ ва Узро", "Ҳусн ва Нигор", "Суҳайл ва Навбаҳор", "Лайли ва Мажнун". Гарчи бу достонларнинг барчаси ҳам номланиши ва умумий мазмун-моҳияти билан анъанавий "Хамса"га жавоб бўлмаса-да, лекин турк дунёсида форсий адабиётда вужудга келган анъанага кўра, бешлик сифатида эътироф этилган.

Низомий бешлигидан фарқланиш "Хамса" достонлари учун танланган вазнларда ҳам кузатилади. Хусусан, тўлиқ бешлик муаллифи Ҳамдуллоҳ Ҳамдийнинг 1500 йилда яратилган "Лайли ва Мажнун" достони шу типдаги достонлар яратиладиган вазнда бўлмай, Низомийнинг "Хусрав ва Ширин" достони ёзилган ҳазажи маҳзуф вазнида яратилган. Ўша давр адабиётининг яна бир йирик вакили Лорендели Ҳамдийнинг шу номдаги достони ҳам мазкур вазнда ёзилган.

Ҳазажи маҳзуф вазнининг халқона оҳангга яқин туриши турк шоирларининг мазкур вазнга кўпроқ мурожаат қилишларига олиб келган бўлиши мумкин, зеро бу давр адабиётида халқ оғзаки ижодининг таъсири кучлироқ сезилади, "турк шоирлари Низомий мавзусини ишларкан, ўз салафларининг асарларини такрор этмадилар, турк халқ оғзаки ижодидан олинган мотивлар билан уни қайта ишладилар"[2].

XVI аср турк адабиётининг йирик вакили Яҳёбей Тошлижолининг хамсанависликка муносабати ҳам ўзига хос. Бу ижодкорнинг бешлиги 1550–1551 йиллар оралиғида яратилган бўлиб, "Гулшан ул-анвор", "Ганжинаи роз", "Юсуф ва Зулайҳо", "Шоҳ ва гадо" ва "Усулнома" достонларидан иборат. Адабиётшуносликда Тошлижолининг "Гулшан ул-асрор", "Ганжинаи роз" ва "Усулнома" достонларининг ҳар учаласи ҳам Низомий "Махзан ул-асрор"ига жавоб тарзида вужудга келган деган қараш бор[3]. Лекин "Ганжинаи роз"нинг яратилишида Низомий достонидан кўра Жомий "Субҳат ул-аброр"ининг таъсири кучлироқ сезилади. Достоннинг композицион қурилиши ва унда қўлланилган шеърий ўлчов ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Умуман, Яҳёбей Тошлижолининг хамсанависликка муносабати кўп жиҳатдан Жомийни эслатади, хусусан, унинг достонларида фалсафий йўналишга кўпроқ урғу берилганлиги ва Юсуф пайғамбар қиссасига доир алоҳида достон яратганлиги мазкур муаллифнинг бешлик яратишда Низомийдан кўра кўпроқ Жомийга эргашганлигини кўрсатади. Бу икки ижодкор бешлигидаги ўзаро ўхшаш жиҳатлар ҳақида тўлиқроқ тасаввур ҳосил бўлиши учун қуйидаги жадвални келтирамиз:

---

[1] Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985. – С. 82.
[2] Араслы Н. Ўша асар. – Б. 81.
[3] Арасли Н. Ўша асар. – Б. 91; Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985. – С. 20.

№	Жомий бешлигидаги достонлар	Тошлижоли бешлигидаги достонлар
1.	“Туҳфат ул-аҳрор”	“Гулшан ул-анвор”
2.	“Субҳат ул-аброр”	“Ганжинаи роз”
3.	“Юсуф ва Зулайҳо”	“Юсуф ва Зулайҳо”
4.	“Лайли ва Мажнун”	“Шоҳ ва гадо”
5.	“Хирадномаи Искандарий”	“Усулнома”

шу достонларда қўлланилган шеърий ўлчовларни ҳам қиёсласак:

№	Жомий бешлигида қўлланилган вазнлар ва уларнинг тақтиъи	Тошлижоли бешлигида қўлланилган вазнлар ва уларнинг тақтиъи
1.	“Туҳфат ул-аҳрор”, сариъ баҳри –VV– –VV– –V–	“Гулшан ул-анвор”, сариъ баҳри –VV– –VV– –V–
2.	“Субҳатул аброр”, рамали махбун – V – – VV– – VV–	“Ганжинаи роз”, рамали махбун –V – – VV– – VV–
3.	“Юсуф ва Зулайҳо”, ҳазажи маҳзуф V– – – V– – – V– –	“Юсуф ва Зулайҳо”, ҳазажи маҳзуф V– – – V– – – V– –
4.	“Лайли ва Мажнун”, ҳазажи ахраб – –V V–V– V– –	“Шоҳ ва гадо”, ҳазажи ахраб – –V V–V– V– –
5.	“Хирадномаи Искандарий”, мутақориб баҳри V– – V– – V– – V–	“Усулнома”, мутақориб баҳри V– – V– – V– – V–

Кўринадики, Яҳёбей Тожлижоли бешлиги ҳам Жомий бешлиги сингари 3 та фалсафий йўналишдаги ва иккита ишқий достондан иборат.

Ушбу турк шоирининг “Гулшан ул-асрор”и айрим жиҳатлари билан Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонини ҳам эслатади. Ҳар икки достон муқаддимасини қиёслашнинг ўзиёқ шундай хулоса чиқаришга асос бўлади. Маълумки, Низомийдан бошлаб «Хамса»ни «бисмиллоҳ» ояти билан бошлаш анъана тусига кирган бўлиб, Низомийдан сўнг барча хамсанавислар ўз сўзларини ана шу оят билан бошлаганлар. Фақат Навоийга келибгина бу боб мустақил басмала бобига айланди, яъни ушбу боб тўлиғича «бисмиллоҳ» ояти асосида қурилди. Тошлижали достонида эса Навоий бошлаб берган бу усул янада ривожлантирилиб, достоннинг дастлабки уч боби “басмала”га бағишланган, бошқача айтганда, унда «бисмиллоҳ» оятининг китобат санъати асосидаги талқини 3 та бобда алоҳида-алоҳида давом этади.

Достондаги биргина “син” ҳарфи билан боғлиқ талқинга эътибор қаратсак. Навоийда:

«Син»и саломат йўлининг зийнаси,
Балки саодат юзи ойинаси.

Тошлижалида:

Bāsı beḳā ālemi ser-defteri
Sịni selāmet ilinüñ serveri

Достоннинг иккинчи бобидан бошлаб Навоий «Хамса»сининг яна бир ўзига хос жиҳатига дуч келамиз. Навоийгача ёзилган «Хамса»ларда бобларга алоҳида сарлавҳа қўйилмаган. «Ҳайрат ул-аброр»нинг иккинчи бобидан бошлаб Навоий сажънинг гўзал намунаси бўлмиш жумлалар орқали бобнинг умумий мазмун-моҳиятини очиб берувчи насрий сарлавҳалардан фойдаланади. Шоир сарлавҳалар тузишда ҳамиша ҳам бир хил андозадан келиб чиқмаган: зарур пайтларда мураккаб шаклларни қўллаган, айрим ўринларда оддий ифода усулларидан фойдаланиш билан чекланган. Айнан шу ҳолатни "Гулшан ул-анвор"да ҳам учратамиз. Масалан, достоннинг ёзилиш сабаблари билан боғлиқ боб сарлавҳаси қуйидагича: ***"Aẖbār-ı aẖyār-ı ulu'l-elbāb ve iẑhār-ı i' tiźār-ı sāĥibü'l-kitāb".*** Aynan shu bobda Navoiyga quyidagicha ta'rif beriladi:


Mịr Nevāyị gül-i bị-ẖārdur
Hamsesi bir nāfe-i Tātār‟dur
Sözleridür işḳ odınuñ śarśarı
Her biri baĥr-ı ġazelüñ gevheri
Gerçi ŝaḳịl oldı dili zer gibi
Ḳıymetinüñ keŝreti gevher gibi.
Vaśf idemem źāt-ı ẖıredmendini
Ayn-ı acem görmedi mānendini.

Алишер Навоий достонлари таъсирида қалам тебратган яна бир турк шоири Бурсали Лемеъий Усмон Чалабийдир. Э.Бирнбаум унинг бобоси наққош бўлиб, ўз даврида Темур тарафидан Самарқандга олиб кетилган ва кейинроқ юртига қайтарилганлиги ҳамда у неварасини чиғатойча ёзишга илҳомлантиргани ҳақида маълумот беради. Ломеъийнинг кўплаб шеърлари ҳам Навоий таъсирида ёзилган. Унинг 1512 йилда ёзилган "Фарҳод ва Ширин" достони ҳам буюк ўзбек шоирининг шу номли асари таъсирида майдонга келган. Асарнинг муқаддимасида Ломеъий Бурса ҳокими Фанорий унга Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонини онадўли туркчасига уйғунлаштиришни таклиф қилгани ҳақида ёзади.

Kalem berki külü nesrine çektim
Rakam Ferhad ile Şirine çektim.
Eğerçi gissai yetmekta temdid,
Seraser eyledim ustada taklid.
Muradında kim etdim husni ta'bir
Kahi kesterdum uslubinda tağyir.

Достоннинг номланишидан тортиб, воқеалар ривожи, қаҳрамонлар характери ва яна кўп ўринларда Навоий достонидан таъсирланиш кўзга ташланади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда форс-тожик адабиёти ва туркий адабиётдаги хамсанависликка муносабатни қуйидаги фонда кўриш мумкин:



Бунда Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий хамсанависликка муносабат билдираётган биринчи ижодкорлар, Ҳожу Кирмоний ва Ҳамдуллоҳ Ҳамдий – анъанага вазн нуқтаи назаридан ўзгача муносабат тамойилининг вужудга келтирувчилари, Абдураҳмон Жомий ва Яҳёбей Тошлижоли хамсанависликда юқори мавқега ва ўзига хос позицияга эга бўлган ижодкорлар.

Демак, юқоридагилардан маълум бўляптики, "Хамса" 1170-1203 йилларда Низомий Ганжавий томонидан вужудга келтирилди, форс-тожик адабиётида унга биринчи жавоб Хусрав Деҳлавий, ўзбек адабиётида эса Алишер Навоий томонидан амалга оширилди. Бу икки муаллиф хамсанависликка муносабат билдираётган биринчи ижодкорлар бўлганликлари учун хамсанависликнинг барча шартларига амал қилдилар, хусусан, олдиндан белгилаб қўйилган мавзу ва шеърий ўлчовларни тўлалигича сақлаб қолдилар.

Деҳлавийдан кейин форс-тожик адабиётида Ҳожу Кирмоний, туркий адабиётда эса Навоийдан кейин Ҳамдуллоҳ Ҳамдийлар "Хамса" достонлари мавзулари ва шеърий ўлчовларини ўзгартирдилар.

XV асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ҳиротда Абдураҳмон Жомий бешлик таркибига янги мавзу ва вазнларни олиб кирди. Орадан чорак кам бир аср вақт ўтмай, Яҳёбей Тошлижоли Абдураҳмон Жомий анъанасини давом эттириб, турк адабиёти хамсанавислигига янги мавзу ва вазнларнинг кириб келишига сабабчи бўлди.

"Хамса" таркибига янги сюжет ва мавзуларнинг олиб кирилиши ўз навбатида ритмнинг бош омили бўлган вазннинг ҳам ўзгаришига олиб келдики, бу ҳолат вазн ва мазмун ўртасида уйғунлик борлигидан далолатдир.

Биринчи бобдаги масалаларни тадқиқ қилиш асносида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Эпик поэзияда ритм вазн, ритмик вариациялар, қофия, радиф, бадиий санъатлар ва урғу каби поэтик унсурларнинг бирлигидан ҳосил бўлади ва бунда вазн ритмни ҳосил қилувчи бош омил ҳисобланади.

2. Антик эпик поэзия дастлаб жангнома ва қаҳрамонлик йўналишида вужудга келган бўлиб, бундай достонларда асосан гекзаметр вазни қўлланилган. Мусулмон Шарқи эпик поэзиясининг дастлабки намуналари ҳам қаҳрамонлик кўринишида бўлиб, бундай достонлар учун мутақориб баҳридан фойдаланилган.

3. Форс-тожик ва туркий эпик поэзияга мансуб барча достонлар 7 та шеърий ўлчов доирасида ёзилиб, шулардан бештасини "Хамса" вазнлари ташкил қилади. Низомий "Хамса"си достонларида қўлланилган шеърий ўлчовлар учун қуйидаги манбалар асос бўлиб хизмат қилган:

а) Низомий “Хамса”сидаги биринчи достон “Махзан ул-асрор” учун форс-тожик шеърияти, хусусан, Абу Абдулло Рўдакий (X аср) шеърларида қўлланилган сариъ мусаддаси матвийи макшуф вазни (рукнлари ва тақтиъи: муфтаилун муфтаилун фоилун *–VV– –VV– –V–*) асос бўлди. Сариъ баҳрига хос енгил ва ўйноқи оҳанг панд-насиҳат руҳидаги достон бўлган “Махзан ул- асрор” мазмуни билан мутаносиблик ҳосил қилди;

б) Низомий “Хусрав ва Ширин” достонини ёзишда Фахриддин Гургонийнинг ишқий мавзудаги “Вис ва Ромин” достонидан фойдаланди ва унда қўлланилган ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазни (рукнлари ва тақтиъи: мафоийлун мафоийлун фаувлун *V– – – V– – – V– –)* ни ўз асари учун шеърий ўлчов қилиб олди ҳамда бу вазн Низомийдан кейин ишқий мавзуда яратиладиган маснавий-достонларнинг асосий шеърий ўлчови бўлиб қолди;

в) “Лайли ва Мажнун” достони учун ўша давр Озарбойжон муҳити вакили, эпик жанр билан шуғулланган Ҳоқоний Шервонийнинг “Туҳфат ул-Ироқайн” достонида қўлланилган ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаувлун *– –V V–V– V– –*) вазни манба бўлиб хизмат қилди ва ушбу вазннинг 2 та, баъзан 3 та чўзиқ бўғин билан бошланиши достоннинг ғояси ҳамда қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатларини тасвирлашда жуда қўл келди;

г) “Хамса”даги тўртинчи достон “Ҳафт пайкар” учун Унсурий (XI аср)нинг “Хингбуту Сурхбут” ва “Наҳр ул-айн” номли ишқий-саргузашт типидаги достонларида қўлланилган хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун мафоилун фаилун *–V– – V–V– VV–*) вазни асос бўлди ва ушбу вазннинг 8 та ритмик вариациядан иборатлилиги “Ҳафт пайкар” етти ҳикоятининг ифодаси учун ниҳоятда мос келди;

д) “Хамса”ни якунловчи достон “Искандарнома” учун Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достони вазни – мутақориби мусаммани маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фаувлун фаувлун фаувлун фаал *V– – V– – V– – V–*) асосий манба бўлиб хизмат қилди. Мутақориб баҳрининг 8 рукнли эканлиги, энг кўп ритмик урғуга эгалиги ва урғулар ўрнидаги муайян тартиб шиддатли ритмнинг пайдо бўлишига ва мутақорибнинг қаҳрамонлик достонлари вазнига айланишига олиб келди.

1. Алишер Навоийгача туркий эпик поэзияда сариъи мусаддаси матвийи макшуф, ҳазажи мусаддаси маҳзуф ва мутақориби мусаммани маҳзуф вазнлари қўлланилган бўлиб, Навоий ўз достонларини ёзишда улардан муайян даражада фойдаланди. Шу маънода Алишер Навоийни хамсачилик анъанасига муносабат билдирган ижодкор сифатида ҳам, туркий эпик поэзиянинг давомчиси сифатида ҳам ўрганиш мумкин.

2. Форс адабиётида Низомий “Хамса”сига биринчи жавоб Хусрав Деҳлавий томонидан, туркий адабиётда эса Алишер Навоий томонидан амалга оширилди ва бу жиҳат ҳар иккала ижодкорнинг хамсанависликдаги барча шартларга амал қилишлари, хусусан, олдиндан белгилаб қўйилган мавзу ва шеърий ўлчовларни сақлаб қолишларига олиб келди. Форс-тожик адабиётида Деҳлавийдан кейин Ҳожу Кирмоний, туркий адабиётда эса Навоийдан кейин Ҳамдуллоҳ Ҳамдийлар “Хамса” достонлари мавзулари ва шеърий ўлчовларини ўзгартирдилар. Абдураҳмон Жомий гарчи Алишер Навоий билан бир даврда “Хамса” яратган бўлса-да, “Хамса” таркибига янги вазн ва мавзуларни олиб кирди. Бунга, биринчидан, Жомийгача форс-тожик хамсанавислигида анъанадан узоқлашиш тамойилининг мавжуд бўлганлиги сабаб бўлса, иккинчидан, шоирнинг дунёқараши ва турмуш тарзи ҳам муайян даражада таъсир кўрсатган. Буни Жомий бешлиги таркибида учта фалсафий йўналишдаги достонларнинг мавжудлиги ҳам исботлайди.

ИККИНЧИ БОБ
НАВОИЙ “ХАМСА”СИДА РИТМИК МУВОЗАНАТ ВА МАЗМУН МУНОСАБАТИ

Биз юқорида арузда яратилган шеърий асарларда ритмни вазн, қофия ва урғу ташкил қилишини айтиб ўтган эдик. Дарҳақиқат, мазкур унсурлар арузий матн асосида яратилган барча асарларда мавжуд бўлади ва уларнинг биргаликдаги иштироки шеър ритмини ҳосил қилади.

Мусулмон Шарқи эпик поэзиясида эса иккилик банд – маснавий, радиф, қофия ва бадиий санъатларнинг ритмик вариацияларга эга бўлган вазнлар воситасида муайян бир мувозанатни ҳосил қилиши асосида ритм ҳосил бўлади. Бошқача қилиб айтганда, эпик поэзия, хусусан, “Хамса” достонларида шеърий ритмнинг асоси бўлган вазн банд, ритмик вариациялар, қофия, радиф, бадиий санъатлар ва урғу каби унсурлар билан бир бутунликда ритмик мувозанатни ҳосил қилади. Д.Ражабовнинг тадқиқотида бу тушунчага мос келувчи “ритмик маром” атамаси қўлланилган ва бу атама остида қофия, банд, бўғин, туроқ, вазн сингари ритмик унсурлардан вужудга келадиган ҳодиса қайд этилган[1]. Олим ритмик маром ҳодисасини бармоқ вазнида яратилган шеърлар воситасида ўргангани ва таҳлил қилганлиги сабабли биз арузий матн асос бўлган эпик поэзия учун ритмик мувозанат атамасини қўлладик. Шу ўринда ритмик бирлик бўлган зарб ҳақида икки оғиз сўз. Адабиётшуносликда “ритм” ва “зарб” атамаларига айнан бир хил тушунча деб қараш ҳоллари учрайди[2].

Аслида зарб бу ритмик бирлик бўлиб, Д.Ражабов тўғри таъкидлаганидек, зарб ва ритмик маромнинг бирлашувидан ритм пайдо бўлади[3].

Ритмик зарб мантиқий урғу асосига қурилган бўлиб, ижодкор айтмоқчи бўлган фикр ёки ифодаламоқчи бўлган кучли ҳис-туйғуни ўзида акс эттирувчи ҳодисадир. У бадиий асарда радиф, қофия, лексик такрор билан боғлиқ тасвирий воситалар ва баъзан бадиий санъатлар шаклида намоён бўлади. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонининг “Ҳамд” қисмида байтлар бошида келувчи “Эй” ундови ритмик зарб вазифасини ўтайди:

Эй *яхши отинг била сарофоз,*
Анжомиғаким етар ҳар оғоз.

Эй *сендин улус хужаста фаржом,*
Оғозингга ақл топмай анжом.

Эй *ақлға фоизи маоний,*
Боқийсену борча халқ фоний.

Эй *элга адам бақони айлаб,*
Зотингға фанони фони айлаб.

Эй *илмингға ғайб сирри маълум,*
Мавжудсен, ўзга борча маъдум...

[1] Ражабов Д. Бадиий образ ва ритм табиати. – Бухоро, 2002. – Б. 35
[2] Қаранг: Султон И. Адабиёт назарияси.– Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 291; Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 21.
[3] Ражабов Д. Ўша асар. – Б. 25.

Шу тариқа достоннинг 18 байтида мазкур ритмик зарбнинг етакчилик қилишини кузатиш мумкин.

“Сабъаи сайёр” достонида ҳафта кунларидан бири бўлган шанбанинг халқ учун шодлик келтирувчи кун, Дилоромини йўқотган Баҳром учун эса мотам куни эканлиги қуйидаги мисраларда баён этилган ва бунда радиф ўрнида келувчи “шанба” сўзи ритмик зарб вазифасини бажарган:

*Элга эрди тарабфизо **шанба**,*
*Шаҳға эрди вале азо **шанба**.*

Ёки биринчи ҳикоятдаги Фаррухнинг ишқ дардига чора тополмай дўзах ўтида куйгандек ҳолга тушганлиги баёнида ҳам радифнинг ритмик зарб билан бирлик ҳосил қилганлигини кўрамиз:

*Анга бу ҳол солди кофир **ишқ,***
*То не қилғай ишини охир **ишқ.***

Ритмик зарб кўпинча қофия шаклида ҳам намоён бўлади. “Ҳайрат ул-аброр” достонида Навоий шоирлик даъвосида юрган, аммо шеъриятнинг оддий қонун-қоидаларига ҳам риоя қила олмайдиган сохта шоирларни танқид қилиш баёнида қофиядош сўзларга мантиқий урғу юклаган ва шу тарзда ритмик зарб вужудга келган:

*Англамайин сўзда **туюқ** баҳрини,*
*Қайси туюқ, балки **қўшуқ** баҳрини.*

Ритмик зарбнинг лексик такрорлар ва бадиий санъатлар шаклида келиши билан боғлиқ масалаларга ишимизнинг кейинги фаслида яна батафсилроқ тўхталамиз.

Эпик поэзияда ритмик мувозанатни вужудга келтирувчи асосий унсурлардан бири банддир. “Банд – қофия ва интонация билан бириккан (уюшган) мисраларнинг муайян тартиб асосида такрорланиши” бўлиб, шеърий асар мазмунини маълум бир изчилликда очиб боришга асосланган ритмик бўлак ҳисобланади[1].

“Бандни шеър мусиқийлиги шаклланадиган ва рўёбга чиқадиган асосий

майдон деб аташ мумкин, чунки муайян туроқ ва вазн орқали шакллана бошлаган шеър ритми банд орқалигина ўз такомилига эришади; вазн банд мисраларида такрорланади, мисралар эса маъно ва интонация жиҳатидан бир бутун ҳолда гуруҳ-гуруҳ бўлиб келади. Мисралар гуруҳи мисраларнинг бошқа гуруҳлари орқали вазн қофияланиш жиҳатидан маълум қонун асосида такрорланади, натижада маълум бир шеър ритми вужудга келади”[2].

У.Тўйчиев бандининг тўртта асосий аломатлари мавжудлигини таъкидлайди:

1. Бандининг мазмунан, синтактик, композицион ва ритмик–интонацион тугаллиги.
2. Бандининг мисралар сони жиҳатдан бир хиллиги.
3. Бандларнинг қофия тартиби соҳасидаги изчиллиги.
4. Банд(лар) тартибининг шеърий асар жанрини англатиб туриши[3].

[1] Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 44-45.
[2] Тўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 131-132.
[3] Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 256-257.

Шеършуносликнинг банд ҳақида баҳс юритувчи соҳаси строфика деб аталиб, бу соҳага доир қилинган ишларда бандниг асосан қофия билан алоқадорлиги масаласига эътибор қаратилади[1]. Дарҳақиқат, шеърий асарларнинг қай тарзда қофияланишига қараб уларнинг бандини белгилаш мумкин. Лекин антик поэзияда бандниг юзага келиши қофия билан эмас, балки муайян вазнда ёзилган мисраларнинг маълум бир тартиб асосида такрорланиб келиши билан белгиланган. И.Тронскийнинг “История античной литературы” номли китобида ёзилишича, бу даврдаги эпик поэзияда қофия бўлмаган. Поэзиянинг оҳангдорлигини таъмин этувчи бирдан-бир восита вазн ҳисобланган[2]. Демак, кўриняптики, антик эпик поэзияда бандниг асосини қофия эмас, балки вазн ташкил қилган экан.

Маълумки, мусулмон Шарқи эпик поэзияси, хусусан хамсачиликка мансуб достонлар учун икки мисрали банд – маснавий асос қилиб олинган. Маснавий арабча “иккилик” сўзидан олинган бўлиб, ҳар икки мисраси ўзаро қофияланувчи бандлардан ташкил топган жанр ҳисобланади. Маснавийдаги ҳар бир иккилик бандниг ўзаро мустақил қофияланиши ижодкор учун катта эркинлик беради, бу эркинлик катта ҳажмдаги воқеабанд асарларни яратиш пайтида, айниқса, қўл келади. Навоий маснавийнинг ушбу имкониятини алоҳида таъкидлаб, уни “васеъ” – кенг майдон деб таърифлайди. Мумтоз адабиётга доир манбаларда эпик поэзияга мансуб достонлар маснавий атамаси билан юритилган.

У.Тўйчиевнинг фикрича, бандни уюштирувчи нарса энг аввало унинг қолипи, яъни вазн ва қофия эмас, балки бу қолипга қуйилган мазмундир. Дарҳақиқат, ижодкор томонидан танланган шеърий шакл у ифода этмоқчи бўлган мазмунга мос бўлиши керак. “Бандни мазмун танлайди, агар тўртлик, иккилик ёки кўлами кенг мураккаб бандлар катта эпик ҳодисаларни акс эттиришга мос бўлса; рубоий, фард, қитъа каби ихчам поэтик формалар оний кечинмалар, кундалик мушоҳадалар, фалсафий ўйларни лўнда ифодалаш ишига қулайроқ”[3]. Шу маънода айтиш мумкинки, “Хамса” учун танланган иккилик банд – маснавий достонлардаги эпик концепция, хусусан, катта ғоя ва мақсадлар билан ҳамоҳанглик ҳосил қилган.

ҚАҲРАМОНЛАР РУҲИЯТИНИ ОЧИШДА РИТМИК ВАРИАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Ритмик мувозанатни вужудга келтирувчи асосий унсурлардан бири ритмик вариациялар ҳисобланади. Ритмик вариациялар бир вазннинг ички имкониятлар асосида янги вариантларга эга бўлишидир. Бунда бир чўзиқ бўғин икки қисқа бўғин билан алмашиши ёки қисқа бўғиннинг ўрнини чўзиқ бўғин эгаллаши, мисра охиридаги чўзиқ бўғин ўта чўзиқ бўғин билан ўрин алмашиниб қўлланавериши мумкин. Ўзбек арузшунослигида ритмик вариациялар масаласига дастлаб эътибор қаратган олим Фитрат бўлди[4]. Фитрат “Аруз ҳақида” тадқиқотининг ўн бирликлар туркумига бағишланган бўлимида “Рамал-мусад-

[1] Томашевский Б.В. Стих и язык. – М: Художественная литература, 1959. – С.206-224.; Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. М.: Просвещение, 1971. – С.317- 335.; Гончаров Б.П. Звуковая организация стиха и проблемы рифмы. –М.: Наука, 1973. –С. 61; Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 253–257; Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 44-46.

[2] Қаранг: Тронский И.М. История античной литературы. – М. : Высшая школа, 1980. – С .48

[3] Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 254.

[4] Гарчи Фитратнинг тадқиқотида ритмик вариация атамаси қўлланилмаган бўлса-да, вазн ичидаги юқорида келтирилган ўзгаришлар таъкидлаб ўтилган

дас-махбун-маҳзуф”, “Хафиф-махбун-мақтуъ” ва бошқа вазнларнинг хусусиятларига тўхталиб ўтиб, улардаги бўғинлар билан боғлиқ ўзгаришларни бирма-бир келтириб ўтади. Хусусан, тадқиқотда “Хафиф-махбун-мақтуъ” вазнидаги ўзгаришлар қуйидагича тавсифланади:

“Бир мисраъ: *–V– – V–V– VV–*

а) Бу мисраънинг биринчи қўш ҳижосини *VV* формасига солиш ҳам мумкун;

б) Мисраънинг охиридаги *VV* – ҳижоларини – – формасига солиш ҳам мумкун, буларнинг ҳаммаси бир вазн саналади.

Демак, бу вазн:

–V – – V –V – VV –
VV – – V –V – VV –
–V – – V –V – – –

формаларининг ҳаммасидан иборатдир[1]. Бу вазнда рамкани бу қадар кенг олишга сабаб мазкур уч формадаги ўзгаришларнинг оҳангда сезилмаслик даражада бўлганидир”[2].

Ритмик вариациялар ҳақидаги қарашлар А.Ҳожиаҳмедовнинг “Ўзбек арузи луғати” китобида ҳам учрайди. Олим ритмик вариациялар билан боғлиқ ҳодисани “кўпвазнлилик” деб атаган ва бу ҳодиса кўпроқ хафиф ва рамал баҳрлари учун хос эканлигини тўғри таъкидлаб ўтган. Олим китобнинг рамал баҳрига оид бўлимида бу ҳақда шундай ёзади:

“Рамал баҳрининг кўпвазнли мусамман ўлчовлари икки шаҳобчадан ташкил топади. Шартли равишда “солими махбун” деб аталувчи шаҳобча ўз ичига тўрт вазнни олиб, улар:

Рамали мусаммани солими махбуни маҳзуф.
Рамали мусаммани солими махбуни мақсур.
Рамали мусаммани солими махбуни мақтуъ.
Рамали мусаммани солими махбуни мақтуъи мусаббағ...

“Махбун шаҳобчаси” ҳам ўз ичига тўрт вазнни олиб, ушбу тўрт вазн юқоридаги шаҳобча ўлчовларидан биринчи рукннинг фоилотун аслининг махбун тармоғи фаилотунга тенглиги билангина фарқ қилиб, иккинчи-тўртинчи рукнлари айнандир. Бу тўрт ўлчов қуйидагилар:

Рамали мусаммани махбуни маҳзуф.
Рамали мусаммани махбуни мақсур.
Рамали мусаммани махбуни мақтуъ.
Рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ.

Ҳар икки шаҳобчага мансуб 8 вазн, таркибига кўра ўзаро яқинлиги туфайли бир шеърий асарнинг ўзида биргаликда қўлланаверади. Натижада 2–8 вазнли шеърий асарлар яратилади”[3]. “Хамса” вазнларини таркибий тузилишига кўра шартли равишда 2 гуруҳга бўлиш мумкин:

[1] Фитрат бу ўринда фақат 3 хил ритмик вариация ҳақида гапирган, аслида бу вазн 8 та ритмик вариацияни ўз ичига олади.
[2] Фитрат А. Аруз ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 44.
[3] Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Тошкент: Шарқ НМК, 1998. – Б. 122.

1. Мустақил вазнлар.

2. Ритмик вариацияларга эга бўлган вазнлар.

Мустақил вазнларга сариъи мусаддаси матвийи макшуф, ҳазажи мусаддаси маҳзуф, мутақориби мусаммани маҳзуф вазнларини киритиш мумкин. Мазкур вазнлар достонлар таркибида бошдан-охиригача бир хил тарзда такрорланиб боради. Улар ритмик вариацияларга эга эмас[1].

Ритмик вариацияларга эга бўлган вазнлар сирасига ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф ва хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф вазнларини киритиш мумкин. Уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз. Дастлаб ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазни ҳақида[2]. Бу вазн таркибидаги ўзгаришлар ҳақида дастлаб Фитрат маълумот беради: "Эрон шоирлари бу вазнда асар ёзганда мисраъларидан бир ҳжо тушуриб, тўққузликка айлантирадилар. Бунга "Сакта-малиҳ" исмини берадилар ва ёқтирадилар. Бу бир ҳжо камайтириш, албатта, мисраънинг биринчи ярмисини ташкил қилган *V V* – ҳжоларни тўрт тўлуқ ҳжога айлантириш билан бўлади: – – – – шундай бўлгач, – – *V V* – *V* – – тарзида давом этган мисраълардан биртаси– – – – *V* – *V* – – формасига киради"[3].

А.Ҳожиаҳмедов ушбу ҳолатни "...аруз илмига хос бир қонун – икки қисқа ҳижонинг бир чўзиқ ҳижо билан алмаштирилиши мумкинлиги асосида рўй берган" деб ҳисоблайди[4]. Дарҳақиқат, арузда ва умуман, метрик шеър тузилишига асосланган системаларда икки қисқа бўғин бир чўзиқ бўғинга тенг ҳисобланади ва мисраларда уларнинг ўрнини алмаштириб қўллаш ҳолатлари учраб туради[5]. Мазкур вазнни ритмик вариацияси билан бирга қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

№	Вазн номи	Рукнлари ва тақтиъи
1.	Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф	Мафъулу мафоилун фаулун – – V V –V – V – –
2.	Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф	Мафъулун фоилунфаулун – – – – V – V – –

Н. Конрад ушбу вазннинг хушоҳанглигини назарда тутиб, Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони ритмини мусиқадаги мажор ва минорнинг ажралмас бирлиги деб атаган эди[6].

Дарҳақиқат, ҳазажи ахраб вазни оҳанг жиҳатдан кенг имкониятга эга бўлиб, биринчи рукндаги иккита чўзиқ ва битта қисқа бўғин ўрни келганда учта чўзиқ бўғинга айланиши

---

[1] Аслида бу фикр ҳам нисбий. Юқорида саналган ушбу тўрт вазн достон мисраларида учинчи рукннинг сўнгги бўғини ўта чўзиқ бўғин бўлган вазн билан ўзаро алмашиниб қўлланаверади. Хусусан, сариъи мусаддаси матвийи макшуф (*–VV– –VV– –V–*) сариъи мусаддаси матвийи мавқуф билан (*–VV– –VV– –V* ~), ҳазажи мусаддаси маҳзуф (*V– – – V– – – V– –)* ҳазажи мусаддаси мақсур *(V– – – V– – – V–* ~) билан, мутақориби мусаммани маҳзуф (V– – V– – V– – V–) мутақориби мусаммани мақсур (*V– – V– – V– – V* ~)
билан ва ниҳоят рамали мусаддаси маҳзуф (*–V– – –V– – –V–*) рамали мусаддаси мақсур (*–V– – –V– – –V* ~) вазнлари билан ўзаро алмашиниб қўлланавериши мумкин. Бу вазнлар орасидаги фарқ фақат сўнгги бўғинда бўлганлиги ва бу фарқ достон мазмуни билан деярли муносабатга киришмаганлиги учун биз уларни алоҳида ажратиб ўтирмадик.

[2] Қисқаликка эришиш учун бундан кейинги ўринларда бу вазн ҳазажи ахраб номи билан берилади.

[3] Фитрат. Аруз ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 40.

[4] Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати.– Тошкент: Шарқ НМК , 1998. – Б. 201.

[5] М.Олимов бу ҳолни "мисралар ўртасидаги уйғунлик бузиладиган" ҳолат деб баҳолайди (Олимов М. Рисолаи аруз. – Тошкент: Ёзувчи, 2002. – Б. 81).

[6] Конрад Н. Запад и Восток. – М: Главная редакция Восточной литературы, 1972. – С. 287.

мумкин, бунда иккинчи рукндаги қисқа бўғин биринчи рукндаги шундай бўғин билан қўшилиб, битта чўзиқ бўғин ҳосил қилади, яъни

“V”+ “V”= “ – “ ;– – V+ V = – – –

Тақтиъда эса қуйидаги ҳолат вужудга келади:

– – V V–V– V– –
– – ––V–V– –

Бу ҳолат тасодифий бўлмай, достон қаҳрамонларининг чуқур руҳий ҳолатлари билан боғлиқ. Муаллиф зиддиятли воқеалар ва қаҳрамонларнинг руҳий изтироблари баёнида ритмик вариацияга мурожаат қилади:

Оқшомдин | тонгга жо| ни маҳзун
– – –| – V – | V – –
Тонгдин оқ| шомга аш | ки гулгун.
– – – | – V – | V – –
“Лайли, Лай| ли!” дебон | чекиб ун,
– – – | – V – |V – –
Эл деб: “Маж| нундур, уш| бу мажнун!”
– –– | – V –| V – –

Дарҳақиқат, бу ритмик вариацияда маҳзун туйғуларни ифодалаш имконияти кенгроқ, мисраларнинг 4 та чўзиқ бўғин билан бошланиши оҳангнинг ҳазин чиқишига олиб келади[1].

Навоий ўз достонининг фожиавий якуни тўғрисидаги фикрини ҳам ритмик вариацияда битган эди:

Йиғлай–йиғ | лай тугот | тим охир.
– ––| – V –| V – –

Текширишлар натижасида “Лайли ва Мажнун” достонидаги 3622 байтдан 240 мисра ритмик вариация асосида яратилганлиги маълум бўлди.

Биз мазкур ритмик вариация асосида яратилган мисраларни мазмунига қараб шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

– Қаҳрамонлар номи келтирилган мисралар:

Эй оники Лайли айлаб отин,
Мажнун қилмоқ қилиб сифотин... [2]

[1] У.Тўйчиев “Лайли ва Мажнун” достони вазнини ҳазин деб аташ фикрига манфий муносабат билдиради, унингча “вазн схема, схема эса ҳазин бўлиши мумкин эмас, ритмни ҳам ҳазин деб айтиш қийин” (Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 224).

[2] Ажратиб кўрсатилган қаторлар ритмик вариация асосида яратилган мисраларни билдиради.

Мажнун кўргач бўлуб мушавваш,
Кўнглига бу зулм келди нохуш...

Етгач Навфал салом қилди,
Мажнун анга эҳтиром қилди...

Яъни Мажнуни дил рамида
Борур эди бўлмай орамида...

Жонин Мажнун сўзида берди,
Ҳаргиз Лайли дегил йўқ эрди.

– Қаҳрамонлар кайфиятини пейзаж воситасида очиш билан боғлиқ мисралар:

Насрин барги тўкулса саҳбо
Кўп ёғини айлар ошкоро...

Бўстон тифли топиб бу ҳийла
Ул ўт била кийдуруб фатила...

Ул фасл кетибки гулда сунбул
Очқай гулгун юз узра кокул...

Булбул топмай ўзин азосиз
Бўлғай пари бўйниға қаро кийз.

Сарв ўлмай, меҳнатидин озод,
Қолмай шамшод дардидин шод.

– Қаҳрамонларнинг изтиробли ҳолатлари акс этган мисралар:

Йиғлаб отаси қилиб яқо чок,
Бунёд этти ҳазину ғамнок...

Йиғлай-йиғлай изин иришти,
Ул ерда етиштиким етишти...

Чун воқеа кўргучи кўз очти,
Кўздин қонлиғ сиришк сочти...

Тирноғларин чу юзга қўйди,
Тирноғ, тирноғча ерлар ўйди...

Гўристон ичра зору маҳжур
Ўлгон кишидек ҳаётдин дур...

– Қаҳрамонлар ҳайрати ифодаланган мисралар:

Аллоҳ-аллоҳ, бу не сўз ўлғай,
Ул қавмға тенгри узр қўлғай...

Аллоҳ, Аллоҳ не от эрур бу,
Не поку хужаста зот эрур бу...

Дедики: "Недин мисол экин бу?
Субҳоналлоҳ, не ҳол экин бу?"

Дуррум анга зеби торак ўлғай,
Иншоаллоҳ, муборак ўлғай...

– Муаллифнинг достон ҳақидаги шахсий мулоҳазалари акс этган мисралар:

Чун сурмиш килки дурфишонни,
Таҳрир этмиш бу достонни...

Бу қиссаға онча бердилар зеб,
Ким бўлмас васфи ичра сўз деб...

Айтай Мажнун сўзин санга рост,
Лайли ғами ичра бекаму кост...

Ул навъки ҳотиф этти иршод,
Мен ҳам қилдим фасона бунёд...

Сўнгин нечаким узоттим охир,
Йиғлай–йиғлай туготтим охир...

Навбатдаги вазн хафифи махбун деб аталиб, 8 та ритмик вариацияга эга. Бу ритмик вариациялар достон мисраларида ўзаро алмашиниб қўлланаверади ва достон матни билан муносабатга киришади. Ритмик вариациялар таркибидаги ўзгаришлар, асосан, биринчи ва учинчи рукндаги

бўғинлар сифатини ўзгартириш ҳисобига рўй бериб, иккинчи рукн ўзгаришсиз қолаверади. Бунда биринчи рукн фоилотун ёки фаилотун, учинчи рукн эса фаилун, фаилон, фаълун, фаълон тарзида ўзаро алмашиниб ҳам қўлланавериши мумкин. "Бу, асосан, шоирнинг бир кайфиятдан бошқа кайфиятга ўтиш чоғида, қаҳрамонларнинг ҳайрат ёки ҳаяжонларини ифодалаш, шунингдек сюжет чизиқларининг кескин ўзгариши ва достон қаҳрамонлари руҳий ҳолатининг алмашиши даврида қўлланилиши мумкин. Вазн оҳангининг бундай ўзгариши ҳисобига шоир шеърларнинг китобхон томонидан ўзгача эҳтирос билан қабул қилинишига эришади"[1]. Мазкур вазнни ритмик вариациялари билан аниқроқ тасаввур қилиш учун қуйидаги жадвални келтирамиз:

[1] С.Ҳасанов "Сабъаи сайёр"нинг 200 байтини махсус ўрганиб чиқиб, унда юқоридаги вазннинг 7 тури қўлланилганлигини аниқлади (Ҳасанов С. Навоийнинг 7 туҳфаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат , 1988. – Б. 178-180).

№	Ритмик вариациялар	Рукнлари ва тақтиъи
1.	Хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф	Фоилотун мафоилун фаилун – V – – V – V –V V –
2.	Хафифи мусаддаси солими махбуни мақсур	Фоилотун мафоилун фаилон – V – –V – V –V V ~
3.	Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ	Фоилотун мафоилун фаълун – V – – V – V – – –
4.	Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъи мусаббағ	Фоилотун мафоилун фаълон – V – – V – V – – ~
5.	Хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф	Фаилотун мафоилун фаилун V V – – V – V – V V –
6.	Хафифи мусаддаси махбуни мақсур	Фаилотунмафоилун фаилон V V – – V – V –V V ~
7.	Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ	Фаилотун мафоилун фаълун V V – – V – V – – –
8.	Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ	Фаилотун мафоилун фаълон V V – –V – V – – ~

Таъкидлаб ўтганимиздек, мазкур ритмик вариацияларнинг достон таркибида ўзаро алмашиниб қўлланилиши тасодифий бўлмай, достондаги воқеалар, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, бир ҳикоятдан бошқасига ўтиш пайтлари, сюжет чизиқларининг ўзгаришига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Маълумки, Баҳром Дилоромдан айрилгандан кейин ҳафтанинг 7 кунида 7 хил рангда безатилган қасрларда 7 иқлимдан келган мусофирларни қабул қилиб, уларнинг ҳикоятларини тинглайди. Шанба куни Баҳромнинг қора либосда ҳижрон ўтидан қора бўлган кунда 1-мусофирнинг ҳикоятини тинглаш арафасидаги ҳолати акс этган қуйидаги парчага диққат қаратсак:

Субҳи шанбаки, шоми дайжурий, (3)
Юзига ҳулла ёпти кофурий. (3)

Қасри мушкинга қўйди юз Баҳром,(4)
Ичгали мушкбў ғазол ила жом.(2)

Луъбати ҳиндзоду чинийваш, (3)
Лаъли жонбахшу сунбули дилкаш.(3)

Ҳулласин ойдек айлабон шабгун,(3)
Дурлар ул ҳулла узра кавкабгун.(3)

Тахту рахтини айлабон мушкин,(3)
Мушк уза ер тутуб ғазолаи Чин.(1)

Шаҳ дағи ҳулла мушкфом айлаб,(3)
Кирди маҳваш сари хиром айлаб.(3)

Тахт уза чиқди вориси Жамшид,(4)
Анга ёндошти ғайрати хуршид.(7)

Ичилур эрди мушкбў бода,(3)
Мушку анбар буҳури омода.(3)

Анга тегруки мушк сочиб шом,(8)
Қилди олам юзини анбарфом.(4)

Элга эди тарабфизо шанба,(3)
Шаҳға эрди вале азо шанба...(3)[1]

Агар эътибор қаратилса, келтирилган 10 байт (20 мисра)дан 16 мисра юқоридаги жадвалда акс этган 3 ва 4-ритмик вариацияларда яратилганлигини кўриш мумкин. Ушбу вариацияларнинг тақтиъида чўзиқ бўғинларнинг етакчилик қилишини (қисқа бўғинлар сони 3 та) кўрамиз. Аслида бошқа баҳрларга нисбатан енгил оҳангга эга бўлган хафиф баҳрининг ушбу ритмик вариациялари чўзиқ бўғинлар сонининг етакчилик қилиши ҳисобига вазминроқ оҳанг касб этяпти ва бу жиҳат Баҳромнинг "ҳижрон ўтининг дуди қаро қилғон кун"даги ҳолатига мос келяпти.

Энди Баҳромнинг ҳикоятлар охирида – Дилоромнинг хабарини эшитган пайтдаги ҳолати ифодаланган парчани кўриб чиқсак:

Чунки ул кеча шоҳи шоҳнишон, (2)
Ғойибидин бу навъ топти нишон.(2)

То саҳар беқарору бедил эди, (1)
Ўйлаким сайди нимбисмил эди.(1)

Шавқ ўтиға куюб нечукки хасе,(1)
Бетаҳаммуллуқ айлар эрди басе.(1)

Топса эрди бузуқ мизожи қарор,(2)
Буюрур эрди қиссаға такрор.(8)

Иши чун қилғанини билмак анга,(1)
Гоҳ ўлмак, гаҳи тирилмак анга,(1)

Ҳажр андуҳи чун қилиб беҳол,(4)
Ҳолига келтуруб умиди висол...(2)

Мазкур парчада жадвалдаги 1 ва 2 - ритмик вариацияларнинг етакчилик қилишини кузатишимиз мумкин. Энди биринчи парчадагидан фарқли равишда тақтиъда қисқа бўғинлар сони ортяпти, бу ўзгариш эса оҳангга ўйноқилик ҳамда енгиллик бахш этяпти ва бу ҳол "ўлук таниға руҳ киргон" Баҳромнинг руҳий ҳолати билан мутаносиблик касб этяпти.

Баҳром Дилоромнинг дарагини эшитгач, унга мактуб ёзиб, қайтмоғини сўрайди. Бу мактуб Баҳромнинг келгуси тақдирини ҳал қиларди, шу сабабли у жуда таъсирли чиқиши ва Дилоромнинг қалбига етиб бориши керак эди. Навоий шу ўринда яна 3-вариацияга мурожаат қилади ва ўзининг ижодий ниятига эришади. Дарҳақиқат, мактубда Баҳром тилидан

[1] Қавс ичидаги рақамлар жадвалда келтирилган ритмик вариациялар тартибини билдиради.

унинг руҳий ҳолати шу қадар дардли тасвирланганки, яна бир бор мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлигига гувоҳ бўламиз:

Ки: "Фироқинг ичимни қон қилмиш, (3)
Они кўз йўлидин равон қилмиш, (3)

Келки, айлай санга фидо жоним, (3)
Йўқса бўйнунгға бўлғуси қоним, (3)

Фурқат ичра чиқорма жонимни, (3)
Дашна урмай оқизма қонимни. (3)

Келки чиқсун қошингда жоним ҳам, (3)
Яна оқсун йўлунгда қоним ҳам.(3)

Ҳажр тиғини жонима сурма, (3)
Жон берурдин бурунроқ ўлтурма..." (3)

Мактуб шу тариқа ҳазин оҳанглар билан давом этади. Эътиборга лойиқ томони, 15 байт (30 мисра)дан иборат бу мактуб асосан бир ритмик вариациянинг етакчилик қилиши билан характерланади. Шунингдек, Навоий деярли ҳар бир байтда "жон" ва "қон" сўзларини турли ўрин ва шаклларда қўллаш билан ниҳоятда таъсирчан ритмик оҳангнинг вужудга келишига эришади.

А. Ҳожиаҳмедов достонда 8 та ритмик вариацияларнинг 4 таси фаолроқ, кейинги 4 таси нисбатан камроқ қўлланилганлигини таъкидлайди[1]. Дарҳақиқат, юқорида ритмик вариацияларнинг биринчи ва учинчиси мазкур достонда қўлланилиш жиҳатидан етакчи эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Демак, юқоридагилардан маълум бўляптики, "Хамса" достонлари орасида ҳазажи ахраб ва хафифи махбун вазнлари ритмик вариацияларга эга бўлиб, уларнинг қўлланилиши достон сюжети ва қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатига бевосита алоқадор экан. Хусусан, Баҳромнинг "ҳижрон ўтининг дуди қаро қилғон кун"даги ҳолати тасвирланган биринчи ҳикоятда хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ (рукнлари ва тақтиъи:– *V* – –*V* – *V* – – –) ритмик вариациясининг етакчилик қилиши кузатилса, 7-ҳикоят сўнгида Дилоромнинг дарагини эшитган пайтидаги руҳий ҳолати баёни нисбатан енгилроқ оҳанг касб этувчи хафифи мусаддаси солим махбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: – *V* – – *V* – *V* – *V* –) ритмик вариацияси ёрдамида амалга оширилган.

"Лайли ва Мажнун" достонида қўлланилган ҳазажи ахраб вазнининг баъзи ўринларда ҳазажи ахрам билан алмашиниб қўлланилиши ҳам ўзига хос қонуниятга эга бўлиб, достон мазмуни ва ғояси билан чамбарчас боғлиқ. Достондаги 3622 байтдан 240 мисра ҳазажи ахрамда яратилган бўлиб, достондаги зиддиятли воқеалар, асар қаҳрамонларининг чуқур руҳий изтироблари тасвири, қаҳрамонлар руҳиятининг табиат тасвири билан боғлиқ баёни, қаҳрамонлар ҳайрати акс этган мисралар, лирик чекиниш пайтида мазкур вариацияга мурожаат қилинганлигини кўрамиз. Буларнинг барчаси ритмик вариациялар ва асар мазмуни орасида ўзаро уйғунлик борлигини кўрсатади.

[1] Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 213.

РИТМИК ВОСИТАЛАР ВА МАЗМУН МУТАНОСИБЛИГИ

Ритмни вужудга келтиришда ритмик воситалар: қофия, радиф ва баъзан бадиий санъатлар ҳам муҳим ўрин тутади. Д.Қуроновнинг “Адабиётшуносликка кириш” китобида ҳам мазкур поэтик унсурлар ритмик воситалар деб аталган[1].

Навоий “Хамса”сида қўлланилган асосий ритмик воситалардан бири радифдир. Радиф шеърий мисраларда қофиядан кейин келиб, айнан такрорланувчи сўз ёки сўзлар қўшилмаси ҳисобланади.

Мумтоз шеършуносликда радиф асосан қофия илми таркибида ўрганилган. Шеършуносликка доир манбаларда келтирилишича, радиф форс (ажам) шеъриятига хос бўлиб, арабларда қўлланилмаган[2]. “Ўрта асрлик шеършунослар радифнинг шеър мазмунини ифодалашдаги аҳамиятини яхши англаганлар, уларнинг таъкидлашларича, радиф байт билан шу даражада боғланган бўлиши керак эдики, унинг байт таркибидан олиб ташланиши шеър мазмунига путур етказарди...”[3]

Алишер Навоий “Хамса”сида радиф достонлар ритмини яратишда муҳим ўрин эгаллайди. Агар “Хамса” таркибидаги достонларда радифнинг қўлланилиш даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, қуйидаги манзаранинг гувоҳи бўламиз:

№	Достонлар	Достонларнинг умумий ҳажми	Радиф қўлланган байтлар миқдори	% ҳисобида
1.	“Ҳайрат ул-аброр”	3988	1306	32.8
2.	“Фарҳод ва Ширин”	5782	999	18
3.	“Лайли ва Мажнун”	3622	595	16.4
4.	“Сабъаи сайёр”	5000	1250	25
5.	“Садди Искандарий”	7005	1936	27.6

Юқоридаги жадвалдан маълум бўляпти, “Ҳайратул аброр” достони радифнинг қўлланилишига кўра биринчи ўринда турар экан. Достондаги байтларнинг 32 фоизини радиф қўлланилган байтлар ташкил қилади. Бунга бир қанча омилларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин:

1. “Ҳайрат ул-аброр” мазмунига кўра фалсафий-таълимий достон бўлиб, бошқа достонлардан ягона сюжет чизиғига эга эмаслиги билан фарқланади. Достонда дидактика асосий мақсад ҳисобланади. Радифнинг вазифаси эса бадиий асарда “... ифодаланаётган етакчи фикрни таъкидлаш, ўқувчи эътиборини асосий ғояга жалб этиб, шоир ғоявий ниятини ўқувчи қалбига тўлароқ, чуқурроқ етказиш...”[4] дан иборат. “Ҳайрат ул-аброр”даги радифларнинг асосий қисми достондаги ҳикоятлар билан боғлиқ бобларда эмас, балки айнан назарий-ахлоқий масалаларга бағишланган мақолатлар қисмида қўлланилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

---

[1] Қуронов Д. Б. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 141.
[2] Шамси Қайси Розий. Ал-мўъчам. Душанбе: Адиб, 1991. – С. 265; Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. – Тошкент: Хазина, 1996; Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент, 2006. – Б. 304.
[3] Стеблева И.В. Ритм и смысл в классической тюркоязычной поэзии. – М.: Наука, 1993. – С. 89.
[4] Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ НМК , 1999. – Б. 236.

2. И.Стеблеванинг фикрига кўра, туркий шеъриятда радиф вазифасида кўпинча ёрдамчи феъллар қўлланилган, баъзан олмош, от, кўмакчиларнинг ҳам такрорланиб келиши кузатилган. Дарҳақиқат, "Ҳайрат ул-аброр"да қўлланилган радифларнинг асосий қисми феъл ва олмош сўз туркумларига мансублигини кўриш мумкин.

3. Тилшуносликда мантиқий урғу деган тушунча бўлиб, унинг ёрдамида гап ичидаги бирор бўлак таъкидланади, кучлироқ айтилади ва китобхоннинг эътибори ўша сўзга тортилади. Туркий тилда мантиқий урғу одатда гапнинг охиридан ўрин олади, гапнинг охирида эса кўпинча феъл сўз туркуми жойлашган бўлади. Демак, радиф қофиядан кейин келиб, унинг мантиқий урғу олишига хизмат қиляпти ва ижодкорнинг ғоявий ниятини китобхон қалбига чуқурроқ етказишга кўмаклашяпти.

4. Юқорида айтилганидек, "Ҳайрат ул-аброр" достони сариъ баҳрининг сариъи мусаддаси матвийи макшуф (рукнлари ва тақтиъи: муфтаилун муфтаилун фоилун *–V V –– V V –– V* –) вазнида яратилган. Сўнгги рукн чўзиқ, қисқа ва чўзиқ бўғинларнинг бирикувидан вужудга келади, бундай бирикиш туркий тилдаги ёрдамчи феъллар учун жуда мосдир. Демак, кўриняптики, радиф бадиий асарда қўлланилган шеърий ўлчовга ҳам боғлиқ экан.

Юқоридаги фикрларга мисол тариқасида "Ҳайрат ул-аброр" достонидан бир парча келтирамиз:

Шаръ тариқини шиор айлагил
Адл ила мулкунга мадор айлагил.

Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар.

Кофири одил ани обод этиб,
Муъмини золим ани барбод этиб.

Шаҳки эрур адл ила даврон анга
Бўлди сирот ўтмаги осон анга.

Ким юрумак ип уза ком айлади,
Адли чу туз бўлди хиром айлади...

Юқоридаги парча достоннинг якунловчи мақолати бўлмиш 20-мақолатдан олинган бўлиб, ундаги насиҳатлар Ҳусайн Бойқаронинг ўғли шаҳзода Бадиуззамонга қаратилган. Келтирилган беш байтдан тўрттасида радиф ёрдамчи феъл, биттасида олмош ўрнида келяпти. Радифлардан олдин қўлланилган *шиор–мадор, бунёд–обод, обод–барбод, даврон–осон, ком–хиром* қофиялари мантиқий урғу, айни пайтда ритмик зарб вазифасини ўтаяпти. *Айлагил* ва *айлади* радифлари– *V* – тақтиъга; *этар, этиб, анга* радифлари эса *V* – тақтиъга мос келяпти.

Жадвалга эътибор қаратилса, "Хамса" достонлари орасида радиф энг кам қўлланилган достон "Лайли ва Мажнун" эканлигини кўришимиз мумкин. Достоннинг 601 байтида мазкур унсурнинг истифода этилганлигини кўрамиз. Бу достондаги жами байтларнинг 16 фоизини ташкил қилади. Бу кўрсаткич биз юқорида таҳлил қилган "Ҳайрат ул-аброр" достонидаги радифлар миқдоридан 2 баравар кам демакдир. Бунга Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонини ёзишдан мақсади Лайли ва Мажнун ишқи билан боғлиқ афсонани ҳикоя

қилиб бериш ёки китобхонга муайян бир фикрни таъкидлашдан иборат эмас, балки “дард навҳаси” баёни ва руҳият тасвирини кўрсатиб беришдан иборат эканлигини сабаб қилиб келтириб ўтмоқчимиз. Зеро, Навоийнинг ўзи достон хотимасида ёзганидек:

Ёзмоқта бу ишқи жовидона,
Мақсудум эмас эди фасона.

Мазмунига бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туфайли…

Инсонга эрур камол матлуб,
Андин дағи дарду ҳол матлуб.

Маълум бўляптики, радиф Навоий “Хамса”сида ритмни вужудга келтиришда муҳим аҳамиятга эга унсур экан. Унинг вазифаси бадиий асарда ижодкорнинг ғоявий ниятини таъкидлаш ва китобхонга чуқурроқ етказиб беришга хизмат қилишдан иборат бўлганлиги учун панд-насиҳат руҳидаги достон бўлмиш “Ҳайратул аброр”да мазкур шеърий унсурнинг кенг қўлланилганлигини кўриш мумкин. “Лайли ва Мажнун” достонида эса панд-насиҳат руҳи етакчилик қилмаганлиги ва воқеликни баён қилиш мақсад қилиб олинмаганлиги учун бу достонда радиф кенг истифода этилмаган. Бу ҳолатларнинг барчаси асар мазмуни ва радиф ўзаро уйғунликда деган хулосага олиб келади.

“Хамса” достонларида бадиий санъатлар ҳам алоҳида ўринга эга бўлиб, улар ритмик мувозанатни яратишда муҳим аҳамият касб этади. “Маълумки, шеърий санъатлар бадиий асардан ўрин олган ғояларнинг ҳаётийроқ, таъсирчанроқ ифодаланишига, лирик ва эпик тимсолларнинг ёрқинроқ гавдалантирилишига, мисралар, байтлар, бандларнинг лафзий назокати, мусиқийлиги, жозибадорлигини таъминлашга хизмат қилган”[1].

Навоий “Хамса”си достонларида қўлланилган шеърий санъатлар ҳақида А.Рустамов, Ё.Исҳоқов, А.Ҳожиаҳмедов каби олимларнинг тадқиқотларида маълумотлар келтирилган. Хусусан, А.Рустамовнинг “Навоийнинг бадиий маҳорати” номли тадқиқотида Навоий достонларида қўлланилган тавзиъ, издивож ёки тазмини муздаваж, тажнис, ийҳом, иштиқоқ, тарди акс, илтифот, такрир, тасдир, илтифот, илтизом, таносуб, ирсоли масал, муболаға, тазод, ташбиҳ, истиора каби шеърий санъатлар достонлардан олинган мисоллар ёрдамида чуқур таҳлил қилинган. А.Ҳожиаҳмедовнинг “Навоий арузи нафосати” китобида эса қофия санъатларидан зулқофиятайн, зулқавофий, тарсиъ кабиларнинг Навоий достонларида қўлланилиш даражаси ёритиб берилган [2]. Ушбу тадқиқотларда Навоий достонларида қўлланилган бадиий санъатлар анча кенг ва чуқур таҳлил қилиб берилганлиги учун биз фақат “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” достонларидан олинган парчалар мисолида бадиий санъатларнинг ритмик зарб яратишдаги аҳамияти масаласига тўхталиб ўтамиз.

Дастлаб Хусрав ва Фарҳод мунозараси ифодаланган парчани кўриб чиқсак. Ушбу парча 25 байтдан иборат. Бунда ритмнинг вужудга келишини қофия ва вазндан ташқари яна қуйидаги бадиий унсурлар таъминлаганлигини кўриш мумкин:

---

[1] Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ НМК , 1999. – Б. 4.

[2] Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 30-72; Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 93-94; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006.

1. Диалог усули.
2. Барча мисраларнинг анафора (деди ёки дедиким) асосига қурилганлиги.
3. Деярли барча байтларда такрир (ёки таносуб, иштиқоқ, аллитерация) санъатларининг қўлланилганлиги.
4. Асосий ритмик зарбдан ташқари қўшимча ритмик зарбнинг ҳам мавжудлиги.

Мисраларнинг диалог, яъни савол-жавоб асосига қурилганлигининг ўзи ритм ранг-баранглигини таъминлайдиган биринчи унсурдир. Эътибор беринг:

Деди: қайдин сен эй мажнуни гумраҳ?
Деди: мажнун ватандин қайда огаҳ.

Деди: недур сенга оламда пеша?
Деди: ишқ ичра мажнунлуқ ҳамиша.

Диққат қаратилса, барча мисралар (жами 50 мисра) “деди” ёки “дедиким” анафораси билан бошланади. Бунда “деди” ёки “дедиким” анафораси ритмик зарб вазифасини ўтаяпти. Б.В. Томашевский шеъриятдаги ритм билан боғлиқ ҳолатларни таснифлар экан, ритмнинг бир кўриниши сифатида анафора зарбли ритмни ҳам санаб ўтади. Юқоридаги ҳодисага ана шу тасниф асосидаги ҳолат деб қараш мумкин.

Кейинги байтларда асосий ритмик зарбдан ташқари қўшимча ритмик зарбнинг мавжудлигини ҳам кўриш мумкин. Бунда қўшимча ритмик зарб такрир, таносуб, баъзида иштиқоқ санъатлари воситасида вужудга келяпти. Эътибор қаратинг:

Деди: бу ишдин ўлмас <u>касб</u> рўзи,
Деди: <u>касб</u> ўлса басдур ишқ сўзи.

Бу байтда асосий эътибор “касб” сўзига қаратилган. Хусравнинг “Бундайин иш билан касбу кор – тирикчилик ўтмайди-ку” деган саволига Фарҳод: “Менга ишқ сўзи касб ўлса, шу басдур” деб жавоб қайтарди ва мантиқий урғу “касб” сўзига тушди. Юқорида айтганимиздек, ритмик зарб мантиқий урғу ёрдамида ҳосил бўлади.

Дедиким: ишқ ўтидин де фасона!
Деди: куймай киши топмас нишона.

Ушбу мисраларда “ўт” ва “куймоқ” сўзлари таносуб санъатини ясаяпти, Хусравнинг ишқ ўти билан боғлиқ саволига Фарҳод “куймоқлик” тушунчаси билан боғлиқ ҳолда жавоб берди ва биринчи мисрадаги “ишқ ўти” ҳамда иккинчи мисрадаги “куймай” сўзлари мантиқий урғу олганлиги учун ритмик зарб ҳисобланади.

Навбатдаги байтда *“а”* унлисининг такрорланиши шу товуш билан бошланаётган сўзларнинг алоҳида таъкид билан талаффуз қилинишига сабаб бўляпти, товушлар такрори эса ассонанс поэтик усулининг вужудга келишини таъминлаяпти:

Дедиким: куйм<u>а</u>гингни <u>а</u>йла м<u>а</u>ълум,
Деди: <u>а</u>ндин эрур жоҳ <u>а</u>ҳли м<u>а</u>ҳрум.

Кейинги байтларда такрир санъатининг турли ўринлардаги иштироки асосида ритмик мувозанат вужудга келмоқда:

Дедиким: ишқиға кўнлунг ўрундур,
Деди: кўнглумда жондек ёшурундур.

Деди: васлиға борсен орзуманд,
Деди: бормен хаёли бирла хурсанд.

Деди: нўши лабидин топқай эл баҳр
Деди: ул нўшдин эл қисмидур заҳр.

Деди: жонингни олса лаъли ёди,
Дедиким: ушбудур жоним муроди.

Деди: кўксунгни гар чок этса бебок?!
Деди: кўнглум тутай ҳам айла деб чок!

Деди: кўнглунг фидо қилса жафоси?
Деди: жонимни ҳам айлай фидоси.

Кейинги байтда иштиқоқ санъати (ишқ, ошиқ)нинг қўлланилиши натижасида ритмик оҳанг ҳосил бўляпти:

Деди: бу ишқ тарки яхшироқдур:
Деди: бу шева ошиқдин йироқдур!

Навбатдаги байтда лексик такрор вазифасини бажараётган “шоҳ” сўзининг вазн талаби билан икки хил тарзда қўлланилаётганини кўришимиз мумкин:

Дедиким: шаҳға бўлма ширкат андеш!
Деди: ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!

Биринчи мисрада Хусрав тилидан айтилган “шаҳ” сўзи иккинчи мисрада Фарҳод тилидан “шоҳ” тарзида ўзгартириб қўлланилди, бу ҳолат “шоҳ” таркибидаги о унлисининг рукн урғуси олишини ва натижада чўзиқ бўғин қаторига ўтишини таъминлаган, акс ҳолда сунъий чўзиқлик вужудга келар ва бу ҳолат ритмик оҳангга путур етказган бўларди. Ушбу байтда *“ш”* ундошининг кўп такрорланганлиги (6 марта) аллитерация усулини вужудга келтирганлигини ва бу усул ҳам ритмни яратишдаги муҳим унсурлардан эканлигини таъкидламоқчимиз.

Кейинги байтда *б, к* ва *ч* ундошлари асосида вужудга келган аллитерация ва ҳожибнинг биргаликдаги иштироки асосида ритмик мувозанат ҳосил бўляпти:

Деди: кишвар берай, кеч бу ҳавасдин!
Деди: бечора, кеч бу мултамасдин!

Сўнгги байтда радиф ритмик зарб вазифасини бажаряпти:

Деди: "Бу ишда йўқ сендин йироқ қатл",
Деди: "Бу сўзларингдин яхшироқ қатл"

Келтирилган ушбу парчадаги деярли ҳар бир байтда муайян бир бадиий тасвир воситасининг қўлланилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, такрир, таносуб, иштиқоқ, анафора, ассонанс, аллитерация каби санъатларнинг истифода этилиши ритмнинг оҳангдорлигини таъминлаган. Мисраларда анафора асосига қурилган ритмик зарб ва такрир, таносуб, иштиқоқ санъатлари иштирокида вужудга келган қўшимча ритмик зарбнинг етакчилик қилиши Фарҳод ва Хусрав мунозарасидаги Фарҳоднинг маънавий ғалабаси баёни билан уйғунлик касб этган, зеро "ритмик зарб – кучли ҳис-туйғу ва тантанаворликни шеър вазни ва ритмига мослаштирувчи восита ҳисобланади"[1].

Демак, кўриняптики, "Фарҳод ва Ширин" достонида қўлланилган радиф, қофия, бадиий санъатлар ритмик мувозанатни вужудга келтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ритмнинг асосий бирлиги ҳисобланувчи ритмик зарбнинг аксарият ҳолларда мазкур унсурлар асосига қурилганлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида ритмик зарб бадиий асарда ифодаланаётган етакчи фикр ва асосий ғояга урғу қаратиш хусусияти билан мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Энди "Лайли ва Мажнун" достонидаги ритмик воситаларни кўриб чиқсак. Мажнуннинг Каъба зиёратига борганлиги акс этган парча достоннинг энг таъсирли лавҳаларидан бири бўлиб, бунда Мажнун "муножат баҳонаси била кўнглидаги чирин ёзғони ва дуо қилмоқ таронаси била хотиридағи махфий мақосидин тилидин чиқорғони"нинг гувоҳи бўламиз. Қирқ уч байтдан иборат бу ўзига хос "муножотнома" Мажнуннинг Аллоҳдан ишқ ўтини зиёда қилишни сўраб қилган илтижосига бағишланган бўлиб, мазкур парчада йигирма тўрт ўринда "ишқ" сўзидан фойдаланилган. Бу тасодифий эмас, албатта. Навоий ушбу сўзни турли поэтик унсурлар ва ритмик воситалар билан уйғунликда қўллаб, ритмнинг турли-туман жилваланишларига эришади.

Дастлаб ишқ ўти билан жаҳонни ёндирган "ҳакими доно"га сокин мурожаат билан бошланган мазкур "муножот" аста-секин тантанавор оҳанг касб эта боради ва бунда "ишқ" сўзининг ритмик зарб даражасига кўтарилганлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилади:

Чек айнима ишқ тўтиёсин,
Ур қалбима ишқ кимиёсин!

Мазкур байтда "ишқ" сўзи ҳожиб вазифасида келган бўлиб, байт мисраларидаги ҳар бир сўзнинг ўзаро тенг устунлар асосида жойлашиши ва бунинг натижасида муайян ритмик паузанинг қўлланилганлиги ритмнинг жозибадорлигини таъминлаган.

Кейинги байтда "ишқ" сўзи "эт" кўмакчи феъли билан бирикиб, радиф вазифасида келган ва энди ритмик зарб радиф билан бирлик касб этган:

Кўнглумга фазо ҳарими ишқ эт,
Жонимға ғизо насими ишқ эт!

[1] Ражабов Д. Бадиий образ ва ритм табиати. – Бухоро, 2002. – Б. 30

Навбатдаги байтда Навоий анафорали ритмик зарбдан фойдаланади ва бу ўринда ҳам сўзларни ўзаро тенг устунларга тақсимлаш усулини сақлаб қолади:

Ишқ исидин эт дамимни мушкин,
Ишқ ўтидин эт юзумни рангин.

Кейинги байтларда Навоий "ишқ" сўзини ташкил қилган ҳарфларни алоҳида таърифлар экан, усталик билан ҳар бир ҳарф номининг ритмик зарб олишига эришади:

Бўйнум уза, "айн"ин айлагил тавқ,
"Шин"ин қил ичимга шуълаи шавқ.

"Қоф"ин манга айла кўҳу андуҳ,
Кўнглумга ғамини кўҳ то кўҳ.

Мазкур мисраларда Навоий аллитерация (*ш, к, ҳ* товушларини бир неча марта такрорлаш орқали), китобот ("айн" шаклини халқага, "шин"ни шуълага, "қоф"ни тоғга қиёслаш орқали) санъатларидан ҳам фойдаланадики, буларнинг барчаси ритм яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги байтларда Навоий "шарора" ва "хора" сўзларини такрорлаш ҳамда уларни ўрни билан гоҳ мутлақ қофия, гоҳ муқайяд қофия тарзида қўллаш орқали ритмик товланишларга эришади:

Уч нуқтасини шарора айла,
Иккисини икки хора айла.

Ул шуълаға ҳам керак шарора,
Бу қофға доғи хора пора.

Жонимға сол ул шарорани ҳам,
Бошимға ур ушбу хорани ҳам.

"М" товуши воситасида ясалган аллитерация санъати асосида Мажнуннинг элдан юз мунча азоб кўрса-да, ишқни манъ этмасликни, яна минг шунча азобларга қондирмасликни сўраб қилган хитоби акс этган:

Юз мунчаға элни мониъ этма,
Минг мунчаға мени қониъ этма!

Мажнун ўз муножотида ишқни шу тариқа улуғлар экан, ундан ишқ ва Лайлини унутишни сўраган кишиларга нисбатан ачиниш ҳисларини намоён қилади ва ҳатто тангридан уларни афв этишини сўрайди:

Аллоҳ-аллоҳ, бу не сўз ўлғай,
Ул қавмға тенгри узр қўлғай.

Мажнун Лайлига бўлган ишқни танасида жон ва томирларида қон қилишни сўрар экан, мазкур парчада етакчилик қилиб келаётган ҳазажи ахраб вазни ритмик вариация – ҳазажи ахрам билан алмашинади:

Лайли ишқин танимда жон қил,
– –– – V – V – –
Лайли шавқин рагимда қон қил.
––– – V – V––

Ушбу байтда қўлланилган тарсеъ санъати байтни бармоқ вазни сингари 4+5 туроқлар тартибидан иборат устунларга ажратади ва биринчи туроқнинг 4 та чўзиқ бўғин билан бошланиши ритмнинг вазмин оҳанг касб этишига олиб келади:

45

Лайли ишқин / танимда жон қил,
– –– –V – V – –

45

Лайли шавқин / рагимда қон қил.
– –– –V – V – –

Мазкур байтни биз таҳлил қилаётган лавҳанинг шоҳ байти деб айтиш мумкин.

Навбатдаги байтлар мумтоз эпик шеъриятда нисбатан кам учрайдиган ҳодиса: рукн ва туроқнинг ўзаро тенг келиши билан характерланади, шу маънода улар тарсеъ санъатининг энг мукаммал намунаси ҳисобланади:

3 4 3

Дардини / нажотим эт, / илоҳий,
– – VV – V –V – –

3 4 3

Ёдини / ҳаётим эт / илоҳий...
– – VV – V – V – –

3 4 3

Дардимға / хаёлини /табиб эт
– – VV – V –V – –

3 4 3

Жонимға /висолини /насиб эт.
– – VV – V –V – –

Муножотнинг сўнгги байти Мажнуннинг Лайлисиз бир нафас ҳам яшатмасликни, унингсиз тирикликни нобудликка айлантиришни сўраб қилган илтижоси билан якунланади ва бу ўринда Навоий такрир санъатидан фойдаланади:

<u>Онсиз</u> мени бир дам этма мавжуд,
Будумни қил <u>онсиз</u> ўлса нобуд!

Кўриняптики, юқоридаги лавҳанинг мазмун жиҳатдан ғоят таъсирчан чиқиши унда қўлланилган ритмик воситалар билан кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, уларнинг аксарияти ритм бирлиги бўлган ритмик зарб билан уйғунлик касб этган ва ритмик мувозанатни таъминлаган.

Биз ишимизнинг иккинчи бобидаги масалаларни ёритиш асносида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. "Хамса" вазнларидан ҳазажи ахраб ва хафифи махбун вазнлари ритмик вариацияларга эга бўлиб, ушбу вазнлар Алишер Навоийгача бўлган туркий эпик поэзияда қўлланилмаган эди. Навоий мазкур шеърий ўлчовларнинг ритмик вариацияларга эга бўлиш билан боғлиқ хусусиятларидан самарали фойдаланди ва бу вариацияларни достонлар мазмуни, қаҳрамонлар руҳияти ва кечинмаларига боғлиқ ҳолатларда қўллади. Хусусан, шоир "Сабъаи сайёр" достонида Баҳромнинг Дилором билан айрилиқдан кейинги ҳолати тасвирланган 1-ҳикоятда асосан хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ (рукнлари ва тақтиъи: – *V* – – *V* – *V* – – –) ритмик вариациясини қўллаган бўлса, 7-ҳикоят сўнгида Баҳромнинг Дилором дарагини эшитган пайтидаги руҳий ҳолати баёнида нисбатан енгилроқ оҳанг касб этувчи хафифи мусаддаси солим махбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: – *V* – –*V* – *V* – *V* –) ритмик вариациясидан унумли фойдаланди. Шунингдек, "Лайли ва Мажнун" достонида қўлланилган ҳазажи ахраб вазнининг баъзи ўринларда ҳазажи ахрам билан алмашиниб қўлланилиши ҳам ўзига хос қонуниятга эга бўлиб, достон мазмуни ва ғояси билан чамбарчас боғлиқ. Достондаги 3622 байтдан 240 мисра ҳазажи ахрамда яратилган бўлиб, Навоий достондаги зиддиятли воқеалар, асар қаҳрамонларининг чуқур руҳий изтироблари баёни, табиат тасвири, "Аллоҳ" сўзи келтирилган мисралар, лирик чекиниш пайтида мазкур ритмик вариацияга мурожаат қилганлигини кўрамиз.

2. Мусулмон Шарқи эпик поэзияси, хусусан хамсачиликка мансуб достонлар учун икки мисрали банд – маснавий асос қилиб олинган. Маснавийдаги ҳар бир иккилик банднинг ўзаро мустақил қофияланиши ижодкор учун эркинлик берган, бу эркинлик "Хамса" сингари катта ҳажмдаги воқеабанд асарларни яратиш пайтида, айниқса, қўл келган. Маснавийдаги ҳар бир банднинг муайян рукнлардан таркиб топиши (асосан 6 рукн, фақат мутақорибда 8 та) ритмик мувозанатни таъминлашда муҳим ўрин тутган.

3. Ритмик зарб ритмнинг асосий бирлиги бўлиб, Навоий "Хамса"си достонларида у кўпинча радиф, қофия, лексик такрор билан боғлиқ тасвирий воситалар ва баъзан бадиий санъатлар шаклида намоён бўлади. Ритмик зарб бадиий асарда ифодаланаётган етакчи фикр ва асосий ғояга урғу қаратиш хусусияти билан ритм яратишда муҳим бирлик ҳисобланади. "Фарҳод ва Ширин" достонидан олинган "Хусрав ва Фарҳод мунозараси" акс этган матнда асосий ритмик зарб анафора тарзида намоён бўлган бўлса; такрир, таносуб, иштиқоқ ва радиф қўшимча ритмик зарбнинг вужудга келишида замин ҳозирлаган. "Лайли ва Мажнун" достонидаги Мажнуннинг Каъбани зиёрат қилишга борганлиги билан боғлиқ лавҳанинг ғоят таъсирчан чиқишида ҳам ритмик воситаларнинг аҳамияти катта бўлиб, улар аксарият ҳолларда ритмик зарб билан бирлик касб этган.

4. Алишер Навоий "Хамса"си достонлари орасида "Ҳайрат ул-аброр" достони радифнинг қўлланилиши бўйича етакчи ўринда туради. Бунга достоннинг фалсафий-таълимий мазмунга эгалиги, радифнинг вазифаси эса ижодкорнинг ғоявий ниятини китобхон қалбига чуқурроқ етказишдан иборатлиги асосий сабаб бўлса, радиф ўрнида келган сўзларнинг

кўпинча ёрдамчи феъл ва олмош вазифасида қўлланилганлиги ва мазкур сўз туркумларининг достондаги шеърий ўлчов : сариъ баҳрининг сўнгги рукни – *фоилун*га мос келиши ҳам муайян даражада таъсир кўрсатган.

УЧИНЧИ БОБ
РИТМИК УРҒУ ВА МАЗМУН МУНОСАБАТИ

РИТМИК УРҒУ – РИТМНИНГ МУҲИМ УНСУРИ СИФАТИДА

Адабиётшуносликда жаҳон шеъриятида қўлланиладиган барча шеърий тизимларни икки гуруҳга: квантитатив (бўғинларнинг қисқа-чўзиқлиги ва тартибига асосланадиган) ҳамда квалитатив (урғули ва урғусиз бўғинларнинг сони ва тартибига асосланадиган) га ажратиш анъана тусини олган. Шу таснифдан келиб чиқиб, аруз вазнини квантитатив шеър тузилишига киритиш одатий ҳол бўлиб қолган.

Лекин айрим тадқиқотларда арузда урғунинг ҳам муайян аҳамият касб этиши ҳақида баъзи мулоҳазалар баён қилинган. Хусусан, И.Стеблева, М.Бакиров, Х. Усмонов каби олимларнинг ишларида арузнинг урғу билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида фикр юритилди. Бу фикр сўнгги йилларда араб арузи бўйича тадқиқотлар олиб борган олим Э.Талабовнинг ишларида янада ривожлантирилди[1]. Олимнинг фикрича, аруз фақат квантитатив (чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг алмашиниб келишига асосланадиган) эмас, балки квалитатив (урғуга асосланадиган) тизим ҳамдир. “Арабий арузда бўғинларнинг миқдор муносабатлари билан бирга, урғуларнинг, яна ҳам тўғрироғи, урғули бўғинларнинг симметрияси мавжуд ва у ритм яратишда белгиловчидир”[2]. Айнан шу хулосани аруздан фойдаланувчи бошқа халқлар, хусусан форс-тожик ва туркий адабиёт вакиллари шеърияти ҳақида ҳам билдириш мумкин.

“Арузий матнда сўз урғуси (лексик урғу) билан ритм урғуси (просодик урғу) мутобиқ эмас – уларда ўзаро мослик йўқ. Аҳёнда учраб турадиган мутобиқлик соф тасодифдир. Байт таркибидаги сўз рукнлар тасарруфида ўз шакл ва урғу мустақиллигини батамом йўқотади, у мисрадаги қолип ва унинг просодик урғуси маромига бўйсундирилади – маҳв этилади”[3]. Дарҳақиқат, арузда битилган матнда сўз урғуси (лексик урғу) ва рукн урғуси орасида мутаносиблик йўқ, яъни сўз урғуси матндан ташқаридагина етакчилик қилади. Матн (байт) таркибида эса сўз урғуси тушунчасининг ўзи мавжуд эмас, чунки арузда рукн урғуси етакчидир. Байтда нечта рукн бўлса, шунча урғу бор. Аруздаги урғу фақат чўзиқ бўғин билан боғлиқ ва қисқа бўғин ҳеч қачон урғу олмайди. Лекин У.Тўйчиев урғули бўғин арузда чўзиқ бўғинга ўтади деган фикрга манфий муносабат билдиради. Олимнинг фикрича, қисқа бўғин ҳам урғу олиши мумкин. У. Тўйчиев ўз фикрининг асоси сифатида қуйидаги байтни келтиради:

“Лаънáт се|нгá сармоя́ |бý кýн етдú |башорáт !
– – V | V — – V | V – – V | V – –
Бирлашсá| жаҳóн ишчи| ларú бизгá| сáодáт
– – V| V – – V | V – – V| V – –

---

[1] Талабов Э. Араб арузи. – Тошкент: ТошДУ, 1977; Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими: Филол. фан. док. дисс. … автореф. – Тошкент, 2004

[2] Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими: Филол. фан. докт. дисс. … автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 28.

[3] Талабов Э. Кўрсатилган асар. – Б. 25.

1–мисрада 7, 2–мисрада 5 та сўз урғуси бор. Демак, аруз урғуга асосланувчи шеър тузилиши эмас, чунки унда мисралар ўз урғулари сони жиҳатидан тенг эмас, иккинчидан –се, –нга, –я, –бу; –са, –га, –ри очиқ бўғинлари урғули, аммо қисқа бўғин вазифасини бажаради”[1].

Фикримизча, бундай тарзда таҳлил қилинса, арузда яратилган шеърнинг оддий нутқдан фарқи қолмайди ва ҳар бир вазннинг ўзигагина хос бўлган ритмик оҳанг ҳам чиқмайди. Бизнингча, мазкур байтда урғулар ўрни қуйидаги ҳолат касб этиши керак эди:

Лаъна́т се|нга сарма́я |бу кун е́тди |башора́т

– –́ V | V – –́ V | V – –́ V| V – –́

Бирла́шса | жаҳон и́шчи| лари би́зга| саода́т.

– –́ V | V – –́ V | V – –́ V| V – –́

Юқорида айтганимиздек, арузий матнда нечта рукн бўлса, шунча урғу бор. Келтирилган байт 8 рукнли бўлганлиги учун, унда урғулар сони 8 та ва улар мисраларда муайян бир мутаносибликни вужудга келтиряпти. Тажриба шуни кўрсатадики, арузий матнда урғу қисқа бўғиндан олдин келган чўзиқ бўғинга тушади, аниқроғи, қисқа бўғиннинг чап томонига жойлашади, чунки қисқа бўғиндан аввал келаётган бўғин бошқаларига нисбатан чўзиқроқ талаффуз қилинади.

Фитрат урғули очиқ бўғин чўзиқ бўлади деб таъкидлайди ва, бизнингча, жуда тўғри фикрни айтади[2].

И.В.Стеблева “Қутадғу билиг” вазни ва Ўрхун–Энасой ёдгорликларидаги мисралар ўлчовини солиштириш жараёнида Юсуф Хос Ҳожиб достонидаги шеърий ўлчов – мутақориб баҳрида урғулар қуйидаги ўринларда келишини таъкидлайди:

V – –́ |V – –́ | V – –́| V –́ [3]

Маълумки, “Қутадғу билиг” достонида қўлланилган мутақориб баҳри асли форс-тожик адабиёти, аниқроғи Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достонидан олинган эди. “Шоҳнома” достони мавзусига кўра жангнома достон ҳисобланиб, унда жанглар тасвири салмоқли ўринни эгаллайди. Достон учун танланган шеърий ўлчов мазкур мавзуга ҳар томонлама мос бўлиб, рукнларнинг 3 бўғиндан таркиб топиши, бандларнинг эпик поэзиядаги бошқа шеърий ўлчовлардан фарқли ўлароқ мусаддас эмас, балки мусамман рукнлардан иборатлилиги ва юқорида келтирилганидек, энг кўп рукн урғусига эгалилик (бир байтда 8 та) ритмнинг шиддатли оҳанг касб этишига олиб келади, бу ҳолат эса мутақорибнинг жангнома ва қаҳрамонлик йўналишидаги достонлар вазнига айланишига сабаб бўлди. “Аруз “жангнома”ларга махсус ишланган тайёр вазн “мутақориби мусаммани мақсур” вазнидир. Форс адабиётида Рудаки(й)”да бошланиб, Унсури(й), Фирдавси(й), Низоми(й) каби бир кўб

[1] Қаранг: Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 214.
[2] Fitrat. Aruz haqida. – Taskent: Fanlar komiteti nasriyati, 1936. – B. 3.
[3] Стеблева И.В. О проникновении арабо-персидских метров в тюркоязычную поэзию // Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока. – М. : Наука, 1964. – С. 301.

шоирлар жангномаларни шу вазнда ёздилар. Бизнинг адабиётда ҳам, масалан Навоийнинг “Искандарнома”сида бу вазн уруш майдонларига муносиб бир оҳанг берадир”[1].

Алишер Навоий “Садди Искандарий”сидан олинган бир байтни рукн урғуси асосида кўриб чиқсак:

Бу янг–ли́ғ | си–паҳ би́р| ла–ҳо–қо́ | ни Чи́н
Фаувлу́н фаувлу́нфаувлу́нфаа́л

Си–паҳ йўқ | ки о–шу́ | би рў–йи́ | за–ми́н
Фаувлу́н фаувлу́нфаувлу́нфаа́л

Энди айнан шу байтни лексик урғу асосида кўриб чиқамиз:

Бу́ янгли́ғ сипа́ҳ бирла́ ҳоқони́ Чи́н
Сипа́ҳ йўққи́, ошуби́ рўйи́ зами́н.

Қиёсланг:

Рукн урғусини олган бўғинлар:

1–мисрада: 369 11
2–мисрада: 369 11

Лексик урғули бўғинлар:

1–мисрада: 135710 11
2–мисрада:247911[2]

Юқоридагилардан маълум бўляптики, лексик урғу асосида таҳлил қилинган матнда рукн урғуси асосидаги матндан фарқли равишда бўғинлар орасида ўзаро симметрия йўқ ва улар тартибсиз жойлашган, шу маънода арузий матнда рукн урғуси етакчи деган фикр ўз тасдиғини топяпти. Урғулар миқдорининг тенглиги ва муайян тартибга эга бўлиши эса ўзига хос ритмнинг вужудга келишини таъминлаяптики, бу ритм жангномалар табиатини очишга хизмат қилади.

Бобур “Мухтасар” асарида муталаввун санъати (бир байтни бир неча вазнда ўқиш) ҳақида гапириб, ўзининг

Қошиға борғали кўнгул ўзига келмади нетай,
Юзини кўргали кўзум кўзига илмади ул ой

байтини келтиради ва ушбу байтни аруз тизимидаги барча баҳрларга мослаб ўқиш мумкинлигини айтади[3].

[1] Фитрат А. Муҳаммад Солиҳ. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000. Т.2. – Б. 80-81.
[2] Биз бу ўринда олим Э.Талабов қўллаган қиёслаш усулидан фойдаландик (қаранг: Талабов Э. Кўрсатилган асар. – Б. 27.)
3 Бобир. Мухтасар. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 44.

Бизнингча, муталаввун айнан урғу билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, байт таркибидаги бўғинлар рукн урғуси асосида ўқилсагина, бир неча вазн ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади. Масалан, юқоридаги байтни ражаз баҳрининг ражази мусаммани матвийи махбун вазнига мослаб ўқисак, урғу қуйидаги бўғинларга тушади:

Қо́шиға бор | ғалӣ́ кўнгул | ўзига кел | мадӣ́ нетай
Ю́зини кўр | галӣ́ кўзум | кўзига ил | мадӣ́ ул ой
Му́фтаилун мафо́илунму́фтаилун мафо́илун

Энди яна шу байтни рамал баҳрининг рамали мусаммани махбун вазнига мослаб ўқиб кўрамиз:

Қошиға бо́р | ғали кўнгу́л |ўзига ке́л | мади нета́й
Юзини кўр | гали кўзу́м | кўзига и́л | мади ул о́й

Фаилоту́нфаилоту́н фаилоту́н фаилоту́н

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъу-с-санойиъ” асарида бу ҳодиса талаввун деб номланиб, унинг зулбаҳрайн (байтни 2 хил баҳрда ўқиш) ва зулбуҳур (байтни бир неча баҳрлар доирасида ўқиш) каби турлари келтирилади. Хусусан, олим зулбуҳур ҳақида маълумот бериб,

Рух-и ту лола-йи аҳмар, хат-и ту сунбули райҳон,
Тан-и ту ғайрат-и гулҳо, қад-и ту равнақ-и бўстон

байтини келтиради ва уни уч баҳр доирасига солиш учун уч хил тарзда ўқиш зарурлигини таъкидлайди: “Агар бу байтни ғоятта енгил ўқисалар, рамал-и махбун-и мусаббағ баҳридин икки қатла фаъилотун фаъилотун фаъилотун фаъилийён вазнида бўлур. Агар ғоятта оғир ўқисалар, ҳазаж-и мусаббағ баҳридин икки қатла мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун вазни бўлур. Агар ўртача, на ғоятта енгилу ва на ғоятта оғир ўқисалар, мужтасс-и махбун-и мусаббағ баҳридин икки қатла мафоъийлун фаъилотун мафоъийлун фаъилийён вазнида бўлур”[1].

Ушбу парчада ғоятда енгил ўқиш дейилганда биринчи рукнни икки қисқа бўғин билан бошлаш (қисқа бўғин урғусиз ўқилади), ғоятда оғир ўқиш дейилганда, фақат биринчи бўғин қисқа, қолганлари чўзиқ ҳамда ўртача ўқиш дейилганда биринчи ва учинчи рукнинг иккинчи бўғинини, иккинчи ва тўртинчи рукннинг тўртинчи бўғинини урғули ўқиш назарда тутилган. Айнан шу тарзда ўқилсагина, уч хил баҳр ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Юқоридагилардан кўриняптики, бир байт турли баҳрлар доирасида ўқиб кўрилганда, урғунинг ўрни ўзгаряпти. “Баҳр тизимида бирор ўринда бўғинларнинг янги муносабати юзага келса, у урғуга ҳам таъсир ўтказиши мумкин: урғу кўчади, ритм ўзгаради. Ва аксинча, урғу кўчирилса, бўғинларда янгича муносабат пайдо бўлади... янги тармоқ, янги баҳр яратилади”[2].

---

[1] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 87.

[2] Қаранг: Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими: Филол. фан. док. дисс. ... автореф. – Т., 2004. – Б. 27.

Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” асарида маълумот берилишича, Аҳмад Маншурий Самарқандийнинг “Канз ул-ғаройиб” (“Ажойиботлар хазинаси”) асаридаги ҳар бир байтни 3 вазнда ўқиш мумкин бўлган[1]. Шунингдек, форс-тожик классиклари Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Сайидо Насафий, Абдураҳмон Жомийларнинг баъзи ғазаллари икки баҳр доирасида ёзилган[2].

Муталаввун ҳодисаси эпик поэзия учун ҳам хос бўлиб, У. Тоировнинг маълумот беришича, Котибий Туршизийнинг “Мажмаъ ул-баҳрайн” ва Амъақ Бухорийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достонларини бошдан охирига қадар икки баҳрда: рамали мусаддаси маҳзуф ва сариъи мусаддаси матвийи макшуф вазнларида ўқиш мумкин бўлган, ҳатто мазкур достонларнинг баъзи байтлари 3-4 вазнга ҳам солиб ўқилган[3].

Юқоридагилардан маълум бўляптики, аруз вазни урғу билан боғлиқ тизим бўлиб, унда сўз урғуси эмас, рукн урғуси етакчилик қилади ва бундай урғу ритм яратишга хизмат қилганлиги учун уни ритмик урғу деб аташ мумкин. Мумтоз арузшуносликда гарчи урғу алоҳида ҳодиса сифатида таъкидланмаган бўлса ҳам, муталлаввун ҳодисасининг арузга доир манбаларда қайд этилиши ритмик урғунинг арузшунослик тарихида муайян ўринга эга эканлигини ва мумтоз арузшуносларимизнинг арузни урғу билан боғлиқ ҳолда талқин қилганликларини кўрсатади.

НАВОИЙ “ХАМСА”СИДА УРҒУ ВА МАЗМУН МУШТАРАКЛИГИ

“Хамса” достонлари, юқорида айтилганидек, 5 та шеърий ўлчов доирасида ёзилади. Бу вазнларда урғунинг ўрнига эътибор қаратиладиган бўлса, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

№	**Вазнлар номи, тақтиъи ва уларда урғунинг жойлашиш ўрни**
1.	Сариъи мусаддаси матвийи макшуф Мýфтаилун мýфтаилунфóилун –́ V V – –́ V V – –́ V –
2.	Ҳазажи мусаддаси маҳзуф Мафоийлýн мафоийлýн фаувлýн V – – –́ V – – –́ V – —́

[1] Қаранг: Рашидаддини Ватвот. Ҳадоиқ ус-сеҳр фи дақоиқ аш-шеър. – Душанбе: Ирфон, 1987. – С. 105
[2] Қаранг: Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 285-286.
[3] У.Тўйчиев Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”ини ҳам достоннинг асосий шеърий ўлчови – сариъи мусаддаси матвийи макшуф вазнидан ташқари, рамали мусаддаси маҳзуф вазнига солиб ўқиш ҳам мумкин деб ҳисоблайди. (Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 127.) Дарҳақиқат, достондаги айрим ўринлар, хусусан
Мастлиқ уйқуси чу айлаб ҳужум,
Борча ўлукдек ўтиб ул хайли шум...
Очибон элга ситам аббобини
Қилғали пайдо тараб асбобини байтлари рамали мусаддаси маҳзуф вазнига ҳам мос келади.

3.	Ҳазажи мусаддаси ахраб Мафъу́лу мафо́илун фаувлу́н – –́V V–́ V– V– –́
4.	Хафифи мусаддаси махбун Фо́илотунмафо́илунфаилу́н –́V– – V–́ V– VV–́
5.	Мутақориби мусаммани маҳзуф Фаувлу́н фаувлу́нфаувлу́нфаа́л V – –́ V – –́V – –́ V –́

Арузий матнда урғунинг ўрни ниҳоятда муҳим. Навоий достонлари, ва умуман, арузда яратилган бадиий асарлардаги урғуга эътибор қаратмаслик оқибатида хатога йўл қўйилиши ва натижада достонлар ритмига путур етиши мумкин.

Аслида беш хил шеърий ўлчовда яратилган “Хамса” достонлари ритмини бир-биридан фарқлаш учун ҳам дастлаб улардаги урғулар ўрнига диққатни қаратиш керак бўлади.

Биз Алишер Навоий “Хамса”сининг ҳар бир достонида мавжуд бўлган “Муножот”лардаги урғуни таҳлил қилиш орқали достонларнинг ритм хусусиятларига диққатни қаратмоқчимиз[1].

Дастлаб “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги “Муножот”дан олинган парчани кўриб чиқсак:

Э́й санга маб | да́ъда абад | де́к азал
–́ V V – | –́ V V – | –́ V –
Зо́ти қади|ми́нг абадий |ла́мъазал.
–́ V V –|–́ V V – |–́ V –

Не́ бўлуб ав | ва́лда бидо | я́т санга,
–́ V V –|–́ V V – | –́ V –
Не́ келиб о |хи́рда ниҳо |я́т санга.
–́ V V –|–́ V V – |–́ V –

А́ввал ўзунг, | о́хиру мо |ба́йн ўзунг,
–́ V V – |–́ V V –| –́ V –
Бо́рчаға хо|ли́қ, бориға | а́йн ўзунг...
–́ V V ––́ V V – –́ V –

Кўриняптики, ушбу шеърий ўлчовда урғу ҳар бир рукннинг биринчи чўзиқ бўғинига тушяпти. Урғунинг рукнлардаги бундай таносуби ва қисқа бўғинларнинг кетма-кет қўлланилиши енгил ва ўйноқи ритмнинг вужудга келишини таъминлаяпти.

[1] Биз бу ўринда достонларнинг умумий ритми ҳақида тасаввур ҳосил қилиниши ва барча достонларда мавжуд бўлганлиги учун айнан “Муножот”ларни танладик.

Энди “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган “Муножот”ни кўриб чиқамиз:

Илоҳий а́н | даким йўқ э́р|ди будӯ́м,
V – – –́| V – – –́|V – –́
Адам уйқӯ́ | сида эрдӣ́| вужудӯ́м.
V – – –́|V – – –́ | V – –́

Не руҳум гӯ́л |шанидин да́р| д пайдо́
V – – –́|V – – –́| V – –́
Не жисмим тӯ́ф|роғидин га́р|д пайдо́.
V – – –́ |V – – –́ |V – –́

Вужудумда́|аносир ба́н|д топма́й,
V – – –́ |V – – –́ |V – –́
Таним ичра́|сӯ́нгак пайва́н|д топма́й...
V – – –́ V – – –́ V – –́

Келтирилган тақтиъдан маълум бўляптики, мазкур шеърий ўлчовда урғу ҳар бир руknнинг охирги чўзиқ бўғинига тушар экан. Урғунинг бундай жойлашиши ва чўзиқ бўғинлар миқдорининг қисқа бўғинлардан уч баравар кўплиги (ҳар бир қисқа бўғинга учта чўзиқ бўғин тўғри келаяпти) салобатли ва вазмин ритмнинг вужудга келишини таъминлаяпти.

“Лайли ва Мажнун” достонидаги урғулар ўрнига назар ташласак:

Поко́ си | фати́нгда аҳ |ли идро́к,
– –́ V | V –́ V – |V – –́
Сӯ́з сӯ́рма|ди ға́йри “мо|арафно́к”.
– –́ V| V –́ V – |V – –́

Ҳар на́въ |ки а́йласам |хитоби́нг,
– –́ V|V –́ V – |V – –́
Юз о́нча |бийи́кдурур | жавоби́нг,
– –́ V |V –́ V – |V – –́

Улки́м, “а |на а́фсаҳ” эт|ти даъво́,
– –́ V |V –́ V – |V – –́
Фош э́тти |бу да́въи ич |ра маъно́.
– –́ V|V –́ V – |V – –́

Ушбу тақтиъда яна бошқачароқ ҳолатнинг гувоҳи бўляпмиз: урғу ҳар бир рукнда турлича ўрин олган. Хусусан, биринчи рукнда иккинчи чўзиқ бўғин, иккинчи рукнда биринчи чўзиқ бўғин ва учинчи рукнда сўнгги бўғин урғули эканлигини кўриш мумкин. Мисраларнинг иккита чўзиқ бўғин билан бошланиши ва бунда иккинчи чўзиқ бўғиннинг урғу олиши ҳазин ва дардли оҳангни вужудга келтиряпти ва бу ҳолат Навоий томонидан “Фироқнома” деб аталган достон моҳиятига мос келяпти.

“Сабъаи сайёр” достонидан олинган “Муножот” ритмини кўриб чиқсак:

Э́й худован|дла́р худо|ва́нди,
–́ V – –|V –́ V – |–́ –
Йўқ худолиқ|да ки́мса| мо́нанди.
–́ V – – |V –́ V – | –́ –

Азамат бо́ | бида́ гумон |дин улу́қ,
V V – –́| V –́ V – |V V –́
Не́ким андин| улу́қ, йўқ ан|дин улу́қ.
–́ V – – |V –́ V – |V V –́

Жабарутӯ́нг| ҳаво́сида |ху́ршед,
V V – –́| V –́ V –|–́ –
За́ррадек бўл|майи́н назар|да пади́д...
–́ V – – |V –́ V –| V V –́

Эътибор қаратиладиган бўлса, келтирилган парчада мисралардаги чўзиқ ва қисқа бўғинлар сонида ҳам, урғулар ўрнида ҳам ҳар хиллик борлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат достонда қўлланилган шеърий ўлчов табиатига мос бўлиб, ишимизнинг 2-бобида таъкидлаганимиздек, хафифи махбун вазни ритмик вариацияларга эга бўлган шеърий ўлчов ҳисобланади ва бу ритмик вариациялар достон ичида ўзаро ўрин алмашиниб қўлланаверади. Рукнлар таркибининг бундай ўзгариши эса урғулар ўрнининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Мазкур шеърий ўлчовнинг бу хусусияти ишқий-саргузашт мавзусидаги достонлар учун жуда қулайдир. Ритмик вариацияларга эга бўлган шеърий ўлчовлардаги урғу ҳақида қуйироқда батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

“Хамса”нинг сўнгги достони бўлмиш “Садди Искандарий”дан олинган парчани кўриб чиқсак:

Лакал–ҳа́м|д, ё а́к |рамал–а́к|рами́н,
V – –́|V – –́ |V – –́| V –́
Карам а́ҳ|лин этга́н| гадойи́| ками́н.
V – –́|V – –́|V – –́ | V –́

Карим ӯ́л|са ола́м|да ҳар на́в|ъ шо́ҳ,
V – –́|V – –́ |V – –́ |V –́
Анга се́н |карам қи́л|динг, ул да́с |тго́ҳ.
V – –́|V – –́ |V – –́|V –́

Карамди́н| киши қа́й|да сочқа́й | дира́м,
V – –́|V – –́ |V – –́|V –́
Дирам се́н| анга қи́л|моғунча́|кара́м.
V – –́|V – –́|V – –́| V –́

Агар эътибор қаратилса, мазкур шеърий ўлчовда рукнларнинг 3 бўғиндан таркиб топганлиги, бандларнинг ҳам юқорида келтирилган парчалардан фарқли равишда мусаддас

эмас, балки мусамман рукнлардан иборат эканлиги ва шунга мос ҳолда урғулар сони ҳам 8 та эканлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат жангномаларга хос шиддатли ритмни келтириб чиқаряптики, биз бу ҳақда юқорида ҳам фикр юритиб ўтган эдик.

Биз келтирган жадвал хамсачиликдаги вазнларда урғунинг ўрнини умумий ҳолатда белгилайди. Лекин асар матни билан боғлиқ ҳолатларда, хусусан, ритмик вариацияларга эга бўлган вазнлар ҳақида сўз юритилганда, табиийки, урғу ўрни ўзгариши мумкин. Ритмик вариациялар асар матни билан муносабатга киришади ва шундай ҳолларда урғунинг ўрни ҳам ўзгаради ва ритмнинг янги-янги кўринишлари вужудга келади. Ушбу қонуниятдан келиб чиққан ҳолда ритмик вариацияга эга бўлган вазнлар учун урғу ўрнини ҳар бир вариация билан боғлиқ ҳолатда кўриб чиқишни лозим топдик.

Дастлаб хафифи махбун вазнига хос ритмик вариациялардаги урғулар ўрнини кўриб чиқамиз:

№	**Ритмик вариация номи**	**Рукнлари ва тақтиъи**
1.	Хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф	Фо́илотун мафо́илун фаилу́н ⏑́ V – – |V ⏑́ V – | V V ⏑́
2.	Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ	Фо́илотун мафо́илун фаълу́н ⏑́ V – – | V ⏑́ V – | – ⏑́
3.	Хафифи мусаддаси солими махбуни мақсур	Фо́илотун мафо́илун фаило́н ⏑́ V – – | V ⏑́V – | V V ⏑̃
4.	Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъи мусаббағ	Фо́илотун мафо́илун фа́ълон ⏑́ V – – |V ⏑́ V –| ⏑́ ⏑̃
5.	Хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф	Фаилоту́н мафо́илун фаилу́н V V – ⏑́ | V ⏑́V –|V V ⏑́
6.	Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ	Фаилоту́н мафо́илун фа́ълун V V – ⏑́ |V ⏑́ V –|⏑́ –
7.	Хафифи мусаддаси махбуни мақсур	Фаилоту́н мафо́илун фаило́н V V – ⏑́ |V ⏑́V– | V V ⏑̃
8.	Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ	Фаилоту́н мафо́илун фа́ълон V V – ⏑́ |V ⏑́V – | ⏑́ ⏑̃

Маълумки, ушбу шеърий ўлчовда Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони яратилган. Достондан олинган айрим байтларга эътибор қаратсак:

Икки қаттиқ ҳадис эшитди ажаб
Ихтиёрин иликдин олди ғазаб.

Ушбу байтда Баҳромнинг ов пайтида Дилоромдан кийикни отгани учун мақтов эмас, балки “машқ натижаси” деган баҳони эшитган вақтидаги ҳолати тасвирланган. Байтнинг ҳар иккала мисраси юқорида келтирилган жадвалдаги биринчи тақтиъга мос келади, яъни:

Йк–ки қат–тиқ | ҳа–дúс э–шит | ди а–жáб
– V – – V – V – V V –
Йх–ти–ё–рин | и–лúк–дин ол | ди ғá–заб.
– V – –V – V –V V –

Эътибор қаратилса, байтларнинг сўнгги рукни икки қисқа, бир чўзиқ бўғиндан иборат бўлиб, сўнгги рукн урғуси мисранинг охирги бўғинига тушяпти.

Кейинги байтлардан Баҳромнинг ғазаби янада ортиб боради ва вазн жадвалдаги иккинчи тақтиъ билан алмашади:

Шóҳ–ким қаҳ| ри ўл–са мус| тáв–ли
– V – –|V – V – |– –

Ўл ди–ёр ич | ра бўл–ма–моқ| áв–ли.
– V – – | V – V – |– –

Сáл–та–нат ғай| ра–тú чу зўр| э́т–ти
– V – – | V – V – |– –

Лу́т–фу эҳ–сон | кў–зú–ни кўр| э́т–ти.
– V – –|V – V –|– –

Йс–та–ди қат| л áй–ла–мак | ó–ни
– V – – |V – V – | – –

Кéс–мак о–зо|д сáр–ви раъ| нó–ни.
–V – – |V – V– | – –

Агар эътибор қаратилса, юқоридаги уч байтда охирги рукн икки чўзиқ бўғин – *фаълун*-дан иборат ва урғунинг ўрни ҳам ўзгарган – урғу мисранинг сўнгги бўғинига эмас, балки охиридан битта олдинги бўғинга тушяпти. Қиёсланг:

Икки қаттиқ ҳадис эши |ти ажáб.
V V –
Ихтиёрин иликдин ол |ди ғазáб.
V V –
Истади қатл айламак |óни
| – –
Кесмак озод сарви раъ |нóни.
| – –

Байтлар шу тариқа юқоридаги икки вазннинг ўзаро алмашиниб такрорланиши асосида давом этади. Ниҳоят Баҳром тонгга яқин ғазаб ва май таъсиридан холи бўлгач, ёнида Дилороми йўқлигини кўрди ва шошилинч тарзда уни изламоқчи бўлди. Агар ёри тирик бўлса, унинг фидоси бўлмоқни, агар ўлган бўлса, ўзига тиғ урмоқни истади. Бу тасвир достонда қуйидаги байтлар воситасида берилган:

“... Тирик ўлса, бўлай фидоси анинг,
Берибон жон топай ризоси анинг.

Ўлган ўлса, ўзимга тиғ урайин,
Диятиға ўзумни ўлтурайин”.

Мазкур байтлар таҳлил қилинса, жадвалдаги 5-тақтиъга мос эканлигини кўриш мумкин, яъни биринчи ва учинчи рукнлар қисқа бўғин (*фаилотун* ва *фаилун*) билан бошланяпти. Биринчи байтни кўриб чиқамиз:

Ти–рик ўл–са́| бў–ла́й фи–до|си а–ни́нг,
V V– – |V – V –|V V –
Бе–ри–бон жо́н| то–па́й ри–зо|си а–ни́нг.
V V – –|V – V – |V V –

Тожу тахт номуси Баҳромнинг бу ниятини амалга оширишга йўл қўймагач, жони икки бало ўртасида, ўзи эса икки аждарҳо орасида қолган чумолига ўхшаб қолдики, уни кўрган одам тирик ёки ўликлигини ажрата олмас эди. Мазкур тасвир баёнида вазн яна ўзгариб, жадвалдаги иккинчи тақтиъга мос шеърий ўлчовга қайтилади:

Қўймади то|жу тахт но|муси,
–́ V – – | V –́ V – | – –́
Айламакка |ўлук замин | бўси...
–́ V – – | V –́ V – | – –́

Жони икки |бало аро |синда,
–́ V – – | V –́ V – | – –́
Мўр ики аж| даҳо аро|синда.
–́ V – – | V –́ V – | – –́

Не ўлук эр |ди, не тирик |сони,
–́ V – – | V –́ V – | – –́
Бўлмас эрди| тирик демак | они.
–́ V – – | V –́ V – | – –́

Кўриняптики, Баҳром руҳиятидаги аҳволнинг ўзгариши ритмга ҳам таъсир қилмай қолмаяпти, хусусан, Баҳромнинг ғазабга минган ҳолати баёнида чўзиқ бўғинлар билан бошланувчи *фоилотун* ва *фаълун* рукнлари, ҳаракат тезлашган ва нисбатан енгилроқ ҳолатлар тасвирида икки қисқа бўғин билан бошланувчи *фаилотун* ва *фаилун* рукнларидан фойдаланилмоқда ва бунда урғулар ўрнида ҳам муайян ўзгариш вужудга келмоқдаки, бу ҳолат вазн, урғу ва мазмун ўзаро муносабатда деган фикрни яна бир бор исботлайди.

Энди ҳазажи ахраб вазнидаги урғулар ўрнини кўриб чиқамиз:

№	Ритмик вариация номи	Рукнлари ва тақтиъи

1.	Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф	Мафъулу мафоилунфаувлун – ⏑ V|V ⏑ V – |V – ⏑
2.	Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф	Мафъулун фоилунфаувлун – – ⏑ |⏑ V –| V – ⏑

Лайлининг Мажнун билан боғдаги биринчи суҳбатидан олинган байт тақтиъи ва урғулар ўрнини кўриб чиқсак:

К-эй турфа / йигит не ҳо /латинг бор,
– –V V – V –V – –
Не навъ/ғаму мало / латинг бор?
– – VV – V – V – –

Энди Лайлининг Мажнун ота-онаси ўлимини эшитгандан кейинги сўзлари ифодаланган байт тақтиъи ва урғулар ўрнига диққат қаратамиз:

Ким: Эй каж / рав сипеҳ / ри худрой,
–– – –V – V – –
Зулмунгдин /войу юз / туман вой.
–– –– V – V ––

Кўриняптики, иккинчи байтнинг мазмуни аввалгисидан кўра анча изтироблироқ ва бунда чўзиқ бўғинлар сонининг кўплигини (қисқа бўғинлар бир мисрада иккита, холос) кузатиш мумкин, шунингдек, биринчи байт билан иккинчи байтда урғулар ўрни ҳам ўзгарган. Бу ҳолат жадвалда ифодаланган иккинчи ритмик вариациянинг, асосан, маҳзун туйғулар ифодаси учун қулай эканлигини кўрсатади.

"Лайли ва Мажнун" достонининг бош қаҳрамонлар ўлими тасвири берилган 35-бобида ҳам ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф ритмик вариациясининг кўп қўлланилганлигини кўрамиз. Мазкур боб достоннинг энг таъсирли бобларидан бири бўлиб, маҳзун туйғулар ифодаси ритм билан ҳамоҳанглик касб этган. Лайлининг ўлими баёни берилган байтларни кузатсак:

Яъни "чун / ишқ айир / са жондин,
– –– – V –V – –
Чиққунгдур /сурхрў /жаҳондин"...
–– –– V – V – –

Жонин Маж / нун сўзи /да берди,
– – – – V – V – –
Ҳаргиз Лай/ли дегил /йўқ эрди...
– – –– V – V – –

Тирноғла / рин чу юз / га қўйди,
– – – – V –V – –

Тирноғ, тир/ ноғча ер/ лар ўйди.
– – – – V – V – –

Маълум бўляптики, Навоий изтиробли туйғулар баёнида учта чўзиқ бўғин билан бошланувчи ритмик вариацияга мурожаат қиляпти, мисраларда урғули бўғинларнинг ёнма-ён қўлланиши эса ҳазин ритмнинг вужудга келишини таъминлаяпти ва буларнинг барчаси ритмик вариация, урғу ва мазмун ўзаро бир-бирини тақозо этувчи поэтик унсурлар эканлигини кўрсатяпти.

Тилшуносларнинг кўрсатишича, 3 ва ундан ортиқ бўғинли сўзларда кўпинча асосий урғу билан бирга қўшимча урғу ҳам мавжуд бўлади ва бундай урғу, асосан, чўзиқ унли билан тугаган очиқ бўғинга тушади. "Ёрдамчи урғу олган бўғинни талаффуз қилишда нафас кучи (ҳавонинг кучи) асосий (бош) урғу олган бўғиндан кам бўлади, бироқ у урғусиз бўғинларга қараганда ортиқроқдир"[1]. Юқорида айтганимиздек, аруз рукнларга асосланган система бўлганлиги учун бундай урғуни белгилашда сўз таркибидаги бўғинларга эмас, балки рукнни ташкил қилган чўзиқ очиқ бўғинларга эътибор қаратилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, туркий арузда қўлланилган баҳрлар орасида ҳар бир рукни таркибида 3 тагача чўзиқ бўғин мавжуд бўлган рамал, ҳазаж ва ражазда ёзилган матнларда кўпинча асосий урғудан ташқари қўшимча урғу ҳам мавжуд бўлади ва бундай урғу чўзиқ очиқ бўғинга тушади ҳамда асар ритмини ҳосил қилишда муҳим роль ўйнайди[2].

Қўшимча ритмик урғунинг арузий матндаги ўрни ҳақида шундай дейиш мумкин:

а) қўшимча урғу, асосан, чўзиқ унлили очиқ бўғинга тушади;

б) ритм яратишда очиқ чўзиқ бўғин ёпиқ чўзиқ бўғиндан кўра кўпроқ аҳамиятга эга;

в) бир вазнга оид шеърлар қўшимча урғу ҳисобига турлича ритм касб этиши мумкин ва бу ҳолат бир вазнда бир неча хил мазмундаги асарларни яратиш имкониятини олиб келади (бу фикр фақат қўшимча урғу олиш имкониятига эга бўлган вазнларгагина тегишли).

"Хамса" вазнлари орасида қўшимча урғулар олиш имкониятига эга бўлган вазн ҳазажи мусаддаси маҳзуф бўлиб, ушбу вазн қўлланилиш жиҳатдан эпик поэзияда етакчи ўринни эгаллайди. XIX асргача бўлган эпик поэзияда мазкур вазн, асосан, ишқий мавзудаги достонларда истифода этилди. Хоразмийнинг "Муҳаббатнома"си ва умуман барча номалар, Сайфи Саройининг "Суҳайл ва Гулдурсун", Қутбнинг "Хисрав ва Ширин", Ҳайдар Хоразмийнинг "Гул ва Наврўз", Саййид Қосимийнинг "Илоҳийнома" ва "Ҳақиқатнома" ҳамда Алишер

---

[1] Ш.Шоабдураҳмонов, М.Асқарова ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 69-70.

[2] Маълумки, туркий адабиётда рамал баҳрининг рамали мусаммани маҳзуф вазни (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун *–V– – –V– – –V– – –V–*) шоирлар ижодида қўлланилиш даражаси бўйича биринчи ўринда туради ва бу ҳақда арузшунос олимларимизнинг тадқиқотларида ҳам маълумотлар бериб ўтилган. Лекин кузатишларимиз натижасида шу нарса маълум бўлдики, шоира Увайсий шеъриятида рамал баҳри эмас, ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаммани солим (рукнлари ва тақтиъи: мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун *V– – – V– – – V– – – V– – –)* вазни етакчи ўринда турар экан. Биз бунга ушбу вазн оҳангининг маҳзун туйғуларни ифодалашга ниҳоятда қулайлиги, Увайсий шеърияти эса айнан мана шундай туйғулар асосига қурилганлиги, бунга эса у яшаган давр билан боғлиқ воқеалар етарлича таъсир кўрсатганлигини сабаб қилиб келтириб ўтганмиз (Қаранг. Увайсий шеъриятининг вазн хусусиятлари // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1996. – № 4. – Б. 40). Увайсийнинг мазкур вазнда ёзилган 3 та ғазали матлаъсидаги урғулар ўрнини кўриб чиқсак (бунда қўшимча урғули бўғинлар тагига чизилган ҳолда кўрсатилди):

Забо̲нингни́ | кетургил э́й | шакарлаб тў̄ | ти гуфто̲ра́
Нечукким ма́р| ҳамат бўлсу́н| неча̲ мендéк| дилафко́ра...

Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонларининг мазкур вазнда битилганлиги фикримизни исботлайди.

XIX асрдан бошлаб ушбу вазнда турли мавзудаги достонларни яратиш тамойили вужудга кела бошлади. Хусусан, диний-дидактик адабиёт вакили бўлган Холис Тошкандий қаламига мансуб 20 га яқин турли мавзудаги достонлар, каттақўрғонлик Очилдимурод Мирий достонлари, Нодир Узлатнинг Моҳларойим Нодирага бағишланган “Ҳафт гулшан” достони ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида яратилган эди.

Хўш, нега ушбу вазн эпик поэзияда бу қадар кенг қўлланилди? Бу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин: ушбу вазннинг кенг қўлланилишига сабаб унинг халқона оҳангга эга бўлиши билан бирга вазн таркибидаги рукнларнинг қўшимча урғулар олиш имкониятига эга эканлиги ҳамдир.

Юқорида айтганимиздек, мазкур вазнда Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони яратилган. Бу вазн достон охиригача бир хил тарзда такрорланиб боради ва табиийки, умумий ритмни вужудга келтиради. Лекин таъкидланганидек, ҳазажи маҳзуф вазни таркибидаги рукнлар қўшимча урғулар олиш имкониятига эга эканлиги ва бундай урғу асосан чўзиқ унли билан тугаган очиқ бўғинга тушишини назарда тутсак, достондаги ритмик оҳанг ана шу ҳолат ҳисобига бир оз ўзгариши ҳам мумкин. Бошқача айтганда, ижодкор чўзиқ бўғинларни қўллаш пайтида (қисқа бўғин урғу олмайди, шу сабабли бу ўринда фақат чўзиқ бўғинга таянилади) чўзиқ *о, у, е, и* унлилари билан тугаган очиқ бўғинлардан кўпроқ фойдаланса, бундаги ритмик оҳанг айнан шундай бўғинлар камроқ иштирок этган ва ёпиқ чўзиқ бўғинлар етакчилик қилган матн оҳангидан фарқ қилади. “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган 4 парчани қиёслаш учун келтирамиз. Дастлабки парчада Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” воқеасини ёзишга киришишдан аввалги ҳолати берилган:

Манга чун то|леи фархун|да кавкаб[1] *1*
Бу авж узра |бисот этти | мураттаб. 0

Малак аввал| пари бирла| супурди, 0
Фалак анжум| сиришкидин| сув урди,1

Бўлуб сақф ўр|нига авжи |муқарнас 0
Бисоти уз|ра ёйди чар|хи атлас. 1

Солиб мижмар|га тун уди| қаморий, 1
Ўти хуршед| ўлуб, анжум| шарори. 1

Бу нузҳатгаҳ| менинг оро|мгоҳим,2
Сипеҳр айлаб| жабини хо|кроҳим.1

Жами: 8 та

Ширинниng Фарҳодга ёзган мактубидин парча:

Мени зору| зафу по|шикаста 2
Бошимдин то| аёқ аъзо |шикаста. 0

[1] Қўшимча урғули бўғинлар тагига чизилган ҳолда кўрсатилди.

Фироқинг ти|ғидин юз по|ра жоним, 2
Не жоним, бал|ки жисми но|тавоним. 3

Куюб ҳажр ў|тидин жону |кўнгул ҳам,1
Не куймакким| бўлуб юз қат|ла кул ҳам0

Ичимга шуъ|лаи ишқинг |тутошиб, 2
Тутошиб де|маким, бошим|дин ошиб. 3

Ичимда бўл|са юз ўт о|шкоро, 1
Нафас дудин |урарға қай|да ёро. 1

Жами: 15 та

Фарҳоднинг Ширинга ёзган мактубидан парча:

Санга жонни| фидо қилмоқ |ҳавоси, 2
Не ҳаддимким| бўлай ул ит |фидоси? 1

Сенинг ҳолинг |сўрарға қай|да ёро, 2
Бас онинг ҳо|лин этсам о|шкоро.2

Буким мактуб |аро дурлар| қилиб дарж, 1
Латойиф нақ|ди кўп айлаб |эдинг харж. 1

Анинг узри|да ожиздур |баёним, 2
Ки ҳар ҳарфи|ға бўлсун сад|қа жоним.1

Деб эрдинг мен|да ҳам кўптур| ғаму дард, 1
Бу сўздин куйди| жони дард|парвард...1

Жами: 14 та

Навоийнинг достонни тугатгандан кейинги ҳолати:

Чу қолмай до|стондин нуқ|та боқий, 1
Тутуб соғар| тўла бер тур|фа соқий. 2

Лаболаб чун| етиб ул жо|м пайваст, 1
Дамодам сўз| демакда ул| бўлуб маст. 1

Вале бу до|стон қилғун|ча мастур, 0
Кўп айтиб сўз| бағоят бўл|ди махмур. 1

Кетур, соқий,| анга бир дўс|тгоний, 2
Ки тутқай дўс|тларга дўс|т они. 1

Манга тутқил|ки, сўзни кў|таҳ эттим, 0
Тинай бир лаҳ|за чун манзил|ға еттим. 0

Жами: 9 та.

Юқоридаги парчалардан кўриняптики, достоннинг кириш ва хулоса қисмида чўзиқ унли билан тугалланувчи очиқ бўғинлар сони деярли тенг (8 ва 9), бошқача айтганда, қўшимча урғу олган бўғинлар сони орасида катта тафовут йўқ. Фарҳод ва Ширинниng мактубларида ҳам қўшимча бўғинлар сонида ўзаро ўхшашлик борлигини кўриш мумкин. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин:

Достоннинг кириш қисмида тинч, сокин ҳолатда асарнинг ёзилиши билан боғлиқ фикрлар баён қилиняпти ва бунда қўшимча урғу олган бўғинлар ҳам у қадар кўп эмас, яъни 8 та. Ширинниng Фарҳодга ёзган мактуби ёки Фарҳоднинг Ширинга ёзган мактуби мазмунига эътибор қаратиладиган бўлса, уларда асосан изтиробли туйғулар баёнининг етакчилик қилганлигини кўришимиз мумкин. Энди қўшимча урғулар сонига диққат қаратсак, уларнинг аввалги парчадагидан кўра икки баравар кўплигини кўриш мумкин. Ва ниҳоят, достоннинг якунловчи сўнгги 5 байтига эътибор қаратилса, унда яна қўшимча бўғинлар сонининг камайгани кўзга ташланади. Демак, айтиш мумкинки, достондаги изтиробли ва ҳис-ҳаяжонли ҳолатлар баёнида қўшимча урғулар сонининг тинч, сокин ҳолатлар тасвири баёнидан кўра 2 баравар кўпроқ бўлиши кузатилар экан ва буларнинг барчаси арузий матнда ритмик урғу бадиий асар мазмуни билан ўзаро мутаносибликда деган хулосага олиб келади.

Учинчи бобда Навоий “Хамса”си достонларидаги ритмик урғуни тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Аруз урғуга асосланган шеърий тизим бўлиб, арузий матнда сўз урғуси эмас, балки рукн урғуси етакчилик қилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, байтда нечта рукн бўлса, шунча урғу ҳам бўлади ва бундай урғу ритм яратишга хизмат қилганлиги учун ритмик урғу деб юритилади.

2. Ритмик урғу фақат чўзиқ бўғинга тушади ва қисқа бўғин ҳар доим урғусиз бўғин ҳисобланади.

3. Аруздаги муталлаввун ҳодисаси урғу билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, урғуни эътиборга олмаслик мазкур ҳодисанинг ўз моҳиятини йўқотишига олиб келади. Хусусан, бир байтнинг бир неча вазнларда ўқилиш имконияти ўрни билан муайян бўғинларни чўзиқроқ, айримларини қисқа (урғусиз) талаффуз қилиш билан боғланганки, буларнинг барчаси аруznинг урғу билан боғлиқ тизим эканлигини кўрсатади.

4. Ритмик вариациялар ва урғу бир-бирини тақозо этувчи ритмик унсурлар бўлиб, ритмик вариациялар достонлар матни билан муносабатга киришганда урғуларнинг ўрни ҳам ўзгаради ва ритмнинг турли-туман товланишлари вужудга келади. Хусусан, “Сабъаи сайёр” достонида ритмик вариацияларнинг Баҳром руҳиятига мос ҳолда ўзгариши урғулар ўрнига ҳам муайян таъсирини кўрсатган бўлса, “Лайли ва Мажнун” достонида Лайлининг ўлими баёни берилган байтларда урғули бўғинларнинг ёнма-ён келиши, ҳатто бир сўзнинг икки рукнга бўлиниши оқибатида иккита урғуга ҳам эга бўлиши ва бунинг натижасида ҳазин ритмнинг вужудга келиши билан боғлиқ ҳодисани кузатамиз. Буларнинг барчаси ритмик вариация, урғу ва мазмун ўзаро уйғунликда деган хулосага олиб келади.

5. Навоий “Хамса”си достонлари орасида “Садди Искандарий” энг кўп ритмик урғуга эга бўлган достон бўлиб, бу ҳолат достондаги шеърий ўлчов – мутақориб баҳрининг 8 та рукндан иборатлилиги билан боғлиқдир. Бунда рукнлар сони ва ритмик урғунинг бошқа достонлардагидан кўплиги жангномаларга хос шиддатли оҳангнинг вужудга келишини таъминлайди.

6. Таркибида учтагача чўзиқ бўғин мавжуд бўлган рукнларда асосий урғудан ташқари, қўшимча урғу ҳам мавжуд бўлади ва бу ҳолат бир хил вазнда яратилган шеърий асарларнинг турлича ритм касб этишига олиб келади. Туркий поэзияда бундай рукнлардан таркиб топган баҳрлар рамал, ҳазаж ва ражаз бўлиб, ушбу баҳрларнинг мумтоз шеъриятимизда кенг истифода этилганлигининг сабабларидан бири ҳам шунда. Эпик поэзияда, хусусан, Алишер Навоий “Хамса”сида қўлланилган шеърий ўлчовлар орасида эса ҳазажи мусаддаси маҳзуф (*V* – – – *V* – – – *V* – –) вазни ана шундай вазнлардан бўлиб, Навоийгача ҳам, Навоийдан кейинги эпик поэзияда ҳам мазкур вазннинг қўлланилиш даражаси жиҳатдан биринчи ўринда турганлигини кўрамиз. Алишер Навоий мазкур вазннинг бундай имкониятидан самарали фойдаланиб, қўшимча ритмик урғунинг достон мазмунини очишга хизмат қилишини таъминлаган. Хусусан, достондаги Фарҳод ва Ширинниng мактублари келтирилган изтиробли ва ҳис–ҳаяжонли ҳолатлар баёнида қўшимча урғулар сонининг достондаги кириш ёки хулосаловчи қисмлар билан боғлиқ фикрлар акс этган тинч, сокин ҳолатлар тасвири баёнидан кўра икки баравар кўпроқ эканлиги кузатилади ва бу ҳолат ритмик урғунинг достон мазмуни билан ўзаро муштараклик ҳосил қилганлигини кўрсатади. Буларнинг барчаси аруз вазни квантитатив шеър тизими бўлиш билан бирга квалитативлик хусусиятига ҳам эга эканлигини исботлайди.

ХУЛОСА

Алишер Навоий “Хамса”си достонларидаги мазмун ва ритм муносабатини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

– Шеърий ритм бу бадиий асардаги бир-бирига мутаносиб бўлакларнинг маълум бир вақт ичида муайян ўлчов асосида такрорланиб келиши бўлиб, уни ҳосил қилувчи бош омил вазн ҳисобланади. Тадқиқ қилганимиз – эпик поэзия, хусусан, Алишер Навоий “Хамса”сида вазн ритмик вариациялар, банд, қофия, радиф, бадиий санъатлар ва урғу каби унсурлар билан бир бутунликда ритмик мувозанатни ҳосил қилади. Ушбу унсурларнинг ҳар бири ҳам ўзаро яхлитликда, ҳам алоҳида таҳлил қилиш жараёнида асар матни билан муносабатга киришади ва достонлар мазмунини очишга хизмат қилади;

– Алишер Навоий “Хамса”си Мусулмон Шарқи хамсачилигининг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Навоий Хусрав Деҳлавийнинг давомчиси сифатида хамсанависликнинг барча шартларига амал қилди, халафи Жомийдан фарқли равишда “Хамса”да аввалдан белгилаб қўйилган мавзу ва вазнларни сақлаб қолди. Деҳлавийдан кейин форс-тожик адабиётида Ҳожу Кирмоний, Навоийдан кейин туркий адабиётда Ҳамдуллоҳ Ҳамдийлар “Хамса” достонлари мавзулари ва шеърий ўлчовларини ўзгартирдилар. Навоий ўз “Хамса”си мисолида анъанавий шакл доирасида ҳам янги фикр айта олиш имкониятини, белгилаб берилган шаклларни жилвалантириш усуллари мавжудлигини кўрсатиб берди. Хусусан, “Хамса” достонлари учун аввалдан қатъий белгилаб қўйилган шеърий ўлчовларнинг вазн хусусиятларидан фойдаланиб, ўз ғоявий ниятини амалга оширди. Бу ҳолат шоирнинг хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазнларини қўллаши чоғида кузатилади. Мазкур вазнлар ритмик вариацияларга эга бўлиб, ушбу ритмик вариациялар достон таркибида ўзаро алмашиниб қўлланади ва асар матни билан муносабатга киришади. Жумладан, “Сабъаи сайёр” достонида қўлланилган хафифи махбун вазни 8 та ритмик вариациядан иборат бўлиб, бу ритмик вариациялар достон таркибидаги 7 та ҳикоят мазмунини ифодалашга хизмат қилган. Уларнинг достон воқеалари баёнида ўзаро алмашиниб қўлланилиши тасодифий бўлмай, достондаги воқеалар, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, бир ҳикоятдан бошқасига ўтиш пайтлари, сюжет чизиқларининг ўзгаришига кўп жиҳатдан боғлиқ . Хусусан, Баҳромнинг “ҳижрон ўтининг дуди қаро қилғон кун”даги ҳолати тасвирланган 1-ҳикоятда хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ (рукнлари ва тақтиъи: – *V* – – *V* – *V* – – –) ритмик вариациясининг етакчилик қилиши кузатилса, 7-ҳикоят сўнггида Баҳромнинг Дилоромнинг дарагини эшитган пайтидаги руҳий ҳолати баёни нисбатан енгилроқ оҳанг касб этувчи хафифи мусаддаси солим махбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: – *V* – – *V* – *V* – *V V* –) ритмик вариацияси ёрдамида амалга оширилган. Шунингдек, Баҳромнинг “Хамса” қаҳрамонлари орасида энг кўп қарама- қаршиликларга эга мураккаб шахс сифатидаги қиёфасини очиб беришда ҳам ритмик вариациялар муҳим ўрин эгаллайди.

“Лайли ва Мажнун” достонида қўлланилган ҳазажи ахраб вазнининг баъзи ўринларда ҳазажи ахрам билан алмашиниб қўлланилиши ҳам ўзига хос қонуниятга эга бўлиб, достон мазмуни ва ғояси билан чамбарчас боғлиқ. Достондаги 3622 байтдан 240 мисра ҳазажи ахрамда яратилган бўлиб, достондаги зиддиятли воқеалар, асар қаҳрамонларининг чуқур

руҳий изтироблари баёни, табиат тасвири, “Аллоҳ” сўзи қўлланилган мисралар, лирик чекиниш пайтида мазкур ритмик вариацияга мурожаат қилинганлигини кўрамиз;

– Алишер Навоий “Хамса”си хамсанависликнинг ажралмас бўлаги бўлиш билан бирга, ўзбек эпик поэзиясининг чўққиси ҳам ҳисобланади. Алишер Навоийгача туркий эпик поэзияда сариъ, ҳазажи маҳзуф ва мутақориб баҳрлари қўлланилган бўлиб, Навоий ўз достонларини яратишда улардан муайян даражада фойдаланган. Хусусан, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Юсуф Амирийнинг “Даҳнома” ва Ҳайдар Хоразмий достонларида қўлланилган шеърий ўлчовлар билан Навоий “Хамса”си достонлари вазни орасида ўзаро алоқадорлик мавжудлиги кузатилади. Шу маънода Алишер Навоий бешлигини хамсанависликка жавоб сифатида ҳам, туркий эпик поэзиянинг намунаси сифатида ҳам ўрганиш мумкин;

– ритмни вужудга келтиришда ритмик воситаларнинг ҳам ўрни катта бўлиб, улар аксарият ҳолларда ритмик зарб билан бирлик касб этади. “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган Хусрав ва Фарҳод мунозараси акс этган матнда анафора асосига қурилган ритмик зарб ҳамда такрир, таносуб, иштиқоқ санъатлари иштирокида вужудга келган қўшимча ритмик зарбнинг етакчилик қилиши Фарҳоднинг маънавий ғалабаси баёни билан уйғунлик ҳосил қилган бўлса, “Лайли ва Мажнун” достонидаги Мажнуннинг Каъбани зиёрат қилишга боргани билан боғлиқ лавҳанинг ғоят таъсирчан чиқишида қофия, ҳожиб, тарсеъ, аллитерация каби ритмик воситаларнинг кенг қўлланилганлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилган;

– ритм яратишда ритмик восита бўлган радифнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, Навоий “Хамса”си достонлари орасида “Ҳайрат ул-аброр” достони радифнинг қўлланилиш даражасига кўра биринчи ўринни эгаллайди. Радифнинг бадиий асардаги вазифаси ижодкорнинг ғоявий нияти ва мақсадини таъкидлаш ҳамда китобхонга чуқурроқ етказиб беришга хизмат қилишдан иборат бўлганлиги учун фалсафий-таълимий руҳдаги достон бўлмиш “Ҳайрат ул-аброр”да мазкур шеърий унсурнинг кенг қўлланилишини кузатиш мумкин. “Лайли ва Мажнун” достонида эса китобхонга муайян бир фикрни сингдириш ёки воқеликни баён қилиб бериш эмас, балки дардни тасвирлаш асосий мақсад бўлганлиги учун радифнинг мазкур достонда у қадар кенг ўрин тутмаганлигини кўрамиз. Бу ҳолатлар достонлар мазмуни ва радиф орасида ўзаро уйғунлик борлигини кўрсатади;

– туркий аруз фақат квантитатив (чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг алмашиниб келишига асосланадиган) эмас, балки квалитатив (урғули ва урғусиз бўғинларнинг сони ва тартибига асосланадиган) тизим ҳамдир. Арузий матнда асосий эътибор лексик (сўз) урғуга эмас, балки просодик (рукн) урғуга қаратилади. Байтда нечта рукн бўлса, шунча урғу бор. Хусусан, “Хамса” достонлари учун танланган вазнларнинг мутақорибдан ташқари барчаси 6 рукнли (мусаддас) бўлганлиги учун уларда бир байтда 6 та асосий ритмик урғу мавжуд бўлади. Мутақориб эса 3 та бўғиндан таркиб топган *фаувлун (V – –)* рукнининг бир байтда 8 марта такрорланиши (мусамман)га асосланганлиги учун ундаги асосий ритмик урғулар сони ҳам қолганларидан кўпроқ. Бунинг натижасида вужудга келадиган шиддатли ва кескин оҳанг жангнома мазмунидаги достонлар учун ниҳоятда мосдир;

– таркибида учтагача чўзиқ бўғин мавжуд бўлган рукнларда асосий урғудан ташқари, қўшимча урғу ҳам мавжуд бўлади ва бу ҳолат бир хил вазнда яратилган шеърий асарларнинг турлича ритм касб этишига олиб келади. Туркий поэзияда бундай рукнлардан таркиб топган баҳрлар рамал, ҳазаж ва ражаз бўлиб, ушбу баҳрларнинг мумтоз шеъриятимизда кенг истифода этилганлигининг сабабларидан бири ҳам шунда. Эпик поэзияда, хусусан,

Алишер Навоий “Хамса”сида қўлланилган шеърий ўлчовлар орасида эса ҳазажи мусаддаси маҳзуф (*V* – – – *V* – – – *V* – –) вазни ана шундай вазнлардан бўлиб, Навоийгача ҳам, Навоийдан кейинги достончиликда ҳам ушбу ўлчовнинг қўлланилиш даражаси жиҳатдан биринчи ўринда турганлигини кўрамиз. Алишер Навоий мазкур вазннинг бундай имкониятидан самарали фойдаланиб, қўшимча ритмик урғунинг достон мазмунини очишга хизмат қилишини таъминлаган. Достонда Фарҳод ва Ширинниng мактублари келтирилган изтиробли ва ҳис-ҳаяжонли ҳолатлар баёнида қўшимча урғулар сонининг достондаги кириш ёки хулосаловчи қисмлар билан боғлиқ фикрлар акс этган тинч, сокин ҳолатлар тасвири баёнидан кўра икки баравар кўпроқ эканлиги кузатилади ва бу ҳолат ритмик урғунинг достон мазмуни билан ўзаро уйғунлик касб этганлигини кўрсатади;

– мумтоз арузшуносликда гарчи урғу алоҳида ҳодиса сифатида таъкидланмаган бўлса ҳам, лекин муталлаввун ҳодисасининг арузга доир манбаларда қайд этилиши урғунинг арузшунослик тарихида муайян ўринга эга эканлигини ва мумтоз арузшуносларнинг арузни урғу билан боғлиқ ҳолда талқин қилганликларини кўрсатади. Буларнинг барчаси эса аруз системаси квантитатив шеър тузилиши бўлиш билан бирга квалитативлик хусусиятига ҳам эга эканлигини исботлайди;

– Навоий “Хамса”си достонлари ритми яхлит бир бутунликда умумий ритмик тизимни ҳосил қилади. “Хамса”даги ҳар бир достон ритмнинг муайян унсури етакчилик қилиши билан характерланади. Хусусан, бешликнинг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр” фалсафий-таълимий руҳдаги достон бўлганлиги учун унда ритмик восита – радифнинг кенг қўлланилганлиги кузатилса, ишқий мавзудаги “Фарҳод ва Ширин” достонининг қўшимча ритмик урғу олиш имкониятига эга бўлган вазнда битилганлиги диққатни тортади. “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Сабъаи сайёр” достонларида сюжет чизиқларининг ўзгариши ва достон қаҳрамонларининг руҳий изтироблари ҳазажи ахраб ва хафифи махбун ритмик вариацияларининг ўзаро ўрин алмашиниши ҳисобига муайян уйғунлик касб этганлигини кўрсак, “Садди Искандарий” достонида жангномаларга хос шиддатли оҳангнинг энг кўп рукн урғуси ҳисобига вужудга келганлигини кузатиш мумкин. Буларнинг барчаси Алишер Навоий “Хамса”си достонлари ритмини яхлит бир бутунликда тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Манбалар:

1.Арасту. Поэтика (Нафис санъатлар ҳақида). Ахлоқи кабир (Катта ахлоқ китоби). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 194 б.

2.Атоуллоҳ Ҳусайнӣ. Бадоеъ-ус-саноеъ / Бо сарсухан, тавзеҳот ва таҳрири Р. Мусулмонқулов. – Душанбе: Ирфон, 1974. – 223 с.

3.Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А. Рустамов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 398 б.

4.Бобур Заҳириддин. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – 368 б.

5.Бобир Заҳириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Фан, 1971. – 413 б.

6.Жомий Абдураҳмон. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи – А.Қаюмов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 224 б.

7.Гулшани адаб. Асрҳои IX-XIII . Дар панч чилд. – Душанбе: Ирфон, 1975. Ч. 1. – 432 с.

8.Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёс ул-луғат. Иборат аз се чилд. – Душанбе: Адиб, 1988. Ч.2. – 416 с.

9.Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1991. Т. 7. – 392 б.

10.Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1991. Т. 8. – 544 б.

11.Навоий Алишер. Лайли ва Мажнун. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1992. Т. 9. – 356 б.

12.Навоий Алишер. Сабъаи сайёр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1992. Т. 10. – 448 б.

13.Навоий Алишер. Садди Искандарий. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1993. Т. 11. – 640 б.

14.Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1997. Т.13. – 284 б.

15.Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1998. Т.14. – Б. 5-130.

16.Навоий Алишер. Хамсат ул-мутаҳаййирин. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1999. Т. 15. – Б. 7-88.

17.Навоий Алишер. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 16. – Б. 43-98.

18.Навоий Алишер. Муҳокамат ул–луғатайн. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 16. – Б. 7-42.

19.Навоий Алишер. Лайли ва Мажнун: Достон / Насрий баён муаллифлари В.Раҳмонов ва Н.Норқулов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – 368 б.

20.Насируддини Туси. Меъёр-ул-ашъор. –Душанбе: Ориёно, 1992. – 150 с.

21.Низами. Лейли и Меджнун. – М.: Художественная литература, 1957. – 228 с.

22.Низомии Ганчавӣ. Лайлӣ ва Мажнун. Куллиёт. Дар панч чилд.– Душанбе: Ирфон, 1982. Ч. 2. – 368 с.

23.Низомии Ганчавӣ. Махзан-ул-асрор. Куллиёт. Дар панч чилд.– Душанбе: Ирфон, 1984. Ч. 5. – С. 259-397.

24.Низами Арузи Самарканди. Собрание редкостей или четыре беседы. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – 176 с.

25.Рашидаддини Ватвот. Ҳадоиқ ус-сеҳр фи дақоиқ аш-шеър / Таҳияи матн, муқаддима ва тавзеҳоти Худой Шарифов. – Душанбе: Ирфон, 1987. – 145 с.

26.Самарқандий Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш–шуаро”дан).– Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – 224 б.

27.Сайфй. Арузи Сайфй. – Калькутта, 1867. – 56 с.

28.Форобий Абу Наср. Шеър санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 67 б.

29.Хондамир Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 136 б.

30.Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. – Тошкент: Хазина, 1996. – 212 б.

31.Шамси Қайси Розй. Ал-мўъжам. – Душанбе: Адиб, 1991. – 464 с.

32.Чомй. Осори мунтахаб. Ч. 1-5. – Душанбе: Ирфон, 1964.

33.Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Қ.Каримов. – Тошкент: Фан, 1971. – 964 б.

34.Yusuf Xos Hojib. Qutadg’u bilig. – Toshkent: Cho’lpon, 2007. – 199 b.

35.Ўбаҳи Ҳофиз. Тўҳфат ул-аҳбоб (дар муқоиса бо “Луғати фурс” ва фарҳангҳои дигар). – Душанбе: Ирфон, 1992. – 288 с.

36.Қосимий Саййид. Маснавийлар мажмуаси. – Тошкент: Фан, 1992. – 240 б.

37.Ҳафт асман аз таълифат-и Маулави Ога Аҳмад Али Аҳмад. – Калькутта, 1873.

Илмий-назарий адабиётлар:

1.Абдуллаев Н. Хайдар Хорезми и его “Махзан ал-асрор”: Афтореф. дис. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 35 с.

2.Азимов Ю.Ю. Абдураҳмон Жомий “Хирадномаи Искандарий” достонининг қиёсий-типологик таҳлили: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Самарқанд, 1996. – 26 б.

3.Акбарова М. Алишер Навоий ғазалларида қофия: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 1997. – 20 б.

4.Араслы Н.Г. Ариф Ардебили и его поэма “Фархаднаме”: Афтореф. дис. … канд. филол. наук. – Баку, 1969. – 27 с.

5.Араслы Н.Г. Низами и турецкая литература : Афтореф. дис. … док. филол. наук. – Баку, 1988. – 44 с.

6.Алишер Навоий ва форс–тожик шеърияти (халқаро конференция материаллари). – Хўжанд: Раҳим Жалил номидаги Давлат нашриёти, 2001. – 44 б.

7.Абдунабй Сатторзода. Таърихчаи назариёти адабии форсии точикй. – Душанбе: Адиб, 2001. – 144 с.

8.Алиев Г.Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985. – 366 с.

9.Алимуҳамедов А. Антик адабиёт тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 490 б.

10.Араслы Н. Г. Низами ва турк эдебйати. – Баку: Элм, 1980. – 206 с.

11.Афсахзод Аълохон. Лирика Абд ар–Рахмана Джами. Проблемы текста и поэтики. – М.: Наука, 1988. – 326 с.

12.Аъзамов Абдулла. Аруз: Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сабоқлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – 224 б.

13.Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони. – Тошкент: Фан, 1970. – 140 б.

14. Ахметов З. А. Казахское стихосложение. – Алма-Ата: Наука, 1964. – 460 с.
15.Бакиров М.Х. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований. – Казань, 1972.
16.Бертельс Е.Э. Низами. Творческий путь поэта. – М.: Наука, 1956.
17.Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – М.: Наука, 1960. – 554 с.
18.Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Физули. – М.: Наука, 1962. – 552 с.
19.Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – 500 с.
20.Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. – М.: Наука, 1988. – 560 с.
21.Бобоев Т. Шеър илми таълими (Ўзбек шеърияти поэтикасидан сабоқлар). – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 344 б.
22.Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 560 б.
23.Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Тошкент: Фан, 1992. – 120 б.
24.Болтабоев Ҳ. Рисолаи аруз ва аруз ҳақида // Мумтоз сўз қадри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2004.
25.Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1974.
26.Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 191 б.
27.Вахидов Р.Ж. Взаимосвязи узбекской и персидско–таджикской литератур во второй половине XV – начале XVI в. (Историко-типологический аспект): Автореферат дис. … док. филол. наук. – Ташкент, 1987. – 45 с.
28.Веселовский А.Н. Историческая поэтика / Вступительная статья И.К. Горского. – М.: Высшая школа, 1989. – 406 с.
29.Виноградов И.И. Проблемы содержания и формы литературного произведения. – М.: МГУ, 1958. – 216 с.
30.Ганихонов М. А. Сравнительный анализ поэм “Хусрав и Ширин” Низами и Кутба: Афтореф. дис. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1994. – 23 с.
31.Гаспаров М.Л. Современный русский стих. Метрика и ритмика. – М.: Наука, 1974. – 486 с.
32.Гаспаров М.Л. Аристотель и античная литература. – М.: Наука, 1978, – 230 с.
33.Гаспаров М.Л. Восток-Запад: Исследования. Переводы. – Москва: Наука, 1982. – 293 с.
34.Гиршман М.М. Ритм художественной прозы. – М.: Советский писатель, 1982. – 368 с.
35.Давронов С. Омузиши вазни шеъри точики. – Душанбе: Маориф, 1992. – 176 с.
36.Давыдова Т.Т., Пронин В.А. Теория литературы. – М.: Логос, 2003. – 232 с.
37.Джафар Акрем. Особенности азербайджанской поэтической метрики аруза. – М.: Наука, 1960.
38.Долимов С., Убайдуллаев Ҳ., Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – 448 б.
39.Жирмунский В. М. Теория стиха. – Л.: Советский писатель, 1975. – 664 с.
40.Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: Наука, 1977. – 408 с.
41.Жомий ва ўзбек адабиёти (халқаро илмий-амалий анжуман материаллари). – Тошкент: Моваруннаҳр – Ал-Ҳудо, 2005. – 120 б.
42.Жўраева Н.Г. Ўзбек мумтоз шеъриятида байт ва унинг поэтикаси: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 2004. – 24 б.

43.Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – 128 б.

44.Касымханов Б.Х. Саййид Касыми и его литературно-дидактические поэмы: Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1991. – 18 с.

45.Капранов В.А. "Лугати фурс" Асади Туси и его место в истории таджикской (фарси) лексикографии. – Душанбе: Издательство Академии наук, 1964. – 214 с.

46.Конрад Н.И. Запад и Восток (статьи). – М.: Главная редакция Восточной литературы, 1972. – 496 с.

47.Корш В. Всеобщая история литературы. Т. 1. – С – Пб.: Издание Карла Риккера, 1881.

48.Крымский А.Е. История Персии, ее литературы и дервишской теософии. Т. 2-3. – М.: Университет, 1912-13. – 227 с.

49.Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. – М.: Наука, 1983. – 262 с.

50.Курбанмамедов А. Эстетика Абдурахмана Джами. – Душанбе: Ир-Дониш, 1984. – 140 с.

51.Литературный энциклопедический словарь /Под общей редакцией В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. – М.: Советская энциклопедия, 1987. – 752 с.

52.Лосев А.Ф. и др. Античная литература / Под редакцией А.А.Тахо-Годи. – М.: Просвещение, 1986. – 494 с.

53.Лотман Ю.М. Лекции по структуральной поэтике. Выпуск I. – Tartu, 1964. – 195 с.

54.Мелетинский Е.М. Средневековый роман. Происхождение и класссические формы. – М.: Наука, 1983.

55.Мелетинский Е.М. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. – М.: Наука, 1986. – 320 с.

56.Мисбоҳиддини Нарзиқул. Адабиётшиносии форси–точикй дар асрҳои XIII-XIV. – Душанбе: Адиб, 2004. – 112 с.

57.Мирзаев С. Навоий арузи: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1946.

58.Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси ("Хамса"ларнинг биринчи достонлари асосида): Филол. фан. докт. дис. ... автореф. – Тошкент, 1995. – 60 б.

59.Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XV вв.) – М.: Гл. ред. вост. лит., 1989. – 240 с.

60.Нагиева Дж. Алишер Навои и азербайджанская литература (XV-XIX вв.: Афтореф. дис. … док. филол. наук. – Баку, 1986. – 51 с.

61.Нарзуллаева С.Н. Тема "Лейли и Меджнун" в истории литературы народов Советского Востока: Афтореф. дисс. …док. филол. наук. – Баку, 1980. – 49 с.

62.Нагиева Дж. Алишер Навои и азербайджанская литература (XV-XIX вв.: Афтореф. дис. … док. филол. наук. – Баку, 1986. – 51 с.

63.Нарзуллаева С.Н. Тема "Лейли и Меджнун" в истории литературы народов Советского Востока: Афтореф. дисс. …док. филол. наук. – Баку, 1980. – 49 с.

64.Олимов М. Рисолаи аруз. – Тошкент: Ёзувчи, 2002. – 88 б.

65.Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси.– Тошкент, 1994. – 100 б.

66.Олимов С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1992. – 80 б.

67.Очилов Э.З. Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги: Филол. фан. номз. дисс. … автореф. – Тошкент, 1994. – 26 б.

68.Проблемы теории стиха (сборник статей). – М.: Наука, 1984. – 247 с.

69.Ражабов Д. Бадиий образ ва ритм табиати. – Бухоро, 2002. – 102 б.
70.Ражабова Б.Т. Ўзбек классик шеъриятида тамсил санъати: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 1996. – 23 б.
71.Ражабов Д.З. Бадиий образ ва ритмнинг ўзаро муносабати (70-80-йиллар ўзбек шеърияти мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 26 б.
72.Рахимов Ж. Жанр автобиографии (хасби хол) в "Пятерице" Алишера Навои: Афтореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1991.– 20 с.
73.Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб... – Тошкент: Маънавият, 1998. – 64 б.
74.Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод, 1972. – 180 б.
75.Раҳмонов Н. Кўҳна битиктошлар. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги НМБ, 1991. –110 б.
76.Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Тошкент: Фан, 1972. – 56 б.
77.Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 216 б.
78.Рустамова А.Дж. Пути развития азербайджанской эпической поэзии (XII-XVII вв.): Афтореф. дисс. ...док. филол. наук. – Баку, 1971. – 77 с.
79.Рудаки и его эпоха (сборник статей). – Сталинабад: Таджикское государственное издательство, 1958. – 240 с.
80.Саримсоқов Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – 128 б.
81.Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарқанд: Зарафшон, 1996. – 65 б.
82.Сирожиддинов Ш.С. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (қиёсий-типологик, текстологик таҳлил): Филол. фан. докт. дисс. ... автореф. – Тошкент,1998. – 45 б.
83.Сирус Б. Арўзи точикй. – Душанбе: Нашрдавточик, 1963. – 288 с.
84.Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – М.: Наука, 1971. – 300 с.
85.Стеблева И.В. О проникновении арабо-персидских метров в тюрко-язычную поэзию / Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока. – М.: Наука, 1964. – С. 288– 299.
86.Стеблева И.В. Ритм и смысл в классической тюркоязычной поэзии. – М.: Наука, 1993. – 180с .
87.Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 392 б.
88.Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O'qituvchi, 2005. – 272 b.
89.Талабов А. Араб арузи. – Тошкент: ТошДУ, 1977. – 115 б.
90.Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими. Филол. фан. док. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2004. – 46 б.
91.Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Душанбе, 1997. – 60 с.
92.Тухлиев Б. "Кутадгу билиг" Юсуфа Хас Хаджиба и тюркоязычный фольклор (Мотивы. Образная система. Принципы художественного изображения): Афтореф. дис. ... док. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 43 с.
93.Тўлаганова У. Тоғай Мурод насрида ритм: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2005. – 24 б.
94.Теория жанров литератур Востока / Составитель и ответственный редактор И.В. Стеблева. – Москва: Наука, 1985.

95.Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – Москва: Просвещение, 1976. – 548 с.
96.Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам. – Душанбе: Маориф, 1991. – 560 с.
97.Тоиров У. Қомуси қофия ва арузи шеъри Ачам. Ч. 1. – Душанбе: Ирфон, 1994. – 512 с.
98.Тоиров У. Таҳқиқ ва таълими аруз. – Душанбе: Дониш, 1995. – 194 с.
99.Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.-Л.: Художественная литература, 1959. – 264 с.
100.Тронский И.М. История античной литературы. – М.: Высшая школа, 1988. – 463 с.
101.Туйчиева Г.У. Аруз в контексте газелей Амир Хосрова Дехлеви.– Ташкент: Издательство ТашГИВ, 2005. – 204 с.
102.Тўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. – Тошкент: Фан, 1966.
103.Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. – 207 б.
104.Тўйчиев У. Арузшуносликка доир. – Тошкент: Фан, 1978. – 42 б.
105.Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. – Тошкент: Фан, 1981. – 48 б.
106.Тўйчиева Г. Форс арузи рисолалари. – Тошкент, 2008. – 128 б.
107.Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 135 б.
108.Umurov H. Adabiyotshunoslik asoslari. – Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004. – 264 b.
109.Усманов Х.К. К характеристике ритмического строя тюркского стиха // Народы Азии и Африки, 1968. – № 6.
110.Fitrat R.R. Aruz haqida. – Taskent: Fanlar komiteti nasriyati, 1936. – 76 b.
111.Фитрат А. Адабиёт қоидалари: Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 112 б.
112.Фитрат. Аруз ҳақида: Адабиёт муаллимлари ва илм толиблари учун / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев.– Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 80 б.
113.Фитрат А. Муҳаммад Солиҳ. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000. Т. 2. – Б. 72-81.
114.Фролов Д.В. Классический арабский стих: История и теория аруда. – М.: Наука, 1991. – 395 с.
115.Фролов Д.В. Теория ‘аруда: просодия и ритм // Проблемы арабской культуры (сборник статей). – М.: Наука, 1987. – С. 124-142.
116.Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1999. – 398 с.
117.Хамраев М.К. Основы тюркского стихосложения (на материале уйгурской классической и современной поэзии). – Алма-Ата: Издательство АН, 1963. – 215 с.
118.Хамраев М.К. Очерки теории тюркского стиха. – Алма-Ата, 1969.
119.Харлап М.Г. Ритм и метр в музыке устной традиции. – М.: Музыка, 1986. – 104 с.
120.Харлап М.Г. Квантитативное стихосложение // Краткая литературная энциклопедия. – Москва, 1966. –С. 467–470.
121.Хасанов С. Роман о Бахраме. – Ташкент: Издательство литературы и искусства, 1988. – 208 с.
122.Холшевников В.Е. Основы стиховедения. Русское стихосложение. Ленинград, 1962. – 148 с.
123.Холшевников В.Е. Теория стиха (сборник статей). – Л.: Наука, 1968. – 316 с.

124.Шарқ мумтоз поэтикаси: Манба ва талқинлар / Нашрга тайёрловчи, талқин ва шарҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 430 б.

125.Шенгели Г.А. Техника стиха. – М.: Гослитиздат, 1960. – 312 с.

126.Шервинский С.В. Ритм и смысл. – М.: Наука, 1961.

127.Ш.Шоабдураҳмонов, М.Асқарова ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.

128.Шомуҳамедов Ш.М. Форс–тожик арузи. – Тошкент: ТошДУ, 1970.

129.Шомуҳамедов Ш.М. Форс–тожик адабиёти тарихидан қисқача курс: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТошДУ, 1987. – 110 б.

130.Хамидов Х. Фирдоуси и узбекская литература: Афтореф. дисс. … док. филол. наук. – Ташкент, 1991. – 50 с.

131.Эркинов А.С. Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати (“Садди Искандарий” достони мисолида): Филол. фан. номз. дисс. …– Тошкент, 1990. – 121 б.

132.Эркинов А.С. Мастерство Алишера Навои в создании пейзажа (на примере поэмы “Садди Искандари”): Афтореф. дисс. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 22 с.

133.Эркинов А.С. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари: Филол. фан. докт. дисс. … – Тошкент, 1998. – 220 б.

134.Эркинов А.С. Источники интерпретации “Хамса” Алишера Навои в XV-XX вв. : Автореф. дисс. … док. филол. наук. – Ташкент, 1998.– 52 с.

135.Эпик шеърият султони (мақолалар тўплами). – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – 121 б.

136.Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. – Тошкент: Фан, 1985. – 64 б.

137.Эркинов С., Ғанихонов М. Низомий Ганжавий. – Тошкент: Фан, 1992. – 68 б.

138.Қаюмов А. Нодир саҳифалар. Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида. –Тошкент: Фан, 1991. – 144 б.

139.Қаюмов А. Назм ва тафаккур қуёши. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1992. – 48 б.

140.Қосимхонов Б. Саййид Қосимий ва унинг адабий-дидактик достонлари: Филол. фан. номз. дисс. … – Тошкент, 1991. – 118 б.

141.Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2007.– 227 б.

142.Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2008. – 275 б.

143.Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 216 б.

144.Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. –Тошкент: Фан, 1996. – 160 б.

145.Ҳасанов С. Бобирнинг “Аруз рисоласи” асари. – Тошкент: Фан, 1981. – 96 б.

146.Ҳасанов С. Навоийнинг 7 туҳфаси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 192 б.

147.Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 184 б.

148.Ҳаққулов И. Камол эт касбким. –Тошкент: Чўлпон, 1991. –240 б.

149.Ҳожиаҳмедов А. Фурқат арузи // Фурқат ижодиёти. –Тошкент: Фан, 1990. – 196 б.

150.Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. –Тошкент: Шарқ,1998. – 224 б.

151.Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ НМК, 1998. – 158 б.

152.Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. –Тошкент: Шарқ, 1999. – 240 б.

153.Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. –Тошкент: Фан, 2006. – 288 б.
154.Ҳожиаҳмедов А. Ҳусни таълил санъати. –Тошкент: Фан, 2006. – 288 б.
155.Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967.
156.Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. –366 б.
157.Paola Orsatti. The Hamsah “Quintet ” by Jamali: reply to Nizami between the Timurids and the Qara-Qoyunlu // Oriente moderno, C.A.Nallino, 1996. – P. 385-411.
158.Julie Scott Meisami. Structure and Meaning in MedieVal Arabic and Persian Poetru. – London, 2003. – 507 p.
159.Ali Asghar Seyed-Gohrab. A narration of Love. An analysis of the Twelfth Century Persian Poet Nizami’s Layli and Majnun. – Leiden, 2001.– 433 p.

1-илова

X – XII асрлар форс-тожик эпик поэзиясида вазн ва мазмун муносабати

		Яратилиш вақти	Достонларнинг мавзулари Мутақориб	Қўлланилган шеърий ўлчов					
				Хафиф	Ҳазажи маҳзуф	Ҳазажи ахраб	Сариъ	Рамал	
1	“Калила ва Димна” (Рўдакий)	X аср	Панднома						+
2	“Офариннома” (Абу Шукур Балхий)	946	Қаҳрамонлик	+					
3	Шоҳнома (Дақиқий)	945 / 77	Қаҳрамонлик	+					
4	Шоҳнома (Фирдавсий)	1010 / 11	Қаҳрамонлик	+					
5	Варқаъ ва Гулшоҳ (Айюқий)	XI аср	Ишқий	+					
6	Вомиқ ва Узро (Унсурий)	XI аср	Ишқий	+					
7	Сурхбут ва Хингбут (Унсурий)	XI аср	Ишқий-саргузашт		+				
8	Шодбаҳр ва айн-ул ҳаёт (Унсурий)		Ишқий-саргузашт		+				
9	Вис ва Ромин (Гургоний)	1054	Ишқий			+			
10	Гаршоспнома (Асади Тусий)	1065 / 66	Қаҳрамонлик	+					
11	Баҳманнома (Ҳаким Эроншоҳ)	1106	Қаҳрамонлик	+					
12	Юсуф ва Зулайҳо (Амъақ Бухорий)	XII аср	Ишқий-тасаввуфий						
13	Ҳадиқат ул-ҳақойиқ (Саноий)	1130 / 31	Фалсафий-дидактик		+				
14	Туҳфат ул-Ироқайн (Ҳоқоний)	1157					+		
15	“Махзанул асрор” (Низомий)	1173-1179	Фаолсафий-дидактик					+	
16	“Хусрав ва Ширин”	1181	Ишқий		+				
17	“Лайли ва Мажнун”	1181-1189	Ишқий-тасаввуфий			+			
18	“Ҳафт пайкар”	1196	Ишқий-саргузашт				+		
19	Искандарнома	1196-1201	Қаҳрамонлик	+					
	Жами		Фалсафий-дидактик-3 Ишқий-5 Ишқий-тасаввуфий-1 Ишқий-саргузашт-3 Қаҳрамонлик-6	**8**	**4**	**2**	**2**	**1**	**2**

2-илова

Низомий “Хамса”си достонларида қўлланилган вазн манбалари

№	Достон номи	Мавзуси	Қўлланилган шеърий ўлчов	Вазн учун асос бўлган манба
1.	“Матлаъ ул-анвор”	Фалсафий-дидактик	Сариъ	Рўдакий шеърияти
2.	“Хусрав ва Ширин”	Ишқий	Ҳазажи маҳзуф	“Вис ва Ромин” (Фахриддин Гургоний)
3.	“Лайли ва Мажнун”	Ишқий-тасаввуфий	Ҳазажи ахраб	“Туҳфат ул-Ироқайн” (Хоқоний Шервоний)
4.	“Ҳафт пайкар”	Ишқий-саргузашт	Хафиф	“Хингбуту Сурхбут ” (Унсурий)
5.	“Искандарнома”	Қаҳрамонлик	Мутақориб	“Шоҳнома” (Фирдавсий)

3-илова

XV аср Ҳирот адабий муҳити хамсанавислигида қўлланилган вазнлар

Муаллиф номи		Сариъ	Ҳазажи маҳзуф	Ҳазажи ахраб	Хафиф	Мутақориб	Рамали махбун
1	Жамолий	+	+	+	+	+	
2	Ашраф Марофий	+	+	+	+	+	
3	Алишер Навоий	+	+	+	+	+	
4		+	+	+		+	+
5	Котибий Туршизий	+	+	+			
6	Абдуллоҳ Ҳотифий		+	+		+	
7	Шаҳобиддин Жомий		+	+			
8	Шайхим Суҳайлий			+			
9	Али Оҳий			+			
10	Хожа Имод Лорий			+			
11	Хожа Ҳасан Хизршоҳ			+			
12	Заве Қозиси			+			
13	Саййид Қосимий	+					
14	Осавий Ҳиравий	+					
15	Наргисий	+					
16	Ғиёсиддин Сабзаворий	+					
17	Фосиҳ Румий	+					
18	Бадриддин Ҳилолий		+	+			
	Жами	10	8	13	4	5	1


4-илова

Алишер Навоийгача туркий эпик шеъриятда вазн ва мазмун муносабати

Асар номи ва муаллифи		Яратилиш вақти	Достонларнинг мавзулари	Қўлланилган шеърий ўлчов				
Достонлар				Сариъ	Ҳазажи Маҳзуф	Ҳазажи ахраб	Хафиф	Мутақориб
1	“Қутадғу билиг” (Юсуф Хос Хожиб)	1069/70	Панднома					+
2	“Ҳибат ул-ҳақойиқ” (Аҳмад Югнакий)	XII-XIII аср	Панднома					+
3	“Хусрав ва Ширин” (Қутб)	XIV аср	Ишқий		+			
4	“Гул ва Наврўз” (Ҳайдар Хоразмий)	XV аср	Ишқий		+			
5	“Суҳайл ва Гулдурсун” (Сайфи Саройи)	1394	Ишқий		+			
6	“Махзан ул-асрор” (Ҳайдар Хоразмий)	XV аср	Фалсафий-дидактик	+				
7	“Мажмаъ ул-ахбор” (Саййид Қосимий)	XV аср	Фалсафий-дидактик	+				
8	“Гулшани роз” (Саййид Қосимий)	XV аср	Панднома	+				
9	“Илоҳийнома” (Саййид Қосимий)	XV аср	ишқий		+			
НОМАЛАР								
1	“Муҳаббатнома” (Хоразмий)	1353-1354	Ишқий		+			
2	“Даҳнома” (Юсуф Амирий)	XV аср	Ишқий		+			
3	“Латофатнома” (Камол Хўжандий)	XV аср	Ишқий		+			
4	“Таашшуқнома” (Сайид Аҳмад)	XV аср	Ишқий		+			
5	“Ҳақиқатнома” (Саййид Қосимий)	XV аср	Ишқий		+			
	Жами			3	9	-	-	2

5-илова

Алишер Навоий “Хамса”си достонларида ритм бирлиги



МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

“ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ”: ТУЗИЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ, ТАРКИБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Туркий шеъриятнинг ноёб дурдонаси ҳисобланган “Хазойин ул-маоний” куллиёти устида олиб борилган тадқиқотлар навоийшунослигимизнинг бошланғич босқичларига хос десак, янглишмаймиз. Хусусан, куллиёт таркибидаги шеърлар жанри ва байтлар миқдори, бадиий санъатларининг таҳлили, вазн муаммоларига бағишланган изланишлар “Хазойин ул– маоний”нинг шакли, умумий кўриниши ҳақида тугал тасаввур ҳосил қилиш учун ёрдам беради. Қолаверса, куллиётнинг қўлёзмалари устида олиб борилган матншунослик доирасида кенг миқёсли ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Замонавий ўзбек алифбосида девонларнинг тўлиқ нашр бўлиши ортида заҳматкаш олимларимизнинг машаққатли меҳнатлари тургани ҳеч қачон унутилмайди.

Ўн олтинчи йили ўтиб бораётган янги аср инсоният тарихидаги оддий сана эмас, балки унинг тафаккурида, яшаш тарзида, ҳаётга, оламга бўлган муносабатларидаги муҳим ўзгаришларнинг намойиши ҳам ҳисобланади. Шу маънода, Алишер Навоий асарларига фақат шаклий жиҳатдан ёки мазмуний нуқтаи назардан қараш бугунги кун маънавий эҳтиёжларига муносиб жавоб бўла олмайди. Зотан, Алишер Навоий асарлари замирига яширинган бир хусусият бор. Бу – барча замон ва маконларда инсониятнинг маънавий, руҳоний эҳтиёжларини қондира олиш хусусиятидир. Бугун навоийшунослигимиз олдида Алишер Навоий ижодий меросининг ана шу қиррасини аниқлаш ва кўрсатиб бериш вазифаси турибди.

Алишер Навоийнинг куллиёти ёки “Хамса” достонлари – қайси бири бўлишидан қатъий назар, уларнинг моҳиятига мажоз услуби воситасида беркитилган, шоир мушоҳадасининг меваси бўлган мақсадни, ғояни бадиият, структура билан бир бутунликда таҳлил этиш керак.

Бугун Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиётидаги жанрларнинг жойлашув тартиби, шеърларнинг математик аниқликда кетма-кет келиши қонуниятларини уларнинг мазмуни билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Алишер Навоий куллиётни тўрт қисмга бўлар экан, уларнинг номларига мувофиқ равишда аниқ концепцуал ёндашув асосида иш кўргани аниқ. Бу концепция девонларда етакчилик қилувчи мавзулар ва девонларнинг ўзаро боғланиш нуқталарнинг аниқланишида маълум бўлади. Бир мақола доирасида ушбу ички боғланиш ва шоир ғоявий нияти орасидаги боғлиқликни тадқиқ қилиш анчайин мушкул, шу маънода биз фақат баъзи умумий жиҳатларга тўхталиб ўтамиз, бошқача айтганда ўз фикрларимизни ҳозирча ахборот тарзида баён қиламиз.

Маълумки, “Хазойину-л-маоний” куллиёти жами 16 лирик жанрни ўз ичига олади. Бу шеърий жанрлар ҳар бир девонга муайян тартиб билан жойлаштирилган ва бу жанрларга оид шеърларнинг умумий сони 3132 га тенг. “Хазойин ул-маоний” куллиёти таркибига кирувчи девонларнинг жанр хусусиятларини кузатадиган бўлсак, улар орасида ўзаро мутаносиблик борлигини кўрамиз. Хусусан, “Ғаройиб ус-сиғар” ва “Наводир уш-шабоб” девонларига 8 тадан, “Бадоеъ ул-васат” ва “Фавойид ул-кибар” девонларига 9 тадан жанр киритилган ва девонларнинг ҳажми ҳам бир-биридан унчалик фарқ қилмайди: “Ғаройиб ус-сиғар”да 840 та шеър (5718, 5 байт), “Наводируш шабоб” девонида 759 та шеър (5423, 5 байт), “Бадоеъ-ул васат”да 740 та шеър (5420 байт) ва “Фавойид ул-кибар”да 793 та шеър

(588,5 байт) мавжуд. Бу жанрлардан ғазал, мустазод, мусаддас, таржиъбанд барча девонларга ўзаро тенг нисбатда жойлаштирилган.

Шоир куллиёт учун махсус дебоча ҳам ёзган. Дебочада "Хазойин ул-маоний" девонлари, уларнинг яратилиши билан боғлиқ маълумотлар, шоирнинг ижод жараёнига оид айрим мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Навоий куллиёт девонларини ўзаро ички мустаҳкам боғлиқ ҳолда ва қатъий мутаносибликда тузадики, уларга кейинчалик бирорта ғазал киритиш ёки девонлар таркибидан тушириб қолдириш ва ҳатто ички ўрнини алмаштириш ҳам мумкин бўлмаган. "Хазойинул маоний" куллиётининг ички тузилиши жаҳатидан ниҳоятда мустаҳкам тарзда тартиб берилганлигини шундан тасаввур қилиш мумкинки, Алишер Навоий ундаги тўрт девоннинг ҳар бирига тенг миқдорда 650 тадан ғазал жойлаштиргангина эмас, балки шу билан бирга, шу ғазалларнинг қофияланишига кўра ҳам ҳар бир девонда ўзаро тенг ва қатъий мутаносиб бўлишига жиддий аҳамият берган[1]. Яъни, "алиф" ҳарфи билан тугалланувчи қофия ва радифли ғазаллар тўртала девонда ҳам 39 тадан, "бе" ҳарфи билан тугалланувчи қофия ва радифли ғазаллар 27 тадан ва ҳоказо тенг тарзда учрайди.

Ёки яна бир мисолга диққат қаратсак. "Хазойин ул-маоний" куллиётида ҳаммаси бўлиб "Анго" радифли 12 ғазал мавжуд. Бу ғазаллар тўртала девонга учтадан тенг тарзда тақсимланган. Шунингдек, улар ҳар бир девонда бир ўринда, яъни 8–9–10-ўринларда жойлаштирилган. Буларнинг барчаси куллиётнинг ниҳоятда мустаҳкам тартибда ўзаро мутаносиб ҳолатда тузилганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий ўзи таъкидлаб кўрсатган девон тузиш мезонларига риоя этган ҳолда куллиётнинг ҳар бир қисмини Аллоҳ ҳамди ила очган. Кузатишлар шуни кўрсатадики, девонлардаги дастлабки беш ғазал ҳамд йўналишида, уларнинг тўрттаси тавҳид мавзусида бўлса, бешинчиси муножот мазмунидадир.

"Ғаройиб ус-сиғар" девонидаги дастлабки ғазални биз махсус ҳамд, тавҳид ёки муножот йўсинидаги шеър дея олмаймиз. Устоз Алибек Рустамий уни *фотиҳа ғазал* деб атаган эди. Чунки ғазалда акс этган мазмун фақатгина "Ғаройиб ус-сиғар" эмас, балки бутун куллиётга хосдир. Ёки бошқача айтганда, бу ғазални "Хазойин ул-маоний"га *кириш йўли* деб аташимиз мумкин. Ғазалда улуғ шоир дунёқарашининг асосий йўналиши акс этган ва у кейинги шеърларда ҳам давом эттирилган. Шу маънода мазкур ғазал Навоий девонларидаги бошқа ғазалларни ҳам англаб етишга ёрдам беради ва биз ушбу ғазал орқали умуман Алишер Навоий куллиётининг мазмуний мундарижасини, ғоявий йўналишини, шоирнинг умумшеъриятига хос бўлган концецуал илдизни топамиз.

"Ашрақат мин акси шамсил каъси анварул ҳудо" арабий мисраси билан бошланган ушбу ғазал инсоннинг яратилиши, унинг ҳаётдаги вазифаси, борлиқ ва йўқликнинг ҳикмати, қисқача айтганда, инсон ва Ҳақ ўртасидаги абадий муаммони кўтарган. Ғазални фақат бир томонлама эмас, балки турли жиҳатлардан тадқиқ этиш билан унинг туб моҳиятини кашф этиш мумкин. Шоир ғазал орқали инсоннинг Ҳаққа боғланиши, Унга тобелиги, Ҳақнинг марҳамати масалалари тўғрисида сўз юритган.

"Ғаройиб ус-сиғар"даги иккинчи ғазал бевосита ҳамд йўналишидадир. Алишер Навоий ҳамд мазмунли ғазалларида ва умуман қайси турга мансуб бўлмасин – барча шеърларида Аллоҳнинг сифатларини шунчаки уқтириш ёки таъкидлаб кўрсатиш йўлидан бормайди. Зотан, Алишер Навоий ақида ёки тавҳид ҳақида илмий асар ёзаётгани йўқ, у Аллоҳга қул-

[1] Абдуғафуров А. "Хазойину-л-маоний"дан четда қолган ғазаллар // Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Т.: Фан, 2001.

лиқ қилиш, Унинг амрларига итоат қилиш ва Унинг марҳамати, қаҳру ғазаби – Қаҳҳорлиги, Ғаффорлигини туйиш, бутун руҳ билан англаш жараёнини тасвирлаяпти. Хусусан, *Зиҳи ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо // Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавғо* матлаъли ғазалда *илоҳий муҳаббат* деб аталувчи муносабатнинг моҳиятини, ҳикматини тилга олган. Ғазал давомида байтдан байтга кўчар экан, Аллоҳнинг Холиқ сифати ёритиб борилган. Унинг санъати замиридаги ҳикматга урғу қаратилган.

"Наводир уш-шабоб"нинг айнан шу йўлдаги ғазали эса

Зиҳи зуҳур жамолинг қуёш киби пайдо,

Юзунг қуёшиға зарроти кавн ўлуб шайдо тарзида бошланган. Эътиборли жиҳати шундаки, "Ғаройиб ус-сиғар"да ушбу мавзуда ёзилган дастлабки ғазалда *ишқ* сўзи тилга олинмаган, фақатгина жамики мавжудот ва махлуқотнинг ўзаро бир-бирига мафтун бўлиши ҳақида гап борган эди. Мазкур ғазалда эса ишқ ҳодисаси махсус талқин қилиниб, Ҳақнинг ҳусни мазоҳирига ошиқ бўлишдек сирли ва хос жараённинг баёни берилган. Шунингдек, икки ғазал ҳам *Зиҳи...* сўзи билан бошланган ва дастлаб *зуҳур, жамол, ҳусн* каби калималар ҳам қўлланганки, бу мазкур ғазаллар орасида тадрижий ички боғланиш борлигини билдиради. Яъни бу ғазаллар мазмун жиҳатдан умумий бўлса ҳам, ифодаси асло такрорий эмас. Балки биринчи девондаги илк ҳамд ғазал моддиятдан юқори турадиган руҳоний ҳолатнинг бир босқичини, иккинчи девондаги шу мазмунли биринчи ғазал эса ўша жараённинг кейинги босқичини тасвирлаган. Агар дастлабки девондаги ғазалда ҳазажи мусаммани солим вазни қўлланилган бўлса, "Наводир уш-шабоб"даги ғазалда Аллоҳнинг улуғлиги, банданинг ожиз ва гуноҳкор эканлиги билан боғлиқ фалсафий қараш бу каби мушоҳадалар баёни учун қулай бўлган *мужтасс* баҳри орқали ифодаланган.

"Бадоеъ ул-васат" девонидаги биринчи ғазал эса *Эй навбаҳори оразинг субҳига жонпарвар ҳаво // Андин гулу булбул топиб юз барг бирла минг наво* матлаъли бўлиб, Ҳақнинг *навбаҳори ораз*и бирикмаси билан Унинг ҳусни тажаллийси сабабли оламда тириклик, ҳаёт уйғонганига ишора қилинган. Бутун ғазал давомида бу фикр ривожлантирилган. Ғазал сўнгида ёрга етишмоқ учун дунёни йўқ деб тасаввур қилиш лозимлиги, яъни ёр ишқи олдида дунёнинг бир чақалик аҳамияти бўлмаслиги шартлиги айтилган.

Агар куллиётдаги аввалги девонларнинг дастлабки ғазалларида *ҳазаж* ва *мужтасс* баҳрлари қўлланилган бўлса, ушбу ғазалда *ражаз* баҳри истифода этилган. Ҳар икки руқндан кейин ритмик паузанинг келиши ўзига хос ритмик оҳангни таъминлаган ва лирик таъкидни кучайтирган. Байтларда *таъдид* санъатининг етакчилик қилиши Холиқнинг ягоналиги, ундан марҳамат кутувчи махлуқотнинг эса беҳисоблигию ожизлигини ифодалашга хизмат қилган (гулу булбул, тўбию сидра, ашку оҳ, дарду фироқ).

"Фавойид ул-кибар" эса *Эй етти манзар тарҳиға меъмори сунъингдин бино // Маснуълари фоний, вале маслуб сониъдан фано* матлаъли ғазал билан очилган. Дастлаб диққатни тортадиган жиҳат, "Бадоеъул бидоя" ҳам, "Фавойидул кибар" ҳам *нидо* санъати билан, яъни мурожаат шаклида бошланяпти. Аввалги икки девон *Зиҳи...*, кейинги иккиси эса *Эй...* тарзида бошланиши эса бу девонлар моҳият жиҳатдан инсон камолотидаги муайян босқичларни ўзида акс эттиришини тасдиқлайди. Ғазал *мусажжаъ* шаклида бўлиб, ундаги ҳар байтнинг тўрт бўлакка бўлиниб, ички қофиялар ҳосил қилиши ғазалда истифода этилган вазн

билан уйғунликда тантанавор ритмик оҳанг ҳосил қилган. Деярли ҳар бир байтда муайян бадиий санъатнинг етакчилик қилиши (*иштиқоқ*, *иқтибос*, *таносуб*, *тазод*, *такрир*, *ташхис*, санъатлари) ғазалнинг бадиий таъсирчанлигини оширган. Мазкур ғазалда қайсидир маънода баён этилаётган воқеликларда ҳаётдаги барча қатламларни, мавжудликнинг сўнги – охиратни ҳам қамраб олиш кузатилади. Бу билан куллиётнинг мазмунан якунланишига ҳам ишора сезилади. Бироқ бу ғазал аслида Алишер Навоийнинг мухлислари тузган "Илк девон" (1466)дан ўрин олган. Демак, бу факт билан шоир ғазалларни ёзилиш санасига қараб эмас, балки уларнинг мазмунига мувофиқ равишда куллиётга жойлаштиргани ойдинлашади.

Куллиётдаги ғазаллар ошиқона, орифона, риндона каби турларга бўлинса-да, улар девонлар номи ва ўрнидан келиб чиқиб, муайян руҳ билан суғорилган. Хусусан, дастлабки девонлардан ёшликка хос жўшқинлик ва шижоат руҳи етакчи ғазаллар ўрин олган бўлса, "Фавойид ул-кибар"да ижтимоий руҳ етакчи бўлган ғазаллар кўпчиликни ташкил этади. Мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган шоир ўзининг узоқ кузатиш ва мушоҳадалар натижасида ҳосил бўлган хулосаларини, давр аҳли ҳақидаги аччиқ мулоҳазаларини ғазалларида юксак эҳтирос билан ифодалайди:

Даҳрда йўқтур карам, даҳрнинг аҳлида ҳам,
Қилмағасен, эй кўнгил, фикри муҳол ўзгача (ФК, 548-ғазал).

Шоирнинг бошдан-охир ишқий мавзу етакчилик қилган ғазаллари охирида ҳам лирик чекиниш сифатида замон ва замондошларга муносабат ифода этилган байтлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Бундай байтларда шоирнинг тасвир объекти умумлашган маънога эга сўз ва иборалар орқали ифодаланган, шоир "ёр" сўзи орқали умуман халқ, замона аҳли, фалак, давронни назарда тутади:

Олам аҳлида чу йўқ ёрки, меҳр ўлғай иши,
Сен қиёс айлаки, не бўлғуси ағёрға иш (254-ғазал).

Навоийшуносликда шоир ғазалларини таснифлашда шоирнинг "Фавойид ул-кибар" девонидаги қитъасига диққат қаратилади. Навоий ушбу қитъада:

Ғазалда уч киши тавридур ул навъ
Ким, андин яхши йўқ назм эҳтимоли, –

деб ёзар экан, Хусрав Деҳлавийнинг ошиқона, Ҳофиз Шерозийнинг риндона ва Абдураҳмон Жомийнинг орифона ғазалларидан руҳланганини эътироф этади. Куллиётдаги ҳар бир девоннинг сўнгги ғазалларини параллел ўрганиш асносида эъиборли бир ҳолат кўзга ташланади. Хусусан, "Ғаройибус сиғар"да Хусрав Деҳлавий, "Наводируш шабоб"да Ҳофиз Шерозий номига урғу қаратилган бўлса, "Бадоеъул васат" Абдураҳмон Жомий ёди билан интиҳо топади. Навоий "тўрт дафтар", яъни девонларни якунлаётганига ишора қилар экан, ўз сўзини айнан Расуллулоҳ мадҳи билан тугалламоқчи эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Сенинг мадойиҳи наътингда, ё Расулуллоҳ,
Тамом бўлди Навоий такаллуми поки.

Бу ҳолат буюк шоирнинг Расулуллоҳ (с.а.в.)га бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, Ул зотнинг шафоатига муяссар бўлиш истагини ифодалайди. Аллоҳнинг Расулини мадҳ этиш шоирга қай даражада ҳаловат ва руҳий қувват бахш этганини Навоий девондаги бир ғазалида шундай изоҳлаган эди:

Навоий, набий наътидин жам қилғил,
Паришон эса хотири харзагардинг (“Ф. к”. 338-ғ.).

“Хазойин ул маоний”га киритилган тўртта мустазод ҳам мавзу жиҳатдан ранг-баранг. Агар биринчи девондан ирфоний-тасаввуфий мазмунни ифодалаган мустазод ўрин олган бўлса, кейинги девонларга ишқий ва риндона, тўртинчи девонга фалсафий-тасаввуфий мазмундаги мустазодлар киритилган.

“Хазойинул маоний” куллиётидаги барча девонлар муайян кичик лирик жанрлар билан зийнатланган. “Ғаройиб ус-сиғар”да бу ҳолат рубоий жанри воситасида намоён қилинган бўлса, “Наводир уш-шабоб” муаммо, “Бадоеъ ул-васат” луғз ва туюқ жанрлари жойлаштирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади, “Фавойид ул-кибар” эса хулосаловчи жанр ҳисобланмиш фард билан якунланган. “Наводируш шабоб”дан 52 та муаммо ўрин олган бўлиб, уларнинг аксарияти асосан бир байтли, фақат “Қосим” ва “Заҳир” исмларига битилган муаммолар икки байтдан иборат. Агар “Наводируш шабоб”да келтирилган 52 муаммонинг барчаси шоирнинг биринчи расмий девони “Бадоеъул бидоя”да ҳам шу миқдорда жойлаштирилганлиги ҳисобга олинса, Алишер Навоий ижодкорнинг зеҳни ва билимдонлигини муайян тарзда белгилаб берувчи мазкур жанрдаги шеърларининг ҳаммасини қирқ ёшгача яратиб бўлганлиги маълум бўлади.

Куллиётдаги шеърлар аруз тизимининг турли баҳрларида яратилган. Агар “Ғаройиб ус-сиғар”да 9 та, “Наводир уш шабоб”да 12 та, “Бадоеъ ул-васат”да 10 та ва “Фавойид ул-кибар”да 11 та баҳр истифода этилганлигини ҳисобга олсак, шоир қўллаган энг кўп баҳрлар йигитлик даври девонида эканлиги маълум бўлади. Ушбу баҳрлардан *ариз* баҳри туркий шеъриятда деярли қўлланилмаган бўлиб, девондан 322-рақам остида ўрин олган, *Санову зотинг ичра топиб ажз, аҳли идрок // Гаҳи лоуҳси айтиб, замоне мо арафнок* матлаъси билан бошланувчи ҳамд ғазал мазкур баҳрда яратилган. Яратганнинг буюклиги ва бандаининг ожизлиги баёни акс этган ушбу байт *иқтибос* санъати воситасида зийнатланиб, шоҳбайт даражасига кўтарилган. Шунингдек, асосан араб шеърияти учун хос бўлган, туркий шеъриятда фақат баъзи шоирлар ижодида истифода этилган *комил* баҳрида яратилган ғазал ҳам “Наводируш шабоб”дан жой олган (339-ғазал).

Биз ахборот шаклида куллиётдаги шеърларнинг умумий кўринишига назар солдик. Бироқ уларнинг структураси, байтдан байтга кўчиш оралиғида мазмунда бўладиган ўзгаришлар, қўлланган бадиий санъатларнинг мазмун билан уйғунлиги масалалари кейинги тадқиқотлар учун асос бўлади.

Юқорида санаб ўтганларимиз – девонларнинг аниқ математик асослар билан тузилиши улар ўртасида ўзаро боғланувчи маъно риштлари борлигини исботлайди. Агар девонлардаги бир мазмунли ғазаллар ўзаро қиёсий шаклда ўрганилса, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларига, шаклий хусусиятларига диққат қаратилса, Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний”ни тузишда қўллаган ботиний қонуният, шоир ижодий услубига хос бўлган аниқ жиҳатлар, мезонлар, Алишер Навоийнинг мусулмон Шарқи ғазалчилигидаги новаторлиги,

унинг борлиқ, олам, Ҳақ ва инсон ҳақидаги фалсафасининг тугал асослари, мағзи ҳақида қониқарли бир жавобга, ечимга эга бўлар эдик. Шунингдек, Алишер Навоийнинг ҳар бир шеъри ичида кўзга кўринмайдиган, туйқус фаҳмланмайдиган ботиний жараёнлар ҳам мавжудки, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш шоир ижодининг янги қирраларини очишга хизмат қилар эди.

Бу билан биз Алишер Навоий шеъриятининг жаҳон шеъриятидаги ўрни ва мавқеини, шунингдек, Алишер Навоий фалсафасининг инсоният тафаккури тараққиётидаги даражасини аниқ илмий далиллар билан намойиш қилган ва бу асримиз маънавий дунёсининг ажралмас бўлаги эканлигини исботлаган бўлар эдик. Айтилган вазифалар улкан миқёсдаги тадқиқотларни, узоқ машаққатларни талаб қилади, бу вазифани амалга ошириш бугунги кун навоийшунослигимизда ўта аҳамиятлидир.

Фойдаланмаган адабиётлар

1. Абдуғафуров А.“Хазойин ул-маоний” жумбоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1994. – № 4-5-6; 1998. – № 6; 2000. – № 5.

2. Абдуғафуров А. “Хазойину-л-маоний”дан четда қолган ғазаллар// Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Т.: Фан, 2001.

3. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1988-1990. 3-6-жилдлар.

4. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний (Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймонов). 4 жилдлик. 1-4-жилдлар. – Т.: Фан, 1959-1960.

5. Алишер Навоий: қомусий луғат. 1-2-жилдлар /Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. – Т.: Sharq, 2016.

6. Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Т.: TAMADDUN, 2012.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “САБЪАИ САЙЁР” ДОСТОНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИГА ДОИР

Бугунги таълим тизимида мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишга кенг эътибор қаратилаётган бўлса-да, лекин таълим босқичларида бу давр адабиёти жумладан, Алишер Навоий ижоди намуналарини ўқитиш силлиқ кечмаётгани, бу борада кўплаб муаммолар борлиги соҳага дахлдор кишиларга яхши маълум.

Таълим босқичларида Навоий ижодини ўқитишдаги мураккаб ҳолат тўғрисида сўз кетганда, мутахассис ўқитувчилар кўпинча матнларни тушуниш ва тушунтиришдаги мураккабликларни қайд этадилар. Дарҳақиқат, бугунги китобхон ва Навоий яшаган давр орасидаги салкам олти асрлик масофа, тилдаги ўзгаришлар, шоир асарларидаги маъно кўламдорлиги, рамзийлик ва мажозийлик, фалсафий мушоҳадакорликнинг кенглиги XXI аср ўқувчиси учун буюк мутафаккир ижодини том маънода англашга маълум даражада тўсқинлик қилади. Айниқса, умумтаълим мактаблари ёки академик лицейларда таълим олаётган, асосий ахборотни ижтимоий тармоқлардан тез ва қулай тарзда қабул қилишга мослашиб бораётган бугунги ўқувчида Навоий асарлари, хусусан “Хамса” достонларига муҳаббат ва маънавий эҳтиёж уйғотиш осон кечмаслиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Биз ушбу мақоламизда Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонини академик лицейлар ва олий ўқув юртларида жадвал ва чизмалар воситасида ўқитиш билан боғлиқ баъзи мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз. Зеро, мавзуга доир асосий матнни қисқа ва аниқ ифодаланган чизмалар ва жадвалларда акс эттириш талаба ёки лицей ўқувчиси учун бир неча ўн бетлик маърузани ўқиш ёки ёзишдан кўра кўпроқ самара беради ва энг муҳими уни машғулотдан бездирмайди.

Маълумки, “Сабъаи сайёр” достони ўзининг жанр хусусиятлари, таркибий тузилиши билан “Хамса”нинг бошқа достонларидан фарқ қилади. Унда шоирнинг фалсафий, ахлоқий-таълимий, ижтимоий-сиёсий қарашлари баён этилган. Достонда мавзу қолипловчи ҳикоят ва унга илова қилинган етти ҳикоятни баён этиш асосида ёритилади.

Таъкидлаш жоизки, Навоийнинг ушбу достони “Хамса” таркибидаги бошқа достонлари сингари улуғ салафларига жавобия тарзида вужудга келган ва кўп ўринларда: бош қаҳрамонлар, сюжет чизиғи, воқеалар ривожида ўзаро муштарак жиҳатлар кузатилади. Бу бевосита Шарқ адабиётидаги анъанавийлик билан боғлиқ, зеро, мусулмон Шарқида ижодкорнинг салоҳияти янги сюжет яратишига қараб эмас, балки анъанавий воқелик, мавзу, қаҳрамонлар доирасида янги фикр айта олиш иқтидорига қараб белгиланган. Агар биз талаба ёки ўқувчига ана шу ҳолатни англата олсак, буюк шоир достонларининг ўзига хос жиҳатларини очиб берган бўламиз. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, “Хамса” таркибидаги достонларни ўқитишда концептуал жадваллардан фойдаланиш методи самарали натижа беради. Концептуал жадвал ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга асосланади. Бундай жадваллар ўрганилаётган муаммони қиёсий таҳлил этиш асносида унинг муҳим белгиларини аниқлаш, унга комплекс тарзда муносабат билдириш, истиқболли тадқиқ йўналишларини белгилаб олиш имконини беради, шунингдек, тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради. Концептуал жадвал тузиш жараёнида таққосланадиган

муаммолар аниқланади, олиб бориладиган таққосланишлар бўйича хусусиятлар ажратилади ва шу орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади.

Ўқитувчи машғулотни тахминан қуйидаги маъруза асосида олиб бориши мумкин:

Алишер Навоий “Хамса”сининг тўртинчи достони “Сабъаи сайёр” деб аталиб, 1484 йилда ёзиб тугалланган. Асарнинг бош қаҳрамони Баҳром тарихий шахс сифатида Эроннинг сосоний ҳукмдори Варахран V (420 – 438 йилларда подшолик қилган)га бориб тақалади. Бу подшо қулон (ёввойи кийик)ни овлашга ниҳоятда ўч бўлганлиги учун халқ орасида Баҳром Гўр (қулон) лақаби билан шуҳрат топган. Шарқ мамлакатларида Марс (Миррих) юлдузи Баҳром деб аталиб, жангу жадаллар ҳомийси сифатида келади.

Баҳром билан боғлиқ халқ нақллари, афсона ва ривоятлар даставвал эронликлар томонидан вужудга келтирилган ва даврлар ўтиши билан Шарқ халқлари орасида кенг тарқалиб кетади. Баҳром Гўр тимсоли ҳашамат ва овга ўч ҳукмдор ҳамда ишратпараст шахс сифатида даставвал халқ оғзаки ижодидан, сўнгра ёзма адабиётдан ўрин олади. Баҳром образи дастлаб форсий адабиётда Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”сида тасвирланади. Фирдавсий Баҳромни мусбат ва манфий жиҳатларга эга мураккаб шахс сифатида тасвирлайди: у бир томондан, адолатсевар подшо, ватанпарвар юрт эгаси, тенгсиз ақл-идрок, куч-қувват соҳиби, моҳир овчи бўлса, иккинчи томондан, китобхон кўз ўнгида айш-ишратга, эҳтиросга ўч, худбин ва қаҳри қаттиқ шахс сифатида гавдаланади. “Шоҳнома”да Баҳром Гўр ҳақидаги воқеа достоннинг фақат бир фаслини ташкил этиб, унда Баҳромнинг туғилиши, тахтга чиқиши, мамлакатни идора қилиш тадбирлари, ов вақтида ўз канизаги Озода билан тўқнашувига доир воқеалар қаламга олинган.

Баҳром Гўр ва унинг канизаги орасидаги “Шоҳнома”дан олинган бу лавҳа Низомий Ганжавий томонидан қайта ишланиб, машҳур “Ҳафт пайкар” достони вужудга келади. Низомий Баҳром қиёфасидаги асосий хусусиятларни: моҳир мерганлик, паҳлавонлик, кучли шижоат ва довюраклик, мамлакатни адолат билан бошқариш каби фазилатларни сақлаб қолгани ҳолда уни янги маъно ва мазмун билан бойитади, ушбу тимсол орқали ўз даври ижтимоий масалаларини, умуминсоний ғояларни илгари суради. Низомий Фирдавсий достонидаги Баҳромнинг канизак билан боғлиқ ҳикоясини қолипловчи ҳикоя қилиб олиб, унга 7 мустақил ҳикоят киритади.

Низомий асари яратилганидан кейин бир асрдан кўпроқ вақт ўтгач, Хусрав Деҳлавий унга жавоб тарзида “Ҳашт беҳишт” достонини ёзади. Унинг достонида ҳам Баҳромнинг саргузаштларини тасвирловчи асосий қолипловчи ҳикоя ва етти малика ҳикояси мавжуд. Ушбу ҳикоялар биргаликда жамланиб, 8 ҳикояни ҳосил қилганлиги учун Деҳлавий ўз достонини “Ҳашт беҳишт” деб номлайди ва маликалар айтиб берадиган 7 ҳикоятни ҳинд эпосидан олади. Шунингдек, достоннинг муқаддимаси етти боб, якунловчи қисми эса бир бобдан иборатлиги, умумий боблар сони саккизталиги учун ҳам шундай номланишга сабаб бўлган, деган қарашлар мавжуд. Деҳлавий ўз достонини Баҳромнинг тахтга чиқиши воқеасидан бошлаб, унгача бўлган воқеаларни тушириб қолдиради.

Мазкур мавзуда яратилган асарлардан яна бири – Ашраф Марофийнинг “Ҳафт авранг” достони бўлиб, Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да Ашрафнинг ушбу достонини “Сабъаи сайёр” достони учун асос бўлган асар сифатида тилга олади. Навоий “Ашраф “Ҳафт пайкар”нинг етти ҳурвашин пешкашимға яроғлабтур”, деб ёзар экан, Низомийнинг “Ҳафт пайкар” достонидаги етти гўзал ҳақидаги ҳикояларни ҳал қилишни Ашраф унга топшир-

ганлигига ишора қилади. Ашраф достонида Баҳромнинг канизак билан овга чиқиши ва умуман унинг ошиқ бўлиши билан боғлиқ саҳна йўқ. Ашраф ошиқ подшоҳ эмас, балки одил подшоҳ тимсолини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достони мазкур мавзуда яратилган биринчи туркий достон бўлиб, Навоий ўзига қадар бадиий адабиётда яратилган достонлар ва тўпланган бой ижодий тажрибадан фойдаланган ҳолда мазмун эътибори ва ғоявий-бадиий хусусиятлари билан салафлари асарларидан фарқ қилувчи янги достон яратди (Шу ўринда қуйидаги жадвал тавсия этилади:

Мумтоз адабиётдаги "Баҳромнома"ларга доир концептуал жадвал

Қиёсланувчи жиҳатлар	**Фирдавсий**	**Низомий**	**Хусрав Деҳлавий**	**Ашраф Марағий**	**Алишер Навоий**
Достон номлари	"Шоҳнома"	"Ҳафт пайкар"	"Ҳашт беҳишт"	"Ҳафт авранг"	"Сабъаи сайёр"
Ҳажми		4600 байт	3352 байт	3775 байт	5009 байт
Бош қаҳрамонлар номлари	Баҳром ва Озода	Баҳром ва Фитна	Баҳром ва Дилором	Баҳром (канизак иштирок этмайди)	Баҳром ва Дилором

"Сабъаи сайёр" достони 38 боб, 5002 байтдан иборат бўлиб, шундан 11 бобни муқаддима ташкил қилади. "Хамса" достонларини ўқитишда кўпинча достонлар муқаддималарига етарлича эътибор қаратилмасдан, асосий қисмга ўтиб кетилади. Аслида достонлар таркибидаги муқаддималар достонлар воқелигига шунчаки анъанавий кириш қисми бўлмай, балки достонлар мундарижаси учун очқич вазифасини ҳам ўтайди. Шу маънода муқаддималарда келтирилган фикрларга алоҳида эътибор бериш достонлар тагзаминида яширинган рамзий маъноларни очишга ёрдам беради.


Достон муқаддимаси анъанавий ҳамд билан бошланади. Навоий Аллоҳни оламнинг яратувчиси сифатида мадҳ этар экан, достоннинг мазмуни тақозоси билан биринчи бобдаёқ етти рақамига алоҳида эътиборни қаратиб, *илтизом* (бир сўзни бирор парчанинг барча мисра ёки байтларида қўллаб, шу сўзнинг муҳимлигини таъкидлаш) бадиий санъати воситасида фалакнинг етти қават эканлиги, етти гумбаздан ташкил топгани, ер юзи етти иқлимга бўлингани, етти кўк, етти юлдуз кабилар ҳақида фикр юритади. Шунингдек, Баҳром ва Дилором сўзларини асл ва мажозий маъноларда қўллаб, сайёралар олами, дунёнинг яратилиши ҳақида ўз фалсафий қарашларини баён қилади, оламнинг яратилишини тасаввуфдаги *ваҳдат ул-вужуд* фалсафаси асосида баён қилади:

Ишқ сенсен доғию ошиқсен,
Яна маъшуқлуққа лойиқсен...
Сенсену сендин ўзга худ нима йўқ,
Гар кўрунса сен ўлғунг ул нима ўқ.

Достоннинг 2-боби муножот бўлиб, бунда буюк шоирнинг яратувчига мурожаати, нажот умиди, тавба ва илтижолари ўз ифодасини топган:

Қодиро, ул заифу осиймен,
Ки бошимдин аёқ маосиймен.

Қуйидаги чизма тавсия қилинади:



Навоий ташбеҳ санъати воситасида ўзини тоат вақтида хаста чумолига, исён вақтида ваҳший шерга, нафсини баҳайбат филга, кўнглини нимжон пашшага ўхшатади:

Тоат айларда мўри хаста барин,
Лек исён маҳалли шери арин.
Нимжон пашша кўнглум айла гумон,
Зўри нафсим нечукки пили дамон.

Навбатдаги боб Муҳаммад (с.а.в.) мадҳига бағишланади. Боб сарлавҳасида “Ул **шоҳи** рисолатпаноҳ наътиким” деган жумлаларнинг қўлланилиши тасодифий бўлмай, ёзилажак достоннинг бош қаҳрамони шоҳ эканлигига ишора. Бобда Пайғамбаримизнинг асли қурайший, ерлари абтаҳи, мазҳаблари ҳошимий, манзиллари Ясриб эканлиги айтилгач, У зотнинг нури “Лот” билан “Уззо”ни шикастлагани, исмларининг ҳарфлари ечилганда иккита “мим” ҳарфининг этаклари осилиб, куфр эли мотамининг зулматига, дин элининг эса улуғворлигига айланиши айтилади.

4-боб Меърож туни таърифига бағишланади. Бунда пайғамбаримиз ҳузурига элчи (Жаброил) келиб, Ҳақнинг саломини етказганлиги ва ошиқ ўз маҳбубининг висолига эришмоқ ниятида эканлигини хабар қилгани, пайғамбаримиз яратувчининг ҳузурига борганларида умматларининг гуноҳини кечиришни илтимос қилганлари ва барча истаклари бирма-бир қабул қилинганлиги ҳақида сўз боради.

5-боб сўз таърифида. Навоий бу бобда сўзга юксак баҳо берар экан, шундай ёзади:

Сўз келиб аввалу, жаҳон сўнгра,
Не жаҳон, кавн ила макон сўнгра...
Аллоҳ-Аллоҳ, не сўздурур бу сўз
Мундин ортуқ яна бўлурму сўз?

6-боб улуғ салафлар Низомий ва Деҳлавий мадҳига бағишланган. Шоир дастлаб бадиий адабиётдаги икки адабий тур, яъни назм ва наср таърифига тўхталиб, уларни бир-бирига қиёслайди ва назмнинг насрдан устунлигини исботлар экан, шеърий асарларда чиройли, таъсирли ибора ва бадиий санъатларни кўплаб қўллаш ва инжуни ипга тергандек мисралар тизиш мумкин, наср эса сочиб юборилган жавоҳирдек гўзалликдан маҳрум деб ёзади. Шунингдек, назм шакллари орасида маснавийга алоҳида тўхталиб, уни “васиъ майдон” (кенг майдон) деб атайди:

Маснавийким, бурун дедим они,
Сўзда келди васиъ майдони.

Низомий ҳақида сўз юритар экан, у бу майдондан тўпни олиб чиқиб кетди, яъни гўй ва чавгон ўйинида ютди: маснавий яратишда биринчи бўлди деган бўлса, Хусрав Деҳлавийни Ҳиндистон ва қора ранг билан боғлиқ ҳолда “ҳинд сеҳргари, қаро бало, офати Худо” каби ташбеҳлар билан мадҳ қилади. Шунингдек, Навоий бу икки хамсанависни шатранж ўйинидаги оқ оту (Низомий) қора филга (Деҳлавий), ўзини оддий пиёдага нисбат беради:

Чекса шатранж ики саф оқу қаро,
Хас не қилғай, чу тушса арса аро.
Ўзни топқай бисот аро пайваст,
От ила пил аёғи остида паст.

Достоннинг 7-боби “ҳазрат шайхулислом мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий” мадҳига бағишланган. Навоий уни фазл конию илм дарёси деб атар экан, устозини араб тилидаги билимдонлиги жиҳатидан “Кофия” асарининг муаллифи Ибн Ҳожибга, тафсир

илмида юзта Ибн Ҳожарга, фиқҳ илмида Имоми Аъзамга ўхшатади. Жомийнинг бу соҳаларда яратган асарлари, девонлари ва достонларининг номларини келтиради.

8-боб салафларнинг нуқсонлари ҳақида бўлиб, шоир боб сарлавҳасида устозлар асарларига мулоҳаза билдираётгани учун узр сўрайди. Навоий бу бобда достон яратишдан олдин туш кўрганини, тушида 7 гунбаз, 7 гунбаз ичида 7 хил рангдаги мутасаддийни кўрганини, шу ерда 7 кун юриб, 7 афсона тинглаганини, бир мўйсафид унга аввалги достонлардаги қусурларни тузатишни сўраганини, уйқудан уйғонгач муаббир (туш таъбирчиси) айтган далиллардан сўнг достон ёзишга киришганини айтади. Шундан сўнг ўзигача ёзилган Баҳром ҳақидаги достонларни синчиклаб ўқиб чиққанини таъкидлаб, устозларнинг ҳурматини ўз ўрнига қўйган ҳолда уларга учта эътироз билдиради:

Бири *буким йўқ анда мояйи дард,*
Қилдилар ишқ сўзидин ани фард.

Шоир фикрича, олдинги хамсанависларнинг биринчи айби дарду ғамга етарлича аҳамият бермасдан, уни ишқдан холи тасвирлаганликларидадир.

Яна бири *буким анда баъзи иш,*
Зоҳиран номуносабат тушмиш:
Буйла туҳматки, айш учун Баҳром
Ясади етти қаср сургали ком.
Етти иқлим шоҳидин ети қиз,
Ҳар бири лутфу ҳусни ғоятсиз...
Уйқу комин олурға мастона,
Шўхларға буюрди афсона...
Анга худ ғафлат ўлди даъбу сифат,
Уйқусиға фасона не ҳожат?

Баҳромнинг айши учун еттита қаср қурилиши, етти маликанинг ўзи мастликдан ғафлат ҳолатига етган шоҳни ухлатиш учун афсоналар айтишлари асоссиз, дейди Навоий. Бунинг устига, агар афсона айтиш зарур бўлса, улардан бошқа қиссахон йўқмиди деган саволни ҳам қўяди.

Салафларнинг учинчи камчиликлари дардсиз ва нодон кишининг саргузаштларини кўрсатишни мақсад қилиб олганликларида эди:

Бўйла нодон учун ёзиб авсоф,
Анга қилгайлар ўзларин вассоф.

Боб сўнгида Навоий ғоят камтарлик билан ўзини салафларнинг фақир шогирди деб атаб, мен гўё пашшадек бўлиб, фил ишини қилмоқчиман, осмон томига нарвон, қуёшга шамдон ясамоқчиман, ўргимчак ипидан каманд қилиб, аждаҳони тутмоқчиман дейди ва Аллоҳдан достон ёзишда мадад сўрайди.

9-боб – Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳи ҳақидадир. Бу бобда Навоий фалакдаги барча сайёраларга бирма-бир мурожаат қилиб, уларни ўз ҳунарларидан бир оз тинмоққа чақиради, шоҳ мадҳида қалам сурмоқчилигини айтади. Шоҳнинг икки томонлама хон авлоди эканли-

гини, улуғ отаси Чингизхон, онаси Аланқуво эканлигини айтади. Навоий Ҳусайн Бойқаро-ни чексиз саховат, чумолига ҳам марҳаматли адолат эгаси дея таърифлаб, адолат бобида ҳатто Анушервон ҳам унинг олдида хижолат чекади деб ёзади:

Анда Нуширвон керак боққай,
Бошини эрғатиб овуч қоққай.
Чун қилиб ёд ўз адолатидин,
Мутағаййир бўлуб хижолатидин.

Достоннинг ўнинчи боби “Хамса”нинг аввалги достонларида келтирилмаган Билқиси Соний – *Хадичабегим* мадҳига бағишланган. Бу ҳолат тасодифий бўлмай, шоир султон Ҳусайн Бойқаро саройида алоҳида нуфузга эга бўлган малика Хадичабегимни таърифлаш орқали шоҳ Баҳром ёнидаги Дилоромга ишора қилади, бу унинг шоҳ тақдирида муҳим ўрин тутганлигига ишора эди.

11-боб – Баҳром тарихи ҳақидадир. Навоий Баҳромни сосонийлар ҳукмдори Яздижурд-нинг ўғли бўлса-да, отасидан фарқли равишда эзгу ишлар билан шуғулланди, отаси нима-ни бузган бўлса, у барчасин қайтадан тузди дейди:

Ҳар не ул бузди, бу борин тузди,
Бу борин тузди, ҳар не ул бузди.
Кимни ўлтурди ул қилиб мажруҳ,
Бу қўйуб марҳам, ўлди жисмиға руҳ.

Навоий салафлар бўйича шоҳ Баҳром тарихини қисқача баён этиб, энди мен айтадиган қисса аввалгиларидан фарқ қилади дейди ва Аллоҳга шукрона келтириб, Баҳром қиссаси-ни бошлайди.

(Шу ўринда қуйидаги концептуал жадваллар тақдим қилинади:

Баҳром тимсоли тасвирига доир концептуал жадвал

Қиёсланувчи жиҳатлар	**Фирдавсий**	**Низомий**	**Хусрав Деҳлавий**	**Алишер Навоий**
Ов саҳнасидаги ҳолат	Баҳром Озодани отнинг туёқлари остига ташлаб ўлдиради	Баҳром Фитнани ўлдиришни буюради, лекин у тадбир ишлатиб, омон қолади	Баҳром Дилоромни жазирама саҳрода ташлаб кетади	Баҳром канизакни узун сочлари билан қўл оёқларини боғлаб, саҳрога ташлаб кетади
Овдан кейинги ҳолат	–	Баҳром Фитнадан узр сўраб, унга уйланади	Баҳром Дилоромни ўз саройига олиб кетади	Баҳром Дилоромни йўқотгач, ҳақиқий ошиқлик сифатларига эга бўлади

Кейинги тақдири	–	Баҳром овга чиқиб, бир кийикнинг орқасидан ғорга кириб кетади ва қайтиб чиқмайди. Мулозимлари уни излаб ғорга кирганларида: “Орқангизга қайтиб кетаверинг, шоҳларингиз қайтиб чиқмайди, у иш билан банд” деган овоз эшитилади.	Баҳром ов вақтида кийикни қувиб кетаётганида қудуққа тушиб, ғойиб бўлади. Мулозимлари уни қанча қидирсалар-да, топа олмайдилар.	Баҳром Дилором ва сарой аҳли билан овга чиқиб, ботқоқликка ғарқ бўлади

Дилором тимсоли тасвирига доир концептуал жадвал

Қиёсланувчи жиҳатлар	**Фирдавсий**	**Низомий**	**Хусрав Деҳлавий**	**Алишер Навоий**
Канизакнинг исми	Озода	Фитна	Дилором	Дилором
Ов саҳнасидаги ҳолат	Баҳром Озодани отнинг туёқлари остига ташлаб ўлдиради	Баҳром Фитнани ўлдиришни буюради, лекин у тадбир ишлатиб, омон қолади	Баҳром Дилоромни жазирама саҳрода ташлаб кетади	Узун сочлари билан қўл оёқларини боғлаб, саҳрога ташлаб кетади
Овдан кейинги ҳолат	–	Баҳром Фитнадан узр сўраб, унга уйланади	Баҳром Дилоромни ўз саройига олиб кетади	Баҳром Дилоромни йўқотгач, ҳақиқий ошиқлик сифатларига эга бўлади
Кейинги тақдири	–	Саройда қолади	Саройда қолади	Баҳром билан овга чиқиб, ботқоқликка ғарқ бўлади

Асосий воқеалар ўн иккинчи бобдан ибтидо топади. Етти иқлим шоҳи бўлган Баҳром ов қилиб юриб, рассом Монийни учратиб қолади. Моний Чинда тенги йўқ бир гўзал Дилором ҳақида хабар бериб, унинг ўзи чизган суратини шоҳга тақдим этади. Шоҳ суратни кўриши билан Дилоромга ошиқ бўлиб қолади ва Чин мамлакатининг бир йиллик хирожини тўлаб, қизни саройга келтиради. Шундан кейин Баҳром қизга бутунлай маҳлиё бўлиб, давлат, мамлакат ишларини унутади, кайф-сафога берилиб кетади. Натижада салтанату мамлакатда тартибсизликлар бошланиб, халқ орасида шикоят ва норозилик кучаяди, шаҳарлар вайронага айланади.

Фирдавсий “Шоҳнома”сида тасвирланганидек, овда кийик ҳодисаси юз беради. Дилором Баҳромнинг мерганлик маҳоратини “машқнинг натижаси”, – деб айтади. Шоҳ мастликда қизнинг оёқ-қўлини ўз сочлари билан боғлаб, биёбонга ташлаб келишни буюради. Эртаси ғазаб ва мастлик тарқаб, афсусланганидан кейин, уни ўзи бориб излайди, лекин топа олмайди. Ҳижрон азобидан ўзини бутунлай йўқотади:

Жони икки бало аросинда,
Мўр икки аждаҳо аросинда.
Не ўлук эрди, не тирик сони,
Бўлмас эрди тирик демак они.

Шоҳнинг аҳволи оғирлаша боради. Навоий бу ўринда шоҳ Баҳромда энди чин маънода ошиқлик сифатлари пайдо бўлаётганлигига эътибор қаратади, зеро руҳий изтироблар ва ҳижрон дарди ишқнинг ортишига сабаб бўлади. Изтиробдан ўзини бутунлай йўқотган

Баҳромнинг аввал фалакка, сўнг халқи ва қўшинига мурожаат қилиб, нотавон жонини бу азоблардан қутқаришини сўраб чеккан фарёдлари достоннинг 16- ва 17-бобларида ниҳоятда таъсирли тарзда ифодаланганлигини кўрамиз:

Манга не қилдинг, эй сипеҳр, охир,
Йўқ эмиш сенда зарра меҳр, охир!
Меҳрсизлик ишим аро қилдинг,
Рўзгорим юзин қаро қилдинг...
Найлайин бу жаҳонни жонсиз мен?
Бал жаҳон бирла жонни онсиз мен?
Жонни олғилки, тўймишам, биллоҳ!
Кўнгул ўлмакка қўймишам биллоҳ!..
Ёрлиқ қайда кетти, ёронлар?
Йўқ мусулмонлиқ, эй мусулмонлар!
Ўлтуруб ғаврима етинг охир!
Минг ўлумдин халос этинг охир!

Сарой аҳли ташвишга тушадилар. 400 ҳаким ва табиб тўпланиб, икки йил давомида шоҳни даволайдилар. Шоҳ бир оз ўзига келгандай бўлади. Маслаҳат билан етти иқлим шоҳи етти қаср қурадилар. Бу етти қаср етти шоҳнинг мамлакатига олиб борадиган йўл устида қурилади. Рассом Моний унинг ҳар бирини алоҳида бир ранг билан безайди. Баҳром уларни томоша қилар экан, касали тузала бошлайди. Етти рангдаги етти қаср битгач, етти иқлим шоҳининг етти қизи Баҳром билан никоҳланади. Етти қасрнинг ҳар бири етти сайёрадан бирининг рангига мос бўлиб, ҳафтанинг шу сайёра ҳомий ҳисобланган кунига хос эди. Шанба куни учун шу куннинг ҳомийси Зуҳал (Сатурн) сайёрасининг рангига мос қора қаср, якшанба учун унинг ҳомийси Қуёш сайёрасининг рангига мос сариқ қаср, душанба учун душанба ҳомийси Ой сайёрасининг рангига мос келувчи яшил қаср, ҳомийси Миррих (Марс) бўлган сешанба куни учун Миррих рангини ифодаловчи қизил қаср, чоршанба куни учун унинг ҳомийси Уторуд (Меркурий) рангига мос мовий қаср, пайшанба учун Муштарий (Юпитер) рангига мос келувчи сандал қаср ва жума учун унинг ҳомийси Зуҳра (Венера) рангига мос оқ қаср барпо қилинган эди. Навоий ҳар бир қасрдаги шоҳ, малика ва мусофир ҳамда жиҳозлар тасвирини беришда рангларнинг турфа хил номланишларидан усталик билан фойдаланади. Ҳикоятларда ҳам рамзий маъно мужассам топган бўлиб, уларнинг ҳаммасида ҳикоят қаҳрамонлари қийинчиликлар орасида тобланиб, оқибатда бахтиёрликка эришадилар. Бу келажакда Баҳромни ҳам бахт-толе кутаётганлигидан далолат эди. Дарҳақиқат, у еттинчи ҳикоятда ўз вафодори Дилоромдан хабар топади. Барча ҳикоятларда шоҳ ёки шаҳзода иштирок этади, дабдабали қасрлар, тилла-жавоҳирлар, қимматбаҳо ҳарир либослар, тантанали базмлар, серишва, жафокор ва айни пайтда вафодор гўзаллар тасвири “Минг бир кеча”даги ҳикоятларни эслатади. Ҳикоятларда шоҳ ва шаҳзода образларининг муҳим ўрин тутиши уларнинг айнан шоҳ (Баҳром) учун айтилганлигига ишора. Ҳар бир ҳикоятдаги воқеалар, албатта, сафар асносида рўй беради, ҳикоят қаҳрамонлари сайру сайёҳат орқали ўз мақсадларига эришадилар. Бу билан Навоий сайёраларнинг тинимсиз ҳаракатига, шу билан инсоннинг ўз мақсадига етиш учун саъй-кўшиш қилмоғи даркорлигига ишора қилади.

(Ҳикоятлар мазмуни қисқача баён қилинади).

Баҳром биринчи ҳикояни ўз руҳий ҳолати каби қора қасрда, қора либосда тинглаган эди, чунки у ўз Дилоромидан айрилган, ҳижрон зулматига гирифтор бўлган эди. Еттинчи ҳикояни эса оқ қасрда оқ либосда тинглайди ва бу ҳикоят унга висол умидидан дарак беради, унинг қалбига ёруғлик олиб киради. Лекин Баҳром Дилоромни топгач, яна овга, айш-ишратга берилади. Бир куни у сарой аҳли, сонсиз қўшин ва Дилором билан катта овга чиққанида, ёмғир ёғади ва эски ботқоқнинг оғзи очилиб Баҳромни Дилором ва бутун аркони давлати билан бирга ер ютади.

Баҳром бўлиб ўтган воқеалардан ва тинглаган ҳикоятларидан хулоса чиқармайди: ошиқлик ва шоҳликни бир қиёфада олиб бормоқчи бўлади, аслида эса чин ошиқлик тожу тахт ва бойлик билан мувофиқ келмайди:

Ишқ ила шоҳлиғ мувофиқ эмас,
Ишқ лофида шоҳ содиқ эмас.

Шу билан бирга шоҳ Баҳромнинг ҳалокатини тасаввуф таълимотига кўра яна шундай изоҳлаш мумкин: Бутун жонзотлар, табиат, ҳайвонот ва наботот олами Аллоҳнинг зуҳуридир. Уларнинг барчасини Аллоҳ яратган экан, уларга зарар етказиш Яратган иродасига қарши бориш билан тенгдир. Шу маънода шоҳ Баҳромнинг табиатга етказган жабр-зулми унинг ҳалокатига олиб келди.

Шоир Баҳром тимсоли муносабати билан ўз давридаги баъзи долзарб масалаларга ҳам ишора қилиб ўтган. Хусусан, ҳақиқий ҳукмдор ҳар қандай иллатлардан холи бўлиши зарурлиги, халқ аҳволидан ғофиллик ва айш-ишратга берилиш охир-оқибат шоҳни ва мамлакатни таназзулга олиб бориши мумкинлиги шоир айтмоқчи бўлган муҳим ғоялардан биридир.

Шу маънода Навоий достоннинг ўттизинчи бобида туш кўрганлигини айтади. Тушида шоирни шоҳ Баҳром йўқлаб, уни назм мулкида соҳибқирон деб атаб, ёзган достонига юқори баҳо беради ва фарзанди қаторида саналмиш Султон Ҳусайн Бойқарони огоҳлантиришини илтимос қилади ва унга қуйидаги сўзларни етказишни айтади:

Ки жаҳон кимсага вафо қилмас,
Шоҳлиғ таркига киро қилмас.
Шаҳки, минг йил онинг ҳаётидур,
Ғараз – ўлганда яхши отидур.

“Сабъайи сайёр”да Навоий даҳосининг қудрати шоирнинг ўз тилидан айтилган ўринларда ҳам намоён бўлади. Жумладан, достон якунига яқинлашганда шоир асарнинг ёзилиш муддатига тўхталиб дейди:

Бўлди чун бу рақам иши тайёр,
Қўйдум отини “Сабъаи сайёр”.
Тортқонда бу турфа савти маддин,
Байти беш мингга тортти аддин.
Манга айёми гарчи ёд эрмас,
Лек тўрт ойдин зиёд эрмас.
Бўлсам ўзга умурдин эмин,

Бор эди тўрт ҳафта ҳам мумкин...
Гарчи тарихи эрди секкиз юз,
Сексон ўтмиш эди яна тўққуз.
Ойи унинг жумодиуссоний,
Панжшанба ёзилди унвони.

Достон хафиф баҳрининг хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: - V - - | V – V - | V V - , фоилотун мафоилун фаилун) вазнида ёзилган.

Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони – буюк бир панднома, ибратнома бўлиб, унда башариятнинг асрий орзулари, эзгу мақсадлари, шу билан бирга ёмонликка, ёвузликка, зўравонликка, севгида беқарорликка нисбатан улуғ мутафаккирнинг, у орқали инсониятнинг муросасизлиги мужассамлашган. Навоий наздида ҳақиқий ошиқ фақат ўз севгилисини эмас, айни чоғда унинг халқини, юртини ҳам севиши, эъзозлаши ва унга комил бир фарзанд сифатида хизмат қилиши керак.

Фойдаланмаган адабиётлар

1.Колесникова И. Прием «Концептуальная таблица» как один из приемов развития критического мышления www//pedsovet.su/metodika/priemy/6434/ 20.02.2017

2.Навоий Алишер. Сабъаи сайёр. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1992. 10-жилд.

3.Навоий Алишер. Хамса: Сабъаи сайёр. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.7.

4.Navoiy Alisher. Sab’ai sayyor. – T.: G‘.G‘ulom nomidagi NMIU, 2006.

5.Навоий Алишер. Сабъаи сайёр (насрий баёни билан). Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.

6.Алишер Навоий: қомусий луғат. 1-2-жилдлар /Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. – Т.: Sharq, 2016.

7.Хасанов С. Роман о Бахраме. – Т.: Издательство литературы и исскуства, 1988.

8.Ҳасанов С. Навоийнинг етти туҳфаси. Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.

9.Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.

10.Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2011.

АЛИШЕР НАВОИЙ АРУЗИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ (ШЕЪРИЙ ДЕВОНЛАР МИСОЛИДА)

Аруз шеър тизими Шарқ халқлари шеъриятининг асосий шеърий ўлчови сифатида минг йиллардан бери туркий шеъриятимизда кенг қўлланилиб келаётган шеърий вазнлардан биридир. Унинг шеъриятимизга кириб келиши ва мустаҳкам ўрин олиши тасодифий бўлмай, исломдан олдинги шеърий меросимизда ҳам мисралардаги чўзиқ ва қисқа ҳижолар ўртасида муайян мутаносиблик мавжуд бўлган. Олимларимизнинг аниқлашларича, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асаридан ўрин олган 224 шеърий парча аруздаги – *V – –, V – V –, – V V –, V V – –, V – – –, – V –, V – –* туроқларига мос келувчи ўлчовда яратилган [1,10] Кузатувларга кўра, туркий халқлар илк бор аруз тизимида қалам тебрата бошлаганларида бармоқ вазн тизимига яқин турувчи вазнлардан фойдаланганлар. Аруз муомалага кирган илк даврларда ёзилган Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билиг" асари "Шоҳнома" вазнида, яъни мутақориб баҳрида ёзилган. Юсуф Хос Хожибнинг айнан шу ўлчовни танлашига сабаблардан бири сифатида мутақориб баҳрининг туркий халқлар шеърий тизими бўлмиш бармоқнинг энг фаол шаклларидан бўлган ўн бир бўғинли вазнига жуда ҳам уйғун эканлигини келтириш мумкин. Адиб Аҳмаднинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ" асарида ҳам ушбу ўлчов тўртликлар шаклида ифода этилган.

Туркий арузнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ривожланиши ва тараққиёти бевосита Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ. Буюк мутафаккир шоир ўзининг аруз қонун-қоидаларига бағишланган "Мезон ул-авзон" асарида 19 баҳр, 160 вазн ҳақида маълумот берган бўлса, лирик ва эпик шеъриятида 13 баҳр, 100 га яқин вазндан кенг фойдаланди ва бу билан аруз тизими туркий шеъриятнинг ажралмас қисмига айланганлигини асослаш билан бирга бу шеърий тизимнинг туркий тил қонуниятларига ҳар томонлама мос келишини исботлаб берди. Алишер Навоийнинг аруз илми тараққиётига қўшган ҳиссаси, унинг аруз вазнидан фойдаланиш маҳорати билан боғлиқ қатор масалалар олимларимиз томонидан тадқиқ этилган бўлса-да, шоир арузининг тараққиёт босқичлари унинг шеърий девонлари мисолида махсус ўрганилмаган эди. Биз ушбу мақоламизда Алишер Навоий шеърларида қўлланилган аруз баҳрларини тадрижий аспектда кўриб чиқамиз.

Алишер Навоий болалик чоғлариданоқ форс-тожик ва туркий тилда ёзилган ғазалларни ёд олган ва ўзи ҳам шеърлар битиб, Мавлоно Лутфий, Саййид Ҳасан Ардашер каби устозларнинг эътирофига сазовор бўлган эди. Унинг дастлаб ёзган шеърларида форс-тожик ва туркий салафлари ғазалларининг оҳанги, бу оҳанг орқали эса уларнинг шеъриятида қўлланилган вазнларнинг таъсири борлиги шубҳасиз, зеро одатда ёш шоир муайян бир шеърни яратар экан, уни ўз хотираси ёки шуурида сақланиб қолган оҳанг асосида яратиши табиий. Шу маънода ёш Алишернинг дастлабки шеърлари *рамал*, *ҳазаж* ёки *музориъ* каби мустаъмал баҳрларда ёзилган деб айтиш мумкин. Навоийнинг ўзи "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер" асарида ёшлик йилларидаёқ баъзи шеърлари Хуросонда шуҳрат қозонганлиги ва Саййид Ҳасан Ардашер уларни такрорлаб юришни хуш кўрганлиги ҳақида маълумот беради. [2] Улар орасида

Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар...

Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқдин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга
матлаълари рамал баҳрида яратилган бўлса,
Лабинг кўргач, илигим тишларам ҳар дам таҳайюрдин,
Ажаб ҳолатки, тутмай болни бармоқ ялайдурман

байтида *ҳазаж* баҳри қўлланилганлигини кўриш мумкин.

Навоий девонларида қўлланилган вазнларни ўрганиш жараёнида шоир шеърларининг девондан девонга баҳр жиҳатдан ўзгариб борганлигини, вазн кўрсаткичлари ўсиб борганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, шоирнинг ёшлик лирикаси жамланган “Илк девон” (1465-66)даги шеърлари вазнини ўрганиш ёш шоирнинг аруз тизимидан фойдаланиш маҳоратини аниқлашга ёрдам беради.

Маълумки, “Илк девон”да жами 434 шеър бўлиб, шундан 391 тасини ғазал жанридаги шеърлар ташкил этади. Ундаги шеърларнинг вазн хусусиятларига назар ташласак, ёш шоирнинг 24-25 ёшгача бўлган шеърларида аруз тизимининг 8 баҳри ва 47 та вазни қўлланилганлигини кузатамиз[1]. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т.р.	**Баҳр номи**	**Ғазаллар**	**Бошқа жанрдаги шеърлар**	**Жами шеърлар сони**
1.	Рамал	255	1	256
2.	Ҳазаж	59	42	101
3.	Мужтасс	45		45
4.	Музориъ	13		13
5.	Мутақориб	12		12
6.	Ражаз	4		4
7.	Мунсариҳ	2		2
8.	Сариъ	1		1
	Жами	**391**	**43**	**434**

Шоирнинг ёшлик даври лирикасини вазн нуқтаи назаридан ўрганиш шуни кўрсатадики, Навоий ўз шеърлари учун вазн танлар экан, уларни шеърнинг мавзуи, ғоявий мазмуни, қаҳрамонлар руҳиятини очиб беришга хизмат қилдирган. Агар ишқ изтироблари, лирик қаҳрамон кечинмалари вазмин ва салобатли оҳангларда таъсирчан ифодаланган бўлса, ёр таърифу тавсифи, енгил, ўйноқи вазнлар воситасида тараннум этилганлигини кўрамиз.

Агар эътибор қаратилса, шоирнинг ёшлик лирикасидаги шеърларининг ярмидан кўпроғи туркона оҳангга мос келувчи рамал баҳрида яратилган. Хусусан, унинг 161 ғазали ушбу баҳрнинг рамали мусаммани маҳзуф (афойили ва тақтиъи: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) вазнида ёзилганлигини кўриш мумкин. Улардан айримларининг матлаъларини келтирамиз:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимға кеча тонг отқунча уйқу келмади... [3, 129б]

[1] “Илк девон” шоирнинг ўзи томонидан тартиб берилмаганлиги учун Навоийнинг ёшлик лирикасида қўлланилган вазнлар кўрсаткичи ҳақидаги хулоса нисбийлик касб этади, зеро бу мухлисларнинг шоир ғазалларига ўзига хос ёндашувлари ва эҳтиёжлари маҳсули бўлиб, ушбу девонга шоирнинг ўша давргача ёзилган барча шеърлари кирмаганлиги табиий.

Ҳар гадоким бўриёйи фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга... [3, 2б-3а]

Навоийнинг ёшлик даври лирикасида ҳазаж баҳри иккинчи ўринни эгаллайди. Шоир ғазалларининг 59 таси ушбу баҳр вазнларида яратилган бўлиб, улар орасида *ҳазажи мусаммани солим* вазни жозибали оҳанги билан алоҳида ажралиб туради:

Тун оқшом бўлди-ю келмас менинг шамъи шабистоним,
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним... [3,108а-108б]

Девондан ўрин олган 41 рубоий ҳам анъанавий ҳазаж баҳри вазнларида бўлиб, уларда Навоий мазкур жанрга хос 24 вазннинг 13 тасидан маҳорат билан фойдаланган. Ушбу вазнлардан 8 таси ахраб, қолган 3 таси эса ахрам шажарасига мансуб вазнлар ҳисобланади. Қуйидаги рубоийда ахраб ва ахрам шажараси аралаш тарзда қўлланилган бўлиб, уч вазнли рубоий ҳисобланади:

Қўрқутма мени тамуғдин, эй зоҳиди ях,
– – V / V – V – /V – – V / V –
Жаннат манга бўлғуси дебон урма занах.
– –V / V – – V /V – – V / V –

Ким, дўзах анинг ёди била жаннат эрур,
–– V / V – – V /V – – V / V –
Жаннат бори сенинг биладур дўзах. [3, 139б]
– – – / – V – /V – – – / –

“Илк девон”да рамал ва ҳазаждан кейин истифода этилиш даражасига кўра учинчи ўринни *мужтасс* баҳри эгаллайди. Шоирнинг жами 45 ғазали ушбу баҳр вазнларида битилган. Хусусан, унинг

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил...

матлаъли ғазали шу давр маҳсулидир. [3, 88а]

Шоирнинг ёшлик лирикасига мансуб шеърларида музориъ баҳри вазнларига ҳам мурожаат мавжуд бўлиб, унинг 13 ғазалида ушбу баҳр истифода этилган. Умуман олганда, музориъ баҳри оҳанглари шоир шуурига анча эрта кирган бўлиб, олимларимиз Навоийнинг илк ёд олган ғазали деб эътироф этадиган Қосим Анворнинг

Риндему ошиқему ҷаҳонсўзу ҷома чок,
– – V / – V – V /V – – V / – V ~

Бо давлати ғами ту зи фикри ҷаҳон чи бок
– – V / – V – V /V – – V / – V ~

матлаъли ғазали ҳам ушбу баҳрда яратилган эди.

Шоирнинг ёшлик даврида яратилган ғазаллари орасида асосан эпик шеърият учун хос бўлган мутақориб баҳрида яратилган ғазаллар ҳам борки, уларнинг сони 12 та. Навоий мазкур баҳрнинг 4 вазнидан маҳорат билан фойдаланиб, уларда

Қачон отса ул ғамза новак манга,
Келур гар минг ўлса яко-якманга... [3, 7а]
Зиҳи, аҳли дин қатли ойин санга,
Не ойиндур, эй кофири Чин, санга... [3, 8а-8б]

матлаъли ғазалларини битган эди.

"Илк девон"дан вазмин ва салобатли оҳангга эга бўлган ражази мусаммани солим (афойили ва тақтиъи: мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун, – – *V* – / – – *V* – / – – *V* – / – – *V* –) вазнида яратилган шеърлар ҳам ўрин олган бўлиб, унда шоирнинг 4 ғазали яратилган. Улардан бирининг матлаъини келтирамиз:

Эй, етти манзар тарҳиға меъмори сунъунгдин бино,
Маснуълар фоний, вале маслуби сониъдин фано... [3, 4а]

Навоийнинг ёшлик лирикаси орасида мунсариҳ баҳрида битилган ғазаллар ҳам мавжуд. Мунсариҳ баҳри туркий шеъриятимизда Алишер Навоийгача деярли қўлланилмаган (фақат ҳофиз Хоразмийда учрайди) баҳр бўлиб, Навоий унинг вазн имкониятларини ўрганиб, ушбу баҳрнинг туркий тил қонуниятларига тўла мос эканлигини исботлади ва ёшлик давридаёқ ушбу баҳрда 2 ғазал яратди. Улардан бирининг матлаъини келтирамиз:

Кўнглум очилмас даме бу бадани зордин,
– *V V* – / – *V* –/ – *V V* – – *V* –
Ўйлаки маҳкам тугун инчкароқ тордин. [3, 110б-111а]
– *V V* – / – *V* –/ – *V V* – – *V* –

Шоирнинг илк лирикасида сариъ баҳрида яратилган биттагина ғазал мавжуд бўлиб, бу баҳр ҳам туркий ғазалиётда кам қўлланилган эди.

Ёр лаби| акси тушуб |жом аро,
- V V - | - V V - | - V -
Бодаға жон| таъми берур |ком аро. [3, 9а-9б]
- V V - | - V V -| - V -

Алишер Навоийнинг 1465 йилдан 1471 йилгача яратилган шеърлари унинг мухлислар томонидан тартиб берилган иккинчи девони – "Оққуюнли мухлислар девони" (1471)дан ўрин олган бўлиб, унинг таркибида 229 та шеър бор [4], бу "Илк девон"даги шеърлардан қарийб икки баравар кам демакдир. Бу миқдор бевосита девондан ўрин олган шеърларнинг вазн кўрсаткичларига ҳам таъсир кўрсатади, албатта. Девондаги шеърларни аруз нуқтаи назаридан тадқиқ этиш натижасида уларда 6 баҳр, 22 вазндан фойдаланилганлиги маълум бўлди. "Илк девон"да истифода этилган *мунсариҳ* ва *сариъ* баҳрлари ушбу девон-

да қўлланилмаганлигини кўрамиз. Шунингдек, “Оққуюнли мухлислар девони”да рубоий жанридаги шеърларнинг ҳам мавжуд эмаслиги ундаги вазнлар сонининг нисбати камроқ бўлишига олиб келган. Девондаги шеърларнинг баҳрлар билан боғлиқ ҳолдаги вазн кўрсаткичларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т.р.	Баҳр номи	Ғазаллар	Бошқа жанрдаги шеърлар	Жами шеърлар сони
1.	Рамал	159	3	162
2.	Мужтасс	26		26
3.	Ҳазаж	22	2	24
4.	Музориъ	12		12
5.	Мутақориб	3		3
6.	Ражаз	2		2
	Жами	224	5	229

Агар диққат қаратилса, ушбу девонда аввалги девондан фарқ қилиб, рамал баҳридан сўнг мужтасс баҳри етакчилик қилаётганлигини кузатиш мумкин (“Илк девон”да 2-ўринни ҳазаж баҳри эгаллаган эди). Мужтасс баҳрининг 4 тагача ритмик вариацияга эга эканлиги ва бу орқали шоирда бир ғазал таркибида хилма-хил оҳангларни алмаштириш имконияти мавжудлиги, мужтасс вазнларининг “Шашмақом” куйларига мос тушиши Навоийнинг бу даврда ёзилган шеърларида ушбу баҳрга кўп мурожаат қилишига сабаб бўлгандир, эҳтимол. “Оққуюнли мухлислар девони”ни аруз тизими нуқтаи назаридан “Илк девон”дан ажратиб турувчи яна бир жиҳат унда аввалги девонда мавжуд бўлмаган баъзи вазнларнинг истифода этилганлигидир. Навоий бу йиллардаги ижодида рамал баҳрининг *рамали мусаммани машкул*, ражаз баҳрининг *ражази мусаммани матвийи махбун* каби вазнларидан ҳам фойдаланиб, ўз поетик маҳоратини намойиш этди. Хусусан, адабиётимизда жуда кам қўлланилган – рамали мусаммани машкул (афойили ва тақтиъи: фаилоту фоулотун фаилоту фоилотун, *V V – V / – V – – / VV – V / – V – –*)га мурожаат қилиб, ўзининг бир ғазалини яратди. Ушбу вазн таркибида 8 та қисқа ва 8 та чўзиқ ҳижонинг *фаилоту* ва *фоулотун* тарзида ўзаро алмашиниб такрорланиши мураккаб ва оҳанг жиҳатидан оғир, куйга осон тушмайдиган ўлчовни ҳосил қилади, шу сабабли мазкур вазндан шеъриятимизда кам фойдаланилган.

Талабим санинг ҳузурунг, дилагим санинг жамолинг
Неча кун дириклигимдин ғаразим санинг висолинг [4, 31а-31б]

деб бошланувчи ғазал шоирнинг ушбу мураккаб вазндан моҳирлик билан фойдаланганлигини кўрсатади.

А.Эркиновнинг маълумот беришича, ушбу девондаги шеърлар ўғуз лаҳжасига мослаштирилиб, баъзи сўзларнинг ўрни алмаштирилиб кўчирилган [5, 9]. Юқоридаги ғазалда ҳам “тилагим” сўзи “дилагим”, “тириклигим” сўзи “дириклигим” тарзида қўлланилганлигини, “талабим” ва “дилагим” сўзларининг ўрни алмашиниб келганлигини кузатиш мумкин. “Бадойиъ ул-бидоя” нашрларида ушбу байт қуйидаги шаклда келган:

***Тилагим** сенинг ҳузурунг, **талабим** сенинг жамолинг*
*Неча кун **тириклигимдин** ғаразим сенинг висолинг. [6, 290]*

Алишер Навоийнинг ўзи томонидан тузилган биринчи расмий девони “Бадоеъ ул-бидоя”нинг вазн хусусиятларини ўрганиш шоирнинг аруз тизимидан фойдаланиш имкониятлари шеърдан шеърга такомиллашиб борганлигини кўрсатади. Мазкур девонда энди арузнинг 9 баҳридан фойдаланганликни кўрамиз. Бу баҳрларни жадвалда қуйидагича акс эттириш мумкин:

Т.р.	**Баҳр номи**	**Шеърлар миқдори**
1.	Рамал	532
2.	Ҳазаж	284
3.	Мужтасс	137
4.	Музориъ	43
5.	Мутақориб	25
6.	Ражаз	16
7.	Сариъ	2
8.	Комил	1
9.	Хафиф	12
	Жами	**1046**

Жадвалдан кўринадики, шоир бу даврда аввалги девонларида фойдаланмаган икки баҳрга – *комил* ва *хафиф* баҳрларига ҳам мурожаат қилган ва туркий арузни янги баҳрлар билан бойитган. Маълумки, комил баҳри араб шеъриятига хос баҳрлардан бўлиб, бир рукн таркибидаги 5 тагача ҳижонинг мавжуд бўлиши муайян мураккабликни вужудга келтиради ва бу баҳр туркий шеъриятда Алишер Навоийгача истифода этилмаган эди. Навоий форс-тожик шеъриятида синовдан ўтган ушбу ўлчовни илк бор туркий шеъриятга олиб кирди. Унинг комил баҳрида яратган ягона ғазали кейинчалик “Хазойин ул маоний”нинг “Наводир уш шабоб” (339-ғазал) девонига киритилган. Ғазалнинг матлаъси қуйидагича:

Не хаёл эди янаким кўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг,
V V –V– / VV – V – / V V – V – / V V – V –
Баданимға ҳар саридин хаданг урубон анга қафас айладинг. [6, 298]
V V –V– / VV – V – / V V – V – / V V – V –

Шоирнинг бу даврда яратилган шеърлари орасида *хафиф* баҳрида яратилган ғазаллар ҳам мавжуд. Маълумки, ушбу баҳр кўп вазнлилик имконияти (ритмик вариация)га эга бўлиб, унинг биринчи ва учинчи рукнларида чўзиқ ва қисқа ҳижолар ўрин алмашиниб қўлланавериши мумкин. Масалан,

Лаб уза хатти анбаролуди,
Оташин лаълининг эрур дуди,

деб бошланувчи ғазалнинг бешинчи байтида дастлабки мисранинг биринчи ва учинчи рукнлари қисқа ҳижоларнинг етакчилик қилиши билан характерланади:

Тану жон риштаси ғамингға либос,
V V– – / V – V – / V V ~

Бу бири тори, ул бири пуди. [6, 570]
– V – – / V – V – / – –

Кўринадики, “Бадоеъ ул-бидоя” девонидаги шеърлар аввалги девонларда истифода этилмаган икки баҳр вазнларида ҳам битилган бўлиб, шоирнинг илк даври лирикасида маҳорат билан қўлланилган *мунсариҳ* баҳридан ушбу девонда фойдаланилмаган.

Умуман олганда, 1465-1480 йиллар оралиғи Навоий арузи такомилининг биринчи босқичи деб айтиш мумкин. Бу даврда шоир бир қатор янги баҳр ва вазнларни туркий шеъриятга олиб кирди ва туркий тил имкониятларининг кенглигини исботлади.

Навоий шеъриятида аруз такомилининг иккинчи босқичини 1480-1490 йиллар оралиғи ташкил қилади. Шоирнинг шу даврда тартиб берилган “Наводир ун-ниҳоя” девонидаги шеърлар аруз тизимининг 11 баҳрида яратилган [1]. Девоннинг йигирма жилдлик “Мукаммал асарлар тўплами”дан ўрин олган нашри асосида (жами 862 ғазал) ғазалларнинг вазн хусусиятларини ўрганиб чиқсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

Т.р.	**Баҳр номи**	**Ғазаллар миқдори**
1.	Рамал	599
2.	Ҳазаж	104
3.	Мужтасс	102
4.	Музориъ	18
5.	Мутақориб	22
6.	Ражаз	9
7.	Мунсариҳ	1
8.	Мутадорик	2
9.	Комил	1
10.	Хафиф	2
11.	Тавил	1
12.	Ариз	1[1]
	Жами	**862**

Агар девонда қўлланилган баҳрларни аввалги девонлар билан қиёсласак, “Наводир ун-ниҳоя”да аввалги девонларда мавжуд бўлмаган *тавил*, *мутадорик* ҳамда *ариз* баҳрлари қўлланилганлиги, аввалги девонларда истифода этилган сариъ баҳридан эса фойдаланилмаганликни кузатамиз.

Девоннинг ўзига хос баҳрларини кўриб чиқсак. “Наводир ун-ниҳоя”да илк тажриба сифатида қўлланилган *мутадорик* баҳри Алишер Навоийгача бўлган туркий шеъриятда учрамайди. Навоий мазкур баҳрнинг икки вазнини шеъриятимизга олиб кириб, уларнинг туркий тил имкониятларига қанчалик мос келишини тажрибадан ўтказди. Хусусан, мутадорики мусаммани солим (афойили ва тақтиъи: фоилун фоилун фоилун фоилун, *– V – / – V – / – V – / – V –*) вазнида унинг қуйидаги матлаъли ғазали битилган:

Жонға лаълинг майи жомидур мултамас,
Не Хизр суйи, не жоми Жамдир ҳавас [7, 194]

[1] Кейинги изланишлар натижасида девонда ариз баҳрида яратилган бир ғазал ҳам борлиги маълум бўлди (Бу ҳақда қаранг: Юсупова Д. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур: ариз баҳрига муносабат // Шарқ юлдузи, 2014. -№ 5)

Ушбу баҳрнинг яна бир вазни – *мутадорики мусаммани мақтуъ* (афойили ва тақтиъи: фаълун фаълун фаълун фаълун, – – / – – / – – / – – да ҳам шоирнинг бир ғазали яратилган:

Борғил, эй ҳамдам, ҳар ёни,
Кўнглум итмиш, топқил они. [7, 523]

Девондан араб шеъриятига хос яна бир баҳр – *тавил* баҳрида яратилган бир ғазал ҳам ўрин олган бўлиб, Навоий мазкур вазннинг тилимиз хусусиятларига мос келиши, енгил ва сержило оҳангга эга эканлигини тажрибада синаб кўрди ва кейинчалик ушбу вазн асосида яна икки ғазал яратди. Ушбу баҳр фаувлун ва мафоийлун рукнларининг кетма-кет такрорига асосланади ва шеъриятда фақат мусамман шаклда учрайди. “Наводир ун-ниҳоя”га киритилган ғазал матлаъсини кўриб чиқсак:

Юзунгдек қамар йўқтур, қадингдек шажар йўқтур,
Шажар бўлса ҳам анда лабингдек самар йўқтур [7, 154]

Девонга ариз баҳрида яратилган бир ғазал ҳам киритилган. Ариз баҳри форсий арузшуносларнинг кашфиёти бўлиб, араб шеъриятида қўлланилмаган. Тавил баҳрига ўхшаб мафоийлун ва фаувлун рукнларининг такрорига асосланганлиги учун арузшуносликда *мақлуби тавил* (тавилнинг акси) деб ҳам аталган, чунки унда аввал мафоийлун, кейин фаувлун рукнлари келади. Девонга киритилган ғазал ҳамд мавзусида бўлиб, қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Санойи зотинг ичра топиб ажз, аҳли идрок,
V – – – / V – –/ V – – –/ V – ~
Гаҳи ло уҳси айтиб замоне мо арафнок [7, 283]
V – – – / V – –/ V – – –/ V – ~

Навоий арузининг чўққиси “Хазойин ул-маоний” куллиёти девонларида акс этган. Куллиётда аруз тизимининг жами 13 баҳр, 100 га яқин вазн қўлланилган. Ушбу баҳр ва вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т.р.	**Баҳр номи**	**Вазнлар миқдори**	**Шеърлар миқдори**
1.	Рамал	20	1827
2.	Ҳазаж	35 (шундан 15 таси рубоий вазни)	668
3.	Мужтасс	5	348
4.	Музориъ	7	105
5.	Мутақориб	8	75
6.	Ражаз	4	24
7.	Мунсариҳ	3	12
8.	Мутадорик	3	3
9.	Комил	1	1
10.	Сариъ	2	3
11.	Хафиф	5	62
12.	Тавил	3	3
13.	Ариз	1	1
	Жами		**3132**

Навоий ушбу куллиётида аввалги девонларида кузатилмаган баъзи вазнларда шеърлар битиб, туркий аруз ривожини янги босқичга олиб чиқди. Рубоий вазнларининг янги ўлчовлари, *мунсариҳ*, *мутақориб* баҳрларининг шеъриятимизда қўлланилмаган вазнларидан илк бор фойдаланиб, уларнинг туркий тил имкониятларига мос эканигини амалий жиҳатдан исботлади. Хусусан, мунсариҳ баҳрининг мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуф (афойили ва тақтиъи: муфтаилун фоилоту муфтаилун фаъ, *–V V – / – V – V / – V V – / –*) вазнида шоир қуйидаги матлаъли ғазалини битди:

Кўнглум аро бир ажаб муҳол ҳавастур,
–V V – / – V – V / – V V – / –
Лабларидинким, ҳусули мумкин эмастур.
–V V – / – V – V / – V V – / –

Мутақориб баҳрининг *мутаттаввал* (кўп рукнли) вазни – ўн олти рукнли мутақориби мақбузи асламни туркий шеъриятга олиб кириш шоирнинг ушбу босқичдаги муҳим хизматларидан бўлди. Навоий ушбу ўлчовда икки ғазал яратди. Улардан бирини тақтиъи билан кўриб чиқамиз:

Не пок Мажнунки, бир паричеҳра пок ҳусниға зор бўлғай,
Бу пок ишқ ичра пок жон тарки этса, не ихтиёр бўлғай.
(“Фавойид ул-кибар”, 634-ғазал)

“Хазойин ул-маоний” куллиёти таркибидаги шеърларнинг вазн кўрсаткичи дастлаб арузшунос олим Содиқ Мирзаев томонидан 1948 йилда “Навоий арузи” номли номзодлик диссертацияси илова қисмида акс эттирилган ва бунда олим куллиётдаги ҳар бир шеърнинг баҳри ва вазнини алоҳида белгилаб берган эди. Кейинчалик бу кўрсаткич навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонов томонидан нашрга тайёрланган “Хазойин ул-маоний”нинг академик нашри (тўрт жилд)дан ўрин олди ва Навоий ихлосмандлари учун аруз назарияси ва амалиётини ўзлаштиришларида муҳим ҳисса бўлди. Кейинчалик арузшунос олим А.Ҳожиаҳмедов ушбу кўрсаткичларни тадқиқ этиб, уларни қайта кўриб чиқиш ва тўлдириш зарурати борлигини аниқлади ва ўзининг “Навоий арузи нафосати” тадқиқотида тузатилган ва тўлдирилган ҳолатда қайта эълон қилди. [1]

Умуман олганда, Алишер Навоий ўзигача бўлган туркий ва форсий шеъриятнинг вазн хусусиятларидан ижодий фойдаланган ҳолда ўз шеъриятида 13 баҳр ва 100 га яқин вазнларни қўллаб, туркий тилда ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратиш мумкинлигини исботлаб берди. Буюк мутафаккир томонидан туркий шеъриятга олиб кирилган баҳр ва вазнлар кейинги давр шоирлари учун маҳорат мезони бўлиб хизмат қилди.

Фойдаланган адабиётлар

1.Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Т.: Фан, 2006. – 288 б.

2.Алишер Навоий. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. МАТ. 20 жилдлик. – Т.:Фан, 1999. Ж.15.

3.Алишер Навоий. Илк девон. 1466 й. кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрл. Ҳ.Сулаймон. – Т.: Фан, 1968.

4.Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони. 1471 й. кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрл. А.Эркинов / Alī Shīr Navā'ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). Tokyo, 2015.

5.Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: Фан, 2012. – № 1.

6.Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1987. Т. 1.

7.Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1987. Т. 2.

8.Алишер Навоий. Хазойинул маоний (Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймонов). 4 жилдлик. 1-4-жилдлар. – Т.: Фан, 1959-1960.

9.Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси: Филол. фан.номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссерт. – Т., 1963.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЗОКИРЖОН ФУРҚАТ: АРУЗГА ДОИР РИСОЛАДАН ДАСТХАТ-КОНСПЕКТГАЧА

Аруз шеър тизими Шарқ халқлари шеъриятининг асосий шеърий ўлчови сифатида минг йиллардан бери туркий шеъриятимизда кенг қўлланилиб келаётган шеърий вазнлардан биридир. Унинг шеъриятимизга кириб келиши ва мустаҳкам ўрин олиши тасодифий бўлмай, исломдан олдинги шеърий меросимизда ҳам мисралардаги чўзиқ ва қисқа ҳижолар ўртасида муайян мутаносиблик мавжуд бўлган. Олимларимизнинг аниқлашларича, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асаридан ўрин олган 224 шеърий парча аруздаги *– V – –, V – V – , – V V –, V V – –, V – – –, – V –, V – –* туроқларига мос келувчи ўлчовда яратилган[1].

Туркий арузнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ривожланиши ва тараққиёти бевосита Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ. Буюк мутафаккир шоир ўзининг аруз қонун-қоидаларига бағишланган "Мезон ул-авзон" асарида 19 баҳр, 160 вазн ҳақида маълумот берган бўлса, лирик ва эпик шеъриятида 13 баҳр, 100 га яқин вазндан кенг фойдаланди ва бу билан аруз тизими туркий шеъриятнинг ажралмас қисмига айланганлигини асослаш билан бирга бу шеърий тизимнинг туркий тил қонуниятларига ҳар томонлама мос келишини исботлади.

Туркий арузшунослик Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг рисоласи билан янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Бобур ўзининг «Рисолаи аруз» ёки замонимизда "Мухтасар" номи билан машҳур бўлган асарида 21 баҳр, 537 вазн, 9 доира ҳақида муфассал маълумотлар бериб ўтган эди. Лекин афсуски Бобур рисоласидан сўнг туркий арузшунослик тарихида анча катта танаффус пайдо бўлди...

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида филология фанлари доктори, профессор Шариф Юсупов Фурқатнинг кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган бир неча дастхатларини топиб, «Адабий мерос» журналининг 1983 йил 4-сонида «Фурқат дастхатлари» сарлавҳаси билан эълон килди[2]. Улар орасида «Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни» дастхатининг мавжудлиги илм аҳли орасида катта қизиқиш уйғотди, бу асарнинг шеършунослик, хусусан, арузшуносликдаги салкам тўрт асрлик бўшлиқни тўлдиришига умид пайдо бўлди.

Матбуот ҳамда Фурқатга доир мақола ва тадқиқотларда «Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни» дастхатига турли шаклларда бўлса-да, муносабат билдириш бошланди. Холид Расул дастхатни Фурқат асарларининг 2-жилдига киритиб, уни аруз илмига доир "рисола" деб баҳолаган бўлса, Шариф Юсупов "дастхат асар" деб номлади. Ғулом Каримов ушбу асар ҳақида сўз юритиб, шундай деб ёзди: "Қўлёзма ҳолидаги бу кичкина китобча шеър илмининг қоидаси деб аталган бўлса ҳам, ўзбек шеъриятидаги – поэтикасидаги бир вазн – аруз вазни ва унинг қонун-қоидалари тўғрисида сўзлайди. Рисола Фурқатнинг ўз қўли билан ёзилган, ҳажми 16 бет, формати 12х22. Китобча аруз вазни билан танишмоқчи бўлган адабиёт ҳаваскорлари учун қўлланма тарзида тузилган. Унда арузнинг поэзиямизда энг кўп учрайдиган 55 баҳри ҳақида маълумот берилади"[3].

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 10.

[2] Юсупов Ш. Фурқат дастхатлари / Адабий мерос. – Т., 1983. – № 4. (Мақоладаги иқтибослар шу манбадан олинди).

[3] Каримов Ғ. Халқ, тарих, адабиёт. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

Шу тариқа мазкур дастхат Фурқатнинг арузга доир асари сифатида эътироф этила бошланди ва Фурқатга доир тадқиқотлар, дарслик ва қўлланмаларда ҳам ушбу маълумот ахборот тарзида такрорланаверди. Хусусан, ўрта мактабларнинг 9-синфига оид "Адабиёт" дарслиги (Тошкент, 2014)нинг 1-қисмида "Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат" деган мавзуда шундай дейилади: "Фурқат ижодий меросида тўрт илмий асар учрайди. Уларнинг учтаси этнографик характерда бўлиб, "Тўй тавсифи", "Гап таърифида", "Аза тавсифи" деб аталади. Тўртинчиси "Илми ашъорнинг қоидаи авзони" (Шеър илмининг ўлчов қоидалари) аталиб, адабиёт ҳаваскорлари учун қўлланма сифатида тузилган, унда аруз вазнининг қоидалари баён этилган" (151-бет)[1].

Лекин Фурқат дастхатини ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз жараёнида бу манба Фурқатнинг мустақил асари бўлмай, балки Алишер Навоий қаламига мансуб **«Мезон ул-авзон»** рисоласининг Фурқат томонидан ихчам тарзда қайта кўчирилган дастхат нусхаси (бошқача айтганда конспект) эканлиги маълум бўлди. Бу ҳол муқаддимани ўзаро солиштириш жараёнидаёқ кўзга ташланади. Қиёслаш учун ҳар иккала муқаддимадан парча келтирамиз. Алишер Навоий асари: *Аммо билгилким, аруз фаниким, назм авзонининг мезонидур, шариф фандур. Нечунким, назм илмининг рутбаси бағоят бийик рутбадир. Андоққи, Ҳақ субҳаноҳу ва таъолонинг Каломи мажидида кўп ерда назм воқеъ бўлубтурки, аруз қавоиди била ростдур. Ул жумладин бири бу оятдурким: "Лан танолул-бирра ҳатто тунфиқуна"-дур, вазни фоилотун фоилотун фоилундур..."*.[2] Энди Фурқат дастхатидан парча келтирамиз: *"Аммо билгилким, аруз фаники, назм авзонини мезонидур, шариф фандур. Нечунким, шеър илмининг рутбаси бағоят буюк мартабадур. Андоққи, Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг Каломи мажидида кўб ерда назм воқеъ бўлубдур. Андин бири буким: "Лан танолул бирра ҳатто тунфиқу". Вазни буким: Фоилотун фоилотун фоилун..."*

Шу тариқа Фурқат дастхатида «Мезон ул-авзон»нинг кириш қисмида берилган арузнинг «шариф фан» эканлиги, Куръондаги кўп оятлар аруз баҳрларига мослиги борасидаги фикрлар мухтасар тарзда келтирилгач, «Байт» деган сарлавҳа остида мисоллар рукн номлари билан биргаликда бериб борилади. Масалан:

Байт:

Зиҳи мулкингнинг ўн сакиз мингидин бир келиб олам,
Бу олам ичра бир уйлик қулинг Ҳавво билан Одам.
(Мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун)

Майи лаълингға гўёким, ҳаёти жон эрур мамзуж –
Ки ул эрмас зулоли чашмаи ҳайвон эрур мамзуж.
(Мафоъийлун мафоъийлун мафоийлун, мафоийлун)

Зиҳи қаддинг ниҳоли бутуб жон гулшанидин,
Юзунг меҳри кўнгулга кириб кўз равзанидин.
(Мафоъийлун фаулун мафоъийлун фаулун)

[1] Yo'ldoshev Q. va b. Adabiyot: Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik-majmua. – T., 2014.
[2] Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 16. (Бу ва кейинги иқтибослар шу манбадан олинди).

То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш,
Қонимни ҳалол айлаб, уйқумни ҳаром этмиш.
Мафъулу мафоъийлун мафъулу мафоъийлун

Энди шу мисолларнинг Алишер Навоий рисоласида қай тарзда акс этганлигини кузатамиз:

Ҳазажи мусаммани солим ул-аркон

Зиҳи мулкингнинг ўн сакиз мингидин бир келиб олам,
Бу олам ичра бир уйлук қулунг Ҳавво била Одам.
Мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун

Ҳазажи мусаммани мусаббағ

Майи лаълингға гўёким, ҳаёти жон эрур мамзуж -
Ки ул эрмас зулоли чашмаи ҳайвон эрур мамзуж.
(Мафоъийлун мафоъийлун мафоийлун, мафоийлун)

Ҳазажи мусаммани маҳзуф

Зиҳи қаддинг ниҳоли бутуб жон гулшанидин,
Юзунг меҳри кўнгулга кириб кўз равзанидин.
Мафоъийлун фаувлун мафоъийлун фаувлун

Ҳазажи мусаммани ахраб

То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш,
Қонимни ҳалол айлаб, уйқумни ҳаром этмиш.
Мафъулу мафоъийлун мафъулу мафоъийлун...

Кўриняптики, Фурқатнинг дастхати ҳам “Мезон ул-авзон”даги тартиб асосида *ҳазаж* баҳри вазнлари билан бошланяпти. Фақат Навоийдан фарқли ўлароқ, Фурқат ўз дастхатида ҳар бир байтни рукнлар асосида бериб борса, «Мезон ул-авзон»да аввал баҳр номи, сўнгра вазн номи ва ундан кейингина байт ва рукнлар тартиби келтирилган. Демак, кўринадики, Фурқат кўчирмалар келтиришда, иложи борича, уларни мухтасар ва содда тарзда ёзиб боришни маъқул кўрган ва шу билан аруз вазни қоидаларини осонлаштиришга ҳаракат қилган.

Фурқат ўз дастхатида жами 10 га яқин баҳр ва улар билан боғлик ҳолда 56 вазнни келтириб ўтган. Навоийда эса бу кўрсаткич 19 баҳр ва 160 вазнни ташкил этади. Фурқат ҳазаж баҳри вазнларини келтирар экан, уларни имкони борича тўлиқроқ беришга интилади ва ҳатто, рубоий вазнларининг ахрам шажараси билан боғлиқ вазнларга ҳам тўхталиб ўтадики, натижада дастхатда ҳазаж баҳрининг 30 дан ортиқ вазни мисоллар билан келтирилади. Бу дастхатдаги вазнлар кўрсаткичининг ярмидан кўпроғи шу баҳрга тегишли дегани. Демак, шу ўринда, яна бир ҳолатга диққат қаратиш зарурдек туюлади: Фурқатшунос олим-

ларнинг эътирофича, Фурқат бу дастхатни кўчираётган пайтда, Тошкентда бўлган. Айнан, шу ерда Фурқат ўзининг маърифатпарварлик руҳидаги кўплаб шеърлари, хусусан, «Илм хосияти», «Нағма ва нағмагар ва анинг асбоби ва ул нағма таъсири хусусида» каби шеърларини яратганки, улар арузнинг ҳазаж баҳрида эканлигини кузатиш мумкин. Фурқатнинг ўз дастхатида ҳазаж баҳрига батафсил тўхталганлигини шу ҳолат билан ҳам алоқадор деб айтиш мумкин.

Дастхатда *ражаз* ва *рамал* баҳрларига оид байтларнинг келтирилиши асносида эса, энди айрим қисқартиришлар вужудга келади: ражаз баҳрига доир 9 та, рамал баҳрига доир 3 та байтга тўхталиб ўтилади. Шу тариқа, Фурқат *мутақориб* баҳридан 2 та, *мунсариҳ*, *мужтасс*, *сариъ*, *қариб*, *мадид*, *комил*, *басит* баҳрларидан фақат биттадан байтларни келтириб ўтади. Фурқатнинг ҳазаж, ражаз ва рамал баҳрларига доир вазнларга нисбатан кенгроқ тўхталганлигини мазкур баҳрларнинг айнан туркий шеъриятга хос эканлиги ва Фурқат шеъриятида ҳам улар етакчилик қилиши билан боғлиқ ҳолда талқин қилиш мумкин. Профессор Анвар Ҳожиаҳмедовнинг ёзишича, Фурқат шеъриятида аруз тизимининг 7 баҳри ҳамда бу баҳрлар билан боғлиқ 21 та вазндан фойдаланилган[1]. Унинг жами 232 асаридан 135 таси рамал, 75 таси ҳазаж баҳрида яратилганлиги ижодкорнинг туркий аруз назариясини амалиёт билан муштарак олиб борганлигидан далолатдир.

Яна бир эътиборли томони шундаки, Фурқат ўз дастхатида бирор ўринда баҳрлар ёки вазнлар номини келтириб ўтмайди, балки байтларни фақат рукнлар тартиби асосида бериб боради. Бу ҳолат ҳам Фурқатнинг янги аср бошларига келиб, энди арузни нисбатан соддароқ, мураккаб атама ва истилоҳларсиз ўрганишни жорий қилиш зарурлигини кўрсатишга интилганлиги билан боғлиқ, деб айтиш мумкин.

Навоий «Мезон ул-авзон»да халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ айрим байтларни асарнинг сўнгги қисмида келтириб, уни ёзишдан мақсад ва ниятларини хотимада баён килгани ҳолда ўз асарини якунлайди. Фурқат эса, дастхатнинг охирида яна «Мезон ул-авзон»нинг баҳрлар қисмига, хусусан мутақориб баҳри вазнларига мурожаат қилади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: Фурқат дастхати ёки ниҳоясига етмай қолган ёки олим томонидан келтирилган кўчирмалар Фурқатнинг дастхатни яратиш билан боғлиқ мақсади учун етарли бўлган.

«Илми шеърнинг коидаи авзонини баёни»ни «Мезон ул-авзон» билан ўзаро қиёслаш жараёни шуни кўрсатдики, Фурқатнинг қўлида Навоий асарининг бошқа бир нусхаси мавжуд бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Бундай мулоҳаза юритишимизга сабаб, дастхатда келтирилган 56 байтдан 2 байт биз фойдаланган «Мезон ул-авзон»нинг 10 жилдлик Тўла асарлар тўплами нашрида ҳам, 20 жилдлик Мукаммал асарлар тўплами нашрида ҳам учрамади. Ҳар икки байт ҳазаж баҳрига оид бўлиб, бири мусамман рукнларга асосланган:

Зиҳи ҳусн авжи узра узоринг меҳри анвар,
Қулоғингда дуру лаъл ики пурханда ахтар, –

байти бўлса, иккинчиси мусаддас рукнларга асосланган:

Эй маҳваш, келки зордурмен,
Ҳажрингдан беқарордурмен, –

[1] Ҳожиаҳмедов А. Фурқат арузи // Фурқат ижодиёти. –Тошкент: Фан, 1990. – Б.84.

байтидир. Шунингдек, Навоий асаридаги баъзи байтлар Фурқат дастхатида бир оз ўзгарган шаклда учрайди. Хусусан, «Мезон ул-авзон»даги

«Эй орази насрин, сочи сунбул, қадди шамшод»

мисраси дастхатда:

«Эй орази насрин, юзи гул, қомати шамшод» шаклида,
«Раҳм қилки, бўлдум фурқатингдин абтар» мисраси

«Бўлдум фурқатингдин қил раҳм, абтар» шаклида ва ҳ.к. келтирилган. Буларнинг барчаси Фурқат фойдаланган нусханинг қўлимиздаги нашрлардан фарк қилишини кўрсатади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни» Фурқатнинг Тошкентда яшаган даври (1899-1891)да майдонга келган. Фурқат Тошкентда бўлган пайтида кўплаб шоирлар, санъаткорлар ва илм аҳллари билан танишади, улар билан суҳбатлар, мушоиралар уюштиради. Шоирнинг ўзи «Саргузаштнома» асарида ёзишича, шундай суҳбатлардан бирида ҳожи Муҳаммад Зуҳур исмли кишининг таклифи билан Тошкентнинг руслар яшайдиган қисмига боради ва у ерда гимназиядаги таълим тизими билан танишади. Гимназия директори унинг шеърият илмидан хабардорлигини фаҳмлаб, Фурқатни рус шоирларининг шеърлари билан таништиради. Шунингдек, Фурқат Тошкентда Лахтин босмахонасида ҳам бўлиб, у ердаги китоб нашр қилиш имкониятларини кўриб ҳайратланади ва ҳатто бир кишининг Фузулий «Девон»и ва «Лайли ва Мажнун» достонини минг нусхада нашр қилдирганлигини алоҳида эътироф этади. Фурқатнинг дастхати, айнан, шу даврда яратилганлигини ҳисобга олсак, қуйидагича мулоҳаза юритиш мумкин бўлади: Фурқат рус шоирлари шеърияти, гимназиядаги таълим тизими билан танишар экан, туркий шеърият учун асосий ўлчов бўлган аруз вазнини имкон қадар соддалаштиришни ва келгусида шу асосда ихчам ўқув қўлланма тузишни ният килган. Шу мақсадда, ўзи ёшлигидан устоз деб билган Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарини мухтасар тарзда кўчириб чиққан. Кейинчалик, бу дастхатни ўзи кўргани босмахонада кўпайтириб, эълон қилиш ниятида ҳам бўлган, эҳтимол. Аруз қонун-қоидалари билан боғлиқ мазкур асарга эҳтиёж ҳамма даврда катта бўлганлиги ушбу фикрни маълум даражада асослайди.

Хулоса қилиб айтганда, Фурқатнинг «Илми шеърнинг коидаи авзонини баёни» дастхати ижодкорнинг мустақил асари бўлмай, Алишер Навоий каламига мансуб «Мезон ул-авзон» асарининг мухтасар тарздаги кўчирмасидир. Фурқат ўз устозининг маҳорат мактабини ўзига намуна сифатида олиб, уни содда ва мухтасар тарзда ўз даври китобхонлари учун “қўлланма” (Ғ.Каримов таъбири) шаклида қайта кўчириб чиққан ва шу билан Навоий асарининг ўзбек китобхонлари орасида муайян маънода оммалашишига ўз ҳиссасини қўшган.

Фойдаланган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 16.
2. Каримов Ғ. Халқ, тарих, адабиёт. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
3. Юсупов Ш. Фурқат дастхатлари / Адабий мерос. – Т., 1983. – № 4.
4. Ҳожиаҳмедов А. Фурқат арузи // Фурқат ижодиёти. –Тошкент: Фан, 1990. – 196 б.
5. Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. –Тошкент: Фан, 2006. – 288 б.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ҚОФИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Алишер Навоий Шарқ мумтоз адабиётининг истеъдодли вакили сифатида ўз даврида мавжуд назарий қарашларни чуқур ўрганган ва ўз ижодий мероси билан XV аср адабиёт назариясининг тараққий топишига, бойишига хизмат қилган сўз санъаткоридир. Бу ҳолат бевосита унинг қофия санъатлари ва турларидан фойдаланиш маҳоратида яққол намоён бўлади.

Шеъриятга ҳам илм, ҳам санъат, ҳам халқ маънавиятининг ажралмас қисми сифатида муносабатда бўлган мутафаккир шоир қофия тизимига муҳим янгиликлар киритди ва шу амалий ҳаракатлари билан ўзбек адабиётини мумтозлик даражасига кўтарди. Навоий шеъриятида қўлланилган қофия тизимида салафлар томонидан амалга ошмаган қуйидаги жиҳатлар кўзга ташланади:

Маълумки, Алишер Навоий давригача бўлган туркий шеъриятнинг қофия тизими форс-тожик шеърияти туфайли анъанавийлик касб этган қофиядош сўзлар асосида шаклланган эди. Навоий бу анъанани ижодий ўзлаштириб, форсий қофиядош сўзлар тизимига туркий қофиядош сўзларни шу қадар маҳорат билан сингдирдики, натижада асли форсча бўлган сўзлар ҳам туркча жаранг ва оҳанг касб этди. Масалан, *арғувон, жон, равон, замон* каби арабий ва форсий қофиядош сўзлар таркибига *қон, йиғлабон, ёмон* каби ўзбекча қофиядош сўзлар қўшилгани туфайли шеър айтиш имкониятлари янада кенгайди.

Навоий асарларида қофия тизими кўпинча шеърнинг оҳанги, мавзу ва мундарижасига мос равишда танланган. Масалан, ҳамд ва наът мавзусидаги ғазаллар ҳамда “айн”, “зол”, “то”, “зо”, “сод”, “зод” каби араб тилига хос бўлган ҳарфлар билан тугалланадиган ғазалларда Навоий арабча қофия ва радифлар тизимидан фойдаланади. Ушбу ҳарфлар билан тугалланадиган мураддаф ғазалларда эса, имкони борича туркий қофиядош сўзлардан фойдаланиб, шу орқали қофия мустақиллигини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Маълумки, араб тилида кесим гапнинг бошида келади. Форсий ва туркий тилларда эса кесим хулосаловчи қисм сифатида одатда гапнинг охирида келишини биламиз. Форс тилида қофиядош феъллар тизими жуда камлиги сабабли, форсигўй шоирлар шеърда феълни ўртароққа олишга мажбур бўладилар. Шу сабабли, форс шеъриятининг грамматик тузилиши тилнинг грамматик қолипларидан фарқланади. Туркий тилда қофиядош феъллар туркуми кўплигини нозик англаган Навоий кўпинча шундай услубни танлайдики, шеърнинг насрий баёни билан асл матннинг ўртасида деярли фарқ қолмайди:

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Кўриниб турганидек, байтда гапнинг грамматик тузилиши ўзгармаган. Бу ҳолат туркий тилнинг қофия тизимидаги имкониятлари форс тилига нисбатан анча кенглигини кўрсатади.

Салафлар ижодида бўлгани каби Алишер Навоий шеъриятида ҳам қофия асарнинг ғояси ва умумий оҳангини белгиловчи восита сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Масалан, “Бадойиъ ул-васат” девонидан 425-рақам остида ўрин олган қуйидаги ғазалда қофия учун

танланган сўзлар ғазалнинг мазмуни ва вазнини белгилашда етакчи омил бўлиб хизмат қилганлигини кузатиш мумкин. Ғазалнинг дастлабки икки байтини кўриб чиқсак:

Куяр ҳажрингда жисми нотавоним,
Не жисми нотавонким, хаста жоним.
Гар ўлтурсанг мени, қил тиғ ила қатл
Ки, бўлсун кўюнга оғушта қоним...

Ғазалда ҳижрон мавзуси ифодаланаётганлигини кўришимиз мумкин. Қофия сифатида танланган "нотавоним", "хаста жоним", "қоним" сўзлари бир томондан ушбу мазмунни очиб беришга хизмат қилса, иккинчи томондан ғазалнинг умумий оҳанги ёки вазнини белгилашга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, *нотавоним*, *хаста жоним* сўзларининг тақтиъи "*–V – –*" белгисидан иборат бўлиб, бу бевосита ҳазаж баҳрининг якунловчи рукни *фаувлун*нинг таркибий қисмига мос келади, чунки олти рукнли вазнларда *– V – –* тақтиъи солим шаклида қўлланилмайди, шу сабабли ғазал ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнини тақозо қилмоқда.

Алишер Навоийнинг қофия қўллашдаги маҳорати ва новаторлиги ҳақида сўз борганда, унинг соф туркий сўзлардан фойдаланиб, қофия яратишга бўлган интилишини алоҳида таъкидлаш зарур. Маълумки, туркий тилда қофиялар асосан феъллардан иборат бўлиб, Навоий шеъриятида уларнинг аксарияти туркий тилга хос яна бир хусусият – қўшимчалар асосида янги сўз ҳосил қилиш ёрдамида вужудга келтирилган. Масалан, "Ғаройиб ус-сиғар" девонидаги "бе" ҳарфи билан тугалланган ғазалларда феъл-қофияларнинг асосан қўшимча ҳисобига вужудга келтирилганлигини кузатамиз. Ғазалнинг дастлабки 3 байтини кўриб чиқсак:

Бовужудиким адам бўлдум ғамидин ***қайғуруб****,*
Ҳеч оғзининг сўроғин лаълидин топман ***сўруб****.*

Жонки, қат-қат қон бўлуптур, доғи ишқинг кетмагай,
Лола баргидек ани бир-бир совурсанг ***куйдуруб****.*

Новакинг кўнглумда қилмиш хона бовар қилмасанг,
Кўксума илгингни келтурким, туруптур ***билгуруб****.*

Ушбу байтларда қофия учун танланган сўзларнинг барчаси феъл сўз туркумидан иборат бўлиб, уларда қўшимчалар ёрдамида оҳангдошлик вужудга келтирилган, лекин айни пайтда мумтоз қофия талабига риоя қилинган: "р" ҳарфи барча қофиядош сўзлар учун равий вазифасини ўтаган.

Навоий туркий шеъриятда биринчилардан бўлиб, ғазални ички қофиялар асосида (мусажжаъ ғазал) яратиш анъанасини ҳам бошлаб берди. Унинг қуйидаги мусажжаъ ғазалида ички қофия зулқофиятайн (қўш қофиялилик) билан бирлашиб, оҳангнинг янада жозибали ва таъсирчан чиқишига замин ҳозирлаган:

Вайронаедур масканим, андин манга <u>бисёр</u> ***ғам****,*
Оҳим била эшикта ўрт, ашким била <u>девор</u> ***нам****.*

Нўшидин элга **гуфтугў**, *эй ҳажр ичармен мен* **оғу**,
Кош ўлсуму кўнглумни **бу** *андуҳдин* *қутқор**сам.***

Қил ишқ дайрида **мақар**, *сукконига солғил* **назар**
Ким, бор бу мажмаъ ичра **ҳар** *дурдийкаши* *хаммор* ***Жам***.

Ҳар ерки анда бир **нафас**, *ишратқа топсам* **дастрас**,
Юз қатла айлармен **ҳавас***ким, бўлса эрди* *ёр* ***ҳам***.

Соқий, бугун майни **унут**, *мендек даме хуноба* **ют**,
Мутриб навойи навҳа **тут**, *созингға боғла* *тор* ***бам***.

Десамки, эй бадмеҳр **ўғул**, *юзунг кўруб ой тутти* **йўл**,
Дер: "ер қуйи гар борди **ул**, *бир шабрави* *айёр* ***кам***".

Мискин Навоий берса **жон**, *эй дийда, ҳар дам тўкма* **қон**,
Ул ҳар неча қилса **фиғон**, *сен асрағил* *зинҳор* ***дам***.
("Ғаройиб ус-сиғар", 415-ғазал)

Агар ғазалга эътибор қаратилса, ундаги асосий қофиялар (ғам, нам, жам, ҳам...) ёнида яна бир қўшимча қофия (бисёр, девор, хаммор, ёр...) қўлланилиб, ғазалнинг бошдан охиригача қўшқофияли бўлишига замин ҳозирлаган бўлса, иккинчи томондан ҳар бир байтнинг тенг тўрт бўлакка бўлиниб, 1-, 2-, 3- бўлакларнинг ўзаро қофиядош қилиниши ғазалнинг мусажжаъ бўлишини таъминлаган. Қўшқофиялилик бевосита вазннинг ҳам танланишига сабаб бўлган, чунки биринчидан мусажжаъ ғазалларни фақат симметрик, яъни цезура (пауза) нинг икки томонидаги рукнлар тенг бўлган вазнлардагина битиш мумкин, иккинчидан эса *бисёр ғам, девор нам* қофиялари – – *V – (мустаъилун)* тақтиъига мос келади, бинобарин, бу рукн *ражази мусаммани солим* вазнини тақозо қилади. Ғазалнинг қофияланиш усулидаги яна бир диққатни тортадиган жиҳат иккинчи байтда бўлиб, бу "қутқорсам" қофиясидир. Бу сўз аслида яхлит феъл шаклида келган. Лекин шоирнинг маҳорати шундаки, у асосий қофиялар (ғам, нам...)да "м" ҳарфини равий тарзида келтирган, қўш қофиялар (бисёр, девор...) учун эса равий сифатида "р" ҳарфидан фойдаланган эди. Иккинчи байтда энди усталик билан бир сўзни яширин тарзда икки қофияга ажратиб юбориб, оҳангнинг яхлит лигини таъминлайди, яъни ғазалнинг умумий қофияланиш тизимидан келиб чиқиб, "қутқорсам" сўзини "қутқор" ва "сам" шаклларида қўллайдики, бу шоирнинг қофия қўллашдаги маҳоратини кўрсатувчи яна бир муҳим далилдир. Бу каби мисолларни Навоий шеъриятида кўплаб келтириш мумкин.

Фойдалаланган адабиётлар

1. Акбарова М. Алишер Навоий ғазалларида қофия: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 1997.

2. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. ТАТ. 10 жилдлик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. 1–4-ж.

3. Алишер Навоий: қомусий луғат. 1-2-жилдлар /Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. – Т.: Шарқ, 2016.

4. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ, 1998.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ “АШИЪАТ УЛ-ЛАМАЪОТ” АСАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИДА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ЎРНИ

Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг буюк ижодига тенг юксак шахсияти ва ижтимоий фаолияти ўз давридаёқ замондошларининг ҳам эҳтироми ва муҳаббатига сазовор бўлганлиги бугунги илм аҳлига яхши маълум. Тарихчи Хондамирнинг Навоийга бағишлаб “Макорим ул-ахлоқ” рисоласини яратганлиги ва ўз асарини “Мукаррам хулқлар” (яхши, улуғ хулқлар) деб атаганлиги, форс-тожик адабиётининг буюк ва энг сўнгги классиги деб эътироф этиладиган Абдураҳмон Жомий бадиий ижоднинг деярли барча соҳаларида форсигўй адиблар эътирофини эмас, айнан Алишер Навоий фикрларини алоҳида эътиборга олганлиги фикримизни асослайди. “Ҳайрат ул-аброр” достонида Навоийнинг Жомий яратган асарларни аввал ўзи, кейин бошқалар кўриш ва мутолаа қилиш бахтига муяссар бўлишини

Номағаким роқим этиб хомасин,
Кўрмади мен кўрмайин эл номасин, –

деб фахрия тарзида ёзганлиги ҳам бунга ёрқин мисолдир.

Навоий деярли барча асарлари дебочаси ё хотимасида “муршиду устоду пири” – Мавлоно Жомийнинг исмини эҳтиром билан тилга олгани каби, Абдурамон Жомий ҳам қатор асарларини Навоийнинг илтимоси билан битгани ҳақида ўз асарларида алоҳида тўхталиб ўтган, ҳатто “Юсуф ва Зулайхо” достонининг хотима қисмида достон қаҳрамонларидан мақсад Алишер Навоий эканлигини мамнуният билан таъкидлаган.

Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий муносабатлари ҳақида маълумот берувчи энг мўътабар манба, бу аввало, икки ижодкорнинг ўз асарларидир. Айниқса, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” рисоласи бу борада бизга қимматли маълумотлар бера олади. Навоий асарда шахсий муносабатлар баробарида ижодий ҳамкорлик жараёнларига ҳам қисқача тўхталиб ўтган. Жумладан, ушбу асарнинг учинчи мақолати Жомий асарларининг рўйхати билан бошланиб, Навоий устозининг 38 асарини санаганидан сўнг “бу фақир алар таснифиға сабаб ва боис бўлубмен ва бу маъни кўпрак кутуб ва расоилда мазкурдур”, дея ушбу баракали ижоднинг яратилишида ўзининг ҳиссаси борлигини ифтихор билан қайд қилиб ўтади ҳамда айрим асарларнинг яратилиш тарихи ҳақида маълумот беради.

Мазкур асарларнинг аксар қисми Навоийнинг ҳиммати ва рағбати туфайли дунёга келганини ҳам ҳисобга олсак, бу икки буюк зот даврнинг илм-фани ва маданияти ҳақида жуда кенг қамровда фикр юритганлари, шунингдек, Навоий соҳибтадбир вазир ва заковатли шогирд сифатида Жомий истеъдодидаги янги қирраларнинг сайқал топишига имконият яратиб берганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, Шайх Фахриддин Ироқийнинг “Ламаъот” асарига Жомий томонидан битилган шарҳ – “Ашиъат ул-Ламаъот”нинг яратилиш тарихига назар солсак.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”да келтирилишича, Навоий Жомий ҳузурида тасаввуф истилоҳлари ва назарияси бўйича сабоқ олиб юрган пайтларида анчадан бери кўнглига тугиб юрган бир орзусини устозига айтишга жазм қилади. Бу соҳирнафас шоир ва тасаввуф билимдони Фахриддин Ироқий (1213-1289)нинг “Ламаъот” (“Шуълалар”) асари бўйича таҳсил олиш орзуси эди. Мазкур асар муқаддима, 28 ламъа (боб) ва хотимадан иборат бўлиб,

унда ишқи ҳақиқий ва у билан боғлиқ масалалар қаламга олинган эди. Жомий Навоийнинг орзусини эшитгач, Ироқийнинг бу асари билан таниш эмаслигини айтади, лекин айнан Навоий илтимос қилганлиги учунгина ҳали ўзи ўқиб чиқмаган китобдан унга сабоқ беришга рози бўлади. Жомий асарни ўқиб чиқиш жараёнида унда теран маънолар ғоят нуктадонлик ва нозик ишоралар билан ифода этилганлигини кўриб, ҳайратга тушади ва асарга мафтун бўлиб қолади. Бир неча сабоқдан сўнг шарҳларга эҳтиёж сезилади. Жомий Шайх Ёр Али ва бошқа шориҳларнинг шарҳларига мурожаат қилади ва сабоқ жараёнида улардаги чалкашликларни танқид қилиб, тузатади. Бу ҳолат кўп такрорланганидан сўнг Навоий Жомийдан "Ҳазрати Махдум шафқат юзидин толибларга бу мушкилни осон қилмоғи" учун ўзи мукаммал шарҳ ёзиб беришини илтимос қилади ва Жомий яна шогирди ҳамда дўстининг сўзини икки қилолмай, бу илтимосни ҳам бажаради. Шу тариқа Ироқий асарининг шарҳи ўлароқ яратилган "Ашиъат ул-Ламаъот" дунёга келади.

Шу ўринда савол туғилади: наҳотки Жомийдек тасаввуф билимдони ва пиру муршид Шайх Ироқий асари билан таниш бўлмаган бўлса?

"Ашиъат ул-Ламаъот"нинг муқаддима қисмида қизиқ бир далилга дуч келдик: Жомийнинг таъкидлашига кўра, Фахриддин Ироқий ўз даврида айрим мутаассиб замондошлари ва сохта шайхларнинг туҳматига қолиб, бадном бўлган экан. Шу сабаб Жомий бу зотнинг асарларига ортиқча эътибор қаратмаган, "Нафаҳот ул-унс"да Фахриддин Ироқийга алоҳида фасл ажратгани ҳолда шайх ҳақидаги замондошларининг фикрларига муносабат билдирмаган экан. Айнан шу кезларда "ажалли ихвон ус-сафо ва аъаззи хиллон ул-вафо" (софдил биродарларнинг энг улуғи ва вафоли дўстларнинг энг азизи) Алишер Навоий бу китобни тасҳиҳ ва муқобала қилиш (илмий-танқидий матнини яратиш)ни сўраб илтимос қилади. Жомий бу китобнинг ҳар бир саҳифаси ҳақиқат нури билан зиё топгани ва ҳар бир сўзи маърифат боғининг ифорини таратаётганини кўриб, унга мафтун бўлади ва Навоийнинг илтимоси билан дастлаб "Ламаъот" нусхаларидаги чалкашликларни бартараф қилиб, илмий-танқидий матнни тиклайди, сўнг ҳар бир бобдан кейин арабий жумлалар ҳамда мураккаб истилоҳларга шарҳ бериб, қисқа муддатда бу ишни ниҳоясига етказади.

Навоий "Ламаъот"дан сабоқ олиш ва унинг шарҳи яратилиши даврини "ул вақтдаким, фақир алар хизматида сўфия румузу ишорот ва алфозу иборот истилоҳин ўткарур эрдим", дея таърифлаган. "Ашиъат ул-Ламаъот" асари 1481 йилда ёзилганини инобатга олсак, айнан шу даврдан бошлаб Навоий тасаввуф назарияси билан жиддий шуғуллана бошлаганлиги маълум бўлади.

Жомий "Нафаҳот ул-унс"да Фахриддин Ироқий Дамашқда, Муҳйиддин Арабий мақбарасининг орқа томонида дафн этилганлиги ҳақида маълумот берган. Бундан 1471 йили Жомий Ироқ йўли орқали ҳажга борганида "Ламаъот" муаллифининг қабрини зиёрат қилганлиги маълум бўлади. Лекин шунга қарамай, Жомий Ироқийнинг шахсияти ва ижодига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган. Айнан Навоийнинг тарғиб-ташвиқи туфайлигина Ироқийнинг ижоди билан танишишга муяссар бўлган ва Ироқийнинг шахсияти ҳамда ижодига нисбатан муносабати ўзгарган Жомий ўз навбатида Навоийни ҳам бу мўътабар ирфоний манба билан таништирган.

"Ламаъот"дан олинган сабоқ Навоийни ижодининг кейинги жараёнида ҳам унинг муаллифи шахсиятига "ҳамроҳ қилади": буюк мутафаккир ўз асарларида, жумладан "Хамса", "Насойим ул-муҳаббат" ва "Маҳбуб ул-қулуб"да шайх тимсолига қайта-қайта мурожаат эта-

ди. “Ҳайрат ул-аброр”нинг 9-мақолатида ўз ижодининг ўзак мавзуси бўлган ишқ ҳодисасига таъриф берар экан, мақолатга илова тарзида келтирилган ҳикоят учун Фахриддин Ироқийни бош қаҳрамон қилиб олади. Ҳикоятда Ироқийнинг пок муҳаббати ҳақида сўз борар экан, Навоий “ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок” ошиқнигина ҳақиқий ошиқ деб ҳисоблайди ва агар ишқ унинг ишқи каби пок ва мусаффо бўладиган бўлса, бу ишқ йўлида ўлмоқ ҳам саодатдир деган фикрни илгари суради:

Ишқда пок ўлса киши бу сифат,
Хосият ўлур бу сифат оқибат...
Ишқ сени қилса, Навоий, ҳалок,
Пок эса ул ишқ ўлумдин не бок.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Ишқ зикрида” деган бобида ҳам Ироқийни хослар ишқини куйловчи шоир сифатида тилга олар экан, уни “яна сўзи поку, кўзи пок ишқ аҳлида мужаррад ва мунфарид ва бебок бу тоифанинг беназиру адил ва тоқи фахрул-миллату вад-дин Шайх Ироқийдурким, ишқ сифотиға муттасифдур ва ламаъоти пок маоний ва тарокибиға мунсифдур” деб таърифлайди.

Бу каби таъриф кейинчалик “Фарҳод ва Ширин” достонининг бош қаҳрамони Фарҳодга нисбатан “...кўнгли поку ҳам кўзи пок, Тили поку сўзи поку ўзи пок” тарзида такрор қўлланилганлиги Навоий ишқ концепциясини баён қилишда Ироқий тимсолини намуна қилиб олганлигидан далолат беради.

Навоийнинг Жомийдан “Ламаъот” асари бўйича таҳсил олиш жараёни ҳақида маълумот олиш асносида яна бир жиҳат диққатимизни тортди: Жомий ҳам, Навоий ҳам ўз ижодий фаолиятлари давомида матншунослик масалаларига жиддий эътибор қаратганлар. Матндаги ноаниқликлар туфайли шарҳларда адашишлар пайдо бўлганини тўғри илғаган Жомий дастлаб асл матнни тиклаб, кейин шарҳ ёзишга киришганки, бу Жомийнинг нуктадон матншунос сифатидаги фаолиятидан дарак беради. Шунингдек, Жомий ҳам, Навоий ҳам ўз асарларини ўз қўллари билан тартибга солиб, куллиёт ҳолига келтиришлари билан боғлиқ жараён ҳам айнан 1480-йиллардан кейин бошланганига эътибор қаратсак, “Ламаъот”нинг қисмати уларга ибрат бўлган, деган фаразни илгари суришимиз асосли бўлади.

Юқоридаги ҳолатлардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Абдураҳмон Жомий Шайх Фахриддин Ироқий ҳақидаги турли номақбул фикрлар таъсирида унинг асарлари, хусусан “Ламаъот” асарини мутолаа қилишга рағбат билдирмаган, лекин Навоийнинг илтимоси ва даъвати туфайли асар матни билан танишиб чиқиб, унга мафтун бўлиб қолган ва асар бўйича Навоийга сабоқ берган.

2. Сабоқлар жараёнида “Ламаъот” асари нусхаларида чалкашликлар борлиги маълум бўлган. Жомий Навоийнинг илтимоси билан ушбу чалкашликларни бартараф этган ва ҳатто асарнинг илмий-танқидий матнини яратиб, сўнг ҳар бир бобдан кейин арабий жумлалар ҳамда мураккаб истилоҳларга шарҳ берган. Натижада асарнинг ҳам илмий- танқидий матни, ҳам унга шарҳ сифатида “Ашиъат ул-Ламаъот” асари вужудга келган.

3. “Ламаъот” асарининг қисмати Жомийга ҳам, Навоийга ҳам сабоқ бўлган: икки мутафаккир айнан 1480-йиллардан бошлаб асарларини ўз қўллари билан тартибга солиб, куллиёт ҳолига келтирганлар.

4. Навоийнинг тасаввуф назарияси билан жиддий шуғуллана бошлаш даври ҳам айнан шу йилларга тўғри келади.

5. Алишер Навоий асарларида ишқ билан боғлиқ ўринларда айнан Фахриддин Ироқий шахсияти ва тимсолига мурожаат қилиниши тасодифий бўлмай, "Ламаъот"дан олинган сабоқлар таъсирида вужудга келган ҳолат деб айтиш мумкин.

Шарқшунос олим Е.Э.Бертельс "Навоийни тўлиқ англаш учун унинг кутубхонасидан хабардор бўлиш керак," деган эди. Маълум бўляптики, Алишер Навоийнинг 1481 йилдан кейин яратилган асарларини ўрганишда, улардаги ирфоний-тасаввуфий маъноларни англашда энг аввало Жомийнинг "Ашиъат ул-Ламаъот" ҳамда Ироқийнинг "Ламаъот" асарларига мурожаат қилиш лозим бўлади. Шундагина биз Навоий қўллаган ирфоний атамалар ва тасаввуфий истилоҳларни тўғри шарҳлаш имконига эга бўламиз.

Фойдланган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1991. Т. 8.

2. Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1999. – Т. 15.

3. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 2001. Т. 17.

4. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1998. Т.14.

5. Алишер Навоий: қомусий луғат. 1-2-жилдлар /Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. – Т.: Sharq, 2016.

6. Афсахзод Аълохон. Лирика Абд ар-Рахмана Джами. Проблемы текста и поэтики. – М.: Наука, 1988. – 326 с.

АЛИШЕР НАВОИЙ МУХАММАСЛАРИ ЎЗ ҒАЗАЛЛАРИГА БОҒЛАНГАНМИ?

Алишер Навоий йигитлик давридаёқ шоир сифатида катта шуҳрат қозонган. Шоирнинг ўзи ҳали расмий девон тартиб беришга улгурмай, унинг шеърлари киритилган икки девон: бири Машҳадда (“Илк девон”), бири Шерозда (“Оққуюнли ихлосмандлар девони”) мухлислар томонидан тузилиб, кўчирилганлиги ҳазрат Навоий шеърларига ҳамма даврларда, хусусан, ўз даврида ҳам юқори даражада эҳтиёж бўлганлигидан дарак беради. Адабиёт яратилибдики, ҳали жаҳон Алишер Навоийдек икки девони ихлосмандлари томонидан тартиб берилган иккинчи бир шоирни кўргани йўқ.

Алишер Навоий шеърияти жанрларга бойлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Унинг туркий тилда яратган шеърлари 16 жанрда бўлиб, ушбу ижод намуналари том маънода шакл ва мазмун бирлигининг юксак намунаси ҳамдир. Ушбу 16 жанр орасида мухаммас алоҳида ўрни тутади. Чунки ўрганишлар натижасида маълум бўлдики, шоир ўз ғазалларига мухаммас боғлашдек янги анъанага асос солган экан.

“Хазойин ул-маоний” номли йирик куллиётдан шоирнинг 10 та мухаммаси ўрин олган. Маълумки, мухаммас арабча “бешлик” маъносини билдириб, ҳар банди беш мисрадан иборат шеър шакли ҳисобланади. Мухаммаслар яратилиш хусусиятига кўра 2 хил бўлади:

1) *табъи худ, яъни мустақил мухаммас; 2) тахмис – ғазални бешлантириш асосида яратиладиган мухаммас.*

Табъи худ мухаммасда барча мисралар бир шоирнинг ўзи томонидан яратилади. Бунда ижодкор ўзга шоир шеърини асос қилиб олмайди, балки ўзи мустақил равишда бешлик яратади. Тахмисда эса муаллиф ўзга шоир ёки баъзида (жуда кам ҳолларда) ўз ғазалини асос – замин қилиб олиб, шу мавзуни давом эттиргани ҳолда, вазн, қофия ва радифни сақлаб қолиб бешлик яратади. Бунда асос қилиб олинган ғазалдаги ҳар байтнинг юқори қисмига уч мисра қўшилади. Мақтаъ бандда тахмис боғлаётган шоирнинг тахаллуси ҳам келтирилади.

Қизиғи шундаки, Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”га киритилган 10 мухаммасидан барчаси тахмис, яъни ғазални бешлантириш асосида вужудга келган мухаммас ҳисобланади. Буларнинг 3 таси “маликул калом” Лутфийга, қолган 7 таси эса шоирнинг ўз ғазаллари асосида яратилганлиги билан характерланади. Мумтоз адабиётимиз тарихида ижодкорнинг ўз ғазалига тахмис битиш ҳодисаси кам учрайди.

Аввало, Алишер Навоий ўзининг илк тахмисини қачон битган ва у кимнинг ғазалига боғланган, деган савол устида қисқача тўхталсак. Профессор Ҳамид Сулаймон томонидан тайёрланган ва шоирнинг дастлабки шеърлари киритилган “Илк девон”нинг фотонусха нашрида бир мухаммас мавжудлигини кўрамиз[1]. Бу мухаммас девоннинг 137б–138а саҳифаларидан ўрин олган бўлиб, мавлоно Лутфий ғазалига боғланган. Агар ушбу девоннинг 1465-1466 йилларда тузилганлигини ҳисобга олсак, Алишер Навоий ўзининг илк тахмисини 25 ёшига қадар яратиб бўлганлиги маълум бўлади. Мазкур тахмис қуйидаги банд билан бошланади:

[1] Алишер Навоий. Илк девон (1466 йилда кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри) // Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймонов. – Тошкент: Фан, 1968.

Шарбати “юҳйил изом” эрни майи нобиндадур,
Сураи «вашшамс» тафсири юзи бобиндадур,
Шарҳи “мозоғулбасар” наргислари хобиндадур,
Лайлатул меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,
Қоба қавсайн иттиҳоди қоши меҳробиндадур.

Бунда ажратиб кўрсатилган мисралар Лутфий қаламига мансуб бўлиб, юқоридаги уч мисра Алишер Навоий томонидан битилган.

Ўзга шоир ғазалига тахмис боғлаш бу гўё шу шоир билан ижодий ҳамкорлик ва муайян маънода адабий мусобақага киришишдир. Шунинг учун ҳам ижодкорлар одатда ўз тахмисларини маълум поэтик маҳоратга эга бўлганларидан кейин ярата бошлаганлар. Яна шуни унутмаслик керакки, бунда ғазал муаллифи билан унга тахмис боғлаётган муаллиф ўртасида муштарак дунёқараш, эстетик идеал ҳамоҳанглиги ва ғоявий яқинлик бўлиши зарур. Тахмис муаллифи ғазалда келтирилган фикрларни мантиқан ривожлантириб, уни ўз ижодий ғоялари билан шундай тўлдириши ва бойитиши керакки, натижада вужудга келган шеър унга асос бўлган ғазал билан уйғунлашиб, бир муаллиф томонидан яратилгандек тасаввур уйғотсин.

Шу ўринда савол туғилади: Нега Алишер Навоий ўзининг илк тахмисини айнан Лутфийнинг шу ғазалига боғлади?

Саволга жавоб топиш учун Лутфий ғазалига эътибор қаратамиз. Ғазал қуйидаги байт билан бошланади:

Лайлатул меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,
Қоба қавсайн иттиҳоди қоши меҳробиндадур.

Матлаъдаёқ маълум бўладики, Лутфий ғазалининг лирик қаҳрамони гўзалликда тенгсиз ёр. Унинг тундек қора сочи замирига меърож кечасининг шарҳи яширинган, меҳробдек қоши эса қоба қавсайн – икки ёй оралиғидаги масофани ёдга солади. Бу ўринда мавлоно Лутфий ёр тасвири асносида пайғамбарнинг меърож тунида Холиқ ҳузурига кўтарилиши ва Яратган билан расул орасидаги масофа икки қош оралиғидек яқин бўлганлиги ҳодисасига ишора қилади. Ғазалнинг кейинги байтлари ҳам ёр гўзаллиги таърифи билан давом этиб, унинг ширин ва жонбахш лабидан салсабил (жаннат булоғи) саргардон, Хизр ва Исо Масиҳлар хижолатда эканлиги таъкидланади. Шу тариқа ғазал байтлари ёр таърифу тавсифи тарзида давом этади.

Алишер Навоийнинг мазкур ғазалга мурожаат қилиши ҳам тасодифий бўлмай, муайян асосларга эга. Маълумки, тасаввуфдаги ваҳдатул вужуд (бутун борлиқнинг ягоналиги) таълимотига кўра, комил инсон – Яратганнинг бир зарраси сифатида ҳам ташқи, ҳам ички гўзалликлар мажмуидир. Комил инсон тимсолининг олий намунаси бўлган Пайғамбар (с.а.в) дан тортиб барча валий зотлар ҳам комил инсон тимсоли ҳисобланадилар. Лутфий ғазалида тавсифи келтирилган ёр муайян маънода комил инсон тимсолидир. Шу ўринда айтиш мумкинки, инсонни Аллоҳнинг ердаги халифаси сифатида улуғланган Алишер Навоий “маликул калом” Лутфийнинг ушбу ғазалидан таъсирланиши ва ундаги ғояни ривожлантириб, мазкур ғазалга тахмис боғлаши бежиз эмас эди. Навоий тахмиснинг биринчи бан-

дида Лутфий ғазали матлаъсида келтирилган комил гўзаллик таърифига ҳамоҳанг тарзда иқтибос санъатидан фойдаланиб, ҳар бир мисрада Қуръон оятларидан жумла келтиради:

Шарбати "юҳйил изом" эрни майи нобиндадур,
Сураи «вашшамс» тафсири юзи бобиндадур,
Шарҳи "мозоғулбасар" наргислари хобиндадур...

Навоий талқинида ёрнинг лаби ўликларни тирилтирувчи тоза шарбат, Қуръони Каримдаги "Ваш шамс" сурасининг изоҳи унинг юзида акс этади, "кўз алданмади" оятининг шарҳи унинг кўзларида намоён. Бу таъриф Лутфий қаламидан тўкилган соч ва қош таърифлари билан бирлашиб, мукаммал гўзаллик тасвирининг ёрқин намунаси вужудга келганлигини кўрамиз.

Одатда, ғазалга тахмис боғланаётганда унинг бандлари сони ғазал байтларига мос ҳолга келтирилади. Лекин баъзан шоирнинг хоҳишига кўра, ғазалдаги айрим байтларга тахмис битилмаслиги, яъни улар қисқартирилиши мумкин. Айнан шу ҳолат юқоридаги тахмисда ҳам кузатилади. Тахмисга асос бўлган Лутфий ғазали аслида ҳажман 7 байтдан иборат. Аммо тахмис боғланганда унинг икки байти қисқартирилиб, 5 банд ҳолига келтирилган. Хусусан, қуйидаги икки байт Навоий тахмисида учрамайди:

Хомаи қудрат-ла битганда не мусҳафдур юзи,
Ким малоҳат ояти мажмуъ анинг бобиндадур...

Кўзлари ҳар гўша уйқудин қўпорур фитналар,
Турфа махмуреки чандон фитналар хобиндадур.

Бунинг бир неча сабаблари бор. Юқоридаги икки байтга эътибор қаратсак, уларда юз ва кўз тасвирини кўрамиз. Биринчи байтда ёр юзи қудрат қалами ила битилган Мусҳаф, яъни Қуръонга нисбат берилса, иккинчи байтда унинг кўзлари уйқуда ҳам фитна қўзғотувчи махмур (маст)га ўхшатилмоқда. Алишер Навоий ўз тахмисининг биринчи бандидаёқ юз ва кўз тасвирининг мукаммал тарздаги баёнини бериб бўлганлиги учун уни яна такрорлашга эҳтиёж қолмаяпти ва ўз-ўзидан энди бу икки байт мазмун жиҳатидан тахмис учун ортиқча эканлиги сезилади. Яна бир сабаб қофия талаби билан боғлиқ. Тушириб қолдирилган байтлардаги қофияларга эътибор қаратсак, улар *"бобиндадур"* ва *"хобиндадур"* тарзида эканлигини кўрамиз. Алишер Навоий тахмиснинг матлаъ бандидаёқ ушбу қофиялардан фойдаланганлиги учун уларни такрор ҳолда қўллашни истамаган ва шу тарзда тахмис 5 банд ҳолатига келган.

Филология фанлари доктори Афтондил Эркинов фанга маълум қилган ва шоирнинг мухлислари тузган иккинчи девони ҳисобланадиган "Оққуюнли ихлосмандлар девони"[1] таркибида 3 мухаммас мавжуд. Уларнинг барчаси Лутфий ғазалларига боғланган. Мазкур девоннинг 1471 йилда тузилганлиги 30 ёшли шоирнинг дастлабки тахмислари фақатгина устози Лутфий ғазаллари асосида яратилаётганлигини билдиради. Девондан ўрин олган кейинги тахмислар қуйидаги банд билан бошланади:

[1] Бу ҳақда қаранг: Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012 йил, № 1.

2-тахмис:

Маснади ҳусн узра токим кўрмишам ул шоҳни,
Тийра айлабмен фиғондин нилгун хиргоҳни,
Эй сабо, арз айла ногаҳ кўрсанг ул дилхоҳни,
Кўктадур ҳар дам фиғоним кўргали сен моҳни.
Даъвии меҳрингга тонуқ тортадурмен оҳни.

3-тахмис:

Ҳалқайи зулфунгда кўнглум бўлғали ғам маҳрами
Ул қора қайғу билан савдода чун ортар ғами.
Дер санга девонаву шайдолиғидин ҳар даме,
Эй сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами,
Ҳалқа-ҳалқа руҳнинг сарманзилидур ҳар хами.

Ёш Навоийнинг дастлабки мухаммасларини “малику-л-калом” ғазалларига боғлаётганлиги бежиз бўлмай, бу ҳолатни Лутфийнинг Навоийгача бўлган туркий адабиётда тутган юксак мақоми, унинг бадиий жиҳатдан мукаммал шеърияти билан изоҳлаш мумкин. Алишер Навоий “Муҳокамату-л-луғатайн”да туркий шеъриятда ўзидан аввал етишиб чиққан бир неча шоирларни тилга олиб, шундай ёзади: “*Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадоий...Ва* ***форсий мазкур бўлғон шуаро*** *(таъкид бизники – Д.Ю.)муқобаласида киши пайдо бўлмади, бир мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бир неча матлаълари борким, табъ аҳли қошида ўқуса бўлур...*”

Алишер Навоий бу ўринда туркигўй шоирлар орасида форсий адабиётдаги Хоқоний, Авҳауддин Анварий, Камол Исмоил, Заҳир Форёбий, Салмон Соважийдек қасиданавислар; Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавийдек маснавий усталари; Саъдий Шерозий ва Ҳофиз Шерозий каби ғазалнавис шоирлар етишиб чиқмаганлигига эътиборини қаратиб, туркий шоирлардан фақат Лутфийгина улар билан шеърий мусобақага киришиш салоҳиятига эга бўлганлигини таъкидлаяпти. Алишер Навоийнинг ўттиз ёшгача бўлган даврда яратган тахмислари айнан Лутфий ғазалларига битилганлиги бу фикрни асослайди.

Алишер Навоийнинг илк расмий девони “Бадоеъу-л-бидоя” 1470-1480 йиллар оралиғида Султон Ҳусайн Бойқаронинг таклифи билан тузилган. Мазкур девон таркибига 5 мухаммас киритилган бўлиб, уларнинг дастлабки учтаси юқорида келтириб ўтганимиз – Лутфий ғазалларига битилган.

Аммо кейинги икки тахмисни шоир айнан ўз ғазалларига боғлаганлиги масаланинг эътиборли жиҳати ҳисобланиб, бу алоҳида таҳлил қилиниши лозим бўлган нуқтадир. Диққатимизни девондаги “Жудо” радифли мухаммасга қаратсак. Тахмис қуйидаги банд билан бошланади:

Оҳким, воламен ул сарви хиромондин жудо,
Кўзларим гирёндур ул гулбарги хандондин жудо,
Бенаводур жон доғи ул ҳури ризвондин жудо,
Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Агар “Бадоеъ ул-бидоя” таркиби ўрганиб чиқилса, мазкур тахмисга асос бўлган ғазал айнан шу девоннинг ўзида – 52-ўринда келаётганлигини кўриш мумкин. Демак, шоир мана шу ўриндан бошлаб, ўз қаламига мансуб ғазалларга тахмис боғлашга киришяпти. Яна ҳам эътиборни тортадиган жиҳати, тахмисга асос бўлган ғазал мухлислар томонидан тартиб берилган “Илк девон”да (19-б саҳифа) ҳам учрайди. Демак, кўриняптики, бу ғазал шоирнинг 25 ёшгача бўлган даврида яратилган ва кейинроқ “Бадоеъ ул-бидоя” таркибига ҳам киритилган. Маълум бўляптики, шоир ўзининг йигитлик даврида битган ғазалига алоҳида эътибор билан қараяпти. Уни дастлабки расмий девонига ҳам киритиб, яна тахмис боғлаш учун ҳам танлаб оляпти. Бундан кўриш мумкинки, Алишер Навоий ўзининг ёшлик лирикасига мансуб ғазали мавзусига орадан вақт ўтгач яна қайтишга эҳтиёж сезган ва шу тариқа бу ғазалини мухаммас ҳолига келтирган. Мазкур тахмис таркибини кузатадиган бўлсак, ундаги баъзи ўринлар ғазал матнидан бир оз фарқланишини кузатамиз. Хусусан, мазмун талабига кўра ғазалдаги тўртинчи ва бешинчи байтларнинг ўрни алмашган. Шунингдек, бешинчи байтдаги *“гардун”* сўзи қофия имкониятига қараб тахмис таркибида *“даврон”* сўзи билан алмаштирилган. Натижада шоир *“гардун”* сўзининг ўрнига *“жонон”, “жон”, “ҳижрон”* сўзлари билан қофиядош бўлиш имконига эга бўлган *“даврон”* сўзидан фойдаланган. Ғазал байтини тахмис мисралари билан қиёсласак:

Ғазал байти:

*Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй **гардун**, мени*
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

Энди бу байт тахмис таркибида қандай ҳолатда қўлланилганлигини кўрамиз:

Қилғали маҳрум жоми васлдин жонон мени,
Талхком этмиш тириклик бодасидин жон мени,
Ҳа замоне ўлтурур ғам заҳридин ҳижрон мени
*Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй **даврон**, мени*
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

“Бадоеъ ул-бидоя”даги “Оқибат” радифли тахмисга асос бўлган ғазал ҳам айнан шу девон таркибида 82-ўринда учрайди. Қолган тахмисларни ҳам ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, 7 тахмисдан олтитасига асос бўлган ғазаллар шоирнинг ёшлик ва йигитлик даврларида яратилган бўлиб, улар “Хазойину-л-маоний”нинг муайян девонидан ўрин олиш билан бирга ундан илгариги девонлар таркибида ҳам учрайди. Хусусан, уларнинг биттаси “Илк девон”га, иккитаси “Бадоеъ ул-бидоя”, учтаси “Наводир ун-ниҳоя”га киритилганлигини кузатиш мумкин.

Навоий тахмисларининг “Хазойин ул-маоний”да жойлашиш ўрнини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Мухаммас	***“Ғаройиб ус-сиғар”***	***“Наводир уш-шабоб”***	***“Бадоеъ ул-васат”***	***“Фавойид ул-кибар”***
Лутфийга тахмис	1	1	1	0
Ўз ғазалларига тахмис	2	2	1	2
Жами	3	3	2	2

Шу ўринда яна савол туғилади: нима учун Алишер Навоий маълум бир ёшдан сўнг ўз тахмисларини бошқа шоирларнинг ғазалларига боғламай, ўзининг ғазаллари асосида мухаммас битишни маъқул кўряпти?

Маълумки, Алишер Навоий сўзга, хусусан, шеърга юксак талабчанлик билан ёндашган. У ҳар бир жанрнинг қонун-қоидаларини чуқур билгани ҳолда мухаммас жанрига ҳам ижодкор ғояларининг ифодаси сифатида қараган. Алишер Навоий танлаган ғазалда буюк шоирнинг дарду дунёси, албатта, акс этиши шарт эди. Эҳтимол, Алишер Навоий муайян бир ижодий салоҳиятга етишгандан сўнг туркий адабиётда мана шундай шеър намунасига дуч келмагандир, бошқа шоирларнинг байтларида ўз оламининг акс-садосини ҳис этмагандир?! Бу эса бадиий диди юксак бўлган Алишер Навоийнинг ўз ғазалларига тахмис боғлашига олиб келган бўлиши мумкин. Қолаверса, шоир, юқорида кўрганимиздек, "Мажолису-н-нафоис"да туркий тилда ижод қилган Атойи, Гадоий, Саккокий каби йирик шоирлар ҳақида тўхталгани ҳолда фақат Лутфий ғазалларини тахмис битишга муносиб кўрмоқда.

Шу ўринда яна қуйидагича саволлар пайдо бўлиши табиий: мумтоз адабиётимизда ўз ғазалларига тахмис боғлаш ҳодисаси Алишер Навоийгача мавжудмиди? Бу ҳолат Алишер Навоийдан кейин қай даражада давом этди?

Ўз ғазалларига тахмис боғлаш мумтоз адабиётимиз тарихида Алишер Навоийгача кузатилмаган. Навоийдан кейин эса бундай ҳолат баъзи шоирлар, хусусан Хива адабий муҳити ижодкорларида кўринади. Муҳаммад Раҳимхон Феруз давридаги XIX аср Хива адабий муҳитида темурийлар ва Алишер Навоий ижодига қизиқиш ва эҳтиром юксак даражада бўлиб, Ферузшоҳ ўз фаолияти давомида Султон Ҳусайн Бойқарога тақлид қилишга уринган ва Алишер Навоий сингари ўз ғазалларининг аксариятига ўзи тахмис боғлаган[1]. Худди шу муҳитнинг яна бир йирик вакили Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳам Алишер Навоий, Фузулий каби улуғ сўз усталарига мухаммас боғлагани ҳолда ўзининг ўнта ғазалини бешлантириб, тахмис ҳолига келтирган[2].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Алишер Навоий ёшлик ва йигитлик чоғларида туркий шоирлардан Лутфий ижодига юксак эҳтиром билан қараган ва туркигўй шоирлар орасидан айнан Лутфий ғазалларига 3 мухаммас боғлаган. Кейинчалик (ўттиз ёшдан кейин) ёзган тахмисларига эса ўз ғазалларини асос қилиб олган. Тахмис учун танланган ғазалларнинг деярли барчаси шоирнинг ёшлик ва йигитлик даврида яратилган бўлиб, уларнинг "Илк девон", "Бадоеъ ул-бидоя" ҳамда "Навоир ун-ниҳоя"да учраши бу фикрни исботлайди. Демак, шоир ўзининг ёшлик ва йигитлик чоғидаги ижодига алоҳида эътибор билан қараган ва бу даврда ёзган ғазалларига ўз ижоди жараёнида қайта-қайта мурожаат этиб турган. Шоир муайян мавзуга доир ғазал ёзар экан, орадан вақт ўтиб, шу мавзуга қайтишга эҳтиёж сезган ва шу тариқа ўз ғазалларини мухаммас ҳолига келтирган бўлиши мумкин. Алишер Навоий ўз ғазалига тахмис боғлаш натижасида мумтоз адабиётимизда мавжуд анъаналарга янгича руҳ бахш этиб, ўзининг новаторлик салоҳиятини намоён этган. Шоир тахмис боғлаш учун ўз ғазалларини танлар экан, улардаги руҳнинг ёшликка хос жўшқин

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Эркинов А. Культурный перфекционизм в хивинской придворной среде при Мухаммад Рахим-хане II как способ противостояния режиму русского протектората//История и культура Центральной Азии.- Токио, 2012.

[2] Р.Орзибеков Огаҳийнинг ўз ғазалларига битган тахмислари сонини 7та, Р.Мажидий эса 9 та деб келтиради (Қаранг: Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976. – Б. 94; Мажидий Р. Огаҳий лирикаси. – Т.: Фан, 1963. – Б.87.) Биз юқоридаги кўрсаткични беришда С.Долимов томонидан 1972 йилда нашр этилган икки жилдлик Огаҳий "Девон"идан фойдаландик.

ва шиддаткор эканлигига алоҳида эътибор қаратган. Натижада, биз мазкур тахмисларни ўқир эканмиз, ёши улғайиб бораётган Навоийнинг ички дунёси ва навқирон Алишернинг қайноқ ҳиссиётлари санъаткорона уйғунлашганига гувоҳ бўламиз.

Ижод – сирли жараён. Юксак санъат намунаси бўла оладиган ижодий асарларнинг яратилиши мухлислар учун ҳамиша қизиқ бўлиб келган. Мазкур хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий мухаммасларининг яратилиш хусусиятларини тадқиқ қилиш шоирнинг ижод ва илҳом ҳиссиётлари билан боғлиқ тасаввурларни аниқлаштиришга ёрдам беради.

АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИНИ ЎРГАНИШДА КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Азалдан кўҳна Шарқ ўзининг бой маънавий олами, ҳикматга йўғрилган адабиёти, рамзий образлар тизимининг турфалиги ва сирлилиги билан Ғарб китобхонини ўзига жалб қилиб келган. Мусулмон Шарқида ижодкорнинг салоҳияти Ғарб адабиётидагидан фарқли равишда, янги сюжет яратишига қараб эмас, балки анъанавий воқелик, мавзу, шакл, қаҳрамонлар доирасида янги фикр айта олиш иқтидорига қараб белгиланган. Айнан мана шу анъанавийликдан бехабарлик Ғарб олимларининг кўп ҳолларда мумтоз ижодкорлар, хусусан, Алишер Навоий ижодини тўғри англамасликка, унинг “Хамса”сига нохолис баҳо беришларига олиб келди.

Ғарбда Навоий ижодини илмий мезонлар асосида ўрганиш XIX асрнинг ўрталаридан бошланди. 1856 йилда М.Никитскийнинг шоир ижодига бағишланган «Эмир Низам-ЭдДин-Али Шир в государственном и литературном его значении» («Амир Низомиддин Алишер: давлат арбоби ва шоир сифатида») номли илк магистрлик диссертацияси вужудга келди[1]. М.Никитский Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини анча тўлиқ ўргангани, унинг шоир, олим ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятига юқори баҳо бергани ҳолда Шарқ мумтоз адабиётидаги ижодий анъаналарни англаб етмагани учун Алишер Навоийни «форс-тожик адабиётининг таржимони» деб эълон қилди.

Шу тарздаги ғайриилмий қараш француз шарқшунослари М.Белен («Алишер Навоий», 1868), Э.Блоше («Миллий кутубхонада сақланаётган туркий қўлёзмалар каталоги»), Л.Бува («Темурийлар даври цивилизациясидан лавҳалар», 1926; «Мўғул империяси», 1927), инглиз шарқшуноси Э.Браун («Татар хонликлари давридаги форс адабиёти тарихи», 1920), рус шарқшуноси В.Бартольднинг тадқиқот ва илмий мақолаларида давом эттирилди. Хусусан, В.Бартольд ўзининг «Мир-Али-Шир и политическая жизнь» («Мир Али Шер ва сиёсий ҳаёт») мақоласида Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига ижобий баҳо берди, лекин унинг адабий мероси моҳиятини англаб етмади. Олим мазкур мақолада: «*Алишер Навоий ўзининг девонларида ва бошқа кўплаб бадиий асарларида фақатгина форсий шоирларнинг тақлидчиси сифатида намоён бўлади*», – деб ёзар экан[2], масалага адабиётшунос эмас, балки тарихчининг нигоҳи билан ёндашади ва ҳар бир деталда аниқлик, реаллик ва конкрет воқеликни кўрмоқчи бўлади[3].

---

[1] Никитский М. Эмир Низам-ЭдДин-Али Шир в государственном и литературном его значении. – СПб., 1856. – 109 с.

[2] Бартольд В. Мир-Али-Шир и политическая жизнь. Сочин.в IX томах. – М.: Наука, 1964. Т.2. Ч.2 – С.100-164.

[3] Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Эркинов А.С. Подражательность или оригинальность:

Бу каби ёндашув баъзан Алишер Навоий ижодига қизиқувчи ўзбек ёшларида ҳам кузатилади. Кўпинча, юқори синф ўқувчилари ва олий таълимда Навоий ижодидан таҳсил олаётган талабалар Навоий "Хамса"си форсий ижодкорлар хамсаларидаги қаҳрамонлар номлари, сюжетлар ўхшашлигидан иштибоҳга тушиб, улар орасидаги фарқларни ажрата олмай қийналадилар. Бу эса бевосита хамсанавислик анъанасининг моҳиятини англамаслик, бу орқали эса ҳазрат Навоий ижодининг ўзига хос жиҳатларини илғай олмаслик каби муаммоларга олиб келади.

Бу каби муаммоларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, биз Алишер Навоий "Хамса"си достонларини концептуал жадваллар асосида ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Маълумки, концептуал жадвал ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга асосланади. Мазкур жадвалнинг сифатини англатувчи "концептуал" сўзи "йиғинди", "жамланма" маъноларини билдирувчи лотинча «oneptio» сўзидан олинган бўлиб, концептуал жадвал ўрганилаётган муаммони қиёсий таҳлил этиш асносида унинг муҳим белгиларини аниқлаш, унга комплекс тарзда муносабат билдириш, истиқболли тадқиқ йўналишларини белгилаб олиш имконини беради, шунингдек, тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради. Концептуал жадвал тузиш жараёнида таққосланадиган муаммолар аниқланади, олиб бориладиган таққосланишлар бўйича хусусиятлар ажратилади. Ушбу жадвал бир-бирига ўхшаш ҳодиса ва воқеликлар, хусусан, адабиётшуносликда анъанавийлик асосида вужудга келган асарларни қиёслаш ва уларни бир-биридан фарқлашда муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, биз ушбу мақоламизда "Лайли ва Мажнун" йўналишидаги достонларни концептуал жадвалар асосида ўрганиш масаласига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Мусулмон Шарқи адабиётида «Лайли ва Мажнун» мавзусидай кенг тарқалган бошқа бир ишқ қиссасини топиш қийин. Келиб чиқиш манбаи қадим араблар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларга бориб тақалса-да, бадиий адабиётда бу қисса достон шаклида илк бор Низомий Ганжавий томонидан вужудга келтирилгани бугунги китобхонга яхши маълум. Низомий халқ орасида тарқалган ривоятлардан ижодий фойдаланган ҳолда «Лайли ва Мажнун» қиссасини ғоявий жиҳатдан мукаммал ва бадиий жиҳатдан юксак асар даражасига кўтарди. Низомий достони Шарқ халқлари адабиётида кенг шуҳрат қозонди ва орадан бир асрдан зиёдроқ вақт ўтгач, Амир Хусрав Деҳлавий унга «Мажнун ва Лайли» тарзида жавоб ёзди. Муаллиф достон қаҳрамонлари номини алмаштириш билан янгиликка, ўз салафидан ўзгачаликка интилганлигини таъкидлайди ҳамда ушбу қиссанинг араб халқлари орасида даставвал «Мажнун ва Лайли» шаклида оммалашганлигига эътибор қаратади[1]. У Низомий достонининг композицион қурилишини асосан сақлаб қолган ҳолда, унинг сюжетига баъзи ўзгартиришлар киритади.

Ҳирот адабий муҳитининг етук намояндаларидан бўлган Абдураҳмон Жомийнинг "Лайли ва Мажнун" достони салафлар достонларидан тасаввуфий бўёқларнинг қуюқлиги ва рамзийликнинг кучли ифодаси билан ажралиб туради.

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони туркий тилда ушбу мавзуда яратилган илк достон бўлиб, Навоий уни яратишдан аввал араб ривоятлари билан бир қаторда са-

оценка В.В.Бартольдом узбекской классической литературы // Русская диаспора в Узбекистане: время, события, люди. Материалы научной конференции. – Ташкент, 2009. – С.72 – 78.

1 Алиев Г.Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985. – 366 с.

лафларнинг достонларини чуқур ўрганади. Хамсанависликда ўзигача мавжуд анъаналардан ижодий фойдаланиб, достонга янгича руҳ бағишлайди, ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, «афсонага янги либос кийгизади».

Барча достонларда бош қаҳрамонлар сифатида Лайли ва Қайс (Мажнун) тасвирланадилар. Бир қараганда, уларнинг исми, насл-насаби, ўзаро муносабатларида кўп жиҳатдан ўхшашликлар кузатилади. Лекин ушбу қаҳрамонларнинг сюжет таркибидаги фаолиятларини ўзаро қиёслаш достонларнинг бир-биридан фарқли томонларини аниқлашга ёрдам беради. Агар Низомий Бани Омир қабиласи бошлиғининг ўғли Қайснинг мактабдоши Лайлига муҳаббатини тасвирлаш орқали ҳар иккала қаҳрамоннинг руҳий ва маънавий дунёсини очиб беришга алоҳида эътибор қаратиб, халқ ривоятларида фақат ташқи гўзаллиги билангина машҳур бўлган Лайли тимсолини ижтимоий омиллар ва бадиий-эстетик юк орқали мукаммаллаштирган бўлса, Деҳлавий Низомий достонида учрамайдиган мунажжим башорати билан боғлиқ эпизодни ўз достони таркибига киритади ва бу эпизод достоннинг ғоявий йўналишини белгилашда асос вазифасини ўтайди. Бу эпизодга кўра, мунажжим гўдак улғайгач, унинг телба ошиқ бўлишини башорат қилади. Қайс ёши етиб, мактабга боради ва у ерда қўшни қабилалик Лайли исмли қизни кўриб, севиб қолади. Уларнинг севгисидан хабардор бўлган кишилар икки ёшни бир-биридан ажратадилар ва Мажнун даштга чиқиб кетади. Ўғлининг ҳолатидан изтиробга тушган ота Лайлини сўраб совчи юборади. Лекин Лайлининг отаси рад жавобини беради. Мажнуннинг отаси кўмак беришни сўраб, «араблар ҳукмдори» Навфалга мурожаат қилади. Навфал Лайли қабиласи томон уруш очади. Лайли қабиласи енгила бошлагач, Мажнун Навфалдан урушни тўхтатишни сўрайди. Уруш тўхтайди, Навфал ўз қизи Хадичани Мажнунга узатади (Низомий достонида мавжуд бўлмаган яна бир эпизод). Тўй бўлиб ўтади. Лекин Мажнун Хадичага яқинлашмай, тонггача ўтириб, сўнг чиқиб кетади[1].

Абдураҳмон Жомий достонида Қайс – оиладаги ўн фарзаднинг энг кенжаси. Унинг болалиги тасвири келтирилмайди, воқеалар ибтидосида у туя миниб юрувчи енгилтабиат йигит сифатида тасвирланади. Қайс дастлаб Карима исмли қизга кўнгил қўяди. Лекин Кариманинг бадавлат йигитга рағбат билдирганлигини кўриб, қабилани тарк этади ва чопарлардан Лайли исмли қизнинг таърифини эшитиб, уни кўришга боради ва севиб қолади. Лайли ва Қайснинг қабилалари ўзаро адоватда эди. Қайсни амакисининг қизига уйлантирмоқчи бўладилар, лекин у кўнмайди. Шунга қарамай, Қайснинг уйланаётганлик хабари Лайлига етиб боради ва у йигитни беқарорликда айблайди. Бундан таъсирланган Қайс Лайли томон йўлга тушади, агар уни учрата олса, Каъба зиёратига боришга онт ичади. Қайснинг орзуси амалга ошиб, Лайлини учратади ва Каъба зиёратига боради. Маккадан қайтгач, севишганлар яна учрашадилар. Бу пайтга келиб, Қайс «Мажнун» лақабини олган эди. Лайлининг отаси Қайсга қилич билан таҳдид қилиб, қизи билан учрашишни тақиқлайди. Мажнун даштга – ёввойи ҳайвонлар томонга чиқиб кетади. Даштда Мажнун лашкарбоши ва шоир Навфал билан учрашади. Навфал Мажнун номидан Лайлининг оиласига совчиликка боради, лекин Лайлининг отаси яна рад жавобини беради. Мажнун ишқий шеърлари билан шуҳрат қозонади ва уларни тинглаган халифа уни тақдирламоқчи бўлади, лекин Мажнун рози бўлмайди[2].

---

[1] Амир Хусрави Деҳлавй. Маҷнун ва Лайлӣ. Осори мунтахаб. Дар чаҳор ҷилд. Ҷ.1. – Душанбе: Ирфон, 1971. – С. 231-372.

[2] Абдураҳмон Жомий. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи А.Қаюмов.

Навоий достонида Қайс – Бани Омир қабиласида узоқ кутилган фарзанд. Унинг туғилиши, ўсиши тасвирида ҳам илоҳий тақдир сезилиб туради. Туғилгандан ишқ олови билан йўғрилган Қайс ўтга талпинади. Уни 4–5 ёшларида Лайли қабиласига ўқишга берадилар. Қайс мактабда тез сабоқ чиқаради, қисқа фурсат ичида барча илмларни ўзлаштиради ва сабоқдошларини ҳайратга солади (Бу ўринда Навоий Аллоҳ ўзининг хос бандаларига алоҳида истеъдод беришига ишора қиляпти). Қайс сабоқ олиб юрган бу пайтда Лайли бетоблиги учун мактабга қатнамаётган бўлади. Тузалганидан сўнг устози бениҳоя шодланганидан барча шогирдларини ўқишдан озод қилади. Лайли сабоқдошларини гулшан сайрига таклиф қилади, улар билан бирга Қайс ҳам боғ сайрига чиқади. Қайс Лайлини кўриб ҳушини йўқотади.

Шу тарзда мажзуби солик (Ҳақдан жазба етган, устози ҳам, пири ҳам Ишқ бўлган, мақомларни эгалламасдан туриб ҳол мартабасига эришган ошиқ)нинг саргузаштлари бошланади[1]. Қайс шу тариқа Лайлини ҳар кўрганида ҳушидан кетади. Халқ орасида «Мажнун» лақаби билан овоза бўлади. Мажнуннинг ота-онаси уни Лайлига уйлантириш билан дардига чора топмоқчи бўладилар ва Ҳай қабиласига совчи юборадилар. Навоий шу ўринда ҳақиқий ишқдан бехабар кишилар «ишқ уйланиш, оила қуриш билан якунига етади» деган тушунча асосида яшашларига ишора қилади, яъни Мажнуннинг ота-онаси ва жамият аҳли ишқ деганда Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да келтирган ишқнинг қуйи даражаси, яъни авом ишқинигина англайдилар. Мажнуннинг ота-онаси уни Лайлига уйлантириш учун совчи юборадилар. Лекин Лайлининг отаси қизини ақл-ҳушдан бегона бир «девона»га беришдан ор қилади ва Мажнуннинг Лайли қабиласига келишини тақиқлаб қўяди. Мажнуннинг отаси қабиладошлари билан маслаҳатлашиб, Қайсни занжирбанд қилади. Лекин ишқ оташи таъсиридан занжир узилиб, Мажнун уйидан чиқиб кетади. У бедард қабиладошларини ҳам, яқинларини ҳам, умуман, жамиятни унутиш даражасига боради, зеро, бу ҳолат ҳақиқий ошиқ учун хос хусусиятдир.

Қайснинг отаси ўғлининг дардига шифо бўлади деган умидда ҳаж муносабати билан Каъба зиёратига олиб боради. Қариндошлар Қайс Каъбани тавоф этса, аҳволи яхшиланади деб умид қиладилар. Лекин Мажнун Аллоҳга муножот қилиб Лайли ишқини кўнглига мустаҳкамроқ жо этишини сўрайди[2].

Достонлардаги Қайс (Мажнун) тимсоли ва у билан боғлиқ воқеаларни қуйидаги концептуал жадвалда кўриш мумкин:

Қиёсла-нувчи жиҳатлар	**Низомий Ганжавий**	**Хусрав Деҳлавий**	**Абдураҳмон Жомий**	**Алишер Навоий**
Оиладаги ўрни	Бани Омир қабиласи бошлиғининг ягона ўғли	Бани Омир қабиласи бошлиғининг ягона ўғли	Омирий қабиласи сардорининг 10-фарзанди	Бани Омир қабиласи бошлиғининг ягона ўғли
Болалиги	Туғилишидан бошлаб тасвирланади	Қайс туғилгач, мунажжим унинг келгусида телба ошиқ бўлишини башорат қилади	Болалиги билан боғлиқ тафсилотлар келтирилмаган, 14 ёшдан бошлаб тасвирланади	Туғилишидан бошлаб батафсил тасвирланади

– Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 224 б.

[1] Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr-O‘zbekiston, 2009. – Б. 201-203.

[2] Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1992. Т.9. – 356 б.

Лайлини илк бор учратиши	10 ёшида мактабга боради ва Лайлини учратади	Ёши етиб, мактабга боради ва у ерда Лайлини учратади	Дастлаб Карима исмли қизга кўнгил қўяди, лекин унинг бадавлат йигитга рағбатини сезиб, қабилани тарк этади. Лайли таърифини чопарлардан эшитиб, уни кўришга боради ва севиб қолади	Ҳай қабиласига мактабга боради ва гулшанда Лайлини учратади
Каъба эпизоди	Отаси билан Каъба зиёратига боради	-	Каъбага 2 марта боради, биринчи марта Лайлини учратгани учун шукрона сифатида, иккинчи марта Лайлининг ҳажга бораётганидан хабар топиб, унинг карвонига ҳамроҳ бўлади	Ҳаж мавсумида отаси уни Каъба зиёратига олиб боради
Уйланиши билан боғлиқ ҳолат	Отаси ўз қабиласидан бирор қизга уйлантирмоқчи бўлади, лекин у кўнмайди	Навфалнинг қизи Хадичага уйланади, лекин унга яқинлашмай, уйни тарк этади	Амакисининг қизига уйлантирмоқчи бўладилар, лекин у кўнмайди	Отасининг илтимоси билан Навфалнинг қизига уйланади, лекин қиз бошқа инсонни севишини айтгач, даштга чиқиб кетади
Ота-онасининг вафоти билан боғлиқ ўринлар	Отаси Мажнуннинг аҳволидан қаттиқ изтиробга тушиб, хасталанади ва вафот этади. Бир оз ўтгач, онаси ҳам ҳаётдан кўз юмади		Ота-онасидан аввал ўзи вафот этади	Ота-онаси вафотини туш орқали билиб, уларнинг қабрига боради
Ўлими билан боғлиқ ҳолатлар	Лайлининг ўлимини эшитгач, қабристонга келади ва унинг қабрини қучиб, вафот этади	Лайли Мажнуннинг ўлганлиги ҳақидаги ёлғон хабарни эшитиб, хасталаниб, вафот этгач, Мажнун Лайли ётган қабр ичига ўзини ташлаб, жон таслим қилади. Иккисини бир қабрга қўядилар	Уни ёввойи ҳайвонлар орасида ўлик ҳолда топадилар	Лайлининг ўлимини илоҳий хабар (Суруш) орқали сезиб, унинг қабиласи томон келади ва Лайлининг руҳсиз танаси олдида жон беради

Достонларда Лайли тимсоли билан боғлиқ сюжет чизиқлари яна ўзига хосдир. Низомийда Лайли боғ сайрига чиққан пайтида уни Бани Асад қабиласидан бўлган давлатманд Ибн Салом кўриб қолади ва Лайлининг уйига совчи юборади. Лайлининг отаси розилик бериб, тўйни Лайли тузалганидан кейин бошлаши мумкинлигини айтади. Навфал Лайлининг қабиласи томонга 100 нафар яхши қуролланган одамини юбориб, Лайлини Мажнунга беришларини, акс ҳолда уруш очишини маълум қилади. Лайлининг отаси рад жавобини бергач, уруш бошлайди. Лекин зўравонлик билан иш битмаслигини сезиб, ортига қайтади. Ибн Салом иккинчи марта совчи юбориб, ниҳоят Лайлига уйланади. Лекин Лайли уни ўзига яқинлаштирмайди. Ибн Салом мақсадига эришолмай, қаттиқ изтиробга тушади ва бир

оз ўтгач, вафот этади. Ўз севгисига содиқ қолган Лайлининг саломатлиги ҳам ёмонлашиб, охирги нафасигача Мажнуннинг номини такрорлаб, куз фаслида вафот этади. Буни эшитган Мажнун қабристонга келиб, Лайлининг қабрини қучиб, ҳаётдан кўз юмади.

Деҳлавийда Лайли Мажнунни тушида кўради ва уни излаб йўлга чиқади, икки севишган учрашади. Бир киши Мажнуннинг ўлганлиги ҳақидаги ёлғон хабарни Лайлига етказади ва бундан Лайлининг аҳволи оғирлашиб, вафот этади. Мажнун Лайлининг жанозасига етиб келади ва Лайлининг жасадини қучганича вафот этади. Уларни бир қабрга кўмадилар.

Жомийда Сақиф қабиласидан бир йигит Каъба йўлида кетаётиб Лайлини учратиб қолади ва унга совчи юборади. Лайлининг отаси насаб ва бойликда юқори бўлган бу йигитга розилик билдиради, тўй бўлиб ўтади. Лайли куёвга Мажнунни севишини ва агар унга яқинлашса, ўзини ҳам, уни ҳам ўлдиришини айтиб қасам ичади. Лайлининг куёви унинг висолига эришолмай, қаттиқ изтиробга тушади ва хасталаниб, вафот этади. Бир куни Лайли ва Мажнун тасодифан учрашадилар, Мажнун Лайлини кўриб ҳушини йўқотади, Лайли базўр уни ҳушига келтиради ва келаси сафар яна шу йўл орқали унинг ҳузурига келишини айтади. Орадан анча вақт ўтгач, Лайли Мажнунни яна шу жойда ҳаракатсиз ҳолда учратади, унинг бошига қушлар ин қуришга улгурган эдилар. Маълум бўладики, Мажнун ўша учрашувдан сўнг шу ерда Лайлини кутиб турган экан. Мажнун Лайлини танимайди, уни энди Лайлининг қиёфаси қизиқтирмас эди, чунки унинг ишқи мажозийдан илоҳийга ўтиб бўлган эди. Мажнунни ёввойи ҳайвонлар орасида ўлик ҳолда топадилар, унинг ўлимини эшитган Лайли ҳам ҳаётдан кўз юмади.

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида ифодаланган бош ғоя шуки, бу дунёда яшовчи ҳар бир инсон ошиқлик йўлини тутиб, ўзини ўлимга эмас, балки васл майини ичишга тайёрлаши керак, зеро, бу дунёнинг бирдан бир мазмуни ҳам шу. Руҳи мутлақни тасаввур қилишда инсон ақли ва онги ожизлик қилади, шу сабабли Навоий уни мазҳар – Лайли тимсолида яратади.

Лайли тимсоли билан боғлиқ сюжет чизиқлари қуйидаги жадвалда намоён бўлади:

Қиёсла-нувчи жиҳатлар	**Низомий Ганжавий**	**Хусрав Деҳлавий**	**Абдураҳмон Жомий**	**Алишер Навоий**
Оиладаги ўрни	Ҳай қабиласи бошлиғининг қизи	Ҳай қабиласи бошлиғининг қизи	Ҳай қабиласи бошлиғининг қизи	Ҳай қабиласи бошлиғининг қизи
Болалиги	Мактаб ҳаёти билан боғлиқ ҳолда тасвирланган	Болалиги тасвирланмаган	Болалиги билан боғлиқ тафсилотлар келтирилмаган, унинг тасвири Қайснинг 14 ёшидан кейин келтирилади	Айрим ўринларда тасвирланади
Қайсни илк бор учратиши	Қайсни мактабда учратади	Қайсни мактабда учратади	Уни излаб келган Қайсни ўз қабиласида учратади. Уларнинг қабиласи ўзаро адоватда эди	Қайсни гулшанда учратади
Каъба эпизоди	–	–	Қабиласи билан Каъба зиёратига боради	–

Турмушга чиқиши билан боғлиқ ҳолатлар	Бани Асад қабиласидан Ибн Саломга турмушга чиқади, лекин уни ўзига яқинлаштир-майди	–	Каъбага кетаётганида, Сақиф қабиласидан бир давлатманд йигит (исми келтирилмаган) унга ошиқ бўлади. Отасининг раъйига қарши чиқолмай, унга никоҳланади, лекин юзини очмай, Қайсга содиқ қолади	Бани Асал қабиласидан Ибн Саломга турмушга чиқади, лекин тўй кунида Ибн Саломнинг тутқаноқ касали қўзғаб, беҳуш йиқилади ва Лайли даштга чиқиб кетади
Ўлими билан боғлиқ ўринлар	Куз фасли келиб, хасталанади ва вафот этади	Мажнуннинг ўлганлиги ҳақидаги ёлғон хабарни эшитиб, хасталанади ва вафот этади	Мажнуннинг ўлимини эшитиб, хасталанади ва вафот этади	Руҳий аҳволида ўзгариш содир бўлади, табиблар уни даволашда ожиз қоладилар, Мажнун келса, уни ҳузурига киритишларини сўраб, вафот этади

Бу каби концептуал жадвалларни “Хамса” таркибидаги қолган достонларга, шунингдек, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” ҳамда Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Шунингдек, ички қиёс – ишқ йўлида ҳалок бўлган ошиқлар: Фарҳод ва Мажнун, достонлардаги ҳукмдор қаҳрамонлар: Баҳром ва Искандар образларининг жадваллар асосидаги қиёси ҳам муаллифлар бадиий ниятларини англашда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, “Хамса” таркибидаги достонларни концептуал жадваллар асосида ўрганиш достонлар асосидаги замонавий ёндашувларни таҳлил этиш, мумтоз асарларни ўқитишнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилади. Навоий достонларини хамсанависларнинг достонлари билан қиёслаш, улардаги бош қаҳрамонлар характеридаги фарқли ва муштарак жиҳатларни ўрганиш буюк мутафаккир ижодининг бош моҳиятини англашга, достондаги муаллиф ғоявий ниятини теран тушунишда ёрдам беради, зеро, қиёслаш орқали талаба ёки китобхоннинг илмий-назарий тафаккури ривожланади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Абдураҳмон Жомий. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи А.Қаюмов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 224 б.

2. Алиев Г.Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985. – 366 с.

3. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1992. Т.9. – 356 б.

4. Амир Хусрави Деҳлавй. Маҷнун ва Лайлй. Осори мунтахаб. Дар чаҳор ҷилд. Ҷ.1. – Душанбе: Ирфон, 1971. – С. 231-372.

5. Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони. – Т.: Фан, 1970.

6. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr-O‘zbekiston, 2009. – Б. 201-203.

7. Назруллаева С. Тема “Лейли и Меджнун” в истории литературы народов Советского Востока. - Т.: Фан, 1983.

8. Колесникова И. Прием «Концептуальная таблица» как один из приемов развития критического мышления www// pedsovet.su/metodika/priemy/6434/ 20.02.2017_konceptualnaya_tablitsa

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “НАВОДИР УН-НИҲОЯ” ДЕВОНИГА ДОИР ЯНГИЛИКЛАР

Навоийшуносликда ҳозирги кунга қадар Алишер Навоий лирикасининг матний тадқиқи билан боғлиқ кўплаб ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳали ҳануз ўз ечимини кутаётган ва баҳсталаб муаммолар талайгина. Хусусан, шоирнинг “Хазойин ул-маоний”гача тартиб берилган расмий девонлари илмий академик нашрга эга эмас[1].

Фанда Алишер Навоийнинг иккинчи расмий девони сифатида маълум бўлган “Наводир ун-ниҳоя” ҳозирги нашрлар, хусусан 20 жилдлик мукаммал асарлар тўпламида фақат ғазаллардан иборат[2]. Лекин Навоий шеъриятига хос тамойил (принцип)лар ва шоирнинг девон тартиб бериш масалаларига доир қарашларини кузатиш шуни кўрсатадики, шоир девонлар жанр жиҳатдан ранг-баранг, яъни бир неча жанрлардан иборат бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган. “Бадоеъ ул-бидоя”га ёзган дебочасида ғазал поэтикасига доир мулоҳазаларини баён қилгач, ўзи тартиб берган биринчи расмий девони *“ҳар навъ шеърдин, масалан, руҳафзо мухаммаслар, барча хамсазийнат; ва равоносо мусаддаслар, барча ситтазийнат; ва муфид рубоиёт, барча латофатомиз; ва нофиъ муқаттаот, барча манфаатангиз; ва дилпазир мустазодлар, барчанинг васфи зойидул-ҳад; ва беназир фардлар, барча лутфу равонликда муфрад; ва номий муаммолар, барчаси от ёшурмоқда сотир; ва киромий луғзлар, барчанинг мабтунлуғи зоҳир; ва мусалсал таржиъларбарча марғуб; ва муътадил туюғлар, барча туркий услуб бу абёт зайлида мухайял ва бу ашъор хайлида музайял”* бўлганлигини айтар экан, “Бадоеъ ул-бидоя” ўн бир лирик жанрдан таркиб топганлигига ишора қилади.

“Хазойин ул-маоний”га ёзган дебочасида эса мазкур куллиётни тартиб беришгача бўлган жараёнда икки девон тузганлигини, улардан биринчиси учун фиҳраст, иккинчиси учун махсус дебоча ёзганини айтиб ўтади: *“...Андин сўнгра дағи ул жамъу тартибдин бошқа яна ҳар тақриб била ҳар навъ абётким, айтилиб эрдию ҳар навъ ғазалиётким, йиғилиб эрди, ул хаёл шабистонининг дурахшон ахтарларину ул кўнгул махзанининг дурахшон гавҳарларин дағи иккинчи девонимдаким, “Наводир ун-ниҳоя”ға машҳурдур, рабту тартиб бериб, дебочасинда шарҳ била аиззайи асҳобу ажиллайи аҳбоб хидматларида арз қилиб эрдим*”.

Ушбу қайдлардан маълум бўляптики, шоирнинг иккинчи расмий девони учун дебоча битилган ва унга турли навъ – жанрлардаги шеърлар киритилган. Ҳамид Сулаймонов Алишер Навоий лирикасининг матний тадқиқига бағишланган диссертациясида “Наводир ун-ниҳоя” девонининг таркиби ҳақида маълумот берар экан, унинг Султонали Машҳадий томонидан Ҳиротда кўчирилган ягона (уникал) қўлёзма нусхаси мавжудлигига эътибор қаратади[3] ва бу нусханинг 628 ғазал, 3 мустазод, 3 таржиъбанд, 5 қитъа, 46 рубоий, 1 луғз, 6 муаммо ва 1 туюқ – жаъми 693 та шеърдан ташкил топганлигини аниқлайди [4]. Олимнинг маълумот беришича, мазкур қўлёзма XV асрда Навоий тириклик пайтида Ҳусайн Бойқаро

[1] М.Имомназаровнинг ушбу масалага алоҳида эътибор қаратган мақоласи бор (Қаранг: Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари / Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари) – Т.: TAMADDUN, 2017. 6-10 бетлар).

[2] Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1987. 2-ж.

[3] “Наводир ун-ниҳоя”нинг яна бир нусхаси фанга 1966 йилдан кейин маълум бўлди.

[4] Х.Сулейманов. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. Дисс... на соискание ученой степени доктора филол.наук. В трех томах. Т.1. - Т. - М., 1955-61. – С. 71.

хазинаси учун кўчирилган. Бу маълумот кейинчалик “Наводир ун-ниҳоя” қўлёзмасининг тил хусусиятлари бўйича тадқиқот олиб борган олима М.Раҳматуллаева томонидан ҳам айтиб ўтилган[1].

“Наводир ун-ниҳоя” девонининг фақат ғазаллардан иборат тарзда нашр қилинганлиги бизда Машҳадий кўчирган қўлёзма билан яқиндан танишиш истагини пайдо қилди. Бугунги кунда ТошДШИ ШҚМда 1995 инв. рақам остида сақланаётган ушбу қўлёзма 205 варақдан иборат бўлиб, настаълиқ хатида кўчирилган. Қўлёзма яхши сақланган. Унда Навоий таъкидлаб ўтган дебоча йўқ. Қўлёзманинг 1б– 184б саҳифасини ғазаллар ташкил қилади. Девон

Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш киби пайдо,
Юзунг қуёшиға зарроти кавн ўлуб шайдо

деган байт билан бошланади.

Ушбу саҳифалар оралиғида, яъни қўлёзманинг ғазаллар қисмида 6 нафис миниатюра ҳам келтирилган. 186б саҳифадан бошлаб бошқа жанрдаги шеърлар алоҳида рангли лавҳа билан бошланади. Қўлёзма таркибидаги жанрларнинг жойлашиш ўрни, миқдори ва саҳифасини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т.р	Жанр номи	Миқдори	Ҳажми	Саҳифаси
1.	Ғазал	628		1б -184 б
2.	Мустазод	3	21 байт	186б-188 а
3.	Таржиъбанд	3	259 байт	188а -198б
4.	Қитъа	5	22 байт	198б -199 б
5.	Рубоий	46	90 байт	199б -204а
6.	Луғз	1	6 байт	204б
7.	Муаммо	6	6 байт	204б -205а
8.	Туюқ	1	2 байт	205а

Қўлёзманинг асосий саҳифасида (ҳошиядаги матнни ҳисобга олмаганда) жами 693 шеър мавжуд бўлиб, ушбу шеърлардан 563 таси янги, 130 таси эса шоирнинг дастлабки расмий девони “Бадоеъ ул-бидоя”га киритилган. Ғазалларнинг шартли миқдори 628 тани ташкил қилади. Қўлёзманинг ҳошия қисми (интерполяция)да яна 18 та ғазал мавжуд бўлиб, улар тахминимизча, қўлёзмага кейинчалик номаълум шахс томонидан киритилган. Ҳ.Сулаймонов ҳам, М.Раҳматуллаева ҳам уларни асосий матндан ташқарида бўлганлиги учун ҳисобга киритмаганлар.

Девон ҳошиясидаги ғазаллар матлаъсини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т.р	Ғазал матлаъси	Саҳифаси	Ҳажми
1.	Ўтқа солғил сарвни ул қадди мавзун бўлмаса, Елга бергил гулни ул рухсори гулгун бўлмаса.	8а	7 байт
2.	Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт, Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.	27а	9 байт

[1] Қаранг: М.Раҳматуллаева. Алишер Навоий лирикасида синонимлар масаласи (XV асрда Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган “Наводир ун-ниҳоя” девонининг уникал қўлёзмаси асосида). Филол.фанлари номз... дисс. – Т., 1965.

3.	Қосидеким еткурур кўнглумга жонондин хабар, Уйладурким, бергай ўлган жисмға жондин хабар.	46а	7 байт
4.	Дилбаро, сендин бу ғамким менда бордур, кимда бор? Фурқатингдин бу аламким менда бордур, кимда бор?	52а	7 байт
5.	Ул саводи хатмудур ё сабзаи жаннатмудур, Ё қуёш узра ёзилган ояти раҳматмудур?!	53а	7 байт
6.	Яна сенсизин мунисим ғам бўлубтур, Кўзумга юрак қони ҳамдам бўлубтур.	62а	9 байт
7.	Бағримни тиғи ҳажр ила пора қилдилар, То ёр кўйидин мени овора қилдилар.	63а	7 байт
8.	Фиғонки, ёр вафо аҳлиға ситам қиладур, Ниёзу ажз гуноҳиға муттаҳам қиладур.	66а	8 байт
9.	Даҳрдин меҳру вафо қилма ҳавас, Элидин ғайри жафо қилма ҳавас.	77а	7 байт
10.	Ҳар кун ақшомғача ҳажрингда менга зорлиғ иш, Кеча тонг отқуча андуҳ ила бедорлиғ иш.	88а	7 байт
11.	Дўстлар, кўнглумни васл уммиди беҳол айламиш, Орзу хайли ҳазин жонимни помол айламиш.	91а	9 байт
12.	Демонким мени ёд этиб шод қил, Бошингдин уюр доғи озод қил.	126а	9 байт
13.	Ул қуёш юзлукни ҳар тун ёд қилмоқдур ишим, Ўз-ўзумга то саҳар бедод қилмоқдур ишим.	136а	9 байт
14.	Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин, Кўнглума ҳар бирининг дарди балосннму дейин?!	141а	7 байт
15.	Тирик қолсам гар ўзни базми васлинг ичра солғаймен, Фироқинг шиддатин де олмасам худ йиғлай олғаймен.	148а	9 байт
16.	Муддаийлар бетараҳҳум, ёр бепарво басе, Ҳам алар кўп зулм этарлар, ҳам бу истиғно басе.	169а	9 байт
17.	Истадим ёреки кўнглум дам-бадам шод айлагай, Билмадим жонимға бедод узра бедод айлагай.	176а	7 байт
18.	Эврулай бошингғаю беҳушу ҳайронинг бўлай, Бир замон садқанг бўлай, бир лаҳза қурбонинг бўлай.	181а	7 байт

Кузатишларимиз асосида бу ғазаллар “Наводир ун-ниҳоя”нинг 1966 йили топилган яна бир нусхаси (Қозон нусхаси)да мавжудлиги аниқланди: ушбу нусха Порсо Шамсиев томонидан қўлга киритилган бўлиб, ҳозирда ШИ ШҚМда 11675 инв. рақам остида сақланади. Қўлёзма 1487 йили Ҳиротда, машҳур хаттот Абдулжамил котиб томонидан кўчирилган. Унинг таркибида 840 та ғазал бўлиб, улар жами 149 варақка жойлаштирилган. Мазкур нусхада ҳам дебоча йўқ. Мукаммал асарлар тўпламининг “Наводир ун-ниҳоя” ўрин олган иккинчи жилди учун шу нусха асос қилиб олинганлиги айтилган[1].

Машҳадий томонидан кўчирилган қўлёзма таркибида ғазалдан ташқари яна 7 жанр борлигини юқорида таъкидлаган эдик. Бу жанрларга мансуб шеърлар замонавий нашрларга киритилмаганлиги боис китобхонда тасаввур пайдо бўлиши учун уларнинг дастлабки байтларини қуйидаги жадвалда келтиришни лозим топдик:

Т. р	**Жанр номи ва дастлабки байти**	**Саҳифаси**	**Ҳажми**
	Мустазодлар		

[1] Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1987. 2-ж. – Б.5.

1.	Эй ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли, мазҳар санга ашё, Сен лутф била кавну макон ичида мавли, олам санга мавло.	186б 187а	7 байт
2.	Дин офати бир муғбачайи моҳлиқодур, майхораву бебок, Ким ишқидин онинг ватаним дайри фанодур, сармасту ёқам чок.	187б 188а	7 байт
3.	Не вўсмаву не кесмадур ул зулфи сумансой, не ғамзайи жоду, Машшота санга золи фалакдур магар, эй ой, хуршид анга кўзгу.	188а	7 байт
	Таржиъбандлар		
1.	Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст.	188а- 192а	100 байт
2.	Жаҳон қасриғадур сув узра бунёд, Чу йўқ бунёди, ондин бўлмағил шод.	192а- 196а	103 байт
3.	Эй, кирпики нешу кўзи хунхор, Жонимни неча қилурсен афгор?	196б- 198б	56 байт
	Қитъалар		
1.	Фонийи мутлақ ўлмайин солик, Анга йўқтур умиди мақсади кул.	198б	2 байт
2.	Қаноат тариқиға кир, эй кўнгул, Ки хатм ўлғай ойини иззат санга.	198б 199а	11 байт
5.	Илоҳий, ул рақамеким, чекибдурур қаламим, Мин-аш-шарорати ав ғайриҳо фарарту ладайк.	199б	2 байт
	Рубоийлар		
1.	Субҳоналлоҳи холиқи з-ул-мажду ало Ким, андин эрур тўла хало бирла мало.	199б	2 байт
2.	Кўк пўяву сайр ила талабгор санго, Кун сорғорибон ишқда бемор санго.	199б	2 байт
3.	Ё рабки, иноятингни ёр айла манго, Йўқлуққа ҳидоятингни бор айла манго.	200а	2 байт
4.	Шоҳики фалак сори чу майл ўлди анга, Кўк зарфи сочарға нур кайл ўлди анга.	200а	2 байт
5.	Жонимдағи «жим» икки долингға фидо, Андин сўнг «алиф» тоза ниҳолингға фидо,	200а	2 байт
6.	Номангки, эрур боиси иқболу тараб, Еткурса тараб мени ҳазинға не ажаб.	200а	2 байт
7.	Бир айбға гарчи халқ қилғай мансуб, Фақр аҳлидин изтироб эмастур маҳсуб	200аб	2 байт
8.	Су кўзгусини боғ аро айларда шитоб, Сиймоб қилур эрди таҳаррук била тоб.	200б	2 байт
9.	Гардун уза базм учун мақом айлади тут, Ул базмда хуршидни жом айлади тут.	200б	2 байт
10.	Эй ишқ, анинг кўйида тавфи ҳарам эт, Бизни дағи ул тавфға бошла, карам эт.	200б	2 байт
11.	Чун ханжари ҳажринг манга қатъ этти ҳаёт, Бори ғаму дардинг ўқини тинмайин от.	200б	2 байт
12.	Бўлди менинг ўлмагимга савдо боис, Савдоға ҳавойи жоми саҳбо боис.	200б	1 байт[1]

1 Қўлёзмада ушбу рубоийнинг фақат бир байти мавжуд.

13.	Лаълингни қилиб нуктасаро, эй қоракўз, Ишқ аҳли ҳаётиға яро, эй қоракўз.	201а	2 байт
14.	Ул кўзки, даме бўлмади соғ, эй қоракўз, Қонимдин ичар мудом аёғ, эй қоракўз.	201а	2 байт
15.	Жонбахш лабинг чашмайи ҳайвонму эмас Ҳажридин анинг ичим тўла қонму эмас?	201а	2 байт
16.	Гар ошиқ эсанг, меҳру вафо қилма ҳавас, Дард иставу дафъиға даво қилма ҳавас,	201а	2 байт
17.	Маҳбубқа эътимод қилмоқ бўлмас, Андин талаби мурод қилмоқ бўлмас.	201а	2 байт
18.	Ҳам савмаа кунжи шайхи таррорға бас, Ҳам шайх юзи зоҳиди ҳушёрға бас.	201б	2 байт
19.	Ул дурри саминки, бор эди кўзума ёш, Айларда ажал анга жафо расмини фош.	201б	2 байт
20.	Йиллар тутубон шайх мақолотиға гўш, Не кўнглума завқ етти, не жонима жўш.	201б	2 байт
21.	Соқий, мени хорхордин айла халос, Гул-гул юзунг оч, баҳордин айла халос.	201б	2 байт
22.	Бер жому ол, эй муғбача, жонимни эваз, Қўш тутқилу, ол икки жаҳонимни эваз.	201б	2 байт
23.	Ким истаса салтанат, саходур анга шарт, Ҳар ваъдаки айласа вафодур анга шарт.	202а	2 байт
24.	Бу даврда йўқ сен кеби хушхон ҳофиз, Ҳуффоз аро сарҳалқайи даврон ҳофиз.	202а	2 байт
25.	Ким айласа соқийи гуландом тамаъ, Илгидин анинг соғари гулфом тамаъ.	202а	2 байт
26.	Бердинг манга дайр аро иқомат, эй муғ, Туттунг қадаҳи майи маломат, эй муғ.	202а	2 байт
27.	Номанг етибон топти кўнгул иззу шараф, Ҳар лафзи бўлуб мурод дурриға садаф.	202а	2 байт
28.	Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фироқ, Жонимға балову дард ўқин урди фироқ.	202б	2 байт
29.	Йўқ даҳрда бир бесарусомон мендек, Ўз ҳолиға саргаштаву ҳайрон мендек.	202б	2 байт
30.	Бераҳмдурур оламу золим афлок, Бемеҳрдурур анжуму даврон бебок.	202б	2 байт
31.	Зоҳид сенга, ҳур, манга жонона керак, Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.	202б	2 байт
32.	Гар дилбар эмас малаквашу ҳур хисол, Ондин сўнг улуснинг кўзи кўру тили лол.	202б	2 байт
33.	Муғ дайри сари бугун таманно қилдим, Ул муғбача ҳуснини тамошо қилдим.	203а	2 байт
34.	Ёшунған эмиш қора булутқа моҳим, Гардунни совурмоғлиқ эрур дилхоҳим.	203а	2 байт
35.	Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлиға зам, Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам.	203а	2 байт
36.	Масжидқа неча аҳли риёдек етайин, Ё ринд кеби азимати дайр этайин.	203а	2 байт
37.	Зулфунг гириҳиға пойбаст ўлмишмен, Лаълинг майидин бодапараст ўлмишмен,	203аб	2 байт
38.	Дайр ичра тилаб жоми ҳилолий партав, Сажжода гарав бўлса не тонг, эй раҳрав,	203б	2 байт

39.	Гар қилса киши қилиб гуноҳе, тавба, Ул журмға бўлса узрхоҳи тавба.	203б	2 байт
40.	Ё кошифи асрори ниҳон бўлса киши, Ҳаллоли румузи осмон бўлса киши.	203б	2 байт
41.	Сен худ борасен кўнгулни қайтарғил, ахий, Бедиллиқ ўтидин мени қутқарғил, ахий.	203б	2 байт
42.	Сен борғали ортмиш кўнгул зорлиғи, Оҳ ўқларидин ҳар нафас афгорлиғи.	203б 204а	2 байт
43.	Жонимға етиптурур хумор, эй соқий, Май тутқилу берма интизор, эй соқий.	204а	2 байт
44.	Охир даме умр этса шитоб, эй соқий, Тутқил манга онча майи ноб, эй соқий	204а	2 байт
45.	Ҳар зулф хамиға қилма вобаста мени, Ҳар кўз ҳавасидин этмагил хаста мени.	204а	2 байт
46.	Тил сўз била то қизитти ҳангомамни, Бир ҳам тия олмадим бу худкомамни.	204а	2 байт
	Луғз		
1.	Не лўлидурки, чун ҳангома тутса, Қадам бошдин қилиб тортар навозир.	204б	6 байт
	Муаммолар		
1.	Ёшун, эй гулки, ул гулрух жамоли Эрур ҳам содаву ҳам тоза ҳоли.	204б	1 байт
2.	Кўз учи қоши ёсидур соҳир, Они ёд ол олардин, эй сомир.	204б	1 байт
3.	Қаро эрди кўзум ҳажрингдин, эй моҳ, Яна кўрдум юзунгни шукрилиллоҳ.	204б	1 байт
4.	Гириҳни туррадин то очти моҳим, Паришон қилди филҳол они оҳим.	205а	1 байт
5.	Ҳам қоши бирла орази хуш эрур, Ҳам кўзи бирла қадди дилкаш эрур.	205а	1 байт
6.	Чун ул ойға қул ўлди бу ғамкаш, Қулидин юз ёшурди ул маҳваш.	205а	1 байт
	Туюқ		
1.	Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабдурур, Ё магар шаҳду шакар ёлабдурур.	205а	2 байт
	Жами: 65 шеър		

Бу жанрлар таркибини ўрганиш ва уларни аввалги расмий девондаги шеърлар билан қиёслаш қуйидаги натижага олиб келди: ушбу шеърларнинг аксарияти, яъни 65 шеърдан 63 таси “Бадоеъ ул-бидоя”да ҳам мавжуд экан (5-рақам остидаги қитъа ва 4-рубоийдан ташқари). Бу таажжубланарли ҳол албатта, чунки Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” дебочасидаги *“ул жамъу тартибдин бошқа (“Бадоеъ* ул-бидоя” *назарда тутиляпти – Д.Ю.) яна ҳар тақриб била ҳар навъ абётким, айтилиб эрдию ҳар навъ ғазалиётким, йиғилиб эрди (*“Наводир ун-ниҳоя” *ҳақида сўз боряпти* – Д.Ю.*)* деган фикрига таянадиган бўлсак, мазкур девондаги турли жанрга мансуб шеърларнинг асосий қисми янги бўлиши керак эди, қолаверса шоир ижодий лабораториясини ўрганган олимлар унинг “Хазойин ул-маоний”гача бўлган даврдаги шеърияти девондан девонга асосан янгиланиб борганлигини таъкидлайдилар [1].

[1] Бу ҳақда қаранг: Ё.Исҳоқов. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Т., 1965; А.Ҳайитметов. Навоий лирикаси / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Н.Жумахўжа. – Т., 2015; А.Эркинов. Навоийнинг мухлислари

Биз ҳозирча ушбу ҳолатнинг сабабини аниқлаш имкониятига эга эмасмиз, зеро бу навоийшуносликдаги истиқболдаги вазифалардандир. Биз фақат ушбу жараёндаги илк босқич сифатида мазкур лирик жанрларнинг девонга жойлаштирилиш тартиби ва ҳолатига эътибор қаратмоқчимиз. Девонга ғазаллардан сўнг жойлаштирилган мустазодларнинг миқдори, тартиби ва ҳажми "Бадоеъ ул-бидоя" девони билан бир хил. Таржиъбандлар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. "Бадоеъ ул-бидоя"да мавжуд 46 қитъадан 4 таси ушбу девонга киритилган, фақат бир қитъа янги. Агар "Илк девон" ва "Оққуюнли мухлислар девони"да қитъа жанридаги шеърлар мавжуд эмаслигини ҳисобга олсак, ушбу қитъанинг "Хазойин ул-маоний" учун ҳам янги эканлиги маълум бўлади. Қўлёзмада рубоийлар сони 46 та, лекин бу шартли кўрсаткич. Чунки қўлёзмада 200-б–бет, яъни 12-рубоийнинг биринчи байти *(Бўлди менинг ўлмагимга савдо боис, Савдоға ҳавойи жоми саҳбо боис)* дан кейин бир варақ узилган ва натижада "жим", "чим", "ҳе", "дол", "зол", "ре" ҳарфлари билан тугайдиган рубоийлар тушиб қолган. Буни 200-б–бетнинг пастки қисмидаги пойгир ("саҳбо" сўзи) ҳам тасдиқлайди, чунки ушбу рубоийнинг кейинги байти шу сўз билан бошланиши керак эди. Агар мазкур қўлёзмадаги матн тартибига кўра ҳар бир саҳифада 5 тадан рубоий жойлаштирилганлигини ҳисобга олсак, қўлёзма таркибидан тахминан 10 га яқин рубоий тушиб қолганлиги маълум бўлади. Қўлёзмадан жавоби "Қалам" бўлган бир луғз ҳамда "Ҳамза", "Зайни ва Зайд", "Шукруллоҳ", "Тоҳир", "Одил" ва "Вали" исмларига битилган 6 муаммо ҳам ўрин олган. Уларнинг барчаси "Бадоеъ ул-бидоя"да ҳам мавжуд. Девон қўлёзмаси туюқ жанри билан интиҳо топади. Сарлавҳада "туюқлар" дейилгани ҳолда негадир фақат бир туюқ келтириб ўтилган.

Ҳ.Сулаймонов Султонали Машҳадийнинг хаттотлик фаолияти ҳақида сўз юритар экан, ушбу котиб "девонларни кўчириш пайтида уларнинг тўлақонли матни сақланишига эътибор қаратмаган, унинг учун хаттотлик санъатининг юксак намунасини кўрсатиш муҳим эди, шу сабабли баъзан у кўчирган қўлёзмаларда дебочаларнинг тушиб қолдирилиши ёки матннинг тўлиқ бўлмаслиги табиий ҳол" деган фикрни билдиради[1].

Сўнгги йилларда "Наводир ун-ниҳоя"нинг яна бир қўлёзма нусхаси мавжуд эканлиги маълум бўлди. Тожикистонлик олим Б.Мақсудовнинг аниқлашича, мазкур нусха Тожикистон Миллий университети тожик филологияси факультети кутубхонасининг қўлёзмалар фондида 736-инв. рақами остида сақланмоқда. Қўлёзманинг тўрт ўрнида (дебочадан сўнг, ўртасида, сўнгги шеърдан сўнг ва охирги варақда) рақам ва ҳарфлар билан ҳижрий 882 (1477-1478) йил кўрсатилган (Бу вақтда Навоий 36 ёшда эди). Қўлёзмани кўчирган котиб номи ва кўчирилиш ўрни кўрсатилмаган. Қўлёзма саҳифаланмаган, лекин яхши сақланган, йиртилган ёки тушириб қолдирилган варақлар йўқ. Қизиқ томони, унда келтирилган дебоча шоирнинг илк расмий девони "Бадоеъ ул-бидоя" учун ёзилган дебочанинг айнан ўзидир.

Қўлёзма 266 варақдан иборат бўлиб, унинг асосий қисмини ғазаллар ташкил қилади. Девонда жами 598 та ғазал мавжуд. Қўлёзма саҳифаларининг ҳошиясига яна тахминан 25-30 та ғазал бошқа дастхат билан қўшиб қўйилган. Олимнинг тахминича, бу ғазаллар кейинчалик девоннинг бошқа нусхаларидан хабардор шахс томонидан ғазаллар нисбатини яқинлаштириш мақсадида киритилган бўлиши мумкин. Қўлёзма таркибида ғазаллардан ташқари яна 1 таркиббанд, 1 таржиъбанд, 1 соқийнома, 1 мустазод, шунингдек бир неча

томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2012. –№ 1.

[1] Қаранг: Юқоридаги манба. – Б. 72.

рубоий, қитъа ва алоҳида олинган байтлар (муаммо ёки фардлар бўлса керак – Д.Ю.) ҳам мавжуд. Б.Мақсудовнинг тахминига кўра, ушбу қўлёзма, XVII асрда “Наводир ан-ниҳоя”-нинг 882 /1477-1478 йилда тартиб берилган нусхаси асосида кўчирилган. Агар Машҳадий ва Абдулжамил котиб кўчирган нусхаларнинг санаси ва таркиби ушбу қўлёзмадан фарқланишини ҳисобга оладиган бўлсак, “Наводир ун-ниҳоя”нинг бизга маълум бўлмаган (ҳозирги нусхалардан ҳам қадимийроқ) яна бир қўлёзма нусхаси бўлганлиги англашилади[1].

Машҳадий кўчирган қўлёзма билан ушбу қўлёзмани қиёслаш асносида унинг таркибида Машҳадий нусхасида мавжуд бўлмаган таркиббанд ва соқийнома жанрлари ҳам борлиги маълум бўлди. Агар ушбу жанрларнинг мухлислар тузган икки девон ҳамда “Бадоеъ ул-бидоя” таркибида мавжуд эмаслигини ҳисобга олсак, уларнинг “Хазойин ул-маоний” учун ҳам янги эканлиги маълум бўлади[2].

Ўтган асрнинг 90-йилларида навоийшунос Суйима Ғаниева “Наводир ун-ниҳоя”нинг яна бир нусхасини Эроннинг “Кохи Гулистон” музейи фондидан топди ва бу нусха 1991 йили “Навоий дастхати” номи билан эълон қилинди. Олиманинг фикрича, мазкур нусхада шоирнинг муҳри босилган бўлиб, у “Наводир ун-ниҳоя”нинг Навоий кўчирган мусаддава (қоралама) нусхасидир. Девоннинг таркиби ғазаллардан иборат бўлиб, тўлиқ эмас: “коф” билан тугалланган ғазаллардан сўнг (тахминан 550 ғазал) матн узилиб қолган. Қўлёзмадаги сўнгги ғазал мақтаъси қуйидагича:

Кўйида ўлди Навоий бу сифатким, бор эди
Такя хорову ҳасире ёни остида тўшак.

Агар “Наводир ун ниҳоя”нинг юқорида тилга олинган нусхаларидаги ғазалларнинг тахминий таркиби асосида фикр юритадиган бўлсак, “коф” ҳарфидан сўнг яна “лом”, “мим”, “нун”, “вов”, “ҳойи ҳавваз”, “лом алиф”, “йой” ҳарфлари билан тугалланувчи ғазаллар ҳам мавжудлиги ва уларнинг миқдори 400 дан ортиши, жами ғазаллар сони эса 900 атрофида эканлиги маълум бўлади. Буларнинг барчаси “Наводир ун-ниҳоя” девонининг тўлиқ ва мукаммал нусхаси ҳали топилмаганлигини кўрсатади.

Ҳамид Сулаймонов шоирнинг илк расмий девони “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг Навоий ҳаётлик пайтида кўчирилган нусхаларини ўрганиб чиқиб, ушбу нусхалар орасидаги шеърлар миқдори ва жанрий тафовутларни Навоийнинг шеър яратишдан бир зум тўхтамаганлиги билан изоҳлайди, бошқача айтганда, Навоий “Бадоеъ ул-бидоя”нинг илк нусхаси тартиб берилгандан кейин “Наводир ун-ниҳоя” тузилгунча бўлган жараёнда яна кўплаб шеърлар ёзган ва котиблар уларни “Бадоеъ ул-бидоя”нинг кейинги нусхаларига пешма-пеш киритиб боришган ва шу тариқа “Бадоеъ ул-бидоя”нинг бир неча (шеърлар миқдори нусхадан-нусхага кўпайиб борувчи) нусхалари пайдо бўлган. Агар “Бадоеъ ул-бидоя”нинг

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Мақсудов Б. “Наводир ун-ниҳоя”нинг янги топилган қўлёзма нусхаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2016. – № 6. – Б.49-53.

[2] Алишер Навоийнинг ҳозирча фанга маълум ягона соқийномаси “Хазойин ул-маоний” куллиётининг “Фавойид ул-кибар” девонига киритилган. Унинг 31-бандида шоир бир қанча замондошларининг номларини эслаб ўтиб, бу ерда тилга олинмаган дўстларини “Мажолис ун-нафоис”да зикр этганлигини таъкидлайди. Агар “Мажодис ун-нафоис”нинг биринчи редакцияси 1492 йилда тузилганлигини ҳисобга олсак, соқийноманинг ушбу санадан кейин яратилганлиги маълум бўлади. Б.Мақсудов маълумот бераётган нусхада эса соқийнома 1477-78 йилдан илгари ёзилган бўлиб чиқяпти. Бу бошқа соқийномами ёки “Фавойид”даги соқийноманинг илк вариантими, бу масала ҳозирча аниқлангани йўқ.

1480/81 йилда кўчирилган Париж нусхасида 836 та шеър бўлса, 1482/83 йилда кўчирилган ва ҳозирда Британия музейида сақланувчи Лондон нусхасида 842 шеър мавжуд, Боку нусхаси (1484) 851 та шеърни ўз ичига олади ва 1486 йилда кўчирилган нусха (Тошкент нусхаси)да 921 та шеър бор.

Бизнингча, "Наводир ун-ниҳоя"нинг XV асрда, ҳали Навоий тириклик пайтида кўчирилган нусхалари ҳам худди шундай жараённи "босиб ўтган". Ҳозирча нисбатан қадимий деб тахмин қилинаётган қўлёзмадан кўчирилган нусха (Душанбе нусхаси)да 598 ғазал бўлса, Машҳадий кўчирган нусхада 628 та ғазал бор, 11675 инв. рақам остида сақланувчи ва Абдулжамил котиб томонидан 1487 йилда кўчирилган нусхада эса ғазаллар сони 840 тани ташкил қилади. Қўлёзмалардаги ушбу турличаликлар, жанрий тафовутлар ва ҳақиқий дебочанинг мавжуд эмаслиги "Наводир ун-ниҳоя" девонининг Навоий назарда тутган асл ва тугал нусхаси топилмаганлигини, матншунослик олдида ҳали муаммоли ҳамда ҳал қилиниши зарур бўлган кўплаб масалалар кўндаланг турганлигини кўрсатади.

Адабиётлар

1.Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя (қўлёзма). ТошДШИ ШҚМ. Инв.1995.

2. Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя (қўлёзма). ТошДШИ ШҚМ. Инв.11675.

3.Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Т., 1965.

4.Мақсудов Б. "Наводир ун ниҳоя"нинг янги топилган қўлёзма нусхаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2016. – № 6. – Б.49-53.

5.Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2012. –№ 1.

6.А.Ҳайитметов. Навоий лирикаси / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Н.Жумахўжа. – Т., 2015.

7.Раҳматуллаева М. Алишер Навоий лирикасида синонимлар масаласи (XV асрда Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган "Наводир ун-ниҳоя" девонининг уникал қўлёзмаси асосида). Филол.фанлари номз... дисс. – Т., 1965.

8.Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. Дисс... на соискание ученой степени доктора филол.наук. В трех томах. Т.1. - Т. - М., 1955-61.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “МЕЗОН УЛ-АВЗОН” АСАРИДА ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ ВА АРУЗ ВАЗНИ МУНОСАБАТИ

Шарқ мумтоз поэтикасининг қадимий ва муҳим тармоқларидан бири бўлган аруз илмининг инкишофи ва шаклланиши халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ эканлиги мумтоз манбалардан маълум. Арузнинг асл сарчашмаси бўлган араб шеърияти даставвал кўчманчи, туя боқиш билан шуғулланувчи араб қабилалари – бадавийларда вужудга келган [1, 14]. Араб туячилари туяни тезлатиш учун махсус қўшиқлар куйлаганлар ва бу қўшиқлар араб халқлари орасида кенг тарқалган.

VIII асрга келиб, араб олимлари орасида шеърият ва халқ оғзаки ижоди орасидаги муносабатни ўрганиш, уларнинг муайян қонуниятларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилди. Бу вазифа ҳақли равишда “араб филологиясининг отаси” деб эътироф этилувчи олим Халил ибн Аҳмад (715/719 – 786/791) томонидан амалга оширилди. У аруз илмини бир бутун тизим ҳолига келтирди ва унинг назарий асосларини ишлаб чиқди.

Аруз вазни араб шеъриятида ўзининг мусиқий оҳангдорлиги билан мустаҳкам ўрин олгач, аста-секин қўшни халқ ва мамлакатларга ҳам ёйилди. Энди унинг сир-у синоатлари форсий ва туркий олимларни ҳам ўзига жалб эта бошлади: натижада Яқин ва ўрта Шарқ халқлари адабиётида бу соҳага доир юзлаб рисолалар майдонга келди.

Туркий халқлар адабиёти ҳам мусулмон Шарқи маданиятининг таркибий қисми сифатида ушбу илм асосида иш кўрди. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи” (“Мухтасар”)да туркий арузнинг назарий қонун-қоидалари ишлаб чиқилди. Ушбу асарлардаги аруз қонуниятлари ҳақида бир қанча тадқиқотлар яратилган бўлса-да, Алишер Навоий ва Бобур рисолаларида келтирилган халқ оғзаки ижоди, хусусан халқ қўшиқлари билан боғлиқ поетик шаклларнинг вазн хусусиятлари, оҳанг имкониятлари ритмик урғу билан боғлиқ ҳолда махсус тадқиқ этилмаган эди. Биз ушбу мақоламизда ана шу масалага тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ўрта аср адабиётшунослигида фаннинг муайян масаласи бўйича рисолалар мухтасар (кўзда тутилган муаммо юзасидан умумий, ихчам ва лўнда маълумотларни ўз ичига олувчи кичик рисола) ёки муфассал (бирор фан ёки унинг муайян соҳасини мукаммал тарзда ёритувчи монографик характердаги йирик асар) усулида яратилган. Шу маънода Навоийнинг ушбу асари аруз илми ҳақида умумий ва қисқа маълумот берувчи рисола ҳисобланади.

Навоий туркий тилда яратилиб, адабиётшунослик масалаларига бағишланган Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари билан таниш бўлмагани учун аруз назариясига доир қонун-қоидаларни туркий тилда илк марта баён қилаётганини алоҳида таъкидлайди, хусусан “ғараз бу мақолотдин ва мақсуд бу муқаддимотдин бу эрдиким, чун турк алфози билаким назм воқиъ бўлубдур, анга зобитае ва қонуне йўқ эркондур...” деб ёзаркан, туркий тилда аруз қонун-қоидаларига оид махсус асар йўқлигини айтиб ўтади [2, 94].

“Мезон ул-авзон” муқаддима, асосий қисм ва кичик хотимадан иборат. Муқаддимада Оллоҳга ҳамд айтилгач, Султон Ҳусан Бойқаронинг ушбу асарни ёзишга илҳомлантирганлиги ҳақида сўз боради. Унда айтилишича, Ҳусайн Бойқаро Амир Хусрав Деҳлавийнинг 18 минг байтдан иборат ғазалиётини йиғдириб, бир тўплам ҳолига келтиради. Хусрав Деҳлавий

шеърларининг кўпи мураккаб баҳр ва вазнларда бўлиб, уларни аниқлашда ҳатто баъзи шоирлар ҳам ожизлик қилар эдилар. Ҳусайн Бойқаронинг топшириғи билан арузшунослар Хусрав Деҳлавийнинг ҳар бир шеъри устига шу шеърнинг вазнини ёзиб чиқадилар. Шундан сўнг девон тузишда ҳар бир шеърнинг вазнини қайд этиб қўйиш одат тусига киради. Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" куллиёти ҳам шу йўсинда тартиб берилади.

Алишер Навоий муқаддимада ўзидан аввал яратилган арузга доир манбалар: Халил ибн Аҳмаднинг "Китоб ул-айн", Шамс Қайс Розийнинг "Ал-мўжам", Насириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор", Абдураҳмон Жомийнинг "Рисолаи аруз" асарларига тўхталиб ўтиб, уларда мавжуд бўлмаган баъзи қоида, доира ва вазнларни ўз асарида келтириб ўтишини айтади. Яъни: "...неча қоида-у доира ва вазнким, ҳеч арузда, мисли фан возии Халил ибни Аҳмад ва илм устоди Шамс Қайс кутубида ва Хожа Насир Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор"ида, балки Ҳазрати Махдумий наввара марқадаҳу нуран "Аруз"ларида йўқ эрдиким, бу фақир бу фан усулидин истихрож қилиб эрдиким, бу китобға изофа қилдим" [2, 44-45].

Сўнгра Навоий арузнинг "шариф" фан эканлигига тўхталар экан, Қуръони каримдаги баъзи оятлар ва пайғамбаримиз ҳадисларидаги баъзи жумлаларнинг аруз вазнлари билан мос келиши, Амир ул-мўʻминин Ҳазрат Али девонларидаги шеърларнинг аксарияти, кўплаб машойих ва авлиёларнинг назмлари, маснавийлари аруз вазнида эканлигини таъкидлаб ўтади. Арузнинг шариф фан эканлигини шу тариқа асослагач, ушбу фаннинг кашфиётчиси Халил ибн Аҳмад ва "аруз" истилоҳи ҳақида маълумот беради. Навоийнинг ёзишича, Халил ибн Аҳмад яшаган ҳудуд яқинида "Аруз" деган водий бўлган ва бу водийда араблар чодирдан уйлар тикиб, уларни безатиб сотган эканлар. Уйни "байт" деб аташар экан. Байтнинг мавзун-номавзун (вазнли-вазнсиз) эканлигини аруз фанининг ўлчовига солиб кўришганидек, безатилган уйлар ҳам баҳога солиб, ўлчаб кўрилар экан. Шу тариқа мазкур илм ушбу водий номи билан "*Аруз*" деб атала бошланган.

Асарнинг танқидий матнини яратган Иззат Султонов асарнинг халқ оғзаки ижоди билан муносабати ҳақида шундай дейди: "Баҳрлар ва вазнлар ҳақидаги бобнинг охири "Мезон ул-авзон"нинг жуда қимматли қисмидир. Бу жойда Навоий туркий халқларинг ёзув поезияси ва фолклор тажрибаси асосида арузнинг вазнлар бобига, ва умуман, поетиканинг жанрлар бобига фавқулодда аҳамиятли қўшимчалар қилади. Навоийнинг фикрича, одатда аруз ҳақидаги китобларда келтириладиган вазнлардан ташқари, яна бир неча вазн борки, улар ажам (форс ва ўзбек) шоирларининг сўнгилари ва Навоийнинг замондошлари асарларида учрайди, аммо арузга тааллуқли бўлса ҳам, аруз ҳақидаги китобларда қайд этилмаган... Навоий ҳаммаси бўлиб тўққизта янги вазн ва шеърий шаклни қайд этади..." [3, 430].

"Мезон ул-авзон"да Навоий уларнинг халқ орасида тарқалган номларидан фойдаланади, номи йўқларини эса аруздаги вазнлардан қайси бирига мос бўлса, шу вазн номи билан атайди: "яна бир неча вазнки, баъзини ажам шуароси мутааххирлари айтибдурлар ва баъзи бу замонда назм топибдур ва ҳеч арузға дохили бўлмайдур, агарчи филҳақиқат аруз буҳуриға дохилдурлар, ишорате алар сори қилмоқ холи оз муносабате эрмас эрди" [2, 91].

Ушбу поэтик шакллар қуйидагилардир: *ўн олти рукнли рамали махбун, туюқ, қўшиқ (1), қўшиқ (2), чинга, муҳаббатнома, мустазод, арузворий, туркий.*

Алишер Навоийнинг бу борадаги хизмати шундаки, у асарнинг ушбу қисмида халқ қўшиқлари вазнлари билан мумтоз аруз вазнларини қиёслайди ҳамда машҳур "суруд"ларнинг бир нечтаси форс-тожик ва ўзбек арузида қўлланадиган айрим ўлчовлардаги шеъ-

рларга басталанганини таъкидлайди. Жумладан, “туюғ” *рамали мусаддаси мақсур,* “қўшуқ” *мадиди мусаммани солим* ва *рамали мусаммани маҳзуф,* “чинга” *мунсариҳи матвийи мавқуф,* “муҳаббатнома” *ҳазажи мусаддаси мақсур*, “арзуворий” *ҳазажи мусаммани солим* ва *рамали мусаммани маҳзуф,* “туркий” *рамали мусаммани мақсур* вазнларига мос тушишини мисоллар билан исботлаб беради. Бу вазнлар туркий арузга махсус бўлиб, “Мезон ул-авзон”даги вазнлар баёни қисмида ўз аксини топган эди, шунинг учун, бизнингча, уларни “янги” вазнлар ёки шеърий шакллар сифатида кўрсатиш тўғри эмас. Фақатгина “мустазод” деган суруд вазнигина асардаги ҳазаж баҳрига тааллуқли бўлимда келтирилмаган бўлиб, шуни шоир кашф қилган ва туркий арузига олиб кирилган янги ўлчов сифатида кўрсатиш мумкин.

“Навоийнинг бу ўриндаги муҳим хизмати халқ оғзаки ижоди, хусусан, халқ қўшиқлари вазнлари билан форс-тожик ва ўзбек арузи ўлчовлари орасидаги муштаракликнинг тадқиқ этилиши бўлди. Шоир бу муштараклик сабабиятларини ёритмайди. Бу ҳолат қадимий туркий (“бармоқ”деб юритиладиган) вазнлар билан мумтоз аруз ўртасидаги тасодифий муштаракликми ёхуд араб, форс-тожик ҳамда ўзбек арузи вазнларининг халқ оғзаки ижодига таъсири, унда арузга мос келадиган ўлчовларда асарлар битилганлиги билан изоҳланадими – бу муаммо ҳам ўз тадқиқини топмаган. Балки рисоланинг мухтасарлик усули бунга имкон бермагандир. Бундан қатъи назар, Навоий мазкур масалага қалам уриб, ўзбек арузи манбалари, оғзаки ва ёзма адабиётдаги шеърий ўлчовларнинг ўзаро таъсири ва ҳамкорлиги ҳақидаги баҳсни биринчи бўлиб бошлаб берди” [4, 64].

Шу ўринда Навоийнинг мусиқа ва аруз ривожи муносабатлари ҳақидаги фикрларини ҳам келтириб ўтмоқчимиз. Навоий, рамали мусаммани мақсур вазнининг мусиқийлик хусусиятини алоҳида таъкидлаб, “*қўшуқ*” деб аталган суруд ҳақида шундай деб ёзади: “Аммо бу латиф замонда ва шариф давронда бу сурудни рамал мусаммани маҳзуф вазниға элитиб, мусиқий ва адвор илмида мулойим табълиқ беназир йигитлар ғариб нағамот ва алҳон била ажаб тасарруфлар қилиб, Султони соҳибқирон мажлисида айтурларким, анинг мулойимлиғ ва хушояндалиғи васфқа сиғмас ва таъсир ва рабояндалиғи сифатқа рост келмас, балки ул ҳазратнинг ихтироидур ва бу ҳам ул ҳазратнинг Масиҳосо анфоси натойижидин истишҳодға келтурмак муносиброқ эрди, андоққим,

б а й т:

Сабзаи хаттинг саводи лаъли хандон устина,
Хизр гўё соя солмиш обиҳайвон устина.
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун [2, 92].

Кўринадики, мазкур суруд билан кўрсатилган вазнда қўшиқ куйлаш анъанасига Ҳусайн Бойқаро асос солади, унинг мажлисларида ижро этиладиган қўшиқларнинг аксарияти рамали мусаммани маҳзуф вазнидаги шеърлар билан айтиларди, бинобарин, кўпроқ ғазал, мухаммас, мусаддаслар ана шу вазнда битиларди.

Шунингдек, Навоий “туркий” суруди ҳақида батафсил тўхталар экан, ёзади: “Яна сурудедурким, ани “туркий” дебдурлар, бу лафз анга алам бўлубдур ва ул ғоятдин ташқори дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятдин мутажойиз айш аҳлиға судманд ва мажолис оро суруддур, андоққи, сало-тин ани яхши айтур элни тарбиятлар қилибдурлар, туркигўйлик лақаби била машҳурдур ва ул доғи рамали мусаммани мақсур вазнида воқиъдур, андоққим,

б а й т:

Эй саодат матлаъи, ул орази моҳинг сЭенинг,
Аҳли бийниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг.
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон [2, 94].

Ушбу поэтик шаклларнинг ритм хусусиятларини ҳис қилиш учун аруз тизимининг урғу асосидаги таълимот эканлигини таъкидлаш зарур. Араб арузи бўйича тадқиқотлар олиб борган олим Э.Талабовнинг фикрича, аруз фақат квантитатив (чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг алмашиниб келишига асосланадиган) эмас, балки квалитатив (урғуга асосланадиган) хусусиятларига ҳам эга тизимдир. “Арабий арузда бўғинларнинг миқдор муносабатлари билан бирга, урғуларнинг, яна ҳам тўғрироғи, урғули бўғинларнинг симметрияси мавжуд ва у ритм яратишда белгиловчидир” [5, 28]. Айнан шу хулосани аруздан фойдаланувчи бошқа халқлар, хусусан форс-тожик ва туркий адабиёт вакиллари шеърияти ҳақида ҳам билдириш мумкин.

“Арузий матнда сўз урғуси (лексик урғу) билан ритм урғуси (просодик урғу) мутобиқ эмас – уларда ўзаро мослик йўқ. Аҳёнда учраб турадиган мутобиқлик соф тасодифдир. Байт таркибидаги сўз рукнлар тасарруфида ўз шакл ва урғу мустақиллигини батамом йўқотади, у мисрадаги қолип ва унинг просодик урғуси маромига бўйсундирилади – маҳв этилади” [5, 25]. Дарҳақиқат, арузда битилган матнда сўз урғуси (лексик урғу) ва рукн урғуси орасида мутаносиблик йўқ, яъни сўз урғуси матндан ташқаридагина етакчилик қилади. Матн (байт) таркибида эса сўз урғуси тушунчасининг ўзи мавжуд эмас, чунки арузда рукн урғуси етакчидир. Байтда нечта рукн бўлса, шунча урғу бор.

“Мезон ул-авзон”да келтирилган “қўшиқ” сурудига оид матнни сўз ва рукн урғулари асосида кўриб чиқсак. Даставвал сўз урғуси олган ҳижоларни белгилаймиз:

Е́й саода́т матлаъ́и, и́л оразі́ моҳі́нг сенíнг,
Аҳлі́ бийні́ш қиблагоҳі́ хокі́ даргоҳі́нг сенíнг.

Энди айнан шу байтни рукн урғуси асосида кўриб чиқамиз:

Эй саодат ма́тлаъи, ул ѐрази моҳі́нг сенинг,
А́ҳли бийниш қі́благоҳи хѐки даргоҳі́нг сенинг.

Қиёсланг:
Лексик урғули ҳижолар:

1 мисрада: 1 4 7 8 11 13 15
2 мисрада: 2 4 8 10 13 15

Рукн урғусини олган ҳижолар:

1 мисрада: 1 5 9 13
2 мисрада: 1 5 9 13

Ушбу мисолдан маълум бўладики, лексик урғу асосида таҳлил қилинган матнда рукн урғуси асосидаги матндан фарқли равишда ҳижолар орасида ўзаро симметрия йўқ ва улар тартибсиз жойлашган, шу маънода арузий матнда рукн урғуси етакчи деган фикр ўз тасдиғини топяпти. Урғулар миқдорининг тенглиги ва муайян тартибга эга бўлиши эса ўзига хос ритмнинг вужудга келишини таъминлаяпти. Бундан ташқари, агар келтирилган суруд матни рукн урғуси асосида айтилмас экан, унинг ўзига хос мусиқий оҳангини ҳис қилишнинг имкони бўлмайди.

Энди асарда келтирилган ва "чинга" деб аталувчи қўшиқнинг матлаъ байтини таҳлил қилсак. Навоий чинга ҳақида гапириб, унинг вазни ҳақида шундай дейди: Яна «чинга»-дурким, турк улуси зуфоф ва қиз кўчурур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурким, мунсариҳи матвийи мавқуф баҳридур ва ёр-ёр лафзини радиф ўрниға мазкур қилурлар, андоққим,

б а й т:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр?
Муфтаилун фоилон муфтаилун фоилон

Ушбу байтни айнан ритмик урғу асосида ўқилсагина, унинг ҳақиқий оҳангини ҳис қилиш мумкин. Ушбу қонуниятни асардаги бошқа поетик шаклларига нисбатан ҳам кузатиш қизиқарли натижалар беради.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Аруз илми халқ оғзаки ижоди билан муносабатда вужудга келган шеърий тизим бўлиб, мусиқа, халқ ижоди ва этнографиянинг муштарак ҳосиласи ҳисобланади.

2. Аруз илмини туркий тил имкониятларига мослаштиришни мақсад қлиб яратилган Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асари ўрта аср адабиётшунослигида аруз илми ҳақида мухтасар услубда яратилган рисола ҳисобланади.

3. Асарда аруз назариясига доир 19 баҳр, 160 га яқин вазн ва 7 доира ҳақида маълумот келтирилиши билан бир қаторда 9 та халқ оғзаки ижодига доир поетик шакллар ҳам келтирилган бўлиб, Навоий улар орқали аруз баҳрларининг халқ оғзаки шеъриятидаги ўлчовлар билан муносабатини ўрганган ва халқ қўшиқлари вазнларининг ёзма ижодда фойдаланилиши мумкин бўлганларини белгилаб беради.

4. Аруз илми ритмик урғуга асосланган шеърий тизим бўлиб, байтда урғулар миқдорининг тенглиги ва муайян тартибга эга бўлиши шу вазнга хос титмик оҳангнинг вужудга келишини таъминлайди.

5. "Мезон ул-авзон"да келтирилган халқ қўшиқларининг матнини рукн ургъуси асосида тадқиқ қилиш орқалигина назарда тутилган мусиқий оҳангни ҳис қилиш мумкин.

Адабиётлар

1. Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поезии. Автореф. дисс.на соискание ученой степени докт.фил.наук. Душанбе, 1997.

2. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 жилдлик. Т. 16. Тошкент: Фан, 2000.

3. Султонов И. Мезон ул авзон / Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Т. 1. Тошкент: Фан, 1977.

4. Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Т.: Фан, 2006.

5. Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими. Филол.фан.док.дисс. ...автореф. Тошкент, 2004.

“ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ” КУЛЛИЁТИДАГИ МУСАММАННИНГ ЯРАТИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мумтоз адабиётимиз тарихида Алишер Навоий шеърияти жанрларга бойлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Унинг туркий тилда яратган шеърлари 16 жанрда бўлиб, ушбу ижод намуналари том маънода шакл ва мазмун бирлигининг юксак намунаси ҳамдир. Мазкур лирик жанрлар орасида мусамматларнинг ўзига хос ўрин бор.

Маълумки, мусаммат арабча سمط сўзидан олинган бўлиб, “ипга ўтказилган марварид” деган маънони билдиради. Мусамматлар яратилиш хусусиятига кўра 2 хил бўлади:

1) *табъи худ, яъни мустақил мусамматлар;*

2) *тасмит – ғазал асосида яратиладиган мусамматлар (тазмин мусамматлар).* [1]

Табъи худ мусамматда барча мисралар бир шоирнинг ўзи томонидан яратилади. Бунда ижодкор ўзга шоир шеърини асос қилиб олмайди, балки ўзи мустақил равишда мусаммат яратади. Тазмин мусамматда эса муаллиф ўзга шоир ёки баъзида (жуда кам ҳолларда) ўз ғазалини асос – замин қилиб олиб, шу мавзуни давом эттиргани ҳолда, вазн, қофия ва радифни сақлаб қолиб, мусаммат яратади. Бунда асос қилиб олинган ғазалдаги ҳар байтнинг юқори қисмига 3 ва ундан ортиқ мисралар қўшилади. Мақтаъ бандда тасмит боғлаётган шоирнинг тахаллуси ҳам келтирилади. Алишер Навоий ижодида мусамматларнинг мухаммас, мусаддас ва мусамман турлари қўлланилган.

Биз аввалги изланишларимизда “Хазойин ул-маоний” куллиётидаги мухаммас ва мусаддасларнинг яратилиш хусусиятларини ўрганиб чиқиб, шоирнинг барча мухаммаслари тазмин йўналишида (10 та мухаммасдан 3 таси Лутфийга, қолган еттитаси ўз ғазалларига боғланган) эканлиги ҳақида маълумот берган эдик [2]. Шунингдек, куллиётдаги 5 та мусаддасдан иккитаси Лутфийга, биттаси Ҳусайнийга, биттаси шоирнинг ўз ғазалига тасдис эканлиги ва биттаси Навоийнинг ўз табъидан яратилган мусаддас эканлиги ҳам айтиб ўтилган эди [3]. Кузатишларимиз асносида “Хазойин ул-маоний”даги битта мусамман ҳам шу йўналишда, яъни *тазмин мусамман* бўлиб, шоирнинг ўз ғазалини саккизликка айлантириши, бошқача айтганда *тасмин* қилиши асосида вужудга келганлиги маълум бўлди.

Мусамман куллиётнинг сўнгги девони – “Фавойид ул-кибар”га киритилган бўлиб, олимларимизнинг маълумот беришларича, шоирнинг кексалик даври лирикасига мансуб [4]. Мусамман *а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-в-а..* тарзида қофияланган ва 7 банд – жами 56 мисрадан иборат.

Мусамман муайян маънода ҳасби ҳол мазмунига эга бўлиб, шоирга яқин бўлган инсон (ёр ёки дўст)нинг сафарга чиқиши муносабати билан ёзилган. Шу маънода унда кичик лирик сюжет бор. Матлаъ бандга эътибор қаратилса, бу ёрнинг биринчи сафари эмаслиги маълум бўлади: ёр аввал ҳам сафарга отланган ва лирик қаҳрамон (Навоий)ни ҳижрон аламига гирифтор қилган экан:

Чун сафар айлаб эди бир қатла дилдор, эй кўнгул,
Дарди ҳажриға бўлуб эрдук гирифтор, эй кўнгул,

Кейинги бандлардан ўрин олган мисраларда шоирнинг унга ҳамроҳ бўла олмаётганлиги сабаблари англашилади:

Ул худ айлар азм, мен ҳам хастадурмен, ҳам ғариб,
Гоҳ-гоҳи бўлғасен мендин хабардор, эй кўнгул...
...Гар десам ҳамраҳ борай, заъф ичра кўптур шиддатим,
Йўқ турарға тоқату муҳликтур онсиз меҳнатим,
Не борурға қувватим бор, не турарға тоқатим...

Лирик қаҳрамон хаста. Ёрнинг сафарга кетиш хабари уни янада заифлаштирган. Ёрига ҳамроҳ бўла олмаслигидан озор чекаётган ошиқ унга кўнглини "рафиқу ҳамқадам" қилиб жўнатади ва ёрнинг хизматларини бажаришни, унга маҳрами роз бўлишни, агар бунга имкон бўлмаса, итларига ҳамдам бўлишни ўтинади.

Шоир нашрлари асосида фикр юритадиган бўлсак, мусамман учун асос бўлган ғазал аввал шоирнинг биринчи расмий девони "Бадойиъ ул-бидоя"га, кейинчалик "Хазойин ул-маоний"нинг иккинчи девони "Наводир уш-шабоб" киритилган. Шу маънода ғазални шоирнинг ёшлик лирикаси маҳсули дейшга асос туғилади. Агар ушбу ғазалнинг "Оққуюнли мухлислар девони"да ҳам мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу фикр янада конкретлашади. Бугунги навоийшуносликка маълумки, Алишер Навоийнинг "Илк девон"дан ташқари, мухлислар томонидан тузилган яна бир девони Оққуюнлилар салтанатининг марказларидан бири бўлган Шероз шаҳрида 1471 йилда кўчирилган бўлиб, унга шоирнинг ўттиз ёшгача давр оралиғида ёзилган 229 та шеъри (шундан 224 таси ғазал) киритилган.[1] Биз таҳлил қилаётган ғазал мазкур девондан 126-рақам остида ўрин олган ва қўлёзманинг 36б-саҳифасига жойлаштирилган. Демак, маълум бўладики, ушбу ғазал шоир ўттиз ёшга тўлгунга қадар яратилган ва ҳатто қўшни сулоладаги мухлислар орасида машҳур ҳам бўлган экан.

Анъанага мувофиқ, одатда, ғазалга тазмин боғланаётганда унинг бандлари сони ғазал байтларига мос ҳолга келтирилади. Лекин баъзан шоирнинг хоҳишига кўра, ғазалдаги айрим байтларга тазмин битилмаслиги, яъни улар қисқартирилиши мумкин. Айнан шу ҳолат юқоридаги тазминда ҳам кузатилади. Тазминга асос бўлган ғазал "Бадойиъ ул-бидоя" ва "Наводир уш-шабоб"да ҳажман 8 байтдан иборат[2]. Аммо тасмин боғланганда, унинг бир байти қисқартирилиб, 7 банд ҳолига келтирилган. Мусамманда қуйидаги байт учрамайди:

Бўлса сенлик, васл йўқтур ҳар неча қилсанг талаб,
Бўлмаса, матлуб эрур ул дам талабгор, эй кўнгул.

Бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, ушбу ғазал Навоийнинг тахаллус мақтаъдан аввалги байтда жойлашган ғазаллари сирасига киради[3]. Шоир ғазал байтларига тазмин боғлар экан, тахаллус қўлланган байтни сўнгги банд сифатида олиб, ундан кейинги байтни ташлаб юборган ва шу билан мусамманни 7 банд доирасида якунлаган. Чунки, одатда, мусамматлар тахаллус қўлланган банд билан интиҳо топади.

---

[1] Бу девон филология фанлари доктори А. Эркинов томонидан 2012 йилда фанга маълум қилинди.

[2] "Оққуюнли мухлислар девони"да ғазал ҳажми 7 байт, унда тахаллус қўлланилган байт (мақтаъ)дан кейинги байт учрамайди. Бу мазкур девон учун хос хусусият бўлиб, шоир девонларидаги кўплаб ғазаллар ушбу девонга ҳажман қисқартирилган ҳолда киритилган (Бу ҳақда қаранг: Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: Фан, 2012. № 1.)

[3] А.Ҳайитметов "Хазойин ул-маоний"да Навоийнинг 10 тача ғазали шу услубда яратилганлигини таъкидлайди (Бу ҳақда қаранг: Ҳайитметов А. Навоий лирикаси / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Н.Жумахўжа. – Т.: O'zbekiston, 2015. – Б. 80).

Иккинчидан, ғазалда мақтаъдан кейинги байтда шоирнинг васлга талабгорлиги билан боғлиқ фикр келтирилган. Ғазал мусамман ҳолига келтирилганда, мазмунан тугаллик ҳосил бўлиб, ушбу талабга эҳтиёж қолмагандай туюлади. Зеро, шоир олтинчи бандда кўнгилга мурожаат қилиб, агар сенга толеъ ёр бўлиб, ул ёр билан сўзлашиш имкониятига эга бўлсанг, "суҳбат одобига риоя қил, телбалардек ун чекма, кўп узун сўз айтиб, уни хижолат қилма ва иложи борича Навоийнинг дардини элдан яширин тарзда изҳор қил", деб илтимос қилади. Ва мана шу ўтинч, илтимос оҳанги бевосита мусамман якунига етаётганлигини, шоир ўз эстетик муддаосига эришганини англатади ва энди унга яна бир банд қўшишга ҳожат қолмаганлигини кўрсатади.

Ғазалга мусамман боғланганда, ундаги баъзи сўзлар ўзгартирилганлигига ҳам гувоҳ бўламиз. Хусусан, ғазалнинг бешинчи байтидаги иккинчи мисра *"Итларига* ***ҳамнишину*** *соҳиб асрор, эй кўнгул"* тарзида келади. "Оққуюнли мухлислар девони" да ҳам, "Бадойиъ ул-бидоя" ва "Наводир уш-шабоб"да ҳам айнан шу вариант сақланган. Лекин мусамман таркибида бу мисра *"Итларига* ***роздору*** *соҳиб асрор, эй кўнгул"* тарзида ўзгартирилган. Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки мусаамманнинг ушбу бандида олтинчи мисра *"Сен бўлурға* ***маҳрами рози*** *ҳарамким бўлғасен"* шаклида бўлиб, унда ошиқ кўнгилнинг "маҳрами рози ҳарам" бўлишига умид билдиради, еттинчи ва саккизинчи мисраларда эса агар маҳрам бўла олмасанг ҳам, майли, ҳеч бўлмаса итларига роздор (сирдош) ва соҳиби асрор бўласан, дер экан, бу ўринда "ҳамнишин" (бирга ўтирувчи, улфат) сўзидан кўра, ҳам мазмунан, ҳам шаклан "роздор" сўзи кўпроқ мос тушиши англашилади ва шоир шу сўзни қўллашни афзал кўради. Шеъриятга ҳам илм, ҳам санъат сифатида муносабатда бўлган Алишер Навоийдек ижодкор учун бундай ўзгартиришлар киритиш табиий ҳол бўлиб, биз бу ҳолатни шоирнинг бошқа лирик шеърларида ҳам кузатамиз.

Ғазалга тазмин боғланганда унда қўлланилган вазнни сақлаб қолиш ҳам тазминнависликнинг муҳим шартларидан биридир. Навоий "Мезон ул- авзон"да "туркий" деб аталувчи суруд вазни ҳақида гапириб, унинг оҳанги *рамали мусаммани мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фоилотун фоилотун фоилон, – *V* – – / – *V* – – / – *V* – – / – *V* –)га мос келишини айтади:

"Яна сурудедурким, ани «туркий» дебдурлар, бу лафз анга алам бўлубдур ва ул ғоятдин ташқори дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятдин мутажойиз айш аҳлиға судманд ва мажолис оро суруддур, андоққи, салотин ани яхши айтур элни тарбиятлар қилибдурлар, туркигўйлик лақаби била машҳурдур ва ул доғи рамали мусаммани мақсур вазнида воқиъдур..." [5]

Мазкур ғазал ҳам, унга боғланган тасмин ҳам Ҳирот адабий муҳитида кенг тарқалган оҳанг вазнида яратилган бўлиб, шеърнинг бадиий жиҳатдан муваффақият қозонишини таъминлаган.

А.Ҳайитметов мусамманнинг сўнгги бандидаги *"Боргоҳи айшида бир гўшада тутсанг ўрун, Жаннат ойин базмиға эл маст бўлмастин бурун"* мисраларига қараб, бу мусамманда маъшуқа қиёфасида султон Ҳусайн Бойқаро тасвирланаётган бўлиши мумкин, деган тахминни илгари суради [4]. Дарҳақиқат, ушбу фикрда жон бор. Мусаммандаги кўп ўринлар (ёрнинг "ҳар тараф азм айлаб", "шаҳру кишвардин малолат айлаб" бир неча бор сафарга чиққанлиги, баъзан ўз ихтиёри, баъзан рақибнинг "ғурбат сари тарғиб" этиши оқибатида тарки ватан қилганлиги ва ҳ.к.) шундай дейишга асос бўлади. Лекин мусамман учун асос бўлган ғазал ҳақида бундай дея олмаймиз. Агар мусаммандаги ҳажм имконияти ёр тимсо-

лининг конкретлашуви ва реаллашувига замин ҳозирлаган бўлса, кўпроқ ошиқона мавзу касб этган ғазалдаги ёрда мусаммандаги ёр тимсолидан фарқли ўлароқ, севикли маъшуқага хос сифатлар етакчилик қилади. Бу айниқса, ғазалнинг сўнгги байти учун хосдир:

Бўлса сенлик, васл йўқтур ҳар неча қилсанг талаб,
Бўлмаса, матлуб эрур ул дам талабгор, эй кўнгул.

Байтнинг мазмунига кўра, агар ишқда сенлик (ва менлик) сақланиб қоладиган бўлса, ҳар қанча талаб қилинса ҳам, васлга эришилмайди, чунки ишқда матлуб билан талабгор бир бўлиши керак... Ваҳдат ғояси етакчилик қилаётган ушбу байт ёр тимсоли илоҳий ишқ йўлидаги мазҳар эканлигини кўрсатувчи далиллардандир. Муайян кичик лирик сюжетга эга бўлган мусамманда эса ёр тимсоли энди конкретлашганлиги ва реаллик касб этаётгани учун мазкур байтга тазмин боғланмаган ва у мусамман таркибига киритилмаган. Ғазалнинг саккиз, мусамманнинг етти банд тарзида яратилганлигининг яна бир сабаби шу билан боғлиқ.

Шу ўринда баъзи саволлар пайдо бўлиши табиий: мумтоз адабиётимизда ўз ғазалларига тазмин боғлаш ҳодисаси Алишер Навоийгача мавжудмиди? Бу ҳолат Алишер Навоийдан кейин қай даражада давом этди?

Ўз ғазалларига тазмин, хусусан тахмис боғлаш мумтоз адабиётимиз тарихида Алишер Навоийгача кузатилмаган. Навоийдан кейин эса бундай ҳолат баъзи шоирлар, жумладан Хива адабий муҳити ижодкорларида кўринади. Муҳаммад Раҳимхон Феруз давридаги XIX аср Хива адабий муҳитида темурийлар ва Алишер Навоий ижодига қизиқиш ва эҳтиром юксак даражада бўлиб, Ферузшоҳ ўз фаолияти давомида Султон Ҳусайн Бойқарога тақлид қилишга уринган ва Алишер Навоий сингари ўз ғазалларининг аксариятига ўзи тахмис боғлаган [6]. Худди шу муҳитнинг яна бир йирик вакили Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳам Алишер Навоий, Фузулий каби улуғ сўз усталарига мухаммас боғлагани ҳолда ўзининг ўнта ғазалини бешлантириб, тахмис ҳолига келтирган[1]. Лекин буларнинг барчаси ғазални бешлантириш, яъни ўз ғазалларига тахмис боғлаш доирасида кузатилган ҳолатлар эди. Биз ўз манбаларимиз доирасида ўз ғазалига **тасмин** (таъкид бизники – Д.Ю.) боғлаган, яъни ўз ғазалини саккизликка айлантирган бошқа шоирни учратмадик.

Демак, юқоридагилардан маълум бўляптики, шоир ўзининг ёшлик ва йигитлик чоғидаги ижодига алоҳида эътибор билан қараган ва бу даврда ёзган ғазалларига ўз ижоди жараёнида қайта-қайта мурожаат этиб турган. Шоир муайян мавзуга доир ғазал ёзар экан, орадан вақт ўтиб, шу мавзуга қайтишга эҳтиёж сезган ва шу тариқа ўз ғазалини мусамман ҳолига келтирган. Шоир бунинг учун айнан ўз ғазалини танлар экан, ундаги руҳнинг ёшликка хос жўшқин ва шиддаткор эканлигига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Натижада, биз мазкур мусамманни ўқир эканмиз, ёши улғайиб бораётган Навоийнинг ички дунёси ва навқирон Алишернинг қайноқ ҳиссиётлари санъаткорона уйғунлашганига гувоҳ бўламиз. Шу билан биргаликда, шоир ўз ғазалини тасминга айлантириши натижасида мумтоз адабиётимизда мавжуд анъаналарга янгича руҳ бахш этиб, ўзининг новаторлик салоҳиятини яна бир бор намоён этди.

[1] Р.Орзибеков Огаҳийнинг ўз ғазалларига битган тахмислари сонини 7 та, Р.Мажидий эса 9 та деб келтиради (Қаранг: Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976. – Б. 94; Мажидий Р. Огаҳий лирикаси. – Т.: Фан, 1963. – Б.87.) Биз юқоридаги кўрсаткични беришда С.Долимов томонидан 1972 йилда нашр этилган икки жилдлик Огаҳий "Девон"идан фойдаландик.

Адабиётлар

1. О.Носиров, С.Жамолов, М.Зиёвиддинов. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – Б. 113.

2. Юсупова Д. Алишер Навоий тахмислари // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2013. – № 2. – Б.143–147.

3. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Т.: TAMADDUN, 2016. - Б. 55.

4. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Н.Жумахўжа. – Т.: O‘zbekiston, 2015. – Б. 80.

5. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 2000. Т. 16. – Б.92.

6. Эркинов А. Культурный перфекционизм в хивинской придворной среде при Мухаммад Рахим-хане II как способ противостояния режиму русского протектората // История и культура Центральной Азии.- Токио, 2012.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ШОҲ ҒАРИБ МИРЗОГА БАҒИШЛАНГАН ТАРКИББАНД-МАРСИЯСИ ХУСУСИДА

Алишер Навоий туркий тилда мумтоз лирик турнинг ўн олти жанрида ижод қилганлиги илм аҳлига яхши маълум. Унинг “Хазойин ул-маоний” куллиётида ушбу жанрларнинг барчаси мавжудлигини Ҳ.Сулаймонов тузган жадваллар тасдиқлайди [Сулейманов, 1955-61:]. Шоир ўзининг марсия мазмунидаги шеърлари учун таркиббанд шаклини танлаган, зеро, мумтоз поэтика талабларига кўра, таркиббанд асосан мадҳ ва марсия мазмунидаги шеърларга мўлжалланган бўлади [Тарозий, 1436/37: 19а]. Навоийнинг устозлари Саййид Ҳасан Ардашер ва Абдураҳмон Жомий вафотига бағишланган марсиялари таркиббанд жанрида битилганлиги фикримизни тасдиқлайди. “Хазойин ул-маоний” куллиётининг жорий нашрлари (20 жилдлик мукаммал асарлар тўплами, 10 жилдлик тўла асарлар тўплами, 2011 йилги алоҳида нашр)да шоирнинг таркиббанд жанрида битилган ва Саййид Ҳасан Ардашер вафотига бағишланган битта марсияси келтирилган. Шу асосда навоийшуносликда Навоий туркий тилда битта таркиббанд битган деган фикр етакчи эди.

Лекин мукаммал асарлар тўпламининг сўнгги жилдига киритилган “Иловалар”да Навоийнинг расмий девонларига кирмаган шеърлари қаторида “Алишер Навоийнинг Ғариб Мирзо вафотига ёзган марсияси” сарлавҳаси остида бир шеър берилган [Навоий, 2003: 513-515]. Иловада мазкур шеър матнининг Ҳ.Сулаймонов мақоласидан олинганлиги айтилади. Байтлар асосида келтирилган ушбу шеърнинг жанрини бир қарашда аниқлаш қийин. Ҳ.Сулаймонов унинг мазмунан марсия эканлигини таъкидласа-да, жанрий хусусиятларига тўхталиб ўтмаган [Сулаймонов, 1971: 175-178]. Унинг таркиббанд жанрида эканлиги илк марта Ё.Исҳоқовнинг “Сўз санъати сўзлиги” китобида айтиб ўтилади [Исҳоқов, 2014: 220]. Ушбу марсиянинг навоийшуносликда етарлича тадқиқ этилмаганлиги мазкур мақола мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Ҳ.Сулаймонов мақоласида марсия ўрин олган қўлёзманинг 1499-1500 йилда кўчирилганлиги ва ҳозирда Тожикистон (Душанбе)да сақланиши ҳақида маълумот берилган [Сулаймонов, 1971: 176]. Олимнинг ёзишича, марсия “Бадойиъ ул-васат” девони таркибида, кичик жанрлар билан бирга келтирилган. Лекин тожикистонлик олим Б.Мақсудовнинг хабар бериши ва бизга юборгани қўлёзма варақлари фотонусхаси асосида маълум бўлдики, таркиббанд “Хазойин ул-маоний”нинг сўнгги девони – “Фавойид ул-кибар” таркибига киритилган экан[1]. Шеър марсия сарлавҳаси остида сўнгги 650-наът ғазалдан сўнг, “Бордим бу саҳар...” деб бошланувчи мустазоддан олдин келтирилган. Дарҳақиқат, бу таркиб “Фавойид ул-кибар” девонига мос, чунки куллиётнинг фанга маълум бўлган деярли барча нусхаларида ушбу мустазод “Фавойид ул-кибар” таркибида келади.

Марсия йигирманчи жилд сўнгида 29 байт ҳажмида келтирилган, яъни унинг биринчи бандидан қуйидаги байт тушиб қолган:

Не ажаб, олам эли ашки агар дарёдур,
Кирди чун баҳри фано қаърида ул гавҳари пок.

[1] Таркиббанд матнининг фотонусхасини топишга ёрдам берган тожикистонлик олим, проф. Б.Мақсудовга ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Аввал Ҳ.Сулаймонов, кейинроқ Ё.Исҳоқовнинг маълумот беришларича, ушбу марсия “Хазойин ул-маоний”нинг фанга ҳозирча маълум бошқа нусхаларида мавжуд эмас [Сулаймонов, 1971: 176; Исҳоқов, 2014: 220]. Демак, айтиш мумкинки, у “Хазойин ул-маоний” тартиб берилгандан сўнг ёзилган шеърлар сирасига киради ва шу сабабли куллиётнинг асосий нусхалари таркибига кирмаган. Ҳ.Сулаймонов “Хазойин ул-маоний”нинг академик нашрига ёзган сўзбошисида куллиётнинг 10 дан ортиқ нусхаларини ўзаро қиёслаш асосида илмий-танқидий матн яратганлигини айтиб ўтади. Олимнинг изланишлари шуни кўрсатадики, Навоий “Хазойин ул-маоний” куллиётини тузиш устида бир неча йил тинимсиз меҳнат қилган ва 1498 йилдагина уни ҳозирги ҳолатда тугал тарзда якунлаган, Ҳ.Сулаймоновнинг таъбири билан айтганда, куллиётнинг сўнгги “автор редакцияси” шу йили амалга оширилган. Куллиётга таржиъ йўналишидаги бандли шеърлар, хусусан, таржиъбанддан тўртта киритилгани ҳолда, таркиббанд жанрида битта шеър киритилиши шоирнинг бу даврда ҳали туркий тилда битта таркиббанд яратганлигини кўрсатади.

Марсия бағишланган шахс Шоҳ Ғариб Мирзо Султон Ҳусайн Бойқаронинг иккинчи ё учинчи ўғли бўлиб, унинг таваллуд ва вафот этган саналари ҳақида манбаларда маълумотлар йўқ. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шаҳзоданинг шўх таъб ва нозик тахайюл эгаси эканлиги, девон тартиб берганлиги ҳақида маълумот бериб, туркий ғазалидан матлаъ келтиради [Навоий, 2011: 416]. Бобур эса “Бобурнома”да унинг Ғарибий тахаллуси билан шеърлар битганлиги, зуллисонайн шоир эканлиги, жисмонан ногирон (букри) бўлганлиги ва эрта вафот этганлиги билан боғлиқ маълумотларни ҳам айтиб ўтар экан, форсий тилдаги байтидан мисол келтиради [Бобур, 1990: 224]. Қолган тарихчи ва тазкиранависларнинг асарларида ҳам ушбу маълумотлар деярли такрорланади [Ёрқин, 2001: 13].

Навоий Шоҳ Ғариб Мирзо ҳақида “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр” достонлари, “Соқийнома”сида ҳам эслаб ўтади. Шу ўринда “Соқийнома”да келтирилган маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Маълумки, Алишер Навоий “Соқийнома”сининг 1-14-бандлари Ҳусайн Бойқаро ва унинг фарзандлари таърифига бағишланган. Шаҳзода Шоҳ Ғариб Мирзо мадҳи соқийноманинг учинчи бандида келтирилган. Ундаги мазмундан шаҳзоданинг бу даврда ҳали ҳаёт эканлиги англашилади:

Қилди чун Тенгри мулойим ани,
Асрадик ҳифзида доим ани.
Руҳпарвар сўзи бўлсун ўзидек,
Руҳгустар ўзи бўлсун сўзидек...

Навоийшуносликда “Соқийнома”нинг яратилган йили ҳақида айрим тахминлар бор. “Соқийнома”да Жомий марҳум сифатида, “Мажолис ун-нафоис” асари мавжуд асар сифатида, шунингдек, Мўмин Мирзо ҳаёт киши (ўлими 903/1497) сифатида тилга олинишига қараб, асар 1492 йилдан кейин ва 1497 йилдан олдин ёзилган, деган хулоса чиқариш мумкин” [Исҳоқов, 2014: 173].

“Соқийнома” ва “”Мажолис ун-нафоис” да Шоҳ Ғариб Мирзонинг ҳали ҳаёт шахс сифатида тасвирланишидан унинг вафоти 1497 йилдан кейин содир бўлганлиги ойдинлашади. Агар “Хазойин ул-маоний”нинг такмили 1498 йилда якунланганлигини эътиборга олсак ва унинг асосий нусхаларида шаҳзодага бағишланган ушбу таркиббандниг мавжуд эмаслигига диққат қаратсак, Шоҳ Ғариб Мирзонинг вафот санасини тахминан 1498-1499 йил-

лар оралиғида деб белгилаш мумкин бўлади. Шу асосда марсия-таркиббандниng яратилган йили ҳам айнан шу санада эканлиги ойдинлашади, чунки марсия киритилган “Хазойин ул-маоний”нинг ягона нусхаси 1499-1500 йилларда кўчирилган.

Ушбу таркиббанд-марсиянинг ҳар бир банди 6 байтдан иборат бўлиб, бандлар сони 5 та, шундан келиб чиқиб, умумий ҳажми 30 байтни ташкил қилади. Жанр талаблари асосида ҳар бир банд сўнгидаги икки мисра (*байти таркиб)* маснавий тарзида ўзаро қофияланиб келади. Дастлабки банднинг бириктирувчи байти қуйидагичадир:

Тушти яъни адам иқлимиға ногоҳ ғариб,
Шоҳлар мажмаъининг нодираси – Шоҳ Ғариб.

Таркиббанд-марсиянинг бандларини шартли равишда мазмунан қуйидаги қисмларга ажратиш мумкин: Биринчи бандда дунёнинг фонийлиги ва фалакнинг бевафолиги, иккинчи бандда айрилиқнинг замона ҳукмдори - Ҳусайн Бойқаро билан боғлиқ ҳолдаги талқини, учинчи бандда Маҳди улё (Хадича бегим)нинг изтироблари, тўртинчи бандда шаҳзоданинг ҳам тахт, ҳам девон соҳиби эканлиги ва бешинчи бандда бу мусибатдан бутун шаҳар аҳолиси – шоиру қозию, уламолар изтиробда эканликлари ҳақида сўз боради.

Ҳусайн Бойқаро шаҳзодани ниҳоятда қадрлаган ва давлат ишларини унга ишониб топширган. Бобурнинг маълумот беришича, султон Ҳиротдан ташқари чиққан пайтда, тахтни Шоҳ Ғариб Мирзога қолдирар экан. Марсиянинг тўртинчи бандидаги мисралар шунга ишора қилади:

Тахт холи қолибон, базм паришон аҳвол,
Шоҳсиз базм била тахтқа не бўлғай ҳол.
Чатр қабри бошиға соя солибу қабри
Очибон оғзини, ул воқеадин қолиб лол...

Марсияда шаҳзоданинг девон соҳиби эканлиги ҳам Навоийнинг назаридан четда қолмаган:

Шеъру девони бу мотамда қаро айлаб юз,
Уйлаким сўз боши, шингарфи доғи қолмай ол.

Ҳиротда бир шоир ўз шеърларини «Ғарибий» тахаллуси билан ёза бошлаганда, Ҳусайн Бойқаро ўғлининг хотири учун унинг тахаллусини «Мажлисий»га ўзгартирганлиги ҳақида Фахрий Ҳиравий ўз тазкирасида маълумот беради.

Марсияда таъкидланишича, бу айрилиқ шоир қалбига ҳам чуқур изтироб солган. Тўртинчи банднинг сўнгги байтида бу изтироблар шундай ифодаланади:

Барча ғамгин, баридин менда фузун ғамзадалиқ,
Рўзгоримни қилиб тайра бу мотамзадалиқ.

Ушбу марсияда ҳам Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашер ва Абдураҳмон Жомий вафотига бағишланган таркиббанд-марсиялар сингари рамал баҳрининг рамали мусаммани махбу-

ни маҳзуф (мақсур) вазни қўлланилган. Агар Жомийга бағишланган марсияда вазнни дастлабки банддаги “дигар аст” радифи белгилаган бўлса, туркий марсияларда биринчи мисралардаги илк жумлалар ушбу таркиббанднинг рамал баҳрининг махбун тармоғида ёзилишини тақозо қилган. Қиёслаш учун ҳар икки таркиббанднинг илк мисраларни келтирамиз. Саййид Ҳасан Ардашерга бағишланган таркиббанд-марсиядан:

Даҳр боғики жафо шориидур ҳар чамани...
– V – –/V V – – / V V– –/V V –

Шоҳ Ғариб мирзога бағишланган марсия қуйидагича бошланади:

Даҳр боғида ажаб тафриқадур, эй афлок...
– V – –/V V – – / V V– –/V V ~

Саййид Ҳасан Ардашерга бағишланган таркиббанддан фарқли ўлароқ, мазкур таркиббандда тахаллус қўлланилмаган. Сўнгги банддаги мазмун ҳам ўз ниҳоясига етмагандек, тугалланмагандек таассурот қолдиради:

Шаҳр ила мулк аро ашрафу қуззоту уламо
Барчаға воқеъ ўлубтур бу мусибатда азо.

Зумраи фазлу зарофатқа бўлубтур дарде,
Ким киши топмамиш ул дардқа имкони даво.

Шуаро шаҳрда барча яқолар чок айлаб,
Тош уруб кўксига, ҳар ён чекибон вовайло.

Шаҳр эли ҳокими одил ғамидин навҳа чекиб,
Додхоҳ истаб они, ҳар сори айлаб ғавғо.

Қиши қолмайки бу мотам аро маҳзун бўлмай,
Зоҳиду ринду хароботий агар шоҳу гадо.

Кавкаби саъдни гар қилди фалак афканда,
Бўлсун ою қуёш офоқ элига тобанда...

Бу ҳолат ушбу таркиббанднинг тўлиқ матни ҳали топилмаганлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоийнинг Шоҳ Ғариб Мирзо вафотига бағишлаб яратилган марсияси таркиббанд жанрининг етук намунаси бўлиб, унинг тўлиқ матнини топиш матншунослик олдида турган галдаги вазифалардандир.

Адабиётлар

1. Бобур Заҳириддин. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – 368 б.

2. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O‘zbekiston, 2014. – 320 б.

3. Ёрқин Ш. Сўзбоши / Шоҳғариб Мирзо Ғарибий. Девон. – Т.: Шарқ. – Б.3-30.

4. Навоий Алишер. Хазойинул маоний (Душанбе шаҳрида сақланувчи 1990 рақамли қўлёзма).

5. Навоий Алишер. Хазойинул маоний (Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймонов). 4 жилдлик. 1-4-жилдлар. – Тошкент: Фан, 1959-1960.

6. Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2011. Т.9. – Б. 291-453.

7. Навоий Алишер. МАТ. 20 жилдлик. Ж.16. Мезон ул-авзон. – Т.: Фан, 2000.

8. Навоий Алишер. МАТ. 20 жилдлик. Ж.20. Девони Фоний (давоми). Қасидалар. Муфрадот. Иловалар. – Т.: Фан, 2000.

9. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий- типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 326 б.

10. Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоийнинг Ғариб Мирзо вафотига ёзган марсияси // Адабий мерос. 1971. № 2. – Б. 175-178.

11. Сулейманов Х. Текстологические исследование лирики Алишера Навои. Дисс. ... на соискание ученой степени докт.филол.наук. В трех томах. Т.1.

12. Тарозий Шайх Аҳмад ибн Худойдод. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Eliott №-127 рақамли қўлёзма).

13. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Н. Жумахўжа. – Тошкент: O‘zbekiston НМИУ, 2015. – 326 б.

МУХЛИСЛАР ТОМОНИДАН ТУЗИЛГАН ДЕВОНЛАР: ТАЛҚИН, ТАҲЛИЛ ВА ТАҲРИР

КИРИШ

Мумтоз адабиётимиз тарихида шеъриятини тадрижий такомил асосида ўрганиш мумкин бўлган шоирлар камдан кам топилади. Форс-тожик адабиётининг йирик намояндалари Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийдан кейин девончилик анъанасини янги босқичга кўтарган Алишер Навоий Шарқ мумтоз шеъриятини туркий ва форсий тилда тартиб берилган 9 та девони билан бойитди. Навоий девонлари нусхаларининг дунёдаги деярли барча қўлёзма фондларида мавжудлиги буюк мутафаккир ижодий меросининг жаҳоншумул аҳамиятини кўрсатувчи далиллардандир.

Кейинги йилларда шоир девонлари янги нусхаларининг топилиши ва илмий жамоатчиликка маълум қилиниши навоийшунослик учун муҳим ҳодисалардан бўлди. "Бадойиъ ул-бидоя"нинг фанга маълум тўртта қўлёзмаси қаторига яна икки: Теҳрон ҳамда Истанбул нусхалари қўшилди. Ушбу нусхаларнинг Алишер Навоий ҳаётлик пайтида китобат қилинганлиги, Истанбул нусхасининг бевосита Султонали Машҳадий томонидан Ҳиротда 1484/1485 йилда кўчирилганлиги [Турдиалиев, Эркинов 2018: 57-62] уларни Навоийнинг ўзи кўрган ва ҳатто таҳрир қилганлиги билан боғлиқ эҳтимолларни кучайтирадики, бу шоир ижодий лабораториясини муайян изчилликда ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга.

Навоий ижодхонаси ҳақидаги тасаввурларни бойитадиган шундай нусхалардан яна бири шоирнинг шерозлик ихлосмандлари томонидан тартиб берилган ва филология фанлари доктори А.Эркинов томонидан фанга маълум қилинган "Оққўюнли мухлислар девони"дир. Девон шоирнинг Оққўюнлилар сулоласи (Озарбайжон ва Ғарбий Эрон ҳудудида 1378–1508-йилларда ҳукмронлик қилган ўғуз турклари) мухлислари томонидан тузилган. 2015 йилда унинг факсимилеси Токиода нашр этилди. А.Эркиновнинг эътироф этишича, девон 1471 йил 25 декабрда Анисий тахаллуси билан шеърлар ёзган шоир ва хаттот Абдураҳим ибн Абдураҳмон Хоразмий томонидан Оққўюнлилар салтанатининг марказларидан бири бўлган Шероз шаҳрида кўчирилган. Девоннинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унда Алишер Навоий шеърлари ўғуз лаҳжасига мослаштирилган. Масалан, *тут* сўзи *дут*, *бўлғон* сўзи *ўлан*, *қуёш* сўзи *гунаш*, *тош-дош, бер-вер, йиғлар-ағлар, бор-вор, эмас-эмаз, сарғариб-сараруб, йўқ-йўх* тарзида берилган ва ҳоказо [Эркинов 2015: 37]. Бу бевосита Оққўюнлилар салтанатининг асосий аҳолиси бўлган ўғуз турклари лексикаси билан боғлиқ.

Девонда жами 229 та шеър бор: 224 ғазал, 1 мустазод, 3 мухаммас ва 1 таржиъбанд. Бу мажмуадаги 224 ғазалдан 217 таси "Бадойиъ ул-бидоя"га ва фақат биттасигина "Наводир ун-ниҳоя"га ўтган. Девондаги 85% ғазал "Илк девон"да учрамайди. Бу ҳолат мазкур ғазалларнинг катта қисми 1466 йилдан кейинги 5 йил орасида (1471 йилгача) яратилганлигини кўрсатади. Ушбу девоннинг 1471 йилда тартиб берилганлиги шоир шеъриятини энди беш босқичда ўрганиш имкониятини вужудга келтиради [Эркинов 2015: 39]. Бу босқичларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Босқичлар	Навоий девонлари	Тартиб бериш муддати
I	“Илк девон”	1465/1466
II	“Оққўюнли мухлислар девони”	1471
III	“Бадойиъ ул-бидоя”	1470 – 1480
IV	“Наводир ун-ниҳоя”	1480 – 1487
V	“Хазойин ул-маоний”	1492 – 1498

Мазкур девондаги ғазалларни шоирнинг бошқа девонларидаги шеърлари билан қиёсан тадқиқ қилиш навоийшуносликдаги айрим хулосаларга ислоҳ киритиш заруратини пайдо қилади.

Навоийнинг хасталик ҳақидаги ғазали вафоти арафасида ёзилганми ёхуд бир байт талқини

“Оққўюнли мухлислар девони”да
Йўлинда кош мени пора-пора қилғайлар,
Ки ҳолима ҳами олам назора қилғайлар, –

матлаъси билан бошланувчи ғазал бор. Ғазалнинг тўртинчи байтида қуйидаги мисраларни ўқиймиз:

Бу дард илаки ўлурам, мараз чу зоҳир эмаз,
Табиблар бу балоға не чора қилғайлар? [Навоий 2015: 23-b]

Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида Навоий ҳаётининг сўнгги кунлари ҳақида шундай ёзади: “Султон Ҳусайн Мирзо Астробод черикидин ёнғонда истиқболға келди, мирзо била кўрушуб қўпқунча, бир ҳолате бўлди, қўполмади, кўтариб элтдилар. Табиблар асло ташхис қила олмадилар. Тонгласиға-ўқ Тенгри раҳматиға борди. Бир байти ҳасби ҳол воқе бўлубтур:

Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балоға не чора қилғойлар?” [Бобур 1990: 154]

Ғазал дастлаб шоирнинг илк расмий девони “Бадойиъ ул-бидоя”га, кейинроқ “Хазойин ул-маоний” куллиётининг “Бадойиъ ул-васат” девонига киритилган. Мазкур байтнинг “Оққўюнли мухлислар девони”дан ҳам ўрин олганлиги байт мансуб бўлган ғазалнинг ёшлик лирикасига мансуб эканлигини кўрсатади.

Бобурнинг ушбу байтни Навоий ўлими билан боғлиқ ҳолда келтириш сабабларига тўхталиб ўтсак. Навоий ғазалидан алоҳида ажратиб олиб келтирилган мазкур байт мазмун жиҳатидан ҳақиқатда юқоридаги ҳолатга мос келади. Лекин яхлитликда олиб қаралганда, унда жисмоний хасталикдан кўра, ишқ дарди тасвири етакчилик қилаётганлигини кузатиш мумкин. Ғазалдаги қуйидаги байтлар шунга далолат қилади:

Бу ҳолатимни кўруб бори ишқ асирлари,
Вафосиз элни севардин канора қилғайлар.

Васиятим буки, кўнглумни кўргач-ўқ аҳбоб,
Тутуб юзини ҳамул лаҳза қора қилғайлар.

Бизнингча, Бобур учун байтнинг контекстдан ажратиб олинган ҳолатдаги мазмуни муҳимроқ бўлган ва шу сабабли уни ҳасби ҳол байт тарзида келтирган. Иккинчидан, Бобур бу байт Навоийнинг ёшлик даври лирикасига мансублигига эътибор қаратмаган бўлиши ҳам мумкин, чунки унинг қўлида шоирнинг дастлабки девонларидан кўра кўпроқ "Хазойин ул-маоний" таркибига кирувчи девонлар ёки терма девонлар бўлиш эҳтимоли юқори эди. А.Эркиновнинг ёзишича, Бобур ҳукмдорлигининг катта қисмини саройда эмас, балки сафар ва жангу жадалларда ўтказгани учун унинг кутубхонаси сайёр тарзда ёки имкон қадар қўлга киритилган қўлёзмалардан иборат бўлган. Бундан ташқари, ўрта аср кишиларининг аксарияти асосий ахборотларни (хоҳ назм бўлсин, хоҳ фаннинг бошқа тармоғи бўлсин) хотирада сақлашган [Эркинов 2013: 2-3]. Шу маънода Бобур ҳам Навоий ғазалининг юқорида тилга олинган байти хотирасида сақланиб қолгани учун уни контекстдан ташқари ҳолатда қўллаган бўлиши мумкин ва унинг учун байтнинг қайси ғазал ёки девондан олинганлиги муҳим бўлмаган. Ушбу байтнинг "Бобурнома"да ҳасби ҳол байт тарзида келтирилганлиги унинг кейинчалик навоийшуносликда Навоий ҳаётининг сўнгги кунлари билан боғлиқ тарзда талқин қилинишига олиб келди [Раҳимов 1996: 13; Раҳмонов 2012: 18].

"АЙЁМИ ВИСОЛ ЎЛДИ ЯНА"

1995 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан Алишер Навоийнинг янги топилган ғазаллари "Айёми висол ўлди яна" номи билан (нашрга тайёрловчи Ф.Сулаймонова) эълон қилинди. Унда Ҳамид Сулаймонов 1960 йилда нашрга тайёрлаган "Хазойин ул-маоний"нинг тўртинчи жилди ва Мукаммал асарлар тўпламининг 20-жилдига илова қилинган ғазаллардан ташқари, яна 30 га яқин ғазалларнинг (бошқа жанрдаги шеърларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, жами 73 шеър) келтирилганлиги Навоий муҳиблари учун муносиб туҳфа бўлди[1]. Ф.Сулаймонова китобга ёзилган сўзбошида ушбу ғазалларнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб, уларнинг аксарияти "Хазойин ул-маоний" тартиб этилиб бўлгандан кейин ёзилган бўлса керак" деган тахминга келади [Сулаймонова 1995: 4]. Мазкур нашрни "Оққўюнли мухлислар девони" билан қиёслаб ўрганганимизда, ундаги ғазалларнинг 16 таси мухлислар тартиб берган девонда ҳам мавжуд эканлиги маълум бўлди. Қизиғи шундаки, айрим ғазаллар "Бадойиъ ул-бидоя" девонининг Мукаммал асарлар тўпламидаги нашри (1987)да ҳам мавжуд. Ушбу 16 ғазал ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун уларнинг биринчи мисрасини келтирамиз:

Т.р.	**"Оққуюнли мухлислар девони"даги мисра**	**"Айёми висол ўлди" тўпламидаги мисра**	**"Бадойиъ ул-бидоя" нашрида келиш ўрни**
1.	Ул гунашким салтанат буржи уза тобон эрур	Ул қуёшким салтанат авжи уза тобон эрур	164-ғазал

[1] Ушбу нашрнинг 27-, 35-саҳифаларида келтирилган икки ғазал 33-, 57-саҳифаларда яна қайта такрорланган.

2.	Васлидин гар барги гулдур, ҳажридин гар нўги хор	Васлидин гар барги гулдур, ҳажридин гар нўги хор	188-ғазал
3.	Не ғам, хумор қилди эса қасди жонимиз	Не ғам, хумор қилди эса қасди жонимиз	236-ғазал
4.	Улки шаккардек лабина тўтийи жондур магас	Улки шаккардек лабиға тўтийи жондур магас	-
5.	Басе дард вердингу даво қилмадинг	Басе дард бердингу, даво қилмадинг	377-ғазал
6.	Дилагим сенинг ҳузурунг, талабим сенинг жамолинг	Тилагим сенинг ҳузурунг, талабим сенинг жамолинг	360-ғазал
7.	Гарчи халқа жон бағишлар ҳусни руҳафзолиғинг	Гарчи элга жон бағишлар ҳусни руҳафзолиғинг	-
8.	Бу ямон толиъ айирди ёрни мен зордин	Бу ёмон толиъ айирди ёрни мен зордин	-
9.	Бода дут, соқийки, айёми висол ўлди яна	Бода тут, соқийки, айёми висол ўлди яна	635-ғазал
10.	Кўзни лаълинг шавқилан дурбор қилғунгдур яна	Кўзни лаълинг шавқидин дурбор қилғунгдур яна	636-ғазал
11.	Сипеҳру меҳр юзингдин нишонадур барча	Сипеҳру меҳр юзунгдин нишонадур барча	-
12.	Эй, гули сарвий чаманда оразинг шармандаси	Эй, гули сарви чаманда оразинг шармандаси	711-ғазал
13.	Мушки тардур сабзайи хаттинг, юзунг гул хирмани	Мушки тардур сабзайи хаттинг, юзунг гул хирмани	737-ғазал
14.	Фалак жафосидин ул оя бўлмасун дарде,	Фалак жафойидин ул ойға бўлмасун дарде,	-
15.	Кўзум шамъин яна равшан қилур бир меҳрсиз моҳе	Кўзум шамъин яна равшан қилур бир меҳрсиз моҳе	-
16.	Ҳушсиз жонким, ёшурмиш жисми ғампарвард ани	Ҳушсиз жонким, ёшурмиш жисми ғампарвард ани	-

Ушбу муқоясалар мазкур тўпламдаги аксарият ғазалларнинг “Хазойин ул-маоний” тартиб этилиб бўлгандан кейин ёзилганлиги ва уларнинг тўплам нашр этилган йил (1995) учун янги эканлиги билан боғлиқ хулосаларни қайта кўриб чиқишни талаб этади.

ДАСТЛАБКИ ДЕВОНЛАРДАН “ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ”ГАЧА

“Оққўюнли мухлислар девони”нинг илмий жамоатчиликка маълум қилиниши навоийшуносликдаги яна кўплаб хулосаларнинг ўзгаришига олиб келади. Улардан айримларига мисол келтирамиз. “Ғаройиб ус-сиғар” девонида “Оқибат” радифли ғазал бор. Ғазал қуйидаги байт билан бошланади:

Оҳким, ул ошно бегона бўлди оқибат,
Ҳажридин бехудлуғум афсона бўлди оқибат.

Ушбу ғазал шоирнинг мухлислар томонидан тузилган илк девони ва дастлабки расмий девони “Бадойиъ ул-бидоя”да ҳам учрайди, кейинроқ у “Хазойин ул-маоний”нинг биринчи

девонига киритилган. Ғазалнинг “Бадойиъ ул-бидоя” ва “Ғаройиб ус-сиғар” девонларидаги вариантларида айрим ўзгаришлар мавжуд. Хусусан, “Бадойиъ-ул бидоя” да:

*Дединг, **ўлгилким**, Навоий, сени гаҳ-гаҳ тиргузай,*
Ҳеч билмонким санга, жоно, на бўлди оқибат.

“Хазойин-ул маоний” да:

*Дединг **аввалким**, Навоий, сени гаҳ-гаҳ тиргузай,*
Ҳеч билмонким санга, жоно, на ўлди оқибат, –

тарзида келтирилган.

“Бир қарашда айтарли ўзгариш рўй бермагандек. Аммо шу биргина сўзнинг ўзгаришида маъшуқнинг характерига хос энг муҳим чизиқлардан бири кўзга яққол ташланади. “Дединг ўлгилким” иборасида маъшуқ феъл-атворига хос бўлган унутувчанлик, ваъдасига вафо қилмаслик сингари хусусиятлар очилмай қолган. Буни лирик қаҳрамоннинг “Ҳеч билмонким сенга, жоно, на бўлди оқибат” мисраси ҳам ойдинлаштириб бера олмайди. “Дединг аввалким” ибораси эса “Ваъда берган эдинг-ку, сенга нима бўлди?” мазмунидаги ошиқ таънасининг, барқарор лирик ифода топишига хизмат қилган (Жўраев 2006: 220). Дарҳақиқат, таҳлил асосли. Мақтаъда “ўлгилким” сўзидан кўра, “аввалким” сўзининг қўлланилиши ёр ва ошиқ муносабатларини очиб беришда кўпроқ аҳамият касб этади. Лекин ***“Бадоеъ-ул бидоя”дан “Хазойин-ул маоний”га ўтказилиш жараёнида айрим таҳрирларга қараб шоирнинг нафақат маҳорат борасида юксалишини, балки унинг дунёқараши, фалсафий нуқтаи назаридаги эволюцияни ҳам кузатиш мумкин”*** (Жўраев 2006: 221) деган хулоса энди бу ўринда ўзини оқламайди. Чунки ушбу ғазал “Бадойиъ ул-бидоя”дан аввалроқ “Оққўюнли мухлислар девони”да ҳам мавжуд эди ва унда “ўлгилким” эмас, балки “аввалким” сўзи қўлланилганини кўрамиз:

*Дединг **аввалким**, Навоий, сени гаҳ-гаҳ диргузам,*
Ҳеч билмонким санга, жоно, на бўлди оқибат?! [Навоий, 2015: 12-b]

Демак, кўринадики, Навоий ғазални “Ғаройиб ус-сиғар”га киритиш пайтида таҳрир қилар экан, мақтаъни “Бадойиъ ул-бидоя”даги шаклда эмас, балки ундан аввалроқ тартиб берилган “Оққўюнлилар мухлислар девони”даги сингари “аввалким” шаклида беришни маъқул кўрган, бошқача айтганда, ғазалнинг аввалги вариантини қайта тиклаган.

Адабиётшунос олим Н.Рамазонов Навоийнинг илк лирикасини “Хазойин ул-маоний” таркибидаги девонлар матни билан солиштирар экан, Навоий томонидан амалга оширилган бундай ўзгаришларни таҳрир эмас, балки “олдинги вариантни қайта тиклаш, яъни “таҳрирни таҳрир” деб атайди [Рамазонов 2006: 20]. Олимнинг фикрича, “таҳрирлар масаласига ёндашганда, шеърларнинг бизгача етиб келган барча вариантлари (“ИД” – “ББ” – “НН” – “ХМ”) яхлит бир бутунликда олиб қаралиши ва кейингина хулоса чиқарилиши шарт” [Рамазонов 2006: 23].

Шоирнинг мухлислар томонидан тартиб берилган яна бир девони илмий жамоатчиликка маълум қилинган экан, энди Н.Рамазонов таклиф қилган рўйхатга “Оққўюнли мухлис-

лар девони”ни ҳам қўшиб, шоир ижодий лабораторияси ҳақида хулоса чиқариш мақсадга мувофиқ бўлади. Мақоламизнинг кириш қисмида таъкидланганидек, шоир шеърларининг тадрижий тараққиётини ва муайян ғазалнинг “Хазойин ул-маоний”гача бўлган жараёнини бешта босқичда кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлади. Юқорида таҳлил қилинган ғазал шоирнинг “Наводир ун-ниҳоя”дан ташқари барча девонларида мавжудлигини ҳисобга олиб, ундаги ўзгаришларни ана шу тўрт девон асосида кўриб чиқиш имконияти мавжуд. Н.Рамазонов ушбу ғазални “Илк девон”, “Бадойиъ ул-бидоя” ва “Хазойин ул-маоний” кетма-кетлигида ўрганар экан, ундаги

Масту беҳудлуғ эмиш ҳажр андуҳининг дофиъи,
Бас муқими манзилим майхона бўлди оқибат, –

байти “Илк девон”даги вариантда мавжуд эмаслигини, лекин шоир ғазални “Бадойиъ ул-бидоя” га киритаётганда ушбу байтни қўшганлигини, кейин эса “Ғаройиб ус-сиғар”ни тартиб бериш жараёнида яна ўша байтдан воз кечганлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, уч девон кетма-кетлиги шундай хулоса чиқаришга асос бўлади. Аммо мазкур байтнинг “Оққўюнли мухлислар девони”да ҳам мавжуд эканлигини ҳисобга олсак, Навоий “Бадойиъ ул-бидоя”ни тартиб беришидан олдинроқ ушбу байт ғазал таркибига кирганлиги маълум бўлади. Энди юқорида таҳлил қилганимиз – ғазал мақтаъсида содир бўлган ўзгаришни кетма-кетликда кўрсак, қуйидаги манзарага гувоҳ бўламиз:

“Илк девон”	“Оққўюнли мухлислар девони”	“Бадойиъ ул-бидоя”	“Ғаройиб ус-сиғар”
ўлгилким	**Аввалким**	ўлгилким	**аввалким**

Демак, шоир бир ғазалнинг ўзида (“Хазойин ул-маоний”гача бўлган жараёнда) байтни қисқартириш билан боғлиқ таҳрирда “Илк девон”га, мақтаъдаги сўзни ўзгартириш билан боғлиқ жараёнда “Оққўюнли мухлислар девони”даги вариантга қайтяпти. Лекин шунга қарамай, Н.Рамазонов билдирган умумий хулоса ўз кучини сақлаб қолади: қайта таҳрирлар “шеърдаги йигитлик даври руҳи, ёшлик эҳтиросини қайта жонлантириш”га хизмат қиляпти.

Шунингдек, шоирнинг “бало” радифли ғазалидаги ўзгаришлар ҳам диққатни тортади. Бу ғазални ҳам дастлаб шоирнинг мухлислар томонидан тузилган илк девонида учратиш мумкин. Кейинроқ ғазал айрим ўзгаришларга учраб, “Оққўюнли мухлислар девони”га ҳам кирган [Юсупова, 2018: 72]. Навоий ғазални ўзининг биринчи расмий девони “Бадойиъ ул-бидоя”га, кейинроқ “Хазойин ул-маоний”ни тартиб бериш даврида “Ғаройиб ус-сиғар”-га киритган. Навоийшуносликда мазкур ғазалдаги таҳрир билан боғлиқ жараён ҳақида шундай фикрлар келтирилади:

«Бадоеъ-ул бидоя»даги 43-ғазал «Хазойин»да 29-рақам билан келади. Ғазалнинг қуйидаги тўртинчи байти ташлаб кетилган:

Хўблардин ҳар кишига бир бало етган куни,
Бизга етмиш отидур жавру жафо бўлғон бало.

Бу ўринда лирик қаҳрамон назарда тутаётган «ишқи хос» «ишқи ом» билан баробарлашиб қолган. Яъни ишққа мансуб бўлган мажозий маънодаги бало халқ бошига кулфат

келтирадиган табиатнинг стихияли кучлари сингари кўриниш олади. Янада жўнлаштирсак, лирик қаҳрамон – ошиқ ўзининг юксак сарҳадлардаги туйғуларидан узоқлашиб, «эл қатори» бўлиб қолган. Бу, ўз-ўзидан, ғазал муаллифининг эътиборидан четда қолиши мумкин эмас эди. Шоир мазкур ғазалнинг мақтаъсини «Бадоеъ-ул бидоя»да келтирмаган. «Хазойин»даги мақтаъда эса ғазалнинг асосий ғоясини ҳамда ўткир фалсафий пафосини кучайтиришга муваффақ бўлган:

Эй Навоий, токи борди ёр, билдим, ҳажр эрмиш
Шиддат ичра ҳар балиятдин сиво бўлғон бало.
Мазкур ғазалнинг иккинчи байти қуйидаги мазмунда:
Истамонким, ишқ мендин ўзгани қилмиш асир,
Ҳеч кишига бўлмасин, ё раб, манга бўлғон бало.

Ўз-ўзидан англашиладики, юқорида айтиб ўтилган байт мазкур ғазални тадрижий ривожлантирмасдан, навоиёна баландроқ пардага кўтарилмасдан, аксинча, шиддатни сусайтиради, ҳатто зид келади, дейиш мумкин [Жўраев, 2006: 212-213]. Олимнинг фикрича, шоирнинг “Бадойиъ ул-бидоя”даги ғазални “Хазойин ул-маоний”га киритиш жараёнида амалга оширган таҳрирлари бевосита шоирнинг девондан девонга маҳорат жиҳатдан ўсиб бориши билан боғлиқ бўлиб, “ижодий баркамолликка эришиш пайтида... ижодининг дастлабки босқичларида яратилган байтлар уни қониқтирмай қолиши табиийдир” [Жўраев, 2006: 213]. Умумий ҳолатда олганда, асосли хулоса. Дарҳақиқат, Навоий ёшлик даврида яратилган ғазалларини “Хазойин ул-маоний”га киритган пайтида жиддий таҳрирдан ўтказган, улардаги ҳар бир байтнинг ғазалдаги умумий мазмун билан мутаносиб бўлишига эътибор қаратган. Лекин алоҳида олиб қараганда, айниқса, “Бадойиъ ул-бидоя” билан боғлиқ ҳолларда кўп ўринларда Навоий ғазалларининг илк вариантларига (“Илк девон” ва “Оққўюнли мухлислар девони”даги вариантга) қайтишни маъқул кўрганлиги кузатилади. Айни шу ҳолатни юқоридаги ғазалда ҳам учратамиз. Ғазал “Хазойин ул-маоний”га киритилгунча бўлган ўзгаришларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Девон номи	**Тушириб қолдирилган байт**	**Мақтаънинг мавжудлиги**
“Илк девон”	Хўблардин ҳар кишига бир бало етган куни Бизга етмиш отидур жавру жафо бўлғон бало.	Мавжуд
“Оққўюнли мухлислар девони”	Хўблардин ҳар кишига бир бало етган куни Бизга етмиш отидур жавру жафо бўлғон бало.	Мавжуд
“Бадойиъ ул-бидоя”	Байт мавжуд	Мавжуд эмас
“Хазойин ул-маоний”	Хўблардин ҳар кишига бир бало етган куни Бизга етмиш отидур жавру жафо бўлғон бало.	Мавжуд

Юқоридагилардан маълум бўладики, ушбу ғазалнинг “Хазойин ул-маоний”даги варианти шоирнинг дастлабки девонлари: “Илк девон” ва “Оққўюнли мухлислар девони”даги вариант билан айнан ўхшаш бўлиб, шоир “Бадойиъ ул-бидоя”даги ғазални таҳрир қилиш жараёнида ҳам ундаги тўртинчи байтни ташлаб юборяпти, ҳам мақтаъсиз келтирилган ғазалга мақтаъ битиб, уни ёшлик даври лирикасига мослаштиряпти. Бошқача айтганда, “ижодий баркамолликка эришиш пайтида” (Ҳ.Жўраев таъбири) ёшликдаги шижоатга қайтишни маъқул кўряпти. “Шунга асосланиб, улуғ шоир қайта таҳрир орқали нафақат

илк фикр, қарашлари, балки ўша даврдаги кайфият, ҳолатини ҳам тиклашга уринган, десак хато бўлмайди" [Рамазонов, 2006: 22]. Ушбу фикрларга қўшимча тарзда Навоийнинг "Хазойин ул-маоний"дан ўрин олган ва ўз ғазалларига битган тахмислари (7 та тахмис) га доир фикрларни эсга олиш мумкин. Тахмислар учун асос бўлган ғазалларнинг деярли барчаси шоирнинг ёшлик ва йигитлик даврида яратилгани Навоийнинг ёшлик ва йигитлик чоғидаги ижодига алоҳида эътибор билан қараганлиги ва бу даврда ёзган ғазалларига ўз ижоди жараёнида қайта-қайта мурожаат этиб турганлигига далолатдир. Шоир муайян мавзуга доир ғазал ёзар экан, орадан вақт ўтиб, шу мавзуга қайтишга эҳтиёж сезган ва шу тариқа ўз ғазалларини мухаммас ҳолига келтирган [Юсупова, 2013: 147].

Нисбийлик қонунияти

Мухлислар томонидан тартиб берилган девонларнинг кўчирилиш санаси маълум бўлса-да ("Илк девон" -1465/66, "Оққўюнли мухлислар девони" – 1471), улардаги барча шеърлар айнан шу даврлар оралиғида яратилган деган фикр нисбийлик касб этади. "... шоир 24 ёшигача 391 ғазал ёзган, 30 ёшигача яна 178 та ғазал, 39 ёшигача эса янги 456 та ушбу жанрдаги шеър ижод қилган экан, деб хулоса чиқариш ҳақиқатга мувофиқ бўлиб чиқмайди. Масалан, барча мактаб ўқувчиларига ҳам таниш бўлган "Оразин ёпқоч кўзимдан сочилур ҳар лаҳза ёш..." деб бошланувчи машҳур ғазал дастлаб "Илк девон"да эмас, балки "Оққўюнли мухлислар девони"да учрайди (№ 94). Мавлоно Лутфийнинг юксак баҳосига сазовор бўлган бу гўзал сатрлар замондошлари томонидан 15 ёшли Алишернинг истеъдод даражасини белгиловчи меъёр сифатида таърифланганлиги кўпчиликка маълум, аммо Султонали Машҳадий тузган девондан бу ажойиб санъат намунаси нега тушиб қолганлигига аниқ жавоб йўқ" [Имомназаров 2018: 13]. Ушбу фикрни давом эттириб, шуни айтиш мумкинки, Навоийнинг йигитлик даврида яратилгани аниқ бўлган ва Саййид Ҳасан Ардашер мажлисларда такрорлаб юришни хуш кўрадиган байтлар билан боғлиқ ғазаллар ҳам айнан "Илк девон" дан эмас, балки "Оққўюнли мухлислар девони"дан ўрин олган ("Ул паривашким..." ғазали ҳар икки девонда мавжуд). Ушбу байтлар "Оққўюнли мухлислар девони"да қуйидаги шаклда учрайди:

Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен жолалар,
Жолалар эрмазки, бағримдин эрур парголалар [Навоий 2015: 19-а]

Лабин кўрсам, таҳайюрдин алимни дишларам ҳар дам,
Ажаб ҳолатки, болни тутмайин, бармоғ ялайдурмен [Навоий 2015: 45-а].

Шунингдек, "Тарихи Рашидий"да Навоийнинг Мавлоно Соҳибдан сотиб олган ва кейинчалик уни бир бутун ғазалга айлантирган деб маълумот берилган байтни ҳам айнан "Оққўюнли мухлислар девони"да учратамиз:

Кўнглагимдур субҳнинг пироҳаниндин чокрак,
Кирпугим шабнам тўкулан сабзадин намнокрак [Навоий 2015: 31-b]

"Илк девон"га яна бир назар

"Илк девон" факсимилеси нашр этилганига ярим асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлишига

қарамай, ушбу нашрдан анча кейин амалга оширилган айрим тадқиқотларда ҳам янглиш хулосаларга гувоҳ бўламиз:

“Шоирнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девонида шундай фард бор:

Чун илик бермаски ўпсам, ул ситамкор илгини,
Бир киши илгин ўпайким, ўпкай ул ёр илгини.

Айнан мана шу фард кексалик пайтида ғазалга айлантирилиб, “Бадойиъ ул-васатга киритилган” (Жўраев 1993:13).

Дарҳақиқат, “Хазойин ул-маоний”нинг учинчи девонидан шундай матлаъ билан бошланувчи ғазал ўрин олган. Лекин машҳадлик ихлосмандлар тузган девонга мурожаат қилсак, аслида ушбу ғазалнинг кексалик даври маҳсули эмас, балки шоирнинг 25 ёшгача бўлган даврида яратилганига гувоҳ бўламиз, чунки ғазал “Илк девон”да 376-ўринда келади [131-b]. “Бадойиъ ул-васат” девонидаги каби ҳажман етти байтдан иборат. Демак, Навоий ушбу ғазални ёшлик даврида яратган, кейинроқ уни фард тарзида “Бадойиъ ул-бидоя”га киритган. “Хазойин ул-маоний”ни тартиб бериш пайтида эса уни муайян сабабларга кўра, “Бадойиъ ул-васат” девонига жойлаштирган...

Мактаб дарсликларида Навоийнинг “Келмади” радифли ғазалидаги мақтаъдан аввалги – пир ва мурид муносабатларига боғлаб талқин қилинадиган байт шоирнинг устози Абдураҳмон Жомий вафотидан кейин битилган деган фикр билдирилган эди [Адабиёт 2006, 120]. Ғазалнинг “Илк девон”дан ўрин олганлиги [129-b–130-a] ушбу фикрнинг ҳам янглиш эканлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Биз ушбу мақоламизда “Илк девон” ва “Оққўюнли мухлислар девони”даги шеърлар мисолида навоийшуносликдаги айрим таҳлилларга тўхталиб ўтдик. Таҳлиллар тадқиқи шоирнинг мазкур девонларидаги ғазалларини инобатга олмай чиқарилган айрим хулосалар ислоҳ қилинишга муҳтож эканлигини кўрсатди.

“Оққўюнли мухлислар девони” эълон қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Албатта, юқорида тилга олинган таҳлилларнинг аксарияти “Оққўюнли мухлислар девони” илмий жамоатчиликка маълум қилинмасдан анча илгари амалга оширилган, буни эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

Лекин Алишер Навоий ижодий лабораторияси анчайин мураккаб ва сирли ҳодиса эканлигини ҳисобга олган ҳолда, эндиликда шоир таржимаи ҳолига доир муайян нуқтани илм аҳлига тақдим этиш улкан масъулиятни, синчковликни ва албатта эҳтиёткорликни талаб этишини эътиборга олмоғимиз лозим. Зеро, шоир девонлари қаторига янги нусхаларнинг қўшилаётгани навоийшунос олимлар олдидаги масъулиятни яна бир карра оширади.

Адабиётшунослик, хусусан, навоийшунослик муттасил янгиланиб борувчи жараён. Жаҳон қўлёзма фондларидан шоирнинг ҳали яна кўплаб қўлёзмаларининг топилиш эҳтимоли бу борада янада янги хулосаларга асос бўлиши, шубҳасиз.

Адабиётлар

1. Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний»дан четда қолган ғазаллар // Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Тошкент: Фан, 2001.

2. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik-majmua (Mas’ul muharrir: V. Rahmonov). – T. : G‘. G‘ulom nomidagi NMIU, 2006.

3. Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йил кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри / Нашрга таёрловчи Ҳ. Сулаймон. – Тошкент: Фан, 1968.

4. Алишер Навоий. Айёми висол ўлди яна: Янги топилган ғазаллар / Нашрга тайёрловчи Ф. Сулаймонова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995.

5. Алишер Навоий. Хазойинул маоний / Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ. Сулаймонов. 4 жилдлик. 1 – 4-жилдлар. – Тошкент: Фан, 1959 – 1960.

6. Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1987. Т. 1.

7. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т. 3.

8. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Наводир уш-шабоб. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1989. Т. 4.

9. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Бадоеъ ул-васат МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1990. Т. 5.

10. Алишер Навоий. Оққўюнли мухлислар девони. 1471 йилда кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри / Нашрга таёрловчи А. Эркинов // Ali Shir Navai. Divan of the Aq qoyunli Admirers (1471). – Tokyo, 2015.

11. Жўраев Ҳ. Алишер Навоийнинг кексалик даври лирикаси. Филол. фан. номз. дисс. … автореф. – Тошкент, 1993.

12. Жўраев Ҳ. Алишер Навоий лирикасида воқелик ва унинг поэтик талқинлари (ўзига хослик ва анъанавийлик асосида). Филол. фан. докт. дисс. … – Тошкент, 2006.

13. Имомназаров М. Уч девон муқоясаси / Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: Turon-Iqbol, 2018.

14. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси: Филол. фан. номз. . . дис. – Тошкент, 1963.

15. Рамазонов Н. Алишер Навоийда “таҳрирни таҳрир” // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: Фан, 2006. - № 1.

16. Раҳимов Ж. Тарбияда автор шахсининг роли. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

17. Раҳмонов В. Шоҳ, адиб ва шоир – Заҳириддин Муҳаммад Бобур / Бобурнома. – Тошкент: O‘qituvchi НМИУ, 2012.

18. Seyhan T. Akkoyunlular Döneminde Ali Şir Nevâyî Şiirlerinden Seçmelerin Lehçelerarasi Aktarimiyla Ortaya Konulan Oğuzca Divan / Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: Turon-Iqbol, 2018.

19. Турдиалиев А. , Эркинов А. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси (Султонали Машхадий, Ҳирот, 889/1484-1485 йил) / Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: Turon-Iqbol, 2018.

20. Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: Фан, 2012. - № 1.

21. Эркинов А. Бобурнинг шахсий кутубхонаси қандай бўлган // ЎзАС. – Тошкент, 2013, 15 фев. - № 7.

22. Юсупова Д. Алишер Навоий тахмислари // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2013. – № 2. – Б. 143–147.

23. Юсупова Д. “Илк девон”дан “Оққўюнли мухлислар девони”га ўтган ғазаллар трансформацияси / Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: Turon-Iqbol, 2018.

“МЕЗОН УЛ-АВЗОН” УЧУН АСОС БЎЛГАН НАЗАРИЙ МАНБАЛАРНИНГ КОМПАРАТИВИСТИК ТАҲЛИЛИ

КИРИШ

Бизгача етиб келган ривоятлар ва жаҳон шеърияти тажрибасидан маълумки, дастлабки шеърнинг асосини қўшиқ ташкил қилган. Араб шеърияти ҳам даставвал кўчманчи, туя боқиш билан шуғулланувчи араб қабилалари – *бадавийларда* вужудга келган. Араб туячилари туя юришини тезлатиш учун махсус қўшиқлар куйлаганлар ва бу қўшиқлар араб халқлари орасида кенг тарқалган.

VIII асрга келиб, араб олимлари орасида араб шеърияти ва халқ оғзаки ижоди орасидаги муносабатни ўрганиш, уларнинг муайян қонуниятлари ва назарий асосларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилди. Бу вазифа ҳақли равишда “араб филологиясининг отаси” деб эътироф этилувчи олим Халил ибн Аҳмад (715/719–786/ 791) томонидан амалга оширилди [Фролов 1991, 186]. Арузга доир тадқиқотларда унинг араб грамматикаси, араб шеърияти назариясига доир кўплаб асарлар яратгани эътироф этилади [Тўйчиева 2018, 153-154]. Халил ибн Аҳмад филологик илмлар билан биргаликда, тафсир, ҳадис, калом илмларини ҳам мукаммал ўрганганлиги, бу борада ўз даврининг машҳур олими Абу Амро ибн ал- Алоъ (771/776 в.э.) га шогирд тушганлиги ҳақида маълумотлар бор [Тоиров 1997, 15]. Шунингдек, у мусиқа ва математика илмлари билан ҳам шуғулланганки, буларнинг барчаси кейинчалик унинг ўз даври учун янги бўлган шеърий тизим аруз – илмининг асосчиси бўлишига замин ҳозирлаган.

Манбаларда Халил ибн Аҳмаднинг “Аруз рисоласи” муаллифи эканлиги айтилади, лекин бу асар бизгача етиб келмаган. Биз унинг қарашлари билан Халил ибн Аҳмаддан сўнг яратилган рисолалар орқали танишамиз, зеро ушбу муаллифлар ўзларини Халил ибн Аҳмаднинг ворислари ва шогирдлари деб ҳисоблаганлар.

Халил ибн Аҳмаддан сўнг аруз илми унинг шогирди ва издоши Абу Ҳасан Саид ибн Мисад Ахфаш (826/836 в.э.) томонидан давом эттирилди. Ахфаш ўзининг “Китоб ул-аруз” асарида Халил ибн Аҳмад таълимотидаги 15 та баҳр ёнига, яна бир баҳр (мутадорик)ни қўшиб, баҳрлар сонини 16 тага этказади. Ушбу баҳрни “Доираи мунфарида” таркибига киритиб, доира номини “Доираи муттафиқа” деб ўзгартиради.

Ахфашдан сўнг бу таълимот арабнавис олимлардан Ибн Абду Раббиҳнинг “Ал-иқд ул-фарид”, Ибн ас-Саррожнинг “Меъёр фи-авзони-шеър” (“Шеър вазнларининг меъёри”), Соҳиб ибн Аббоднинг “Ал-иқнаъ” ва “Ал-Ваъфа”, Абу Закариё ал-Хатиб Табризийнинг “Ал-кафи фи-л аруз вал-қавофий” (“Аруз ва қофия ҳақида кифоя”), Исмоил Жавҳарийнинг “Аруз ал-вурқатий”, Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотиҳ ул-улум” (“Илмларнинг калитлари”), Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Қистос ал-мустақим фи илм-ил-аруз”(“Аруз илмига доир ҳақиқий мезон”) каби асарларида давом эттирилди.

Аруз илмий-назарий таълимот сифатида, айниқса, ўрта аср форс-тожик арузшунослигида ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Бу даврда шеършуносликка доир ўнлаб асарлар вужудга келди. Улар орасида Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўжам фи маъойири ашъор ул-Ажам” (“Ажам шеърлари меъёрларининг жамланмаси”), Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” (“СҲеърлар меъёри”), Ваҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар” (“Қисқаларнинг

жамланмаси”), Юсуф Азизийнинг “Аруз”, Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъ ус-санойиъ” (“Бадиий санъатлар”), Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз”, Муҳаммад Ғиёсуддининг “Ғиёс ул-луғат” асарлари арузнинг назарий асослари чуқур ва батафсил тарзда баён қилинганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Гарчи ушбу рисолаларда Халил ибн Аҳмад томонидан бир тизимга келтирилган аруз илми назарий жиҳатдан мукаммаллашган ва кенгайтирилган бўлса-да, муаллифлар камтарлик юзасидан ўз рисолаларини устозлари Халил ибн Аҳмад асарининг баёни ёки шарҳи деб таъкидлайдилар. Хусусан, “Меъёр ул-ашъор”нинг муаллифи Насириддин Тусий бу ҳақда шундай ёзади: “Арузийларнинг одатича, ҳар бир вазнни тушунтиришда мисол тариқасида байт келтирадилар. Ва улар араб арузидан айнан Халил ибн Аҳмад келтирган байтни келтирадилар. Шу сабабли биз ҳам ушбу байтларни айнан ўзгаришсиз келтирамиз ва у (Халил ибн Аҳмад) келтирган зиҳофлар намуналарини қисқартирилган ҳолда берамиз... Биз ишни Тавил баҳрини келтиришдан бошлаймиз, зеро Халил ибн Аҳмад шу йўлдан борган ва бошқалар ҳам унга эргашган эдилар” [Тусий 1992, 52-53]. Ушбу фикрлардан кўринадики, Халил ибн Аҳмаддан кейин яратилган арабий ва форсий манбаларнинг аксариятида “араб филологиясининг отаси”га эргашиш бор.

Туркий арузнинг вужудга келиши

Туркий адабиётда исломиятдан аввал ўзига хос махсус назм техникаси бўлган ва бу тизим бўғинлар сонига асосланган. Ушбу тизимда ёзилган шеърларнинг аксарият қисми тўртликлардан иборат бўлиши билан аҳамиятли эди. Кузатувларга кўра, туркий халқлар илк бор аруз тизимида қалам тебрата бошлаганларида бармоқ вазн тизимига яқин турувчи вазнлардан фойдаланганлар. Аруз муомалага кирган илк даврларда ёзилган Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” асари ”Шоҳнома” вазнида, яъни *Мутақориб* баҳрида ёзилган. Юсуф Хос Хожибнинг айнан шу ўлчовни танлашига сабаблардан бири сифатида *Мутақориб* баҳрининг туркий халқлар шеърий тизими бўлмиш бармоқнинг энг фаол шаклларидан бўлган ўн бир бўғинли вазнига жуда ҳам уйғун эканлигини келтириш мумкин. Адиб Аҳмаднинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарида ҳам ушбу ўлчов тўртликлар шаклида ифода этилган.

Адабиётшуносликда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида бармоқ вазни билан биргаликда аруз вазнида ёзилган парчалар ҳам учрайди, деган мулоҳазалар билдирилган эди. Жумладан, татар олими Х.Усмонов “Девону луғотит турк”да аруз ва бармоқ қоришиқ тарзда қўлланилган деган фикрни билдирса [Усманов 1968, 52-53], М. Ҳамроев асардаги барча шеърий парчалар бармоқ вазнида яратилган деб ҳисоблайди [Хамраев 1963, 112]. М.Бакиров эса “Девон”даги шеърларни арузда ҳам, бармоқда ҳам эмас, балки алоҳида шеър системасида яратилган деб таъкидлаб, мазкур шеърларни «кучайтирилган босимли (урғули) шеърлар” деб атайди [Бакиров 1972, 45]. И.В.Стеблева “Девон”даги шеърларда аруз бор деб ҳисоблайди ва шеърий парчаларнинг арузга мос келувчи тақтиъи (парадигмаси)ни келтиради [Стеблева 1971, 21]. Арузшунос олим У.Тўйчиев ҳам “Девон”да аруз мавжудлиги масаласига ижобий муносабат билдириб, шундай дейди:

“Биз “Девон”да аруз мавжуд деган аввал айтилган фикрларга қўшиламиз, чунки “Девон” XI аср обидаси ва аруз бу даврда ёзма адабиётда тўла ҳукм сурар эди. Қолаверса, арузга ҳамоҳанг бўлган шеърий байт ва тўртликлар халқ мақол ва топишмоқлари ичида ҳам кўп топилади” [Тўйчиев 1985, 155]. А. Ҳожиаҳмедов “Девон”даги 224 та шеърий парчанинг вазн хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида мазкур шеърий парчаларнинг аруздаги– *V* – –,

V – V –, – V V –, V V – –, V – – –,– V –, V – – туроқларига мос келувчи ўлчовда яратилганлигини аниқлади. Олимнинг фикрича, "...қадимги туркий шеърий ўлчов тизими чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг муайян эркинлик билан такрорланишига асосланган" [Ҳожиаҳмедов 2006, 10]. Бизнингча ҳам, "Девон"даги шеърий парчалар арузга мос келувчи шеърий системада ёзилган бўлиб, чўзиқ ва қисқа бўғинлар орасидаги мутаносиблик аруз вазни талабларига мос келади. "...Қадимги турк шеърларидаёқ вазнда бўғинларнинг очиқ-ёпиқлигини риоя қилиш ҳоллари учраб туради. Бу эса аруз вазни принципларидан биридир" [Рустамов 1972, 4]. Демак, аруз тизимининг туркий адабиётга кириб келиши ва минг йилларга яқин вақт давомида етакчи шеърий тизимига айланиши сунъий равишда содир бўлмасдан, ўзига хос қонуниятга эга экан.

Темурийлар даврига келиб, туркий арузшунослик алоҳида фан сифатида шаклланди ва бу соҳада кўплаб ютуқларга эришилди: янги баҳрлар, доираларга, вазнлар кашф этилди, аруз илмига янги атама ва тушунчалар олиб кирилди, ушбу илмнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган рисолалар яратилди. Туркий ижодкорлар: Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға", Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Аруз рисоласи" ("Мухтасар")да аруз илмига доир назарий қонун-қоидалар ишлаб чиқилди.

Ушбу давр рисолаларида илк форсий рисолалардан фарқ қилиб, бевосита Халил ибн Аҳмадга эмас, унинг издшлари асарларига суяниш тамойили бошланади. Ҳар бир муаллиф ўзлари истифода этган манбаларни кўрсатиш асносида муайян тарзда аруз тизимига ўз ёндашувларини ҳам келтириб ўтганлар. Шу маънода ушбу давр арузшунослигида қайд этилган манбаларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш мумтоз олимларимизнинг ушбу илмдаги издошликлари ва новаторликларини аниқлашга имкон беради. Шундан келиб чиқиб, туркий арузшуносликнинг тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган "Мезон ул-авзон"нинг назарий асоси бўлиб хизмат қилган манбаларни қиёсий жиҳатдан ўрганиш муҳимдир, зеро буюк мутафаккирнинг арузшуносликдаги ўрни бевосита "Мезон ул-авзон" ва унда истифода этилган манбаларнинг қиёсий тадқиқи билан ҳам белгиланади. Бундан ташқари, биз қуйида таҳлил қилмоқчи бўлган рисолаларнинг аксарияти адабиётшунослигимизда замонавий шеършунослик нуқтаи назаридан махсус тадқиқ этилмаган.

"Мезон ул-авзон"нинг назарий асослари

"Мезон ул-авзон" 1492–1493-йилларда яратилган бўлиб, мухтасар услубда битилган. Ўрта аср адабиётшунослигида фаннинг муайян масаласи бўйича рисолалар мухтасар (кўзда тутилган муаммо юзасидан умумий, ихчам ва лўнда маълумотларни ўз ичига олувчи кичик рисола) ёки муфассал (бирор фан ёки унинг муайян соҳасини мукаммал тарзда ёритувчи монографик характердаги йирик асар) усулида яратилган [Ҳожиаҳмедов 2006, 54]. СҲу маънода Навоийнинг ушбу асари аруз илми ҳақида умумий ва қисқа маълумот берувчи, мухтасар рисола ҳисобланади.

Навоий туркий тилда яратилиб, адабиётшунослик масалаларига бағишланган Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" асари билан таниш бўлмагани учун аруз назариясига доир қонун-қоидаларни туркий тилда илк марта баён қилаётганини алоҳида таъкидлайди, хусусан, "ғараз бу мақолотдин ва мақсуд бу муқаддимотдин бу эрдиким, чун турк алфози билаким назм воқиъ бўлубдур, анга зобитае ва қонуне йўқ эркондур..." деб ёзар экан, туркий тилда аруз қонун-қоидаларига оид махсус асар йўқлигини айтиб ўтади [Навоий 2011, 535].

Алишер Навоий муқаддимада ўзидан аввал яратилган арузга доир манбалар: Халил ибн Аҳмаднинг “Китоб ул-айн”, Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўжам”, Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарларига тўхталиб ўтиб, уларда мавжуд бўлмаган баъзи қоида, доира ва вазнларни ўз асарида келтириб ўтишини айтади. Яъни: “...неча қоидау доира ва вазнким, ҳеч арузда, мисли фан возии Халил ибни Аҳмад ва илм устоди Шамс Қайс кутубида ва Хожа Насир Тусийнинг “Меъёр у-л-ашъор”ида, балки Ҳазрати Махдумий наввара марқадаҳу нуран “Аруз”ларида йўқ эрдиким, бу фақир бу фан усулидин истихрож қилиб эрдиким, бу китобға изофа қилдим” [Навоий 2011, 544]. Навоийнинг аруз илмидаги издошлиги ва кашшофлигини ўрганиш учун бевосита “Мезон ул-авзон”ни Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўжам”, Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарлари билан қиёсан тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир[1]. ЭЪтиборли жиҳати, бу олимлар орасида Шамс Қайс Розий ва Насируддин Тусийлар асли туркийлардан бўлиб, ўша давр анъаналари ва фаолият юритган муҳитлари мЭзонлари асосида ўз асарларини араб ва форс тилларида яратганлар. Илмий тадқиқотларда Шамс Қайс Розийнинг турк тили грамматикаси ҳақида Жалолиддин Хоразмшоҳга бағишланган “Тибъён ул-луғат ат-турки ала лисон қанғли” (“Турк тилининг қанғли тилидаги муфассал баёни”) номли асар ҳам ёзганлиги айтиб ўтилади [Буниятов 1986, 115], бу маълумотлар муаллифнинг туркий тилни ҳам мукаммал билганлиги, эҳтимол асли келиб чиқиши туркий б‘лганлиги билан боғлиқ фаразни илгари суришга имкон беради. “Насируддин Тусий ҳақли равишда мусулмон Ренессансининг бунёдкорларидан саналади. Ўз ижодий мероси билан у Яқин ва Ўрта Шарқ Ренессансининг уч минтақасини – араб, форс ва туркий Ренессансни бирлаштирди” [Рамиз 2013, 21]. Демак, кўринадики, туркий тилда яратилаётан “Мезон ул-авзон” учун асли туркий бўлган олимларнинг асарлари муҳим назарий асос бўлиб хизмат қиляпти.

Дастлаб аруздаги энг кичик бирлик – жузвлар талқинининг қиёси билан танишсак. Маълумки, ***жузв*** (ар. бўлак, қисм, парча, бутун эмас) – мутаҳаррик ва сокин ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўлувчи ритмик бўлак бўлиб, мумтоз арузшуносликда баъзан “асл”, баъзан “рукн” атамаси билан ҳам юритилган. Арузга доир манбаларда келтирилишича, Халил ибн Аҳмад аруз назариясидаги ушбу ритмик бирликни *жузв* деб атаган, кейинчалик форсий арузшунослар уни турли номлар билан атай бошлаганлар. Шамс Қайс Розийда бу истилоҳ “рукн”, Насируддин Тусийда “жузв” тарзида келтирилган. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида жузв тушунчаси рукн истилоҳи остида берилади: “Аммо билгилки, аруз фанининг арбоблари шеър вазнларининг биносини уч рукндан иборат қилдилар: сабаб, ватад ва фосила. Сабаб икки турлидир: бири сабаби хафиф бўлиб, бир мутаҳаррик ва бир сокин ҳарфдан ташкил топади, “гул” ва “мул” каби. Яна бири сабаби

---

[1]Арузшунос олима М.Зиёвуддинова Алишер Навоий бу соҳада Юсуф Саккокийнинг “Мифтоҳ ал-улум” ва Қазвинийнинг “Талхис ал-Мифтоҳ” асарлари билан ҳам таниш бўлган, деб ҳисоблайди ва далил сифатида шоирнинг қуйидаги байтини келтиради:

Банд этибдур жадал аҳли ишин ишкол, андоқ,
Ким не “Мифтоҳ” анга суд қилур, не “Талхис” (Зиявиддинова 8). Бизнингча, бу фикр илмий асосга эга эмас. Чунки Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан 272-рақам остида ўрин олган ғазалда мақтаъдан аввал мавъиза тарзида келаётган ушбу байтда тилга олинган “Мифтоҳ” асари Садруддин Қўнавий (ваф.1274-75)нинг Имом Фахруддин Розий қаламига мансуб “Мафотиҳ ул-ғайб” асарининг шарҳидир. “Талхис” эса ана шу асарнинг сараланган шарҳидир. Орифона мазмун касб этган байтнинг маъноси унда аруз илмига доир асарлар эмас, балки диний-тасаввуфий асарлар тилган олинаётганига далолат қилади.

сақил бўлиб, у икки мутаҳаррик ҳарфдан иборат, “гала” ва “гила” сингари. Мазкур сўзлардаги “ҳо” ҳарфи ўзидан олдинги ҳаракатни ифода қилиш учун ёзилса-да, талаффузга кирмайди” [Жомий 2014, 10]. Жомий бу ўринда аруз тизимида ёзув эмас, талаффуз бирламчилигига диққат қаратмоқдаки, бу ҳолат тақтиъ, хусусан вазнни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Алишер Навоий ҳам улуғ салафи Шамс Қайс Розий ва устози Абдураҳмон Жомий йўлидан бориб, жузв тушунчасини улар келтирган “рукн” истилоҳи остида изоҳлайди: “аруз фани аҳли назм авзони усулининг биносин уч рукнға қўюбдурларким, аларни сабаб ва ватад ва фосила дебдурлар”.

Навоий ҳам жузвлар сонини 6 та деб келтиради: *сабаби хафиф* ва *сабаби сақил* (енгил ва оғир сабаб), *ватади мажмуъ* ва *ватади мафруқ* (бириккан ва ажралган ватад) ҳамда *фосилаи суғр* ва *фосилаи кубр* (кичик ва катта фосила)[1].

Тушунчага таърифда ҳам Навоий рисоласи Жомийникига яқин туради. Асарда сабаб ва ватад учун 4 тадан, фосила учун иккитадан (жами 20 та) мисол келтирилган. Навоий ҳам Жомий сингари ушбу жузвларнинг барчаси қатнашган мисра келтиради:

Ул кўзи қаро дарду ғамидин чидамадим [Навоий 2011, 535].

Навоийнинг фикрича, ушбу уч рукнлардан ҳеч бирини фақат бир рукннинг ўзи билан, яъни бошқа рукнларни киритмаган ҳолда қўллаш табъга маъқул эмас: “Ва мавзун калом таълиф бу арконнинг ҳеч қайсини то яна бириға мураккаб қилмағайлар, мустаҳсан тушмас. Не сабабдин, андоқким,

б а й т:

Эй ой, келким, ёрингдурмен,
Фурқат шоми зорингдурмен” [Навоий 2011, 536]

Жузвлар таърифидан кейин асл рукнлар билан боғлиқ таҳлилларга ўтилади. Маълумки, юқорида тилга олганимиз жузвлар асосида саккизта аркон (асл рукнлар) пайдо бўлади. Мазкур саккиз рукнни аруз илмида *ажзойи афоъил* деб атаганлар. Улар қуйидагилардир:

1. Фаувлун (فَعُوْلُنْ) – бир ватади мажмуъ (*V* –) “فَعُوْ” (*фаув)* ва бир сабаби хафиф (–) “لُنْ” (*лун)*дан иборат бўлади (*V* – –).

2. Фоилун (فاعِلُنْ) – бир сабаби хафиф (–) “فا”(*фо)*ва бир ватади мажмуъ (*V* –) “عِلُنْ” (*илун)*дан таркиб топади (– *V* –).

3. Мафоийлун (مَفاعِيْلُنْ) – бир ватади мажмуъ (*V* –) “*маф*” ва бир сабаби хафиф (–) *“ий”* ҳамда яна бир сабаби хафиф (–) “*лун*”дан таркиб топади (*V* – – –).

4. Мустафъилун (مُسْتَفْعِلُنْ)– икки сабаби хафиф (– –) “*мустаф*” ва бир ватади мажмуъ (*V* –) “*илун*”дан ташкил топади (– – *V* –).

5. Фоилотун (فاعِلاتُنْ)– бир сабаби хафиф (–) “*ф*”, бир ватади мажмуъ (*B* –) “*ил*” ва бир сабаби хафиф (–) “*тун*” дан таркиб топади (– *V* – –).

6. Мафоилатун (مَفاعِلَتُنْ)– бир ватади мажмуъ (*B* –) “*маф*” ва фосилаи суғро (*V V* –) “*илатун*”дан ташкил топади (*V* – *V V* –).

7. Мутафоилун (مُتَفاعِلُنْ) – бир фосилаи суғро (*V V* –) “*мутаф*” ҳамда бир ватади мажмуъ (*V* –) “*илун*”дан иборатдир (*V V* – *V* –).

[1]Арузшуносликда ушбу арузий бирлик билан боғлиқ ихтилофли фикрлар бор. Халил ибн Аҳмаднинг шогирди, араб олими Ахфаш, Насируддин Тусий, Атоулоҳ Ҳусайний, Бобур каби олимлар жузвлар орасида фосила ортиқча, унинг аруз илми учун аҳамияти йўқ деган фикрларни келтирадилар. Навоий эса ушбу баҳсли масалага тўхталиб ўтирмайди.

8. Мафъувлоту (مَفْعُوْلاتُ) – икки сабаби хафиф (– –) “*мафъув*” ва бир ватади мафруқ (– *V*) “*лоту*”дан таркиб топади.

Рисолаларда муаллифлар ҳар бир рукннинг таркибини таҳлил қилиб, уларни нечта сабаб, нечта ватад ҳамда нечта фосиладан ташкил топганлигини баён этадилар. Мазкур баёнлар орасида деярли ихтилофлар йўқ. Шамс Қайс Розий ва Насируддин Тусий рисолаларида 10 та асл рукн ҳақида сўз боради. Тусийнинг фикрига кўра, аслий рукнлар араб арузида суратда ўнта, ҳақиқатда эса саккизтадир. Форсий арузда эса аслий рукнлар ҳақиқатда еттита, суратда эса бештадир. Ушбу беш аслий рукн (*фаувлун, мафоийлун, фоилотун, мустафъилун, мафъувлоту*) шеъриятда мустаъмал, яъни кенг истеъмолда бўлиб, *мафоилатун, мутафоилун* номустаъмал, яъни кенг қўлланилмаган [Тусий 1992, 30].

Абдураҳмон Жомий ўз рисоласида ушбу руклардан фақат бештасига тўхталиб ўтиб, бу беш асл форсий шеър учун мос эканлигини таъкидлайди ва қолган бештасига тўхталиб ўтишни жоиз деб билмайди [Жомий 2014, 12]. Алишер Навоий ҳам “Мезон ул-авзон”да устози Жомий изидан бориб, форсий ва туркий шеъриятда қўлланилган аслий рукнларгана тўхталиб ўтишини таъкидлайди: “Ва улча бу секкиз усулдин форсий шеърда касирул-вуқуъдур – бешдур: 1) мафоъилун, 2) ва фоъилотун, 3) ва мустафъилун, 4) ва мафъулоту, 5) ва фаъулун. Ва туркча шеърда ҳам улча мулоҳаза қилилибдур, бу аркондин ўзга вуқуъ топмас, магар такаллуф била. Ва бу беш аслнинг ҳар бирига неча фаръдурким тағайюрлар сабабидинки, ани арузийлар «зиҳоф» дерлар, ҳосил бўлур” [Навоий 2011, 12].

Мазкур асллар таърифидан кейин улардан ҳосил бўлувчи зиҳоф (асл рукнларни турлича ўзгартириш) ва фуруъ (тармоқ рукнлар)га тўхталиб ўтилади. Навоийда ҳам, Жомийда ҳам зиҳофлар сони тенг, яъни 32 та. Агар аслий рукнлар кесимида такрор қўлланганлари билан ҳисобласак, зиҳофлар сони 45 та, фуруълар миқдори 60 та эканлиги маълум бўлади. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

1-жадвал

Навоий ва Жомий рисолаларида зиҳоф ва фуруълар

Т.р	**Аслий рукн номи**	**Зиҳофлар**	**Фуруълар**
1.	Мафоийлун	11	11
2.	Фоилотун	10	15
3.	Мустафъилун	9	14
4.	Мафъувлоту	9	14
5.	Фаувлун	6	6
	Жами	**45**	**60**

Агар зиҳофлар “Ал-мўжам”да 35 та, “Меъёр ул-ашъор”да 34 та эканлигини ҳисобга олсак, бу масалада ҳам ҳар икки олимнинг ўзаро ҳамфикр эканликларини кўришимиз мумкин.

Рисолаларда баҳр ва вазнлар таҳлилидан олдин *тақти*ъ билан боғлиқ тушунчага тўхталиб ўтилади. Тақтиъ (ар. “кесиш”, “парчалаш”) арузшуносликда шеър вазнини аниқлаш учун байтни рукнларга ажратиш бўлиб, мумтоз шеършуносликда тақтиъга вазнни белгилашнинг муҳим учули сифатида қаралган. “Тақтиъни билмаган киши байтни рукнларга парчалай олмайди, шеърнинг вазнини тўғри белгилаши қийин... Тақтиъ ёзув, орфография ва талаффуз нормалари, тил тарихи билан узвий боғлиқдир; айниқса, фонетика, вазн ва нутқ алоқасини аниқлашда унинг аҳамияти каттадир” [Тўйчиев 1985, 80].

Тақтиъ билан боғлиқ эътиборли фикрлар Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” ва Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарларида кўзга ташланади. Жумладан, Навоий тақтиъга шундай таъриф беради: “Шеър тақтиъи иборат андиндурким, байт алфозини бир-биридин айирғайлар, ул навъким, байтнинг ҳар миқдори тенг тушгай ул биҳорнинг афоъийлидин биригаким, ул байт баҳрда воқиъдур…” [Навоий 2011, 545]. Тақтиъ таърифидан сўнг ҳар икки муаллиф китобат (ёзув)да бор, лекин лафзда (талаффуз)да ҳисобга олинмайдиган баъзи ҳарф ва ҳарфий бирикмаларга эътибор қаратадилар. Улардан бири “вов”и атф (“ва” боғловчиси) бўлиб, жумлалар орасида келганда у тарзида ўқилади. Масалан, “гулу лола”, “жону жаҳон”. СҲунингдек, “*нун*” ҳарфи “хун”, “хон”, “дон” сўзларида тақтиъга кирмайди. Лекин ушбу жумлалар изофа ёки “*а*”, “*у*”, “*ӣ*” унлиларини қабул қилса (*“ху-ни”, “хо-ни”, “до-ни”* сингари), тақтиъга дахлдор бўлади ёки “даст”, “маст”, “гуфт” каби жумлалар уч ундош ва бир унли ҳарфдан иборат бўлиб, бунда иккинчи қатор ундош, яъни “*т*” ҳарфи қисқа ҳижо ҳисобланади. Ушбу жумлалар мисра ўртасида келса, “*т*” ҳарфидан сўнг қисқа “*и*” унлиси талаффуз этилади. Агар ушбу жумлалар мисра охирида келса, сокин ҳарф тарзида талаффуз қилинади.

Форсий тилда баъзан вазн талаби билан ўта чўзиқ ҳижо охирида келувчи қатор ундошлар (масалан, “дўст”, “рост” сўзларида) бир чўзиқ ва икки қисқа ҳижо ўрнига ўтади. Шунда тақтиъ қуйидагича бўлади: *дўст , рост*

– V V – V V

Кўринадики, арузий матнда шеър тақтиъи билан боғлиқ ўринларда асосий эътибор ёзувга эмас, балки талаффузга қаратилади ва арузшунос олим, шоир ёки ижодкор матн билан ишлашда китобат (ёзув)да бор, лекин лафзда (талаффуз)да ҳисобга олинмайдиган ҳарф ва ҳарфий бирикмаларни назардан соқит қилмаслиги талаб этилади.

“Мезон ул-авзон”да зиҳофлар билан боғлиқ фаслдан сўнг доиралар таърифига ўтилади. *Аруз доиралари* бу рукнлар, улардаги чўзиқ ва қисқа ҳижолар сонининг тенглигига кўра ўзаро яқин бўлган баҳрларнинг гуруҳлаштирилган айланаси бўлиб, “араб филологиясининг отаси” баҳрларнинг ўзлаштирилишини осонлаштириш мақсадида ушбу доираларни кашф қилган. Бунда бир-бирига яқин бўлган баҳрлар бир мисра шеър мисолида бир доира ичида келтирилади. Ҳар қайси доира қанча баҳрни ўз ичига олса, шунча бўлакка бўлинади ва уларда шу баҳрларнинг рукнлари ҳам келтириб ўтилади. Доира атрофида берилган мисрани биринчи сўздан бошлаб ўқилса, бир баҳр; иккинчи сўздан бошлаб ўқилса, иккинчи баҳр, учинчи сўздан бошлаб ўқилса, учинчи баҳр ва шу тарзда нечта баҳр жамланган бўлса, барчаси келиб чиқади. Доиралардан мақсад баҳрлар орасидаги фарқ ва умумийликни очиш ҳамда шу билан бирга уларни ўзлаштириш ва шеър вазнларини аниқлашни осонлаштиришдир.

Юқорида таъкидланганидек, доиралар бир-бирига яқин баҳрлардан тузилиши зарур. Шу маънода форсий ва туркий арузда кенг қўлланилган *Ҳазаж*, *Ражаз* ва *Рамал* баҳрларини бир доирага киритиш мумкин. Чунки улар таркибан (мумтоз арузшуносликка кўра, ватад ва сабабларнинг тенглиги бўйича; замонавий арузшунослик асосида фикр юритадиган бўлсак, ҳижолар миқдори ва сифатининг ўхшашлигига кўра) бир хил асосга эгадирлар. Масалан, Навоий келтирган

Кўнгул қон бил висолингда, ғами ҳижрон хаёлидин

мисрасини айнан шу тартибда ўқисак, *мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун* рукнларидан ташкил топувчи Рамал баҳри, агар

Қон бил висолингда, ғами ҳижрон хаёлидин кўнгул

тарзида ўқилса, мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун рукнларидан ҳосил бўлувчи ражаз баҳри ҳамда

Бил, висолингда ғами ҳижрон хаёлидин кўнгул қон

тарзида ўқилса, фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун рукнлари такроридан ясалувчи рамал баҳри ҳосил бўлади.

Манбаларда Халил ибн Аҳмад бешта доира кашф этганлиги ҳақида маълумот берилади [Замахшарий 1989, 16; Табризий 1991, 248; Шамс Қайс 1991, 37]. Таъкидланганидек, унинг арузга бағишланган асари бизгача етиб келмаганлиги учун биз бу доиралар билан унинг издошлари асарлари орқали танишамиз. Халил доиралари ҳақида Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-қистос” ҳамда Хатиб Табризийнинг “Ал-кафий фил аруз фил-қавофий” (“Аруз ва қофиялардан кифоя этувчи”) асарларида маълумот келтирилади. Улардан биринчиси “Доираи мухталифа” (*турли хил, ихтилофли*) деб номланган бўлиб, *Тавил*, *Мадид* ва *Басит* баҳрларини ўз ичига олади. Мазкур доиранинг бу тарзда номланишига сабаб ушбу баҳрлар турли, яъни икки хил аслий рукнлардан таркиб топади. Хусусан, *Тавил* фаувлун (*V* – –) ва мафоийлун (*V* – – –), *Мадид* фоилотун (–*V* – –) ва фоилун (– *V* –), *Басит* мустафъилун (– –*V* –) ва фоилун (– *V* –) рукнларининг ўзаро алмашиниб такрорланишига асосланади. Халил ибн Аҳмад таълимотидаги иккинчи доира “Доираи муштабиҳа” бўлиб, у *Ҳазаж*, *Рамал* ва *Ражаз* баҳрларидан тузилган. Қолган доиралар: “Доираи муъталифа”, “Доираи мужталиба” ва “Доираи муттафиқа” ҳам ўз навбатида бир-бирига яқин баҳрлардан таркиб топган[1].

“Ал-мўъжам”дан бошлаб Халил ибн Аҳмад доираларига нисбатан ижодий муносабат кузатилади. Муаллиф “араб филологиясининг отаси” таълимотидаги дастлабки икки: араб арузига хос бўлган доираларни тарк этиб, қолган учта доирага ўзгаришлар киритади ва уларнинг номларини ҳам ўзгартиради. “Меъёр ул-ашъор” асарининг муаллифи эса ўзини Халил ибн Аҳмаднинг форсий издоши санаб, у кашф қилган доираларни асосан сақлаб қолади, фақат уларнинг таркибига кейинчалик форсий арузшунослар томонидан кашф қилинган янги баҳрларни ҳам киритади.

---

[1] Ушбу доиралардан фақат “Доираи муттафиқа” ягона баҳрдан таркиб топган. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг ёзишича, доирада фақат бир баҳр жойлашганлиги учун баъзи олимлар “араб филологиясининг отаси”га *Мутақориб*дан яна бир баҳр чиқаришни таклиф қилганлар: “Халилдин сўруптурларким, нега фаувлуннинг сабабин ватадидин олдин қўйуб, секиз бор фоилунлиғ баҳр чиқармаптурлар? Жавоб бериптурким, чунки ибтидо интиҳодин кучлцграк бўлмоғи керактур. Бу доиранинг рукнлари фақат ватаду сабабдин иборат бўлғани учун ибтидосин заиф қилмоқтин ва мутақориб тартибининг аксинча якка сабабни якка ватад олдиға қўйуб бир баҳр чиқармоқтин тийиниптурлар”. Бу ўринда Халил ибн Аҳмад *Мутақориб* баҳрининг асл рукни фаувлун (*V – –)* бир ватад (“фаув” *V –)* ҳамда бир сабаб (“лун” –)дан иборат эканлигига диққат қаратяпти. Агар ундан фоилун (– *V* –)ни чиқарсалар, бир сабаб (“фо” –) олдинга ўтиб, ватад (“илун” *V* –) орқага ўтиб қолади ва бу “ибтидонинг интиҳодан заиф” бўлишига олиб келади.

Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида жами 7 та доира келтирилган. Улардан тўрттаси Навоийгача яратилган форс-тожик рисолалари, жумладан, “Ал-мўжам” ва “”Рисолаи аруз”да мавжуд эди. Булар: “Доираи *мў‘талифа*” (рамал, ҳазаж ва ражаз баҳрларидан тузилган), “Доираи *мухталифа”* (муқтазаб, мужтасс, мунсариҳ ва музориъ баҳрларидан тузилган), *“*Доираи *мунтазиа*” (*Мушокил, Сариъ, Жадид, Қариб* ва *Хафиф* баҳрларидан тузилган), *“*Доираи *муттафиқа”* (мутақориб ва мутадорик баҳрларидан тузилган). Абдураҳмон Жомий доиралар масаласида Шамс Қайс Розийга издошлик қилади. Доиралар номланиши ва баҳрлар таркиби “Ал-мў‘жам” билан бир хил. Лекин Насируддин Тусий масалага ўзгачароқ ёндашган. Унинг асарида 5 та доира келтирилган бўлиб, Шамс Қайс Розийда келтирилмаган ва араб арузига хос бўлган тавил, мадид, баситга қўшимча тарзда яна икки баҳр: мақлуби тавил (ариз) ҳамда мақлуби мадид (амиқ) баҳрларини ўз ичига олувчи *“Доираи мухталифа”* ҳам берилган. Номланиш жиҳатдан бу доира Розий ва Жомий доираларини эслатади, лекин таркиб жиҳатдан улардан фарқ қилади, бошқача айтганда, “Ал-мўжам” ва “Рисолаи аруз”да келтирилган “Доираи мухталифа” бутунлай бошқа доирадир.

Навоий рисоласида келтирилган 5-доира бевосита олимнинг ўзи томонидан тартиб берилган. Бу доирани тузишда Навоий “Доираи мухталифа”даги 4 баҳр ва “Доираи мунтазиа”даги 5 баҳр – жами 9 баҳрнинг солим (яъни зиҳоф кирмаган, ўзгаришга учрамаган) рукнларини жамлаб, уларни бир доирага киритади ва бу доирани *“Доираи мужтамиа”* деб атайди: “Бу мазкур бўлған тўққуз асл баҳрнинг солиминики, зиҳофот духулидин саломат қолмиш бўлғайлар, бир доираи азимада жамъ қилиб, ҳар бирининг ўрниға алоҳида мисол келтуруб, тўққузтасини яна бир мисраъдин ҳам истихрож қилиб, ул «Доираи мужтамиа» дейилди ва бу доира расми замон зурафосидин баъзининг хаёлига келиб эрди, аммо фақир анга тартиб бердим” [Навоий 2011, 545]. Бобур “Аруз рисоласи”да ушбу доира Тусийнинг рисоласида бор эди, Навоий уни ўзига нисбат берган деган мазмундаги маълумотни келтиради [Бобур 1971, 30]. Аслида, Тусий рисоласида ушбу баҳрлардан ҳосил бўлувчи доира келтирилмаган: Тусий ушбу доираларнинг мусаддас шаклидан ҳам бир доира тартиб бериш мумкин дейди, лекин доиранинг ўзини келтирмайди [Тусий 1992, 35].

6-доира *“Доираи мухталита”* деб аталиб, бу доирага Навоий комил ва вофир баҳрларини киритади ва мазкур баҳрларнинг матбуъ (ёқимли) баҳрлар эканлигини, лекин негадир уларда кам шеър ёзилганлигини таъкидлаб ўтади. 7-доира “Доираи муштабиҳа” эса уч – тавил, мадидва басит баҳрларидан тузилган. Навоийнинг ёзишича, бубаҳрлар араб адабиётига хос бўлиб, ажам шеъриятида деярли қўлланилмаган ва махсус доирага киритилмаган.

Кейинги масала бевосита баҳрлар талқини билан боғлиқ. Маълумки, аруз тизимида рукнларнинг ўзаро бирлашувидан баҳрлар ҳосил бўлади. “Навоий ҳам, Бобур ҳам ўз рисолаларида зиҳоф ва рукндан кейин турувчи асосий масала вазн эмас, балки баҳр эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Бу ҳолат ўзбек арузшунослигига араб ва форс арузшунослигидан анъана сифатида ўтган” [Тўйчиев 1985, 74]. Дарҳақиқат, темурийлар давригача яратилган барча рисолалар, жумладан бу давр арузшунослиги учун асос бўлган назарий манбаларда ҳам аслий рукнлар ва зиҳофлар масаласидан сўнг баҳрлар тавсифига ўтилган.

Арузга доир манбаларда баҳрлар сони турлича кўрсатилган. Агар Халил ибн Аҳмад яратган аруз тизимида 15 та баҳр (тавил, мадид, басит, вофир, комил, ҳазаж, ражаз, рамал, сариъ, мунсариҳ, музориъ, хафиф, муқтазаб, мужтасс ва мутақориб) мавжуд бўлса, кейинроқ унинг издоши Абулҳасан Ахфаш Балхий (835 йилда в.э.) яна бир баҳр (мутадорик)ни кашф қилади ва шу тариқа араб баҳрлари сони 16 тага етади. Форсий арузшунослар ушбу

баҳрлар қаторига яна уч баҳр: жадид (ғариб), қариб ва мушокилни қўшадилар ва натижада жами баҳрлар сони 19 тага етади. Форсий арузга доир бизгача етиб келган илк назарий манба “Ал-мўъжам”да Шамс Қайс Розий ушбу 19 баҳрни *мутақаддим* (аввалдан мавжуд) баҳрлар тарзида эътироф этиб, уларнинг ҳар бирини мисоллар билан изоҳлайди. Асарда мазкур баҳрлар тавсифидан сўнг алоҳида фаслда яна 21 баҳрнинг номи келтирилиб, муаллиф уларни *мустаҳдас* (янги бунёд қилинган) баҳрлар деб атайди. Шамс Қайснинг фикрича, улар форсий арузшунослар Баҳром Сараҳсий, Бузургмеҳр Қосимийлар томонидан кашф қилинган. Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарида эса 18 баҳр келтирилган бўлиб, унда аввалги рисолада келтирилмаган *мақлуби тавил* баҳрининг берилиши ҳамда *мушокил* ва *ғариб* баҳрларининг тушиб қолдирилиши муаллифнинг ушбу масалага ўз салафидан айри муносабатда бўлганлигини кўрсатади. Абдураҳмон Жомий масалага бир оз ўзгачароқ ёндашиб, “Рисолаи аруз”да 14 баҳрни мисоллар билан изоҳлайди, араб арузига хос бўлган тавил, комил, басит, мадид, вофир баҳрларига кенг тўхталиб ўтирмайди. Рисолада форсий арузга хос 14 баҳр мусамман, мусалддас ва мураббаъ рукнли вазнлар асосида форсий байтлар мисолида кўрсатиб берилган. Ушбу баҳр ва вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

2-жадвал

Жомийнинг “Рисолаи аруз”ида келтирилган баҳрлар ва вазнлар миқдори

№	Баҳр номи	Вазнлар сони			
		Мусамман рукнли вазнлар	Мусаддас рукнли вазнлар	Мураббаъ рукнли вазнлар	Жами
1.	*Ҳазаж*	10 / 24 рубоий вазнлари	14	4	52
2.	*Ражаз*	7	6	2	15
3.	*Рамал*	7	5	2	14
4.	*Мунсариҳ*	7	2	2	11
5.	*Музориъ*	8	4	-	12
6.	*Муқтазаб*	2	-	4	6
7.	*Мужтасс*	7	-	2	9
8.	*Сариъ*	-	6	-	6
9.	*Жадид*	-	1	-	1
10.	*Қариб*	-	3	-	3
11.	*Хафиф*	1	7	-	8
12	*Мушокил*	1	1	2	4
13.	*Мутақориб*	7	2	- / Мутатаввал	10
14.	*Мутадорик*	4	2	-	6
	Жами	**85**	**53**	**19**	

Алишер Навоий ушбу масалада ҳам устози Жомий изидан бориб, баҳрларни умумий тарзда 19 та деб келтиради. Лекин унинг рисоласида Жомий рисоласида кенг таҳлил этилмаган арабий баҳрларга ҳам тўхталиб ўтилган. Чунки Навоий ушбу баҳрларнинг аксариятида, хусусан, Комил ва Тавил баҳрларида туркий тилда ғазаллар ёзиш мумкин деб ҳисоблайди. Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиётида Комили мусаммани солим вазнида битта, Тавили мусаммани солим вазнида ёзилган учта ғазал мавжуд.

“Мезон ул-авзон”да келтирилган баҳрлар ва вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

3-жадвал

“Мезон ул-авзон” да келтирилган баҳрлар ва вазнлар миқдори

№	Баҳр номи	Вазнлар сони			
		Мусамман рукнли вазнлар	**Мусаддас рукнли вазнлар**	**Мураббаъ рукнли вазнлар**	**Жами**
1.	*Ҳазаж*	11 / 24 (рубоий вазнлари)	10	1	46
2.	*Ражаз*	6	6	1	13
3.	*Рамал*	7	4	2	13
4.	*Мунсариҳ*	8	3	2	13
5.	*Музориъ*	8	5	-	13
6.	*Муқтазаб*	2	1	4	7
7.	*Мужтасс*	7	1	2	10
8.	*Сариъ*	-	6	-	6
9.	*Жадид*	-	2	-	2
10.	*Қариб*	-	4	-	4
11.	*Хафиф*	-	6	-	6
12	*Мушокил*	1	2	2	5
13.	*Мутақориб*	8	2	- / Мутатаввал	10
14.	*Мутадорик*	4	3	-	7
15.	*Комил*	1	-	-	1
16.	*Вофир*	1	-	-	1
17.	*Тавил*	1	-	-	1
18.	*Мадид*	1	-	-	1
19	*Басит*	1	-	-	1
	Жами	**91**	**55**	**14**	**160**

Алишер Навоий рисоласида вазнлар туркий тилдаги байтлар (асосан ўз ижоди ҳамда Хожа Исмат Бухорий, Ҳусайний қаламига мансуб байтлар) билан далилланган. “Рисолаи аруз”да ҳам келтирилган байтлар асосан форсийда (“Ал-мўжам”дан, Рўдакий, Анварий, Ҳофиз Шерозий, Салмон Соважий, Низомий Ганжавий, Хожа Исмат Бухорий келтирилган байтлар ва ўз ижоди маҳсули). Насируддин Тусий рисоласида форсий байтлар билан бир қаторда араб тилида (Халил ибн томонидан берилган) ҳам мисоллар келтирилган эди.

Темурийлар давридан бошлаб арузга доир рисолларда рубоий вазнларига алоҳида ўрин ажратила бошланди. Бу бевосита Жомий ва Навоий асарлари учун ҳам хосдир. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида рубоий вазнлари алоҳида доира суратида келтирилиб, муаллиф рубоийни “дубайтий” ва “тарона” номи билан ҳам аташларини таъкидлайди: “Дубайтий, уни рубоий ва тарона деб ҳам атайдилар, ўлчовини *Ҳазаж* баҳрининг *ахрам – мафъувлун* ва *ахраб – мафъувлу* вазнларидан чиқармишлар. Бағоят дилкаш вазн ва

хуш назм бўлиб, назм устодлари унга муайян андоза (даража) белгиладилар. Рубоий жуда латиф бўлганидан унинг латофати икки байтни тақозо қилди ва у йигирма тўрт навъ бўлиб, икки қисмга мансубдир: "Бири *мафъувлун* рукни билан бошланиб, *ахрам* деб аталади. Иккинчиси эса *ахраб* бўлиб, *мафъувлу* билан бошланади ва ўн икки навъни ўз ичига олади. Ҳар бир қисм вазнларидан уч рубоий ташкил топади" [Жомий 2014, 37]. Жомий ахрам шажараси учун ҳам, ахраб шажараси учун ҳам 3 тадан рубоий келтирган бўлиб, уларнинг ҳар бир мисраси алоҳида вазнга эга. Алишер Навоийнинг рубоий вазнларига муносабати Абдураҳмон Жомийникига яқин туради. Навоий ҳам рубоий вазнларини ҳазаж баҳри таркибида келтириб, шундай ёзади: "Рубоий вазниким, ани "ду байтий" ва "тарона" ҳам дерлар, ҳазаж баҳринииг "ахрам" ва "ахраб"идин истихрож қилибдурлар ва ул вазнедур асру хуш оянда ва назмедур бағоят рабоянда. Шеър авзонидин ушбу вазндурким, назм устодлари анга ҳадде муайян қилибдурлар ва ғоят латофатидин икки байтға ихтисор қилубдурлар ва ул йигирма тўрт навъ келибдур ва мажмуъи икки қисмға мухтасардур" [Навоий 2011, 551]. "Мезон ул-авзон"да ҳам худди Жомий рисоласи сингари рубоий вазнларининг ҳар бир шажараси учун 3 тадан, жами 6 та рубоий келтирилган.

Бобур "Бобурнома"да Навоийнинг "Мезон ул-авзон"да келтирган рубоий вазнлари ҳақида фикр юритиб, "йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазнда ғалат қилибдур", деб ёзади [Бобур 1990, 35]. Бу фикр кейинроқ "Аруз рисоласи"да ҳам айтиб ўтилади. Бобурнинг "Аруз рисоласи" бўйича изланишлар олиб борган олим С.Ҳасанов Бобур "Бобурнома"да Навоийнинг рубоий вазнлари ҳақида танқидий фикрлар айтган, лекин "Аруз рисоласи"да бу ҳақда ҳеч нима демаганлиги ҳақида ёзади: "Фикримизча, Бобур "Мезон ул-авзон"нинг хаттот томонидан янглиш кўчирилган нусхасидан фойдаланган бўлиши керак, кейинчалик эса, мазкур рубоий вазнларида нуқсонлар йўқлигини аниқлагач, бу ҳақда гапирмайди" [Ҳасанов 1981, 70]. Лекин Бобурнинг "Аруз рисоласи"да Бобур бу фикрларини янада конкретлаштирганлигини кўриш мумкин:

"Ахрам авзонининг рубоъийларида ахрами ахраби азалл вазни мукаррар бўлуптур, нечукким бу икки мисраъ ўшал вазндадур.

Кўз истарким кўрса жамолингни тўқ,
Ким ҳажринг кўп урди бу кўксумга ўқ.

Мафъувлун мафъувлу мафоъийлун фоъ бўлғай. Бу вазнким мафъувлун фоъилун мафоъийлун фоъ ахрами аштари азалл вазнидур, айтилмайдур. Ахрам авзонининг рубоъийларида бир ахраби мажбуб вазни мукаррар бўлубтур. Нечукким бу икки мисраъ ўшал вазндадур:

Тан ўлса ғаминг ичра ичра жонимға фидо,
Эй шўх бизинг сори бир айла назар.

Мафъувлу мафоъийлун мафъувлу фаъул бўлғай. Яна бир ахраби мақбузи мажбуб вазни мукаррар бўлуптур, нечукким бу икки мисраъ ўшал вазнда воқиъ бўлубтур:

Жаврунгни кўнулга эй париваш қил бас,
Ким ҳолимға раҳмким эрурмен бекас.
Мафъувлу мафоъилун мафоъийлун фаъ.

Яна бир ахраби макфуфи мажбуб вазни мукаррар бўлуптур нечукким бу икки мисраъ ўшал вазнда воқиъ бўлуптур:

Ҳажрингда фиғонимға улус нола қилур,
Ё қатл ила қўйма бу ҳаётимға асар.

Мафъувлу мафоъийлу мафоъийлу фаъул бўлғай уч вазн айтилмайдур" [Бобур 1971, 60].

Бунда Бобур Навоийнинг ахраб шажарасидан иккита ва ахрам шажарасидан иккита вазнни такрор бериб, тўрт вазннинг номини келтирмаганлигини таъкидлаяпти. Адабиётшуносликда бу масала У.Тўйчиев ва А.Ҳожиаҳмедов томонидан махсус ўрганилган бўлиб, хатоликка асарни кўчирган котиб йўл қўйганлиги аниқланди. Котиб мисралардаги баъзи сўзларнинг ўрнини алмаштириб (масалан, биринчи мисолдаги*"урди кўп"*нинг ўрнига *"кўп урди"*), баъзи сўзлардаги ҳарфларни тушириб қолдириб (учинчи мисолдаги *"раҳмеким"*-нинг ўрнига "*раҳмким*") ва қофиялардаги айрим сўзларни ҳаракат (қисқа унли) воситасида ёзганлиги (иккинчи мисолдаги "*назор*", "*шарор*", *"осор"*нинг ўрнига "*назар*", "*шарар*", "*асар*") орқали ушбу хатоликлар келиб чиққан.

ХУЛОСА

Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асари учун форсий арузшунослар: Шамс Қайс Розийнинг "Ал-мўʻжам", Насируддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор" ҳамда Абдураҳмон Жомийнинг "Рисолаи аруз" асарлари назарий асос бўлиб хизмат қилган. Агар олим форсий салафлари Розий ва Тусий рисолаларидан умумий тарзда фойдаланган бўлса, устози Абдураҳмон Жомийнинг "Рисолаи аруз" асари "Мезон ул-авзон" учун таянч манба вазифасини ўтаган. Аруздаги энг кичик бирликлар – жузвлар талқинида Алишер Навоий улуғ салафи Шамс Қайс Розий ва устози Абдураҳмон Жомий йўлидан борган, Насируддин Тусий рисоласида келтирилган фосила билан боғлиқ ихтилофли масалаларга тўхталиб ўтирмаган. Шамс Қайс Розий ва Насируддин Тусий рисолаларида 10 та асл рукн ҳақида сўз борган бўлса, Жомий ва Навоийда асл рукнлардан фақат бештаси таҳлил қилинган. "Ал-мўʻжам"да 35 та, "Меъёр ул-ашъор"да 34 та зиҳоф, Жомий ва Навоий рисолаларида 45 тадан зиҳофнинг келтирилиши устоз ва шогирднинг ушбу масалада ҳам ҳамфикр бўлганликларини кўрсатади. "Ал-мўʻжам" ва ""Рисолаи аруз"да анъанавий 4 та доира, "Меъёр ул-ашъор"да 5 та доира келтирилган бўлса, "Мезон ул-авзон"да 7 та доира келтирилган ва улардан "Доираи мужтамиа" олимнинг ўз ихтиросидир. "Мезон ул-авзон"да вазнлар далили учун келтирилган мисолларнинг аксарияти шоирнинг ўз ижод маҳсули эканлиги Алишер Навоийнинг туркий аруз назариясини амалиёт билан тенг олиб борганлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1.Атоуллоҳ Ҳусайний. 1981. *Бадойиъу-с-санойиъ* / Форсчадан А. Рустамов таржимаси. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти.

2.Бакиров М.Х. 1972. *Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований.* Автореф. дисс. на соискание… канд. филол наук. Казань.

3.Бобир Заҳириддин. 1971. *Мухтасар* / Нашра тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Фан.

4.Бобур Заҳириддин. 1990. *Бобурнома* / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Тошкент: Юлдузча.

5.Буниятов З.М. 1986. *Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов* (1097-1231). Москва: Наука.

6.Жомий Абдураҳмон. 2014. *Рисолаи аруз* / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. Тошкент: ТАМАДДУН.

7.Замахшарий Маҳмуд. 1989. *Ал-Қистос ал-мустақим фи илм-ил-аруз.* Байрут: Мактабат ул-маориф.

8.Зиявиддинова М. 1990. *Поэтика в "Мафатих ул-улум" Абу Абдаллаха ал-Хорезми.* Авт. дисс. … канд. филол. наук. Тошкент.

9.Мусульманкулов Р. 1989. *Персидско-таджикская классическая поэтика* (Х-ХВ вв.) – Москва: Наука.

10.Навоий Алишер. 2011. *Мезон ул-авзон.* ТАТ. 10 жилдлик. Ж.10. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ.

11.Насируддини Тўсий. 1992. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. Душанбе: Ориёно.

12.Рамиз Дениз. 2013. *Насиреддин Туси ученый, опередивший века.* Баку.

13.Рустамов А. 1972. *Аруз ҳақида суҳбатлар.* – Тошкент: Фан.

14.Стеблева И.В. 1971. *Развитие тюркских поэтических форм в XИ веке.* Москва: Наука.

15.Талабов Э. 2004. *Араб шеъриятида аруз тизими.* Филол. фан. док. дисс. ... автореф. – Тошкент.

16.Тибризи Абу Закарийа (ал-Хатиб). 1991. *Ал-кафи фи-л-аруд ва-л-кавафи* (Перевод с арабского, исследование и комментарий Д.В.Фролова) / Классический арабский стих. История и теория аруда. Москва: Наука

17.Тўйчиев У. 1985. *Ўзбек поезиясида аруз системаси.* – Тошкент: Фан.

18.Тўйчиева Г. 2018. *Ислом даври шеъриятида аруз тизими ва унинг эволюсион тараққиёти.* Филол.фан.бўйича фан доктори (Дсс) дисс... Тошкент.

19.Тоиров У. 1997. *Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поезии.* Автореферат дисс. на соискание ученой степени докт.филол.наук. Душанбе.

20.Усманов Х.К. 1968. *К характеристике ритмического строя тюркского стиха* // Народы Азии и Африки. – № 6.

21.Фролов Д.В. 1991. *Классический арабский стих.* Москва: Наука, 1991.

22.Хамраев М.К. 1963. *Основы тюркского стихосложения (на материале уйгурской классической и современной поэзии)*. Алма-Ата: Издательство АН.

23.Ҳожиаҳмедов А. 2006. *Навоий арузи нафосати.* – Тошкент: Фан.

24.Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. *Фунун ул-балоға* (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Элиотт №-127 рақамли қўлёзма).

25.Шамс Қайс Розий. 1991. *Ал-мўъжам* / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандаи чоп У. Тоиров. Душанбе: Адиб.

АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИНИНГ УСМОНЛИ ТУРК АДАБИЁТИГА ТАЪСИРИ

Алишер Навоий ижоди ўз давридаёқ кўплаб қўшни мамлакатларнинг эътибори ва қизиқишига сазовор бўлган. Жумладан, Усмонли турклар салтанатида Алишер Навоий шахсияти ва ижодий меросига қизиқиш, унинг шеърларига татаббуъ битиш, муайян асарлари таъсирида асар яратиш анъанаси мавжуд эди. Бу қизиқиш шоир ҳаётлик давридан бугунга қадар давом этиб келмоқда. Германиялик олима доктор Зигрид Клайнмихелнинг ёзишича, “Усмонийлар империясида Алишер Навоий шеърларига ҳавасмандлик шоирларни чиғатойча шеър ёзишга ундаган. Ушбу шеърлар усмонийлар империясида назмни тушунган усмоний тилида сўзлашувчиларга манзур эди. Шоир дўстларининг форсча шеърига қарама-қарши равишда Алишер Навоийнинг ўзларига яқин бир тилда шундай буюк бир асарларни яратганлиги унга нисбатан улкан муҳаббатнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган” [Клайнмихел, 2021] .

Алишер Навоий ижодининг Усмонли турклар адабиётига таъсирини уч йўналишда кузатиш мумкин: 1) шоир шеъриятидан таъсирланиш; 2) тазкирачилик йўналишидаги таъсир; 3) “Хамса” достонларига жавоб ёзиш. Биз ушбу тадқиқотимизда учинчи йўналиш, яъни Навоий “Хамса”сининг Усмонли турклар хамсанавислигига таъсири билан боғлиқ айрим масалаларни кўриб чиқамиз.

Маълумки, мусулмон Шарқи достончилиги тарихини хамсанавислик анъанасидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. XIII аср бошларида Низомий Ганжавий бешлиги орқали вужудга келган хамса жанри саккиз асрга яқин вақт давомида ўзининг юзлаб жавоб достонларига эга бўлди [Алиев, 1985].

Форс-тожик адабиётида Низомий бешлигига биринчи жавоб битган ижодкор Хусрав Деҳлавий бўлса, Навоий бу вазифани туркий тилда адо этди. Гарчи туркий адабиётда Навоийгача “Хамса”нинг муайян достонига жавоб ёзилган бўлса-да (Аҳмадий. “Искандарнома” (XIV аср), Қутб. “Хисрав ва Ширин” (XV аср), Ҳайдар Хоразмий. “Махзан ул-асрор” (XV аср), Саййид Қосимий. “Мажмаъ ул-ахбор” (XV аср), лекин тўлиқ бешлик яратилмаган эди.

Адабиётшуносликда мавжуд маълумотларга кўра, Усмонли турклар адабиётида XVI-XVII асрларда “Хамса” номи остида маснавий ёзган шоирларнинг они ўн олтитага етади [Левенд, Арасли]. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўз асарларини мукаммал бешлик ҳолига келтиришмаган ёки номи маълум бўлган асарларининг аксарияти бизгача етиб келмаган. Онадўлида маснавий ёзиш ва форс шоири Низомийдан илҳом олиш Навоийдан анча аввал бошланган бўлса-да, кўпгина шоирларга маснавий мажмуасини ёзишларига усмоний империясида кўп ўқилган Навоийнинг “Хамса”си туртки бўлган, деган эҳтимол кўпроқ. Левенд Туркия кутубхоналарида Навоий “Хамса”сининг ўн битта тўлиқ (иккитаси куллиётлар таркибида), ҳамда достонлардан бири ёки бирдан ортиғи бор бўлган яна еттита қўлёзма мавжудлигини қайд этган [Левенд, 1958:132, 143, 186-196].

Хамсашуносликда Усмонли турклар адабиётида бешлик яратган шоирлар сифатида қуйидагилар эсланади:

Ҳамдий, Беҳиштий, Яҳёбей Тошлижали, Навъизода Атойи, Файзий, Субҳизода Файзуллоҳ, Чокарий, Аҳмад Ризвон, Ҳожатий, Жалилий, Муидий, Фатҳуллоҳ Ориф Чалабий, Фаз-

лий, Ломеъий ва б. Бу давр адабий муҳитида илк “Хамса”ни ким яратгани маълум эмас. Огоҳ Ширри Левенднинг маълумот беришича, Аҳмад Синон Беҳиштий ва Ҳамдуллоҳ Ҳамдий бир-бирларидан хабарсиз биринчиликка даъво қилганлар. Хусусан, Беҳиштий ёзади:

Яздım ҳеле бен евабı ҳемс
Димеди даҳи бу дилде кимсе.

Мазмуни: Мана мен Хамсага жавоб ёздим, бу тилда (яъни Онадўли туркчасида) мендан аввал ҳеч кимса ёзмаган эди.

Манбаларда келтирилишича, Беҳиштий Султон Боязид ИИ даврида маҳаллий амалдорлардан бири бўлган. Султон билан ихтилофга боргач, Усмонийлар салтанатидан қочиб, Ҳиротга кетади ва Алишер Навоий ҳомийлигида ижод билан машғул бўлади. Шу ерда у ўзининг “Хамса” асарини ёзганлиги ҳақида маълумотлар бор [Алиев: 1985, 82]. Беҳиштий “Хамса”си қуйидаги достонларни ўз ичига олади: “Юсуф ва Зулайҳо”, “Вомиқ ва Узро”, “Ҳусн ва Нигор”, “Суҳайл ва Навбаҳор”, “Лайли ва Мажнун”. Гарчи бу достонларнинг барчаси ҳам номланиши ва умумий мазмун-моҳияти билан анъанавий “Хамса”га жавоб бўлмаса-да, лекин турк дунёсида форсий адабиётда вужудга келган анъанага кўра, бешлик сифатида эътироф этилган.

Шу ўринда хамсанавислик тарихига бир оз назар ташлашимизга тўғри келади. Маълумки, форсий адабиётда Низомий Ганжавий бешлигига илк марта жавоб ёзган шоир Хусрав Деҳлавий бўлса, Алишер Навоий бу вазифани туркий тилда адо этди. Бошқача айтганда, Деҳлавий ҳам, Навоий ҳам хамсанависликка муносабат билдираётган биринчи ижодкорлар эди. Шу жиҳатдан бу икки ижодкор “буюк Низомий билан адабий мубоҳасага киришиш жараёнидаги мураккаб вазифа”ни [Алиев, 1985:57] амалга оширишда бир хил позицияда турганлар деб айтиш мумкин. Шу маънода бу икки ижодкор бешлигида хамсанависликнинг барча шартларига қатъий амал қилинганликни кўрамиз.

Форсий адабиётда Деҳлавийдан кейинок анъананинг бузилиш ҳоллари учрай бошлайди. Хусусан, XIV асрнинг форсигўй адиби Ҳожу Кирмоний (баъзи манбаларда Ҳожу Ҳиммати)нинг 1332-1345 йиллар оралиғида яратилган бешлиги кўп жиҳатлари билан Низомий бешлигидан фарқ қилади. Кирмоний “Хамса”си “Ҳумой ва Ҳумоюн”, “Гул ва Наврўз”, “Равзат ул-анвор”, “Камолнома” ва “Гавҳарнома” каби достонлардан иборат бўлиб, достонларнинг номланишиёқ анъанага муносабатдаги ўзгачаликни кўрсатяпти.

Хамсачилик тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган Абдураҳмон Жомий бешлигида эса фалсафий йўналишдаги достонлар етакчи ўринда туриши билан характерланади. Унинг хамсаси “Туҳфат ул-аҳрор”, “Субҳат ул-аброр”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Хирадномаи Искандарий” достонларидан иборат бўлиб, Жомий ҳатто Искандар воқеаси билан боғлиқ “Хирадномаи Искандарий” достонида ҳам асосий эътиборни Искандарнинг юришларига эмас, балки унинг донишмандлигига қаратади, буни асар номланиши ҳам тасдиқлаб турибди.

Туркий адабиётдаги хамсанависликка муносабат ҳам кўп жиҳатлари билан форсий адабиётни эслатади. Алишер Навоий бешлиги яратилгандан кейин орадан ярим аср вақт ўтмай, хамсанавислик анъанасидан узоқлашиш ҳоллари учрай бошлади. Бу хусусият, айниқса, усмонли турклар адабий муҳити учун хос эканлиги билан характерланади. “Қайд этмоқ лозимдирки, турк адабиётида “Хамса” ёзмоқ анъанаси бирмунча фарқли инкишоф

этди ва турк шоирлари ўз “Хамса”ларидаги достонлар мавзуларининг ўзгачалиги билан Низомийдан фарқландилар” [Араслы, 1980: 80]. Демак, айтиш мумкинки, Навоий форсий-забон шоирларга туркий тилда “Хамса” ёзиш мумкинлигини исботлаб берган ва мураккаб адабий вазифани адо этиб бўлгандан кейин, турк дунёси энди бемалол анънавийликдан чекиниб, ўзи истаган шаклда бешлик яратиш имконига эга бўлди. Шу маънода Онадўлида яратилган илк хамсалар мавзу ва сюжет йўналишига кўра, кўп ҳолларда Низомий бешлигидан фарқ қилади. Умуман, бу даврдаги хамсалар ва улар таркибидаги достонларни таъсирланиш даражасига кўра 4 гуруҳга бўлиш мумкин:

1) Низомий достонларига жавобан ёзилган достонлар
2) Абдураҳмон Жомий таъсирида яратилган достонлар
3) Алишер Навоий достонлари таъсирида вужудга келган маснавийлар
4) Абдуллоҳ Ҳотифий таъсирида ёзилган достонлар.

Қизиғи шундаки, айрим хамсалар бир неча ижодкор таъсирида яратилганлиги кузатилади. Масалан, Бурсалик Ломеъийнинг “Ҳафт пайкар” достони Ҳотифийнинг “Ҳафт манзари”га жавобан ёзилган бўлса, “Фарҳод ва Ширин” достони бевосита Алишер Навоий таъсирида ёзилган.

Бу давр адабиётининг яна бир йирик вакили Яҳёбей Тошлижалининг хамсанависликка муносабати ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг бешлиги 1550–1551 йиллар оралиғида яратилган бўлиб, “Гулшан ул-анвор”, “Ганжинаи роз”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Шоҳ ва гадо” ва “Усулнома” достонларидан иборат. Адабиётшуносликда Тошлижалининг “Гулшан ул-асрор”, “Ганжинаи роз” ва “Усулнома” достонларининг ҳар учаласи ҳам Низомий “Махзан ул-асрор”ига жавоб тарзида вужудга келган деган қараш бор [Арасли, 1980: 91]. Лекин унинг “Гулшан ул-асрор”и кўп жиҳатлари билан Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонини эслатади. Ҳар икки достон муқаддимасини қиёслашнинг ўзиёқ шундай хулоса чиқаришга асос бўлади. Маълумки, Низомийдан бошлаб «Хамса»ни «бисмиллоҳ» ояти билан бошлаш анъана тусига кирган бўлиб, Низомийдан сўнг барча хамсанавислар ўз сўзларини ана шу оят билан бошлаганлар. Фақат Навоийга келибгина бу боб мустақил басмала бобига айланди, яъни ушбу боб тўлиғича «бисмиллоҳ» ояти асосида қурилди. Тошлижали достонида эса Навоий бошлаб берган бу усул янада ривожлантирилиб, достоннинг дастлабки уч боби “басмала”га бағишланган, бошқача айтганда, унда «бисмиллоҳ» оятининг китобат санъати асосидаги талқини 3 та бобда алоҳида-алоҳида давом этади.

Достондаги биргина “син” ҳарфи билан боғлиқ талқинга эътибор қаратсак. Навоийда:

«Син»и саломат йўлининг зийнаси,
Балки саодат юзи ойинаси.

Тошлижалида:

Bāsı beḳā ālemi ser-defteri
Sịni selāmet ilinüñ serveri

Достоннинг иккинчи бобидан бошлаб Навоий «Хамса»сининг яна бир ўзига хос жиҳатига дуч келамиз. Навоийгача ёзилган «Хамса»ларда бобларга алоҳида сарлавҳа қўйилмаган. «Ҳайрат ул-аброр»нинг иккинчи бобидан бошлаб Навоий сажънинг гўзал намунаси бўлмиш жумлалар орқали бобнинг умумий мазмун-моҳиятини очиб берувчи насрий сарлавҳалардан фойдаланади. Шоир сарлавҳалар тузишда ҳамиша ҳам бир хил андозадан ке-

либ чиқмаган: зарур пайтларда мураккаб шаклларни қўллаган, айрим ўринларда оддий ифода усулларидан фойдаланиш билан чекланган. Айнан шу ҳолатни "Гулшан ул-анвор"да ҳам учратамиз. Масалан, достоннинг ёзилиш сабаблари билан боғлиқ боб сарлавҳаси қуйидагича: ***"Аҳбāр-ı аҳйāр-ı улуъл-элбāб ве ижҳāр-ı иъ тиźāр-ı сāḥибйъл-китāб".*** Айнан шу бобда Навоийга қуйидагича таъриф берилади:

Mįr Nevāyį gül-i bį-ħārdur
Hamsesi bir nāfe-i Tātār‟dur
Sözleridür işḳ odınuñ śarśarı
Her biri baĥr-ı ġazelüñ gevheri
Gerçi ŝaḳįl oldı dili zer gibi
Ḳıymetinüñ keŝreti gevher gibi.
Vaśf idemem źāt-ı ħıredmendini
Ayn-ı acem görmedi mānendini.

Шунингдек, шоирнинг "Ганжинаи роз" достонида буюк ўзбек шоирига эҳтиром ўлароқ қуйидаги байтларни учратамиз (Арасли, 86-бет).

Навоий достонлари таъсирида қалам тебратган яна бир турк шоири Бурсали Лемеъий Усмон Чалабийдир. Э.Бирнбаум унинг бобоси наққош бўлиб, ўз даврида Темур тарафидан Самарқандга олиб кетилган ва кейинроқ юртига қайтарилган. У неварасини чиғатойча ёзишга илҳомлантиргани ҳақида маълумот беради. Ломеъийнинг кўплаб шеърлари Навоий таъсирида ёзилган. Унинг 1512 йилда ёзилган "Фарҳод ва Ширин" достони ҳам буюк ўзбек шоирининг шу номли асари таъсирида майдонга келган. Асарнинг муқаддимасида Ломеъий Бурса ҳокими Фанорий унга Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонини онадўли туркчасига уйғунлаштиришни таклиф қилгани ҳақида ёзади.

Kalem berki külü nesrine çektim
Rakam Ferhad ile Şirine çektim.
Eğerçi gissai yetmekta temdid,
Seraser eyledim ustada taklid.
Muradında kim etdim husni ta'bir
Kahi kesterdum uslubinda tağyir.

Достоннинг номланишидан тортиб, воқеалар ривожи, қаҳрамонлар характери ва яна кўп ўринларда Навоий достонидан таъсирланиш кўзга ташланади.

Бу давр адабий муҳитининг яна бир вакилларидан бири бўлмиш Лорендели Ҳамдийнинг "Лайли ва Мажнун" достони 1499 йилда ёзилган бўлиб, ундаги айрим ўринлар ҳам Навоий достони таъсирида ёзилганлигини кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Усмонийлар салтанатида Алишер Навоий шеърларига ҳавасмандлик муҳит шоирларини дастлаб чиғатойча шеър ёзишга, кейинроқ "Хамса"нинг муайян достонларига жавоб ёзишга ундади. Алишер Навоий туркий тилда "Хамса"дек буюк асарни ёзиш мумкинлигини исботлаб бергач, турк дунёсида Низомий бешлигига жавоб ёзиш истаги пайдо бўлди. Яҳёбей Тошлижали, Ломеъий Чалабий, Лорендели Ҳамдий ва яна кўплаб шоирлар Алишер Навоий бешлиги таъсирида маснавий-достонлар яратдилар.

Фойдаланган адабиётлар

1. Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985.
2. Араслы Н. Низами ва турк эдабяти. – Баки: Элм, 1980.
3. Афсахзод А. Лирика Абд Ар-Рахмана Джами.– М.: Наука, 1988.
4. Ayşe Sağlam. Taşlıcalı Yahya Bey ve Hemsesı. Doctora Tezı. – 2016.
5. Бертельс Е.Э. Низами и Физули. – М.: Наука, 1962. – С. 214.
6. Kleinmichel Sigrid. Ali Şir Nevâyî ve Osmanlı Şairleri (Çeviren Nurettin Demir) // Türk Edebiyatı Tarihi I (Ed. T. S. Halman, Osman Horata ve diğerleri). – İstanbul: T.C. Kültür ve Turizm Bakanlığı Yayınları Kültür Eserleri Dizisi: 399, 2006, S. 683- 691.
7. Levend A.S. Divan edebiyati. – Istanbul, 1984.
8. Эркинов А. Навоий ижодининг хорижлик тадқиқотчилари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2019, 2-сон, Б. 34-39.

ҒАЗАЛЛАР ШАРҲИ

ЭЛ ПАРИЮ ҲУРНИ ДЕГАЙ...

Эл парию ҳурни дегай гумон қилғанча хўб,
Лек эрур ҳури парийзодим менинг юз онча хўб.

Давр ичинда фитна ҳам кўп, хўб ҳам беҳад, валек
Бўлмағай мингдин бир ул сарфитнаи давронча хўб.

Кун била тун юз била хаттингча хўб эрмас яқин
Бўлса бу гулшанда бўлғайлар гулу райҳонча хўб.

Ҳусниға ушшоқ агар менча ҳалок эрмас, не айб
Ким, киши ул юзни кўрмайдур мени ҳайронча хўб.

Ҳуснидин тўймоғ эмас мумкинки, беҳад хўб эрур,
Тўйғай эрдим, бўлса эрди Юсуфи Канъонча хўб.

Эй кўнгул, Фарҳоду Мажнун бўлғай эрди бизча зор,
Бўлса эрди Лайлию Ширин бизинг жононча хўб.

Буки тарки ишқ этарлар ваъда ёлғон қилса ёр,
Қилса бўлмас, бўлса ёр ул ваъдаси ёлғонча хўб.

Эй кўнгул, ҳуру парий васфин эшиттим, гўйиё
Ҳеч қайси одамийлиғда эмас инсонча хўб.

Эй Навоий, кўйининг хори кўзумга гулча бор
Ким, эрур оллимда кўйи равзаи ризвонча хўб.

("Наводир уш-шабоб", 43-ғазал)

Луғат
Хўб – 1) яхши; 2) гўзал; 3) афзал
Сарфитна – фитна қўзғотувчи, фитна бошловчи
Хатт – лаб устидаги туклар
Ушшоқ – ошиқлар
Хор – тикан
Равзаи ризвон – жаннат боғи
Кўй – кўча, маҳалла

Ғазалнинг насрий баёни:

1. Халқ пари ва ҳурни гўзал деб тасаввур қилади, лекин менинг ҳури паризодим улардан юз қатла чиройлироқдир.

2. Бу замонда гўзаллар ҳам, улар ҳақидаги фитналар ҳам кўп, лекин уларнинг ҳеч бири менинг фитна қўзғатувчи ёрим ҳақидаги фитналарнинг мингдан бирига ҳам тенг келолмайди.

3. Гўзалликда кун билан тун сенинг юзинг ва лабларинг устидаги тукларингдек бўлолмайдилар, нари борса уларга гулшандаги гул билан райҳон яқин (тенг) келиши мумкин.

4. Ёримнинг ҳуснини кўрган ошиқлар мендек ҳалок бўлмасалар, не ажаб, чунки улар ёримнинг юзида мендек телбаи ҳайрон кўрган гўзалликни қайдан кўрсинлар?

5. Ёримнинг гўзаллигига чегара йўқ, қанча тикилсам ҳам, унинг ҳуснига тўя олмайман, агар у Юсуфи Канъондек бўлса, тўйган бўлар эдим (у ҳатто Юсуфдан ҳам гўзал).

6. Эй кўнгил, агар Лайли билан Ширин бизнинг ёримиз каби гўзал бўлсалар эди, Фарҳод билан Мажнун ҳам ишқ йўлида биздек зор бўлар эдилар (уларнинг зору нолонлиги менинг изтиробларим олдида ҳеч нарса эмас).

7. Агар ёр ёлғон ваъда қилсаю, ваъдасини бажармаса, унинг ишқини тарк этадилар, ахир у ваъдаси ёлғон менинг ёримдек яхши бўлса, унинг ишқини қандай тарк этиш мумкин?

8. Эй кўнгил, ҳуру парилар тавсифини эшитдим, уларнинг ҳеч бири (қанчалик гўзал бўлмасинлар) одамийлик бобида инсон фарзандига тенг келолмайдилар.

9. Эй Навоий, унинг кўчасидаги тикан кўзимга гул бўлиб, ёрнинг маскани эса жаннат боғидек бўлиб туюлади.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ушбу ғазал мавзу жиҳатидан ошиқона бўлиб, услубан таърифу тавсиф йўналишидаги ғазаллар сирасига киради. Унда бошдан охиригача ёр гўзаллиги тараннум этилган. Ғазалдаги ёр ҳусн жиҳатидан ҳуру париларга, унинг макони эса жаннат боғига муқояса қилинади, баъзи ўринларда ҳатто улардан устунроқ қўйилади.

Маълумки, ҳурлар бу жаннатда яшайдиган гўзал қизлар бўлиб, улар жисмоний ва маънавий камчиликлардан холи деб қаралади. Парилар ҳам гўзалликда ҳурлар каби бўлиб, ғайб оламидаги мавжудотлардир. Улар ўзларининг гўзаллиги ва латофати билан одамларни мафтун этиб, ақлдан оздирадилар. Уларни оддий кўз билан кўришнинг имкони йўқлиги сабабли одамлар уларни ўз тасаввурларида гавдалантирадилар. Ғазалнинг матлаъсида шоир “эл гумон қилғонча хўб” деганда шу ҳолатга ишора қилар экан, ўз ёрини ҳуру парилардан ҳам гўзалроқ паризод деб таърифлайди.

Ғазалнинг иккинчи байтида айтилишича, бу замонда гўзаллар ҳам, улар ҳақидаги фитналар ҳам кўп, лекин уларнинг мингдан бири ҳам фитна қўзғовчи ёрга тенг келолмайди, яъни лирик қаҳрамон ошиқ бўлган гўзал ҳуснда шунчалик мафтункорки, замон аҳли орасида турли фитналарга сабаб бўлади ва “сарфитнаи даврон” таърифи билан эсланади. Навоий бу ўринда сўз ўйини воситасида ёрнинг ҳам фитнагарлар, ҳам хўблардан эканлигини айтиб, биринчи мисрадаги “давр”, “фитна”, “хўб” сўзларини иккинчи мисрада ўз ёрига нисбатан қўллайди ва бетакрор ташбеҳлар яратади. Учинчи байтда ёрнинг юзи нур таратиши жиҳатидан кун, яъни қуёшдан, лаблари устидаги туклари қоралиги жиҳатидан тундан устун қўйилади, уларга ташбеҳ сифатида фақат гулшандаги гул ва райҳон яқин келиши мумкинлиги таъкидланади.

Кейинги байтларда ёр гўзаллиги билан боғлиқ таърифу тавсифлар кучайиб боради. Шоир ўз ёрини мумтоз адабиётдаги гўзаллик тимсоли Юсуф алайҳиссаломдан ҳам малоҳатлироқ деб ҳисоблайди. “Унинг ҳусни Юсуфи Канъондек бўлганида, тўймоқ мумкин эди” деб ёзар экан, машҳур ривоятга ишора қилади. Ушбу ривоятга кўра, Юсуф алайҳиссалом Мисрда подшоҳ бўлган пайтларида етти йил қаҳатчилик бўлади, халқ Юсуф алайҳиссаломдан озиқ-овқат сотиб олиб кун кўради. Ахийри озиқ-овқат ҳам тугаб, одамлар кўчалар-

да очликдан ўла бошлайдилар. Шунда Юсуф алайҳиссалом юзларидан ниқобларини очиб, халққа кўриниш берадилар. Халқ тўрт ойгача у зотнинг гўзалликларидан беҳуш бўлиб, очлик нималигини унутади. (“Қисаси Рабғузий”да келтирилишича, Юсуф алайҳиссаломга Аллоҳ томонидан бу оламдаги гўзалликнинг юздан тўқсон тўққизи ато этилган экан). Байтда ана шу ҳодисага ишора борлигини кўрамиз.

Навбатдаги байтда ошиқнинг ўз ёрига садоқати тасвирланган. Ишқ одобига кўра, маъшуқа қанчалик ситамкор ва жафокор бўлмасин, ёлғон ваъдалар бериб, ошиқни қийнамасин, ҳақиқий ошиқ унинг ишқини тарк этмайди, балки аксинча унга садоқат ва фидойилик билан жон фидо қилишда давом этаверади.

Ғазал мақтаъсида ёр кўчасининг тиканлари шоирга гул бўлиб, унинг яшаш маскани жаннат боғи бўлиб туюлиши тасодифий эмас, зеро ривоятларга кўра, жаннатнинг атрофи тиканлар билан ўралгандир.

Ғазалда қўлланилган тимсоллар уни бевосита мажозий маънода ҳам талқин қилишга имкон яратади: унда гўзаллиги таърифланган ёрни пири комил тарзида ҳам, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва айни пайтда Мутлақ муҳаббат мазҳари деб ҳам тушуниш мумкин.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг “хўб” радифли ушбу ғазали юксак бадиияти ва чуқур мазмунга эга эканлиги билан туркий ғазалиётнинг нодир намуналари сирасига киради.

ЮЗИ ДАВРИНДА ҚИРОНМУ...

Юзи давринда қиронму зоҳир этмиш ул пари,
Ё қуёш бирла қирон айлабтурур юз Муштари.

Йўқса анжум ҳалқа урдилар тамошо қилғали,
Жилваи ҳусн айлаганда офтоби ховари.

Бу баҳона бирла рухсориға еткайменму деб,
Риштаи жоним аро тортилди ашким гавҳари.

Гул уза шабнам эмас ул юзда дур монандиким,
Инфиолидин ботибтур терга гул барги тари.

Жолаларнинг лолазор ичра йўқ онча зебиким,
Лолагун рухсоринг атрофида дурлар зевари.

Дур била фахр этмаким, ул беш эмас бир қатра су,
Панд дурриға қулоқ сол, эй санамлар сарвари.

Юзи васфида Навоий доғи айлабтур қирон,
Назм силкигаки чекмиш дурри маъни ҳар сари.

(“Наводир уш-шабоб”, 591-ғазал)

Луғат

Қирон – 1) яқинлашиш, интилиш
2) икки сайёранинг бир буржда тўқнашуви, яқинлашуви;
Муштарий – Юпитер сайёраси
Анжум – юлдузлар
Офтоби ховарий – қуёш, шарқ қуёши
Ашк – кўз ёши
Инфиол – ҳаяжонланиш, уялиш, хижолат тортиш
Жола – дўл, дўл доналари; бу ўринда шабнам, шудринг.
Беш – кўп, ортиқ
Назм силки – шеър тизмалари

Ғазалнинг насрий баёни:

1. Ул пари юзи атрофига ошиқларни тўплаяптими ёки қуёш билан юз Муштарий орасида қирон (тўқнашув) содир бўлдими?

2. Ёки шарқ қуёши, яъни ёр ўз ҳусни билан жилва қилганда юлдузлар уни томоша қилиш учун ҳалқа, яъни доира ҳосил қилдиларми?

3. Шу баҳона мен ҳам унинг рухсоридан бебаҳра қолмай деб, жонимнинг ипи узра кўз ёшларим гавҳарини тиздим.

4. Гул устидаги дурга ўхшаш томчиларни шабнам деб ўйламанг, улар гул баргининг (ёр жамолидан) хижолат тортиб, терга ботгани оқибатида пайдо бўлган томчилардир.

5. Лолазордаги шабнамнинг гўзаллиги лоладек юзинг атрофида пайдо бўлган дурлар безагидан ортиқ эмас.

6. Эй санамлар сарвари, сен бу қимматбаҳо дур билан фахр этма, у аслида бир қатра сувдан ортиқ эмас, ундан кўра панд-насиҳат дурига қулоқ солгин!

7. Навоий ҳам ёр юзи васфида ҳар томонга сочилган маънолар дурини бир-бирига яқинлаштириш учун назм сафи билан қирон айлади.

Ғазалнинг мазмун-моҳияти

Мазкур ғазал ишқий мавзуда, васф характерида бўлиб, унда поэтик лавҳа яратиш билан боғлиқ хусусиятлар етакчилик қилади, бошқача қилиб айтганда, ғазалда ёр тавсифи учун табиат ҳодисаларининг муайян ҳолати тамсил қилиб олинган. Бир қарашда осмон жисмлари тасвири етакчилик қилгандай тасаввур қолдирадиган ушбу ғазалда шоир ўз муддаоси баёни учун самовий жисмлар (Қуёш, Муштарий, юлдузлар) ҳолатидан бадиий фон сифатида фойдаланади. Ғазал матлаъсида ёр юзининг гўзаллигидан ошиқларда унга интилиш ҳосил қиладиган ҳолат Қуёшнинг Муштарий сайёраси билан яқинлашувига муқояса қилинган ва шоир “юз” сўзи билан боғлиқ ҳолда ажойиб ташбеҳ яратган: бири ёрнинг юзи билан боғлиқ бўлса, иккинчиси юзта Муштарий билан алоқадор. Байтнинг умумий маъноси: Ул пари юзи атрофида қирон (унинг юзини кўришга интилаётганлар билан) зоҳир этяптими ёки қуёш билан юз Муштарий орасида қирон (тўқнашув) содир бўлдими? Байтнинг иккинчи мисрасида **ийҳом** (икки хил маънодан фойдаланиш) санъати мавжуд. Ундаги биринчи маънодан англашиладиган фикр илми нужум (астрономия) билан боғлиқ: унга кўра, икки сайёра бир бурж остида тўқнашган вақт қирон содир бўлади ва бу пайтда таваллуд топган шахс қирон соҳиби сифатида гўзал тақдирга эга бўлади ёки шу вақт бошланган муайян иш

ёки ҳодиса хайрли якун топади. Бу ўринда Қуёш ва Муштарий сайёраси орасидаги яқинлашувга ишора бор. Иккинчи маъно: ёки Қуёш (ёр) билан Муштарий (харидорлар) орасида яқинашув содир бўлдими, бошқача айтганда юзта муштарий (харидор) қуёш юзли ёр жамолига интилдиларми? Демак, бу ўринда Муштарий сайёрасининг танланиши тасодифий бўлмасдан, унинг "харидор", "талабгор" маъноларини ҳам англатиб келишига ишора қилинган, "юз Муштарий" бирикмаси шу маъно билан боғлиқ ҳолда "юз харидор" (ошиқ) мафҳумини билдиради.

Кейинги байт бевосита шу фикрни янада тўлдиради ва ривожлантиради. Унда гўзал поэтик лавҳа чизилганлигига гувоҳ бўламиз: фалакдаги юлдузлар осмон маликаси – Қуёш жилва айлаб, ўз ҳуснини намойиш қилганда, уни томоша қилиш учун айлана атрофида бирлашадилар. Учинчи байтда шеърнинг лирик қаҳрамони, яъни ошиқ ҳам ёр ҳуснига талабгор сифатида шу баҳонада ўз жонининг риштасига кўз ёшларидан гавҳарлар териб, томошага отланади. Кейинги байтларда ёр гўзаллиги тасвири осмону фалакдан гулшанга кўчирилади: ошиқнинг фикрича, гул юзидаги томчилар бу шабнам эмас, балки ёр юзининг гўзаллигидан хижолат чеккан гулнинг юзидаги тер томчилари; лолазордаги шабнамнинг гўзаллиги ёр юзи атрофидаги дурлар безагидан ортиқ эмас.

Мақтаъдан олдинги байтда анъанавий навоийёна услуб етакчилик қилади: ёр тасвири асос қилиб олинган ғазал "мавъиза" (панд-насиҳат) руҳидаги байт билан зийнатлантирилади, яъни Навоий байтда санамлар сарвари, у орқали эса барча замондошларига насиҳат қилиб, ўткинчи гўзаллик, ҳойу ҳавасга берилмасликни, балки панду ҳикматни мақсад билиб, унга қулоқ тутиб яшаш зарурлигини уқтиради. Шоир ёр юзи васфида ҳар томонга сочилган маънолар дурини бир-бирига яқинлаштириш учун назм сафи билан қирон айлаганини айтиб, ғазални якунлайди.

Ғазалда қўлланилган **тамсил** (биринчи мисрада айтилган фикрга иккинчи мисрада мисол келтириш), **тажоҳули ориф** (билиб-билмасликка олиш), **ташбеҳ** (ўхшатиш) санъатлари шоир ғоявий ниятини амалга оширишга хизмат қилдирилган. Эътибор қаратилса, одатда, Навоий ғазалларида мақсад қилинган фикрнинг баёни учун муайян бир шакл ёки тасвир воситаси асос қилиб олинади. Юқоридаги ғазалда шоир айлана ёки доира шаклини ўз тасвир объекти учун етакчи восита қилиб олганлигини кузатиш мумкин. Ғазалда ушбу шаклга эга тимсолларни санасак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади: юз, Қуёш, Муштарий, ҳалқа, гавҳар, ашк, дур, жола ва ҳ.к. Уларнинг барчаси тавсифий характердаги ушбу ғазалда ёр гўзаллигини очиб бериш жараёнида муайян бадиий функцияни бажарган.

Умуман олганда, ушбу ғазал ёр гўзаллиги тасвири ҳамда табиат ва осмон ҳодисалари параллелизмидан иборат бўлиб, китобхоннинг бадиий тахайюлини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

ТУН ОҚШОМ БЎЛДИЮ...

Тун оқшом бўлдию келмас менинг шамъи шабистоним,
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.

Не ғам кўргузса кўксум порасин чоки гирибоним,
Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин доғи пинҳоним.

Ғамидин дурри макнундек, сиришким оқти Жайхундек,
Музайян қилди гардундек жаҳонни ашки ғалтоним.

Фалак ҳам тўлди кавкабдин, қуёш ҳам туши ашҳабдин,
Келиб тушмас бу маркабдин менинг хуршиди рахшоним.

Жаҳонни зулмат этти чаҳ, бу зулмат ичра ўлгум, ваҳ,
Манга бўлсанг не Хизри раҳ, етиб, эй оби ҳайвоним.

Дема кўктин қуёш кетмиш, фалакка тийралик етмиш,
Ул ой ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афғоним.

Навоий киби ҳижрондин, бу оқшом ўлдум афғондин,
Ғамим йўқ бўйла юз жондин, етиб гар келса жононим.

("Ғаройиб ус-сиғар", 403-ғазал)

Луғат:
Чоки гирибон – ёқанинг чоки
Дурри макнун – яширин гавҳар
Сиришк – кўз ёши
Музайян – безатилган
Ашки ғалтон – дона-дона кўз ёши
Кавкаб – юлдуз
Ашҳаб – кулранг от
Маркаб – от, улов
Оби ҳайвон – тириклик суви
Тийралик – қоронғилик
Дуд – тутун

Ғазалнинг насрий баёни

1. Оқшом бўлди, лекин менинг шамъи шабистоним – тунни ёритувчи шамим келмади. Бу ғамнинг оташидан жоним ҳар нафасда парвона каби куяди.

2. Агар кўксимнинг ярасидан яширин ғамим кўринмаса, не ғам?! Чунки кўксимнинг пора бўлганлигини либосим ёқасидаги чок кўрсатиб турибди.

3. Ёримнинг ғамидан яширин дурдек кўз ёшим Жайҳун дарёси каби оқди, бу кўз ёшимнинг дона-дона томчилари жаҳонни худди юлдузли осмондек безади.

4. Осмон юлдузлар билан тўлди, қуёш ҳам ўз отидан тушди, яъни ботди, лекин менинг қуёшим, яъни ёрим Рахш отидан тушиб, ҳузуримга келмайдими?

5. Зулмат жаҳонни қудуққа айлантирди, энди бу зулмат ичида ўлмоғим тайиндир. Эй менинг оби ҳайвон (тириклик суви)дек ёрим, қанийди етиб келиб, Хизр каби йўлбошчи бўлиб, мени қутқарсанг.

1. Осмондан қуёш кетиб, атроф қоронғиликка чўмди деб ўйлама. Аслида бу менинг ойдек ёрим ҳажридан чеккан фиғонларим тутунидир.

2. Айрилиқ изтироблари ичида Навоий каби бу оқшом фиғон чекиб ўлмоқдаман, лекин менга жон қайғуси бегона (унинг йўлида юзта жонимни ҳам фидо қилишга тайёрман), фақат жононим етиб келса бўлгани.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу ғазал ишқий мавзуда бўлиб, унда лирик қаҳрамоннинг ёрдан жудолик дамларидаги қайғу ва изтироблари қаламга олинган. Ғазал қофияланиш тизимига кўра қўш матлаъли, яъни *ғазали зеби матлаъ* ҳисобланади (унда ҳар икки байт ўзаро қофияланганлигини кузатиш мумкин). Шунингдек, ғазалнинг ритмик таъсирчанлигини оширадиган яна бир ҳодиса унинг *мусажжаъ* (ички қофия) асосида яратилганлигидир. Бу ҳодисага кўра, матлаъдан кейинги байтлар тўрт бўлакка ажратилиб, дастлабки уч бўлак ўзаро мустақил тарзда қофияланади, тўртинчи бўлак эса асосий қофияга оҳангдош бўлади.

Ғазални ўқир эканмиз, унда ошиқнинг ҳижрон дамларида чеккан соғинчу изтироблари табиат ҳодисалари билан уйғун тарзда тасвирланганлигига гувоҳ бўламиз. Ғазал тун – оқшом бошланса ҳам, ёр, яъни ушбу тунни ёритувчи шамъ келмаганлиги, бу қайғу оташидан ошиқнинг жони парвонадай куйиши тасвири билан бошланади. Байт учун танланган тимсоллар шунчаки ошиқнинг руҳий ҳолатини тасвирлаш учунгина хизмат қилмасдан, кучли мантиқ асосига қурилганлиги билан эътиборни тортади. Байт мазмунига кўра, ошиқ ўз ёрини кун давомида кутади, тун кириб оқшом бошланса ҳам, ундан дарак бўлмайди. Ошиқ учун энди тун зулматга айланади, бу зулматни ёритувчи шамъ керак, чунки ошиқ парвона каби унинг атрофида айланмоқчи, лекин бу “шамъ” келгани йўқ. Шунга қарамай, ошиқнинг жони бир нафас ҳам куйишдан тўхтамайди ва бу куйиш ёр келмагани учун вужудга келган ғаму андуҳнинг оташи туфайли содир бўлади. Байтда қўлланилган *таносуб* (тун, оқшом, шабистон, шамъ, парвона), *тавзеъ* (оқшом, шамъ, шабистон) *ташбеҳ, муболаға* каби санъатлар матлаъдаёқ ғазалнинг таъсирчан чиқишига замин ҳозирлаган.

Кейинги байтлардан тасвир янада кучайиб боради. Ошиқ ўз ёқасининг чоклигини пора-пора бўлган кўкси остидаги яширин ғаминнинг намойиши сифатида изоҳлар экан, байтда *ҳусни таълил* (чиройли далиллаш) санъатининг бетакрор намунасига гувоҳ бўламиз. Учинчи байтдан бошлаб, ғазалда *мусажжаъ* санъати (бу ўринда: макнундек, Жайҳундек, гардундек) етакчилик қила бошлайди ва бу санъат билан боғлиқ ритмик оҳангдорлик ғазал охиригача давом этади. Байтда ошиқ ёрининг ғамида шундай кўйга тушадики, кўз ёшлари Жайҳун (Сирдарё) бўлиб оқади, кўз ёшидан тушган дона-дона томчилар жаҳонни худди юлдузли осмондек безайди. Ошиқ ҳолатини табиат ҳодисаларига уйғун тарзда тасвирлаш кейинги байтларда ҳам давом этади: қуёш отидан тушиб, ўз маконига кирган, фалак юлдузларга тўлган, лекин лирик қаҳрамоннинг “қуёш”идан ҳануз дарак йўқ.

Ҳижрон туфайли жаҳон шундай қоронғу зулматга айланадики, энди ошиқ учун ягона чора оби ҳайвон (тириклик суви)дек ёрининг келиб, Хизр каби унга йўлбошчи бўлишидир. Қадимий ривоятларга кўра, ер остида зулмат дунёси бўлиб, унинг тубида оби ҳаёт булоғи (тириклик суви) мавжуд экан. Ушбу булоқдан ичган одам абадий ҳаётга муяссар бўларкан. Хизр ер остига тушиб, ушбу булоқ сувидан ичганлиги учун абадий ҳаётга мушарраф бўлган экан. Навоий бу ўринда ана шу ривоятга ишора қилар экан, ёрини тириклик сувига нисбат бериш орқали Хизр (пири комил) ёрдамида абадий илоҳий файздан баҳраманд бўлмоқлик-

ни умид қилади. Шеърда шу тариқа навоийёна усталик билан ошиқона ғазал таркибига орифона маъно юкланади.

Ёр висолига илинж ва умидворлик туйғулари мақтаъда ҳам давом этади: ошиқ айрилиқ изтироблари ичида бу оқшом фиғон чекиб ўлмоқлик даражасига етди, лекин унга жон қайғуси бегона (унинг йўлида юзта жонини ҳам фидо қилишга тайёр), фақат жонони етиб келса бўлгани. Байтда "жон" ва "жонон" сўзлари воситасида вужудга келтирилган *иштиқоқ* санъати байтнинг лисоний жозибасини оширган.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг ушбу ғазали юксак бадиий маҳорат билан яратилган бўлиб, ундан ҳам дунёвий, ҳам мажозий маъно қатламларига доир фикрларни топиш мумкин.

БАҲОР СЕНСИЗ ЎЛУПТУР...

Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах,
Қизил гул анда ўту оқ шукуфалардур ях.

Баҳор сенсиз агар дўзах ўлса тонг эрмас,
Биҳишт ичинда лиқо бўлмаса эрур дўзах.

Хаёли хайли кўзумга келургадур гўё,
Юзумки йўл-йўл ўлуптур сиришкдин рах-рах.

Ғариб келмади ширин лабингға аччиғ сўз,
Эмас ғариб чучук мева бўлса хаста талх.

Кўнгул фано кунжидин зўр бозу истарким,
Вужуд панжасини англамиш бағоят шах.

Навоий эгни ялангдур демангки, бордур анга
Фано ҳасири, бало хораси насиж ила нах.

Магар шаҳ ашҳаби оллинда пайк бўлди сипеҳр
Ки, қилмиш ўн кечалик ойни эгнида ночах.

*(**"Ғаройиб ус-сиғар", 108-ғазал)***

Луғат
Шукуфа – гул
Ях – муз
Лиқо – юз
Хайл – тўда, гуруҳ
Сиришк – кўз ёши
Рах – ажин
Талх – аччиқ

Фано – йўқлик
Бозу – билак, қўл
Шах – дағал, қаттиқ
Ҳасир – бўйра, палос, кигиз
Хора – абрешин мато
Насиж – тўқилган
Нах –абрешин ипи
Ночах – кичик найза
Пайк – хабарчи, хабар етказувчи
Сипеҳр – фалак, осмон
Ашҳаб – кулранг ёки кўк от

Ғазалнинг насрий баёни:

1. Сенсиз баҳор мен учун дўзах кабидир, ундаги қизил гуллар олов, оқ гуллар эса муз сингаридир.

2. Сенсиз баҳорнинг дўзахга ўхшатилишида ажабланарли ҳеч нарса йўқ, чунки жаннатда Унинг жамоли (дийдор) бўлмаса, жаннат ҳам гўё дўзахга айланади.

3. Унинг хаёли кўз олдимда намоён бўлар экан, ҳажрида кўзёшим оқиб, юзимга ажинлардан йўл солган.

4. Хаста одамга ширин мева ҳам аччиқ кўринади, шундай экан, сенинг ширин лабингдан аччиқ сўз чиқса, бунга ҳайрон бўлиш керак эмас.

5. Кўнгилда фано бўлиш истаги шунчалик кучлики, у ўзини қутқаргувчи қудратли бир билак истайди, чунки у ўзи учун бу вужуд қаттиқ бир панжа эканлигини англаб етди.

6. Навоийни эгни яланг, яъни либоссиз, деб ўйламанг, чунки унда фанодан палос ва абрешин ипидан тўқилган бало матоси бордир.

7. Шоҳнинг кулранг оти олдида осмон хабарчи фаришта бўлди ва у ўн кечалик ойни кичик найзага айлантирди.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бир қарашда ишқий мавзуда ёзилгандек тасаввур берувчи ушбу ғазалда ирфоний мазмун устувор бўлиб, унда Ҳаққа етишиш учун Расули акрам буюрган йўлдан юриш керак, деган ғоя илгари сурилади.

Ғазал матлаъсида ошиқ учун ёр бўлмаса, баҳор фасли ҳам қиш каби туюлиб, кўкламда очилган қизил гул олов, оқ гул муз сингари бўлиши баён қилинмоқда (Шу ўринда мумтоз адабиётимизда **ёр** орқали маъшуқа, дўст, пири комил, Пайғамбар (с.а.в.) ва Оллоҳ назарда тутилишини эслатиш жоиз). Диний манбаларга кўра, охиратда гуноҳкорларга дўзах азоби икки бир-бирига қарама-қарши ҳодиса – олов ва қаттиқ совуқ (муз) орқали намоён қилинади. Навоий бу ўринда дўзахдаги ана шу азобга ишора қилмоқда.

Навбатдаги байтда лирик қаҳрамон ёрга қарата “баҳор сенсиз қишга тенг бўлиши табиий ва бу ажабланарли эмас, чунки дийдор бўлмаса жаннат ҳам дўзах билан тенгдир”, дер экан, *лиқо* сўзи орқали жаннатда юз берадиган илоҳий жамолга ишора қилади. Диний ривоятларга кўра, жаннатда Оллоҳ ўз дийдорини суюкли бандаларига намоён қилади: ушбу дийдор чоғида барча ҳушидан кетади. Ҳушларига келгач, улар яна шу илоҳий жамолни

қўмсайдилар, ушбу жамолсиз энди жаннат ҳам уларга худди дўзахдек бўлиб кўринади. Байтда қўлланилган **тамсил** санъати ошиқнинг руҳий ҳолатини таъсирчан ифодалашга хизмат қилган.

Учинчи байтда илоҳий жамолни ўйлар экан, лирик қаҳрамон қаттиқ ҳаяжонга тушади: кўзларидан ёш оқади, юзида ажинлардан йўл пайдо бўлади. **Муболаға**, **тавзеъ** (*хаёли хайли*) ва **мукаррар** (*йўл-йўл, рах-рах*) санъатлари билан зийнатланган тасвир орқали ошиқнинг илоҳий дийдорга қанчалик эҳтиёжманд ва интиқ эканлиги намоён бўлади.

Кейинги байтда Навоий ёрнинг ширин лабидан аччиқ сўз чиқса, ҳайрон бўлмаслик керак, чунки хаста одамга ширин мева ҳам аччиқ бўлиб туюлади ва бунинг ажабланарли жойи йўқ, дер экан, ўзини ёр висолига ташна хаста ошиққа нисбат беради. Ушбу байтнинг ботиний мазмунига эътибор қаратсак, унда Алишер Навоий Расули акрамга (с.а.в.) ғойибона мурожаат қилаётганлигини сезиш мумкин. Маълумки, ул Зотнинг сўзлари ҳамиша ширин ва фасиҳ бўлган. Лекин гоҳида мушриклар учун (уларни ҳидоятга чорлаш мақсадида) аччиқ сўз айтганлар. Мушриклар бемор каби эдилар ва уларга саодатдан хабар бераётган, айбу нуқсонларини кўрсатиб, тузатишга ундаётган сўзлар ҳам аччиқ туюлган.

Ғазалнинг бешинчи байтида кўнгилнинг тан истакларидан қутулиб, фано бўлиш ва Ҳаққа эришиш истаги баён қилинади. Бунда у ўзини халос этадиган кучли билакка – *зўр бозу*га эҳтиёжманддир. Чунки вужуд *панжаси* руҳни озод қилиши учун унга бир кучли билак – пири муршиднинг ёрдами зарур. Байтда *бозу, панжа* каби уядош сўзларни қўллаш орқали вужудга келтирилган **таносуб** санъати, вужудни панжага қиёслаш билан ҳосил қилинган **ташбеҳ** санъати фикрнинг бадиий таъсирчанлигини оширган.

Навбатдаги байт ҳам юқоридаги фикрнинг давоми ҳисобланади. Унда ҳам Алишер Навоий лирик қаҳрамон истагини фано бўлиш билан боғлаб, халқ кўзига либоссиз бир бечора каби кўринаётган бўлса-да, аслида унда фанодан палос ва балодан мато бор эканлигини айтади ва шу орқали тасаввуфдаги жавонмардлик таълимотига ишора қилади.

Шу ўринда “Сабъаи сайёр” достонида келтирилган шанба куни қора қасрда Баҳромга айтиб берилган “Фаррух ва Ахий” ҳикоятини эсга олиш зарур. Ҳикоятда Ахийга туҳмат қиладилар, у бору будидан айрилиб, ҳатто кийимсиз қолиб, бир палос ёпиниб, дўсти Фаррухнинг мамлакатига бориб қолади. Бу ерда Ахийнинг мард ва сахийлиги, ва энг асосийси, ҳамма нарсасидан ажралиб қолганда *палос ёпиниб* юрганлигига урғу қаратиш лозим. Ҳикоят моҳиятан рамзий бўлиб, унда Ҳақ йўлидаги инсоннинг фидойилиги ва бу йўлда дуч келган қийинчиликлари Ахий тимсоли орқали ёритиб берилган. Шу нуқтаи назардан олганда, байтда *эгнимда палос бор*, деган маънонинг мавжудлиги шоирнинг жавонмардлик таълимотига, ахийлик фаолиятига бўлган ижобий муносабати ва мойиллигини билдиради.

Сўнгги – мақтаъдан кейинги байтда рамзий ифода усули билан пайғамбарлар султони Расули акрамнинг (с.а.в.) меърожга кўтарилганларига ишора бор. Навоий Пайғамбаримизнинг меърож тунида минган отлари – ашҳаб (*Бурок*)нинг олдида осмоннинг ой (*пайки сипеҳр*)га айланганлигини айтиш орқали ислом рамзи ҳисобланган кичик найза устига ўрнатилган янги ойни назарда тутади. Маълумки, тасаввуфда фано бўлиш Расули акрамга эргашишдир. Чунки Муҳаммад (с.а.в.) меърожда фано бўлган эдилар. Демак, фано бўлган инсонга бутун илоҳий сирдан насиба берилади.

Умуман олганда, мазкур ғазал тузилиш жиҳатидан пароканда ғазалга яқин туради, чунки ундаги ҳар бир байт ўзича мустақил мазмунга эга бўлиб, хос ғоя ва ифода йўсинини ўзи-

да мужассам этади. Ғазал байтларини Ҳаққа бўлган муҳаббат ва илоҳий маърифат ўзаро бирлаштириб турганига гувоҳ бўламиз.

НЕГА КЎРГУЗДИ САРИҒ ОҲУ...

Нега кўргузди совуғ оҳу сариғ рухсор субҳ,
Гар ниҳоний меҳридин мендек эмас бемор субҳ?

Гар ҳавойи бўлмаса мен телба янглиғ, бас недур,
Кўнглакин чок айлабон тоғ узра мажнунвор субҳ?

Меҳридин мендек ниҳоний тоза доғи бўлмаса,
Юзда невчун кавкаби ашкин қилур изҳор субҳ?

Дема шингарфий булут ҳар ён эрур қонлиғ момуқ,
Тоза доғидин эрур мендек магар хунбор субҳ?

Ғам туни оҳим шароридин туташти кўкка ўт,
Ким, анинг отин қўюптур гунбади даввор субҳ.

Кун шуоий хатлари эрмаски, тутмиш мотамим,
Юзни анжум тирноғи бирла қилиб афгор субҳ.

Соқиё, тутқил сабуҳий бодаким, бу дайрдин,
Биз кетиб бу навъ толиъ бўлғуси бисёр субҳ.

Эй Навоий, истасанг баргу наво бу боғ аро,
Гулдек ўл рокиъ кеча, булбул киби бедор субҳ.

("Ғаройиб ус-сиғар", 104-ғазал)

Луғат
Рухсор – юз
Субҳ – тонг
Меҳр – қуёш
Ниҳоний – яширин
Шарор – учқун, аланга
Ҳавойий – ҳавас, оҳанг
Кавкаб – юлдуз
Момуқ – пахта
Ашк – кўз ёш
Хунбор – қон йиғловчи
Шингарфий – қизғиш
Анжум – юлдузлар

Афгор – яраланган, мажруҳ
Гунбади даввор – осмону фалак
Шуоъ – нур, ёруғлик
Дайр – бутхона, зардуштийлар ибодатхонаси; мажозан: ориф инсонлар мажлиси, пири комил ҳузури.
Бу навъ – бу каби
Рокиъ – тиз чўкувчи, эгилувчи

Ғазалнинг насрий баёни:

1. Нима сабабдан тонг совуқ оҳ чекиб, юзини сариқ айлади? Ахир, у мен каби пинҳон меҳр – яширин офтоби ҳажрида бемор эмас эди-ку?!

1. Субҳ мен сингари телба бўлмаса, нима учун у ўз кўйлагини Мажнун каби тоғ узра чок қилиб пора-пора айлади?

2. Агар субҳнинг мен каби ўз қуёши ҳажрида яширин доғи йўқ экан, нима учун юзида юлдузлардек кўзёшларини намоён қилади?

3. Фалакда кезиб юрган булутларни сен қизил булут деб ўйлама, улар субҳнинг ошиқ каби ёр алами доғидан қон бўлган пахталардир.

4. Ғам тунида оҳим учқунидан бутун кўкка ўт кетди, буни осмону фалак "субҳ", яъни тонг деб атади.

5. Бу қуёшнинг нурлари эмас, балки менинг мотамимдан юзини юлдуз тирноғи билан мажруҳ қилган тонгдир.

6. Эй соқий, энди бизга тонгги майдан тутгил, токи бу дунёдан кетганимиздан сўнг бу каби тонглар кўп келаверади.

7. Эй Навоий, агар бу боғда наво қилишни истасанг, гул каби рукуъ қилувчи – эгилиб тобелик изҳор этувчи ва тонгда булбул каби бедор бўл.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Мазкур ғазалда субҳ – тонг тасвири етакчилик қилади. Алишер Навоийнинг туйғу ва ҳолатларни муайян тушунча атрофида умумлаштириб ифодалаш борасидаги маҳорати ушбу ғазалда ҳам яққол намоён бўлади. Умуман, Навоий шеъриятида тонг мавзуси билан боғлиқ кўплаб ғазаллар мавжуд, зеро мумтоз адабиётда субҳ – илоҳий файз манбаи. Инсон руҳиятининг субҳ билан уйғун ҳолдаги тасвирини кузатар эканмиз, ғазалда мутафаккир шоирнинг мусаввирона нигоҳини ҳам ҳис этамиз.

Ғазалда шоир тонгни жонлантиради: субҳда тушадиган салқин туманни совуқ оҳ, зарғалдоқ тусда ранг олиб келаётган шафақни субҳнинг заъфарон чеҳраси сифатида тасвирлайди. Нима учун тонгнинг юзи сарғайган? Нега тонг совуқ оҳ тортади? Иккинчи мисрада лирик қаҳрамон ўз ҳолатини баён қилади: тонг мен каби севгилиси – офтоби нуридан маҳрум эмас экан, нима учун у бемор?

Иккинчи байтда ташхис ва ҳусни таълил санъатини моҳирона қўллар экан, шоир ўз руҳий ҳолатини тонг сувратини чизиш жараёнида тасвирлаб беради:

Гар ҳавойий бўлмаса мен телба янглиғ, бас недур,
Кўнглакин чок айлабон тоғ узра мажнунвор субҳ?

Ушбу байтда матлаъдаги тасвирий ифода кучаяди: тонг тоғ узра ўзининг кўйлагини парчалаб ташлаши, тонгни ўз ҳолатига қиёслаш ҳамда тавзеъ санъатининг қўлланиши (ч**о**к, айлаб**о**н, т**о**ғ, мажнунв**о**р сўзларида ***о*** товушининг такрорланиб келиши) ўзига хос маҳзун ритмни юзага келтирган.

Ташхис (жонлантириш) санъати байтдан байтга кучайиб боради, инсонга, айнан ошиққа хос бўлган ҳолатлар янада бўрттирилади: тонг ёруғида аста–секин сўниб бораётган юлдузларнинг кўзёшларга ўхшатилиши орқали лирик қаҳрамоннинг ғамгин портретини яна ҳам аниқроқ тасаввур қиламиз.

Дастлабки байтларда шоир руҳий кайфиятни тонгдаги табиий ҳодисаларга муқояса қилиш йўлидан бориб, субҳнинг ғамгинлигини унинг ҳам ошиқ эканлиги билан далиллаган бўлса, кейинги байтга келиб, мазмун ва тасвир ифодаси шиддатли тус олади:

Ғам туни оҳим шароридин туташтӣ кўкка ўт,
Ким, анинг отин қўюптур гунбади даввор субҳ.

Субҳнинг ҳолатини байтма байт тасвирлаб келган шоир мазкур байтга келганда энди ўзининг ҳолатини аён қилади: аслида бу субҳ осмон ўйлаганидек отаётган тонг эмас, балки менинг оҳим алангасидан фалакка кетган ўтдир.

Шоир “кун” сўзи орқали қуёшни назарда тутади, ёруғликни офтобнинг хати, деб атайди. Тонг чоғида юлдузлар оппоқ бўлиб, само бўйлаб сочилиб ётаркан, бир қараганда тирноққа ўхшайди. Демак, тонг ошиқнинг изтироб чекаётганидан қийналиб, ўз юзини тирноғи билан тимдалайди ва қуёш нури ўша тирналган жароҳатдан чиққан қонга ўхшайди.

Кейинги байтда ғазалнинг орифона мазмуни кучаяди: ошиқ соқий (пири муршид)дан сабуҳий май сўрайди. Сабуҳий деганда кечқурун май ичилгач, тонгги бош оғриғини бартараф қилиш учун ичиладиган май тушунилади. Ишқдан изтироб чеккан ошиқ соқийдан сабуҳий май сўраш орқали ўз қалбини мана шу май (пок ишқ) орқали ёритишни илтижо қилади. Ушбу байтда дунёнинг ўткинчилиги, лекин унинг яралишида асос бўлган ИШҚнинг боқий эканлигига ҳам ишора бор.

Мақтаъда Навоий боғ деганда ишқ боғини назарда тутар экан, ҳақиқий ишққа эришиб, илоҳий файздан баҳраманд бўлиш учун гул каби хокисорлик, булбул каби фидойилик шарт эканлигини маълум қилади.

Эътибор берилса, ғазал тонг отиш тасвири билан бошланиб, байтма-байт ривожланиб боради: атроф туманли, шафақ зарғалдоқ тусда (1-байт), кейин тоғ томон ёришади (2-байт), самони оппоқ юлдузлар қоплаган (3-байт), булутлар қип-қизил тусга киради (4-байт), қуёш чиқишидан олдин бутун шафақ қон рангини олади (5-байт), ғарб тарафда қолган юлдузлар аста-секин сўнади, оламни қуёш нури забт этади (6-байт), тонг отиб, қуёш чиқади (7-байт) ва лирик қаҳрамон бу жараёндан ўзи учун ибрат чиқаради (8-байт).

Энди бу байтлар замиридаги ботиний маъноларга ҳам нигоҳ ташласак, қуйидаги умумий манзара пайдо бўлади: ошиқ илоҳий файз (Ҳақ жамоли)га интилади, лекин у кўздан яширин. Бу ҳолдан изтироб чеккан ошиқ ўз ҳолатини гоҳ ҳавойи Мажнунга, гоҳ қонли ёшлардан қизарган пахтага, гоҳ тирноқлардан жароҳатланган юзга ўхшатади. Тонг отишининг даражама даража тасвири ошиқ ишқининг юксалиб бориши билан ҳамоҳанг. Ғазал сўнгида ошиқ комилликка эришиши учун тунлари саждада, тонгда эса бедор бўлиши зарур деган фикр уқтирилади.

Кўриб ўтганимиздек, ушбу ғазалда тонг тасвири мукаммал ва изчил равишда чизилган. Энг муҳими, ҳар бир байтдаги тадрижийлик баробарида ошиққа хос психологик тасвир ҳам кучайиб бораверади.

Мазкур ғазал орқали Навоийнинг мусаввирона нигоҳи қанчалик ўткир бўлганлиги ҳақида яна ҳам ёрқин тасаввур ҳосил қилиб, унинг руҳий таҳлилни пейзаж орқали тасвирлаш маҳоратига яна бир бор гувоҳ бўлишимиз мумкин.

ЭЙ ОРАЗИ НАСРИН...

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд.

Сайд ўлди кўнгул кўзларинга, ваҳ, қутулурму
Бир қушки, анинг қасдида бўлғай ики сайёд.

Ул мактаб ароким ўқудунг ноз румузин,
Гўёки, вафо илмин унутмиш эди устод.

Ашкимни кўруб тез бўлур кўнгли жафоға
Оре, итимас чунки суйи бўлмаса фўлод.

Мингдин бир эмас ўз юраги захмларидин,
Ҳар нечаки тоғ бағрини захм айлади Фарҳод.

Ўлугни киши дафн эта олмас вале ҳар кун
Юз тийғ қилур дафн кўзунг бўлғали жаллод.

Гул яфроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра,
Булбул пару болини юлуб бергали барбод.

Не айб, Навоий киби девоналиғ этса,
Ҳар одамиким, бўлса анинг ёри парийзод.

("Ғаройиб ус-сиғар", 118-ғазал)

Луғат
Ораз – юз, чеҳра
Насрин – оқ хушбўй гул
Сунбул – узун баргли ўсимлик ва унинг ғуж бўлиб очиладиган хушбўй гули
Сайд – ўлжа
Сайёд – овчи
Румуз –рамзлар
Ашк – кўз ёш
Тез – шиддатли; ўткир

Оре – тўғри
Итимоқ – ўткир бўлмоқ
Фўлод – пўлат
Захм – яра, жароҳат
Пару бол – қанот

Ғазалнинг насрий баёни

1. Эй чеҳраси насрин гулидек гўзал, сочи сунбул, қадди шамшод ёр, Сенинг ҳажринг туфайли менинг ишим нола ва фарёддан иборат.

2. Менинг кўнглим Сенинг кўзларингга ўлжа бўлди, у шундай бир қушки, унга икки овчи – икки кўзинг қасд қилмоқда, энди улардан қутулиб бўладими?

3. Сен мактабда ноз қилиш, инсон кўнглига ғавғо солиш сирларини ўргандинг, лекин менимча, устозинг вафо илмидан сабоқ беришни унутган бўлса керак.

4. Кўзимдаги ёшни кўриб унинг кўнгли жафо қилишга янада иштиёқманд бўлади, бу тўғридир, чунки сув бўлмаса пўлат ўткир бўлмайди.

5. Фарҳод тоғ бағридаги тошларни майдалаган ва тоғ бағрини тилка-пора қилган бўлса-да, бу тоғнинг бағридаги ўйиқлар Фарҳоднинг юрагидаги дарду жароҳатнинг мингдан бири ҳам эмас.

6. Ўликни ҳар куни кўммайдилар, лекин кўзинг жаллодлик қилиб ҳар куни юз тиғ – киприкларинг билан мени ўлдириб кўмади.

7. Бу чаманда гулнинг барглари булбулнинг парларини ва қанотини юлиб, уни ҳалок этишни мақсад қилган тирноқдир.

8. Ҳар кишининг севган ёри паризод бўлгач, у Навоий каби девоналик, телбалик қилса, унда нима гуноҳ!

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Мазкур ғазал ишқий мавзуда бўлиб, унда ошиқнинг ёрга бўлган муҳаббат ва соғинчи бетакрор бадиий санъатлар: нидо, ташбеҳ, тамсил, ҳусни таълил, талмеҳ воситасида баён қилинган. Матлаъ ошиқнинг чеҳраси насрин гулидек гўзал, сочи сунбул, қадди шамшод ёрга мурожаати билан бошланади:

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд.

Иккинчи байтда шоир ўз кўнглини қушга, ёрнинг икки кўзини овчига ўхшатади. Бир қушни овлаш учун икки овчининг қасд қилгани ҳақидаги тасвир шеърдаги лирик кайфиятни, ундаги бадиий таъсирчанликни оширишга хизмат қилган.

Учинчи байтда ёрнинг ноз қилиш сирларини ёки ноз замиридаги маъноларни ўргатадиган мактабда ўқиганлиги айтилади. Аммо шу мактабда дарс берган устоз вафо илмини ўргатмаган экан. Шунинг учун унинг шогирди бўлган париваш ўз ошиқларига садоқат кўрсатишни билмайди. Енгил юморга асосланган ушбу байт китобхонда эстетик завқ уйғотади.

Тўртинчи байтдан ёр бевафо эканлиги етмаганидек ўта бераҳмлиги ҳам маълум бўлади. У ошиқнинг кўзида ёш кўрса, яна унга озор бергиси келади. Шу ўринда шоир *тамсил* санъатини қўллайди. Биламизки, тиғли буюмлар – пичоқ, ханжар, қилич пўлатдан ясалса,

сифатли бўлади. Темирчи усталар пўлатдан ясаган тиғларини чўғ ҳолатида сандон устига қўйиб, болға билан текислаб, чархлагач, сувга солганлар, бундан уни янада ўткирлаш мақсад қилинган. Навоий айни шу ҳолатга ишора қилиб, сув бўлмаса пўлат ўткир бўлмайди, ошиқ ҳам кўз ёш тўкмагунча ишқи камолга етмайди деган фикрни ифода этади:

Ашкимни кўруб тез бўлур кўнгли жафоға
Оре, итимас чунки суйи бўлмаса фўлод.

Бешинчи байтда ошиқ талмеҳ санъати воситасида ўзини Фарҳодга қиёслайди. Фарҳод тоғ бағрини ўйиб, Ширин учун сув йўлини очган. Аммо унинг қалби ишқдан яра эди. Агар у ўйиб ташлаган тоғ билан унинг қалбини солиштирсак, юрагидаги жароҳатлар олдида тоғнинг ўйиқлари ҳеч нарса эмаслиги намоён бўлади. Юракда қандай жароҳатлар бор эди? Инсоний иллатлар – нафс, ғазаб, дунёга муҳаббат ва бошқаларга қарши бўлган ботиний кураш натижасида қолган жароҳатлар. Бу билан дардманд ошиқ ўзини Фарҳоднинг ҳолатида қолганлигига ишора қилади.

Навбатдаги байтда ёрнинг кўзлари жаллодлик қилиш учун ҳар куни киприк тиғлари билан ошиқни ўлдириб кўмиши тасвирланади:

Ўлугни киши дафн эта олмас вале ҳар кун
Юз тийғ қилур дафн кўзунг бўлғали жаллод.

Еттинчи байтда шоир бу дунё чаманидаги ҳар бир гул барги, яъни дунёнинг ўткинчи гўзалликлари булбул – ошиқнинг пар ва қанотларини юлиб, ўзини ҳалок қиладиган тирноқ эканлигини баён этади. Чунки ошиқнинг ҳолатини ишқдан бебаҳра олам аҳли тушуна олмайди.

Мақтаъда шоир ўз ҳолатидаги жунун – телбаликни ўзи севган ёрнинг инсон боласи эмас, балки паризод эканлиги билан боғлайди. Маълумки, Шарқ халқлари оғзаки ижодида парилар одамларга дўстлик қилмайдиган, аммо ўзларига мафтун этиш борасида ўта устомон, васлига ҳеч қачон етишиб бўлмайдиган гўзалликда тенгсиз мавжудотлардир. Демак, парига ошиқ бўлган киши унга эриша олмайди ва ишқда чинакам телбага айланади:

Не айб, Навоий киби девоналиғ этса,
Ҳар одамиким, бўлса анинг ёри парийзод.

Ғазалда мажозий ишқнинг ҳақиқий ишққа айланиб бориш жараёни, яъни инсонга бўлган севгининг Аллоҳга бўлган ишққа эврилиши ёритилган. Ошиқ ёр тимсолида Аллоҳнинг жамолини, унинг нурини идрок этгач, ҳақиқий ишқ томон бетоқатлик билан қадам боса бошлайди. Ишқ йўли енгил эмас: ошиқ маъшуқасининг иштиёқида алангада ёнгандек ёниб, изтироб чекади, ишқнинг моҳиятини ҳис қилади. Ғазал учун танланган *Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур* ошиқнинг ҳолати билан уйғунлик касб этган: Вазнда қисқа ҳижоларнинг кетма-кет жойлашиши ўйноқи ва шиддатли оҳангни юзага келтирган, бу ошиқнинг соғинчдан бетоқатлигини, ҳажрдан изтироб чекаётганлигини яққолроқ ифода этишни таъминлаган ҳамда шеърнинг бадиий таъсирчанлигини оширган.

САРВИ ОЗОДИМНИ БОҒ ИЧРА...

Сарви озодимни боғ ичра хиромон истарам,
Сабзасин сарсабзу гулбаргини хандон истарам.

Дард жононимда, балким юз алам жонимдадур,
Йўққи, жононимға, бал жонимға дармон истарам.

Тийрадур вайроним онсиз, ваҳ, яна бир қатла ҳам
Ул қуёшни байтул-эҳзонимда меҳмон истарам.

Нафъ этар бўлса хино янглиғ кафи пойингға қон,
Чок этиб кўксум ани бағримда пинҳон истарам.

Эй Хизр, ҳайвон суйи тут дам-бадамким ёр учун,
Садқа қилмоқлиқ учун ҳар лаҳза бир жон истарам.

Муждае бергил мизожи сиҳҳатидин, эй табиб
Ким, бу пайғоминг учун жонимни қурбон истарам.

Ўқ киби қаддин кўруб афтода чун кўр ўлмадинг,
Эй Навоий, кўзларингда нўги пайкон истарам.

("Наводир уш шабоб", 427-ғазал)

Луғат
Сарви озод – хушқомат, чиройли ёр
Хиромон – ноз билан юрувчи
Сабза – 1) яшиллик, майса; 2) ёрнинг қоши ёки зулфи
Сарсабз – яшнаган, кўкарган; хурсанд, шод
Гулбарг – 1) гул япроғи; 2) гўзал юз; 3) маъшуқа
Тийра – қора, қоронғи
Байтул эҳзон – ғамлар уйи
Ҳайвон суйи – обиҳаёт, тириклик суви
Мужда – хушхабар
Пайғом – хабар, дарак
Афтода – дармонсиз, мажолсиз; нотавон, заиф
Нўги пайкон – тиканнинг ўткир учи; киприк

Ғазалнинг насрий баёни:
1. Хушқомат ёримнинг боғ ичида ноз билан юришини истайман, унинг зулфини яшнаган, юзини эса хандон кўришни истайман.
2. Жононимга ёпишган дард (хасталик)дан менинг жоним юз ғаму алам ичидадир, шундан жононимга, йўқ, жонимга дармон истайман.

3. Усиз менинг вайрона кулбам қоронғидир, э воҳ, бир марта бўлса ҳам ул қуёшнинг ғам маскан тутган уйимда меҳмон бўлишини истайман.

4. Агар хинога ўхшаш қон сенинг товонингга фойда етказадиган бўлса, кўксимни чок этиб, уни бағримга яширишга тайёрман.

5. Эй Хизр, менга дам бадам тириклик суви – обиҳаётдан тутгил, зеро, ёрим учун ҳар лаҳзада бир жонни садқа қилишни истайман (ёки қанча жон керак бўлса, шунчасини нисор қилишга тайёрман).

6. Эй табиб, унинг жисми сиҳат топаётганлигидан бир хушхабар етказки, мен бу хабаринг учун жонимни қурбон қилишни истайман.

7. Унинг ўқдай тик қоматини дармонсиз, мажолсиз кўриб, қандай кўзинг кўр бўлмади? Эй Навоий, энди сенинг кўзларингда тиканнинг ўткир учини кўришни истайман.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ошиқона мавзуда бўлиб, ҳасби ҳол характерига эга. Ғазалда ёрининг бетоблигидан изтироб чеккан ва унинг сиҳат топиши учун жонини ҳам беришга тайёр лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинма ва изтироблари қаламга олинган. Агар ғазалнинг дастлаб биринчи расмий девон “Бадойиъ ул-бидоя”га ҳам киритилганлигини ҳисобга олсак, унинг ёшлик даври лирикасига мансублиги маълум бўлади.

Аввалги шарҳларимизда ҳам таъкидлаганимиздек, Навоий шеъриятида “ёр” аксарият ҳолларда умумлашма характерига эга. Тор маънода маъшуқа, севгили маъноларини ифодалаб келувчи бу тушунча кенг маънода дўст, рафиқ, биродар, устоз, пир, Пайғамбар (с.а.в.), Аллоҳга нисбатан ҳам ишлатилади. Ушбу ғазалда эса таърифи келтирилган ёр маъшуқа тимсолини ифодалаш билан бирга шоирнинг бирор яқин кишиси ёки дўсти маъносини ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Ғазал бир вақтлар соғ-саломат ва шоду хуррам юрган ёрини яна шу ҳолатда кўришни истаган лирик қаҳрамоннинг кечинмалари изҳори билан бошланади. Матлаъда ёр тасвири асосан истиора воситасида баён қилинади: биз унда конкрет маъшуқа тасвирини эмас, балки *боғ, сарв, сабза, сарсабз, гулбарг* сўзлари орқали ёр гўзаллиги ва унинг ҳолати бадиий талқин қилинганлигини кўрамиз. Кейинги байтлардан бошлаб руҳий кечинмалар тасвири кучайиб боради: лирик қаҳрамон ёрини хастаҳол қилган дард унинг жонига юз ғаму алам билан озор бераётганлигини, шундай экан, ўз жонига дармон исташ орқали жононига сиҳат тилашини айтар экан, байтда *жон* ва *жонон* сўзлари воситасида уларнинг бир ўзакдан ясалганлигига ва бинобарин шу боғлиқлик орқали улар ўзаро уйғунликда, яхлитликдаги тушунчалар эканлигига ишора қилади. Учинчи байтда шоир ёр хасталиги туфайли ташриф буюрмай қўйган ўз кулбасини қоронғи вайронага, байтул эҳзон (ғамлар уйи)га ўхшатади. Мумтоз адабиётимизда “байтул эҳзон” бирикмаси асосан Яъқуб пайғамбарнинг Юсуфдан айрилганидан сўнг маскан тутган кичик бир кулбага нисбатан ишлатилган. Навоий бу ўринда ўз ҳолатини Яъқуб (а.)га ўхшатиб, қоронғи кулбасини қуёшдек ёритувчи ёри яна тузалиб, унинг уйида меҳмон бўлишига умид билдиради.

Тўртинчи байтдан бошлаб ғазалнинг таъсир кучи янада ортиб боради. Ёри учун жонини мамнуният билан фидо қилишга тайёр лирик қаҳрамоннинг ўтли ноласи китобхон қалбига кўчиб ўтади, уни ошиқ билан бирга дард чекишга ундайди. Байтда лирик қаҳрамон ўз ёрининг шифо топиши учун кўксини ёриб, ўз қонидан унга малҳам боғлаш истагини билдирар экан, бу орқали шоир халқ табобатидаги бир ҳодисага ишора қилади: Шарқ халқла-

рининг қадимги одатларига кўра, қўл ёки оёқ оғриганда, оғриқларни камайтириш учун кафт ёки товонга хина боғланган ва оғриган аъзо ўраб қўйилган. Навоий байтда ана шу тиббий удумни ёдга олиб, ошиқнинг ўз кўксини ёриб, ундан оқиб чиққан қонни ёрнинг оёқларига хино қилиб боғлаб, унинг оёғини кўксига яширишга тайёр эканлигини айтяпти.

Бешинчи байтда *Хизр* ва *обиҳаёт* сўзлари орқали машҳур ривоятга ишора қилинган. Унга кўра, ер остида зулмат дунёси мавжуд бўлиб, унинг тубидан оби ҳаёт булоғи (тириклик суви) жой олган экан. Ушбу булоқдан ичган одам абадий ҳаётга муяссар бўлар экан. Хизр эса ер остига тушиб, ушбу булоқ сувидан ичади ва абадий ҳаётга мушарраф бўлади. Навоий Хизрга мурожаат қилиб, унга обиҳаёт сувидан дам-бадам тутмоқликни сўрайди, зеро у қанча жон керак бўлса, унинг барчасини ёрига садқа қилишга тайёр.

Кейинги байтда ушбу фикр давом эттирилиб, лирик қаҳрамон ёрининг сиҳат топаётганлиги ҳақида хушхабар айтган табибга жонини қурбон қилишга ҳам тайёр эканлигини айтади. Мақтаъдаги таъсирчан фикр унинг *ҳусни мақтаъ* даражасига кўтарилишини таъминлаган: Навоий ўзига мурожаат қилиб, “Ёрнинг ўқдай тик қоматини дармонсиз, мажолсиз кўриб, қандай қилиб кўзинг кўр бўлмади? Энди сенинг кўзларингда тиканнинг ўткир учини кўришни истайман (кўзларингни ўйиб, кўр қилиши учун), зеро, бу ҳолинг ҳақиқий ошиққа муносиб эмас, чунки ошиқ ёрининг хаста ҳолини очиқ кўз билан кўришга дош беролмайди” дер экан, фидойилик ва футувват (олижаноблик)нинг бетакрор тимсолини яратади.

ЁР БОРДИЮ...

Ёр бордию кўнглумда анинг нози қолиптур,
Андоқки қулоғим тўла овози қолиптур.

Кўз хонасини қилди барандохта бу ашк,
Кўз борди вале хонабарандози қолиптур.

Кўнглум қуши то сунбулунгуз домиға тушти,
Булбул киби ҳар гул сари парвози қолиптур.

Ул қуш сафар айлаб не тараб гулбунин очқай
Ким, боғ аро бир сарви сарафрози қолиптур.

Мен ишқ румузин демай ўлдум, сафар этким,
Фарҳод ила Мажнуннинг ўкуш рози қолиптур.

Тақлид қилиб кўнглума ишқ аҳли чекар оҳ,
Ул бордию эл ичра саровози қолиптур.

Ҳижрону висолин кўпу оз дема Навоий,
Юз шукр деким, кўпи бориб, ози қолиптур.

Луғат:
Барандохта – остин-устун
Хонабарандоз – хонавайрон қилувчи
Сунбул – бурама, ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўсадиган хушбўй қора тусдаги ўсимлик; *маж.:* соч
Тараб – шодлик
Гулбун – гул бутаси
Сарафроз – боши баланд; мағрур, сарбаланд
Румуз – рамзлар, сирлар
Ўкуш – кўп
Саровоз – оммавий қўшиқ айтишда асосий ижрочининг овози

Ғазалнинг насрий баёни:

1. Ёр кетди, лекин қулоғим тагида унинг овози ҳалигача жаранглаб турганидек, кўнглимда унинг нози ҳам қолибди.

2. Унинг ортидан селдек оққан кўз ёшларим кўз уйимни вайрон қилди; кўзим қароси кетди, аммо хонавайрон қилувчи ашким қолди.

3. Кўнглим қуши сунбул сочинг тузоғига тушгандан бери булбулдек гуллар томон парвоз қиладиган бўлди.

4. Кўнгил қуши сафар этгани билан қайси шодлик гулининг очилишига гувоҳ бўладиким, боғда фақат сарв сарбаланд қолган бўлса.

5. Мен ишқ рамзларини айтмай ўлдим. Эй кўнгил, сен сафар айла, негаки Фарҳод ва Мажнуннинг кўп сирлари қолгандир.

6. Ишқ аҳли менинг кўнглимга тақлид қилиб оҳ чекади. Кўнглим кетди, аммо унинг акс-садоси қолибди.

7.Навоий, “ёрнинг ҳижрони кўп, висоли оз”, деб нолима. Юз шукр қилки, кўпи кетиб, ози қолибди.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси:

Ошиқ кўнгил изтиробларининг ифодаси бўлмиш бу ғазалга туркий тилнинг ифода имкониятларини намоён этувчи сўзлар тизими, туркона зарб алоҳида жозиба ва дилтортарлик бахш этган. Гап шундаки, мумтоз аруз қоидаларига кўра, форсий “ёр” сўзи ўта чўзиқ ҳижо ҳисобланади. Деярли барча шеърларида бу қоидага риоя қилган Навоий бу ғазалда атайин бу қоидани бузади – байтда “борди”, “қолиптур”, “андоқ” сўзларини қўллаб, ўзбек тилида “о” сўзи ҳамма вақт ҳам чўзиб талаффуз этилмаслигини чиройли тарзда кўрсатиб беради. Натижада аруз қоидасига кўра сакта ҳисобланган ҳодиса шеърнинг ҳуснига ҳусн қўшади.

Дастлабки байтда ёрининг кетганидан кейин қисқа муддатдаги висол онларидан, нозу истиғносидан сармаст, қулоғи тагида нозланиб айтган сўзлари жаранглаб турган умидвор ошиқнинг ҳолати тасвирга тортилган. Васл давлатидан беҳад шодланган кўнгил бу дамлар жуда қисқа бўлганидан маҳзун бўлиб, ёрнинг ёди билан кўз ёши тўкади:

Кўз хонасини қилди барандохта бу ашк,
Кўз борди вале хонабарандози қолиптур.

Бу байтда **ийҳом** санъатининг гўзал намунасини кўрамиз. Байтнинг насрий баёнида ишора қилиб ўтганимиздек, ёрнинг ҳижронида беҳисоб тўкилган ашк селдек кўз уйини хароб этди. Кўп йиғлайверганидан кўз кўрмай қолди, аммо уни бу ҳолатга солган "хонабарандоз" (уйни вайрон қилувчи) кўз ёши ҳамон оқмоқда. Иккинчи маънони эса, матлаъ мазмунига боғлиқ ҳолда ҳосил қилиш мумкин. Гап шундаки, дастлабки байтда "ёр борди", дейилса, иккинчи байтда "кўз борди" иборасига дуч келамиз. Ёрнинг образлар тилида кўзга ўхшатилишини ҳисобга олсак (машҳур "Қаро кўзум" ғазалини эслайлик), байтни шундай талқин қилиш мумкин: Ашким кўзим уйини вайрон этди. Кўзимнинг оқу қораси бўлмиш ёрим кетди, аммо умрим уйини хароб этувчи, кўз ёшларим тўкилишига сабаб бўлган муҳаббати, нозининг ёди кўнглимда қолди.

Учинчи байтда ошиқнинг кўнгли қушга ўхшатилади. Ҳур, озод яшаб юрган кўнгил ёрнинг сунбул сочи домига тушганидан кейин энди чаман гулларидан Гўзаллик мазҳарининг нишонини излайди. Чаман гуллари аро булбул каби сайр этиб юрган кўнгил қушининг бу ҳолга тушишига сабаб – ёрнинг сунбул сочи. Бу байтда мажозий муҳаббат тараннумидан ташқари, тасаввуфий моҳият ифодаси мақсад қилинганини ҳам пайқаш қийин эмас. Ирфон тилида соч – моддий олам замирида яширинган илоҳий сирлар рамзи. Ориф кўнгил илоҳий сирларнинг моҳиятини англашга бел боғлаган экан, ғунчанинг очилишини билмоқчи бўлган булбул каби руҳий парвозга шайланган. Гўзалликни англаш – Моҳиятни, Ҳақиқатни билишга олиб келади:

Кўнглум қуши то сунбулунгуз домиға тушти,
Булбул киби ҳар гул сари парвози қолиптур.

Аммо дунёнинг турли-туман ғунчаларнинг очилиб-сочилиши, қисқа муддатдан кейин хазонга юз тутганини кўрган кўнгил қуши маҳзунликка юз тутади. Унинг ҳузн ва андуҳига ягона тасалли ҳамишабаҳор сарв дарахтидир. Яъни Олам боғида хазон нималигини билмайдиган, доимо яшнаб турадиган сарв (яъни, Худо)дан бошқа жамийки гулу гиёҳлар хазон бўлгувчи, фонийликка юз тутгувчидир:

Ул қуш сафар айлаб не тараб гулбунин очқай
Ким, боғ аро бир сарви сарафрози қолиптур.

Кейинги байтда шоир кўнглига мурожаат қилиб, шундай дейди: "Мен ишқ рамзларини билмай ўлимга қарор бердим. Сен бу дунёдан сафар эт, негаки Фарҳоду Мажнунлар ошиқликда ном чиқарган бўлсалар ҳам, улар ишқининг кўп сир-асрори очилмай қолган".

Ишқ – илоҳий неъмат. Аммо у ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Фарҳоду Мажнундек ишқ оламининг сарвари бўлиш саодатига айланиш, ишқ боғининг булбулидек таронапардоз бўлиш учун Навоийдек буюк қалб эгаси бўлиш керак. Бу шарафли мақомга интилганлар ҳақиқий ошиқларга тақлид қилиб оҳ чекадилар. Бу оҳлар бировнинг қўшиғини такрор этгандек бўлади:

Тақлид қилиб кўнглума ишқ аҳли чекар оҳ,
Ул бордию эл ичра саровози қолиптур.

Мақтаъда Навоий ғазалнинг асосий мавзуси – ҳижрон ва висол кечинмалари зиддиятининг мантиқий ечими сифатида “Кўпи кетиб, ози қолди” идиомасини **жамъ ва тақсим** санъати ёрдамида ҳижрон ва висол тушунчаларига боғлаб, гўзал ва бетакрор байт яратади:

Ҳижрону висолин кўпу оз дема, Навоий,
Юз шукр деким, кўпи бориб, ози қолиптур.

ЁР КЕЛСА ДЎСТЛАР...

Ёр келса, дўстлар, оҳанги рафтор айламанг,
Инфиолимдин нафас урмоқни душвор айламанг.

Ёлғуз уйда қайда ёро боқмағим рухсориға,
Ҳолатим тағйиридин сирримни изҳор айламанг.

Токи кўнглум изтиробию таним титратмаси
Сокин ўлмас, нукта айтурға мени ёр айламанг.

Соате чунким ўтуб, бу навъ келсам ҳолима,
Сўз аро ошиқлиқ алфозини такрор айламанг.

Чунки бўлса мултафит чун ер ўпуб ўлгумдурур,
Ҳар жафо қилсам ўзумға, манъ зинҳор айламанг.

Эмдиким ўлдум, таним ёр итларига ташлангиз,
Лек ағёрин бу маънидин хабардор айламанг.

Қайси ошиққим Навоийдекдурур, эй аҳли зуҳд,
Ишқ манъин айлабон кўнглига озор айламанг.

(“Наводир уш-шабоб”, 353-ғазал)

Луғат:
Оҳанги рафтор – бировнинг истиқболига чиқиш.
Инфиол – хижолат.
Душвор – қийин.
Ёро – тоқат, чидам, ҳадд.
Тағйир – ўзгариш.
Нукта – қисқа ва маъноли сўз.
Алфоз – сўзлар.
Мултафит – илтифот кўрсатиш.
Ағёр – бегоналар; душманлар.

Байтларнинг насрий баёни:

1. Дўстлар, агар ёр келиб қолгудек бўлса, истиқболига чиқиш учун ўрнингиздан қўзғалманг. Мени хижолатга қўйиб, нафас олишимни қийинлаштирманг.

2. У билан уйда ёлғиз қолгудек бўлсам, юзига боқмоққа ҳаддим сиғармиди?! Аҳволим ўзгаргудек бўлса, сирримни фош этманг.

3. Кўнглимдаги изтироб ва таним титратмаси тўхтамагунча, мени суҳбатга чорламанг.

4. Бирор соат ўтиб, ҳаяжоним босилгач, ўз ҳолимга қайтсам, илтимос, суҳбатда ишқ ва муҳаббат сўзларини келтириб, яна мени изтиробга солманг.

5. Мабодо ёр мен томонга юз буриб, илтифот кўрсатгудек бўлса, ер ўпиб ўлсам ё бошқа жафоларни ўзимга раво кўрсам, зинҳор мени бу жафолардан қайтарманг.

6. Ишқида ўлдим, энди танимни ёр итлари олдига ташланг. Аммо ағёр бу ҳолимдан зинҳор хабар топмасин.

7. Эй зоҳидлар, қайси ошиқ агар Навоийдек бўлса, уни насиҳат билан ошиқлик йўлидан қайтармоқчи бўлиб, кўнглига озор берманг.

Ғазалнинг умумий маъно-моҳияти

Ушбу ғазал висол остонасида турган ошиқнинг руҳияти, изтироб ва тўлғонишлари тасвиридан иборат. Маълумки, Навоийнинг кўплаб фироқномалари, ёрдан айру қолган мажнуншеваларнинг кечмишлари ифодаси бўлмиш байту ғазаллари кўп. Келтирганимиз ушбу ғазал эса, висол онлари яқинлашган пайтда ошиқ кўнгилнинг турфа ҳолларга кириши тасвирига бағишланган.

Дастлабки мисрадаёқ Навоий ишқ аҳли орзиқиб кутадиган висол онлари яқинлигидан мужда берувчи сўзларни келтиради:

Ёр келса, дўстлар, оҳанги рафтор айламанг,
Инфиолимдин нафас урмоқни душвор айламанг.

Байтнинг мазмунига қараганда, Навоий бир гуруҳ дўстлари билан ўтириб, барчага манзур ва маҳбуб бўлган ёрни кутяпти. Аввалги шарҳларимизда тилга олганимиздек, мумтоз адабиётда, хусусан, Навоий ижодида ёр тушунчаси маъшуқадан ташқари, дўст, рафиқ, устоз, пир, Пайғабаримиз (с.а.в.) ва ҳ.к. маъноларда қўлланилган. Ушбу ғазалда тилга олинаётган ёрни фақат маъшуқа маъносида тушуниш уни асл мазмунидан узоқлаштирган бўларди, зеро ғазалнинг кейинги байтлари бу ёрнинг атрофдагилар учун ҳам ғоят меҳр ва муҳаббат билан кутилаётган азиз зот эканлигини англатяпти. Бу зот Мавлоно Абдураҳмон Жомий, Султон Ҳусайн Бойқаро ёки Саййид Ҳасан Ардашер бўлиши мумкин. Бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Муҳими – йиғилган жамоа ҳаммаси бу зотни яхши кўради, унга интиқ, интизор. Лекин Навоий бу ёрни дўстлардан фарқли ўлароқ, бутун вужуди билан яхши кўради, ардоқлайди. Шу сабабли, ёрнинг келиши унга бошқача таъсир қилган: мабодо келиб қолгудек бўлса, уни чиқиб кутиб олишга ҳатто ҳоли йўқ. Бу ҳолидан хижолат терига ғарқ бўлиб, нафаси қайтиб, уйда ёлғиз қолганида ёр агар пешвоз чиққан дўстлардан олдин кириб келгудек бўлса, бош кўтариб юзига термулишга ҳам журъати етишмайди:

Ёлғуз уйда қайда ёро боқмағим рухсориға,
Ҳолатим тағйиридин сирримни изҳор айламанг.

Дийдор ва ташрифдан ҳосил бўлган ҳаяжон бир лаҳзалик эмас. Ҳамиша интизорлик ва муштоқликка ўрганган кўнгилнинг дийдор чоғида изтироб ва ҳайрати янада қувват олади, вужуд ҳам қишки уйқудан энди уйғонган дарахтдек титраб туради. Шунчалик тиришса ҳам, одатий-мўътадил ҳолатга қайтиш учун камида бирор соат лозим. Сиртдан ором ва осуда кўрингани билан кўнглида ишқ тўфони ғалаён кўтарилаётган кишидан нуктадонлик кутиб бўлмайди. Ирода кучи билан пайдо бўлган сокинлик муҳаббат қиссаси ўртага тушгач, бир лаҳзада барбод бўлади:

Токи кўнглум изтиробию таним титратмаси
Сокин ўлмас, нукта айтурға мени ёр айламанг.

Соате чунким ўтуб, бу навъ келсам ҳолима,
Сўз аро ошиқлиқ алфозини такрор айламанг.

Шамъдек анжуманга файз ва нур олиб кирган ёр барчага илтифот кўрсатиб, “навбат менга келганда, подшоҳ қабулига мушарраф бўлган камтарин қулдек ерни ўпиб, ширин жонимни нисор этсам ёки бошқа жабру жафоларни ўзимга раво кўрсам, мени бу йўлдан қайтарманг”, дейди шоир. Негаки, у айнан шу лаҳзаларни кутиб яшади, шу дамлар умиди уни ҳижрон азоблари, фироқ қийноқларига сабр қилишга ундади, кўнглида ишқ гавҳарини покиза ва бегард асраб келди. Аммо орзу қилиб тилаган лаҳзалар воқеликка айланиб, дийдорга мушарраф бўлган чоғда шунча азоб ва изтиробга чидаган вужуд ва кўнгил ёрни муносиб равишда кутиб ололмагани учун ҳар қанча жабру жафога лойиқдир:

Чунки бўлса мултафит чун ер ўпуб ўлгумдурур,
Ҳар жафо қилсам ўзумға, манъ зинҳор айламанг.

Кутилмаган бу илтифот учун энг азиз нарса – жонини фидо қилишга тайёр ошиқ ўз танасини ёрнинг вафодор итлари олдига ташлашни васият қилади. Аммо бу ҳолатни ағёрдан пинҳон тутмоқни истайди. Негаки, муҳаббат дардидан бегона кимса бу фидойилик моҳияти, танаси ёрнинг итларига талаш бўлиш саодатини тушунмайди:

Эмдиким ўлдум, таним ёр итларига ташлангиз,
Лек ағёрин бу маънидин хабардор айламанг.

Ғазалнинг дастлабки байтлари ҳаё тараннумидан иборат бўлса, сўнгги икки байтда вафодорлик ҳақида сўз юритилади. Одатда биз ҳаёни маъшуқаларга хос сифатлардан деб таърифлашга ўрганиб қолганмиз. Навоий талқини бўйича, ҳаё ва вафо инсонийликнинг ўзак нишоналаридан бўлиб, бу икки олийжаноб туйғу ишқ аҳлига баробар тегишлидир. Вафо ва ҳаё бири-бирини тақозо қиладиган тушунчалар ҳисобланади. Қолаверса, имоннинг асоси ҳам шу икки хислатда жамланган. Жумладан, “Маҳбуб ул-қулуб”да бу ҳақда ёзади: *“Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ — имон йўқ ва ҳар кимда имон йўқ андин умид кўзин ёрутса бўлмас. Маҳбубки, бевафодур — андин жовид висоли тамаъ кутса бўлмас... Комиллар — аҳли ҳаё ва ноқислар беҳаё.”*

Мақтаъда Навоий зуҳд аҳлига мурожаат қилади ва бу ҳам бесабаб эмас. Тасаввуфий манбаларда “зуҳд” сўзини “з” – зеб-зийнат тарки, “ҳ” – ҳою ҳавас тарки, “д” – дунё тарки, деб талқин қиладилар. Навоий тараннум этган муҳаббатга зеб-зийнатга ружу қўйиш, моддий манфаатпарастлик, ҳою ҳавас, дунёнинг турли жилваларига мафтун бўлиш каби маънавий иллатлар билан эришиб бўлмайди. Шу сабабли, шоир маънавий камолотга етказадиган, мисни олтинга айлантирувчи муҳаббат аҳли соҳибини насиҳат билан йўлдан қайтармоққа уриниш дилозорликнинг бир кўриниши эканлигини таъкидлаб, зуҳд аҳлига мурожаат қилади:

Қайси ошиқким Навоийдекдурур, эй аҳли зуҳд,
Ишқ манъин айлабон кўнглига озор айламанг.

Умуман олганда, ушбу ғазал мазмунан воқеабандлик касб этиб, унда акс эттирилган мўъжаз лирик сюжет шоирнинг ҳасби ҳолию соҳир қалами билан уйғунлик касб этган.

ЮЗУНГ КЎЗГУСИДИН...

Юзунг кўзгусидин оламда юз нуру сафо пайдо,
Қуёш андин анингдекким қуёшдин зарра нопайдо.

Сенинг кўюнг насимиға ўзин солдикки жон топтик,
Масиҳ анфосидин гар хастаға бўлмас даво пайдо.

Азалдин то абад сатҳи вужудунг зарфи тўлмаским,
Анга не ибтидо пайдодурур, не интиҳо пайдо.

Сен эттинг шамъу гулда жилваким, парвонаву булбул
Бири куйди, бирига бўлди юз дарду бало пайдо.

Сенинг нашъанг эди Ширин ила Лайлодаким, Фарҳод
Ўлуб, Мажнунға бўлди юз туман ранжу ано пайдо.

Мазоҳир истабон Асмоға ишқу ҳусн кўргуздунг
Ки, пайдо хирмани ажз ўлдию барқи жафо пайдо.

Биров етти сангаким ўзлуги даштини тай қилди,
Бақо истар киши аввал керак қилса фано пайдо.

Санга кўнглумдаги ҳожатни ҳожат йўққи, арз этсам,
Улус кўнглида пинҳонлар эрур чунким санго пайдо.

Навоий гулшани вақтиға эҳсон ямғурун ёғдур
Ки, анда гул била булбулға йўқ баргу наво пайдо.

(“Наводир уш-шабоб”, 3-ғазал)

Луғат

Нопайдо – кўринмайдиган, йўқ, ғойиб
Анфос – нафас
Сатҳи вужуд – вужуднинг юзаси, бу ўринда: Аллоҳнинг макони
Зарф – суюқлик солиб қўйиладиган идиш, коса
Нашъа – баҳра, завқ
Ранжу ано – дарду алам
Мазоҳир – зоҳир бўлиш, ошкор қилиниш, пайдо бўлиш
Асмо – исмлар, бу ўринда Аллоҳнинг исмлари назарда тутиляпти
Ажз – ожизлик, заифлик, кучсизлик
Барқ – чақмоқ, яшин
Бақо – абадийлик
Фано – йўқлик
Тай – юрмоқ, кезмоқ

Ғазалнинг насрий баёни:

1. Юзинг кўзгусидан оламда юз нуру сафо пайдо бўлса, бу нур олдида ҳатто қуёш ҳам худди заррадек кўринмас бўлиб қолади.

2. Сенинг кўйинг насимидан баҳраманд бўлган чоғимиз жон топдик, Исо Масиҳнинг нафаси ҳам хастага бунингдек даво бўлолмайди.

3. Сенинг маконинг чексиз ва чегарасиздир, унинг на боши ва на охири бор.

4. Сен шамъ ва гулда жилва қилган пайтингда, парвона куйди–ю, булбул юз дарду балога мубтало бўлди.

5. Сенинг гўзаллигинг Ширин ва Лайлода намоён бўлди, бундан Фарҳод ҳалок бўлди, Мажнунга эса юз минг дарду алам юзланди.

6. Ўзингни намоён қилишни истаб, Асмо (исмлар)да ишқ ва ҳуснингни намоён қилдинг, бундан мавжудлик хирмони ожиз қолди-ю, жафо чақмоғи оламни ёритди.

7. Сенинг даргоҳингга етмоқ истаганлар ўзлик даштини босиб ўтишлари зарур, зеро ким агар абадийликка эришмоқчи бўлса, ўзлигидан воз кечмоғи лозим.

8. Сенга кўнглимдаги ҳожатларимни изҳор айламоққа ҳожат йўқ, чунки Сен эл кўнглидаги ҳар бир пинҳон сирдан воқифсан.

9. Навоийнинг гулшанига эҳсонинг ёмғирин ёғдиргилки, ушбу боғдаги гул билан булбулга Сенинг марҳаматингсиз барг ҳам, наво ҳам йўқ.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти:

Мазкур ғазал мавзусига кўра ҳамд ғазал ҳисобланиб, “Наводир уш-шабоб” девонидан 3-рақам остида ўрин олган. Ғазалда илоҳийлик ва моддий борлиқнинг бир бутунлик касб этиши тажаллий назарияси асосида талқин қилинган. Яъни бу назарияга кўра, бу олам, ундаги борлиқ Аллоҳнинг зуҳурланиши, намоён бўлиши маҳсулидир. Илк мутасаввиф олимлардан Саҳл ат-Тустарий тажаллийнинг 3 турини келтириб ўтади: 1) зот тажаллийси – илоҳий моҳиятнинг намоён бўлиши; 2) сифот тажаллийси – илоҳий моҳиятнинг ўз сифатларида намоён бўлиши ёки нур таратиш; 3) феъл тажаллийси – илоҳий ҳукмнинг намоён бўлиши ёки келажак ҳаёт. Тасаввуф фалсафасига кўра, Аллоҳ доимо инсонларга нарса ва атрофдаги ҳодисалар кўринишида намоён бўлади, лекин Уни фақат илоҳий маърифатдан

баҳраманд инсонларгина англай оладилар. Ушбу ғазални тажаллий назариясининг муайян тарздаги бадиий талқини сифатида қабул қилиш мумкин.

Ғазалнинг биринчи байтида Аллоҳ жамоли кўзгусидан оламда юз нуру сафо пайдо бўлиши, бу гўзаллик ва ёруғлик олдида қуёш худди бир заррадек кўринмас бўлиб қолиш тасвири *тажнис* (юз – 1) жамол; 2) миқдор, сон), *ташбиҳ*, *тафрит* (қуёшнинг заррадек кичрайтирилиши) каби бадиий санъатлар воситасида очиб берилган. Байтда "юзунг кўзгуси" деган ибора қўлланилганлигини кўрамиз. Савол туғилади: бу қандай кўзгу? Саволга жавоб топиш учун "Лисон ут-тайр"да келтирилган "Ўз ҳуснини намойиш этиш учун кўзгуни восита қилган шоҳ ҳақидаги ҳикоят"ни эслаб ўтиш мумкин. Ҳикоятга кўра, ҳуснда тенгсиз шоҳ сайр қилиш учун майдонга от солган вақтида, уни кўрган халойиқ ушбу ҳуснга дош беролмай, жон таслим қилар эканлар. Шунда шоҳ ўз ҳуснини намойиш қилиш ва бундан эл баҳраманд бўлиши учун ўз қасри атрофига кўзгу ясашларини буюради. Шоҳ бу кўзгуга назар солганда, халқ ҳам бу гўзалликдан баҳра олар ва шу билан инсонларнинг жони омон қолар экан. Достонда ушбу ҳикоят орқали Мутлақ муҳаббат мазҳари ва Олий Қудратнинг бу оламда тажаллий воситасида намоён бўлишига ишора қилинади. Зоҳиран бу кўзгу Яратганнинг тажаллийси, ботинан эса инсон қалбининг кўзгуси. Ўз қалбини поклаган, уни кўзгудек тиниқ қилган инсонгина илоҳий файздан баҳра топиши мумкин.

Кейинги байтда Яратганга мурожаат қилиниб, "Сенинг кўйи насимингдан баҳра олган киши жон топади, бу қудрат олдида ҳатто Исо Масиҳ ҳам ожиздир" деган фикр илгари сурилади. Ривоятларга кўра, Исо Масиҳ ўликларни ўз нафаси билан тирилтириш хусусиятига эга бўлган ва кўплаб хаста кишилар бу нафасдан даво топганлар. Лекин Аллоҳнинг яратувчанлик қудрати олдида Исонинг бу мўъжизаси арзимас бир ҳолдир. Байтда, шунингдек, инсон танасига илк бора нафас орқали жон бахш этилганлигига ҳам ишора бор.

Учинчи байтда Аллоҳ маконининг чегарасизлигига, унинг аввали ҳам охири ҳам йўқлигига ишора қилинади. Кейинги байтда тажаллий назарияси янада ривожлантирилиб, Мутлақ Муҳаббат мазҳарининг шамъ ва гулда жилва қилиши, бу жилвадан парвонанинг ёниб кул бўлиши, булбулнинг эса юз дарду балога мубтало бўлиб, нола қилиши таъкидланади. Бунда шамъ ва гул ҳусн мазҳари бўлсалар, парвона ва булбул шу ҳуснга ошиқ бўлган ишқ мазҳарлари сифатида талқин қилинади: булбул гулга талпиниб, юз дарду балога ўзини гирифтор қилса, парвона ҳам шу ҳусн туфайли шамънинг шуъласига талпинади ва оловга қўшилиб ёнади. Навбатдаги байтда ишқ ва ошиқлик Ширин ва Лайло, Фарҳод ва Мажнун тимсоллари воситасида баён қилинади. Аллоҳнинг тажаллийси Фарҳодни Ширинга, Мажнунни Лайлига ошиқ қилади. Ширин ва Лайлининг жамоли – илоҳий мазҳар, бошқача айтганда тажаллиёт нури акс этган нуқтадир. Фарҳод ва Мажнун бу нуқталарда Илоҳнинг нурини кўриб, унга бехуд ва беқарор бўлиб талпинадилар, шу мазҳарга етишиш билан Яратганнинг Ўзига ошиқ эканликларини исботлайдилар, яъни сифатдан Зотга қараб борадилар. Олтинчи байтда Аллоҳнинг 99 гўзал исми, асмои ҳусно ҳақида сўз бориб, ушбу исмлар унинг сифатлари ва фазилатларини ўзида ифодалашига ишора қилинади.

Еттинчи байт бевосита тасаввуфдаги бақо ва фано тушунчалари билан боғлиқ. Бақо дейилганда, Яратганнинг боқий дўсти бўлиб қолиш учун ўзидан воз кечиш, барча яхши сифатларни ўзида мужассам қилиш назарда тутилади. Фано эса ўзидаги барча ёмон сифатларни йўқ қилиш йўли билан Аллоҳга яқинлик ҳосил қилишликдир. Тасаввуфда солик фано мақомига етгач, Аллоҳнинг ҳақлиги ва улуғлиги тўғрисидаги фикру зикрга ғарқ бўлиб, бу

фоний дунёдаги жамики нарсаларни унутиб юборади. Бу ўринда Навоий шу мақомга ишора қилмоқда.

Мақтаъда Навоий Яратганга мурожаат қилиб, ундан эҳсон ва марҳаматини дариғ тутмасликни сўрайди, зеро бусиз унинг гулшанида гул билан булбулга баргу наво йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, бу олам, ундаги барча яратиқлар: инсон зоти, уни ўраб олган муҳит, ҳаётнинг яшнаб туриши, бу оламдаги интилиш ва талпинишлар, ишқу ҳусн буларнинг барчаси тажаллиётнинг намоён бўлиши билан боғлиқ. Бу сирни англаб етган одам эса бу оламнинг моҳиятини, инсонийлик маъносини чуқурроқ идрок этади, зеро мавжудликдан мақсад Яратганни танишдир.

ЧУН КУЛАР ЁНИ...

Чун кулар ёни сўкулган жисми зоримни кўруб,
Йиғлағайму ёни емрулган мазоримни кўруб.

Уйла ғам даштида туфроқ ўлмишамким, ул тараф
Келмагай Фарҳод ила Мажнун ғуборимни кўруб.

Ҳажр ўти то ўртади кўнглумни ақлу ҳушу сабр,
Иттилар ҳар ён қорарған рўзгоримни кўруб.

Ғурбат ичра мен ўлар ҳолатда деманг зинҳор,
Келса ногоҳон биров ёру диёримни кўруб.

Уйла мажруҳ ўлмишамким, қилмадилар туъма ҳам,
Айлаб итларга асар жисми фигоримни кўруб.

Соқиё, икки лаболаб жом ила тиргуз мени,
Даҳр эли андуҳидин муҳлик хуморимни кўруб.

Эй Навоий, даҳр бўстониға мойил бўлма кўп,
Ғам хазониға бадал бўлған баҳоримни кўруб.

("Наводир уш- шабоб", 56-ғазал)

Луғат
Уйла – гўёки, ўхшаш
Итмоқ – йўқолмоқ
Лаболаб – лиммо-лим, тўла
Туъма – озиқ, ем, луқма, овқат
Фигор – жароҳатли, мажруҳ
Соқий – май қуювчи, косагул; мажозан: пири комил, устоз
Муҳлик – ўлдирувчи, ҳалок қилувчи, ҳалокатли
Бадал – алмаштириш, айирибошлаш, эваз

Ғазалнинг насрий баёни

1. Менинг жароҳатдан тешик ҳосил қилган зор жисмимни кўриб кулган ёр, атрофи емирилган мозоримни кўрса йиғлармикан?

2. Ғам даштида туфроқ кабиман, Фарҳод билан Мажнун ҳам менинг бу туфроғим чангини кўриб, мен томонга келмайдилар.

3. Айрилиқ ўти кўнглимни шундай ёндирдики, унинг тутунидан қорайган турмушимни кўриб, ақл, ҳуш ва сабр йўқ бўлдилар (йўқолиб қолдилар).

4. Агар бирор киши менинг ёру диёримдан хабар келтирса, бу ғариблик (мусофирликда) мени зинҳор ўлар ҳолатда деб айтманг.

5. Шундай хаста ва мажруҳ ҳолатдаманки, ҳатто итлар ҳам менинг жароҳатланган ушбу жисмини кўриб, уни луқма ўрнида кўрмадилар.

6. Эй соқий, бу дунё ғаму аламларидан ҳалокатга юз тутган хуморимни кўриб, менга икки лиммо-лим тўла қадаҳ билан жон бахш эт.

7. Эй Навоий, менинг ғам хазонига юз тутган ушбу баҳоримни кўриб, бу олам бўстонига мойил бўлма.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Алишер Навоийнинг ошиқона мавзудаги ушбу ғазали услубан шарҳи ҳол йўналишида бўлиб, унда лирик қаҳрамоннинг ёр (маъшуқа) ситамларию ишқнинг ранжу машаққатларидан чеккан изтироблари баён қилинган. Ғазал матлаъсидаёқ ёрнинг шўх, жафокор ва бераҳм эканлиги, ошиқнинг эса ишқ ва ҳажр изтиробларидан афтодаҳол эканлиги англашилади. Навоий лирик қаҳрамон (айни дамда шоирнинг ўзи)нинг ишқ дарди ва ҳижрон ғамидан озурда жисмини шарҳлар экан, “ёни сўкулган” деган ташбеҳни қўллайди. Одатда бундай жумла кийим ёки либосга нисбатан ишлатилади ва кийимнинг чоки сўкилган ёки йиртилган бўлиши ошиқнинг ишқ ғамидан паришон ва телбанамо эканлигига ишора қилади. Шоир бу ўринда ушбу ғамнинг муболағали ва кучайтирилган тасвирини баён қилиш учун либоснинг эмас, балки ошиқ жисми (бағри)нинг сўкулганлигини таъкидлаяптики, бу орқали китобхон тахаййулида ошиқнинг чокидан сўкилган кийимга ўхшаш жисми намоён бўлади.

Шоир шу ўринда жисмга нисбатан эзилган, мажруҳ ёки шунга ўхшаш бошқа бирор ифодани қўллаши мумкин эди, лекин унда ёрнинг мазах қилиб кулиши билан боғлиқ тасвир реаллашмай қолар эди, чунки бу ҳолат кулгудан кўра кўпроқ раҳм-шафқат ҳиссини уйғотади. Шоир ғазалда ёрнинг унга раҳм-шафқат кўрсатишини хоҳламайди: бу ғазалнинг кейинги байтлари, хусусан, 4-байти мазмунидан ҳам англашилади (биз бунга қуйироқда тўхталамиз). Иккинчи мисрада яна “ёни” деган сўз қўлланиляпти ва энди бу қабр ёки мозорнинг атрофи деган маънони ифодалаб келяпти. Байтдан англашиладиган савол маъносига кўра, ёр ошиқнинг жароҳатдан яраланган зор жисмини кўриб ўзини кулгудан тўхтатолмас экан, унинг ўлимидан сўнг атрофи емирилган қабрини кўрса йиғлармикан? Халқ орасидаги инончларга кўра, қабрнинг муайян қисмида ёриқлар пайдо бўлса ёки емирилса, қабр соҳибининг руҳи озорланаётган бўлади. Лирик қаҳрамон бу ўринда “Агар ёр ўз ошиғининг қабрда азоб-уқубатда ётганлигини ана шу ҳолат орқали билса, йиғлармикан?” деган саволга жавоб излайди.

Кейинги байтда ошиқнинг ғам саҳросида туфроққа тенг бўлиб ётиши ва бу тупроқдан чиққан ғуборнинг шиддатидан ҳатто “ишқ султонлари” Фарҳод ва Мажнун ҳам ҳайратга тушиб, бу томонга келишга жазм эта олмаганликлари тасвирланганки, бу ҳолат лирик қаҳрамон ишқининг камолга етганидан (таъбир жоиз бўлса, Фарҳод ва Мажнун ишқидан-да юксакликка кўтарилганидан) далолатдир.

Айрилиқ ўти ошиқнинг кўнглини шундай ёндирганки, унинг тутунидан қорайган ҳаётини кўриб, ақл, ҳуш ва сабр ҳам уни ташлаб кетганлар. *Ташхис* ва *муболағa* санъатининг бетакрор уйғунлигидан вужудга келган тасвир аввалги байтнинг давоми бўлиб янграйди. Агар бундан олдинги байтда ошиқнинг ёнига Фарҳод ва Мажнун келишни исташмаган бўлса, энди ақл, ҳуш, сабр ҳам уни тарк этадилар. Бу ҳолни тасаввуф фалсафаси билан боғлиқ ҳолда талқин қилсак, шундай манзара хосил бўлади: ошиқ ишқда шундай даражага етганки, энди унинг ҳолатини англашга ақл ожизлик қилади, ҳуш қолишга жой тополмай қолади, яъни ўз соҳибини тарк этади. Ошиқ руҳини бетоқатлик ва беқарорлик эгаллаб олади.

Навбатдаги байтда лирик қаҳрамон атрофдагиларга ёлвориб, унинг ёру диёридан хабар келтиришса, бу ғариблик (мусофирликда) уни зинҳор ўлар ҳолатда деб айтмасликларини ўтинади. Ҳақиқий ошиқлар ишқ изтиробларини ўзлари учун илоҳий тақдир деб қабул қилганлар ва бошларига келган ҳар бир ранжу уқубатга таслимият келтирганлар. Ошиқнинг ўз ҳолини атрофдагилардан, одамлардан яшириши ишқ одобидан ҳисобланган. Байтда *ғурбат* (мусофирлик), *ёру диёр* тушунчаларининг келтирилишини мажозан Яратгандан айрилиқ билан боғлиқ ҳолда талқин қилиш мумкин, зеро инсон яратилганда унинг руҳи Холиқнинг нуридан вужудга келтирилган ва шу сабабли бу оламга келиб, айрилиқ (мусофирлик)да қолган бу руҳ ўз асли – Мутлақ руҳ олами сари тинимсиз интилади.

Ғазал лирик қаҳрамон шарҳи ҳолининг янада кучлироқ тасвири билан давом этади: ошиқ шундай хаста ва мажруҳ ҳолатдаки, ҳатто итлар ҳам унинг жароҳатланган жисмини кўриб, уни луқма ўрнида кўрмайдилар.

Мақтаъдан аввалги байт риндона оҳангларда (шаклда) орифона мазмун касб этади. Унда лирик қаҳрамон соқийга мурожаат қилиб, ўзининг бу дунё ғаму аламларидан ҳалокатга юз тутган хуморини кўриб, унга икки лиммо-лим тўла қадаҳ билан жон бахш этишини сўрайди. Савол туғилади: Нега бир эмас, иккита жом? Гап шундаки, бунда биринчи жом ошиқнинг хуморини (истак ва чанқоғини) қондириш учун хизмат қилса, иккинчи жом уни мастлик ҳолатига етказиши керак. Байтни ирфоний жиҳатдан талқин қиладиган бўлсак, илоҳий маърифатга чанқоқ солик пири комилга мурожаат қилиб, унга май қуйишни ва шу орқали мастлик ҳолатига эриштиришни сўраяпти. Тасаввуф намояндаси, Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг талқинига кўра, мастлик уч хил бўлади: 1) нафс мастлиги – ичкилик таъсири ёки нафсга хуш келувчи нарсалар (мол-дунё, куч-қувват, мансаб, зоҳир чиройи)дан ҳосил бўладиган мастлик. Ақл устидан ғалаба қилган ғафлат шароби туфайли нафс маст бўлиб, турли қабиҳ амалларга сабаб бўлади. Бундай мастлик кишини гумроҳлик ва ҳалокатга етказади. 2) Кўнгил мастлиги – тафаккур орқали нарсаларнинг моҳиятига етиш ҳамда маърифат шаробидан сармаст бўлиш. 3) Руҳ мастлиги – фано босқичидаги сукр (беҳушлик) ҳолати (Алишер Навоий: қомусий луғат, 1-жилд). Навоий бу ўринда мастликнинг иккинчи ва учинчи турларини назарда тутяпти. Умуман олганда, Навоий ижодида май ва мастлик билан боғлиқ байтларнинг барчаси кўнгил ва руҳ мастлиги ҳақидадир.

Мақтаъ шоирнинг нидо санъати воситасида ўзига мурожаат қилиб, бу олам бўстони, яъни дунёга мойил бўлмаслик, кўнгил қўймасликни сўраб қилган даъвати билан якунланади, зеро ирфоний маънода дунё соликни йўлдан оздирувчи, ўткинчи гўзалликлари билан уни ўзига ром этувчи салбий куч бўлиб, шоир бунда ўзига мурожаат қилиш орқали ишқ аҳлини ҳақиқий мақсаддан чалғимасликка ва шунинг воситасида илоҳий неъматдан бебаҳра қолмасликка чақиряпти.

ЭЙ НАВБАҲОРИ ОРАЗИНГ...

Эй навбаҳори оразинг субҳиға жонпарвар ҳаво,
Андин гулу булбул топиб юз барг бирла минг наво.

Тўбию шохи Сидрадур кўюнг гиёҳи, негаким
Ушшоқ ашку оҳидин ҳар дам топар сую ҳаво.

Заҳри фироқингдин қаю ошиқки бўлди талхком,
Нўши висолинг етмаса, Исо анга топмас даво.

Чун қозиюл ҳожотсен, даъвои меҳринг қилғали,
Дарду фироқ андуҳидин келтурмишам икки гуво.

Қилмай қабул ижоднинг имкони йўқ, сўнгра яна
Мақбулини рад айламак лутфунгдин ўлғайму раво.

Зоҳид, кўнгулнинг хилватин матлуб ғайридин орит,
Сен сайр қилсанг қил, керак кўнглунгга бўлса инзиво.

Десанг, Навоий, жон аро маҳбуб бўлғай жилвагар,
Аввал кўнгул кўзгусидин маҳв айла нақши мосиво.

("Бадоеъ ул-васат", 1-ғазал)

Луғат:
Ораз – чеҳра, юз.
Субҳ – тонг
Жонпарвар – жонлантирувчи, қувват берувчи
Тўбий, **Тубо** – жаннатдаги дарахтнинг номи.
Сидра – фалак ул-афлокдаги дарахт.
Кўй – кўча
Ушшоқ – ошиқлар.
Ашк – кўз ёш
Талхком – оғзи аччиқ; маж.: ўлим ҳолатига тушган.
Нўш – заҳарни қайтарувчи тарёк.
Қозиюл-ҳожот – ҳожатларни раво этувчи; Аллоҳнинг сифати.

Мақбул – қабул қилинган
Матлуб – талаб қилинган
Гуво – гувоҳ
Инзиво – хилват тутмоқ.
Маҳв айламоқ – йўқ қилмоқ
Мосиво – Аллоҳдан чалғитувчи нарсалар**.**

Ғазалнинг насрий баёни:

1. Эй юзинг навбаҳори эрта тонгни жонлантирувчи Зот, бу ҳаводан гулу булбул юз барг билан минг наво топадилар.

2. Жаннатдаги Тубо ва олий фалакдаги Сидра дарахтларининг шохи Сенинг кўчангдаги бир гиёҳдирлар, бу гиёҳлар ошиқларнинг кўз ёшию оҳларидан сув ва ҳаво олиб, озиқланадилар.

3. Сенинг фироқинг заҳридан қайси ошиқнинг оғзи аччиқ бўлган, яъни ўлим топган бўлса, висолингнинг нўши етмаса, ҳатто Исо ҳам унинг дардига даво бўлолмайди.

4. Сен Қозиюл ҳожот, яъни ҳожатларни раво қилувчисан, меҳрингнинг даъвосини қилиш учун дард ва айрилиқ ғамидан иборат иккита гувоҳ келтираман.

5. Ушбу гувоҳларни қабул қилмасликнинг иложи йўқ, қабул қилгандан кейин эса ушбу қабул қилинганни рад қилмоқ Сенинг лутфингга муносиб эмас.

6. Эй зоҳид, кўнглингни матлуб, яъни Аллоҳдан бошқаси билан банд қилма, ўзинг сайр қилсанг ҳам (қаерда бўлсанг ҳам), лекин кўнглингда Аллоҳ бўлсин.

7. Навоий, агар жонинг аро маҳбуб жилвагар бўлишини истасанг, кўнглинг кўзгусидан Ундан чалғитувчи (Унинг нақшидан бошқа) барча нақшларни ўчиргин.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти:

Мазкур ғазал мавзусига кўра ҳамд ғазал ҳисобланиб, “Бадоеъ ул-васат” девонидан 1–рақам остида ўрин олган. Ушбу девон “фусулнинг хазони, тириклик боғининг баргрезининг нишони” бўлмиш ўрта ёшда ёзилган ғазаллардан таркиб топган бўлса-да, кузак фаслининг хусусиятларини Ягона Холиқ ва Барҳақ Маъбудга нисбат бериш мумкин эмаслигини билган мутафаккир ижодий умрининг серҳосил палласида ёзилган девонининг дастлабки ғазалини Мутлақ Муҳаббат мазҳарининг “навбаҳори ораз”и тавсифи билан бошлаб, оламнинг гўзаллиги, табиатдаги яралиш ва ижод жараёнининг асл Ижодкорига сано йўллашда энг нозик иборалар, энг чиройли ташбиҳларни қўллайди. Жумладан, эрта баҳор тонги пайти табиат қишки уйқудан бедор бўлиб, шарқ томонидан эсадиган майин шамол туфайли дов-дарахтлар, гулу гулзорлар яшнаши жараёнида Олий Қудратнинг мўъжизаларини мушоҳада этишга чорловчи мисраларда ҳам абадият оламининг таъсир нақшини сезиш қийин эмас. Иккинчи мисрада *гул, булбул, барг ва наво* сўзларининг бир неча маънода қўлланилиши туфайли тажнис санъатининг бетакрор намунаси ҳосил бўлган. *Барг* ва *наво* сўзлари кўчма маънода мева, ҳосил, самара, ҳаёт кечириш учун энг керакли нарсалар эканини инобатга олсак, тасаввуф фалсафасига кўра, навбаҳор – илк яралиш тимсоли, ораз – илоҳий зуҳурот рамзи, субҳ – ваҳдат нурининг таралиши замони, гул ва булбул – ҳусн ва ишқ мазҳарлари сифатида талқин қилинади. Байтдаги сўзларни истилоҳий маънода қўллайдиган бўлсак, вужуд оламининг барча ҳикмат ва сир-синоати фақат ва фақат Аллоҳ туфайли бўлиб, тирикликнинг моҳияти – гўзаллик ва муҳаббат ҳам илоҳий иноят шарофати

билан аён бўлади. Байтдаги етакчи тимсоллар – гул ва булбулни ўз маъносида шарҳлайдиган бўлсак ҳам, ажиб бир нуктадонликка дуч келамиз. Гап шундаки, гул форс тилида садбарг (юз барг), булбул эса ҳазордастон (минг наво) деб ҳам аталади. Гул ва булбулнинг форсий муқобилидан фойдаланиб, *юз барг ва минг наво* бирикмаларини маҳорат билан қўллаган Навоий байтда тўрт томонлама тажнис (устоз Нажмиддин Комилов таъбири билан айтганда, *тажниси ширу шакар*) яратишга муваффақ бўлган.

Кейинги байтда шоир диний адабиётларда кўп қўлланиладиган Тўбий ва Сидра (Сидрат ул-мунтаҳо) образларидан фойдаланади. Манбаларда келтирилишича, Тўбий (Тубо) бутун жаннатга соя соладиган, битта шохи соясидан чиқиш учун бир отлиқ етмиш йил кечаю кундуз юриши керак бўладиган азим бир дарахт бўлиб, унда дунёдаги жамийки дарахтлар меваси ва ўсимликлар намунаси мавжуддир. Сидра дарахти эса, фалак ул-афлок – еттинчи фалакда жойлашган дарахт бўлиб, бу дарахт борлиқ оламининг ниҳояси ҳамда фаришталар ва жамийки мавжудот илмининг охирги чегараси ҳисобланади. Ошиқларнинг кўз ёши ва дардли оҳидан озиқланган, ҳар бир гиёҳи Туби ва Сидрадек азим ва азиз, мукаррам ва муҳтарам бўлган бу даргоҳ ҳар қандай шарафланишга лойиқ. Аммо бу даргоҳдан висол шаҳдини тополмай, айриликдан азият чеккан ошиқ дардига ўликка жон бағишловчи Исо Масиҳнинг нафаси ҳам чора бўлолмайди. Исо Масиҳ агар жисмга жон бағишласа, Ёри азалнинг висоли руҳни тирилтиради, унга абадийлик ва мангу маърифат чашмасидан сероб қилади:

Заҳри фироқингдин қаю ошиқки бўлди талхком,
Нўши висолинг етмаса, Исо анга топмас даво.

Тўртинчи байт 20-жилдлик Мукаммал асарлар тўпламида ҳам, 10 жилдлик Тўла асарлар тўпламида ҳам қуйидаги шаклда келтирилган:

Чун қозиюл ҳожот сен, даъвои маҳринг қилғали,
Дарду фироқ андуҳидин келтурмишам икки гуво.

Дастлабки кўринишда байт тўғри ўқилгандек, қози, маҳр, икки гувоҳ ўртасида мантиқий таносуб бордек таассурот қолдиради. Аммо маҳр – никоҳ пайти тўланадиган маблағ эканлиги, бу байт эса, ҳамд мавзусидаги ғазал таркибида келтирилгани, Аллоҳга нисбатан оиласи бор, дейиш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, қуйидагича ўқиш лозимлигини тавсия қиламиз:

Чун қозиюлҳожот сен, даъвои меҳринг қилғали,
Дарду фироқ андуҳидин келтурмишам икки гуво.

Демак, Навоий ҳожатларни раво этувчи Зотга муножот қилиб, унинг меҳри йўлида эканлигига икки гувоҳ – дард ва фироқ андуҳини шафе келтиради. Меҳрибонликнинг асосий шарти – дардкашлик ва кўнгил маҳрамига талпинишдир. Кўнгли синиқ, аммо ўзгалардан беҳожат зотлар Худонинг чин дўстлари эканлигини билган ва бир умр шунга амал қилган шоир ўз муножотлари Илоҳнинг лутфу иноятига сазовор бўлишини истаб ёлворади:

Қилмай қабул ижоднинг имкони йўқ, сўнгра яна
Мақбулини рад айламак лутфунгдин ўлғайму раво.

Олтинчи байтда Навоий анъанавий образлардан бири – зоҳидга мурожаат қилиб, ҳақиқий хилват – кўнгил хилвати эканлигини таъкидлайди. Гап шундаки, руҳий тарбиянинг усулларидан бири – хилват ва узлат бўлиб, унга кўра, зуҳд ва тариқат йўлига кирган киши дунёвий машғулотлардан воз кечиб, ёлғиз ҳолда ибодат қилиши буюрилади. Абубакр Варроқ Термизийга кўра, ҳақиқий зуҳд уч рукндан – зеб-зийнат тарки *(з)*, ҳою ҳавас тарки *(ҳ)*, дунё ва унга бўлган муҳаббат тарки (*д*) дан иборат. Ҳақиқий зуҳдга эришиш ҳамда тамаънинг орадан қўтарилиши, ғийбат, риё, фитна ва ҳасаддан омон қолиш учун буюриладиган хилват фақат кўнгил саломатлиги ҳолатида фойда беради. Қачонки, кўнгил кўзгуси Аллоҳдан ўзга нақшлардан пок бўлса, нақшбандий авлиёлар каби “хилват дар анжуман” орқали ҳам руҳ сафоси ва нафс поклигига эришиш мумкин.

Кўнгил кўзгуси – Ҳақ назаргоҳи. Ҳақ нури жилвагоҳи бўлиши учун бу кўзгудан дунёвий ҳаваслар, нафсоний истаклар, башарий хоҳишларни сидириб ташлаш, поклаш лозим бўлади. Ўшанда тажаллий нуридан мунаввар кўнгил вужудга сокинлик ва ором бағишлаб, бундай кўнгил соҳиби ҳақиқат сирридан баҳраманд бўлиб, барча ишларга басират кўзи билан назар солиш саодатига эришади. Ҳазрат Навоий эса ана шундай буюк қалб эгаси эдилар.

КЎРГАЛИ ҲУСНУНГНИ...

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,
Не балолиғ кун эдиким ошно бўлдум санго.

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санго.

Мен қачон дедим: вафо қилғил манго, зулм айладинг,
Сен қачон дединг: фидо бўлғил манго, бўлдум санго.

Қай пари пайкарға дерсен: телба бўлдунг бу сифат,
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санго.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, аввора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санго.

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 6-ғазал)

Луғат

Ваҳки – э воҳ
Батаррак – ёмонроқ, баттарроқ
Бу сифат – бу каби
Пайкар – сурат, ҳайкал, қомат
Аввора – овора, сарсон
Жоми Жам – Жамшид (қадимги Эрон ҳукмдори)нинг жоми.
Хизр суйи – Хизр (оби ҳаётни ичган пайғамбар) суви, тириклик суви
Соқий – май қуювчи (бу ўринда: пири комил)
Жоҳ – мансаб, амал; бойлик, давлат
Ғусса – ғам, қайғу
Ғусса чанги – ғам чолғуси, қайғу куйини чалувчи чанг
Бенаво – навосиз; ғариб, бечора
Ушшоқ – 1) ошиқлар, 2) куй номи

Ғазалнинг насрий баёни

1. Сенинг ҳуснингни бир кўрай деб ўзингга зору мубтало бўлиб қолдим. Сенга ошно бўлган куним қандай балолик кун экан?

2. Сендан кўнгил узмоқчи бўлиб ҳар куни уриндим, лекин э воҳки, кундан кунга сенга янада кўпроқ боғланиб қолдим.

3. Қачон менга вафо қилгил, деб айтсам, зулм қилдинг, лекин сен қачон "Менга фидо бўлгил", деб айтсанг, сенга ўзимни фидо қилдим.

4. Қайси пари суратли ёрга бу тарзда девоналарча ошиқ бўлдинг деб сўрайсан. Эй пари суратли ёрим, манга ҳар қанча жабру ситам қилсанг ҳам розиман, чунки севиб, ошиқ бўлганим бу сенсан.

5. Эй кўнгил, атрофдагиларнинг насиҳатига қулоқ осмадим, сен ҳам овора бўлдинг. Юз бало етмасмидики, мен ҳам сенга яна бир бало бўлдим.

6. Жамшиднинг жоми ва Хизрнинг обиҳаёт суви менга насиб бўлиши учун, эй соқий, молу дунёдан кечиб, энди дарвешлик йўлига кираман.

7. Навоий каби сендек ёрга асиру бенаво бўлмагунча ошиқлар орасида ишқнинг ғамгин куйини топа олмадим.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ушбу ғазал ошиқона мавзуда бўлиб, лирик қаҳрамон ва ёрнинг ўзаро суҳбати асосига қурилган. Ёрнинг ҳуснини бир бор кўрмоқчи бўлиб унга назар ташлаган лирик қаҳрамон охир-оқибат унга ошиқу мубтало бўлиб қолади ва ундан кўнгил узишга ҳар қанча уринмасин, кундан кунга унга янада кўпроқ боғланиб бораверади. Матлаъда келтирилган "мубтало" қофиясининг кейинги байтда қайта қўлланиши, яъни иккинчи байтда *радд ул қофия* (қофияни такрорлаш) санъатининг истифода этилиши тасодифий бўлмай, ошиқнинг руҳий ҳолатини ифодалашга хизмат қилган. Биринчи байтдаги "мубтало" сўзи ошиқ бўлиш маъносини ўзида акс эттирса, иккинчи байтда энди ишқнинг юксалиб, авжланиб боришини – ошиқнинг ёрга тобора боғланиб қолганлигини ифодалайди. Ёр қанчалик жафо кўрсатмасин, ошиқ ишқ йўлида шунчалик фидокор ва вафодор. Ошиқнинг телбаларча ҳолати ёрнинг кулгиси ва ҳайратига сабаб бўлган. Ёрнинг "Бу каби девоналигингга қайси

пари сабаб бўлди?" деб сўраган саволига ошиқ "Ушбу пари сенсан", деб жавоб беради ва ушбу девоналикдан рози эканлигини мамнуният ила баён этади. Мумтоз адабиётда "пари" ва "девона" жуфтлигининг ёнма-ён келиши анъанавий ҳолат касб этиб, ёрнинг афсонавий ҳусни-ю, ошиқнинг бу ҳусндан телба бўлиш даражасига етишини ифодалашга хизмат қилади. Бу ифода ғазалда тасвирланаётган ёрнинг илоҳий мазҳар эканлигига ҳам ишорадир. Атрофдагиларнинг ошиққа ақл-ҳушни йиғиб олиш билан боғлиқ қилаётган насиҳатлари беҳуда (ишқ ақлга бўйсунганини ким кўрибди), ўртада кўнгил сарсон, юз бало устига яна бир бало. Матлаъда бошланган "балолиғ кун" ифодасининг энди ошиққа нисбатан "бир бало" тарзида қўлланилиши ғазалнинг бадиий жозибасини янада оширган.

Олтинчи байт "навоийёна услуб"нинг яна бир жилвасини ўзида намоён қилади: ошиқона ғазал таркибига орифона маъно юкланади. Байтда талмеҳ санъати воситасида Жамшид жоми ва Хизр суви билан боғлиқ воқеаларга ишора қилинади. Ривоят қилишларича, қадимги Эрон шоҳи Жамшид майни ихтиро қилгандан сўнг ҳакиму донишмандларга бир жом ясашни буюради. Бу жомнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унга май қуйилса, бутун олам унда акс этар ва Жамшид оламдаги воқеа-ҳодисаларни шу жом орқали кўриб турар экан. "Хизр суви" бирикмаси ҳам ўзига хос маъно-моҳиятга эга. Унга кўра, ер остида зулмат дунёси бор, унинг тубида оби ҳаёт булоғи (тириклик суви) мавжуд. Ушбу булоқдан ичган одам абадий ҳаётга муяссар бўлади. Хизр ер остига тушиб, ушбу булоқ сувидан ичган ва абадий ҳаётга мушарраф бўлган зотлардан. Навоий ана шу ривоятларга ишора қилиб, Жамшид жоми ва Хизр суви соқий (пири комил)нинг пок қалби эканлигини, бу қалб Яратганнинг ишқи билан мунаввар бўлишини таъкидлайди. Шоирнинг фикрича, агар инсон мансабу давлатни тарк этиб, пири комил раҳнамолигида дарвешлик йўлига кирса, ана шу абадий илоҳий файз унинг насибасига айланади. Мақтаъда ушбу фикр давом эттирилиб, ишқ йўлига кирмагунча, яъни ҳақиқий ошиқ бўлмагунча, мақсадга эришиш душвор эканлиги таъкидланади. Шоир ўз тахаллусидаги "наво" сўзини турли шакл ва кўринишларда қўллаб, *иштиқоқ* (**наво – Навоий - бенаво**), *таносуб* (**наво – чанг – "Ушшоқ"** (куй номи), *таъдид* (**асиру бенаво**), *ийҳом* (**бенаво** – навосиз, **бенаво** – бечора, ғариб) санъатларининг бетакрор намуналарини яратади.

ХЎБЛАР МИНГ БЎЛСАЛАР...

Хўблар минг бўлсалар, мен хастаға бир ёр бас,
Анда меҳр атворининг мингдин бири гар бор, бас.

Айтмонким, ҳар вафо қилсам, жафое қилмасун,
Ҳар вафоға минг жафо гар айламас изҳор, бас.

Ҳар вафоға минг жафо ҳам қилса қилсун, мунчаким,
Ёр анга маҳруму маҳрам бўлмаса ағёр бас.

Эй висол аҳли, сизу иззат саририким, менга –
Ҳажр кўйи итлари оллида бўлмоқ хор бас.

Мен киму нўши лабингдин истамак қути ҳаёт,
Айласа ғамзанг синони қатл бу миқдор бас.

Эй кўнгул, ғамгин эсанг кўп, қуйса соқий оғзингга
Зарфни, сипқармағунча қилмағил зинҳор бас.

Юз бало келса бошингға сабр қилғил, эй кўнгул,
Ё халойиқ ихтилотин қил Навоийвор бас.

("Наводир уш-шабоб", 240-ғазал)

Луғат:
Хўблар – гўзаллар
Меҳр атвори – меҳр кўрсатиш
Айтмон – айтмайман
Маҳрум – узоқда қолмоқ
Маҳрам – яқин бўлмоқ
Ағёр – рақиб, душман
Сарир – тахт
Ҳажр –ҳижрон, айрилиқ
Кўй – кўча
Нўши лаб – лабдан бўса олиш
Қути ҳаёт – ҳаёт неъмати
Ғамза - киприк
Зарф – жом, қадаҳ
Соқий – май қуювчи
Халойиқ ихтилоти – одамларга аралашиб юриш

Ғазалнинг насрий баёни

1. Гўзаллар мингта бўлса ҳам, мен хастага бир ёрим бўлса кифоя, агар унда меҳр фазилатининг мингдан бири бўлса ҳам, шунинг ўзи менга етарли.

2. Мен қилган вафоларга жафо қилмасин, демайман. Аммо бир вафо қилсам, унга жавобан минг жафо кўрсатмаса, бас.

3. Майли, мен кўрсатган ҳар вафога минг жафо қилса қилсин, фақат мени шу жафодан маҳруму, ағёрни бу жафоларга маҳрам қилмаса бўлгани.

4. Эй висол аҳли, Сизга иззатдан тахту, менга ёр ҳижрони кўчасининг итларига хор бўлиш мартабаси муносиб (етарли)дир.

5. Мен ким бўлибманки, сенинг лабинг бўсасидан ҳаёт неъматини истасам! Киприкларинг найзаси мени қатл этса, шу етарли.

6. Эй кўнгил, агар қайғуда бўлсангу, соқий оғзингга май қуйса, жомдаги май тугагунча тўхтамасдан ичавер!

7. Эй кўнгил, бошингга юз бало келса ҳам, сабр қил ёки Навоий каби халойиққа аралашиб юришни бас қил!

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Умумий маънода ушбу ғазал Навоийнинг ошиқона ғазаллари туркумига киради, лекин унда ишқий мавзу билан орифоналик муайян маънода бирлашиб кетган. Мумтоз шеърият, хусусан Навоий ижодида ишқ-муҳаббат бир вақтнинг ўзида олам ва ундаги яратиқларга ҳамда Яратганга қаратилган бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ғазалдаги ёр тимсоли орқали маъшуқа, дўст, пири комил тушунилади ва унга муҳаббат орқали илоҳий қудрат кашф этилади. Ғазалнинг дастлабки икки байтида ошиқнинг вафодорлиги-ю, ёрнинг жафокорлигини таъкидлаш орқали илоҳий ишқ йўлининг ранжу изтироб ва машаққатларга тўла эканлигига ишора қилинади. Учинчи байтда ошиқ ёр унга минг жафо кўрсатса ҳам бунга рози, фақат рақиб ёрга маҳрам (дўст) бўлиб қолишидан хавотирда эканлиги баён қилинган. Байтда вафо – жафо, ёр – ағёр, маҳрум – маҳрам каби жуфтликларни келтириш орқали тазод санъатининг бетакрор намунаси яратилган. Кейинги байтда ошиқ ёр висолига етганларга мурожаат қилиб, уларга иззат тахти, ўзига эса ҳижрон кўчасининг итлари олдида хор бўлиш муносиб эканлигини таъкидлайди. Бешинчи байтдан ошиқнинг ҳолати бевосита рамзий тил орқали ифода қилинади. ***Нўши лаб*** бирикмаси остида пири комилнинг ҳаётбахш суҳбатлари англашилса, зарф (қадаҳ) орқали ошиқнинг ишққа ташна қалби, соқийнинг қадаҳга май қуйиши воситасида эса пири муршиднинг ишқ йўлида соликка раҳнамолиги назарда тутилади. Тасаввуф таълимотига кўра, тариқатга кирган солик ўз инон-ихтиёрини муршидга мутлақо топшириши талаб қилинади. Муршид унинг қалбини тарбиялайди, руҳини нопокликдан, ножўя хаёллардан тозалаш йўлларини ўргатади. Лирик қаҳрамон ўз кўнглига қарата соқий тутган жомни сўнгига қадар бўшатишни айтар экан, бу орқали муршиднинг амрларини сидқидилдан адо қилиш шартлиги ифода этилган.

Мақтаъда айтилган ***юз бало*** бирикмаси замирида нафсга келадиган синовларни, муршид тарбияси туфайли қалб покланиб, Ҳаққа бўлган муҳаббат кучайгач, уйғонадиган ҳажрни тушуниш мумкин. Шоир буларнинг барчасига сабр қилиш зарурлигини уқтиради ёки халқдан ажралиб зикр қилишга ундайди.

Албатта, ***халойиқ ихтилоти*** **–** одамлардан ажралиш тушунчасини бу ўринда тўғридан-тўғри қабул қила олмаймиз. Чунки Навоий мансуби бўлган нақшбандия тариқатида халойиқдан айри тушиш ***хилват дар анжуман*** – анжуман аро хилватда бўлишдир. Бунда солик одамлар орасида бўлади, кундалик вазифаларини адо қилади, элу халққа қўлидан келгунча манфаат етказади, лекин бир лаҳза ҳам Ҳақни зикр қилишдан тўхтамайди. Шунда у ҳамиша Ҳақ билан хилватда бўлиш мақомига эришади. Мақтаъда ҳазрат Навоий халойиқ ихтилоти ҳақида сўзлар экан, айнан мана шунга ишора қилган.

Умуман олганда, Алишер Навоий ғазалларидаги рамзийлик замирида акс этган бу каби маъноларни англаш китобхондан тасаввуф тарихи, унинг қонун-қоидалари ҳақида ҳам муайян билимга эга бўлишни талаб қилади.

ОШИҚ ЎЛДУМ, БИЛМАДИМ...

Ошиқ ўлдум, билмадим, ёр ўзгаларга ёр эмиш,
Оллоҳ-оллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш.

Қаддиға эл майли бўлғондин кўнгул озурдадур,
Ул алифдин зорларнинг ҳосили озор эмиш.

Элга новак урди, мен ўлдум, эрур бу турфаким,
Жоним эткан реш эл бағриға кирган хор эмиш.

Риштаким муҳлик ярам оғзиға тиктим, англадим
Ким, кафан жинси қироғидин сувурғон тор эмиш.

Кўйи деворидин оғриқ танға тушкон соядек,
Сели ғамдин эмди соя ўрниға девор эмиш.

Жонға тахвиф айладим тиғи ҳалокидин анинг,
Билмадим, бу иштин ул ўлгунча миннатдор эмиш.

Эй Навоий, хўбларни кўрма осонлиғ била
Ким, бировким солди кўз, узмак кўнгул душвор эмиш.

("Наводир уш-шабоб", 268-ғазал)

Луғат
Оллоҳ-оллоҳ – Ё тавба
Майл – истак, хоҳиш
Озурда – озор чеккан, ранжиган
Новак – ўқ, камон ўқи
Реш – яра, жароҳат
Хор – тикан
Муҳлик – ўлдирувчи, ҳалок қилувчи
Сувурғон – юлинган, суғурилган
Тор – тола, ип
Тахвиф – қўрқитиш
Тиғ – ханжар, пичоқ, кескир асбоб
Душвор – қийин.

Ғазалнинг насрий баёни

1. Бир ёрга ошиқ бўлган эдим, лекин у бошқа бировга ёр экан, ё тавба, ишқ йўлида бундай азоблар борлигидан бехабар эканман.

2. Менинг кўнглим ул ёрнинг қаддига бошқаларнинг ҳам ошиқ эканлигидан озор чекяпти, у "алиф"дек тик қоматли ёрга зорлар фақат озор кўрар эканлар.

3. Ёр эл (ошиқлари)га камондан ўқ узган эди, менга тегди, ҳайратланарлиси шундаки, менинг жонимга жароҳат етказган санчиқ элнинг бағрига кирган тикан экан.

4. Бир ипни олиб ҳалокат етган ярамнинг атрофини тиккан эдим, шуни англадимки, бу ип кафанлик мато четидан суғурилган тола экан.

5. Жароҳат етган танамга ёр кўчаси деворидан тушган соя каби ғам селидан энди соя ўрнига девор пайдо бўлган.

1. Жонни ёрнинг ҳалок қилувчи ханжаридан қўрқитган эдим, лекин у қўрқмади, аксинча бу ҳолатдан хурсанд ва миннатдор эканлигини англатди.

2. Эй Навоий, гўзалларга шунчаки бир назар солма, чунки бир марта уларга кўз солгандан сўнг кўнгил узмоқ осон иш эмас экан.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Мазкур ғазал ошиқона мавзуда бўлиб, унда ишқ йўлига кирган ошиқнинг ранжу машаққатлари ҳақида сўз боради. Ғазалнинг лирик қаҳрамони бир гўзалга ошиқ бўлган, лекин маълум бўлишича, у бошқа бировнинг ёри экан, бу ҳолдан ҳайрон ошиқнинг қалби изтиробда. Ёрнинг “алиф”дек қомати фақат бир лирик қаҳрамоннинг эмас, балки кўплаб ошиқ (эл)ларнинг кўнглига ҳавас солган, ёрга зор бўлганларнинг топадигани фақат озордир. Навоий иккинчи байтда ғоят усталик билан сўз ўйини орқали “алиф” воситасида “зор”нинг “озор”га айланишига ҳам ишора қилади. Ёрнинг иши элга жафо етказишдан иборат, унинг элга отган ўқлари ошиқни ҳалок қилади. Элнинг бағрига кирган тикан ошиқнинг жонига жароҳат етказади. Навоий барча ғазалларида бўлгани каби ушбу ғазалга ҳам ижтимоий маъно юклаб, учинчи байтда халққа қилинган ҳар қандай ранж-ситам унинг қалбига жароҳат етказишини айтиб ўтмоқда.

Тўртинчи байтда айтилишича, лирик қаҳрамон ўз жароҳатини тикмоқчи бўлган ип аслида кафаннинг четидан юлиб олинган тола экан. Навоий бу ўринда ҳақиқий (илоҳий) ишқ йўли ғоят машаққатли бўлиб, унга жонни фидо қилгачгина эришиш мумкин деган ғояни илгари сураяпти. Ёрнинг кўчаси деворидан ошиқнинг оғриқ танасига соя тушади, лекин ғам сели шунчалик қуюққи, энди соя ўрнида ундан қалин девор ҳосил бўлган. Навоий бу байтда ҳам сўз ўйини воситасида биринчи мисрада аввал девордан соя ҳосил бўлишини, иккинчи мисрада эса ғамнинг кўплигидан энди соя ўрнида девор пайдо бўлаётганлигини айтади. Бошқача айтганда, ошиқ ёр кўчасида шундай саргардонки ёки ёр девори тагига шундай жойлашганки, унинг танасига ушбу деворнинг сояси тушади. Ошиқ ўз жонини ёрнинг ҳалок қилувчи тийғи билан қўрқитмоқчи, лекин жон бу ҳолдан хурсанд, ҳаттоки миннатдор. Ишқ йўлида тақдирдан не келса, рози бўлиш – ҳақиқий ошиққа хос сифатлардан, ишқ одобидандир. Навоий мақтаъда нидо санъати воситасида ўзига мурожаат қилиб, ошиқлик йўли мураккаб эканлигини, унга бир киргач, қайтиб чиқиш душвор эканлигини кўз ва кўнгил тимсоллари воситасида ифодалаб беради.

ЭЛ ДАРДИ ЁРДИН КАМ ЎЛУР...

Эл дарди ёрдин кам ўлур, менда ёр йўқ,
Кўнглумда юз туман ғаму бир ғамгусор йўқ.

Жон риштасини чирмадим ўқунгға, войким,
Тиғинг бағирни ёрдию тикмакка тор йўқ.

Деманг ғамида йиғлама кўп ихтиёрсиз,
Беихтиёрлиқда манга ихтиёр йўқ.

Тутса қарор бир нафас оллимда, вах, не суд
Ким, ул нафас рамида кўнгулга қарор йўқ.

Десамки, тарки ишқинг этай бутма, эй парий
Ким, телбалар ҳадисиға кўп эътибор йўқ.

Чиқ рўзгор аҳлидин осойиш истасанг
Ким, мунда ғайри тафриқаи рўзгор йўқ.

Ўзни Навоий айлама усрук бу базм аро
Ким, даҳр айши бодасида жуз хумор йўқ.

("Бадоеъ ул-васат", 312-ғазал)

Луғат
Ғамгусор – ғамни кетказувчи, ғамхўр
Чирмамоқ – боғламоқ
Ришта – ип
Тор – ип
Не суд – не фойда
Рамида – чўчиган, қўрққан
Бутма – бу ўринда: ишонма
Ҳадис – сўз
Осойиш – тинчлик, хотиржамлик
Ғайр – ўзга, бошқа
Тафриқа – бўлиш, айириш, тарқатиш
Рўзгор – замона, ҳаёт, турмуш
Рўзгор аҳли – замондошлар
Усрук – маст
Даҳр – дунё, замон
Бода – май
Жуз – бўлак, қисм

Ғазалнинг насрий баёни

1. Инсоннинг дарду ғами ёр билан енгиллашади, менинг эса ёрим йўқ, кўнглимда юз туман ғам бору, лекин бу ғамларимни кетказувчи бир ғамхўр йўқ.

2. Жонимнинг риштасини сенинг ўқингга боғладим, лекин додки, сенинг тиғинг (ханжаринг) бағримни ёрди-ю, аммо ушбу жароҳатни тикишга бир ип топилмади.

3. "Унинг ғамида кўп йиғлайверма", - деманглар, не қилайки, бу ишда менинг ихтиёрим ўзимда эмас.

4. Бир нафас унинг олдимда бўлишидан фойда йўқ, э воҳ, чунки бу ҳадиксираган кўнглимда ўша нафасда қарор бўлмайди.

5. Эй пари, агар сенинг ишқингни тарк этаман десам, ишонма, чунки девоналар сўзига кўп ҳам эътибор бериш керак эмас (бу сўзни айтганимда ҳушим жойида бўлмайди).

6. Агар тинчлик ва осойишталик истасанг, замона аҳлидан юз бур, чунки бунда турмуш ташвишларидан бошқа нарса йўқ.

7. Эй Навоий, ўзингни бу дунё базмида маст айлама, чунки бу олам айшининг майидан хумор (маст) бўлиш имкони йўқ.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Мазкур ғазал, асосан, ишқий мавзуда бўлиб, унда ёридан айрилган лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари ифодаланган. Лекин унда бир вақтнинг ўзида орифона мазмун ҳам мужассамлашганлигини кузатиш мумкин. Чунки мумтоз шеърият, хусусан Алишер Навоий ижодида ишқ-муҳаббат бир вақтнинг ўзида олам ва ундаги яратиқларга ҳамда Яратганга қаратилган бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ғазалдаги ёр тимсоли орқали маъшуқа, дўст, пири комил тушунилади ва унга муҳаббат орқали илоҳий қудрат кашф этилади. Бу ҳолат ғазал матлаъсидаёқ намоён бўлади: лирик қаҳрамон дарду аламга дучор бўлганлиги ва инсонлар бундай вақтда ёру дўстларидан тасалли топишлари, лекин унинг ёрию, бу ғамларини аритиш учун бир ғамхўри йўқлигини айтиб ўтади. Иккинчи байт ёр озоридан шикоят тарзида кечади: лирик қаҳрамон ўз жонининг риштасини ёр ўқига нишон қилиб боғлаган ва натижада ёрнинг тиғи қаҳрамоннинг бағрини яра қилган, лекин бу жароҳатни тикишга бир ип йўқ. Кейинги байтларда ошиқ ёр ғамида тинмай кўз ёш тўкиши, ёр жафолари ва ситамларидан энди унда қарор ва ихтиёр қолмаганлигини айтади ва бу ҳолат **иштиқоқ** (*ихтиёрсиз – беихтиёрлиқ – ихтиёр)*, **такрир** (*қарор, нафас – нафас, қарор*) санъатлари воситасида баён этилади. Бешинчи байтда аввалги байтлардаги маъно кучайтирилади: ошиқ ишқда шундай беқарорки, изтироб зўридан баъзан ёр ва унинг ишқидан воз кечмоқчи ҳам бўлади, лекин ҳуши ўзига келгач, энди ишқдан эмас, балки айтган сўзидан воз кечади, яъни: “”Эй парисифат ёрим, агар сенинг ишқингни тарк этаман десам, ишонма, чунки девоналар ҳушлари жойида бўлмаганидан, нимани сўзлаётганларини билмайдилар”.

Мақтаъдан аввалги байт Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда, “мавъизатангиз байт” бўлиб, шоир “Бадоеъ ул-бидоя” девонига ёзган дебочасида ғазаллар таркибига маърифат ва мавъиза мазмунидаги байтларни киритишни девон тартиб бериш шартларидан бири сифатида айтиб ўтган эди. Шу маънода ушбу байт шоирнинг замон аҳли ва замона ҳақидаги ҳикматомуз фикрларини ўзида акс эттиради. Ундаги хулосага кўра, бу олам ташвишларидан осойиш топмоқчи бўлсанг, замона аҳлидан кўнгил уз, зеро ҳақиқий ҳаловатга фақат Ҳақ ёди ила эришиш мумкин. Ғазал мақтаъсида ушбу фикр янада ривожлантирилади: бу олам учун маст ва бехуд бўлиш ярамайди, чунки ҳақиқий беҳушлик фақат Унинг ёди билан бўлади.

Кўринадики, ёрсизлик ва ишқ азобларидан шикоят тарзида бошланган ғазал охир-оқибат орифона мазмун акс этган хулоса билан интиҳо топди, зеро буюк мутафаккир бадиий услубининг инсониятни ҳайратга соладиган сирларидан бири ҳам шундадир.

КЎКРАГИМДУР СУБҲНИНГ ПИРОҲАНИДИН ЧОКРОК...

Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок,
Кирпиким шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдум сени,
Истарам ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокрок.

Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида рахти ғамин
Ким, йўқ эрди манзил ул водийда андин покрок.

Уйла мужгон ханжариға ёпишибдур дурри ашк,
Ким, магар андин ятиме йўқтурур бебокрок.

Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санга,
Жон берурда бир қулунг йўқ бандадин чолокрок.

Одамилиқ туфроғин берса фано елига чарх,
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.

Неча ўқласанг Навоий кўнгли захминроқ бўлур,
Кўрмадук захмеки тиккан сойи бўлғай чокрок.

("Наводир уш-шабоб", 240-ғазал)

Луғат
Субҳ – тонг
Пироҳан – кўйлак, либос
Сабза – яшиллик, майса
Шодмон – хурсанд
Рахт – юк, нарса, буюм
Уйла – гўё
Мужгон – киприк
Ашк – кўз ёши
Ятим – 1) дур; 2) ботир, қўрқмас
Бебок – қўрқмас
Чолок – чаққон
Фано – йўқлик
Чарх – фалак, дунё
Захм – яра
Сойи – сайин, сари

Ғазалнинг насрий баёни:

1. Менинг кўкрагим тонгнинг кўйлагидан ҳам ямоқлироқ, кипригим эса шабнам тўкилган майсадан кўра намлироқдир.

2. Кўнглимнинг ғамгинлиги сенинг хурсандчилигингга сабаб бўлар экан, ҳар дамда қалбимнинг янада ғамнок бўлишини истайман.

3. Лайли ўз ғамининг юкини Мажнуннинг кўнглига шу сабабдан жойладики, бу водийда ушбу манзилдан кўра покроқ бошқа жой йўқ эди.

4. Кўзёш дури киприк ханжарига шундай ёпишганки, бу худди ханжардан қўрқмайдиган ботир кишини эслатади.

5. Сенинг лабларингдан жон олиб тирилиш учун барча эл сенга қул кабидир, лекин лабларинг учун жон беришда бу бандангдек чаққон ва тезкор бошқа қул йўқдир.

6. Одамийлик тупроғини бу чарх фано – йўқлик шамолига берса, оҳким, вафо аҳли каби хок – тупроқ бўлган киши йўқдир.

7. Қанча ўқ отсанг, Навоийнинг кўнгли янада жароҳатли бўлади, тикилган сари янада парча-парча бўладиган бундай ярани ким кўрган?

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида маълумот берилишича, ушбу ғазалнинг матлаъсини Навоий Мавлоно Соҳиб деган бир дарвешдан сотиб олган. Матлаъ шоирга шу даражада манзур бўлганки, уни ғазал шаклига келтириб, кейинчалик ўз девонига киритган.

Ушбу ғазалда мажоз йўли билан Илоҳга бўлган муҳаббат ифода этилган бўлиб, унда ошиқнинг руҳий ҳолати гўзал тасвир билан акс эттирилган. Матлаъдан бошланган ишқ изҳори мақтаъга қадар юксалиб, авжланиб боради.

Дастлабки байтда “субҳ пироҳани” ҳақида сўз боради. “Пироҳан” сўзи либос, кийим маъносини англатади. Ушбу байтга кўра тонг пироҳани чокдир, яъни бу кийим парчаланган. Чунки қуёшнинг чиқиши натижасида шафақ алвон тусга кирган. Офтобнинг ташрифи субҳ пироҳанини қонга ботирган. Ошиқнинг кўкраги эса тонгдан кўра чокроқ. Саҳарда шабнам майсаларга дур каби сочилади. Ошиқнинг киприклари шабнам тушган майсалардан намлироқ.

Биринчи байт кўз олдимизда ғамгин ошиқ қиёфасини гавдалантиради. Иккинчи байтда эса ошиқнинг ғамгинлигидан маъшуқнинг шодланиши маълум бўлади. Севгилиси янада хурсанд бўлиши учун ошиқ ҳамиша ғамнок юришга тайёр. Маъно жиҳатидан ўзаро қарама-қарши бўлган икки сўз – “ғамнок” ва “шодмон” ёрдамида ошиқнинг ёрга бўлган муҳаббати ёркин шаклда акс эттирилган.

Ошиқнинг қалбида ишқ ғами бор. Бу пок ғамдир. Лайли бу ғамни қўйиш учун “ул водийда” фақат Мажнуннинг қалбини муносиб топди. Зотан, ишқ кирган қалб – покизадир. Бу ифода орқали ишқ ғами аслида саодат эканлиги англашилади.

Кейинги байтда шоир киприкни ханжарга қиёслайди. Бу ханжарга кўзёш дур каби осилган. Навоий сўз ўйини воситасида дастлаб “ятим” сўзининг “дурри ятим” – ноёб гавҳар маъносига ишора қилса, ятимнинг бебоклигини кўрсатиш орқали унинг “бот**ир,** қўрқмас” маъноларига эътибор қаратади. Байтда келаётган “мужгон ханжари” ишқ тимсоли, унга осилган “дурри ашк”эса ошиқ маъносини ифодалаб келади.

Ёрнинг лабларидан жон топиш учун барча қуллар ҳозир. Аммо бу лаблар учун жон беришда лирик қаҳрамон каби чаққон бир ошиқ йўқ. Мазкур тасвир орқали ошиқнинг қалбидаги муҳаббат кучи ифодаланган. Чинакам ишқ соҳиби учун ўлим ҳам саодатдир.

Одамийлик тупроғи – камтарлик, фидойилик, содиқликдир. Тақдир бу тупроқни фано шамолида учирса, вафо аҳли каби ҳеч ким бу қадар хок (тупроқ) бўла олмайди. Бу фикр орқали шоир мажозан вафо аҳлининг фано мақомига эришмоғи ҳақида ҳам сўзлаган, деб айтиш мумкин.

Ишқ сабабли отилган ҳижрон ўқлари ошиқ қалбини чок-чок қилиб юборган, бу ярани қанчалик тикиб, даволашга интилсалар ҳам, у янада парчаланиб бораверади, зотан Ҳаққа бўлган муҳаббат висолига бу дунёда эришмоқ имконсиздир. Алишер Навоий мақтаъ орқали айнан шу ғояни илгари сурган.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг ушбу ғазали бадиият ва мазмун уйғунлиги жиҳатидан мумтоз шеъриятимизнинг ноёб дурдоналаридан бири десак, янглишмаймиз.

БЎЛСА ИКИМИЗНИНГ ЮЗИ...

Бўлса икимизнинг юзи акси суда пайдо,
Ул су не тараф борса, очилғай гули раъно.

Зулфунг ғами кўнглумни белинг фикрига солди,
Кўрким, не тахайюлға солиптур ани савдо.

Ғавғо қилур эл маҳвашлар кўйида, лекин
Маҳвашлар иши қилмоқ анинг кўйида ғавғо.

Аҳволима Фарҳод ила Мажнунға таажжуб,
Ишқ этти хирад аҳли қошида мени расво.

Ҳар сори тамошоғаким, ул шўх қилур азм,
Йўқ анга тамошоки, эрур элга тамошо.

Даврон санга зулм этса, қадаҳлар тўла май ич,
Қон ютсанг аёғлар тўла, давронға не парво.

Ул шўхки майдон аро кўрганга солур тийғ,
Кўрмасга солур, етса Навоий сари, амдо.

("Ғаройиб ус-сиғар", 35-ғазал)

Луғат
Зулф – соч
Тахайюл – хаёл
Савдо – қора, савдо
Маҳваш – ой юзли ёр

Хирад – ақл
Азм – қарор
Аёғ – қадаҳ
Амдо – қасддан, атайлаб, жўрттага

Ғазалнинг насрий баёни:

1. Иккимизнинг юзимиз акси сувда пайдо бўлса, бу сув қайси тарафга борса, ўша ерда раъногули очилади.

2. Сенинг зулфинг ғами кўнглимга белингнинг орзусини солди, кўргилки, бу ишқ савдоси мени қандай хаёлга солди?!

3. Одамлар маҳваш (ой юзли ёр)ларнинг кўчаларида ғавғо қиладилар, лекин маҳвашларнинг иши Унинг кўчасида ғавғо қилмоқдир.

4. Аҳволимни кўриб ҳатто Фарҳод ва Мажнун ҳам ажабландилар, кўргилки, ишқ мени оқиллар қошида қандай расво қилди.

5. Томоша қилиш учун ул шўх ёр турли томонларга боради, аммо унга томоша йўқ, балки эл уни томоша қилади.

6. Даврон сенга зулм қилса, қадаҳларни тўлдириб май ич, агар сен қадаҳ тўла қон ютсанг ҳам, даврон бунга барибир парво қилмайди.

7. Ул шўх майдонда кўринган кимсагага тиғ уради, аммо Навоийга келганда, атайлаб ўзини кўрмаганга солади.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси:

Мазкур ғазал юксак бадийяти ва ифодаланган ғояси билан шоирнинг нодир асарлари сирасига киради. Ғазал зоҳиран қараганда мажозий ишқ тараннуми ўлароқ таассурот қолдиради. Аммо матн билан яқиндан танишар эканмиз, мажоз воситасида ҳақиқий ишққа ишора қилинганига ҳам гувоҳ бўламиз.

Дастлабки байтда шоир ўзи ва маъшуқасининг ҳолатини тасвирлайди: гўёки у ва ёрининг юзи аксланиб, сувга тушса, бу сув оқиб борган жойдан раъногуллар очилар эмиш. Савол туғилади: нима учун айнан раъногул? Чунки раъногулда қизил ва сариқ ранг омухта бўлган. Шоир гулдаги бу хусусиятни ҳисобга олиб, унинг қизиллигини ёрнинг чеҳрасига, сариқ рангини эса ўзининг заъфарон юзига қиёс қиляпти.

Иккинчи байтда ошиқ ўзининг ишқ савдосида ақлдан озганини айтади. Унга кўра, ёрнинг сочини кўрган ошиқ унинг белидан қучишни орзу қила бошлайди. Аммо бел бошқа, зулф бошқа-ку! Демак, ишқ унинг эсидан оғдириб, шундай хаёлларга банди қилиб қўйган.

Алишер Навоий бу нозик ифода орқали ошиқнинг асл кайфиятини ёркин акс эттирган. Мазкур икки байт ошиқнинг маъшуқага бўлган чексиз муҳаббатини ифодалайди ва бу ўринда биз мажозий муҳаббат изҳорини кўриб турибмиз. Лекин навбатдаги байт ғазалнинг мазмунини кескин ўзгартиради ва унинг асл моҳиятини очиб беради:

Ғавғо қилур эл маҳвашлар кўйида, лекин
Маҳвашлар иши қилмоқ анинг кўйида ғавғо.

Юқорида тасвирланган ёр бу байтда тилга олинаётган маҳвашларни ҳам ўзига ошиқ қилган экан. Ҳолбуки, халқ маҳвашларнинг ишқида ғавғо, тўполон қилади. Савол туғилади: маҳвашларни ҳам ўзига мафтун этган ким? Бу китобхон учун, албатта, қизиқ.

Ошиқ ишқ кўйида ўз ҳолатининг ғариблигини баён қилар экан, ҳатто, ошиқлар тимсоли бўлган Фарҳод ва Мажнун ҳам унинг бу ҳолидан таажжубда эканликларини баён қилади, ишқ уни оқил кишилар орасида шундай расво қилиб қўйган.

Ғазалнинг ушбу нуқтасига қадар қуйидаги аниқ ҳолатлар баён этилди: 1) ошиқ маъшуқасини севади, агар иккиси сувга қараса, сув борган жойда гулираъно очилади; 2) одамлар ой каби гўзал бўлган маҳвашларга ошиқ, аммо маҳвашлар ҳам ғазалда тасвир этилаётган гўзалга ошиқдир; 3) ошиқ – лирик қаҳрамон ёрнинг ишқида хирад аҳли – ақлли инсонлар ўртасида расво бўлган, чунки у ишқ йўлида эс-ҳушидан айрилган.

Алишер Навоий биз ўқийдиган кейинги байтда Ёрнинг муҳим белгисини келтирган, яъни ул шўх – Ёр оламни томоша қиламан деса, жамики халойиқ уни томоша қила бошлайди:

Ҳар сори тамошоғаким, ул шўх қилур азм,
Йўқ анга тамошоки, эрур элга тамошо.

Бир қараганда оддий тасвир: Навоийга хос ўта нуктадонлик билан Ёрнинг гўзаллиги ифода этилган. Аммо бу байт Ёрнинг кимлигини бизга аниқлаб берадиган калитдир. Гап шундаки, Алишер Навоийнинг деярли барча асарларида бутун олам, коинот Оллоҳнинг қудратини кўрсатиб турувчи кўзгу деб таърифланган. Масалан, “Ҳайрат ул-аброр” достонида Оллоҳ оламни ўзи учун кўзгу этиб яратди, ўзи ҳам нозир (назар солувчи), ўзи ҳам манзур (назар солинган) деган фикр илгари сурилган.

Шу маънода, инсон атрофга назар солиб, Оллоҳнинг қудратини, Оллоҳнинг жамоли нурини кўриши мумкин. Байтда тилга олинган Ёрнинг *томоша қилгани ҳар сори бориши* Оллоҳ таолонинг қудрати бутун оламни қамраб олганига ишорадир. Эл эса уни томоша қилиши – инсон Оллоҳнинг қудратига, санъатига лол қолишини билдиради.

Демак, англашиладики, лирик қаҳрамоннинг қалбидаги ишқ бу дунёвий, авомга хос бўлган ишқ эмас, балки ўзини яратган Зотга бўлган муҳаббатдир. Аммо бу муҳаббатнинг ҳижрони оғир, ғами оғир. Бу тоифа ошиқ тақдирнинг – давроннинг зулмини ҳаммадан кўра кўпроқ ҳис этади, бу зулмдан қутулиш учун эса, қадаҳ тўла май ичиш керак, яъни Оллоҳ зикри ила қалбини дунё ғамларидан озод этиш керак, шу энг мақбул йўл. Чунки давронга инсонлар қон ютадими, май ичадими фарқи йўқ:

Даврон санга зулм этса, қадаҳлар тўла май ич,
Қон ютсанг аёғлар тўла, давронға не парво.

Мақтаъда Алишер Навоий ул шўх – Ёр майдон аро ким унга қараса, тиғ билан ҳалок этаётганини тилга олган, аммо у атайлаб ўз ошиғига қарамайди, яъни унга тиғ урмайди. Бу ердаги тасвир тасаввуфдаги инсоннинг ҳоли билан боғлиқ. Яъни зикр билан қалби маст бўлган кишининг кўнглида Оллоҳнинг нури акс этади, бу нур эса уни оламдан узади. Шоир *Ул шўхки майдон аро кўрганга солур тийғ* мисраси орқали ушбу ҳақиқатга ишора қилган, *Кўрмасга солур, етса Навоий сари, амдо* мисрасида айтилганидек, Ёр лирик қаҳрамонни

кўрса ҳам, кўрмасликка олиши орқали шоир бу ишқ йўлида жон беришга тайёрлигини, лекин бунга эриша олмаётганини баён этган.

Кўриб ўтганимиздек, мазкур ғазал Алишер Навоийнинг бадиияти юксак, мазмуни чуқур асарлари сирасига мансуб бўлиб, унда ҳам мажозий, ҳам ҳақиқий ишқ тасвирига оид маъно қатламларини топиш мумкин.

ЁРДИН ҲИЖРОН ЧЕКАР УШШОҚИ ЗОР

Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар,
Неча тортай ҳажр, чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.

Ёр ишқин асрағил пинҳон, дебон саъй этмангиз,
Ваҳ, не навъ этгум йўқ ишни ошкор, эй дўстлар.

Ишқ бирла гар биров лофи вафову аҳд урар,
Ишвагарлар аҳдиға йўқ эътибор, эй дўстлар.

Айламанг бекаслигимни таън, бир кун бор эди
Менда ҳам бир нозанин чобуксувор, эй дўстлар.

Ёрсиз вайронда қон йиғлармен охир, сиз қилинг
Ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар.

Ёрсиз ифрот ила гар йиғласам, айб этмангиз
Ким, эрур бу иш манга беихтиёр, эй дўстлар.

Дўстлуқ айлаб тутунг гаҳ-гаҳ лаболаб жомким,
Қасди жон қилмиш манга дарди хумор, эй дўстлар.

Май ичингким, даҳр эли ичра кўп истаб топмадуқ
Аҳду паймонида бўлғон устувор, эй дўстлар.

Ёрингиз васлин ғанимат англабон шукр айлангиз
Ким, Навоий ўлди бекасликда зор, эй дўстлар.

(“Бадоеъ ул-васат”, 140-ғазал)

Луғат:
Ушшоқ – ошиқлар
Ҳажр – айрилиқ, фироқ
Саъй этмоқ – ҳаракат қилмоқ, уринмоқ
Не навъ – қандай қилиб
Бекас – ёлғиз, кимсасиз
Ишвагар – нозу карашма қилувчи

Таън – таъна, маломат
Чобуксувор – от минувчи, чавандоз; бу ўринда: ёр
Ифрот – ҳаддан ошиш, кўпайиш, тўлиб-тошиш
Лаболаб – тўла, лиммо-лим
Даҳр эли – дунё аҳли

Ғазалнинг насрий баёни:

1. Эй дўстлар, ошиқ аҳли ёрнинг фироқида изтироб чекади, менда эса бундай изтироб йўқ, чунки менинг ёрим йўқ.
2. Эй дўстлар, "ёр ишқини овоза қилма, сир сақлагин" деб панд-насиҳат қилишга уринманг, ахир қандай қилиб йўқ нарсани ошкор қилишим мумкин?
3. Эй дўстлар, агар бирор кимса ишқ йўлида аҳду вафо ҳақида лоф урса, эътибор берманг, чунки ишвагарлар аҳду вафосига жиддий қараб бўлмайди.
4. Эй дўстлар, менинг ёлғиз эканлигимни таъна қилманг, менда ҳам бир вақтлар бир нозанин ёр бор эди.
5. Эй дўстлар, мен вайронада ёрсиз қон йиғлаб, изтироб чекаман, сиз эса ёрингиз билан боғу лолазорни сайр қилинг.
6. Эй дўстлар, ёрсизликда ҳаддан ортиқ кўп йиғласам, мени айб қилманг, чунки бу ҳол менинг ихтиёримдан ташқарида рўй беряпти.
7. Эй дўстлар, дўстлик кўрсатиб, менга ҳар дам май тўла жомдан беринг, чунки хумор дарди жонимга қасд қиляпти.
8. Эй дўстлар, сиз ҳам май ичинг, чунки бу дунё кишилари орасида аҳду паймонида устувор бўлган кимсани учратмадик.
9. Эй дўстлар, ёрингиз висолидан баҳраманд эканлигингизни ғанимат билиб, шукур қилинг, чунки Навоий ёлғизу кимсасизликда (ёрга) зор бўлди.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Мазкур ғазал лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ва изтиробларини ифодаловчи "шарҳи ҳол" йўсинида ёзилган бўлиб, шоирнинг ўрта ёш лирикасига мансубдир. Ғазалда "эй дўстлар" радифи орқали замон аҳлига мурожаат қилинади ва бу мурожаат шеърда бошдан оёқ ***нидо*** санъатининг етакчилик қилишини таъминлайди. Шеърда шоир ўзининг бекас, кимсасизлиги ҳақида сўз юритар экан, ўз ўтмишидаги яширин бир нуқтага ҳам ишора қилиб кетади, яъни "менинг ёлғиз эканлигимни таъна қилманг, менда ҳам бир вақтлар бир нозанин ёр бор эди". Бу байт навоийшуносликдаги "Алишер Навоий ёшликда бир гўзалга кўнгил қўйган" деган қарашларнинг асосли эканлигини кўрсатади. Шунингдек, шоир умрининг охирларида ёзилган "Лисон ут-тайр"даги

Бир неча кун умрдин топсам амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон.
Анда билгай кимгаким инсофдур
Ким, сўзум чинмудурур ё лофдур,

каби мисралар ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Кўринганидек, ғазалнинг дастлабки тўрт байтида ёр тимсоли орқали гўзал маъшуқа тушунилса, бешинчи байтдан бошлаб ёр тимсолининг ифода қатлами кенгая боради, энди бу тимсол орқали дўст, пири комилни тушуниш мумкин бўлади ва унга муҳаббат орқали илоҳий қудрат кашф этилади.

Кейинги байтлар "навоийёна услуб"нинг яна бир жилвасини ўзида намоён қилади: шарҳи ҳол йўналишидаги ғазал таркибига орифона маъно юкланади:

Ёрсиз вайронда қон йиғлармен охир, сиз қилинг
Ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар.

Бир қарашда ушбу байтда ошиқнинг вайронада ёрсиз қолиб, қон йиғлаётгани тасвири келтирилаётгандек. Аслида байтдаги "вайрон"дан мақсад ***бу дунё,*** "ёр бирла гашти боғу лолазор" қилиш эса ***пири комил*** васлидан баҳраманд бўлишдир. Кейинги байтларда Навоий "ёрсиз"лик азоби тасвирини кучайтирар экан, бу азобнинг чораси сифатида май ичмоқликни тараннум этади, зеро май бу ўринда илоҳий файз рамзи. Шоирнинг фикрича, бу дунёга кўнгил қўйганлар орасида вафо аҳлини топиш қийин, фақат илоҳий файз туфайлигина абадий саодатга эришиш мумкин.

Умуман олганда, ҳазрат Навоийнинг ушбу ғазали орифона мазмунни мажозий тасвир ва нозик ишоралар орқали баён этиши билан мумтоз шеъриятимизнинг ноёб дурдоналари сирасига киради.

КЎНГЛУМ ЎРТАНСУН...

Кўнглум ўртансун агар ғайрингға парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқингни пайдо айласа.

Ҳар киши васлин таманно айласам навмид ўлай,
Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа.

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.

Ғайр зикрин ошкоро қилса лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.

Рашкдин жонимға ҳар наргис кўзи бир шуъладур,
Боғ аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмағай,
Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа.

Офият жонимға етти, эй хуш ул муғким, мени
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.

Келтурунг дафъи жунунумға парийхон, йўқ табиб
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.

Субҳдек бир дамда гардун қўймағай осорини,
Ногаҳ аҳли сидқ кўнгли меҳрин ифшо айласа.

Даҳр шўхиға, Навоий, сайд бўлма нечаким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.

Луғат:
Ғайр – бегона, ўзга
Навмид – ноумид
Таманно – истак, хоҳиш, орзу
Нукта – сўз
Жунун – телбалик, девоналик
Офият – тончлик, хотиржамлик
Муғ – мажусий, ошташпараст; мажозан бу ўринда ориф инсон
Харобот – вайрона, мажозан бу ўринда пири комил маскани
Парийхон – дуохон, азайимхон, сеҳр жоду қилувчи
Ансаб – муносиб
Узор – юз, чеҳра
Ифшо – фош қилинган, ошкор қилинган
Сайд – ов
Мутарро – тозаланган, паришон
Аҳли сидқ – валийлар
Даҳр шўхи – дунё гўзали
Субҳ – тонг
Гардун – фалак

Ғазалнинг насрий баёни:

1. Агар Сендан бегонага эътибор қилсам ва бошқа кўнгил ҳам Сенинг шавқингни уйғотса, менинг кўнглим ўртансин, куйсин.

2. Агар бошқа ёрларнинг васлини орзу қилсам, ноумид қолиб кетай, агар бошқа киши ҳам Сенинг васлингни истаса, у ҳам ноумид бўлсин.

3. Ўзгаларнинг ҳуснини томоша қилсам, кўзим чиқсин. Агар бошқа бир кўз ҳам Сенинг ҳуснингни томоша қилса, у ҳам кўр бўлсин.

4. Агар бошқа бировнинг номини айтадиган бўлсам, тилим соқов бўлсин. Мабодо, бошқа бир тил ҳамки, Сенинг исмингни зикр қилса, у ҳам шундай бўлсин.

5. Боғда ногаҳон ул сарви раъно хиром қилса, унга термилган ҳар бир наргисдан рашк қиламан, наргис кўзи шуъла каби жонимни куйдиради.

6. Агар қуёш ўзининг ҳар бир заррасидан тирилтиргувчи бир Масиҳ пайдо қилса ҳам, йўқ оғиздан чиройли сўзловчи маҳвашимдек бўлолмайди.

7. Агар у оташпараст руҳоний бир қадаҳ билан мени вайрона ичра расво қилса, жоним ором топган бўлар эди.

8. Жунунимни дафъ этгали табиб эмас, азайимхон келтиринг, чунки кимни пари ўзига шайдо қилса, уни даволагани албатта, парийхон керак.

9. Агар сидқ аҳли – авлиё инсонлар кўнгли Унинг меҳрини фош этса, осмон тонг ёғдуси каби ўз нурини бир лаҳза қўймай тўкаверади

10. Кун юзига тун ўз зулфини паришон қилиб ёйса ҳам, эй Навоий, дунё гўзалига асир бўлма!

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Алишер Навоийнинг ушбу ғазалини устоз олим Нажмиддин Комилов “Рашкнома” деб атаган эди. Чунки ғазалда ошиқнинг қалбини куйдирган рашк алангаси яққол сезилиб турибди.

Ғазалда мажозий йўл билан Ҳаққа бўлган муҳаббат акс этган. Бир қарашда бу китобхонга сезилмайди. Бироқ қайта-қайта мутолаа қилиш давомида бу ҳолатни ҳис қилиш мумкин. Дастлабки байтлар инсоний муҳаббат изҳорлари сифатида янграйди: *Кўнглум ўртансун агар ғайрингға парво айласа...* Кейинги мисра ҳам буни тўлдиради ва ошиқнинг муҳаббати мақомини, садоқатини янада аниқроқ кўрсатади: *Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқингни пайдо айласа.*

Ғазалнинг марказида *уч қаҳрамон* ҳаракатланишига гувоҳ бўламиз. Бу қаҳрамонларнинг ҳолати, вазияти ва мақоми ҳақида бемалол тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Биринчи қаҳрамон – ошиқдир. У чин маънода ошиқ. Севгилиси ҳажрида куйиб-ёнаётган мажнун. У ўз ҳолатини баён этади. У маъшуқасига қарата шарҳи ҳол қилади. Ўз-ўзидан ғазалда *иккинчи қаҳрамон* – маъшуқа кўзга ташланади. У гарчи бирор сўз айтмаса ҳам, ошкора мулоқотга киришмаса ҳам, ошиқнинг изҳорлари орқали унинг кайфияти, таманноси англашилади. Маъшуқа шубҳасиз гўзалликда тенгсиз, мисли паридир.

Шу маънода ғазални шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисм (дастлабки тўрт байт)да ошиқнинг ўз маъшуқасига қарата дил изҳори баён қилинади, яъни ошиқ ва маъшуқанинг мулоқоти бўлиб ўтади. Иккинчи қисм (бешинчи байт)дан бошлаб ошиқ учинчи бир киши билан суҳбатга чоғланади. Энди унинг хитоб қилувчиси ўзгаради: ғазалнинг бешинчи – тўққизинчи байтларида шоир ўз ҳолати ҳақида кўзга кўринмаётган бир мусоҳибга мурожаат қилиб, ўз ҳолатини тушунтиради:

Рашкдин жонимға ҳар наргис кўзи бир шуъладур,
Боғ аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Еттинчи байтда лирик қаҳрамон ўз муддаоси пири комил ҳузури эканлигини *муғ* ва *харобот* тимсоллари орқали баён қилади.

Саккизинчи байтда шоир бевосита ўз суҳбатдошига ҳатто илтимос ҳам қилади:

Келтурунг дафъи жунунумға парийхон, йўқ табиб
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.

Мақтаъда шоир ўзига ўзи мурожаат қилади, дунё гўзалига алданиб, унинг қўлига асир тушмаслик зарурлигини уқтиради. Бу ўринда шеърда шоирнинг ўзи ошиқ сифатида гавдаланар экан, унинг позицияси яққол намоён бўлади.

Ғазалнинг иккинчи қисмидаги байтларга асосланиб, юқоридаги уч тимсолни рамзий маънода талқин қилиш ҳам мумкин. Маълумки, мумтоз адабиётимизда, айнан Алишер Навоий ижодида маъшуқа кўп ҳолларда Ҳақнинг жамолини, ҳуснини ифодалаб келади.

Шоирнинг кўплаб ғазалларида, айниқса, "Хамса" достонларида оламни йўқлик зулматидан борлиқ гулшанига келиши Ҳусн қуёшининг порлаши сабабидан бўлди дейилган. Шу маънода, ғазалдаги маъшуқа айнан Ҳақ жамолининг тажаллийси деб тасаввур қилиш мумкин. Ҳақ жамоли эса уни зикр қилган қалбларда жилва қилади. Шундан келиб чиқиб, дастлабки икки байтга кўра, кўнгил Ҳақдан бегонага парво қилса, ошиқ бу кўнгилнинг куйиб кетишини истайди. Ёки бу кўнгил Ҳақ зикридан чалғиб, бошқа бир кўнгилга шайдо бўлса, шубҳасиз, ўртангани маъқул.

Оламда Ҳақнинг қудрати акс этар экан, буни кўрмайдиган ва ўзга бир кўзга ўз ҳолатини кўрсатиб қўйса, ошиқ кўзининг кўрмай қолгани яхши.

Ҳақ зикри пинҳон бўлиши керак. Уни одамларга билдириш ошиққа хос эмас. Аммо агар у ёки бошқа яна кимдир шундай қилса, тил гунг бўлсин.

Ул сарви раънонинг боғ аро хиром қилиши ошиқнинг рашкини кўзғатади. Чунки боғдаги наргис гуллари унга термилган. Уларнинг кўзлари шуъла каби ошиқ қалбини ёндиради.

Байтдан байтга кўчаркан, туйғулар ва ҳол тасвири теранлашиб боради, ошиқнинг ҳажрда қолган қалбини, пири комилга бўлган эҳтиёжини ҳис қиламиз. Мақтаъдан олдинги байтда Алишер Навоий сидқ аҳли – валийлар кўнглидаги қуёшни тилга олган. Уларнинг кўнглидаги қуёш Ҳақнинг зикридир. Агар бу зикр фош бўлса, қуёш порлагани сайин тонг не қадар зудлик билан ғойиб бўлса, бу оламга, ўткинчи дунёга бўлган муҳаббат ҳам шу қадар йўқ бўлади, ундан асар ҳам қолмайди.

Ғазал мақтаъсида таъкидланган даҳр шўхи – дунё гўзаллигидир. Унга алданиб қолмаслик керак. Гарчи у ўз чиройини намойиш қилса ҳам.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, ушбу ғазалда мажозий муҳаббат тасвири воситасида Ҳаққа бўлган муҳаббат сувратлантирилган, соликнинг қалбидаги жазба сўзга кўчиб ўтган.

Адибнинг туйғулари нозик ва теран бўлса, кўнгли нафис ва покиза ҳисларни ўзида акс эттирса, ана шундай гўзал ғазаллар ёзилади. Шубҳасиз, бу ғазал ҳам Алишер Навоий мушоҳадасининг яна бир бетакрор намойишидир.

БЕДИЛИНГ ХАЙЛИ РУСУЛ...

Бедилинг хайли русул, сенсен аларға дилрабо,
Ё набий, руҳий фидок аҳлан ва саҳлан марҳабо.

Гоҳ давлатлиқ бошингдин кетмайин чатри саҳоб,
Гаҳ фалакрав маркабингға етмайин пайки сабо.

Шоми васлинг топмағанға субҳи содиқ ҳар саҳар,
Панжайи хуршид ила пироҳанин айлар қабо.

Туфроғ ўлмиш, мен қўяй деб остонбўсунгға юз,
Ҳолима раҳм айлабон қилма бу ранжимни ҳабо.

Шери гардун ул кишига бўйни боғлиғ бўлғай ит
Ким, эшигинг итларин топқай ўзига ақрабо.

Бўлмағай эрди муяссар "Хамса", яъни панж ганж,
Қилмаса эрди мадад ҳолимға беш оли або.

Эй Навоий, чорайи дардингни қилғай улки бор
Ҳам расулу ҳам амин, ҳам мустафо, ҳам мужтабо.
"Наводир уш-шабоб", 7-ғазал

Луғат

Бедил – ошиқ, мафтун

Хайли русул – пайғамбарлар гуруҳи

Руҳий фидока аҳлан ва саҳлан марҳабо – Жоним Сенга фидо бўлсин, хуш келибсан, марҳабо!

Чатри саҳоб – булут чодири

Фалакрав – фалак бўйлаб юрадиган

Маркаб – улов

Пайки сабо – тонгги шамол элчиси

Субҳи содиқ – ҳақиқий тонг (саҳар вақтидан аввалги ёришув вақти)

Хуршид – қуёш

Пироҳан – ёқа

Қабо – эркакларнинг узун ва кенг устки либоси

Остонбўс –остона ўпиш, хизматкорлик

Ҳабо – чанг, тўзон; беҳудага кетказмоқ

Шери гардун – осмон (тақдир) шери; илми нужумга кўра, осмоннинг ўн икки буржидан бири (асад)

Ақрабо – яқинлар, қариндошлар

Оли або – Пайғамбаримизнинг тўнлари остидаги беш киши

Амин – ишончли, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) лақаблари

Мустафо – танланган, сайлаб олинган, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) лақаблари

Мужтабо – танлаб олинган, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) лақаблари

Ғазалнинг насрий баёни:

1. Барча пайғамбарлар сенинг мафтунингдирлар, Сен улар учун дилрабосан. Ё Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Сенга жон фидо бўлсин, марҳабо, хуш келибсан!

2. Давлатли бошингдан булут чодири кетмайди, гоҳида фалакларни кезадиган уловингга тонг шамолининг элчиси ҳам етолмайди.

3. Васлинг шомини топмаганидан ҳар саҳар вақтида субҳи содиқ қуёшнинг панжалари билан ўз қабосининг ёқасини чок айлайди.

4. Юзим остонангни ўпай деб тупроққа айланиб кетмиш, ҳолимга раҳм қилиб, шунча ранжимга бир мурувват кўрсат, бу ранжларимни беҳудага чиқарма.

5. Кимки Сенинг эшигингдаги итларни ўзига яқин, қариндош деб билса, ҳатто осмон шери ҳам унинг қўлида худди бўйни боғланган итга ўхшаб қолади.

6. Агар ул олий оиланинг беш нафар улуғи ҳолимга мадад бўлиб турмаса, менга "Хамса", яъни беш хазина муяссар бўлмас эди.

7. Эй Навоий, дардингга чора қиладиган бир одам бор, у ҳам расул, ҳам амин, ҳам мустафо, ҳам мужтабодир.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси:

Мумтоз адабиётимизда пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мақтовига бағишлаб ёзилган асарлар наът деб аталади. Алишер Навоий ижодида наът мавзусидаги шеърлар икки йўналишда: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) васфи ва меърож туни таърифи билан боғлиқ ҳолда битилган.

Васф наът ғазалларда Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) турли сифатлари васф этилади. Бунда у кишининг ташқи кўринишларидан тортиб, юксак ахлоқлари тилга олинади, қиёмат куни Оллоҳ таолодан ўз умматларининг гуноҳлари учун афв тилашлари айтилади.

Меърожнома наът ғазалларда эса Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Оллоҳнинг амри ила Буроқ номли уловга миниб, арши аълога кўтарилганлари баён қилинади. Бу воқеа рўй берган тунни Навоий "шоми уруж" (юксалиш кечаси) деб атайди. Мазкур ҳодиса фақат пайғамбар учун эмас, балки инсоният учун ҳам ўта аҳамиятли эканига урғу қаратилади. Баъзан мана шу икки хил мазмуннинг бир ғазалда ифода этилганини ҳам кузатиш мумкин. Биз ўрганаётган ғазал ана шундай наът ғазаллар сирасига киради.

Ғазалнинг матлаъси – биринчи байтида Алишер Навоий Расуллулоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсониятга юборилган барча пайғамбарларнинг афзали, балки уларнинг султони, энг гўзали, энг улуғи эканини баён қилган: *"Бедилинг хайли русул, сенсен аларға дилрабо".*

Яъни шоир *бедилинг хайли русул* дейиш билан Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мурожаат қилмоқда: "Эй Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)! Барча пайғамбарлар Сенинг мафтунингдир, чунки Сен улардан афзалсан, фазилатлисан, шунинг учун уларга Сен дилрабосан!"

Ё набий, руҳий фидока аҳлан ва саҳлан марҳабо мисраси орқали Алишер Навоий Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз жонини фидо қилишга тайёрлигини изҳор этган: "Эй Оллоҳнинг элчиси! Жоним Сенга фидо бўлсин, хуш келибсан, марҳабо!"

Иккинчи байтнинг илк мисрасида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Оллоҳ томонидан улуғликка муносиб кўрилгани айтилади: "Давлатли бошингга соя қилиб туриш учун булут чодири кетмайди".

Навбатдаги мисра мазмунан уни давом эттиради: "Фалакларда қадам босиб юрадиган уловингга тонг элчиси ета олмайди".

Манбаларда Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) соя қилиб туриш учун бир булут у кишининг бошида доимо эргашиб юргани ва ҳеч қачон тарк этмагани айтилган. Булутни фақат пок, эътиқодли инсонлар кўра олишган. Мисрада ана шу мўъжизага ишора қилинган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) меърожда етти қават фалакдан ўтиб арши аълога чиққач, ул Зотга ҳамроҳлик қилган элчи фаришта Жаброил (алайҳиссалом) шундай дейди: “Мен бу чегарадан ўта олмайман, шу ерда қоламан, қолганига ўзингиз борасиз”.

Навоий *Гаҳ фалакрав маркабингға етмайин пайки сабо* мисрасида *фалакрав маркаб* деганда Буроқни, *пайки сабо* деганда Жаброилни (алайҳиссалом) назарда тутган.

Ҳар икки мисра бошида келаётган *гоҳ... гоҳ...* айирув боғловчисидан мақсад – бу каби мўъжизалар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) учун одатий ҳол бўлганини таъкидлашдир.

Навбатдаги байтда шоир Алишер Навоий Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мурожаат сифатида давом этиб, васл шомини топа олмаганлар учун армон борлигини таъкидлар экан, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Меърож кечасида Оллоҳ билан роз айтишганларига ишора қилади. Байтда меърож ҳодисасининг тунда бўлиб ўтганлиги ва унга етиша олмаганларнинг ҳолати панжаи хуршид (қуёш панжаси) воситасида тасвирланиши қуёшнинг тунни кўра олмаслигига ишорадир. Байтда *“шоми васлинг топмаған”* дейилганда зоҳиран коинотдаги барча жисмлар, ҳодисалар, фаришталар ва қисман Жаброил (алайҳиссалом) назарда тутилган деб ҳам айтиш мумкин, чунки юқорида айтилганидек, Пайғамбаримиз Оллоҳ васлига эришганларида атрофда улардан бошқа ҳеч кимса йўқ эди. Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳи ат-тарруф” асарида келтирилишича, айнан меърож ҳодисасидан сўнг иймон келтирганлар ва куфр аҳли орасидаги чегара аниқ бўлган. Шунга кўра, қуёшдек ёрқин ҳақиқатни тан олгиси келмай, кофир бўлган кимсаларнинг ҳолати ботинан *“шоми васлинг топмаған”* ибораси орқали келтирилганлигини кўриш мумкин.

Кейинги байтдан бошлаб шоир ўз ҳолини баён этади. У пайғамбар остонасига юз қўйишни истайди, бу йўлда унинг юзи бамисоли тупроқ бўлган. Шоир бу йўлда чеккан шунча заҳмати бекор кетмай, лутф кўришни умид қилади.

Бешинчи байтда шоир Пайғамбарнинг эшигидаги итлари ҳам мартаба юзасидан осмон шери (асад)дан юксакда эканлигини таъкидлар экан, ушбу итларни ўзига яқин, қариндош деб билган кишига ҳатто осмон шери ҳам тобе бўлиши мумкинлигини айтиб ўтади.

Кейинги байтда шоир “Хамса” ёзишда руҳоний қувват бериб турган *оли або*ни тилга олади ва уларнинг беш киши эканлигини таъкидлайди. “Алишер Навоий қомусий луғати”да айтилишича, оли або деганда “...беш киши: Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.), Али ибн Абу Толиб, Биби Фотима – Пайғамбаримизнинг қизлари ҳамда Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн – Пайғамбаримизнинг неваралари назарда тутилади. Жомийнинг “Шавоҳид ун-нубувва” асарида берилишича, оли або Аббос ибн Абдумутталиб ва унинг оиласи аъзоларига нисбатан ҳам қўлланилган”. Навоий бунда сўз ўйини воситасида “Хамса”нинг беш достондан иборат эканлигига ҳам ишора қилган. Ушбу байт мазкур ғазалнинг шоир бешлиги якунланганидан кейин яратилганлигини билдиради.

Мақтаъда шоир ўз дардига фақат расул (элчи), амин (ишончли), мустафо, мужтабо (танлаб олинган) каби сифатлар эгаси бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чора топиб беришларини таъкидлар экан, шу орқали ўзининг ул Зотга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати ва у кишининг шафоатига муяссар бўлиш истагини ҳам баён қилади.

Гарчи ушбу ғазал шоирнинг йигитлик даврига оид девони – “Наводир уш-шабоб”дан ўрин олган бўлса ҳам, унда шоир томонидан “Хамса”ни якунлашдан қониқиш ҳиссининг баён қилинганлиги мазкур ғазалнинг 1485 йилдан кейин яратилганлигини ва “Хазойин

ул-маоний” куллиётидаги ғазалларнинг девонларга хронологик тартибда жойлаштирилиш тамойили шартли эканлигини кўрсатади.

БОРМАКИМ, БИР ДАМ ЎЗУМНИ...

Бормаким, бир дам ўзумни била олмон сенсиз,
Келки, бир лаҳза таҳаммул қила олмон сенсиз.

Чиқма кўнглумдин, ўлар вақтким ул ғурбатда,
Жону тан кишваридин айрила олмон сенсиз.

Бода базмида нишотим тиласенг, соқий бўл
Ки, майи кавсар ичиб, очила олмон сенсиз.

Майи ишқинг била бехудмен, агар ҳуш манга
Истасанг, кел бериким, ойила олмон сенсиз.

Гулу булбулдек отим сенсиз эмас эл тилида,
Шукрким, сўзда доғи айтила олмон сенсиз.

Не ғам оворалиғим, жоним аро чун сенсен,
Истаган элга доғи топила олмон сенсиз.

Чун Навоий сени кўрмай нафасе билмас ўзин,
Бормаким, бир дам ўзумни била олмон сенсиз.

(“Бадоеъ ул-васат”, 221-ғазал)

Луғат:
Таҳаммул – сабр-тоқат, чидам
Ғурбат – ғариблик, мусофирлик
Кишвар – мамлакат, ўлка
Бода – май
Нишот – шодлик, хурсандлик
Соқий – май қуювчи
Кавсар – жаннат сувининг номи, жаннатдаги булоқ
Бехуд – ўзидан кетган, ҳушсиз
Ойилмоқ – ҳушёр бўлмоқ, ўзига келмоқ
Доғи – тағин, яна
Нафасе – бир дам

Ғазалнинг насрий баёни:
1. Кетма (эй ёр), сенсиз бир дам ҳам ўзимни била олмайман. Келгилки, бир лаҳза ҳам сенсиз сабру тоқат қила олмайман.

2. Сен менинг кўнглимдасан (эй ёр), кўнглимдан чиқма, сенсиз мусофирликда ўладиган бўлсам, бу жисм мамлакатидан сенсиз айрила олмайман.

3. Агар май базмида менинг хурсандчилигимни истасанг, май қуювчи (соқий) бўл, чунки сен бўлмасанг, жаннат сувини ичсам ҳам, шод бўлолмайман.

4. Сенинг ишқинг майи билангина ҳушсиз (маст) бўламан, агар менинг ақл ҳушдан бегона бўлмаслигимни истасанг, бери келки, сенсиз ҳушёр ҳам бўлолмайман.

5. Халқ ошиқлар ҳақида гапирганда, "гулу булбул"ни тилга олади, шукурлар бўлсинки, сенсиз эл тилида номим ҳам айтилмайди.

6. Ишқ йўлида овораю сарсон эканимдан сира ғамим йўқ, чунки жоним ичра жон сенсан. Мени қидирганлар ва кўрмоқ истаганлар сенсиз асло топа олмайдилар.

7. Навоий сени бир нафас кўрмаса, ўзини билолмай қолади. Кетма (эй ёр), сенсиз бир нафас ҳам ўзимни била олмайман.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ишқий мавзуда бўлиб, ёрга мурожаат тарзида ёзилган. Маълумки, мумтоз адабиёт, хусусан Алишер Навоий ижодидаги анъанага кўра, "ёр" жумласи остида гўзал маъшуқа билан бирга дўст, пири комил, Пайғамбаримиз (с.а.в.), Аллоҳ ҳам назарда тутилади. Мазкур ғазал юқоридаги маъно қатламларининг ҳар бирини муайян тарзда мужассамлаштира олиш хусусияти билан шоирнинг ўзига хос ғазаллари сирасига киради. Ғазал лирик қаҳрамоннинг ёрсиз бир лаҳза ҳам яшай олмаслик ҳақидаги иқрори билан бошланиб, яна шу иқрор билан якун топади. Бу иқрор ғазалда ***раддул матлаъ*** санъати воситасида намоён бўлган. Яъни ғазални бошлаган "Бормаким, бир дам ўзумни била олмон сенсиз" мисраси бевосита яна унинг якунини таъминлаган, бошқача айтганда, ғазални бошлаган мисра ғазални якунлаган. Мумтоз адабиётдаги ишқ талқинига кўра, ёр ошиқнинг кўнглида макон тутади, кўнгил эса жисм мамлакатининг шоҳидир. Агар ёр кўнгилни тарк этса, жон жисмни тарк этгани билан баробардир, ғазалнинг иккинчи байтида ана шу маъно мужассамлигини кўриш мумкин. Учинчи байтда лирик қаҳрамон ёрнинг май базмида соқий бўлишини истаяпти, чунки фақат ёр май қуйсагина, ошиққа шодлик онлари насиб этиши мумкин. Агар мажозий маънода ***соқий***ни устоз ва пири комил деб талқин қилсак, байт мазмуни ойдинлашади: илоҳий ишқ файзидан фақат устоз ёрдамидагина баҳраманд, бу баҳрамандлик орқали эса шодумон бўлиш мумкин. Байтда "ёрсиз жаннат майини ичиб ҳам маст бўла олмаслик" билан боғлиқ фикрларнинг келтирилиши ҳақиқий ошиқнинг мақсади жаннат эмас, балки Ёр (Аллоҳ) висоли эканлигига ишорадир. Кейинги байтда ушбу маънонинг янада кенгайиб, чуқурлашиб борганлигини кўриш мумкин.

Халқда, шу орқали адабиётда ошиқ маъшуқларни гулу булбулга менгзаш бор. Эл тилида гул булбулсиз, булбул гулсиз таъриф қилинмайди. Бешинчи байтда лирик қаҳрамон ёрга мурожаат қилиб, агар у бўлмаса, ўзининг ошиқ сифатидаги номи ҳам халқ орасида тилга олинмаслиги, навоийёна таъбир билан айтганда, "сўзда айтила олмас"лигига шукрона келтиради. Ғазалнинг ушбу ва юқоридаги байтларида шоирнинг ғоят усталик ва маҳорат билан "сенсиз" радифини ёрсизлик билан боғлиқ барча ҳолатлар учун қўллаб, ажойиб поэтик ташбеҳлар яратганлигини кузатиш мумкин. Кейинги байт ҳам шу фикрни далиллайди: ошиқ ёрсиз овораю сарсон, бундан унга ғам йўқ, ким уни топмоқчи бўлса, энди излаганнинг ўзи овора бўлади, чунки ошиқни ёрсиз топиш амри маҳол. Мазкур икки байт энди ғазалдаги дунёвий мазмуннинг торайиб, мажозий маъно қатламлари кенгайиб бораётган-

лигини кўрсатади. Ғазалнинг ҳар бир байтини ёрсизлик ҳолатининг муайян тарздаги таърифига бағишлаган шоир мақтаъни умумий хулоса сифатида ёрсиз бир нафас ҳам яшай олмаслиги ёки сўз ўйини тарзида қарасак, нафас ҳам ололмаслиги ("нафасе билмас") билан боғлиқ иқрор билан якунлайди.

Умуман олганда, мазкур ғазал Алишер Навоийнинг бадиияти юксак, мазмуни чуқур асарлари сирасига мансуб бўлиб, ундан ҳам дунёвий, ҳам мажозий маъно қатламларига доир фикрларни топиш мумкин.

МАНГА ЎЛМАКЛИК ЭРУР...

Манга ўлмаклик эрур ҳажрда осон сенсиз,
Ўлайин, лек даме бўлмайин, эй жон, сенсиз.

Жонсиз имкони нафас йўқ кишига, ваҳки, манга
Не учун тинмас экин бир нафас афғон сенсиз.

Барқ ила раъдчадур тоғ уза мен мажнунға,
Кечалар оҳ била нолаи пинҳон сенсиз.

Тушмасин кимсага бу навъ қатиқ кунки, манга
Буйлаким, қолмишам ўз ҳолима ҳайрон сенсиз.

Қилмағай танға ажал дарду балоси жонсиз,
Жонға зулмики қилур меҳнати ҳижрон, сенсиз.

Чарх ҳажрингда яқиндур бошима емрулгай,
Кўр, нелар келтурадур бошима даврон сенсиз.

Бўлса васлингда Навоий йўқ ажал мумкин анга,
Лек бир лаҳза ҳаёт анга не имкон сенсиз.

("Фавойид ул-кибар", 221-ғазал)

Луғат
Даме - бир нафас
Афғон - фиғонлар
Барқ - яшин, чақмоқ
Раъд - момақалдироқ
Пинҳон - яширин
Бу навъ - бу каби
Буйлаким - гўёки
Меҳнат - машаққат
Чарх - фалак
Емрулмоқ - қуламоқ, емирилиб тушмоқ

Ғазалнинг насрий баёни

1. Менга сенсиз ҳижронда қолмоқликдан кўра ўлмоқлик осондир, эй жон, ўлишга розиман, лекин бир нафас ҳам сенсиз қолмоқликка рози эмасман.

2. Инсон жонсиз нафас олишга қодир эмас, лекин э воҳ, менинг ҳолатим шундайки, бир нафас ҳам фиғон қилишдан тўхтай олмайман.

3. Сенсизликда мендек мажнун (телба)нинг кечалар чеккан оҳим ва яширин нолам худди тоғ устидаги чақмоқ ва момақалдироққа ўхшайди.

4. Ҳеч кимнинг бошига менинг кунимдек қаттиқ кун тушмасин, сенсизликда шундай ҳолдаманки, ўз аҳволимга ҳайронман.

5. Ажалнинг дарду балоси жонсиз танга ваҳм сололмайди, лекин ҳижрон машаққати жонга зулм қилиб, изтироб солади (Ёки ҳижрон машаққати жонга шундай изтироб солдики, энди бу жонсиз вужудга ажалнинг дарду балосидан қўрқув йўқ).

6. Айрилиқ шундай давом этадиган бўлса, яқин кунларда бу фалак менинг бошимга қулаб тушса керак, кўргилки, бу даврон бошимга сенсиз не кунларни соляпти.

7. Агар сенинг васлинг муяссар бўлса, Навоий учун ажал йўқ, лекин сенсизликда бир лаҳза ҳам яшашнинг имкони йўқ.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти:

Алишер Навоийнинг мазкур ғазали ошиқона мазмунда бўлиб, услубан шарҳи ҳол йўналишида ёзилган. Унда мураккаб тасаввуфий истилоҳлар, чуқур ботиний маънолар кўзга ташланмайди. Шоир содда ва равон усулда ёр ҳажрида кўнглидан кечган ҳиссиётларини ажойиб ташбеҳ ва бадиий тасвир воситалари орқали баён этган. Ғазал лирик қаҳрамонининг ёрсиз айриликда яшагандан кўра ўлмоқликни афзал кўриши ҳақидаги иқрори билан бошланиб, яна шу иқрор билан якун топади.

Биринчи байтда шоир “эй жон” бирикмаси орқали ёр (жонон)га мурожаат қилиб, унинг кўнгилга жондек яқин ва азиз эканлигига ишора қилади. Лирик қаҳрамон жонсиз қолишга розию, лекин жононсиз қолишга асло рози эмас.

Иккинчи байтда ошиқ ўз ҳолатининг турфалигидан ажабланади: жонсиз қолган инсон нафас олиш имконига эга бўлмаслиги керак, лекин ажабланарлиси шундаки, ғазалнинг лирик қаҳрамони бир нафас ҳам фиғон қилишдан тўхтамаяпти. Бунда “нафас” сўзи икки маънони ифодалаб келаётганлигини кўриш мумкин: биринчи мисрада *нафас олмоқ* ва иккинчи мисрада “бир” сўзи билан биргаликда *муддат, вақт* маънолари англашиляпти.

Лирик қаҳрамон ёрсиз айриликда шундай телба (мажнун)га айланганки, унинг тунлари чеккан оҳлари ва яширин нолишлари фарёд чекиб, кейин тоғ ортига яширинган чақмоқ ва момақалдироқнинг ҳолатига ўхшайди.

Лирик қаҳрамоннинг ёрсизликдаги изтироблари баёни байтма байт кучайиб боради: ёр ҳажрида ошиқнинг бошига шундай оғир кун тушганки, у ҳеч кимсага бундай қаттиқ ва оғир кунни раво кўрмайди. У шундай ҳолдаки, ҳатто ўз ўзини англашга қодир эмас, ўз нотавон ҳолидан ўзи ҳайрон даражага етган.

Кейинги байтда “жон” сўзининг турли маъно товланишлари (руҳ, тириклик, вужуд, жисм) орқали бетакрор тимсоллар яратилган: бу тан жонсиз қолса, ажалнинг дарду балоси унга қўрқув сололмайди, лекин ёрсиз қоладиган бўлса, ҳижрон машаққатидан бу жисмга озор етади, яъни ҳижрон азоби жонни шунчалик изтиробга солганки, энди ошиқ учун ажал ваҳмидан хавотир йўқ.

Айрилиқ ошиқни охир-оқибат шундай бир ҳолга олиб келдики, унинг назарида бу фалак тез орада ошиқнинг бошига қулаб тушгудек бўлади. Кейинги мисрада ошиқ ёрга мурожаат қилар экан, бу замондан келган барча дарду аламларга унинг ҳижронини сабаб қилиб кўрсатади:

Кўр, нелар келтурадур бошима даврон сенсиз.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг ушбу ғазали лирик қаҳрамоннинг ишқ йўлидаги изтироблари ва ҳис-туйғуларини юксак бадиият ва бетакрор мазмун воситасида акс эттирганлиги билан мумтоз шеъриятимизнинг ноёб дурдоналари сирасига киради.

ҲАР КЎНГУЛ ОРОМИ...

Ҳар кўнгул ороми чун бўлмиш дилоромим менинг,
Ул сабабдин йўқтурур кўнглумда оромим менинг.

Дуди оҳим сарвдек чиқтию гулгун бўлди ашк,
Қилғали тарки вафо сарви гуландомим менинг.

Нега кўргузди шафақдин шуъла, кавкабдин шарор,
Гар эмас ғам дўзахи бу субҳи йўқ шомим менинг.

Дилраболар аҳдиға ҳеч этмасунлар эътимод,
Эй сабо, ишқ аҳлиға еткур бу пайғомим менинг.

Ошиқ отиға кириптур кўнглуму топмас висол,
Фосиқи маҳрумтек бўлмиш бу бадномим менинг.

Донаи тасбиҳ майли айламас кўнглум қуши
Риштаи зуннори зулфунг бўлғали домим менинг.

Эй Навоий, мендек ул бут кўйи сори кирмаким,
Куфр ила бўлди бадал бу йўлда исломим менинг.

("Ғаройиб ус-сиғар", 352-ғазал)

Луғат:
Дуд – тутун
Гулгун – қизил, гул рангли
Шарор – учқун
Кавкаб – юлдуз
Эътимод – ишонч
Пайғом – хабар
Фосиқ – фисқ ишлар билан шуғулланувчи, ахлоқсиз

Дом – тузоқ
Зуннор – ғайридинлар белига боғлайдиган ип
Бадал – алмаштириш, айрибошлаш, эваз

Байтларнинг насрий баёни:

1. Менинг дилоромим ҳар қандай кўнгилга ором бағишлайди, шу сабабдан менинг дилимдан ором кетган.
2. Оҳларимдан чиққан тутун сарв дарахти каби баландликка кўтарилдию, кўз ёшларим гул рангидек қизил бўлдилар, чунки сарви гуландомим бевафолик қилмоқда.
3. Агар тонг отмайдиган бу оқшомим ғам дўзахи бўлмаса, нега шафақдан шуъла, юлдузлардан учқун чиқиб, кўкни ёндирмоқда?!
4. Эй сабо, ишқ аҳлига менинг бу хабаримни етказ: дилраболарнинг ваъдасига ҳеч қачон ишонмасинлар.
5. Кўнглим "ошиқ" номини олибди, лекин висолдан бебаҳра, бу бадном дилим фосиқлардек маҳрум бўлиб қолган.
6. Кўнглим қуши тасбиҳ донасига майл этмаяпти, чунки сенинг зулфинг зуннори менга тузоқ бўлди.
7. Эй Навоий, ул бут манзилига бора кўрмаким, бу йўлда исломим куфр билан алмашди.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали мавзу жиҳатидан ошиқона, услубан шарҳи ҳол йўналишига мансуб. Ғазалда мумтоз адабиётдаги анъанавий мотив: ёрнинг бевафолигию, ошиқнинг жонфидолиги юксак пардаларда талқин қилинади. Матлаъдаёқ гўзал дилором кўплаб ошиқлар орзусию хаёлида эканлиги, бундан лирик қаҳрамоннинг кўнгли ўз оромини йўқотганлиги маълум бўлади:

Ҳар кўнгул ороми чун бўлмиш дилоромим меннинг,
Ул сабабдин йўқтурур кўнглумда оромим менинг.

Байтда "дилором"нинг "ором" билан *иштиқоқ* (ўзакдош сўзлардан фойдаланиш) санъатини вужудга келтириши, бир пайтнинг ўзида бу сўзнинг "кўнгул ороми" бирикмаси билан маънодошлик ҳосил қилиши юксак мазмун билан уйғунлашиб, байтнинг *ҳусни матлаъ* даражасига кўтарилишини таъминлаган.

Иккинчи байтда ошиқ ҳолининг изҳори ва бевафо ёрдан ёзғириш кайфияти давом этади:

Дуди оҳим сарвдек чиқтию гулгун бўлди ашк,
Қилғали тарки вафо сарви гуландомим менинг.

Ошиқнинг оҳларидан чиққан тутун сарв дарахти каби баландликка кўтарилади, кўз ёшлари гул рангидек қип-қизил тусга киради, чунки унинг сарви гуландоми бевафолик қилмоқда. Шоирнинг бадиий маҳорати шундаки, у лирик қаҳрамоннинг ҳолатини тасвирлашда ҳам таносубни сақлашга интилади: ошиқнинг кўз ёшларини гул рангига, оҳининг тутунини ёрнинг тик қомати янглиғ сарвга менгзаб талқин қилади ва пировардида бу ки-

тобхонда ёрдан ранжиш эмас, балки унинг гўзаллигидан завқланиш ҳиссини пайдо қилади.

Учинчи байтда *ҳусни таълил* (чиройли далиллаш) санъати воситасида бетакрор манзара яратилган:

Нега кўргузди шафақдин шуъла, кавкабдин шарор,
Гар эмас ғам дўзахи бу субҳи йўқ шомим менинг.

Ошиқ шундай тушкун ҳолатдаки, ҳатто одатий табиат ҳодисалари, само жисмлари ҳам унинг руҳиятини кўрсатаётгандек гўё: тунда осмоннинг юлдузларга тўлиши, юлдузларнинг учқун каби нур сочиши унинг ғам дўзахига ўхшаш тонги йўқ оқшомини эслатади.

Кейинги байтда шоир сабога мурожаат қилиб, ундан дилраболарнинг ваъдаларига ишонмаслик хабарини ишқ аҳлига етказишни илтимос қилади:

Дилраболар аҳдиға ҳеч этмасунлар эътимод,
Эй сабо, ишқ аҳлиға еткур бу пайғомим менинг.

Лирик қаҳрамон “ошиқ” номини олгану, лекин висолдан бебаҳра, унинг бадном кўнгли фосиқлар каби маҳрум бўлиб қолган:

Ошиқ отиға кириптур кўнглуму топмас висол,
Фосиқи маҳрумтек бўлмиш бу бадномим менинг.

Маълумки, фосиқ бу ўзи билган нарсаларга амал қилмайдиган киши бўлиб, бундай одам ҳидоятга эришмайди, унинг қилган эҳсонини Аллоҳ қабул қилмайди. Навоий байтда шунга ишора қилиб, “номим ошиқу, лекин кўнглим висолдан бебаҳра, бу ҳолимда худди маҳрум фосиқларга ўхшайман”, демоқчи.

Сўнгги икки байтни тасаввуф таълимотига таянмасдан шарҳлаш имконсиз:

Донаи тасбиҳ майли айламас кўнглум қуши
Риштаи зуннори зулфунг бўлғали домим менинг.

(Мазмуни: Кўнглим қуши тасбиҳ донасига майл этмаяпти, чунки сенинг зулфинг зуннори менга тузоқ бўлди).

Эй Навоий, мендек ул бут кўйи сари кирмаким,
Куфр ила бўлди бадал бу йўлда исломим менинг.

(Мазмуни: Эй Навоий, яна ул бут манзилига бора кўрмаким, бу йўлда исломим куфр билан алмашди).

Маълумки, *зуннор* насронийларнинг белбоғи бўлиб, устоз Н.Комиловнинг ёзишича, у тасаввуфда тариқат йўлида хизмат қилиш, Худога бандаликда мустаҳкам туриш учун аҳду паймон қилиш, риёзату камолотга бел боғлашни билдиради. *Зулф* эса илоҳий юзни (манбани) беркитиб турувчи моддийлик, дунё билан бир қаторда мутлақ жамолнинг тажал-

лиётини ҳам билдиради. Шу маънода зулф куфр белгиси ҳисобланади, чунки *куфр* сўзининг маъноси “беркитиш, ёпиб қўйишдир”. Лекин Навоий ғазалларида куфр орқали чин ваҳдатга эришиш назарда тутилади, зеро дунёни англаш, унда акс этган тажаллиёт нурида Аллоҳ сифатларини идрок этиш билан Ваҳдат оламига яқинлашиб борилади. Байтларнинг мазмунига кўра, ёрнинг зулфи зоҳиран ошиқ учун тузоқ бўлиб, динни куфрга айлантирган бўлса-да (зулф айни вақтда зуннор ҳам), аслида у Аллоҳ ваҳдатига яқинлаштирувчи воситадир. Демак, ушбу ғазалнинг сўнгида маълум бўладики, унинг лирик қаҳрамони ишқда камолга эришган, Аллоҳнинг сифатларини идрок этиш орқали ваҳдатга етишган ошиқ тимсолидир.

НОМАСИ ҚЎЙНУМДА БАСКИМ...

Номаси қўйнумда баским, изтироб айлар кўнгул,
Ўпгали чиқмоққа гўёким шитоб айлар кўнгул.

Тоза бутмиш эрди кўксум чоки, ваҳким, толпиниб
Чиққали ул рахнани ҳар дам хароб айлар кўнгул.

Ўқи захми йўлидин солсам ичимга номасин,
Бир фатила марҳам ўрниға ҳисоб айлар кўнгул.

Чирмабон жон пардасин маншур уза воло киби
Кўрмасун деб ғайр ани, гўё ниқоб айлар кўнгул.

Ғунчадек қат-қат бўлуб қон ул мусофир шавқидин
Номаси янглиғ дамо-дам печу тоб айлар кўнгул.

Мубҳам эрмиш руқъаси давроннинг асру, бодаким,
Жонға бу андешадин ҳар дам азоб айлар кўнгул.

Эй Навоий, очти кўксумнинг тикилган чокини,
Номаси қўйнумда баским, изтироб айлар кўнгул.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 472-ғазал)

Луғат:
Тоза – эндигина, янги
Бутмоқ – тузалмоқ
Рахна – дарз, ёриқ; жароҳат
Захм – яра, жароҳат
Фатила – пилик, пилта
Марҳам – малҳам, даво
Воло – қимматбаҳо мато, жилд
Маншур –фармон, ёрлиқ

Ғайр – бегона, бошқа биров
Печу тоб – бурама, ўрама, жингалак
Мубҳам – ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган, яширин
Руқъа – мактуб
Асру – жуда

Байтларнинг насрий баёни:

1. Ёрнинг мактуби қўйнимда, буни билгач, кўнглим жуда изтиробга тушяпти, гўёки бу мактубни ўпмоққа чиқиш учун шошилмоқда.

2. Кўксим яраси эндигина тузалган эди, лекин э воҳким, кўнгил ҳар лаҳза талпиниб, бу жароҳатни янада хароб этмоқда.

3. Ўқининг жароҳатидан пайдо бўлган йўл орқали унинг мактубини ичимга солайин десам, кўнгил уни яра устига қўядиган малҳам деб ўйлаяпти.

4. Жон пардасини ёрлиқ устидаги қимматбаҳо мато каби чирмаб қўйибди, бу билан кўнгил гўёки бу ёрлиқни бошқа биров кўрмасин деб ниқоб қилганга ўхшайди.

5. Сафардаги ёрим шавқидан ғунчадек қават-қават қон бўлиб, кўнгил мактуб сингари ҳар дам тўлғанади.

6. Замонанинг мактуби жуда тушунарсиз экан, унда беҳуда сўзлар кўп, бу фикрдан жонга ҳар лаҳзада азоб етмоқда.

7. Эй Навоий, ёримнинг мактуби қўйнимда, кўнгил ҳар дам изтироб этаверганидан кўксимнинг тикилган чокини яна очиб юборди.

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали мазмунан ошиқона, услубан шарҳи ҳол йўналишида бўлиб, ошиқнинг ёрдан мактуб олиши билан боғлиқ ҳиссиётлари тасвиридан иборат. Умуман, Алишер Навоий ижодида лирик қаҳрамоннинг севикли ёрдан мактуб олиши тасвирланган ғазаллар талайгина. Лекин биз таҳлил қилаётган ушбу ғазал *ёрдан мактуб келиши* мотивининг бадиий тимсол даражасига кўтарилган *кўнгил* билан уйғунликдаги тасвирини ўз ичига олганлиги билан шу йўналишдаги бошқа ғазаллардан алоҳида ажралиб туради.

Ғазал лирик қаҳрамоннинг ёридан келган номани қўйнига яшириши, буни сезган кўнгилнинг мактубни ўпиш учун шошилаётганлиги тасвири билан бошланади:

Номаси қўйнумда баским, изтироб айлар кўнгул,
Ўпгали чиқмоққа гўёким шитоб айлар кўнгул.

Узоқ вақтдан бери ошиқ ёрдан айриликда: бундан унинг кўкси чок бўлган. Орадаги масофа ва вақт гўё бу ярани даволаган, ҳижрон яраси эндигина битгандек эди. Лекин кутилмаганда ёрдан мактуб келиб, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди. Айниқса, бу ҳол кўнгилга бошқача таъсир қилди: у бу мактубни кўришни истаб, ҳар дам талпинаверганидан қаҳрамоннинг кўксидаги жароҳатга яна озор етди (Бошқача айтганда, айриликка эндигина кўнган кўнгил ёр мактуби таъсирида яна висолга орзуманд бўлиб қолди). Бу худди тутқунликдаги қушнинг қафасни ёриб чиқишга интилишига ўхшайди:

Тоза бутмиш эрди кўксум чоки, ваҳким, толпиниб
Чиққали ул рахнани ҳар дам хароб айлар кўнгул.

Кейинги байтларда бу тасвир баландроқ пардаларда давом этади. Жароҳат ошиқ кўксида йўл пайдо қилди: энди у шу йўл орқали ёрининг мактубини ичига солмоқчи, лекин кўнгил уни яра устига қўядиган малҳам деб ўйлаяпти. Ушбу кичик лавҳа ва кейинги байтлардан шоир бадиий маҳоратининг яна бир қирраси очилиб боради: ёр мактубининг нафис қоғозга қизил сиёҳ билан битилганлиги маълум бўлади.

Ўқи захми йўлидин солсам ичимга номасин,
Бир фатила марҳам ўрниға ҳисоб айлар кўнгул.

Кўнгил бу мактубни узоқ кутган, шунинг учунми уни авайлагиси, бегона кўзлардан асрагиси келади. Шу сабабдан жонининг пардасини мактуб устидан ўраб, унга жилд кийгизиб, ниқоб қилиб қўяди:

Чирмабон жон пардасин маншур уза воло киби
Кўрмасун деб ғайр ани, гўё ниқоб айлар кўнгул.

Навбатдаги байтдан ёрнинг сафарда эканлиги маълум бўлади. Унинг шавқида ошиқнинг қонга тўлган кўнгли ғунчадаги қип-қизил қават-қават тугунларни эслатади. Айни пайтда кўнгилнинг ҳолати очилиб ёпилганда ўралиб, бурама ҳолга келадиган мактуб қоғозига ҳам ўхшаш (Қадимда номалар ўрама қоғозга битилишини эсга оламиз).

Ғунчадек қат-қат бўлуб қон ул мусофир шавқидин
Номаси янглиғ дамо-дам печу тоб айлар кўнгул.

Мақтаъдан аввалги байт анъанавий мавъиза характерига эга: Замонанинг ёзиқлари тушунарсиз, уни англаб етиш қийин, унда кераксиз, беҳуда сўзлар кўп, шундай экан, унга кўнгил боғламасдан, қалбни ҳақиқий йўл (Ҳақ ҳузури)га ҳозирламоқ лозим.

Мубҳам эрмиш руқъаси давроннинг асру, ёваким,
Жонға бу андешадин ҳар дам азоб айлар кўнгул.

Ғазал мақтаъси *радд ул-матлаъ* (матлаъдаги мисрани яна такрорлаш) санъати билан зийнатланган. Унга кўра, ғазални бошлаган мисра яна унга якун ясайди. Мақтаъда ниҳоят кўнгил ўз муддаосига етади: ошиқнинг жароҳатдан чок бўлган кўксини очади, бундай кўнгил эса ҳақиқий манзилга ҳозир:

Эй Навоий, очти кўксумнинг тикилган чокини,
Номаси қўйнумда баским, изтироб айлар кўнгул.

ИШҚ СИРРИН...

Ишқ сиррин ҳажр асири нотавонлардин сўрунг,
Айш ила ишрат тариқин комронлардин сўрунг.

Бизга жуз меҳру вафо ойини бўлмайдур насиб,
Бевафолиғ расмини номеҳрибонлардин сўрунг.

Бизни даврон меҳнати ҳам ожиз этмиш, ҳам қари,
Ҳусн ила қувватни раъно навжувонлардин сўрунг.

Бедил эл дилжўйлуқ ё дилшиканлик расмини
Фаҳм қилмаслар, бу ишни дилситонлардин сўрунг.

Нек ном эл ишқ аро бадномлиғлар шевасин
Яхши бнлмаслар, ани биздек ёмонлардин сўрунг.

Фардлиқ завқини сўрманг шавкату жоҳ аҳлидин,
Ул суубат лаззатин бехонумонлардин сўрунг.

Ажз туфроғида ишқ аҳлиға ўлган ҳукми бор,
Қатл ҳукми айламакни қаҳрамонлардин сўрунг.

Билмади мақсуди ганжининг нишонин аҳли расм,
Гар сўрарсиз, ани беному нишонлардин сўрунг.

Чун Навоий ишқ саҳросида итти, дўстлар,
Ани ул ёндин етишган корвонлардин сўрунг.

("Фавойид ул-кибар", 350-ғазал)

Луғат
Тариқ – йўл-йўриқ, йўсин, одат
Жуз – бошқа, ўзга, бўлак
Ойин – одат, расм-русум
Навжувон – ёш
Бедил – дилсиз, юраксиз; ҳолсиз, мажолсиз; мафтун, ошиқ
Дилжўйлуқ – кўнгил очиш, хурсанд қилиш, меҳрибонлик кўрсатиш
Дилшиканлик – ранжитиш
Дилситон – дилни олувчи, дилни ўзига мафтун қилувчи; маҳбуба, маъшуқа
Нек – яхши
Шева – одат, равиш, йўсин
Фардлиқ – ёлғизлик
Жоҳ аҳли – бойлик, мансаб аҳли

Суубат – қийинчилик, машаққат
Ажз – ожизлик, заифлик, хасталик
Мақсуд – мақсад
Ганж – хазина, бойлик
Аҳли расм – қоидалар асосида яшайдиган кишилар
Итти – йўқолди

Байтларнинг насрий баёни

1. Ишқ сирини ҳижроннинг асири бўлган нотавонлардан сўранг, хурсандчилик ва кўнгулхушликнинг йўлини (шу йўлдан ўтган) бахтли инсонлардан сўранг.

2. Бизга меҳру вафо йўлидан бошқа йўл насиб бўлмайди, бевафолик одатини номеҳрибон кишилардан сўранг.

3. Бизни бу замон машаққати ҳам ожиз қилди, ҳам кексайтирди, ҳусн билан қувватни ёш раъноиҳоллардан сўранг.

4. Бедил (дилини ёрига топшириб қўйган) ошиқлар хурсанд қилиш ёки ранжитиш нима эканлигини фаҳмлай олмайдилар, бу ишни дилни олувчи маҳбубларлардан сўранг.

5. Яхши ном ила шуҳрат топганлар бадном (ёмон отлиқ) бўлганларнинг йўриғини билмайдилар, бу ҳолни биздек ёмонлардан сўранг.

6. (Ишқ йўлидаги) ёлғизликнинг завқини шон-шавкат ва улуғликда яшайдиган, бойлик ва мансаб кишиларидан сўраманг, бу йўлдаги машаққатларнинг лаззатини бехонумон (ҳеч нарсаси йўқ, бор-йўғидан ажралган)лардан сўранг.

7. Ожизлик тупроғида ишқ аҳли учун ўлмоқлик ҳукми бор, қатл ҳақидаги ҳукмни ошиқларни қатл этишни қаҳрамонлик деб биладиганлардан сўранг.

8. Қоидалар асосида яшайдиган бедард эл ҳақиқий хазинанинг қаерда эканлигини билмайди, агар буни билмоқчи бўлсангиз, беному нишонлардан сўранг.

9. Навоий ишқ саҳросида кўздан ғойиб бўлди (йўқолди), эй дўстлар, энди уни йўлда келаётган карвонлардан сўранг.

Ғазалнинг умумий маъно -моҳияти

Мазкур ғазал Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидан ўрин олган бўлиб, шоирнинг кексалик даври лирикаси маҳсулидир. Ғазал мавзу жиҳатидан ошиқона, услубан ҳасби ҳол характерига эга.

Ғазалнинг дастлабки байтларида шоир ишқнинг сиру асрори ҳижроннинг асирлари бўлмиш нотавонларгагина маълум эканлигини таъкидлар экан, ўзининг ҳам айнан улар сафида эканлигига ишора қилади:

Ишқ сиррин ҳажр асири нотавонлардин сўрунг,
Айш ила ишрат тариқин комронлардин сўрунг.

Бизга жуз меҳру вафо ойини бўлмайдур насиб,
Бевафолиғ расмини номеҳрибонлардин сўрунг.

Ғазал бошдан охиригача контраст (қаршилантириш) асосига қурилган, мисралараро қиёсий параллелизмлар шоирнинг ғоявий ниятини очишга хизмат қилади. Ҳар бир байт-

нинг дастлабки мисрасида шоир ишқ аҳлига хос сифат ва фазилатлар: меҳру вафо, ожизлик, бадномлик, бехонумонлик, беному нишонликдан хабар берса, иккинчи мисрасида ишқ дардидан бенасиб кимсаларга хос ҳолатлар: “айш ила ишрат”, бевафолиғ, “ҳусн ила қувват”, “дилситонлиғ”, “шавкату жоҳ”ни тасвирлайди ва натижада ғазалда икки қарама қарши қутб кишиларига хос тасвир пайдо бўлади. Шоир ўзининг биринчи гуруҳга мансублигини бир қарашда шикоят ва арзи ҳол кайфияти билан таъкидлаётгандек туюлса-да, аслида ҳақиқий ишқ аҳлидан эканлигига, бу унга чексиз завқ ва лаззат бағишлашига урғу қаратади. Бу ҳолат, айниқса, ғазалнинг бешинчи байтидан бошлаб, яққолроқ намоён бўла бошлайди:

Нек ном эл ишқ аро бадномлиғлар шевасин
Яхши бнлмаслар, ани биздек ёмонлардин сўрунг.

Кейинги байтда шоир ишққа фалсафий тус бериб, шундай дейди:

Фардлиқ завқини сўрманг шавкату жоҳ аҳлидин,
Ул суубат лаззатин бехонумонлардин сўрунг.

Тасаввуф фалсафасидан маълумки, фардлик, яъни ёлғизланиш ҳақиқий ошиққа хос ҳолатлардан бўлиб, бунда ошиқ яккаланиш орқали ўз қалбини поклаб боради. У ўз руҳини ёлғиз тутишни истаб, халқдан узлатга чекинади. Ёлғизланиш қалбнинг Ҳаққа юзланиши учун имкон яратади, Ёр ёдидан чалғитадиган нарсалардан халос этади. Навоийнинг таъкидлашича, бу завқ ва лаззатни ўз қалбини мансаб ва бойликка муҳаббат билан тўлдирган “шавкату жоҳ” аҳли қаердан ҳам билсинлар?!

Ажз туфроғида ишқ аҳлиға ўлган ҳукми бор,
Қатл ҳукми айламакни қаҳрамонлардин сўрунг.

Ишқда камолотга эришган ошиқларгина ишққа таслим бўладилар, улар бу йўлда хору забун, яъни ожиздирлар, бу ожизлик биз тушунган кучсизлик маъносида эмас, балки ишққа таслимият маъносидадир. Бундай ошиқларга қатл ҳукмини берувчи “қаҳрамонлар” эса ишқдан, демак, ҳаёт сиридан бебаҳра инсонлардир. Бу йўлда қанча ошиқлар тарки жон қилганлари, уларнинг қанчасига айнан мана шундай “қаҳрамонлар” қатл ҳукмини ўқиганлари тарихдан яхши маълум.

Алишер Навоий кейинги байтда ушбу фикрни давом эттириб, дардсиз ва ҳиссиз, қуруқ қоидалар асосида яшайдиган инсонларни “аҳли расм” деб атар экан, уларнинг “мақсуд ганжини” – ҳаётнинг маъносини билмаслигини айтади, зеро яшашдан мурод ҳақиқий ишқнинг сирини англашдир. Ишқ йўлида беному нишонларгина ишқнинг, демак, яшашнинг маъносини англаган кишилардир:

Билмади мақсуди ганжининг нишонин аҳли расм,
Гар сўрарсиз, ани беному нишонлардин сўрунг.

Байтда “ганжи нишон” ва “беному нишон” бирикмалари орқали сўз ўйинига мурожаат қилинган.

Мақтаъда тасаввуфдаги фано босқичи ҳақида сўз бориб, лирик қаҳрамон ўзининг ишқ саҳросида ғойиб бўлганини таъкидлар экан, энди ундан фақат бу саҳрога кирганлар (ҳақиқий висолга эришганлар)гина хабар келтиришини фахр билан баён этади. Байтда шоирнинг бадиий маҳорати “итти” (йўқолди) сўзини “ит” сўзи билан таносуб ҳосил қилувчи “карвон” сўзи билан боғлаганлигида яна бир бор намоён бўлади:

Чун Навоий ишқ саҳросида итти, дўстлар,
Ани ул ёндин етишган корвонлардин сўрунг.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ишқ ҳаётнинг асоси эканилиги билан боғлиқ фалсафий фикрнинг изҳори бўлиб, шоир бу туйғуни ҳис этиш йўлидаги дарду изтиробларини юксак санъаткорлик ва пафос билан тасвирлайди ҳамда инсон қалбининг энг олий ва покиза, улуғвор нуқталарига урғу қаратади.

ИШҚ АРО ВАСЛИНГ ТИЛАБ...

Ишқ аро васлинг тилаб, ҳажрингда бўлдум дарднок
Хаста янглиғким, ҳаёт уммидидин бўлғай ҳалок.

Йўқ ажаб, гар ул қуёш навҳангға боқмас, эй кўнгул,
Ўтқа не ғам гарчи куйган нола айлар дарднок.

Текканин еткач, очар пайкони кўксум чокининг,
Ул калид ўлмиш, ажал дарвозаси гўё бу чок.

Айлар эрдук пок ишқ ўтиға куймак орзу,
Шукрилиллаҳ, оқибат куйдурди ишқинг бизни пок.

Солди май ул ҳур шавқин кўнглума, эй боғбон,
Бердинг ўхшар парвариш кавсар зилоли бирла ток.

Ишқ аро дўзахдин, эй носиҳ, мени қўрқутмаким,
Ҳажр ўтин кўрган самандарға шарардин қайда бок.

То танинг авжи ҳаёт устидадур, сен хок бўл,
Истасангким авж тутқайсен танинг бўлғанда хок.

Эй Навоий, шоми ғамдин айру йўқтур субҳи васл,
Оқ эрур, лекин қорартур ҳар нени ранг этса зок.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 324-ғазал)

ЛУҒАТ:
Навҳа – нола, йиғи
Носиҳ – насиҳатгўй

Пайкон – камон ўқидаги учли темир, тиканнинг ўткир учи
Пок – 1) пок, тоза, соф; 2) бутунлай, тамоман, буткул
Кавсар – жаннат булоғи
Самандар –олов ичида яшовчи афсонавий жонивор
Бок – қўрқув, хавф, ваҳм
Шарар – учқун, ёлқин
Субҳ – тонг
Зок – чарм қорайтириш учун ишлатиладиган бўёқ

Байтларнинг насрий баёни:

1. Ишқ аро висолингни тилаб, ҳижронингда дардга чалиндим, бу худди яшамоқлик умидида ҳалок бўлган беморни эслатади.

2. Эй кўнгил, агар ул қуёш сенинг оҳу нолаларингга қулоқ солмаса, ажабланма, чунки куйган киши қанча дод-фарёд солса ҳам, бундан оловга не ғам?!

3. Унинг ўқи кўксим чокига етгач, уни очиб юборади. Кўксим чоки – ажал дарвозаси, ўқи эса бу дарвозанинг калитидек гўё.

4. Пок муҳаббат ўтида куймакни орзу қилардик, Аллоҳга шукурлар бўлсинким, оқибатда ишқинг бизни буткул ёқиб юборди.

5. Май ул ҳурнинг шавқини кўнглимга солди. Эй боғбон, токни кавсар суви билан парвариш қилганга ўхшайсан.

6. Эй насиҳатгўй, мен – ошиқни дўзах олови билан қўрқитма. Ҳижрон оловини кўрган самандар учқундан қўрқармиди?!

7. Жисминг тупроққа топширилгандан кейин юқори мақомга эришмоқни истасанг, жисмингда ҳаёт жўш уриб турган чоғда тупроқдек хоксор бўл.

8. Эй Навоий, висол тонги ғам шомидан айри эмас, зок (бўёқ)нинг ранги оқ бўлса ҳам, бўяган нарсасини қорайтиргани каби бунинг рангини ҳам қорайтирибди.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ошиқона мавзуда бўлиб, ташбиҳ ва тимсолларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг деярли ҳар бир байтида лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати муайян табиат ёки турмуш ҳодисаси билан уйғунликда талқин қилинганлигини кўрамиз. Шу маънода мазкур ғазални услубан шарҳи ҳол йўналишига мансуб ғазал деб баҳолаш ҳам мумкин. Ғазалнинг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, унда мурожаат объекти ўрни билан ўзгариб туради. Агар матлаъ ва тўртинчи байтда *нидо* санъати (лирик қаҳрамоннинг атрофдаги нарса-ҳодисалар, буюмлар, шахс ёки ўзига мурожаати)нинг объекти бевосита ёр билан боғлиқ бўлса, ушбу санъатнинг иккинчи байтда кўнгилга, бешинчи байтда боғбонга, олтинчи байтда носиҳ (насиҳатгўй)га, олтинчи байтда умуман барчага, еттинчи байтда шоирга мурожаат орқали вужудга келганлигини кузатишимиз мумкин.

Ғазал матлаъси ошиқ руҳий ҳолатининг ноанъанавий тарздаги шарҳи билан бошланади:

Ишқ аро васлинг тилаб, ҳажрингда бўлдум дарднок
Хаста янглиғким, ҳаёт уммидидин бўлғай ҳалок.

Унга кўра, ошиқ ёрининг висолини тилаган эди, лекин бу висол насиб этмади ва у ёр ҳижронида дардга чалинди. Бу ҳол сўнгги нафасигача яшаш иштиёқи билан ёнган беморнинг охир-оқибат шифо топмай, вафот этиши билан боғлиқ ҳодисани эслатади.

Иккинчи байтда шарҳи ҳол ёрдан кўнгилга ёзғириш кайфиятида давом этади:

Йўқ ажаб, гар ул қуёш навҳангға боқмас, эй кўнгул,
Ўтқа не ғам гарчи куйган нола айлар дарднок.

Эй кўнгил, ул қуёш, яъни ишқида биз ошиқларни куйдирувчи ёр оҳу нолаларимизга эътибор қаратмаса, ажабланма, - дейди шоир, ахир, оловда ёнаётган кишининг фарёдлари оловга таъсир қилармиди, у ёндиришда давом этаверади-ку! Бу ўринда қуёш истиораси орқали ҳақиқий ишқ йўлидаги изтироблар баёни ҳам ўз ифодаси топганки, бу Навоий услубига хос ҳолат, зеро, унинг ғазалларида кўп ҳолларда зоҳирий ишқ билан ботиний ишқ чегаралари бирлашиб кетади.

Навбатдаги байтда ажойиб тасвирга гувоҳ бўламиз:

Текканин еткач, очар пайкони кўксум чокининг,
Ул калид ўлмиш, ажал дарвозаси гўё бу чок.

Ёрнинг нигоҳи ошиқнинг ишқ ўтидан яраланган кўксидаги чокни очиб юборади, оғриқ азобидан ошиқ ўлар ҳолатга етади. Беихтиёр кўз ўнгимизда қизил дарвоза ва унинг калит билан очилиш ҳолати гавдаланади.

Ошиқ анчадан бери пок ва юксак ишқни орзу қиларди. Аллоҳнинг иноятн билан унга шундай ишқ насиб этди: ошиқ пок муҳаббат оловида тамоман кул бўлиш мартабасига эришди:

Айлар эрдук пок ишқ ўтиға куймак орзу,
Шукрилиллаҳ, оқибат куйдурди ишқинг бизни пок.

Байтда Аллоҳга шукроналик туйғуси *тажнис* ва *ийҳом* (байт ёки мисрада икки хил маънони ифода этиш) санъатлари билан уйғунликда ажойиб лисоний жозиба касб этган. Яъни пок ишқ орзусидаги ошиқ ишқ ўтида тамоман куйди ёки пок ишқ орзусидаги ошиқни оқибатда ишқ поклади.

Навбатдаги байт аввалги байтнинг мантиқий давоми бўлиб, унда лирик қаҳрамон энди боғбонга мурожаат қилади:

Солди май ул ҳур шавқин кўнглума, эй боғбон,
Бердинг ўхшар парвариш кавсар зилоли бирла ток.

Ишқ майи ошиқнинг кўнглига ул ҳурнинг шавқини солди. Бундан ҳайратланган ошиқ боғбонга мурожаат қилади: Эй боғбон, токни кавсар суви билан парвариш қилганмисан?

Маълумки, ҳурлар жаннатда яшайдиган пок қизлар бўлиб, ривоятларга кўра, улар тақводорлар ва чин ошиқларгагина насиб этади. Шундай экан, пок ишқ ўтида куйган ва покланган ошиқнинг кўнгли ҳурнинг шавқи билан тўлиши бежиз эмас. Зеро, ошиқ ичган

май кавсар суви билан парвариш қилинган токнинг узумидан тайёрланган, бошқача айтганда, ишқ Яратганнинг ўзига қаратилгандагина ҳақиқийдир.

Кейинги байтларда ҳам ишқнинг моҳияти билан боғлиқ талқинлар давом этади. Олтинчи байтда лирик қаҳрамон носиҳга мурожаат қилар экан, ундан ишқ йўлида дўзах билан қўрқитмасликни сўрайди, зеро, ҳижрон ўтини кўрган самандар учун учқун қўрқинчли эмас:

Ишқ аро дўзахдин, эй носиҳ, мени қўрқутмаким,
Ҳажр ўтин кўрган самандарға шарардин қайда бок.

Маълумки, мумтоз адабиётдаги талқинга кўра, самандар – ўтда ёнмаслик хислати билан шуҳрат топган афсонавий жонивор бўлиб, Навоий ижодида рамзий маънода умрбоқийлик ва ишқ маъносида қўлланилади. “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳодга унинг устози Суҳайло ҳаким нафс рамзи бўлмиш аждаҳони енгиш, унинг ўтини қайтариш учун самандар ёғини берганини эсласак, ушбу тимсолнинг хусусияти янада яққолроқ намоён бўлади. Демак, Навоий юқоридаги байтда ҳақиқий ишқнинг моҳиятидан бебаҳра бўлган, фақат зоҳирга қараб иш тутувчи насиҳатгўйларга қарата, Яратганнинг васлидан тўсувчи ҳижрон оловида куйган ҳақиқий ошиқ (самандар) учун дўзах учқуни қўрқинчли эмас демоқчи бўлади.

Мақтаъдан аввалги байт анъанавий мавъиза йўналишига эга бўлиб, моҳиятан бани башариятга қаратилган:

То танинг авжи ҳаёт устидадур, сен хок бўл,
Истасангким авж тутқайсен танинг бўлғанда хок.

Яъни агар жисминг тупроққа топширилгандан кейин ҳам баланд мақомларга эришмоқни истасанг, жисмингда ҳаёт жўш уриб турган чоғда тупроқдек хоксор бўл.

Мақтаъда Навоий ҳаёт ва борлиқ қонуниятини поэтик талқин қилар экан, *тамсил* (биринчи мисрада айтилган фикрга иккинчи мисрада табиатдан ёки ҳаётдан мисол келтириш) ва *тазод* санъатлари воситасида ҳар қандай субҳнинг шоми, ҳар қандай висолнинг ҳижрони борлигига ишора қилади, зеро, зок – чармни қорайтириш учун ишлатиладиган бўёқнинг ранги оқ бўлса ҳам, охир-оқибат ўз бўяган нарсасини қорайтиради.

КИМГА БИР МАЖЛИСДА...

Кимга бир мажлисда оҳу дард ила сўзе керак,
Мундоғ ўт ёқмоққа аввал мажлисафрўзе керак.

Мажлисафрўзе агар ҳам бўлса мажлис аҳлининг
Бағрини куйдургали оҳи жигарсўзе керак.

Субҳи васлинг ичра тиргуз хайли ушшоқингниким,
Шоми ҳажр ўлтургали мендек сияҳрўзе керак.

Кўюнга ҳар кун бориб, ҳар дам кўрай дермен сени,
Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза наврўзе керак.

Яхши асра ғам туни оҳим ўқин, эй чархким,
Сен эваз отмоққа ҳам чун тийри дилдўзе керак.

Бир хизрваш ҳимматин берма илигдин, негаким
Дашти ҳирмон қатъига охир қуловузе керак.

Ишқ таълимин Навоийдин олурлар аҳли дард,
Уйла дарс аҳлиға мундоқ донишомўзе керак.

("Ғаройиб ус-сиғар", 332-ғазал)

Луғат:
Сўз – куйиш, ёниш
Мажлисафрўз – базм, мажлисни қизитувчи; бу ўринда: гўзал маҳбуба
Жигарсўз – бағирни ёндирувчи; изтиробга солувчи
Ушшоқ – ошиқлар
Сияҳрўз – бошига оғир кулфат тушган, мусибатдаги киши, бахтиқаро
Эваз – бадал, эваз
Тийр – ўқ, камон ўқи
Дилдўз – юракка қадалувчи, дилга озор берувчи
Ҳирмон – маҳрумлик
Қатъ – 1) кесмоқ; 2) босиб ўтмоқ (йўлни)
Қуловуз – йўл бошловчи, раҳнамо
Донишомўз – билим ўргатувчи, муаллим, устоз.

Байтларнинг насрий баёни:

1. Кимга агар бирор мажлисда оҳу дард ҳамда куйиб ёниш керак бўлса, бу ўтни ёқмоқлик учун аввало мажлисни қиздирувчи гўзал маҳбуба керак бўлади.

2. Агар шундай маҳбуба топилгудек бўлса ҳам, мажлис аҳлининг бағрини куйдириш учун жигарни ўртайдиган, изтиробга солувчи бир оҳ керак.

3. Васлинг тонгида ошиқларингни тирилтир, ҳижрон шомида ўлмоқ учун эса мен каби бир бахтиқаро керак бўлади.

4. Ҳар куни кўйинг (кўчанг)га бориб, сени кўрсам дейман, чунки ҳар куним байрам, ҳар лаҳзам наврўз бўлишини истайман (сени кўрган ҳар куним байрам, ҳар оним наврўз каби фараҳлидир).

5. Эй фалак, ғам тунида оҳим ўқини яхши асра, чунки унинг бадалига қайтиб отишинг учун сенга ҳам шундай кўнгилга қадалувчи ўқлар керак бўлади.

6. Хизрсифат кишиларнинг ҳимматини қўлдан чиқарма, ахир маҳрумлик даштини босиб ўтиш учун ҳам бир раҳнамо керак.

7. Дард аҳли ишқ таълимини Навоийдан оладилар, бундай дарс аҳлига унинг каби устоз муаллим зарур бўлади.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ошиқона мавзуда бўлиб, ишқ ва ошиқлик шартларини бетакрор ташбиҳлар воситасида баён қилганлиги билан шу мақомдаги ғазаллар орасида

алоҳида ўрин тутади. Ғазал матлаъси ишқнинг асосий талаби – илоҳий мазҳар ва у билан боғлиқ ҳолдаги оҳу дарднинг зарурияти ҳақидаги фикр билан бошланади:

Кимга бир мажлисда оҳу дард ила сўзе керак,
Мундоғ ўт ёқмоққа аввал мажлисафрўзе керак.

Ушбу талабга кўра, мажлисга йиғилганлар оҳу дард асосида ёниб, ўртанмоқни мақсад қилмоқчи бўлсалар, энг аввало, уларга шу мажлисни ишқ ўти билан ёритувчи маҳбуба керак бўлади.

Кейинги байтда ишқ талаби янада орттирилади. Шоирнинг фикрича, шундай мажлисафрўзнинг борлиги етарли эмас, энди унинг зикри, ишқнинг сиру асрорлари билан боғлиқ суҳбатлар мажлис аҳлининг бағрини ёқиши керак. Таъкидлаш лозимки, бу ўринда Навоий маъшуқанинг мажлисда реал тарздаги иштирокини назарда тутаётгани йўқ. Унинг ёди, у ҳақдаги ўй-хаёлнинг ўзи ошиқнинг қалбига ўт ёқишга ва уни куйдиришга қодир:

Мажлисафрўзе агар ҳам бўлса мажлис аҳлининг
Бағрини куйдургали оҳи жигарсўзе керак.

Навбатдаги байтда жуфтлашган *тазод* (субҳ – шом; васл – ҳажр) воситасида ошиқ ва маъшуқанинг мақоми кўрсатиб берилган:

Субҳи васлинг ичра тиргуз хайли ушшоқингниким,
Шоми ҳажр ўлтургали мендек сияҳрўзе керак.

Маъшуқа жафокор: у ўз висоли билан ошиқликка даъво қилувчиларни баҳраманд қилади-ю, бахтиқаро ошиқни ҳажр азобига гирифтор этади. Лекин ошиқ бундай тақдирдан рози, зеро, ишқ одобига кўра, ёрдан келадиган ҳар қандай жафо ошиқ учун малҳам кабидир...

Кейинги байтда ёр тимсоли реаллик каб этади. Лирик қаҳрамон ёрни кўриш истагини икки гўзал байрам: Наврўзу ҳайитга боғлиқ ҳолда талқин қилади:

Кўюнга ҳар кун бориб, ҳар дам кўрай дермен сени,
Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза наврўзе керак.

Мумтоз адабиётимизда байрам тушунчаси остида асосан икки ҳайит: Рамазон ва қурбон ҳайити тушунилган. Ушбу ғазалда ҳам Навоий ёр дийдорини байрамга боғлиқ ҳолда талқин қилар экан, инсонларнинг ҳайит кунларида бир-бирларини йўқлаб боришларига ишора қилади. Байтда мурожаат қилинувчи сифатида танланган объект Навоийнинг яқин дўстлари ёки устозларидан бири ҳам бўлиши мумкин. Зеро, аввалги шарҳларимизда ҳам таъкидлаганимиздек, Навоий шеъриятида бир ғазалнинг ўзида ёр турли маъновий қатламларда: гоҳ дўст, гоҳ устоз, гоҳ реал маҳбуба, гоҳ илоҳий мазҳар, гоҳ Пайғамбаримиз (с.а.в.), гоҳ Яратганнинг рамзи сифатида ифодаланиши мумкин.

Кейинги байтда мурожаат объекти сифатида чарх, яъни фалак танланади. Шоир *нидо* санъати воситасида фалакка юзланар экан, ғам тунида оҳининг тутунидан ҳосил бўлган ўқларни яхши асрашини сўрайди, чунки фалак вақти келиб, уларни ерга қайтариши вақтида унга шундай кўнгилга қадалувчи ўқлар керак бўлади:

Яхши асра ғам туни оҳим ўқин, эй чархким,
Сен эваз отмоққа ҳам чун тийри дилдўзе керак.

Байтда Навоий мумтоз адабиётимизга хос мотив – фалакнинг жафокорлиги ҳақидаги талқинни янги услуб ва бетакрор ташбиҳлар воситасида баён қилиш баробарида табиатдаги конденсация ҳодисасига ҳам ишора қиляпти. Яъни шоирнинг бадиий тахайюлига кўра, ошиқ оҳининг тутуни буғ сингари осмонга кўтарилиб, совуқ осмонда қора булутга айланиб, дўл ёки жала тарзида ерга қайтиб тушади. Фалак баъзан кишилар бошига турли балолар ёғдирганидек, дўл табиат учун офатдир, у атроф-муҳитга, экинларга зарар етказади.

Мақтаъдан олдинга байт орифона мазмунга эга:

Бир Хизрваш ҳимматин берма илигдин, негаким
Дашти ҳирмон қатъига охир қуловузе керак.

Ишқ йўлига кирган солик худди маҳрумлик даштини кезаётгандек. Унга Хизрдек йўлбошчи керак, акс ҳолда у бу даштда ҳалокатга учраши мумкин. Ривоятларга кўра, Хизр саҳро ва даштларда адашганларни тўғри йўлга солувчи раҳнамо ҳисобланади. Тасаввуф адабиётида Хизр илоҳий маърифатдан баҳраманд киши, пири комил сифатида тасвирланади.

Ғазал фахрия мазмунидаги мақтаъ билан якун топади. Шоир ошиқлар ва дард аҳли ишқ таълимини унинг шеърларидан олишлари мумкинлигини таъкидлар экан, ўзининг бу йўлда устоз даражасида бўла олишидан фахр туяди:

Ишқ таълимин Навоийдин олурлар аҳли дард,
Уйла дарс аҳлиға мундоқ донишомўзе керак.

ДЎСТЛАР, БИР ЧОРА...

Дўстлар, бир чора мен девонайи шайдо учун
Ким, ўлармен ул парипайкар малаксиймо учун.

Оташин гул теграсида лаългун юз барг эмас,
Балки юз наъл ўтқа солмиш булбули шайдо учун.

Хом кўнглумким, дудоғингни тилаб афғон қилур,
Бордурур ул тифлдекким, йиғлағай ҳалво учун.

Ашк ичинда ғарқамен, зулфунгни тутқайменму деб,
Уйлаким тожир тенгиз ранжин чекар савдо учун.

Турки мастедур кўзунг уйқуда, кўз кунжида хол
Ўғриким, қилмиш камин ёнида қўйған ё учун.

Гулханийдекдурки истар гулхану олотини,
Сифлаким меҳнат чекар дунёву мофиҳо учун.

Бу Навоий бандани, эй сарви озод, асраким,
Буйла бир булбул керак сендек гули раъно учун.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 481-ғазал)

Луғат
Лаългун – лаъл рангли, қизил
Наъл – тақа, тақа шаклидаги тамға, муҳр
Тифл – ёш бола, гўдак
Ашк – кўз ёш
Тожир – тижоратчи, савдогар
Кунж – бурчак, чет
Турк – бу ўринда: сипоҳий, жангчи
Камин – пистирма, пана жой
Ё – ёй, камон; қайрилма (қош)
Гулханий – ўт ёқувчи, гўлохий
Сифла – паст, пасткаш, хасис
Меҳнат – машаққат
Олот – асбоблар, қурол-яроғлар
Дунёву мофиҳо – дунё ва ундаги нарсалар

Байтларнинг насрий баёни

1. Дўстлар, мен девонаи шайдо учун (ишқ йўлида) бир чора бор: бу – парипайкар малак-сиймо ёр учун жонни фидо қилиш.

2. Оташин гул(косаси)нинг атрофида лаъл (қизил) рангли юзта барглар йиғиндиси эмас, балки булбули шайдо учун оловга солинган юзта тамғанинг шаклларидир.

3. Хом кўнглим дудоғингни тилаб фиғон қилади, бу ҳолат худди ҳолва учун йиғлаётган болани эслатади.

4. Зулфингни тута олармиканман деб кўз ёшларим ичида ғарқ бўлдим, худди савдогар ўз бозорининг барори учун денгиз машаққатига ҳам рози бўлгани каби.

5. Уйқудаги кўзинг мастона туркка ўхшайди, кўзинг атрофидаги холинг ёнидаги ёйни пистирма қилган ўғридек гўё.

6. Гулханда ўт ёқувчи гулхан ва асбоблари учун, пасткаш кимса эса бу дунё ва ундаги моддий нарсалар учун машаққат чеккани каби.

7. Эй сарви озодим, Навоий каби асирингни асрагил, зеро, сендек гули раъно учун унинг каби бир булбул керак.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ошиқона мазмунда бўлиб, унда ишқ завқи ва машаққатлари, ёр жамоли васфи ва лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари: туйғу ва из-тироблари умумлашган ҳолатда акс эттирилган. Ғазал матлаъсининг “Дўстлар” ундови би-лан бошланиши унинг шарҳи ҳол йўналишида эканлигига далолат қилади:

Дўстлар, бир чора мен девонайи шайдо учун
Ким, ўлармен ул парипайкар малаксиймо учун.

Илк байтдаёқ ошиқ ишқ дардига фақат ягона чора борлигини таъкидлайди: бу – ёр йўлида жон фидо қилиш.

Оташин гул теграсида лаългун юз барг эмас,
Балки юз наъл ўтқа солмиш булбули шайдо учун.

Гулшанда оловранг садбарг косаси теграсидаги қизилликни гулнинг баргларидан пайдо бўлган деб ўйламанг, дейди шоир, бу гулнинг ишқидаги булбули шайдонинг жисмига босиладиган юзта ўтли тамғанинг шаклларидир. *Ҳусни таълил* (бирор воқеликни унда дахли бўлмаган ҳодиса билан изоҳлаш)нинг бетакрор намунаси воситасида ишқ ва ошиқликнинг гўзал манзараси вужудга келган.

Кейинги байтлардан шарҳи ҳол ёки ўз ҳолидан ёзғириш кайфияти тадрижийлик асосида *ташбиҳ* ва *тамсил* (биринчи мисрада айтилган фикрга табиат ёки кундалик ҳаётдан мисол келтириш) санъатлари воситасида кучайиб боради:

Хом кўнглумким, дудоғингни тилаб афғон қилур,
Бор дурур ул тифлдекким, йиғлағай ҳалво учун.

Ошиқнинг кўнгли ҳали ишқ оловида пишиб етилмаган, яъни ишқ мартабасида комилликка эришмаган (унинг тифл, яъни болага ўхшатилиши шундан дарак беради) ёрнинг дудоғини тилаб фиғон қилади, бу ҳолат худди ҳолва учун йиғлаётган болани эслатади. Кўнгилнинг болага, дудоқнинг ҳолвага ўхшатилиши орқали юзага келган манзара ғазалхон қалбида беғубор туйғуларни уйғотади.

Ашк ичинда ғарқамен, зулфунгни тутқайменму деб,
Уйлаким тожир тенгиз ранжин чекар савдо учун.

Ошиқ ёр зулфига етишиш хаёлида ёш тўкавериб, кўз ёшлари ичида ғарқ бўлди, бу ҳол худди тижоратчи савдогарнинг ўз бозори учун ҳўлу қуруқни писанд қилмай, денгиз машаққатини чеккан ҳолатига ўхшайди. *Савдо* сўзининг ҳам тижорат, ҳам орзу-истак маъноларини англатиб келаётгани шоир бадиий маҳоратининг яна бир қиррасини очиб беради. Шунингдек, байтда *тамсил* ва *ташбиҳ* санъатларининг муболағавий тасвир билан уйғунлашганига гувоҳ бўламиз.

Турки мастедур кўзунг уйқуда, кўз кунжида хол
Ўғриким, қилмиш камин ёнида қўйған ё учун.

Ушбу байтда Навоий бадиий тахайюлининг яна бир бетакрор намунасига гувоҳ бўламиз: ёрнинг уйқудаги кўзи мастона сипоҳийга ўхшайди, кўзи атрофидаги холи эса худди ёйни пистирма қилган ўғри кабидир. Агар кўз тепасида қош (ёй)нинг, уларнинг ўртасида эса қора холнинг жойлашганлигини назарда тутсак, маст уйқудаги сипоҳийдан ёйни тортиб

олган ўғрининг пистирма ҳолатда беркиниб тургани ва ўқ отишни мақсад қилаётганлиги билан боғлиқ ажойиб манзара кўз олдимизга келади.

Гулханийдекдурки истар гулхану олотини,
Сифлаким меҳнат чекар дунёву мофиҳо учун.

Гулханда ўт ёқувчи гўлохий бу олам ва борлиқнинг маъносини ўзи ёқадиган олов ва асбобларда кўради, пасткаш кимса ҳам бу дунё ва ундаги моддий нарсалар учун машаққат чекиб, умрини ўтказади. Ушбу байт маърифий мазмунга эга бўлиб, шоир инсонни бу ўткинчи умрни беҳуда ўтказмасликка, моддий дунё бойликларига кўнгил боғламасликка чақиради. Байтда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг "Дунё ва ундаги нарсалардан икки ракаат суннат намози (ёки Аллоҳ таолонинг зикри) яхшироқдир" мазмунидаги ҳадисларига ишора ҳам бор.

Мақтаъда мурожаат объекти ўзгаради: лирик қаҳрамон ёрга мурожаат қилиб, ўзини булбулга, маҳбубасини гули раънога ўхшатар экан, юқоридаги *тамсилу ташбиҳ*лардан мурод ўзи эканлигини юксак мамнуният ва фахр ила баён этади:

Бу Навоий бандани, эй сарви озод, асраким,
Буйла бир булбул керак сендек гули раъно учун.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг ушбу ғазали юксак бадийяти ва чуқур мазмунга эга эканлиги билан туркий ғазалиётнинг нодир намуналари сирасига киради.

Ғазал рус тилига мутаржим В.Тихомиров томонидан аслиятдаги каби 7 байт ҳажмида ўгирилган. Таржимада мумтоз ғазалга хос қофияланиш тизими ва радифнинг сақланган унинг ритмик оҳангини таъминлашга хизмат қилган. Мутаржим гарчи ғазалнинг мазмун-моҳиятини тўла очиб бера олмаган бўлса-да, рус китобхонининг Алишер Навоий қўллаган образлардан муайян даражада баҳраманд бўлишига эришган.

ВАҲ, НЕЧА ЖИСМИМНИ...

Ваҳ, неча жисмимни ғамдин нотавон эткай фироқ,
Нотавон жисмимға ҳар дам қасди жон эткай фироқ.

Жисмим айлаб нотавон, жонимға қасд айлаб ниҳон
Қасд қилған жонни расвойи жаҳон эткай фироқ.

Жонни расво айлагандин сўнг қаноат қилмайин
Юз ғаму андуҳ хадангига нишон эткай фироқ.

Эмдиким андуҳу меҳнат ўқиға қилди нишон,
Ҳар жароҳат узра юз доғи ниҳон эткай фироқ.

Эй кўнгул, солма ўзунгни дард ила мардона бўл,
Бизни, шоядким, бу янглиғ имтиҳон эткай фироқ.

Васлидин дам урмайин қилсақ фироқ ичра басар,
Шояд ўзин бизга бир кун меҳрибон эткай фироқ.

Куйди жоним васлида эл рашкидин то етти ҳажр,
Васл мунглуғ жонима ўт солди то неткай фироқ.

Дўстдин истар ризо зинҳор они кўрмаким,
Васл қилғай комрон ё нотавон эткай фироқ.

Иҷ, Навоий, май бағир қонидегу бехуд йиқил,
Неча васл уммидидин бағрингни қон эткай фироқ.

("Ғаройиб ус-сиғар", 314-ғазал)

Луғат:
Фироқ – айрилиқ
Ниҳон – пинҳон, яширин
Хаданг – ўқ
Меҳнат – машаққат
Дам урмоқ – оғиз очмоқ, сўзламоқ
Басар қилмоқ – умр ўтказмоқ, яшамоқ
Мунглуғ – қайғули, ғамли
Комрон – бахтли, мақсадга эришган
Бехуд – ҳушсиз

Ғазалнинг насрий баёни:

1. Э воҳ, айрилиқ қачонгача жисмимни ғамдан заифу нотавон қилиб қўяди? Бу айрилиқ ҳар дам нотавон жисмимдаги жонимга қасд қилади.

2. Жисмимни нотавон этиб, жонимга яширинча қасд қилгани етмагандай, айрилиқ қасд қилган бу жонимни яна расвойи жаҳон ҳам қилмоқда.

3. Жонни расво қилганига ҳам қаноат қилмасдан, фироқ уни яна юзлаб ғам-ғусса ва андуҳ ўқига нишон қилмоқда.

4. Ғам-ғусса ва машаққат ўқларига нишон этганидан сўнг, ҳар бир жароҳатни яна юз марталаб куйдирмоқда.

5. Эй кўнгил, ўзингни бу дардга таслим қилма, мардона бўл. Шояд, фироқ бизни шу тариқа имтиҳон қилаётган бўлса.

6. Висолдан оғиз очмасдан, айрилиқ азобида умримизни ўтказсак, балки бирор кун фироқ бизга меҳрибон бўлиб қолар.

7. Висол чоғи одамларнинг рашкидан жоним куйди, сўнг фироқ етди. Висолки ғамгин жонимга бунча ўт солгач, фироқ энди нима қиларди?

8. Дўстнинг ризосини истаган киши учун висолдан бахтга эришиш ёки айриликдан нотавон бўлиш ҳеч қачон аҳамиятли эмас.

9. Эй Навоий, жигар қонидек қип-қизил майдан ичиб, бехуд йиқил, Фироқ қачонгача висол умидида бағрингни қон этади?!

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти:

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ёшлик лирикаси маҳсули бўлиб, ғазалнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан олдин “Оққўюнли мухлислар девони”да ҳам учраши шоир уни йигитлик даврида яратганлигини кўрсатади. Маълумки, “Оққўюнли мухлислар девони” Навоийнинг 30 ёшгача бўлган шеърларини ўз ичига олади ва ундаги шеърларнинг аксарияти шоир Самарқандда яшаган даврида яратилган. Девонда “фироқ” радифи билан ёзилган 2 та ғазал мавжуд. Бу ҳол бевосита шоирнинг ўз она шаҳридан айриликда яшаганлиги билан боғлиқ мавзуга алоҳида эътибор қаратганлигидан дарак беради. Бошқача айтганда, ғазалда асосий урғу қаратилган фироқ мавзуси шоирнинг ёр-дўстлари, яқин кишилари билан бирга она-юртидан айрилиқ дамларини ҳам ўз ичига олади.

Ғазал айриликда юрак-бағри эилган, жисми нотавон бўлган лирик қаҳрамоннинг ўтли нидоси билан бошланади:

Вах, неча жисмимни ғамдин нотавон эткай фироқ,
Нотавон жисмимға ҳар дам қасди жон эткай фироқ.

Байтдан-байтга тадрижийлик ортиб боради. Фироқ лирик қаҳрамоннинг жонига қасд қилиб, бу жонни яна расвойи жаҳон этади, бунга ҳам қаноат этмасдан, расво бўлган жонни юзта ғаму андуҳ ўқига нишон қилади, сўнг ушбу юз ўқдан пайдо бўлган жароҳатни яширин тарзда аста-секин куйдира бошлайди:

Жонни расво айлагандин сўнг қаноат қилмайин
Юз ғаму андуҳ хадангига нишон эткай фироқ.

Эмдиким андуҳу меҳнат ўқиға қилди нишон,
Ҳар жароҳат узра юз доғи ниҳон эткай фироқ.

Кўнгил бу азобларга дош беролмай, таслим бўлишга мойил...

Бешинчи байтда лирик қаҳрамон кўнгилга мурожаат қилиб, уни бу дарду аламларга енгилмасликка, ҳар қандай дардни мардонавор қабул қилишга чақирар экан, бу – фироқ орқали тақдирнинг имтиҳони эканлигини таъкидлайди:

Эй кўнгул, солма ўзунгни дард ила мардона бўл,
Бизни, шоядким, бу янглиғ имтиҳон эткай фироқ.

Мақтаъдан аввалги байтда бу фикр ҳикмат даражасига кўтарилади:

Дўстдин истар ризо зинҳор ани кўрмаким,
Васл қилғай комрон ё нотавон эткай фироқ.

Байтдаги мазмунга кўра, дўстнинг ризосини истаган киши учун висолдан бахтга эришиш ёки айриликдан нотавон бўлиш аҳамиятсиздир.

Хўш, байтда келтирилган *дўст* ким? Аввалги шарҳларимизда ҳам таъкидланганидек, Алишер Навоий шеърларида тасвирланган ёр ёки дўст алоҳида объект эмас, балки бир

қанча маъно қатламларини ўзида акс эттирувчи умумлашма образдир. Таҳлил қилаётганимиз ушбу байтда ҳам дўст образи айни пайтда ҳам она-юрт, ҳам Ҳусайн Бойқаро (ёки шоирнинг бошқа дўсту устозлари) орқали асл мақсад бўлган Яратганни ифодалаб келмоқда. Ватанидан ёки яқинларидан айриликда яшаган шоир эртами-кечми унга қайтишига ишонади, фироқ унинг она-юртга, дўстларига бўлган муҳаббатини заррача пасайтира олмайди. Ва айни пайтда байтга Яратганнинг розилига эришишни истаган банда Ундан келадиган ҳар қандай синовни, у хоҳ, висолдан келадиган бахт бўлсин, хоҳ айриликдан келадиган нотавонлик бўлсин, мамнуният билан кутиб олади, деган маъно ҳам сингдирилганлигини кўрамиз.

Мақтаъда шоир нидо санъати воситасида ўзига мурожаат қилиб, бағир қонидек май ичгилу, унинг таъсирида бехуд бўл, зеро, фироқнинг бағирни қон қиладиган даражадаги азобидан фақат Унинг ишқию васл умиди қутқара олади, деб таъкидлар экан, сўзлар такрорини *ташбиҳ* санъати билан уйғунлаштириб, байтнинг лисоний жозибасини орттиришга эришади.

Ич, Навоий, май бағир қонидегу бехуд йиқил,
Неча васл уммидидин бағрингни қон эткай фироқ.

МУТРИБО, ҒАМ БАЗМИДА...

Мутрибо, ғам базмида то навҳа оҳанг айладинг,
Заъфлиғ жисмимни тору қоматим чанг айладинг.

Бўлди бўстони узоринг бодадин афрухта,
Майни гўё бўстонафрўз ила ранг айладинг.

Чок этиб эл кўнглин эттинг ғунчадек кўнглум гириҳ
Очтинг эл кўнглин агарчи бизни дилтанг айладинг.

Буки ташбиҳ эттинг, эй кўз, хоки пойин сурмаға,
Билки жавҳарни қаро туфроққа ҳамсанг айладинг.

Ишқ сирри маҳмилин кўк пили чекмас, эй қазо,
Гар ҳилолидин кажак, хуршидидин занг айладинг.

Не қатиқ водий экин, ё Раб, санга эй ишқким,
Ақл саркаш тавсанин қўйғач қадам ланг айладинг.

Қил Навоийни вужуди нангидин, ё Раб, халос,
Чун вужудин барча олам аҳлиға нанг айладинг.

("Ғаройиб ус-сиғар", 346-ғазал)

Луғат:
Мутриб – созанда
Заъфлиғ – ҳолсиз, кучсиз, дармонсиз
Навҳа – мунгли йиғи, нола
Узор – қизил юз
Афрухта – ловиллаб турган, ялтироқ, порлоқ; қизиллик
Бўстонафрўз – гултожихўроз
Гириҳ – тугун, чигал
Дилтанг – сиқилган, ғамли, қайғули; юраги тор
Ҳамсанг – тенг
Маҳмил – кажава, фил ва туя устига ўрнатадиган ўриндиқ
Пил – фил
Кажак – фолбинлар таёқчаси, илгак
Занг – қўнғироқ
Тавсан – саркаш от
Ланг – чўлоқ, оқсоқ
Нанг – ор, уят, номус

Байтларнинг насрий баёни:

1. Эй созанда, ғам базмида мунгли куй чалиб, ҳолсиз ва заиф жисмимни тор, қоматимни чанг қилиб чертгандай бўлдинг.
2. Майга худди гултожихўроз сувини қўшиб, ранг берилганидай, юзингга шароб таъсиридан қизиллик югурибди.
3. Эл кўнглини чок этиб, ғунчадек кўнглимга тугун солдинг, элнинг кўнглини очдинг, аммо бизнинг қалбимизни қайғуга тўлдирдинг.
4. Эй кўз, унинг хоки пойини сурмага ўхшатдинг. Билгилки, бу ташбиҳинг билан гавҳарни қора тупроққа тенглаштирдинг.
5. Эй тақдир, агар янги ойдан илгак, қуёшдан қўнғироқ ясасанг ҳам, ишқ сирринг юкини осмон фили кўтаролмайди.
6. Илоҳо, Сен томон борадиган водий йўли қанчалик оғир! Эй ишқ, ақлнинг оти бу томонга қадам ташлаган заҳоти оёғи чўлоқ бўлиб қолди.
7. Ё Раббим, Навоийни яшамоқ номусидан халос эт! Негаки унинг борлиғи олам аҳли учун уят бўлиб қолди.

Ғазалнинг умумий мазмун моҳияти

Ушбу ғазал шарҳи ҳол ва мурожаат мазмунида бўлиб, унда бошдан охиригача *нидо* (муаллиф ҳис туйғу ва кечинмаларининг муайян шахс ёки предметга мурожаат тарзида баён этилиши) ва *таносуб* (маъно жиҳатдан ўзаро яқин сўзларни келтириш) санъатлари етакчилик қилишини кузатиш мумкин. Дастлаб муғанний (созанда)га хитобан бошланган мурожаат кўз, тақдир ва ишқ орқали давом этиб, ниҳоят Оллоҳга мурожаат билан якун топади. Матлаъдан маълум бўладики, созанда бир базмда (бу лирик қаҳрамон учун ғам базми) мунгли куй чалиб, ишқ дардидан хастаҳол бўлган ошиқ жисмининг мусиқа асбобларидан торга, қоматининг эса чангдек эгик ҳолатга тушишига сабаб бўлади.

Мутрибо, ғам базмида то навҳа оҳанг айладинг,
Заъфлиғ жисмимни тору қоматим чанг айладинг.

Кейинги байтда созанданинг юзи май таъсиридан қизаргани шаробга бўстонафрўз (гултожихўроз) гулининг қўшилганлиги билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган. Маълумки, гултожихўроз қизил рангли ўсимлик бўлиб, ўрта асрларда унинг сояда қуритилган барги дамламаси шаробга қўшиб ичилган. Навоий бу ўринда ана шу ҳолатга ишора қиляпти:

Бўлди бўстони узоринг бодадин афрухта,
Майни гўё бўстонафрўз ила ранг айладинг.

Созанда ўз куйи билан базмда йиғилганларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилдию, ошиқнинг ғундачек нозик кўнглига тугун боғлаб, унинг қайғуси ошишига сабаб бўлди:

Чок этиб эл кўнглин эттинг ғунчадек кўнглум гириҳ
Очтинг эл кўнглин агарчи бизни дилтанг айладинг.

Кейинги байтдан бошлаб, мурожаат объекти ўзгаради. Ошиқ кўзга хитоб қилиб, ёрнинг хоки пойини сурмага қиёслагани учун ундан ёзғиради ва бундай ташбиҳни ноўрин деб билади: гавҳарни (ёрнинг хоки пойини) қора тупроқ (сурма)га ўхшатиш мумкинми, ахир?

Буки ташбиҳ эттинг, эй кўз, хоки пойин сурмаға,
Билки жавҳарни қаро туфроққа ҳамсанг айладинг.

Навбатдаги байтда қазо, яъни тақдирга мурожаат қилиниб, ишқ сирининг юки шунчалик оғирки, уни кўтариш учун ойни илгак қилиш ҳам, қуёшни қўнғироқ қилиш ҳам фойда бермаслиги айтилади (Бу ўринда Навоий карвондаги (юк кўтаришга мўлжалланган) туянинг бўйнидаги қўнғироқни назарда тутади):

Ишқ сирри маҳмилин кўк пили чекмас, эй қазо,
Гар ҳилолидин кажак, хуршидидин занг айладинг.

Олтинчи байтда аввалги байтдаги мазмун кучайтирилади: ишқ водийсининг йўли шунчалик оғирки, уни англашга ақлнинг кучи ожизлик қилади, бу йўлдан ўтмоқчи бўлган йўловчи (солик)нинг оти саркашлиқ қилиб, оқсоқланиб қолади гўё:

Не қатиқ водий экин, ё Раб, санга эй ишқким,
Ақл саркаш тавсанин қўйғач қадам ланг айладинг.

Шу ўринда “Лайли ва Мажнун” достонидаги ишқ водийси таърифи ёдга тушади. Унга кўра, шоир хаёл отида йўлга чиқиб, сайр қилиб юрганида, ишқ водийсига келиб қолади. Шунда от оқсоқланиб, йўлда давом этолмай қолади. Ёмғир, бўрон аралаш момақалдироқ гулдураб, чақин чақади. Чақин ёруғида шоир саксовулдай тахланиб ётган инсон суяклари, ваҳший ҳайвонларни кўради. Бу тун ҳажр туни, бу водий эса ишқ водийси, ваҳший ҳайвонлар ошиққа хуруж этган бало-офатлар, суяклар эса ишқ қурбонларидан нишона эди.

Мақтаъда Навоий Оллоҳга мурожаат қилиб, вужудини бу дунёда яшамоқлик азобидан халос этишини ёлборади, зеро бу савдо уни ишқ дардидан бегона олам аҳли орасида шармсор айлади:

Қил Навоийни вужуди нангидин, ё Раб, халос,
Чун вужудин барча олам аҳлиға нанг айладинг.

Ғазал рус тилига мутаржим Е.Аксельрод томонидан ўгирилган. Таржимада аслият ҳажми (етти байт), ғазалга хос қофияланиш тизими, радифнинг сақланганлиги унинг шаклий муваффақиятини таъминлаган. Мазмунда ҳам мутаржим асосан муаллиф фикрларига ҳамоҳангликни беришга интилган. Баъзи ўринларда, хусусан, 5-байт таржимасида аслият мазмунидан бир оз четга чиқиш кузатилса-да, умумий ҳолатда таржимон рус китобхонининг Алишер Навоий ғазалидаги мазмун-моҳиятдан муайян маънода баҳраманд бўлишига эриша олган.

КЕЛГУСИ УЛ САРВИ СИЙМИНБАР...

Келгуси ул сарви сийминбар гули серобдек
Ким, танимда ҳар замон титрар кўнгул сиймобдек.

Ваҳ, не янглиғ ахтари саъд эрдиким, қилғач тулуъ
Тун кеча кўзум ёрутти меҳри олам тобдек.

Қучқамен белин камар занжир илан деб бўлди хам
Нотавон жисмим муталло айлаган қуллобдек.

Сажда ул чобуксувор оллинда андин айларам
Ким, оёғи узра нақше кўрмишам меҳробдек.

Ақл саррофи лабинг рангину нозук сўз била
Топти гулгун ришта ўткарган ақиқи нобдек.

Силк этак зарришта бирла гул тўқулған жинсдин
Ким, эмас тори чубулған васлалиғ мошобдек.

Кўр Навоий маснадин ишқ ичраким, гулхан аро
Шуъла олтойиу куллардур анга синжобдек.

("Ғаройиб ус-сиғар", 325-ғазал)

Луғат:
Сийминбар – бадани кумушдек оппоқ
Ахтари саъд – бахт юлдузи
Тулуъ – чиқиш, кўриниш (Қуёш ва ойга нисбатан)

Меҳри оламтоб – оламни ёритувчи қуёш
Хам – эгилган
Чобуксувор – от минган, чавандоз
Муталло – олтин суви юргизилган, зарҳал
Қуллоб – чангак, илгак
Сарроф – пул алмаштирувчи
Гулгун – гул рангидаги, қизил
Ноб – соф, сара
Ақиқ – қизил рангли қимматбаҳо тош
Чубулған – чириган
Васлалиғ – ямоқли
Мошоб – жундан тўқилган уст кийим
Олтойи – сариқ рангдаги мўйна
Синжоб – олмахон мўйнаси

Байтларнинг насрий баёни:

1. Сарвиқомат ёрим тоза очилган гулдек мен томон келяпти; буни билгач, кўнглим танамнинг ичида симобдек титрай бошлади.

2. Э воҳ, бу қандай бахт юлдузи эканки, нур тарата бошлагач, ярим кечада кўзимни қуёшдек равшан этди.

3. Камар боғлаган белидан қучаман десам, жисмим тилла суви юргизилган илгакдек эгилиб қолди.

4. Бу чавандознинг олдида сажда қилишимнинг боиси шуки, кўзимга отининг тақасидан ўзга меҳроб кўринмаяпти.

5. Сарроф (пул алмаштирувчи)лардек қимматли нарсаларнинг харидори бўлган ақлим қизил лабларингу ширин сўзларингни қизил ипга тизилган соф ақиққа ўхшатди.

6. Зар иплар билан гул солинган матоҳлардан этагингни силкигин, чунки улар дарвешларнинг жундан тўқилган чириган ва ямоқли кийимичалик ҳам эмас.

7. Ишқ ичра Навоийнинг мартабасини кўрки, ишқ ўтининг шуъласи унга олтойи мўйнаси, куллари эса олмахон мўйнасидек ҳузур бахш этмоқда.

Ғазалнинг умумий маъно-моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ишқий мавзуда бўлиб, висол онларини интизор кутаётган ошиқнинг туйғу ва кечинмалари тасвиридан иборат. Матлаъда келтирилишича, ёрнинг келишини билган ошиқнинг юраги симобдек титрай бошлайди. Маълумки, симоб табиий ҳолатда суюқлик шаклидаги металл бўлиб, кундалик ҳаётда асосан ҳарорат ўлчагич таркибида қўлланилади. Навоийнинг жисм ичидаги кўнгилнинг ҳаяжондан титрашини симобга ўхшатиши аждодларимизнинг ўрта асрлардаёқ симобнинг ушбу хусусиятидан кенг фойдаланганликларини билдиради. Байтда ёрга нисбатан сийминбар (кумушбадан) таърифининг қўлланилиши ҳам тасодифий бўлмай, бу симобнинг кумуш рангда бўлиши билан боғлиқдир:

Келгуси ул сарви сийминбар гули серобдек
Ким, танимда ҳар замон титрар кўнгул сиймобдек.

Иккинчи байтда ёр бахт юлдузи сифатида тасвирланади. У шундай юлдузки, нур тарата бошлагач, ярим кечада ошиқнинг кўзини қуёшдек равшан этади. Бир қарашда тунни қуёш ёритишида мантиқ бузилгандек, лекин ошиқ ёр ташрифидан шундай бахтиёрки, унинг таърифида қуёшдан юксакроқ ташбиҳ тополмайди.

Ваҳ, не янглиғ ахтари саъд эрдиким, қилғач тулуъ
Тун кеча кўзум ёрутти меҳри олам тобдек.

Ошиқнинг ҳижрондан зада бўлган жисми шундай хастаҳолки, у ёрининг камар боғлаган белидан қучмоқчи эди, лекин нотавон жисми тилла суви юргизилган илгакдек эгилиб қолди. Маълумки, олтин юқори ҳароратда эритилганда, турли шаклга кириши мумкин ва бу ўринда шоир олтин ташбиҳидан фойдаланганда, бир томондан, ошиқнинг ишқ ҳароратида эгилган жисмини тасвирласа, иккинчи томондан ёрнинг белидаги олтин камарга ишора қилади:

Қучқамен белин камар занжир илан деб бўлди хам
Нотавон жисмим муталло айлаган қуллобдек.

Навбатдаги байтда фикр мантиқан давом этади: ошиқнинг эгилган қомати сажда қилаётган инсонни эслатади ва шоир бунга шундай изоҳ беради: от минган ёримнинг олдида сажда қилишимнинг боиси шуки, кўзимга отининг тақаси меҳроб бўлиб кўриняпти. Илгак, тақа ва меҳробдаги шаклан ўзаро ўхшашлик шоир бадиий тахайюлининг юксаклигидан дарак беради.

Сажда ул чобуксувор оллинда андин айларам
Ким, оёғи узра нақше кўрмишам меҳробдек.

Кейинги байтда ёр тасвири давом этади. Ёрнинг қизил лабларию ширин сўзлари қизил ипга тизилган соф, сара ақиқ (қимматбаҳо тош)га ўхшатилар экан, бир қарашда мақсад фақат ёр гўзаллигини тараннум этишдек тасаввур уйғонади. Аслида бу ва аввалги байтларнинг ботиний маъноларига эътибор қаратсак, уларда қўлланилаётган “бел”, “лаб” каби тимсоллар тсаввуфий маъно ташиётганига гувоҳ бўламиз. Н.Комиловнинг “Тасаввуф” номли китобида ёзилишича, Алишер Навоий ижодида бел деганда комил инсон хаёлини, лаб деганда пирнинг сўзини, илоҳий файзни англаш орқали солик, яъни тариқат йўлидаги мусофир гавдалантирилади. Демак, ғазалда лирик қаҳрамоннинг пири комил суҳбатига, илоҳий файзга эришган онлари тасвирланган деб ҳам айтиш мумкин.

Мақтаъдан аввалги байтда анъанавий тарзда мавъиза мазмунидаги фикр келтирилади, яъни Навоий иккинчи шахсга (китобхонга ёки барчага) мурожаат қилиш орқали ўзига хитоб қилиб, шундай дейди: Зар иплар билан гул солинган матолардан этагингни силкигин, чунки улар дарвешларнинг жундан тўқилган ямоқли кийимичалик эмас. Бир қарашда фақат зоҳиран фарқланаётган икки тушунча (зарбофт мато ва жундан тўқилган кийим) замирида Навоий ўзининг ёшлик лирикасида мурожаат қилган мавзуси – шоҳ ва дарвеш зиддиятига яна қайтади. Навоийнинг эстетик идеали бўлган дарвеш Ўзини Ҳақ йўлига бағишлаб, бу дунёдан юз ўгирган; бойлик, олтин-жавоҳирга беписанд қараб, илоҳий маърифат-

ни ҳар қандай зебу зийнатдан афзал деб билган; қаноатли-диёнатли шахсдир. Шоирнинг бадиий маҳорати яна шунда намоён бўладики, у айнан кийим билан боғлиқ ўринда "силк этак" деган иборани қўллаяпти ва бу билан байтнинг лисоний жозибасини оширяпти.

Мақтаъда Навоий ўзининг ишқ йўлида эришган мартабасини фахрия йўли билан шундай баён этади:

Кўр Навоий маснадин ишқ ичраким, гулхан аро
Шуъла олтойиу куллардур анга синжобдек.

Яъни ишқ ичра Навоийнинг мартабасини кўрки, ишқ ўтининг шуъласи унга олтойи мўйнаси, куллари эса олмахон мўйнасидек ҳузур бахш этмоқда. Маълумки, олтойи Олтой тулкисининг терисидан ишланган пўстин, синжоб эса силовсин ёки мўйи ўсиқ олмахон терисидан тикилган устки кийим бўлиб, қиш кунларида совуқнинг заҳридан сақланиш учун кийилган. Навоий ўзида ишқ ҳароратидан пайдо бўлган ўтни синжоб ва олтойига нисбат бериш орқали ўзининг ишқдаги мартабасига ишора қилади.

НЕ ЛУТФ ЭДИКИ...

Не лутф эдики, мени нома бирла ёд эттинг,
Не нома эрдики, ғамгин кўнгулни шод эттинг.

Тилим қалам тилидек шукрдин эрур ожиз,
Бу нома бирлаки бу нотавонни ёд эттинг.

Ўқурда оқти ёшим ихтиёрсиз, гўйиё
Ки, ҳажр дудасидин номаға мидод эттинг.

Етурди жисмима руҳ, эй қуёш, магарки
Масиҳ муаллим эрди дамеким ани савод эттинг.

Жавоҳиреки йибординг бу номуродинг учун,
Кўнгул харобасини махзани мурод эттинг.

Не суд, бўлса амал номаси қора гар худ
Отинг нишон уза Жамшид ё Қубод эттинг.

Навоий, жисмингга руҳ ул қуёш ҳадиси эмиш,
Масиҳ нутқиға йўқ ерда эътиқод эттинг.

("Ғаройиб ус-сиғар", 353-ғазал)

Луғат:
Лутф – иноят, меҳрибонлик, марҳамат, шафқат
Ҳажр – ҳижрон, айрилиқ

Дуда – куя, қурум, тутуннинг иси
Мидод – сиёҳ
Махзан – хазина
Суд – фойда
Нишон – белги, аломат; тамға, из; хат, мактуб
Ҳуд – ўзи, ўзича
Ҳадис – сўз

Байтларнинг насрий баёни:

1. Сен томонингдан бу қандай марҳамат бўлдики, мактуб битиб, мени эсга олдинг, бу қандай нома эдики, у билан ғамгин кўнглимни шод этдинг.

2. Тилим сенинг шукрингни айтишда қаламнинг тилидек ожиз қолди, негаки мактуб орқали бу бечоранинг номини ёд этдинг.

3. Мактубингни ўқиётганимда кўз ёшим беихтиёр оқди, назаримда мактубда сиёҳ ўрнига ҳижрон қурумидан фойдаландинг.

4. Эй қуёшим, бу мактубни ёзаётганингда Исо Масиҳ сенга устозлик қилдимикан, чунки уни ўқишим билан жисмимга жон кирди.

5. Бу ноумид (ёринг)га гўё жавоҳир юбориб, унинг вайрона қалбини орзу-умидлар хазинасига айлантиргандек бўлдинг.

6. Агар номайи аъмолинг қора бўлса, номингни нишон устига Жамшид ё Қубод деб ёзишдан не фойда?

7. Эй Навоий, сенинг жисмингга жон бағишловчи ўша қуёшнинг сўзларидир, сен эса Исо Масиҳнинг нутқига ўринсиз эътиқод этдинг (яъни бунинг сабабчиси Исонинг нутқи деб ўйладинг).

Ғазалнинг умумий маъно-моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ишқий мавзуда бўлиб, унда ёрдан мактуб олган ошиқнинг шукроналик туйғулари юксак пафос билан тасвирланади. Ошиқ учун ёрнинг уни эслаб, нома битгани чексиз марҳамат ва иноят бўлиб, бу билан ошиқнинг ғамгин қалби чексиз қувончга тўлади:

Не лутф эдики, мени нома бирла ёд эттинг,
Не нома эрдики, ғамгин кўнгулни шод эттинг.

Қаламнинг тили забун, боши эгик, ўз туйғуларини қоғоздан бошқага айта олмайди. Навбатдаги байтда шоир ошиқнинг ҳолатини қаламнинг шоирона тасвири билан қиёслаб, ажойиб поэтик лавҳа яратади:

Тилим қалам тилидек шукрдин эрур ожиз,
Бу нома бирлаки бу нотавонни ёд эттинг.

Агар эътибор қаратилса, ушбу байтда ***радд ул-қофия*** санъати (матлаъдаги қофияни ғазалнинг кейинги байтларидан бирида такрорлаш) қўлланилаётганлигини кузатиш мумкин. Шоир матлаънинг биринчи мисрасида қофия бўлиб келаётган «ёд эттинг” бирикмаси-

ни иккинчи байтнинг иккинчи мисрасида айнан такрор ҳолда қўллайди. Юзаки қараганда оддий такрордек кўринган бу ҳолат замирида аслида сўзнинг маъно товланишлари намоён бўлаётганлигини кузатиш мумкин. Биринчи байтдаги "ёд эттинг" қофиясида *хотирга олмоқ, эсга олмоқ* тушунчаси умумий ҳолда баён қилинган бўлса, иккинчи байтда энди ушбу тушунча конкрет моҳият касб этади: Бу нома бирлаки бу нотавонни **ёд эттинг**...

Кўзга тутун иси кирса, у ёшланади. Ёр ўз мактуби учун ҳижроннинг куюндисини сиёҳ қилган чамаси, ошиқ мактубни ўқигани сари кўзи ихтиёрсиз равишда ёшланаверади:

Ўқурда оқти ёшим ихтиёрсиз, гўйиё
Ки, ҳажр дудасидин номаға мидод эттинг.

Ошиқнинг ҳижрондан озурда бўлган жонсиз танасига ёрдан мактуб келгач, жон киргандек бўлади ва энди ошиқ ёрга мактуб ёзишда Исо Масиҳ устозлик қилганмикан деб ўйлай бошлайди:

Етурди жисмима руҳ, эй қуёш, магарки
Масиҳ муаллим эрди дамеким ани савод эттинг.

Маълумки, Исо Масиҳ мумтоз адабиётимизда энг кўп қўлланилган бадиий тимсоллардан бўлиб, Алишер Навоий ижодида жон бахш этувчи, тирилтирувчи, қуёшга фанолик рамзи сифатлари билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Буюк мутафаккирнинг "Тарихи мулуки Ажам" асарида маълумот берилишича, Исо (а.с.) осмоннинг тўртинчи қаватига кўтарилган. Шарқ илми нужумига кўра эса, тўртинчи қават осмонда қуёш жойлашган. Шу маънода аксарият ҳолларда Исо Масиҳнинг номи қуёш билан биргаликда тамсил қилинади. Навоийнинг ушбу байтда ёрга "қуёш" деб мурожаат қилиши тасодифий бўлмай, ана шу ҳолат билан боғлиқ. Мазкур фикрларнинг ғазалнинг айнан тўртинчи байтида келтирилаётганлиги ҳам муайян бадиий эстетик функцияга эга.

Мақтаъдан олдинги байтда Навоий бадиий услубининг юксак кўриниши намоён бўлади: лирик чекиниш ва мавъиза йўсинида айтилган фикр ғазалнинг умумий руҳига ҳамоҳанг тарзда янграйди:

Не суд, бўлса амал номаси қора гар худ
Отинг нишон уза Жамшид ё Қубод эттинг.

Агар амалларинг номаси (номайи аъмолинг) қора бўлса, номингни ушбу нома устига Жамшид ёки Қубод деб ёзсанг ҳам бефойдадир. Байтда Жамшид ва Қубод исмларининг талмиҳ тарзида келтирилиши тасодифий бўлмай, ушбу шахслар эронийларга мансуб сулолаларнинг қудратли ҳукмдорларидандир. Улардан Жамшид 700 йил ҳукмронлик қилган бўлиб, унинг даврида бирорта ҳам табиий офат юз бермаган, касаллик ва ўлим буткул барҳам топган. Манманликка берилиб кетгани учун тахтига завол етиб, Заҳҳок томонидан ўлдирилган. Қубод эса сосонийлардан бўлиб, Анушервони Одилнинг отаси сифатида ном қолдирган. Кўплаб бинолар қурдирган. Навоий ушбу байтда агар улардек қудратли подшоҳ бўлсанг ҳам, ёмон амаллар билан номанг юзини қора қилган бўлсанг, охир-оқибат залолатга юз тутасан демоқчи.

Мақтаъда Навоий *қуёш* умумлашма тимсоли орқали Пайғамбаримиз (с.а.в.)га ишора қиладики, бу билан бевосита ғазалнинг тўртинчи байтидаги фикрга якун ясагандек бўлади: Эй Навоий, сенинг жисмингга жон киргазган ул Зотнинг сўзлари эди, сен эса бу жонпарварликни Исонинг нутқидан деб ўйладинг:

Навоий, жисминга руҳ ул қуёш ҳадиси эмиш,
Масиҳ нутқиға йўқ ерда эътиқод эттинг.

ЁР ЧУН ИСТАРКИ...

Ёр чун истарки, бўлғаймен мудом андин йироқ,
Ул жиҳатдин барча васл истар, мени маҳзун фироқ.

Яхшиларға бас ёмондур ҳолким, ёр оллида
Тенгдурур яхши-ёмон, балким ёмонроқ яхшироқ.

Шаҳ ёнин фарзин кеби кажлар мақом этмиш, не тонг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар рухдек қироқ.

Тоза ҳар ён доғ эмас жисмимда ул юз ишқидин
Ким, бу кавкабларға бўлмиш ул қуёшдин эҳтироқ.

Бу йироқликдин яқиндур ўлгамен, ваҳ, ёрнинг
Истабон ройин бўлуптурмен яқинликдин йироқ.

Маҳжабинлардин сияҳдиллик не тонг, ойким анинг
Ботинин кўрсанг қорадур, гар кўрунур зоҳир оқ.

Кўп Ҳижоз оҳанги тузма ёр ила бўл барча вақт,
Эй Навоий, гар Ажам бўлсун мақоминг, гар Ироқ.

("Ғаройиб ус-сиғар", 317-ғазал)

Луғат:
Маҳзун – ғамгин, хафа
Фарзин – шахмат донаси.
Каж – эгри, маж.: фирибгар кимса.
Рострав – тўғри йўлда юрувчи, солиҳ киши.
Арса – майдон; шахмат тахтаси.
Не тонг – ажабланарли эмас
Рух – шахмат донаси.
Қироқ – чет, чекка.
Кавкаб – юлдуз.
Эҳтироқ – куйиш.

Рой – фикр, ўй, ният.
Маҳжабин – ойюзли гўзал.
Сияҳдиллик – кўнгли қоралик.

Байтларнинг насрий баёни:

1. Ёр мен ундан доим йироқ бўлишимни истайди, шу сабабли барча унинг висолини истаса ҳам, мен фироқ талабидаман (Ёки ёрнинг талабини бажариб ундан йироқ турганимни кўрган барча бу ҳолдан фойдаланиб, унинг васлини тилайдилар).

2. Ёр олдида яхши-ёмоннинг барчаси тенг, ҳатто ёмонлар яхшироқ саналганлиги учун яхшиларнинг аҳволи жуда ёмондир.

3. Шахмат тахтасида фарзин каби эгри йўлда юрувчилар шоҳ ёнида макон тутгани сабабли, тўғри кишилар рух каби ўзини четга олиши ажабланарли эмас.

4. Қуёшдек нурли чеҳра ишқидан жисмимда ҳар ёнда доғлар эмас, балки бу юлдузларнинг Қуёш тафтидан куйиб қолгандан кейинги ҳолатидир.

5. Бу айриликдан ўлим топишим аниқ, чунки ёрнинг кўнглига қараб, яқинлик истагидан йироқ бўлибман.

6. Ой юзли гўзалларнинг кўнгли қора бўлса, ажабланманг, чунки ой ҳам бир қарашда ёруғ кўринса-да, лекин унинг ботини (ички томони) қорадир.

7. Эй Навоий, Ҳижоз хаёлида кўп машғул бўлмай, мақоминг Ажам ёки Ироқ бўлса ҳам, ҳамиша ёр билан бўлгил.

Ғазалнинг умумий маъно-моҳияти

Ушбу ғазал зоҳиран ёрдан шикоят, ботинан эса буюк мутафаккирнинг олам ва одам, яшашдан мурод, умрнинг мазмуни билан боғлиқ фалсафий қарашлари акс этган изҳорномасидир.

Лирик қаҳрамоннинг ёри мудом унинг йироқда бўлишини истайди, шу сабаб бошқа васл тиловчилардан фарқли равишда у фироқ, яъни айрилиқни маъқул кўришга мажбур, зеро ишқ одобига кўра, маъшуқнинг талаби ошиқ учун қонундир:

Ёр чун истарки, бўлғаймен мудом андин йироқ,
Ул жиҳатдин барча васл истар, мени маҳзун фироқ.

Кейинги байтда ишқ одобининг яна бир қирраси намоён бўлади: маъшуқанинг талаби, истаги муҳокама қилинмайди, гарчи у яхшиларни ноҳақ ранжитиб, ёмонларга илтифот кўрсатаётган бўлса-да:

Яхшиларға бас ёмондур ҳолким, ёр оллида
Тенгдурур яхши-ёмон, балким ёмонроқ яхшироқ.

Ботинан байтни қуйидагича талқин қилиш ҳам мумкин: Яратганнинг лутфи олдида барча инсонлар тенгдирлар, агар У истаса, ёмонларни тўғри йўлга солиши, гуноҳкорга лутфу иноят кўрсатиши мумкин. “Ҳайрат-ул аброр”да шундай мисралар бор:

Ҳар киши осию гунаҳкорроқ,
Афв ила раҳматқа сазоворроқ.

(Эътибор қаратилса, ғазалдаги ёр тушунчасининг маъновий қатламалари байтма-байт кенгайиб бораётганлигини сезиш қийин эмас).

Учинчи байт устоз навоийшунос А.Ҳайитметов таъбири билан айтганда, лирик чекиниш тарзида бўлиб, мазмун ва услуб жиҳатидан ғазал таркибидаги бошқа байтлардан ажралиб туради. Байтда аввалги ёки кейинги байтлардаги тасвир усулидан фарқ қилиб, умумлашган ибратомуз хулоса мавжудлигига гувоҳ бўламиз:

Шаҳ ёнин фарзин кеби кажлар мақом этмиш, не тонг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар рухдек қироқ.

Буюк мутафаккир шатранж доналарининг тахта устидаги жойлашув тартибини келтириш воситасида бу олам ва ундаги тартиботларни баён қилади, кажрав вазирлар дастидан тўғри ва ҳалол кимсалар ҳар доим эътибордан йироқда яшашга маҳкум эканликларини ёки аксинча тўғри фикрловчи кишилар сарой ва ундаги яшаш тарзини ёқтирмаганлари сабаблишоҳ ёнида фарзин каби эгри йўлда юрувчилар макон тутганлигини афсус ва надомат билан таъкидлаб ўтади.

Кейинги байтда яна шарҳи ҳол мазмунига қайтилади. Шоир ул ёр юзидан айрилиқ туфайли жисмида пайдо бўлган доғларни китобхон назаридан четга олиб, булар доғ эмас, балки юлдуз сиртида қуёшнинг тафтидан пайдо бўлган куйинди изларидир дер экан, ***ҳусни таълил*** санъатининг бетакрор намунасини яратади:

Тоза ҳар ён доғ эмас жисмимда ул юз ишқидин
Ким, бу кавкабларға бўлмиш ул қуёшдин эҳтироқ.

Навбатдаги байтда ошиқ айрилиқ туфайли шундай ҳолга келадики, энди унинг ўлими яқин, яъни муқаррардир:

Бу йироқлиқдин яқиндур ўлгамен, вах, ёрнинг
Истабон ройин бўлуптурмен яқинлиқдин йироқ.

Байтда “йироқлиқдин яқин” ва “яқинлиқдин йироқ” деган бирикмалар воситасида ***тарди акс*** (тескари қилиб такрорлаш) санъати вужудга келтирилган. Шоирнинг маҳорати шундаки, тарди акс санъати яна бир сўз ўйини – ***тажнис*** (шаклдош сўзларга асосланган санъат) билан уйғунлик касб этган, яъни биринчи мисрадаги “яқин” сўзи “аниқ”, “муқаррар” маъноларини англатса, иккинчи бирикмадаги яқин ўз маъносида, яъни “яқинлик” маъносида қўлланилган.

Мақтаъдан олдинги байт яна бир ҳаётий умумлашманинг бадиий ифодасини ўзида акс эттиради:

Маҳжабинлардин сияҳдиллик не тонг, ойким анинг
Ботинин кўрсанг қорадур, гар кўрунур зоҳир оқ.

Яъни ой юзли гўзалларнинг кўнгли қора бўлса, ажабланманг, чунки ой ҳам бир қарашда ёруғ кўринса-да, лекин унинг ботини (ички томони) қорадир.

Мақтаъда географик номлар бир вақтнинг ўзида куй номлари билан ҳамоҳанглик касб этиши натижасида **ийҳом** санъати вужудга келтирилганки, бу шоирнинг бошқа ғазалларида ҳам кузатиладиган ҳолатдир. Маълумки, Ҳижоз Ҳозирги Саудия Арабистонидаги воҳа, жой номи бўлиб, Арабистон ярим оролининг Қизил денгиз бўйидаги ғарбий қисми, Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган ҳудудни англатади. Бунда шоир ўзига мурожаат қилар экан, байтда айнан "Ҳижоз оҳанги тузма" деб айтилиши тасодифан бўлмасдан, ёр, яъни Оллоҳни ёд олиш учун Ҳижоз сари бориш шарт эмас, Ажамда бўлсанг ҳам, Ироқда бўлсанг Унинг хаёли билан яшашинг кифоядир деган фикрни илгари суради.

Кўп Ҳижоз оҳанги тузма ёр ила бўл барча вақт,
Эй Навоий, гар Ажам бўлсун мақоминг, гар Ироқ.

ҚОН ЁШИМ СОРИҒ ЮЗ УЗРА...

Қон ёшим сориғ юз узра ошкор этти фироқ,
Заъфаронзоримни ғамдин лолазор этти фироқ.

То фироқ уйига кирдим, ваҳки, ашкимдин эди,
Гарчи юз гавҳар, аёғимға нисор этти фироқ.

Дам-бадам оҳим чекарга сабр ила тоқатни ақл
Ихтиёр этти, вале беихтиёр этти фироқ.

Жон талошур элни марг андоққи айлар музтариб
Лабларинг истар кўнгулни беқарор этти фироқ.

Деб эдук ишқ андуҳидин ҳар дам афғон қилмали,
Ваҳки, бу даъвода бизни шармсор этти фироқ.

Кет фараҳким, ғамни, меҳнат тошин олиб, кўнглума
Юз туман мисмор бирла устувор этти фироқ.

Эй Навоий, васл аро бўлғайки, боқиб кулгамен
Доғларним кўнгулга ёдгор этти фироқ.

Демангиз нетти фироқ охирки бўлдунг душмани,
Манъи васли хусрави Жам иқтидор этти фироқ.

("Ғаройиб ус-сиғар", 315-ғазал)

Луғат:

Заъфаронзор – заъфарон экилган жой; маж.: ошиқнинг сарғайған юзи.

Нисор этмоқ – сочиш (кишига эҳтиром маъносида унинг бошидан бирор нарса (гул, танга, гавҳар) сочиш); сочқи.

Марг – ажал, ўлим.

Музтариб – талвасага тушиш, изтиробга тушиш.

Афғон – фиғон, оҳ-фарёд.

Фараҳ – шодлик.

Меҳнат – машаққат, қийинчилик, ғам

Туман – юз минг

Мисмор – мих, қозиқ.

Нетти – нима қилди

Хусрав – подшоҳ

Ғазалнинг насрий баёни

1. Фироқ сарғайган юзим устидаги қонли кўз ёшимни ошкор қилди, заъфаронлар ўсган чеҳрамни ғамдан лолазорга айлантирди.

2. Фироқ уйига кирган эдим, э воҳки, фироқ кўз ёшим туфайли пайдо бўлган юзлаб гавҳарни оёғим остига сочқи қилиб тўкди.

3. Ақл ҳар замон оҳ чекавериб, охир-оқибат сабр-тоқатни ихтиёр этган эди, лекин фироқ уни ихтиёридан жудо қилди.

4. Ўлим жон талвасаси вақтида одамларни қандай изтиробга солса, фироқ лабларинг истагида бўлган кўнгилни шундай ҳолатга солди.

5. Ишқ ғуссасидан ҳар лаҳза дод-фарёд қилмаймиз, деб айтгандик, лекин э воҳки, фироқ бу даъвода ҳам бизни шарманда қилди.

6. Эй шодлик, кет, чунки фироқ машаққат тоши билан кўнглимга ғамни юз мингта мих билан қоқиб қўйди.

7. Эй Навоий, ҳали шундай замонлар келадики, висолга етишиб, айриликдан ёдгор бўлган кўнгил доғларига боқиб куламан.

8. Охир-оқибат сенинг душманингга айланган фироқ сенга нима қилди, деб сўраманг, зеро фироқ Жамшиддек қудратли подшоҳнинг висолига тўсқинлик қилди.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти:

Мазкур ғазал мумтоз адабиётимизда кенг тарқалган мотивлардан бири – фироқ мавзусига бағишланган. Ғазалда “фироқ” сўзининг радиф сифатида олиниши шоирнинг ушбу мотивга алоҳида ёндашганлигини кўрсатади.

Матлаъдаёқ кучли муболағавий тасвирга гувоҳ бўламиз. Ошиқнинг юзи ҳижрону алам туфайли заъфарон (сариқ) тусга кирган, фироқ шиддати ҳаддан ошгач, ошиқ сариқ юзи узра қонли кўз ёш тўка бошлайди, бу кўз ёшлар ҳатто унинг заъфарон ўсгандек тасаввур қолдирувчи сариқ юзини лолазорга айлантиради. Маълумки, заъфарон сариқ тус берувчи хушбўй ўсимлик бўлиб, мумтоз адабиётимизда одатда ошиқнинг ғамдан сарғайган юзига нисбат берилади. Бу ўринда шоир заъфаронзорнинг лолазорга айланиши билан боғлиқ ташбиҳдан фойдаланяптики, бу фироқнинг таъсир кучини кўрсатишда бетакрор бадиий восита сифатида хизмат қилган.

Қон ёшим сориғ юз узра ошкор этти фироқ,
Заъфаронзоримни ғамдин лолазор этти фироқ.

Кейинги байтда тасвир янада қизиқарли тус олади: ғазалнинг лирик қаҳрамони фироқнинг уйига кирган эди, унинг кўз ёшларидан пайдо бўлган юзлаб гавҳарларни фироқ ошиқнинг оёғи остига тўкиб, гўё унга эҳтиром кўрсатди (Фироқнинг усталигини қарангки, унинг уйига ташриф буюрган меҳмон учун сочқини ҳам ошиқнинг ўзидан олиб, яна унинг ўзига фидо қиляпти). Байтда қўлланган **ташхис** (жонлантириш) санъати китобхон кўз олдида манзаранинг янада жонли чиқишини таъминлаган:

То фироқ уйига кирдим, ваҳки, ашкимдин эди,
Гарчи юз гавҳар, аёғимға нисор этти фироқ.

Навбатдаги байтда тасвирланишича, ақл ниҳоят тақдирига тан бериб, сабр ва тоқатни ихтиёр қилмоқчи эди, лекин фироқ яна уни бу ҳолатидан беихтиёр қилиб, ўз измига солди:

Дам-бадам оҳим чекарга сабр ила тоқатни ақл
Ихтиёр этти, вале беихтиёр этти фироқ.

Мумтоз адабиётдаги ташбиҳга кўра, ёрнинг лаби – оби кавсар ва ошиқ бу лаблардан оби ҳаёт, яъни жон топмоқчи. Лекин фироқ бунга йўл бермаяпти. Бу худди жон талвасасида ётган кишининг ўлим билан олишувига ўхшайди.

Жон талошур элни марг андоққи айлар музтариб
Лабларинг истар кўнгулни беқарор этти фироқ.

Кейинги байтларда тадрижийлик яна давом этади. Ошиқ бир вақтлар “биз ишқ изтиробларини ичра собитмиз, яъни ишқ ғами бизни оҳу фиғон қилишга мажбур қилолмайди” деб иддао қилган эди, лекин фироқ шиддати бу даъвони пучга чиқарди, яъни ошиқни эл ичра шармсор қилди:

Деб эдук ишқ андуҳидин ҳар дам афғон қилмали,
Ваҳки, бу даъвода бизни шармсор этти фироқ.

Фироқ ғами шундай ортдики, энди ошиқ учун шодлик ва хурсандчиликдан ному нишон қолмади, чунки фироқ ғам тошини олиб, кўнгилнинг устига юз мингта мих билан ғамни шундай қоқиб қўйдики, энди бу кўнгилга шодлигу хурсандчилик сиғмайди. Яна **ташхис** санъати воситасида фироқнинг жонлантирилиши китобхон кўз ўнгида ажойиб бир лавҳани гавдалантиради.

Фироқдан ёзғириш кайфияти устувор бўлган ғазал мазмуни мақтаъга келганда бирдан бошқача тус олади: шоир ўз-ўзига мурожаат қилиб, тез орада фироқ чекиниб, висол устувор бўладиган кунлар келишини, шунда кўнгилда фироқ аламидан қолган доғларни ёдгорлик сифатида кулиб эслашини умидворлик билан таъкидлайди:

Эй Навоий, васл аро бўлғайки, боқиб кулгамен
Доғларником, кўнгулга ёдгор этти фироқ.

Бу умидворлик ҳисси ғазалнинг сўнгги байтига келганда реал воқелик билан уйғунлашади. Яъни ушбу ғазал унинг лирик қаҳрамони ўзи учун беҳад азиз бўлган киши (ёри, дўсти ёхуд замона ҳукмдори)дан айриликда эканлигида ёзилган бўлиб, шоир тез орада у билан дийдорлашувига ишонади. Зеро, байтда айтилишича, фироқ шоирга душманлик қилиб, маълум муддат унинг Жамшиддек қудратли подшоҳ васлидан баҳраманд бўлишига тўсқинлик қилди:

Демангиз нетти фироқ охирки бўлдунг душмани,
Манъи васли хусрави Жам иқтидор этти фироқ.

Ғазалнинг шоир ихлосмандлари томонидан тартиб берилган “Оққуюнли мухлислар девони”дан ўрин олганлиги (мазкур девон 1471 йилда тузилган), кейинчалик ўзининг илк расмий девони “Бадойиъ ул-бидоя”га киритилганлигини ҳисобга олсак, унинг 1471 йилдан аввалроқ, эҳтимол шоир Самарқандда яшаган даврларида яратилганлиги билан боғлиқ тахминни вужудга келтиради.

Ғазал рус тилига А.Сендик томонидан таржима қилинган. Ғазалга хос қофияланиш тизими ва радиф (“разлука”)нинг сақланиши таржиманинг шаклий муваффақиятини таъминлаган. Баъзи байтлар (4-, 5-байтлар)даги ноқисликларни ҳисобга олмаганда, мазмунда ҳам асл матнга анча яқинлашиш бор. Таржима аслият ҳажми (8 байт) доирасида амалга оширилган, фақат унда еттинчи ва саккизинчи байтлар ўрни алмаштирилган. Бу тасодифий эмас, зеро анъанавий ғазаллардан фарқли ўлароқ, ушбу ғазалда тахаллус охиридан аввалги байтда келтирилган. Бундай ҳолат Алишер Навоий ғазалларида оз бўлса-да (2600 ғазалдан 10 тачасида) учраб туради. Ушбу ҳолдан бехабар мутаржим таржимада гўё бу “хато”ни тузатган бўлиб, байтлар ўрнини алмаштиргандир, эҳтимол.

УНУТМОҒИЛКИ ТО ҲАЖР ЭТТИ...

Унутмоғилки то ҳажр этти бедод,
Мени бир нома бирла қилмадинг ёд.

Кўнгул ёд этмасингдин бўлса ғамгин,
Вале руҳум эрур ёдинг била шод.

Бузуғ жисмим уйин йиқти фироқинг,
Бу уйда кўп бузуғлуғ қилди бунёд.

Қул ўлди сарв то гулгашт этарга
Қадинг базми тарабдин кўпти озод.

Мени гаҳ дашту гаҳ тоғ узра кўрган
Тирилмиш соғинур Мажнуну Фарҳод.

Кўнгулни май била маъмур қилким,
Хумори давр ани қўймас обод.

Навоий телба бўлған чоғда кўрди,
Парий бирла ани соғинди ҳамзод.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 126-ғазал)

Луғат
Бедод – жабр ситам, зулм
Гулгашт – гул сайри, гул сайли
Тараб – хурсандлик, шодлик, айшу ишрат
Қўпмоқ – ўрнидан турмоқ, тик турмоқ
Соғинмоқ – бу ўринда: ҳисобламоқ, ўйламоқ, гумон қилмоқ
Маъмур – обод, хурсанд
Давр – давра, улфатлар давраси
Ҳамзод – туғишган, қариндош

Ғазалнинг насрий баёни

1. Шуни унутмагилки, ҳижрон кўп жабр-ситам етказди, сен мени бир нома билан ёд айламадинг.
2. Кўнгил мени ёд этмаганингдан ғамгин бўлса-да, лекин руҳим сенинг хаёлинг билан шоддир.
3. Сенинг фироқинг бузилган жисмим уйини қулатди, айрилиқ бу уйда яна кўп вайронагарчиликларни амалга оширди.
4. Шодлик базмидан гул сайрига чиққан пайтингда сенинг келишган қоматингни кўрган сарв унга қул бўлишни истади.
5. Мени гоҳ даштда, гоҳ тоғ устида кўрганлар Фарҳод билан Мажнун тирилибди, деб гумон қилдилар.
6. Кўнгилни май билан обод қил, зеро улфатлар даврасидаги мастлик хумори уни тинч қўймайди.
7. Навоий уни телба ҳолида кўргач, ёрни парининг синглиси (туғишгани) бўлса керак, деб ўйлади.

Ушбу ғазал Алишер Навоийнинг ишқий мавзудаги ғазалларидан бўлиб, унда ҳижрон мотиви етакчилик қилади. Ғазалда мураккаб тимсоллару рамзларни учратмаймиз, унда ошиқнинг самимий дил изҳорларию қалб кечинмалари енгил ва равон оҳангда ифодаланган. Матлаъдаёқ лирик қаҳрамон айриликдан шикоят қилиб, узоқ вақтлардан бери уни ёри бир мактуб билан ёд этмаганлигидан ёзғиради:

Унутмоғилки то ҳажр этти бедод,
Мени бир нома бирла қилмадинг ёд.

Кейинги байтда шикоят ўрнини тақдирдан розилик, ишқнинг мавжудлигидан шукроналик туйғулари эгаллайди. Зеро, Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида келтирилишича, ишқнинг уч даражаси бўлиб, унинг хослар ишқи деб тасниф қилинган иккинчи турида ошиқ учун ёрнинг хаёли ҳам кифоядир:

Кўнгул ёд этмасингдин бўлса ғамгин,
Вале руҳум эрур ёдинг била шод.

Шу ўринда “Маҳбуб ул-қулуб” асарида келтирилган бир ҳикоятни эслаб ўтиш жоиз. Унга кўра, бир куни Мажнуннинг ишқ ўти ҳижрон туфайли аланга олади ва заиф баданини бу ўтнинг ҳарорати куйдиради. Табиблар турли хил муолажалар қиладилар, фойда бермайди: беморнинг касали кучайиб, иситмаси пасаймайди. Шунда Лайлига хабар берадилар. Лайли Мажнунинг бетоблигини эшитиб, паришон бўлиб, ўз девонасининг ҳолини билиш учун мактуб ёзади. Бу мактубни Мажнунга етказганларида, унда жон асари қолмаган эди. Иттифоқо, Лайлининг номасини ўқиётганларида бемор эшитаётганини ва таъсирланаётганини сезадилар. Ҳар гал нома қайта ўқилганда, унга жон киргандек бўлади. Бемор сиҳат топиб тузалгунча, хатни такрор ўқиб турадилар. У соғайгач, ёрининг мактубини тумор қилиб бўйнига тақиб олади.

Ҳикоятдан кўринадики, ёрнинг зикри ошиқ учун даво ва малҳамдир.

Кейинги байтда ҳам ошиқнинг ишқ дарди туфайли азобланган жисми тасвири давом этади.

Бузуғ жисмим уйин йиқти фироқинг,
Бу уйда кўп бузуғлуғ қилди бунёд.

Ёр шундай гўзал ва хушқоматки, ногоҳ уни базмда кўриб қолган сарв ҳам унинг қаддига қул бўлишни орзу қилади:

Қул ўлди сарв то гулгашт этарга
Қадинг базми тарабдин қўпти озод.

Маълумки, сарв мумтоз адабиётда кенг қўлланилган тимсоллардан бўлиб, унинг сарви озод деган тури шох-шаббасиз, тик ўсади ва ёрнинг тик қоматига нисбат берилади. Байтдан англашилишича, ёрнинг гўзал қомати нафақат ошиқни, балки бўстондаги сарвни ҳам ўзига мафтун этган.

Ошиқ ишқ йўлида шундай бетоқат ва бесабрки, гоҳ даштни, гоҳ тоғни макон тутади. Уни ногаҳон кўриб қолган эл Мажнун билан Фарҳод тирилиб келибди деб ўйлайдилар:

Мени гаҳ даштu гаҳ тоғ узра кўрган
Тирилмиш соғинур Мажнуну Фарҳод.

Мақтаъдан олдинги байт риндона характерда бўлиб, унда шоир улфатлар даврасидаги базмдан пайдо бўлган хуморни фақат мастлик билан ёзиш мумкин, деб таъкидлар экан, кўнгилни фақат май билан обод қилишга ундайди.

Кўнгулни май била маъмур қилким,
Хумори давр ани қўймас обод.

Зоҳиран гўё май тарғибига бағишланган ушбу байт ботинан чуқур орифона мазмунни ўзида акс эттиради: илоҳий маърифатга чанқоқ солик фақат иймону маърифатни қалбга жойласагина, унинг ташналиги қониши, кўнгли обод бўлиши мумкин.

Мақтаъда мумтоз адабиётдаги ёрни парига нисбат бериш билан боғлиқ ташбиҳ бетакрор тарзда баён қилинган, яъни ошиқ ишқ йўлида телба бўлар даражага етгач, ёрни парининг туғишган қариндоши деб ўйлайди, зеро қадимий тасаввурларга кўра, парилар оловдан яратилган мавжудот бўлиб, уларни оддий кўз билан кўришнинг имкони йўқ. Парилар ўз гўзалликлари билан одамларни мафтун этиб, ақлдан оздирадилар. Улар турли шакл ва қиёфаларга кириш имконига эга бўлиб, кўпинча соҳибжамол қиз қиёфасида намоён бўладилар. Бу ўринда Навоий париларнинг ана шу хусусиятларини назарда тутади.

Навоий телба бўлған чоғда кўрди,
Парий бирла ани соғинди ҳамзод.

МЕҲНАТ ЎТИДИН...

Меҳнат ўтидин ёруқтур ҳар тараф кошонамиз,
Бўлди гўё аждаҳо коми бизинг вайронамиз.

Тойири васл учти ашким донасидин ваҳм этиб,
Қушқа, ваҳким, рам берур толиъ йўқидин донамиз.

Ул чароғи ҳусн вайрон кулбани ёрутқали
Меҳр шамъин ёрутуптур ҳар куюк парвонамиз.

Бўлди ошиқ ақл ила ҳазл айлабон вола кўнгул,
Ўтқа тушти ўйнай-ўйнай кул била девонамиз.

Эл тилидин уйқу ўчмиштур кўзумдин гўйиё
Ким, эрур бахт уйқусининг боиси афсонамиз.

Ўлтурай бир май била деб, тиргузурсен, соқиё,
Оби ҳайвон бирла гўёким тўлар паймонамиз.

Муршидеким, қилса иршоди фано, биллаҳ анга
Бу вужуди оразидин ўзга йўқ шукронамиз.

Кўйида кўнглум кўнгуллар ичра кўрдум, турфа кўр,
Турфароқким, ошнолиғ бермади бегонамиз.

("Ғаройиб ус-сиғар", 221-ғазал)

Луғат

Меҳнат – қийинчилик, машаққат
Ёруқ – ёруғ, ойдин
Ком – оғиз, танглай
Тойир – қуш
Ашк – кўз ёши
Рам – чўчиш, ҳуркиб қочиш
Дона – бу ўринда: қушларни илинтириш учун тузоқ атрофига сепиладиган дон
Вола – мафтун, шайдо
Оби ҳайвон – тириклик суви
Муршид – пир, устоз
Иршод – тўғри йўл кўрсатиш; раҳбарлик қилиш
Ораз – юз
Биллаҳ – Худо ҳаққи, азбаройи Худо

Байтларнинг насрий баёни:

1. Машаққат ўтидан бу хонамиз ёришиб кетган. Вайрона кулбамиз гўё аждарҳонинг оғзини эслатади.
2. Висол қуши кўз ёшим донасидан қўрқиб учиб кетди, э воҳким, толемиз йўқлигидан қуш учун қўйган донимиз ҳам қушни чўчитиб юборди.
3. Ҳусн чироғи вайрон кулбамизни ёритиши учун хонамиздаги парвоналар ўзини куйдириб, меҳр шамини янада равшанроқ ёқибди.
4. Ақл билан ҳазиллашган бу мафтун кўнгил ошиқ бўлганини билмай ҳам қолди, энди кул билан ўйнаб, оловда ёнган девона кабимиз.
5. Менинг кўзимдан уйқу ўчгани каби одамларнинг тили ҳам уйқуни унутди, бизнинг халқ тилида афсона бўлганимиз бахтимизнинг уйқусига сабаб бўлди.
6. Эй соқий, бир қадаҳ май билан ўлдираман деб аксинча жон бағишлаяпсан, гўё тириклик сувини ичиб, паймонамиз тўладиганга ўхшайди.
7. Агар пиримиз бизни фано йўлига бошласа, Худо ҳаққи, унинг юзига термулишдан бошқа шукронамиз йўқ.
8. Унинг кўйида кўнглимни турли кўнгиллар ичида кўрдим, бу бегона бизга ошно бўлмади.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти:

Алишер Навоийнинг ошиқона мавзудаги ушбу ғазали мазмунан шарҳи ҳол йўсинида яратилган. Ғазалда ишқ йўлига кирган соликнинг бу йўлдаги машаққатлари, аламу изтироблари баён қилинади. Матлаъдаёқ бу ҳолат юксак пардаларда тасвирланади:

Меҳнат ўтидин ёруқтур ҳар тараф кошонамиз,
Бўлди гўё аждаҳо коми бизинг вайронамиз.

Лирик қаҳрамонга ишқ йўлида шундай машаққатлар юзланганки, уларнинг оловидан ҳатто кулбаси ҳам ёришиб кетган. Шу ҳолатда бу вайрона (одатда, мумтоз адабиётда ошиқнинг ошиёни вайронага қиёсланади) аждаҳонинг оғзини эслатади. Маълумки, аждаҳо оғ-

зидан ўт пурковчи, кишини ўз домига тортувчи, ер тагида ёки вайроналарда яшириниб ётган хазиналарни қўриқлаб ётадиган махлуқдир. Бу ўринда ошиқнинг изтироблар ўтидан ёришган кулбаси оғзидан ўт пуркаб турувчи аждаҳо оғзига ўхшатиляпти, шу билан бирга бу изтиробу машаққатлар ошиқни ўз домига тортиб юборадигандек ваҳимали...

Иккинчи байтда изтироблар тасвири янада таъсирчанроқ ифодаланади:

Тойири васл учти ашким донасидин ваҳм этиб,
Қушқа, ваҳким, рам берур толиъ йўқидин донамиз.

Ошиқнинг бу ҳолати (аждаҳо оғзидек кулбанинг ваҳимаси, кўз ёшлари)дан висол қуши ҳам қўрқиб учиб кетди, энди васлдан умид қилиш амри маҳол, э воҳким, аслида бу дона қушни ўзига чорлаши керак эди, лекин ошиқнинг толеи йўқлигидан ҳатто қуш ҳам чўчиб, (дондан қўрқиб) учиб кетди. Шоир бу ўринда сўз ўйини воситасида кўз ёшлари донасини шаклан қуш учун қўйиладиган донга ўхшатиб, бетакрор тимсол яратишга муваффақ бўлган.

Кейинги байтда ошиқ кулбасининг ёруғлигига яна бир сабаб келтирилади:

Ул чароғи ҳусн вайрон кулбани ёрутқали
Меҳр шамъин ёрутуптур ҳар куюк парвонамиз.

Маълумки, парвона шамъ атрофида айланувчи кичик капалак бўлиб, мумтоз адабиётда ошиқ тимсолини ифодалаб келади. Байтда лирик қаҳрамоннинг вайрон кулбасини парвона меҳр шамъи билан чароғон қилганлиги таъкидланар экан, “Лисонут тайр”даги “Парвоналар ва шам” билан боғлиқ ҳикоят ёдга тушади. Унга кўра, бир гуруҳ парвоналар шамга етишмоқни мақсад қилибдилар. Улардан бири қанотларини куйдириб, шам ҳақидаги сўзларни қолганларига сўзлаб бермоқчи бўлибди. У ҳар қанча уринмасин, эшитувчилар уни англай олмабдилар. Қолганларда ҳам шу ҳолат такрорланибди. Шунда сўнгги парвона ўзини шамга уриб, шуълага айланибди ва равшанроқ ёнибди... Байтда парвоналарнинг ўзларини шамъга уриб, муҳаббат оташини ёққанлари оқибатида лирик қаҳрамоннинг вайрон кулбаси янада ёришганлиги таъкидланади.

Тўртинчи байтда ҳам ўт ва куйиш билан боғлиқ талқинлар давом этади:

Бўлди ошиқ ақл ила ҳазл айлабон вола кўнгул,
Ўтқа тушти ўйнай-ўйнай кул била девонамиз.

Яъни ишқни ҳазил иш, ўйин деб билган бу мафтун кўнгил ошиқ бўлганини билмай ҳам қолди, бу худди кул билан ўйнаб, охир-оқибат оловда ёнган девонанинг ҳолига ўхшайди.

Навбатдаги байтда ошиқ ишқининг эл тилида афсона бўлганлигига урғу қаратилади. Бу ҳолат образли тарзда бетакрор ташбиҳлар воситасида баён қилинади: афсона туфайли элнинг тилидан, ишқ туфайли ошиқнинг кўзидан уйқу ўчган. Ишқ дардидан бебаҳра эл бир дам ҳам ошиқни маломат қилишдан тўхтагани йўқ, яъни унинг тили тин олгани йўқ. Ошиқ эса ишқ изтиробларию ҳижрон аламидан уйқусиз (зеро, “Лайли ва Мажнун“даги таъбирга кўра: “Ишқ аҳлиғадур ҳаром уйқу”), лекин таассуфки, ошиқнинг бахти уйқуда...

Кейинги байтларда ғазалга соқий ва у орқали пири муршид (устоз) образи кириб келади ва натижада ошиқона ғазал орифона “юк олади”. Байтнинг маъносига кўра, агар пири муршид лирик қаҳрамонни фано йўлига бошласа, ошиқнинг пир юзига термулишдан бошқа шукронаси йўқ, зеро у муршиднинг юзида илоҳий жамолни кўради. Байтдаги ботиний маънога кўра, ошиқ ишқ йўлида шундай пири муршидга эҳтиёжмандки, у ошиқни фано мақомига етакласин. Маълумки, тасаввуф фалсафасига кўра, фано – инсон ўзлиги ва бандалиги мақомини Ҳақ таоло баробарида йўқ деб билмоқ, барча майл-истак ва таманноларидан воз кечиб, бутун олам ва оламдагилар Худонинг олдида ҳеч нарса эмаслигини теран англамоқ, башарий сифатлардан қутулиб, илоҳий сифатлар билан ботин оламини безамоқ демакдир (Алишер Навоий қомусий луғати). Демак, ғазалнинг лирик қаҳрамони ана шу мақомга йўналтиришни устоздан ўтинади ва унинг учун кўнгил кўзгусида Аллоҳ жамолини акс этишига эришишдан ўзга шукроналик йўқлигини айтади.

Ғазал ушбу мақсадга эришганлик таъкиди билан ниҳоя топади:

Кўйида кўнглум кўнгуллар ичра кўрдум, турфа кўр,
Турфароқким, ошнолиғ бермади бегонамиз.

Бу кўнгил Унинг кўйида шундай турфа ҳолларга эришдики, ўзидан бегона бўлди, бошқа кўнгилларга ошнолик қилмади, Ўзидан ўзгани қабул қилмади... Байтда қўлланилган ***тавзиъ*** (“к” ва “ў” товушлари асосида яратилган оҳангдорлик) ғазалнинг лисоний жозибасини оширган.

ТОНГ НАСИМИН СОЙИР ЭТКАН...

Тонг насимин сойир эткан гул узоримдур менинг,
Секритиб майдонға кирган шаҳсуворимдур менинг.

Гард эмас, гардинда балким кўрмасун деб эл кўзи,
Волиҳу саргашта жони хоксоримдур менинг.

Маркабининг наълидин ҳар дам чоқилған ўт эмас
Ким, кўнгул отлиғ заифи беқароримдур менинг.

Баски, телмурди кўзум киргайму деб майдон аро,
Кўз қароси йўққи, доғи интизоримдур менинг.

Ул баҳори ҳусн минган қатраафшон бодпой
Гулшани айш очқали абри баҳоримдур менинг.

Чобуки меҳр ўлди бемеҳру ҳарун кўк тавсани,
Тутманг отинким, эшитмак они оримдур менинг.

Йўлида айлай фидо кўз гавҳарин, жон жавҳарин,
Эй Навоий, етса ул чобук, нисоримдур менинг.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 349-ғазал)

ЛУҒАТ:
Сойир – сайр этувчи
Шаҳсувор – 1) чавандоз; 2) севикли ёр, маҳбуба
Гул узор – гул юзли, гулчеҳра
Волиҳ – мафтун
Саргашта – сарсон, овора; паришон
Маркаб – от
Наъл – тақа
Қатраафшон – қатра сочувчи
Бодпой – чопқир, учқур от
Абр – булут
Тавсан – 1) арғумоқ от, ўйноқи от; 2) саркаш, асов, шўх
Ҳарун – қайсар, ўжар.

Байтларнинг насрий баёни:

1. Тонг шамолини сайр этувчи қилган менинг гулюзли ёримдир, аслида ушбу шамол майдонга от сакратиб кирган чавандоз ёрим туфайлидир.

2. Унинг ортидан кўтарилган чанг гард эмас, балки ушбу чанг туфайли элнинг кўзи ёримни кўрмасин деб, сарсон бўлган менинг хоксор жонимдир.

3. Отининг тақасидан ҳар замон чақнаган ўт эмас, балки менинг кўнгил отли бир заифи беқароримдир.

4. Ёрим майдонга кирармикан, деб кўзим кўп термулди, сиз кўраётган бу кўзимнинг қораси эмас, балки интизорликнинг доғидир.

5. Ҳусн баҳори (соҳибжамол ёрим) минган ўша от ҳаётим гулшанини шод этувчи кўкламимнинг булутидир.

6. Меҳрнинг оти бемеҳр бўлди, осмоннинг оти қайсар бўлди, уларнинг отини менинг олдимда тутмангки, эшитишга ҳам ор қиламан.

7. Эй Навоий, агар ул чобуксувор ёрим йўлдан етиб келса, кўзим қорачиғи ва жоним гавҳарини унинг йўлига нисор этаман.

Ғазалнинг умумий маъно-моҳияти

Алишер Навоийнинг мазкур ғазали ишқий мавзуда бўлиб, унда шўх ва бепарво ёрнинг таърифи келтирилган. Ушбу ёр от минишга моҳир чавандоз бўлиб, ғазалда бошдан охиригача унинг йўлига кўз тиккан ошиқнинг руҳий ҳолати: дарду аламлари, изтиробу соғинчлари баён қилинган. Маҳбуба тонг саҳардан от миниб майдонга кирганда, тонг шамоли ҳам унинг атрофида сайр қилади:

Тонг насимин сойир эткан гул узоримдур менинг,
Секритиб майдонға кирган шаҳсуворимдур менинг.

Ёр учқур оти билан сайр қилганда, бутун эл унга ҳайрат билан боқадилар, ҳавода чанг кўтарилади. Лирик қаҳрамон наздида кўтарилган бу тўзон чанг эмас, балки ошиқнинг эл кўзидан рашк қилиб, ўзининг тупроқмонанд паришон жонини унинг йўлига тикканидир:

Гард эмас, гардинда балким кўрмасун деб эл кўзи,
Волиҳу саргашта жони хоксоримдур менинг.

Кейинги байтларда табиат ҳодисалари ва ёр тавсифи қиёси билан боғлиқ параллелизм давом этади. Ёр ҳар от ўйнатганда, унинг туёғидан ўт чақнайди, лекин ошиқ буни ўт деб эмас, балки ёр кўйида заифи беқарор бўлган кўнгли деб ҳисоблашларини истайди, зеро унинг ишқ ўтида ўзи ҳам ўтга айланган бу зор кўнгли унинг жисмидан чиққудек бесаранжом:

Маркабининг наълидин ҳар дам чоқилған ўт эмас
Ким, кўнгул отлиғ заифи беқароримдур менинг.

Маҳбуба гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай қолади. От ўйнатиб, баъзан майдондан узоқлашиб кетади. Шундай пайтда унга интизор ошиқнинг кўзлари телмуриб, майдонни излайди, ёрим яна кўриниб қолармикан деб унинг йўлларига кўз тикади. Ошиқнинг кўзларидаги қоралик қорачиқларидан эмас, балки ёрини кутган ошиқнинг интизорлигидан пайдо бўлган доғлардир:

Баски, телмурди кўзум киргайму деб майдон аро,
Кўз қароси йўққи, доғи интизоримдур менинг.

Навбатдаги байтда ажойиб сўз ўйинига гувоҳ бўламиз. Интизорлик шу даражага етдики, ошиқнинг назарида меҳр (қуёш)нинг оти бемеҳр бўлди, осмон арғумоқи қайсар бўлди, энди ошиқ уларнинг отини эшитишни ҳам истамайди. Байтда “тутманг отин” бирикмаси икки маънода: “номини айтманг” ва “отининг жиловини тутманг”, яъни “тўхтатманг” маъноларида қўлланилганки, бу орқали **ийҳом** санъатининг бетакрор намунаси вужудга келтирилган. Шунингдек, “отини тутманг” дейилишининг яна бир сабаби энди уларнинг оти ўзгарди: меҳрнинг оти бемеҳр бўлди, осмон арғумоғининг оти эса қайсар эканлигига ҳам ишора бор:

Чобуки меҳр ўлди бемеҳру ҳарун кўк тавсани,
Тутманг отинким, эшитмак они оримдур менинг.

Ғазал ёр йўлида жонфидолик қилиш истаги ва садоқат туйғулари ила интиҳо топади. Мақтаъда шоир агар ул чобуксувор ёри йўлдан етиб келса, кўз қорачиғи ва жонининг гавҳарини унинг йўлига мумнуният билан нисор этишини таъкидлайди:

Йўлида айлай фидо кўз гавҳарин, жон жавҳарин,
Эй Навоий, етса ул чобук, нисоримдур менинг.

Ғазал рус тилига А.Сендик томонидан таржима қилинган. Мутаржим ғазалдаги радифни сақлаб қолишга ҳаракат қилган, ҳатто уни (“менинг”) сўз бирикмаси (“роза моя”) тарзида ифодалаган. Баъзи байтлар, хусусан тўртинчи байт таржимасида аслиятдан четга чиқиш ҳоллари кўзга ташланади.

ЁР ОҒИЗ ОЧМАСҚА...

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрғали топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёпушмишлар магар ул икки лаб.

Чайқалиб гўё тушар ҳайвон зулоли ичра мавж,
Изтироб ичра юзунгга солса чин ногаҳ ғазаб.

Кўҳи дард ичра мени Фарҳод агар қилдинг хитоб,
Чун сени дермен чучук жоним эрур Ширин лақаб.

Буки кўнглумни итинг тишларда оғзин қочирур,
Ё ўти ёхуд анинг исланғани эркин сабаб.

Ишқи комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшуқ ёхуд арманий ёхуд араб.

Эйки, фақр ичра қадам қўйдунг талаб водийсиға,
Бўлмаса толиб санга матлуб, суд этмас талаб.

Шаҳ ҳаримида, Навоий, неча топсанг эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингнию беҳад риоят қил адаб.

("Наводир уш-шабоб", 45-ғазал)

Луғат

Ҳайвон зулоли – тириклик суви
Кўҳ – тоғ
Чин – ажин, тиришиш, чимирилиш
Фақр – йўқсил, бечора; бу ўринда: дунёга беҳожат бўлиб, яъни ундан тамани узиб, ёлғиз Яратганга талабгор бўлиш
Матлуб – талаб қилинган, хоҳланган; севимли, ёқимли
Толиб – изловчи, хоҳловчи, майл қилувчи
Суд – фойда
Ҳарим – хос манзил, маскан, ўрда

Ғазалнинг насрий баёни

1. Ёр менинг дарду ҳолимни сўрамаётганига сабаб топдим: унинг икки лаби жуда ширинлигидан бир-бирига ёпишиб қолган, шундан у оғиз очиб, сўзлай олмаяпти.

2. Агар юзинг ғазабдан чимирилса (ёки унда чизиқлар пайдо бўлса), бу худди тиниқ сув устидаги тўлқинларнинг ногаҳон чайқалиб, мавжланишига ўхшайди.

3. Мени дард тоғи ичра бир Фарҳодга нисбат берадиган бўлсанг, мен сени "Ширин лақабли чучук жоним" деб атайман.

4. Сенинг итинг менинг кўнглимни тишламоқчи бўлганда, оғзини олиб қочади. Бу кўнглим оташининг таъсиридан ёки унинг ҳидланганидан бўлса керак.

5. Маъшуқа (ёр) хоҳ армани, хоҳ араб бўлсин, фарқи йўқ; камолга етган ишқ инсонни Фарҳод ёки Мажнунга айлантиради.

6. Эй фақр истаб, талаб водийсига қадам қўйган кимса, агар сен хоҳлаётган ёр (матлуб) сенга майл кўрсатмаса, талабингдан фойда йўқ.

7. Эй Навоий, шоҳ даргоҳида қанчалик ҳурмат-эҳтиром топсанг ҳам, ўз ҳаддингни билгилу, одоб чегарасидан чиқма.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти:

Мазкур ғазал Алишер Навоийнинг ошиқона мазмундаги ғазалларидан бўлиб, унда ҳазиломуз кайфият ва *ҳусни таълил* (чиройли далиллаш) санъатининг бетакрор намунаси билан бошланган матлаъ шоҳбайт даражасига кўтарилган. Ошиқ маъшуқанинг ундан ҳолаҳвол сўрамаслигига ёрнинг лаблари ширинлигидан бир-бирига ёпишиб қолганлигини сабаб сифатида кўрсатади ва шу билан муайян маънода ўз-ўзига таскин беради:

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрғали топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёпушмишлар магар ул икки лаб.

Ошиқнинг бу тавсифидан малолланган чамаси, иккинчи байтда маъшуқа бир оз ғазабнок, чимирилган қиёфада тасвирланади, лекин бу чимирилиш унинг гўзаллигини янада оширади: ёрнинг қошлари ғазабдан чимирилганда, унинг сувдек тиниқ чеҳрасида чизиқлар пайдо бўлади, бу худди зилол сув устидаги тўлқинларнинг ногоҳ чайқалиб кетишини ёдга солади:

Чайқалиб гўё тушар ҳайвон зулоли ичра мавж,
Изтироб ичра юзунгга солса чин ногаҳ ғазаб.

Ошиқ учун ишқ дарди тоғдек улкан ва оғир. Бу дардни кўтариш учун Фарҳоддек кўҳкан (тоғ қазувчи) бўлиш керак. Шоир шу ўринда матлаъдаги лаб билан боғлиқ чучукликни энди тўлалигича ёрга нисбат беради ва сўз ўйини воситасида ҳам Фарҳоднинг ёри Ширин эканлигини, ҳам ўз ёрининг “Ширинлақаб чучук” эканлигини таъкидлайди:

Кўҳи дард ичра мени Фарҳод агар қилдинг хитоб,
Чун сени дермен чучук жоним эрур Ширин лақаб.

Ошиқ ўз ишқида шунчалик жонфидоки, ҳатто ўз юрагини суғуриб олиб, маъшуқанинг итига ташлайди. Лекин ит уни тишлаш ўрнига оғзини олиб қочади. Бунга сабаб нима? Шоирнинг фикрича, бу ёки ошиқ юрагининг ҳарорати (қайноқлиги)дан итнинг оғзи куйиб, уни тишлай олмаслигидан ёки жон таслим этган юракнинг бир муддат ташқарида қолиб, ҳидланганидан бўлса керак:

Буки кўнглумни итинг тишларда оғзин қочирур,
Ё ўти ёхуд анинг исланғани эркин сабаб.

Бешинчи байтда ишқнинг камолатига тавсиф берилади: маъшуқ (ёр) хоҳ армани, хоҳ араб бўлишидан қатъий назар, камолга етган ишқ инсонни Фарҳод ёки Мажнунга айлантиради. Тасаввуф таълимотига кўра, Ҳаққа етишишнинг икки йўли бор. Бири Ҳақдан жазба етиши, яъни Оллоҳ ёди билан ўзидан ва ўзлигидан бехабар бўлиб юриш ва охир-оқибатда жисм – вужуддан қутулиб, Илоҳ вужудига қўшилиш (бошқача айтганда Мажнуннинг йўли). Иккинчиси – пирга қўл бериб, унинг иродаси, амри билан «фано даштини кезиб», машаққат ва риёзат оқибатида жазба топиш ва Ҳаққа эришиш (Фарҳод йўли). Улар шаклан бир биридан фарқланса-да, моҳиятан бир мақсадга Оллоҳни танишга – илоҳий маърифатни англашга қаратилган эди. Навоий байтда ана шу икки йўлни назарда тутар экан, Фарҳод учун армани (Ширин), Мажнун учун араб (Лайли) илоҳий мазҳар (Ҳақ нури порлаган хилқат) бўлганликларини таъкидлайди:

Ишқи комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшуқ ёхуд арманий ёхуд араб.

Мақтаъдан аввалги байт “мавъизатангиз байт” бўлиб, унда Навоийнинг фақру фано билан боғлиқ концепцияси баён қилинган. Маълумки, «фақр» тасаввуфда дунёга беҳожат бўлиб, яъни ундан тамани узиб, ёлғиз Яратганга талабгор бўлишни англатади. Шунингдек, бу тариқат йўлига кирган солик босиб ўтадиган руҳий-маънавий мақомлардан (тавба, зуҳд, вараъдан кейн келадиган) биридир. Саййид Жаъфар Сажжодий фақрга таъриф бериб, шундай ёзади: «Мол-мулки бўлмаган, ёинки бўлса ҳам, унинг учун бўлмаган кишига фақир дейилади ва фақир деб Ҳаққа талабгор бўлган, ўз муродини Ҳақ остонасидан излайдиган кишига айтилади» (Нажмиддин Комилов). Шу ўринда таъкидлаш керакки, бу мақомларни босиб ўтиш мураккаб жараён бўлиб, Ҳақдан жазба етмаса, яъни майл бўлмаса, унга эришиш беҳуда бўлган.

Демак, байтдан келиб чиқадиган хулоса: Эй толиб, агар сен фақр мақомига эришиш учун талаб водийсига қадам қўйсанг-да, бу йўлда сенга Ҳақнинг ўзи ёр бўлмас экан, қанчалик талабгор бўлма, бундан фойда йўқ.

Мақтаъда Навоий яна бир маърифий фикрни китобхонга уқтиради: шоҳ даргоҳида қанчалик ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлсанг ҳам, ўз ҳаддингни бил ва одоб чегарасидан чиқма:

Шаҳ ҳаримида, Навоий, неча топсанг эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингнию беҳад риоят қил адаб.

СУНБУЛИН ЛАЙЛО ОЧИПТУР...

Сунбулин Лайло очиптур, ел абиросо эмас,
Доғини Мажнун қонатмиш, лолайи ҳамро эмас.

Настаран кўзгусида бир сари мен, бир сари ёр
Чеҳра аксин кўргузуптурбиз гули раъно эмас.

Гулни ўхшатқан учун ёримға гўё боғ аро,
Музтариб кўнглум қушидур, булбули шайдо эмас.

Сунбул устидин насим эскач, нигорим туррасин
Ёд қилдимким, димоғ ошуфтадур, савдо эмас.

Наргис олтун жомининг оллида кофурий ҳарир
Пардайи жонимдурур марҳун, қадаҳполо эмас.

Дема, афғонимда булбул ноласидек йўқ нишот,
Бу ҳам андуҳзо эмас, гар ул нишотафзо эмас.

Гулни сарв узра хаёл эттим кўнгул бўстонида,
Рост айтай: сарви гулрўюм кеби зебо эмас.

Бўлмангиз мағрури ҳусн, эй шўхларким, боғ аро
Сиз кеби билтурғи гуллардин бири пайдо эмас

Манга гулрух соқию булбулға гул тутти қадаҳ,
Маст эрур ул ҳам Навоийдек, вале расво эмас.

("Ғаройиб ус-сиғар", 228 ғазал)

Луғат:
Абиросо – анбардек хушбўй
Лолайи ҳамро – қизил лола
Настаран – гул номи
Музтариб – изтироб чекувчи, паришон, бетоқат, беқарор
Турра – кокил, соч ўримлари; зулф
Ошуфта – гирифтор, девона, ошиқ
Савдо – ишқ-муҳаббат, шайдолик; касаллик номи
Кофурий – оқ хушбўй модда (кофур)га ўхшаш
Марҳун – гаровга қўйилган, гаровга берилган
Қадаҳполо – май сузгич
Нишот – шодлик, хурсандлик
Андуҳзо – ғам орттирувчи, қайғу келтирувчи
Нишотафзо – хурсандлик пайдо қилувчи
Билтурғи – бултурги, ўтган йилги

Ғазалнинг насрий баёни

1. Таралаётган хушбўй ҳидни шамол келтираётгани йўқ, балки Лайло ўз сунбул сочларини ёйган, тоғда очилган қизил лола эмас, балки уни Мажнуннинг қони қизартирган.

2. Настарин гулининг кўзгусида аслида бир томондан мен, бир томондан ёрим туриб, чеҳранинг аксини намоён қилганмиз, бу асло раъно гулининг акси эмас.

3. Боғ ичра ёримни гулга ўхшатгани учун бетоқат ва беқарор бўлган қуш бу кўнглим қушидир, булбули шайдо эмас.

4. Сунбул гулининг устидан шамол эсгач, нигоримнинг кокилини ёдга олдим ва димоғим ошуфта, яъни ақлим паришон бўлди, бу асло касалликдан эмас.

5. Наргис гулининг олтин жоми олдида менинг жоним гаровга қўйилган ҳарир пардага ўхшайди, буни сиз май сузгич деб ўйламанг.

6. Фиғонларингда булбулнинг ноласидек шодлик йўқ, деб айтма, агар унинг ноласи хурсандлик пайдо қилмаса, менинг фиғонларим ҳам қайғу келтирувчи эмас.

7. Кўнглим бўстонида гулни сарв устида деб тасаввур қилиб кўрдим, лекин ростини айтсам, у менинг гул юзли сарвқомат ёримдек зебо эмас экан.

8. Эй шўхлар, ҳуснингизга бу қадар мағрур бўлманг, боғ орасида сиз каби булгурги гул йўқ.

9. Менга гул юзли соқий, булбулга эса гул қадаҳ тутди, у ҳам Навоийдек маст, лекин у каби расво эмас.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти:

Ушбу ғазал мавзусига кўра ошиқона бўлса-да, унда табиат тасвири ёр гўзаллиги ва ошиқ руҳий ҳолати таърифи билан уйғунлашиб кетган, шу маънода у кўпроқ пейзаж йўналишидаги шеърларни эслатади. Ғазал услубан таъриф ва тавсифнинг умумлашмасидан иборат: унда инсоний сифатлар ҳам, табиат манзаралари ҳам, ошиқнинг изтиробли туйғулари баёни ҳам бирдай объект бўлиб хизмат қилган.

Ғазалнинг ўзига хослиги ва Навоий даҳосининг буюклиги шундаки, унда зоҳирий ва ботиний маънолар, яъни мажозий ишқ ва илоҳий ишқ тасвири бир-бирига қарама қарши қўйилмайди, аксинча ҳар икки маъно бир- бирини тўлдириб, уйғунлашиб кетади. Бошқача қилиб айтганда, бир ғазалнинг ўзида мажозий ишқ тасвиридан илоҳий ишқ тасвирига ёки аксинча ҳолатга ўтилади, китобхон гоҳ бу маънодан, гоҳ у маънодан, гоҳ ҳар иккисидан завқлана олади (Н.Комилов).

Ғазал матлаъсида мумтоз адабиётдаги анъанавий ошиқ-маъшуқ образлари лирик қаҳрамон ва унинг севгилиси тимсолини ифодалаб келади, унга кўра баҳор фаслида ҳавонинг гуллар воситасида хушбўй ҳид таратиши табиат ҳодисаси бўлмай, балки Лайлонинг сунбулдек сочидан таралган ифордандир. Тоғ бағридаги қизиллик ҳам Лайло ишқида кўкси яра бўлган Мажнуннинг қонидан, лолаларнинг қип-қизил бўлиб очилиб ётишидан эмас.

Навбатдаги байтда гули раъно ва унга хос тасвир тимсоли етакчилик қилади:

Настаран кўзгусида бир сари мен, бир сари ёр
Чеҳра аксин кўргузуптурбиз гули раъно эмас.

Унга кўра, ошиқ ва маъшуқа чеҳрасининг кўзгудаги акси раъно гулини эслатади. Савол туғилади: нима учун айнан раъно гули? Чунки раъногулда қизил ва сариқ ранг омухта бўлган. Шоир гулдаги бу хусусиятни ҳисобга олиб, унинг қизиллигини ёрнинг чеҳрасига, сариқ рангини эса ўзининг заъфарон юзига қиёс қиляпти. Байтнинг ботиний маъноси ҳам бор. Раъногул тасаввуфда улуғвор гўзаллик, мутлақ жамол (Яратган)нинг рамзини ифодалайди. Шунга асосланиб, байтни қуйидагича талқин қилиш ҳам мумкин:

Настарин гулининг кўзгусида бир томондан мен, бир томондан ёрим туриб, чеҳранинг аксини намоён қилганимиз, лекин бу ҳали раъно гули дегани эмас, яъни ҳақиқий ишқнинг мазҳари эмас: ҳали бизнинг ишқимиз мажозий бўлиб, комиллик касб этгани, яъни камолотга эришгани йўқ.

Сунбул устидин насим эскач, нигорим туррасин
Ёд қилдимким, димоғ ошуфтадур, савдо эмас.

Байтнинг зоҳирий маъносига кўра, сунбул гулининг устидан шамол эсгач, нигоримнинг кокилини ёдга олдим ва димоғим ошуфта, яъни ақлим паришон бўлди, бу асло касалликдан эмас.

Ботиний маънога кўра, тасаввуфда зулф паришонлик ва ҳижрон рамзи.

Шу сабабли ошиқнинг ҳоли паришон, ўзи девонаваш. Бу девоналик касалликдан эмас, демоқчи шоир, балки ишқ туфайлидир, зеро ақл жунуни билан ишқ жунунининг фарқи бор.

Бешинчи байтда чиройли поэтик тасвирга гувоҳ бўламиз:

Наргис олтун жомининг оллида кофурий ҳарир
Пардайи жонимдурур марҳун, қадаҳполо эмас.

Байтдаги тасвирга кўра, наргис гулининг олтин жоми ёнида турган нарса май сузгич эмас, балки ошиқнинг гаровга қўйилган нозик жонидир. Ушбу тасвирни конкретлаштиришга ҳаракат қиламиз. Маълумки, мумтоз адабиётимизда наргис гули кенг қўлланилган тимсоллардан бўлиб, у кўпроқ ёрнинг кўзига нисбат берилган. Ушбу ғазалда эса наргис гулининг косаси олтин қадаҳга ўхшатилган. Наргис гули баҳор фаслида гуллаган вақтида, поясининг пастки қисмидаги бандли, патсимон оқ рангли барглари қуриб қолади. Шоир бу ўринда ана шу баҳорий ҳодисага ишора қилади: наргиснинг олтин жоми олдида турган оқ хушбўй баргларини май сузгич деб ўйламанг (қадимда майни унинг қуйқаси, яъни дурдидан тозалаш учун усти оқ нафис мато ёки докадан ўтказиб, сузганлар), у менинг гаровга олинган нозик жонимдир. Одатда, гаровга олинган нарса, омонат бўлади, шоир ушбу омонатлиликни наргиснинг гуллагандан кейин қуриб, тўкилиб кетадиган нимжон баргларига ўхшатяпти. Ошиқнинг жони ишқ йўлида шунчалик омонат...

Мақтаъдан аввалги байт навоийёна фалсафанинг бадиий талқинини ўзида акс эттиради:

Бўлмангиз мағрури ҳусн, эй шўхларким, боғ аро
Сиз кеби билтурғи гуллардин бири пайдо эмас.

Бу дунё ва ундаги гўзалликлар ўткинчи, улар билан мағрурланиш ярамайди, боғда ҳам ҳар йили янги гуллар очилади, аввалги гуллардан келаси йил ном-нишон ҳам қолмайди, шундай экан, инсон ўткинчи нарсаларга алданиб қолмаслиги, ўзини ҳақиқий ишқ учун тайёрламоғи керак.

Мақтаъ ғазалнинг аввалги байтларига хулоса тарзида янграйди:

Манга гулрух соқию булбулға гул тутти қадаҳ,
Маст эрур ул ҳам Навоийдек, вале расво эмас.

Менга гул юзли соқий, булбулга эса гул қадаҳ тутди, у ҳам Навоийдек маст, лекин у каби расво эмас. Ирфон тилида соқий маърифат майини тарқатувчи, булбул эса ишқ йўлида афғон чекувчи, сукр йўлидаги ошиқ солик (ишқини фарёд чекиб изҳор қилувчи) тимсолини ифодалайди. Демак, байтдан келиб чиқадиган умумий хулоса: Булбул ишқ тўла қадаҳни гулдан олаётган бўлса, ошиқ маърифат майини пири комил қўлидан оляпти. Булбул ҳам ишқ йўлида маст, лекин унинг ишқи лирик қаҳрамон даражасида эмас, у ҳали Навоийдек расво бўлгани йўқ, зеро ошиқликнинг камоли ишқ йўлида қанчалик "расво" бўлганлиги билан белгиланади.

Умуман олганда, ушбу ғазал реал инсоний кечинмалар тасвири билан бирга ҳақиқий ишқ йўлида мутлақ Гўзаллик мазҳарини излаш йўлидаги ошиқнинг мақом босқичларидаги ҳолатларини ҳам ўзида акс эттиради.

БАДАНҒА КЕЛМАДИ...

Баданға келмади то азми кўюнг айлади руҳ
Ки, руҳ шахсини ул ғамза айлади мажруҳ.

Ҳаётбахш эса ул ҳур аксидин бода,
Маҳалли ҳайрат эмас, ҳур аксидиндур руҳ.

Қизарди лолаву сарғарди субҳ хижлатдин,
Бу лолаларки, узорингда очти жоми сабуҳ.

Вафоға ваъда қилиптур деб ўтма, эй қосид,
Худой учун манга кайфиятин дегил машруҳ.

Ҳаёт ёр висолидур, эй кўнгул, йўқ эса,
Сени фироқда фарз айлайинки, бўлдунг Руҳ.

Буюрма тавба яна, носиҳоки, муғбачалар
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида насуҳ.

Фиғонки, тийра кўнгул кунжида ниҳон розим
Пиёла шаъшаъсидин эл ичра топти вузуҳ.

Басо кишики, иши масжид ичра банд ўлди,
Чу очти дайри фано эшигин етишти футуҳ.

Навоиё, недин ул ғамза тийғ тортибдур,
Гар истамаски, кўнгул сайдин айлагай мазбуҳ.

("Ғаройиб ус-сиғар", 102-ғазал)

Луғат

Азм – қарор қилиш, киришиш
Мажруҳ – жароҳатланган
Ғамза – ноз, карашма; бу ўринда ишора
Бода – шароб
Сарғармоқ – сарғаймоқ
Хижлат – хижолат
Сабуҳ – тонг вақти
Узор – юз
Қосид – интилувчи, қасд қилувчи
Машруҳ – шарҳланган, маълум
Носиҳ – насиҳат қилувчи
Тавбаи насуҳ – қатъий, чин дилдан қилинган тавба
Муғбача – май ташувчи бола, оташпараст бола
Тийра – қора, қоронғи
Кунж – бурчак
Шаъшаъа – шуъла, нур, порлаш
Мазбуҳ – бўғизланган, сўйилган, қурбон қилинган

Байтларнинг насрий баёни

1. То сен хоҳламагунингча инсон танасига руҳ келмади. Руҳни Сенинг бир ишоранг мажруҳ қилди.

2. Бода (шароб) ул ҳурнинг аксидан ҳаёт бахш этадиган даражада бўлса, бу ҳайратланарли эмас, чунки аслида руҳ ул ҳурнинг аксидир.

3. Хижолатдан лола қизарди, субҳ – тонг сарғайди, бу шундай лолаларки, Сенинг узоринг – жамолингдан тонг – сабуҳ жомини очди.

4. Сен ёрни вафо қилишга ваъда қилган демагин, эй интилувчи инсон, Худо учун, ҳеч бўлмаса, кайфияти менга маълум – шарҳланган (машруҳ) дегин.

5. Ҳаёт ёрнинг висолидир, эй кўнгил, агар шундай бўлмаса, Сен фироқда бўлсанг ҳам, Руҳ бўлдинг.

6. Мени яна тавба қилишга буюрма, эй насиҳатгўй, муғбачаларнинг – май ташувчи болаларнинг чиройи мени тавба қилишдан тавба қилдирди.

7. Фиғон бўлсинки, менинг қора кўнглимнинг бир четида яширин бўлган розим – сирим, изҳорим пиёланинг шуъласидан эл ичида овоза бўлиб кетди – вузуҳ топди.

8. Масжид ичида банд бўлиб, ибодат қилиб ўтирган киши футуҳ – очиш ҳикмати етишгандан сўнггина дайри фано – бутхона эшигини очди.

9. Навоий, агар ёр кўнгил овини бўғизламоқчи эмас экан, у ҳолда нима учун ғамза – ноз–карашма тиғини тортди?

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Ушбу ғазал ҳамд мавзусида бўлиб, унга Ҳижр сурасининг 28–29-оятлари асос қилиб олинган: “Сен Роббингнинг фаришталарга: “Албатта, мен қуруқ лойдан, ўзгартирилган қора балчиқдан башар яратувчидирман.

Бас, қачонки, уни тўғрилаб бўлганимда ва *ичига Ўз руҳимдан пуфлаганимда (таъкид бизники)* унга сажда қилган ҳолда йиқилингиз", деганини эсла".

Баданға келмади то азми кўюнг айлади руҳ
Ки, руҳ шахсини ул ғамза айлади мажруҳ.

Навоий ғазалнинг биринчи мисрасида Сенинг хоҳишинг бўлмаса, инсонга жон – руҳ ато этилмасди, дея Аллоҳга мурожаат этар экан, иккинчи мисрада инсонга Аллоҳ Ўз руҳидан пуфлаган, демак, у ўз Роббисига етишиш йўлида кўп риёзат чекиши, ошиқлик шартларини бажариши лозимлигини таъкидлаяпти.

Ҳаётбахш эса ул ҳур аксидин бода,
Маҳалли ҳайрат эмас, ҳур аксидиндур руҳ.

Тасаввуф таълимотига кўра, бода, яъни майда Аллоҳнинг жамоли жилва қилади, бу майни ичган инсон соликка – Ҳақ йўлидаги ошиққа айланади. Ошиқнинг кўнгли Аллоҳнинг назари тушганда тирилади (уйғонади). Иккинчи мисрада бунинг ҳайратланадиган жойи йўқлиги айтиляпти, чунки аслида инсон руҳи Ҳур аксидир – унга Аллоҳ Ўз руҳидан пуфлаган. Бунда Навоий сўз ўйини воситасида "руҳ" сўзи ёзилишда "ҳур"нинг тескариси эканлигига ҳам ишора қиляпти.

Қизарди лолаву сарғарди субҳ хижлатдин,
Бу лолаларки, узорингда очти жоми сабуҳ.

Шоир бу ўринда "лола" дея қон бўлган кўнгилни, "сарғарган субҳ" дея ошиқнинг чеҳрасини назарда тутади, иккинчи мисрада "қизарган лолалар"нинг ёр жамолидан тонг жомига айланиши – нурафшон бўлиши мазкур фикрни тасдиқлайди. Чунки ошиқ кўнгли Ҳақ нури тушгач, ёришади, юзи эса айрилиқ ғамидан сарғаяди.

Вафоға ваъда қилиптур деб ўтма, эй қосид,
Худой учун манга кайфиятин дегил машруҳ.

Тасаввуфда ориф маърифатга эришган инсон ҳисобланиб, у Ҳақни англаб бораётган қиёфада намоён бўлади. Навоий бу ўринда мана шунга ишора қилади: солик ошиқ экан, демак, Ҳақ – маъшуқдир. Ошиқ тарафдан фақат вафо шарт, маъшуқда ҳеч қандай мажбурият, тобелик йўқ. Байтда ёр васлини мақсад қилган қосидга ушбу вазиятнинг "маъшуқ менга вафо ваъда қилган, демагин, балки унинг кайфияти – маъшуқнинг ҳеч нарсага тобе эмаслиги менга шарҳланган, дегин" тарзида уқтирилиши ҳақиқий ошиқ ўзлигидан мутлақо воз кечиши лозимлигини англатади.

Ҳаёт ёр висолидур, эй кўнгул, йўқ эса,
Сени фироқда фарз айлайинки, бўлдунг Руҳ.

Шоир мазкур байтда ҳаётни ёр висоли, дея таърифлаяпти. Бу бир қарашда мантиққа тўғри келмайдигандек туюлади, яъни тасаввуфда Ҳаққа етишиш учун инсон бир умр ин-

тилиши, ўзини поклаши керак, тирикликда Ҳақ васлига етишиш мумкин эмас. Бу ўринда Навоий ўз фикрини яна “Аллоҳ Ўз руҳидан инсоннинг ичига пуфлагани” билан боғлиқ равишда исботлайди, яъни инсон фироқда – айриликда бўлса-да, унда Аллоҳнинг заррaси мавжуд (“ваҳдатул вужуд” – борлиқнинг ягоналиги ҳақидаги таълимот), демак, инсон мавжуд экан, у Ёрни ҳис эта олиши мумкин, фақат бунинг учун қалбни, ботинни поклаши керак, демак ҳақиқий ишққа эришиши зарур.

Буюрма тавба яна, носиҳоки, муғбачалар
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида насуҳ.

Ҳақ ишқида маст бўлган ошиқнинг аҳволини насиҳатгўй – носиҳ билмайди, у зоҳирга қараб хуло-са чиқариш билан банд. Шунинг учун у ошиқдан тавба қилишини талаб қилади. Лекин ошиқни муғ-бачалар маст қилиб ташлаганки, у қайта тавба қил-маслик учун тавба қилган. Мусулмон Шарқи мумтоз адабиётидаги рамзий тимсол ҳисобланган муғбача Ҳақ ишқидан сабоқ берувчи, покланиш йўлини ўргатувчи муршид ҳамда ишқда юқори мақомга етган солик маъносида қўлланади. Демак, шоир бу ўринда ўз устозидан ёки камолот соҳибларидан ишқ сабоғини олганлигини айтиб, риёкорона тавбадан воз кечганлигини ифодаламоқда.

Фиғонки, тийра кўнгул кунжида ниҳон розим
Пиёла шаъшаъсидин эл ичра топти вузуҳ.

Қорайган кўнгил четида Ҳаққа бўлган ишқ изҳори пинҳон эди, бу сирни ошкор қилиш мумкин эмас, чунки ошиқ ўз ишқини изҳор қилиб, кўз-кўз қилса, бу ҳақиқий ишқ ҳисобланмайди. Афсуски, бу ишқ бутун элга ошкору овоза бўлди. Чунки пиёла шуъласини пинҳон тутиш мумкин бўлмади. Пиёла деганда шоир Ҳақ ишқи жилва қилган кўнгилни назарда тутади. Демак, Ҳақ ишқи порлаган қалбнинг нури унинг ишқини элга маълум қилиб қўйди, бундан ўз муҳаббатини пинҳон бўлишини истаган ошиқ изтироб чекади.

Басо кишики, иши масжид ичра банд ўлди,
Чу очти дайри фано эшигин етишти футуҳ.

Масжидда тоату ибодатда банд бўлган инсон дайр эшигини футуҳга эришгандагина очади, чунки дайр (бутхона) деганда шоир Ҳаққа ошиқ бўлганлар тарбия этиладиган масканни назарда тутади. Масжидда ҳиссиз ибодат билан банд бўлгандан кўра Ҳақни ҳис этиб, Унга юзланиб итоатда бўлиш фақат Аллоҳдан футуҳ келгандагина юз бериши таъкидланяпти.

Навоиё, недин ул ғамза тийғ тортибдур,
Гар истамаски, кўнгул сайдин айлагай мазбуҳ.

Ёр деганда Ҳақ назарда тутилар экан, “ёрнинг ғамзаси” Аллоҳнинг борлиқда акс этган қудрати ва нурини ифодалайди. Навоий мақтаъда Ёрнинг ғамзаси тиғ тортиб, кўнгилни қурбон қилиши сабабини таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Бу ўринда тасаввуфдаги “ўз-

ликдан кечиб, Ўзликка етишиш”, яъни ўзни маҳв қилиб Ҳақ билан бирлашиш ғояси акс этмоқда. Чунки ошиқ ўз хоҳишларидан, нафсидан, ўзлигидан, кибридан воз кечмагунча Ҳаққа чинакам ошиқ бўла олмайди, шунинг учун “Ёр ғамза тиғини тортиб, кўнгилни қурбон қилади”, натижада ошиқ фақат маъшуқнинг ёди ва Унинг сифатлари билан яшай бошлайди. Масаланинг савол шаклида берилиши бежиз бўлмай, бу мумтоз адабиётда тажоҳули ориф санъати ҳисобланади, унинг моҳиятида маълум воқеликни сўроққа олиш воситасида тасвир ва ифодадаги бадиий таъсирчанликка эришилади.

Бундай бадиий таъсирчанликни бутун ғазал давомида ҳис қилишимиз мумкин.

КЎНГУЛНИ МУҒБАЧА ОЛДИ...

Кўнгулни муғбача олди муғона тут ақдоҳ
Ки, йўқ салоҳ ила бўлмоғлиқ эмди бизга салоҳ.

Бир ой фироқида бехудлуғ истарам тўла тут,
Агар қилиб эсанг афлок жирмидин ақдоҳ.

Ҳалол бўлди хароботи ишқ аҳлиға май,
Тутарбиз аҳли вараъ, кимки ани тутса мубоҳ.

Ҳаётбахш лабинг руҳ эмиштук, эй соқий,
Магарки “вов”ини иълол этиб, қилибсен роҳ.

Йўқ эрса жисмда ул ҳосил айлаган қондин,
Ҳаким не учун ажзосини деди арвоҳ.

Сабоҳ майкада боғлиғдуру хуморим тунд,
Таажжуб этманг, агар зикрим ўлса, “Ё Фаттоҳ”.

Не эрди майкада ғавғоси, раз қизин гўё
Бу шом қилди Навоийға пири дайр никоҳ.

Луғат
Муғбача – май ташувчи бола, оташпараст бола
Муғона – муғларга хос
Ақдоҳ – қадаҳлар
Салоҳ – яхшилик, фойда, наф
Афлок жирми – осмон жисмлари
Бехудлик – ўзни йўқотиш, ҳушсизлик
Роҳ – шароб, май
Вараъ – тақво, парҳез
Иълол – ўзгартириш
Ажзо – қисм, бўлаклар
Сабоҳ – тонг

Тунд – тез, қаттиқ, шиддатли
Раз – узум
Майкада – майхона, май сотиладиган жой.
Дайр – бутхона

Байтларнинг насрий баёни

1. Май ташувчи бола кўнгилни забт этди, қадаҳларни муғларга хос тўлдириб, бизга тут, биз маст бўлдик ва энди дунё яхшиликларидан умид қилиш бизнинг ишимиз эмас.

2. Бир ойнинг – гўзалнинг фироқу айрилиғини унутиб, маст бўлишни истайман, менга фалакларда кезиб юрадиган осмон жисмлари (сайёралар) катталигидек қадаҳ тут.

3. Харобат аҳли учун май ичиш ҳалол бўлди, агар кимки май ичишни мубоҳ, яъни гуноҳ ва савоб бўлмайдиган амал, деб билса, уни аҳли вараъ – тақво аҳли, деб биламиз.

4. Эй май қуювчи, ҳаётбахш лабинг руҳ кабидир, чунки унинг “вов”ини ўзгартирсанг, у “роҳ”, яъни шаробга айланади.

5. Агар шундай бўлмаса, сенинг лабинг жисмимда пайдо қилган қоннинг томчиларини нима учун Ҳаким арвоҳ – руҳлар, деди?

6. Тонгда майхона қулф экан, менда май ичиш истаги хумор қилар эди, бундан ғамга тушдим, энди “Ё Фаттоҳ”, яъни “Эй очувчи”, дея зикр қилсам, ажабланманг.

7. Майхона ғавғоси нима бўлибди, ахир бу оқшомда бутхонанинг пири раз, яъни узум қизини Навоийга никоҳлаб берди.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали риндона мазмунда бўлиб, унда кенг қўлланилган рамз ва тимсоллар ғазалнинг бадиий таъсирчанлиги, тахайюл ифодаси ва ҳиссиётнинг равон тасвири учун хизмат қилган. Байтларда келган ***қадаҳ, муғ, муғбача, соқий, бехудлик, дайр*** каби тушунчалар илоҳий ишқ қудратини англатишга қаратилган. Ғазалда ушбу тушунчалар воситасида Ҳаққа бўлган ишқнинг кучи, унинг ҳамма нарсадан устун эканлиги, бу ишқ соҳиблари дунёнинг ҳар қандай ташвишларидан юқори туришлари, улар учун Ҳақ васлидан бўлак мақсад бўлмаслиги ифодаланган.

Кўнгулни муғбача олди муғона тут ақдоҳ
Ки, йўқ салоҳ ила бўлмоғлиқ эмди бизга салоҳ.

Маълумки, муғ оташпарастлар ибодатхонаси руҳонийси ҳисобланади. Муғнинг вазифаси олов ёқиш, диний маросим ва ибодатларни ўтказишдир. Навоийнинг ушбу ғазалда муғ ва муғбача тимсолини танлаши бежиз бўлмай, бу бевосита шеърнинг ғоявий мазмуни билан алоқадор. Муғ тимсоли орқали Навоий Аллоҳ ишқидан қалбда олов ёқувчи пири муршидни назарда тутади. Муғона, яъни муғларга хос оловли қадаҳ майини ичгандан сўнг дунё ишлари ошиқ учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Иккинчи мисрада “йўқ салоҳ ила бўлмоғлиғ эмди бизга” дейилганда мана шу назарда тутилган.

Бир ой фироқида бехудлуғ истарам тўла тут,
Агар қилиб эсанг афлок жирмидин ақдоҳ.

Ошиқ ёрнинг фироқида изтироб чекади, бу аламни унутиш учун май ичишни истайди, шунинг учун у “афлок жирми”, яъни осмон жисмлари – сайёралардек келадиган қадаҳларда май берсалар ҳам, ичишни қасд қилган. Бу ўринда фалакка урғу берилиши тасодифий бўлмай, шоир сўз ўйини воситасида “бир ой”нинг осмон жисми маъносини ҳам билдириб келишига ишора қилади.

Ҳалол бўлди хароботи ишқ аҳлиға май,
Тутарбиз аҳли вараъ, кимки ани тутса мубоҳ.

Тасаввуфда харобат аҳли дейилганда Ҳақ ишқи йўлидаги соликлар тушунилади. Нега айнан “харобат аҳли”? Аввало, Ҳаққа эришган, ўзини англаган инсон дунё алалоқибат харобликка юз тутишини ҳам қалбан, ҳам ақлан яхши ҳис қилади, англайди. Улар ўзларини мана шу харобада қолган фақирлар эканлигини биладилар ва Ҳаққа етишиш учун интиладилар. Қолаверса, дунёни аслича тушунганлари учун ҳашамга эътибор бермайдилар, демак, улар эл кўзи учун харобат аҳлидир. Нима учун уларга май ичиш ҳалол бўлди? Албатта, май дейилганда Ҳақ ишқи назарда тутилмоқда, чунки ўзини англаган инсон табиий равишда илоҳий муҳаббат йўлига ўтади. Харобат аҳли май ичишни мумкин деб ҳисоблаганларни, яъни Ҳақ ишқини ҳис этган ва билган ошиқу орифларни аҳли вараъ, яъни покдомон инсонлар, деб биладилар.

Ҳаётбахш лабинг руҳ эмиштук, эй соқий,
Магарки вовини иъълол этиб қилибсен роҳ.

Мазкур байтда шоир соқийга – пири муршидга мурожаат қилади. Соқийнинг лаби ҳаётбахш – ўликларга жон бағишловчи экан. Нега айнан “лаб”? Чунки бу лабдан фақат ишқ сўзи тўкилади, чунки бу лаб фақат ҳақиқатдан, инсон ақлу шуури ожиз бўлган юксаклик, камолотдан сўз айтади. Бу сўзлар қалбни тирилтиради. Шоир биринчи мисрада айтган фикрини иккинчи мисрада муаммо санъатидан фойдаланган ҳолда исботлайди: араб алифбосида “руҳ” сўзи روح тарзида ёзилади, агар و ҳарфи алиф билан алмаштирилса, у ر/ح, яъни “шароб” га айланади. Демак, соқийнинг лаби руҳ эканлиги бежиз эмас, чунки шу лаб орқали ишқни топиш мумкин.

Шу ўринда муаммонинг шеър таркибида келаётганига гувоҳ бўламиз. Муаммо арабий ҳарфларни турли усуллар билан ўзгартириш: олиб ташлаш, қўшиш ёрдамида бирор сўзни байт ичига яширишни англатади. Агар у мустақил ҳолда келса, алоҳида шеърий жанр, агар муайян шеър таркибида келса, бадиий санъат ҳисобланади. Бу ўринда муаммо бадиий санъат сифатида келган.

Йўқ эрса жисмда ул ҳосил айлаган қондин,
Ҳаким не учун ажзосини деди арвоҳ.

Мазкур байтда шоир ўзининг аввалги фикрини исботлашда давом этади. Нима учун соқийнинг лаби жисмда қон пайдо қилади? Чунки бу лабдан чиққан ҳаётбахш сўз ошиқ учун ҳақиқатни англатади, Ҳақни англаган ошиқ энди ёр васли истагида бетоқат бўла бошлайди, ҳижрон дардига мубтало бўлади. Демак, энди унинг қалби ҳажр қонига тўлади, бу

қалбнинг тирилгани ҳисобланади. Чунки ўлик қалб изтироб чекмайди. Жисмда пайдо бўлган қон ажзоси – жузлари, қисмлари, яъни томчилари руҳлардир. Чунки ҳар томчи қон ёр ҳажрида Унинг номини зикр этади. Шу ўринда Мансур Ҳаллож тақдири билан боғлиқ воқеани эслаш байт мазмунини аниқроқ тушунишга ёрдам беради. Ривоятларда келтирилишича, Мансурни дорга осиб, терисини шилганларида ҳар бир зарра қони "Аллоҳ" деб сачраган экан. Чунки унинг бутун борлиғи Аллоҳ зикрини ўзига сингдириб олган эди. Навоий бу ўринда лабнинг қизиллиги қон ранги билан уйғунлик ҳосил қилишини ҳам назарда тутган.

Сабоҳ майкада боғлиғдуру хуморим тунд,
Таажжуб этманг, агар зикрим ўлса, ё Фаттоҳ.

Майхонанинг қулф эканлиги инсон қалбининг ҳаёт ташвишлари туфайли гоҳо ғамга тушиб, қорайиб қолишига ишора. Тонг деганда умрнинг ёшлик даври назарда тутилади. Инсон яшар экан, ўзини англаган ондан Ҳақни севишни, унга ошиқ бўлишни истайди, ўзининг чексиз даражада гуноҳкор эканлигини ҳис этади. Шунинг учун Аллоҳдан қалбини очишини сўраб илтижо қилади. Ғафлатдан қутқаришини ўтинади. Мазкур байтда шоир шу ҳолатга ишора қилиб, қалбини очишини сўраб, "Ё, Фаттоҳ", дея Аллоҳнинг сифатларидан бирини келтириш орқали ўзининг Ҳаққа тавалло қилаётганини ифодаяпти.

Не эрди майкада ғавғоси, раз қизин гўё
Бу шом қилди Навоийға пири дайр никоҳ.

Тонгда лирик қаҳрамон майхонанинг ёпиқ – боғлоғлиғ эканидан изтироб чекиб юрган эди, лекин оқшомга борганда унинг аҳволини кўрган дайр – бутхона пири узум қизини унга никоҳлаб қўйди. Узум қизи деганда май тушунилади. Яъни шоир шомда – умрнинг кўп қисми ўтгандан кейин, ҳақиқатларни кўргандан сўнг дайр пири – пири муршид унга ишқнинг сиридан сабоқ берганлигини маълум қиляпти. Демак, у тонгда – ёшлик йилларида ишқ сирини англамай, майхона можаросини қилиб юрган бўлса, кейинчалик ҳақиқатни англади, раз қизини никоҳига олди, яъни ишққа эришди.

Мундарижа

I
АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИДА МАЗМУН ВА РИТМНИНГ БАДИИЙ УЙҒУНЛИГИ

Кириш 6

БИРИНЧИ БОБ

Вазн – шеърий ритмнинг асоси сифатида 10
Эпик поэзия тарихида вазн ва мазмун мутаносиблиги 17
Xv аср ҳирот адабий муҳити хамсанавислигининг вазн хусусиятлари 24
Туркий эпик поэзия ва алишер навоий “хамса”си: вазн ва мавзу уйғунлиги 30
Анъанавийликдан индивидуалликка ўтишда вазн ва мазмун муносабати 36

ИККИНЧИ БОБ

Навоий “хамса”сида ритмик мувозанат ва мазмун муносабати 47
Қаҳрамонлар руҳиятини очишда ритмик вариацияларнинг ўрни 49
Ритмик воситалар ва мазмун мутаносиблиги 58

УЧИНЧИ БОБ

Ритмик урғу ва мазмун муносабати ритмик урғу – ритмнинг муҳим унсури сифатида 68
Навоий “хамса”сида урғу ва мазмун муштараклиги 72
Хулоса 85
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 88

II
МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

“Хазойин ул-маоний”: тузилиш қонуниятлари, таркибий хусусиятлари 102
Таълим тизимида алишер навоийнинг “сабъаи сайёр” достонини ўқитиш методикасига доир 108
Алишер навоий арузининг тараққиёт босқичлари 119
Алишер навоий ва зокиржон фурқат: арузга доир рисоладан дастхат-конспектгача 129
Алишер навоийнинг қофиядан фойдаланиш маҳорати 135
Абдураҳмон жомий “ашиъат ул-ламаъот” асарининг яратилишида Алишер Навоийнинг ўрни 139
Алишер Навоий мухаммаслари ўз ғазалларига боғланганми? 143
Алишер Навоий “хамса”сини ўрганишда концептуал жадваллардан фойдаланишнинг аҳамияти 149
Алишер Навоийнинг “наводир ун-ниҳоя” девонига доир янгиликлар 157
Алишер Навоийнинг “мезон ул-авзон” асарида халқ қўшиқлари ва аруз

вазни муносабати 166
“Хазойин ул-маоний” куллиётидаги мусамманнинг яратилиш хусусиятлари 171
Алишер Навоийнинг шоҳ ғариб мирзога бағишланган таркиббанд-марсияси хусусида .. 176

Мухлислар томонидан тузилган девонлар: талқин, таҳлил ва таҳрир 181
“Айёми висол ўлди яна” 183
Дастлабки девонлардан “хазойин ул-маоний”гача 184
Хулоса 189
“Мезон ул-авзон” учун асос бўлган назарий манбаларнинг компаративистик таҳлили 191
Алишер навоий “хамса”сининг усмонли турк адабиётига таъсири 205

III
Ғазаллар шарҳи

Эл парию ҳурни дегай... 211
Юзи давринда қиронму 213
Тун оқшом бўлдию... 215
Баҳор сенсиз ўлуптур... 218
Нега кўргузди сариғ оҳу... 221
Эй орази насрин... 224
Сарви озодимни боғ ичра... 227
Ёр бордию 229
Ёр келса дўстлар... 232
Юзунг кўзгусидин... 235
Чун кулар ёни... 238
Эй навбаҳори оразинг... 241
Кўргали ҳуснунгни... 244
Хўблар минг бўлсалар 246
Ошиқ ўлдум, билмадим 248
Эл дарди ёрдин кам ўлур 250
Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок 253
Бўлса икимизнинг юзи 255
Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор 258
Кўнглум ўртансун... 260
Бедилинг хайли русул 263
Бормаким, бир дам ўзумни... 267
Манга ўлмаклик эрур... 269
Ҳар кўнгул ороми... 271
Номаси қўйнумда баским... 274
Ишқ сиррин... 277
Ишқ аро васлинг тилаб... 280
Кимга бир мажлисда... 283
Дўстлар, бир чора... 286
Ваҳ, неча жисмимни 289
Мутрибо, ғам базмида... 292

Келгуси ул сарви сийминбар... 295
Не лутф эдики... 298
Ёр чун истарки... 301
Қон ёшим сориғ юз узра... 304
Унутмоғилки то ҳажр этти... 307
Меҳнат ўтидин... 310
Тонг насимин сойир эткан... 313
Ёр оғиз очмасқа... 316
Сунбулин лайло очиптур... 318
Баданға келмади... 322
Кўнгулни муғбача олди... 326

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Дилнавоз Юсупова: Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги; Мақолалар тўплами; Ғазаллар шарҳи; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 336 бет.

Ж.27: Дилнавоз Юсупова: Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги; Мақолалар тўплами; Ғазаллар шарҳи. 336 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Йигирма еттинчи жилд

Дилнавоз Юсупова

АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИДА МАЗМУН ВА РИТМНИНГ БАДИИЙ УЙҒУНЛИГИ

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

ҒАЗАЛЛАР ШАРҲИ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
02.10.2013 йилда берилган.
Босишга рухсат этилди 15.07.2021 й. Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. Шартли босма табоғи 21.
Нашриёт табоғи 21 Адади 1 000 нусха.